

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Тадбиркорлик ҳукуки

(махсус қисм)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ДАРСЛИК СИФАТИДА
ТАВСИЯ ЭТИЛГАН**

ТОШКЕНТ 2002

К И Р И Ш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини мукаммал ўрганишни ва амалиётга татбиқ этишнинг самарадорлигини оширишни тақозо этади. Ижтимоий ҳаётнинг ўзи ҳам биринчи галда тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг жадал ривожланиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит ва кафолатларни яратишни зарурият қилиб қўймокда.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «...кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўғин, балки ахоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омили ҳам бўлиши даркор»¹.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун тегишли меъёрий ҳуқуқий асослар яратилган. Шу билан биргаликда, қонун ҳужжатларини амалиётга қўллаш тажрибаси шуни кўрсатаяптики, уларни ҳаёт талаби асосида такомиллаштириш ҳамда уни татбиқ этишнинг самарадорлигини ошириш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Айниқса, тадбиркорлик ҳуқуки бозор шароитида муҳим ҳуқуқий институт сифатида кенг доирадаги масалаларни қамраб олганлиги сабабли, бу борадаги билимлардан хабардор бўлиш мақсадида турли хил дарслик, қўлланма, тўпламларга эҳтиёж каттадир. Тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш энг муҳим вазифалардан бирига айланмоқда. Тадбиркорлик ҳуқуки асосларини олий, ўрта ва маҳсус ўқув юртларида ўқитишнинг яхши йўлга қўйилиши талаб этилаётганлиги ўз навбатида бундай дарсликларни нашр қилиш зарурияти мавжудлигини ҳам кўрсатмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек, «...малакали ҳуқуқшуносларни тарбиялаш ҳамон эскича олиб борилмоқда, ўқитиш дастурларининг сифати, айниқса, ҳуқуқнинг янги устувор йўналишлари бўйича замонавий талабларга жавоб бермайди»².

Тадбиркорлик ҳуқуки бозор муносабатларининг қарор топиши билан узвий боғлиқ бўлиб, динамик ривожланиб бораётган ҳуқуқ тармоғи хисобланади. Бу ҳуқуқ соҳаси тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларнинг таркиб топиши ва ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Тадбиркорлик ҳуқуки соҳаси ҳуқуқ тизимида янги йўналиш бўлганлиги сабабли, уни илмий, ўқув–услубий нуқтаи назардан ҳар томонлама ўрганиш заруриятдир. Ўз навбатида, тадбиркорлик ҳуқуки бошқа турдош ҳуқуқ соҳалари билан узвий боғлиқ ҳолда ва бир-биридан фарқли хусусиятлари таҳлил этилган ҳолда ривожлантирилмоғи лозим.

Тадбиркорлик ҳуқуқига бағишланган китобнинг ушбу маҳсус қисмида қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш, қурилиш

¹ Каримов И.А. Жамиятда тадбиркорлик рухини қарор топтириш-тараққиёт гарови // Халқ сўзи – 2001 – 18 июл.

² Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигига // Халқ сўзи – 2001 – 30 август.

соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг қоидалари, чет эл инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш шакллари ва асослари, алоқа, энергетика, транспорт, саноат соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиниши, биржа фаолияти билан боғлиқ тадбиркорликнинг ҳуқуқий қоидалари, тадбиркорлик субъектларининг божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш қоидалари, тадбиркорликда ташқи иқтисодий алоқаларнинг ҳуқуқий қоидалари, тадбиркорлик соҳасида аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари, тадбиркорлик соҳасида реклама ҳуқуқининг асослари, тадбиркорлик фаолиятини ахборот билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари, тадбиркорлик фаолиятини кредитлашнинг ҳуқуқий тартиби, тадбиркорлик соҳасида суғуртанинг ҳуқуқий қоидалари, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий асослари, тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик, тадбиркорлик соҳасида жиноий жавобгарлик, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби масалалар ёритиб берилган. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларни чукур англаш, амалиётдаги муаммоларни тўғри ҳал қилиш, бунинг учун эса зарур ҳуқуқий воситалардан унумли фойдаланиш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий қоидаларини тушуниб олиш учун олий ўқув юртлари, хусусан, юридик ўқув юртларининг талабалари юқори билим ва қобилиятга эга бўлишлари лозим. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш тараққиёт гарови эканлигини нафақат тадбиркорлар ҳар томонлама англаши, балки бунинг учун ҳуқуқшунос ходимлар ҳам тадбиркорлик ҳуқуқининг асосларини пухта билиши ва уни амалиётга қўллаш самарадорлигини ошириш талаб этилади.

Юқорида қайд этилганларга асосан, тадбиркорлик ҳуқуқи асосларининг ҳуқуқшунос мутахассислар ва талабалар томонидан ҳар томонлама чукур ўрганилиши ва қонун ҳужжатларини қўллашнинг самарали таъминланиши мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Мазкур дарслик тузилишига кўра ва айрим масалаларни баён қилиш услуги жиҳатидан муайян камчиликлардан холи эмас. Шу сабабли, муаллифлар жамоаси дарсликда баён этилган масалалар юзасидан мутахассислар ва кўп сонли ўқувчиларнинг таклиф ва истакларини мамнуният билан қабул қиласи ва унинг қайта нашрларини тайёрлашда эътиборга олади деб, ишонч билдиради.

I боб. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш

1§. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолияти тушунчаси ва моҳияти

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик қишлоқ хўжалиги субъектларининг ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш ҳамда фойда ёки даромад олишга қаратилган амалдаги қонунлар доирасидаги ташаббускорлик билан фаолият кўрсатишидир.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишда муҳим ўрин тутади. Шу сабабли, Фуқаролик кодекси қишлоқ хўжалик тадбиркорлигининг икки хил кўринишини, биринчидан, оддий шаклдаги, яъни якка тартибдаги тадбиркорлик – дехқон хўжалигини юридик шахс тузмасдан амалга ошириш; иккинчидан, мураккаб шаклдаги юридик шахс тузган ҳолда, дехқон хўжалигини, фермер хўжалигини, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), ижара корхонаси, акциядорлик жамиятлари, чет эл инвестицияси иштироқидаги қишлоқ хўжалик корхоналари, кичик корхоналар, унитар корхоналар ташкил қилиб, хўжалик фаолиятини юритишни назарда тутади.

Фуқаролик кодексининг 24-моддасига кўра, фуқаро якка тадбиркор сифатида давлат рўҳатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир.

Фуқароларнинг юридик шахс ташкил этмасдан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятига нисбатан, агар қонун хужжатларидан ёки ҳуқуқий муносабат моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, ушбу Кодекснинг қоидалари қўлланилади.

Юридик шахс ташкил этмасдан ушбу модданинг биринчи қисми талабларини бузган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган фуқаро тузган битимлар хусусида ўзининг тадбиркор эмаслигини важ килиб кўрсатишга ҳақли эмас. Суд бундай битимларга нисбатан ФКнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ мажбурияти тўғрисидаги қоидаларини қўллаши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида якка тартибда тадбиркорлик мулкий муносабатларда фойда олиш мақсадида ҳар бир шахс ўз номидан таваккалчилик асосида фаолият юритишидан иборатдир. Тадбиркор кредиторлари олдида ўз қарзлари бўйича нафақат тадбиркорликни амалга ошириш билан боғлиқ мол-мулк ҳисобидан, шунингдек ўзига тегишли бошқа мол-мулклари билан ҳам жавоб беради.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолияти билан 18 ёшга тўлган ва бу ёшга тўлмасдан никоҳдан ўтган ёки вояга етмасдан 16 ёшидан эмансипация қилинган, яъни тўлиқ муомалага таёқатли деб тан олинган фуқаролар шуғулланишлари мумкин. 14 ёшдан 18 ёшгача ёки спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш натижасида муомалага лаёқати чекланган вояга етган шахслар тадбиркорлик фаолияти билан қонуний вакиллари, ота-она,

фарзандликка олувчилар ёки васийларнинг розилиги билан шуғуланишлари мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўтмишда юридик шахсни ташкил этмасдан туриб, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган фуқаро ёлланма меҳнатни жалб қилиш ҳуқуқига эга эмас эди. Ҳозирги пайтда Фуқаролик кодекси 26-моддасининг 3-қисмига ва 56-модданинг 1-қисмига мувофиқ ёлланма меҳнатни жалб қилишга рухсат берилади.

Мураккаб шаклдаги юридик шахсни ташкил қилган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини юритувчилар ўзининг субъект таркибига кўра хилма-хил фаолиятни амалга оширувчи тижоратчи қишлоқ хўжалик корхоналари ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятининг амалда ҳамма кўриниши намоён бўлади. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик субъектларининг тижоратчи корхоналарга бўлиниши уларнинг мулкий ҳуқуқи ва фаолиятининг хусусиятларига қараб белгиланади. Умумий қоидага кўра, тижоратчи ташкилотнинг асосий мақсади фойда олиш ва уни муассислар ўртасида тақсимлашдан иборат.

Қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар асосан тижоратчи ташкилотлардан ташкил топган. Фуқаролик кодексининг 40-моддаси 2-қисмида тижоратчи ташкилотлар ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг тўлиқ рўйхати келтирилган. Бу қишлоқ хўжалигида фаолият юритадиган ишлаб чиқариш тадбиркорлик тузилмаларига ҳам бевосита тааллуклидир. Қоидага асосан, юридик шахснинг номида унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли албатта кўрсатилган бўлиши керак. Бу унинг турли хил ҳуқуқий муносабатларга киришишда контрагентлари учун ҳам зарур бўлиб ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида юридик шахс ташкил қилиб амалга ошириладиган тадбиркорликда унинг фаолиятининг хусусиятлари, ҳуқуқ доираси, мажбурият юзасидан жавоб беришга оид қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ўз ифодасини топиши лозим.

Қишлоқ хўжалик тижоратчи корхоналарининг тадбиркорлик фаолияти муайян принциплар ва шартларга асосан амалга оширилади. Булар жумласига қўйидагилар киради:

биринчидан, ҳар қандай тадбиркорликнинг асосий принципи бўлиб, унинг субъектларнинг хусусан, фуқаролар, уларнинг бирлашмалари, юридик шахсларнинг мустақил ташабbus қўрсатиш фаолияти ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида агар тадбиркор фаолият юритиш учун мустақил ташабbus қўрсата олмаса, у ўз олдига қўйган мақсадга эриша олмайди, ракобатга бардош бера олмайди, натижада банкротга учраши муқаррар. Бундай тижоратчи корхоналарга нисбатан банкротлик ва санацияга оид қонун нормаларининг қоидалари қўлланилади. Бозор шароитида қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини мустақил белгилайди, режалаштиради ва уюштиради. Унинг фаолияти юқори турувчи давлат органлари томонидан режалаштирилишига йўл қўйилмайди. Қишлоқ хўжалик тадбиркорлик тузилмалари ҳуқуқий шакл жиҳатдан ўз фаолиятини юридик шахс ташкил қилиб ёки юридик шахс ташкил қилмасдан амалга оширишидан

қатъий назар, ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотга, хизматга бўлган талабни ҳисобга олиб, таракқиёт истиқболларини ўзлари мустақил ҳолда белгилайди.

Ўз-ўзидан равшанки, ташаббусиз мустақил тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга имконият яратилмайди. Ўтмишда, иқтисодиётдаги фаолият ташаббусга асосланмаганлиги, мустақилликдан маҳрум бўлганлиги учун маъмурий буйруқбозликка бўйсундирилган социалистик «колхоз» ва «совхоз» ишлаб чиқаришининг бошқарув шакллари муваффақиятсизликка учради. Шу сабабли, аграр тармоқда тадбиркорлик мустақиллиги амалдаги қонунлар доирасида амалга оширилиб, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинган тақдирда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарадорлигига эришиш мумкин;

иккинчидан, қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик фаолиятининг оқилона ривожланиши учун нафақат Ўзбекистон Республикаси миқёсида сиёсий, ҳуқуқий ва ахборот майдони зарур, балки жаҳон бозорига чиқиш ҳам самарали ҳуқуқий нормалар билан қатъий мустаҳкамланган бўлиши шарт. Умумбашарий тадбиркорлик фаолияти қайси соҳада амалга оширилишидан қатъий назар, муайян маъмурий-худудий, ҳатто давлат чегараси билан чекланиб қолмаслиги керак. Бошқача айтганда, қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун давлат томонидан ҳар томонлама тент имкониятлар яратилиши иқтисодий ислоҳотларни тармоқда жадаллаштиришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади;

учинчидан, қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда давлатнинг мавқеи алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уни самарали амалга оширишни белгиланган тартибда ҳуқуқий нормаларда ифода этади, муайян салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқий таъминлаш чораларини кўради; алоҳида тадбиркорлик субъектларининг монополистик фаолиятини чеклайди, товар бозорларида соғлом рақобатни ривожлантириш ва тадбиркорликни ҳуқуқий муҳофаза қилишни кафолатлади.

Қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик фаолиятининг муҳим шарти бўлиб, тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳисобланади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин фуқарога тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ҳуқуқ берилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига кўра, дехқон хўжалигининг бошлиғини давлат рўйхатига олиш дехқон хўжалиги бошлиғининг доимий яшаш жойидаги туман ҳокимлиги томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур ҳужжатлар билан биргалиқда ариза берилган пайтдан эътиборан уч кун ичида амалга оширилади. Дехқон хўжалиги бошлиғига ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати ҳамда белгиланган намунадаги давлат рўйхатидан ўтказганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилади. Агар давлат рўйхатига олиш белгиланган муддатда амалга оширилмаган ёки дехқон хўжалиги бошлиғи асоссиз деб ҳисоблайдиган сабабларга кўра рад этилган бўлса, хўжалик бошлиғи судга мурожаат қилиши мумкин.

Кўрғон, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар бир дехқон хўжалигини хўжалик китобига киритиб, унда дехқон хўжалигининг

таркиби, хўжалик бошлиғи ёхуд унинг вазифасини бошқарувчи шахс, шунингдек хўжаликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли (юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки юридик шахс ташкил этмасдан) тўғрисидаги маълумотларни қайд этиб қўяди.

Агар қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик субъекти юридик шахс сифатида ташкил қилинса, уларни рўйхатга олиш тартиби Фуқаролик кодексининг 44-моддасида белгиланган тартибга асосан амалга оширилади. Чунончи, ушбу моддага кўра, юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очик бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахсни ташкил этишининг қонунда белгилаб қўйилган тартибини бузиш ёки унинг таъсис ҳужжатлари қонунга мос келмаслиги юридик шахсни давлат руўхатидан ўтказишнинг рад этилишига сабаб бўлади. Юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик фаолиятининг мазмунини эркин амалга ошириладиган, қонун билан тақиқланмаган фаолият ташкил этади. Шу сабабли, ҳамма қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектларига моддий, молиявий, меҳнат, ахборот ва табиий ресурсларни олишда teng имкониятлар беради. Қоидага кўра, қишлоқ хўжалик тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятлари ҳар хил турдан иборат бўлишидан улар қонун олдида teng ҳуқуқлидир.

Фуқаролик кодексининг 41-моддаси 4-қисмига асосан юридик шахс қонунда рўйхатда белгилаб қўйилган айrim фаолият турлари билан фақат маҳсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тармоқ ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусияти ишлаб чиқаришнинг муҳим воситаси сифатида ердан фойдаланишга асосланади. Бундан ташқари, кенг ҳудудда турли хил агротехник шароитда амалга оширилиши, иш даври билан ишлаб чиқариш вақтининг номутаносиблиги, табиий об-ҳаво шароитига боғлиқлиги, тупроқнинг ҳолати, ернинг ирригация ва мелиоратив ҳолатини инобатга олишнинг зарурлиги шулар жумласидадир. Хуллас, бутун дунёда инсоният яшаши ва эҳтиёжи учун фақат қишлоқ хўжалиги соҳасида дехқон ва фермер ва бошқа хўжаликларни ташкил қилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, яна бир қатор субъектив ва объектив омиллар мавжудки, улар бевосита қишлоқ хўжалик тижорат корхоналари ва тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади.

Шу сабабли, қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг биологик жараёни, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, қишлоқ хўжалигининг давлат томонидан тартибга солишининг устуворлиги, қишлоқ хўжалигининг иқтисодий рақобатбардошлиқ хусусиятлари, қишлоқ

хўжалиги ишлаб чиқаришни соҳалаштириш ва ихтисослаштириш тузилмавий ўзгаришларнинг алоҳида муҳим ўрин тутиши, дехқончиликни ривожлантиришнинг ўта ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга мойиллиги инобатга олиниши лозим.

Қайд этилган ҳар бир омилнинг таъсири билан боғлиқ ҳуқуқий муаммолар қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятларини ёритишида ўз ечимини топиши лозим. Бу эса ўз навбатида, биринчидан ягона, қулай, самарали бозор хўжалигини вужудга келтириб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тадбиркорлик тузилмалари тузилишини жаҳон давлатлари тажрибаси ва ҳуқуқий амалиётга мувофиқлаштирилишини; иккинчидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тузилмаларининг республикамиз иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашда мавқеи ошиши ва уларнинг тадбиркорлик фаолият юритишини ҳуқуқий таъминлашни; учинчидан, қишлоқ хўжалиги тижоратчи корхоналарнинг иқтисодий қарамсизлиги ва хўжалик мустақиллигини ҳамда уларнинг тадбиркорлик ва бизнес соҳасида фаолиятни рағбатлантириш мурватларининг қонуний асосларини мустаҳкамлашни; тўртинчидан, республика қишлоқ хўжалигининг имкониятига, қишлоқ хўжалик тадбиркорларнинг ташаббускорлиги ва дехқонларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини шакллантиришга ҳаққоний баҳо беришни талаб этади.

Қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик фаолиятининг асосий мазмуни шундан иборатки, дехқонларга ўзлариниг тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини рўёбга чиқариш учун кенг эркинлик бериш, ишлаб чиқариш воситаларининг ўз хўжайинига эга бўлиш, ўз меҳнатлариниг провард натижалари бўйича манфаатдорлигини ошириб, ишлаб чиқарган маҳсулотларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқларини кафолатлаш зарур. Қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик фаолиятининг мазмунини тушуниб олишида тармоқдаги турли хил тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида уларнинг тутган ўрни, ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини эътироф этиш улар фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик субъектлари томонидан самарали фаолиятнинг ташкил қилиниши, қишлоқ хўжалигига товар ишлаб чиқарувчилар тадбиркорликнинг принциплари моҳият ва мазмунини чуқур англаган ҳолда, хўжалик фаолиятини юритиши аграр тармоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим гарови бўлиб ҳисобланади.

2§. Қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш

Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш муҳим ўрин тутади. Қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик фаолияти муайян режалаштириш асосида амалга оширилсагина ўз самарасини бериши мумкин. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик

фаолиятини режалаштириш биринчидан, давлат ва унинг органлари томонидан, иккинчидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тадбиркорлик тузилмаларининг бизнес режаларини тузиши орқали амалга оширилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан режалаштириш мажбурий тусга эга бўлмасдан, балки тавсиявий кўринишда бўлади. Бинобарин, бундай режалаштиришнинг моҳияти шундан иборатки, ўтмишда ҳукмон бўлган, яъни маъмурий буйруқбозлика асосланган иқтисодий тизимдан фарқ қилган ҳолда қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолияти давлат режаларига қатъий боғлиқ қилиб қўйилмасдан, ўз ишлаб чиқаришини мустақил ташкил қилиш ва уни ўз манфаатларига мослаб режалаштириш имкониятига эга бўлади. Қишлоқ хўжалик корхоналари тадбиркорлик мустақиллигига эга бўлиб, ўз фаолиятининг самарадорлигини оширишга муайян шароит яратади. Қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектлари режаларини бизнес-режаларида белгилаб олиб, ишлаб чиқариш фаолиятини юритади. Давлат томонидан белигиланадиган режалаштириш мажбурий маъмурий кўрсатмаларга асосланмасдан, балки иқтисодий воситалар ёрдамида ахборот маълумотлари орқали амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигида режалаштиришнинг иқтисодий воситалари бўлиб, тармоқни ривожлантиришга қаратилган инвестициялар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нисбатан давлат истеъмолчи сифатида қатнашиши, давлат солиқ сиёсати, муайян йилларга мўлжалланган давлат дастури асосида тармоқ иқтисодиётини юксалтириш ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда энг аввало, давлат томонидан ривожлантиришнинг истиқболли режалари назарда тутилади. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик руҳини қарор топтириш муаммолари уларни мутлақо янгича ёндашув асосида ҳал қилишни талаб этмоқда. Амалиёт таҳлили кўрсатганидек, узоқ муддатли (3-5 йилгача) ва фьючерс шартномаларини тузишни кенгайтириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни бўнак билан таъминлаш, шунингдек жойларнинг ўзидан маҳсулотни сотиб олишга тўғридан-тўғри шартномаларни кенг қўллаш, ихтисослаштирилган бозордан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг улгуржи сотиб олинадиган ҳажмларини ошириш, улгуржи бозорларда маркетинг хизмати ва товарларни сертификатлашни ташкил этиши транспорт, почта, банк хизматлари ва суғуртани ривожлантиришни таъминлаш лозим.

Қишлоқ хўжалиги ва унинг айрим тармоқларини ривожлантиришни давлат томонидан бошқариш механизми, жумладан, давлат эҳтиёжларига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш тизими янада такомиллаштирилади, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий рафбатлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кучайтирилади ва ҳоказо.

Жойларда ҳуқуқий, иқтисодий ва маркетинг маълумотларини йиғиш ва тарқатиш бўйича маълумот хизматлари тузиш асосида қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларини маълумот билан таъминлашни ташкил этишни яхшилаш чораларини ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Давлат қишлоқ хўжалик тадбиркорлик ишлаб чиқариш тузилмаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя

қилишга кафолатлар беришни уларга бир қатор ҳуқуқларни амалга ошириш имкониятини яратиш орқали таъминлайди.

Бинобарин, давлат қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолияти билан мустақил шуғулланиши, мулкларини ноқонуний олиб қўйишдан ҳимоя қилиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фаолият соҳасини эркин танлаш, мулкларни, ишлаб чиқариш маҳсулотларини даромад (фойда)ни тасарруф этиш, товар бозорларида монополистик фаолиятдан ҳимояланиш, нарх, маҳсулотларни реализация қилиш шакл ва усуллари ҳақидаги масалаларни ҳал этиш, ишлаб чиқариш тизимини ва ходимлар сонини мустақил белгилаш кабиларни кафолатлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 апрелда қабул қилинган «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни 25-моддасига кўра, давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилиш билан шуғулланувчи деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлади. Давлат органлари деҳқон хўжалигини ривожлантириш ва мутсаҳкамлашга кўмаклашишлари лозим.

Шунингдек, ушбу Қонун асосида давлат деҳқон хўжаликларининг манфаатларини назарда тутиб, давлат рўйхатидан ўтказганлик йигимини тўлашдан ва биринчи маротаба томорқа ер участкаси олган бундай хўжаликларни рўйхатга олинган пайтдан эътиборан икки йил муддатга ер солиғидан озод қилишга оид тартибни белгилайди. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан режалаштириш қўйидаги йўналишлар асосида амалга оширилиши мумкин: қишлоқ хўжалик сиёсатини ва уни амалга ошириш тартибини белгилаш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг жорий таҳлили ва истиқболини белгилаш ҳамда рағбатлантириш; мамлакатда озиқ-овқат ресурслари ва ишлаб чиқариш воситаларига оид ахборот-маълумотларини қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектларига етказишни таъминлаш; қишлоқ хўжалигини илмий жиҳатдан таъминлаш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш; қишлоқ хўжалигига устувор тармоқ сифатида давлат ва маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратиш ва уни харажат қилишнинг ижроси юзасидан назоратни амалга ошириш; қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурини ҳаётга татбиқ этиш бўйича қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектларини муайян тавсиялар ишлаб чиқишга фаол жалб этиш; қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озиқ-овқат товарлари стандартларини тартиба солиш; хорижий давлатларда агросаноат ривожланишини қиёсий таҳлил этиб, мамлакатимизда ушбу соҳани жадаллаштиришнинг ижтимоий-иктисодий истиқболларини белгилаш; қишлоқ хўжалигига солик орқали таъсир ўтказиш ва тегишли имтиёзларни бериш; қишлоқ хўжалик, ер ва бошқа тармоққа оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш; давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат контрактини белгилаш, моддий техника ресурслари билан таъминлаш; қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг импорт ва экспорт қилинишини ташкил қилишни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш; қишлоқ хўжалигига мулкий пайларни жорий этиш, қишлоқда хўжалик корхонаси фаолиятининг

пировард натижаларидан манфаатдорликни ошириш мақсадида меҳнатни ташкил этишининг оилавий (жамоа) пурратига асосланган ички хўжалик муносабатларини ривожлантириш; тупроқ эрозиясига қарши курашиш ва мелиоратив тадбирларни ўтказиш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг саноатга асосланган энг замонавий тегнологиясини жорий этиш ҳисобига дехқончилик маданиятини, тупроқ унумдорлигини ошириш чораларини қўриш; қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини самарали юритишнинг асосий мезони сифатида қишлоқ хўжалик экинлари хосилдорлигини оширишни таъминловчи замонавий агротехник қоидалар ва талабларга риоя этиш, пахтачиликни ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини ривожлантириш, маҳаллий тупроқ-икълим шароитига мос районлаштирилган навларни тўғри танлаш ва жойлаштиришни ташкил этиш ва ҳоказо.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан режалаштириш, қоидага кўра, давлат бюджети ҳисобидан ижро ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва унинг жойлардаги худудий органлари ушбу масалалар билан шуғулланувчи органлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига тадбиркорликни давлат томонидан режалаштириш давлат дастури асосида амалга оширилиб, тармоқда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган муайян худудий режалаштириш тадбирларида ҳам ўз ифодасини топиши лозим.

Хозирги шароитда республикамиз вилоятларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, давлат томонидан худудий режалаштириш асосида тадбиркорликни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурига асосан ҳар бир вилоят ва туманларнинг тадбиркорлик фаолиятини режалаштиришнинг жорий ва истиқболга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этиш қишлоқ хўжалигига тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик фаолиятини давлат томнидан режалаштиришни амалиётга татбиқ этишда қишлоқ хўжалик тижоратчи корхоналари томонидан амалга ошириладиган бизнес-режалар алоҳида ўрин тутади. Қишлоқ хўжалигига оид бўлган давлат ёки худудий дастурларнинг бажарилиши энг авввало, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тадбиркорлик тизимлари орқали таъминланади. Қишлоқ хўжалик тижоратчи корхоналари мустақил равишда ишлаб чиқариш ва бошқа фаолиятнинг ҳажмлари, турларини белгилайди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонунининг 20-моддасига асосан, қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) ўз фаолияти йўналишларини ишлаб чиқаришнинг тузилиши ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ўзи етиштираётган маҳсулот сифатига оид амалдаги норматив ва стандартларга, экология, санитарияга оид ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга риоя этиши шарт.

Давлат органлари ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг, шунингдек улар мансабдор шахсларининг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) хўжалик фаолиятига аралашувига йўл қўймайди, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Кези келган келганда шуни таъкидлаш керакки, Қонун қишлоқ хўжалиги кооперативи (шаркат хўжалиги)нинг хўжалик фаолияти деганда, унинг фаолиятини режалаштиришни ҳам кўзда тутади. Демак, ҳар қандай қишлоқ хўжалиги тижоратчи корхонаси, шу жумладан, қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) ўз жамоавий тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мустақил равишда бизнес-режаларини тузишга ҳақлидир; давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан уни ўзгартириш, қўшимчалар киритишга ёки бекор қилишга йўл қўйилмайди; қонун хужжатларида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Қишлоқ хўжалик тижоратчи корхоналари бизнес-режаларида ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ва ривожлантиришга қаратилган истиқболга мўлжалланган режаларни белгилайди. Бу бизнес-режалар уларнинг бозор муносабатлари шароитида тадбиркорликни кенг миқёсда жадаллаштиришга, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, уларнинг банкротликка учраш хавфини бартараф қилишда, фаолиятни молиявий барқарорлаштириб, унинг пировард натижасида фойда (даромад) олишда муҳим омил яратишига имкон беради. Қишлоқ хўжалик тижоратчи корхоналарининг ишлаб чиқариш-молиявий фаолиятига оид режаларни ишлаб чиқариш, тасдиқлаш ва ижро қилиш унинг уставида кўрсатилади, энг аввало корхонанинг органлари томонидан бажарилиши назорат қилинади. Қишлоқ хўжалик тижоратчи корхонасининг бизнес-режалари унинг юқори бошқарув органлари мажлисларида муҳокама қилиниши ва уни такомиллаштириш юзасидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масалалари кўриб чиқилиши лозим. Шунингдек, қишлоқ хўжалик тижоратчи корхоналарининг фойда олиш режаси, муассасалар операциялари хужжатлари ҳамда бухгалтерия хисоби ва баланслари устидан солик органлари томонидан назорат амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида тармоқ ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш асосан қишлоқ хўжалик тижоратчи корхоналари зиммасига тушиб, улардан катта масъулият талаб этилади. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни давлат томонидан режалаштиришнинг тавсиявий кўрсаткичларини инобатга олиб, ҳар бир аграр тармоқ тадбиркорлик субъекти қандай ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариши, қандай баҳода сотиши, контрагентни танлашини мустақил белгилашни ўзлари ҳал қиласилар. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурлари ва давлат режалаштириш маълумотлари ҳар бир қишлоқ хўжалик тижоратчи корхоналари учун ўз бизнес-режаларини тузишда асос бўлиб хизмат қиласади.

3§. Қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик субъектлари ҳукуқий мақоми

Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик субъектлари ўзларининг ҳукуқий ҳолатига эга.

Қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик субъектлари сифатида юридик шахс ташкил қилмасдан фаолият юритувчи субъектлар, тадбиркорлар, дехқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги), ижара корхоналари, акциядорлик жамиятлари кичик, ўрта ҳамда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар қатнашади³. Улар ўзига хос ҳуқуқий ҳолатга эга.

Қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда Фуқаролик кодексининг аҳамияти каттадир. Фуқаролик қонун ҳужжатлари фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини мулк ва ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек, бошқа мулкий ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади.

Ҳуқуқий адабиётларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаро ва юридик шахсларнинг қайси ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиниши тўғрисида ягона фикр йўқ⁴. Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солища фуқаролик ва қишлоқ хўжалик ҳуқуқи, ер ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи нормалари муҳим ўрин тутади⁵.

Фуқаролик кодексида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати, битимларни тузиш тартиби ва унинг турлари, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида ўз номидан ёки вакил сифатида иштирок этувчи учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муддатлари, усувлари, тартиб ва чоралари, улар риоя қилиши лозим бўлган мажбурият ҳуқуқининг умумий қоидалари, фуқаролик ҳуқуқий шартномалар ўз ифодасини топган. Қонун фуқаролик ҳуқуқий муносабатларига қатнашувчи тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигини кафолатлади, уларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлигини белгилаб беради, тадбиркорларнинг бир-бирлари, бошқа корхоналар ҳамда ташкилотлар, барча бошқарув идоралари билан ўзаро муносабатларини мулкчиликнинг турли шакллари асосида ва уларга мувофиқ тартибга солиб туради.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари субъектларининг тадбиркорлик фаолияти ўзига хос хусусиятга эга бўлган ҳолда намоён бўлади.

Тадбиркорликнинг ҳуқуқий маънода мулкий муносабатларда субъект сифатида иштирок этишида иккита бир-бири билан боғлиқ тушунчани фарқ

³ Кретов С. Правовая основа предпринимательской деятельности// Хозяйство и право. 1991 - №8 - 13 бет; Азимов Ч.Н. Гражданин, Предпринимательство. Закон. – Харьков. Основа 1991. 48 бет; Предпринимательство в АПК Под. ред. С.И. Грядова М.: Колос - 1997.

⁴ Айрим муаллифлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайдиган қонун ҳужжатлари савдо ва тижорат ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади, деб ҳисоблайди: Чанкин В.В. Торговое право; современные тенденции// Государство и право. 1993. 12-сон. 10-бет; Попондопуло В.Ф. Коммерческое право. Изд-во Санкт-Петербургского университета. 1998.

⁵ Хўжалик ва ҳуқуқ. 2000. 12-сон. 25 б.

қилиш лозим. Биринчидан, мулкчилик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш орқали фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда иштирок этадилар. Иккинчидан, тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хўжалик фаолиятининг таркибий қисми бўлса-да, қонун унинг белгиларини алоҳида қилиб ажратиб кўрсатади. Агар ҳуқуқ субъекти тадбиркор жисмоний шахс бўлса, унинг серқирра фаолиятининг (ижтимоий, маданий) бири фойда ёки даромад олиш мақсадида таваккалчилик асосида мулкий жавобгарликни ўз зиммасига олиб, амалдаги қонун асосида ташаббускорлик билан фаолият юритишидир.

Ҳуқуқий адабиётларда таъкидланганидек, фуқароларнинг моддий ишлаб чиқариш, майший ва ижтимоий–маданий хизмат доирасидаги якка тартибдаги тадбиркорлиги фуқароларнинг (унинг оила аъзоларининг) ташаббускорлик билан ўз таваккалчилигига даромадни олиш мақсадида аниқ натижага эришишга йўналтирилган фаолиятидир⁶.

Кишлоқ хўжалигида тадбиркорлик шаклларидан бири юридик шахс ташкил этмай тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи дехқон хўжаликлариdir.

Тадбиркорлик шаклини якка тартибдаги фаолият асосида амалга ошириш деганда, мулкчилик субъектининг ўзи мустақил тарзда иқтисодий фаолиятнинг у ёки бу тури бўйича тадбиркорлик билан шуғулланиши тушунилади.

Бу шаклда қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда субъект сифатида фақат фуқаролар қатнашади.

Кишлоқ хўжалигида якка тартибдаги фаолият хусусий тадбиркорлик шаклларидан бири бўлиб, фуқаролар бундай фаолият билан юридик шахс мақомини олмай шуғулланадилар.

Бунинг тартиби қонун ҳужжатлари асосида белгиланади.

Дехқон хўжаликлиари аграр тармоқда тадбиркорлик шаклларидан бири бўлиб, мустақил хўжалик юритувчи тузилма сифатида ўзининг ҳуқуқий ҳолатига эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Конунининг 1-моддасига кўра, дехқон хўжалиги оилавий майдада товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қиласи.

Дехқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда дехқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга ошириши мумкин.

Кишлоқ хўжалигида дехқон хўжаликлари ҳуқуқ лаёқати вужудга келишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Дехқон хўжалиги ихтиёрийлик асосида, хўжалик бошлиғининг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувига ёхуд бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг иш берувчисига (маъмуриятига) ҳамда туман ҳокимига ёзма мурожаатига асосан ташкил

⁶ Игнатенко В.Н. Гражданко-правовые вопросы индивидуальной предпринимательской деятельности в сфере материального производства, оказания бытовых и социально-культурных услуг. Автореф. дисс... к.ю.н. Харьков. 1991. 9 б.

этилади. Аризада сўралаётган ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, дехқон хўжалигининг таркиби ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун ер участкаси белгиланган мақсадда фойдаланишнинг йўналишлари кўрсатилади

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви дехқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги масалани умумий мажлис муҳокамасига киритади, мажлис бу хусусда тегишли қарор қабул қиласди. Бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида дехқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарори шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг юқори бошқарув органи, иш берувчиси (маъмурияти) томонидан қабул қилинади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий мажлисининг ёки бошқа қишлоқ хўжалик корхонаси, муассасаси ва ташкилоти юқори бошқарув органининг, иш берувчисининг (маъмуриятининг) қарори асосида ер участкалари бериш масалаларини кўриш бўйича комиссиясининг холосасини инобатга олган ҳолда туман ҳокими дехқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Туман ҳокимининг дехқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарори туманнинг молиявий, банк, солиқ ва бошқа тузилмалари учун мажбурий ҳужжатдир.

Дехқон хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади.

Дехқон хўжалигининг бошлигини давлат рўйхатига олиш дехқон хўжалиги бошлигининг доимий яшаш жойидаги туман ҳокимлиги томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур ҳужжатлар билан биргаликда ариза берилган пайтдан эътиборан уч кун ичida амалга оширилади. Дехқон хўжалиги бошлиғига ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

Агар давлат рўйхатига олиш белгиланган муддатда амалга оширилмаган ёки дехқон хўжалиги бошлиғи асоссиз деб ҳисоблайдиган сабабларга кўра рад этилган бўлса, хўжалик бошлиғи судга мурожаат қилиши мумкин.

Посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар бир дехқон хўжалигини хўжалик китобига киритиб, унда дехқон хўжалигининг таркиби, хўжалик бошлиғи ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс, шунингдек хўжаликнинг ташкилий ҳуқуқий шакли (юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки юридик шахс ташкил этмасдан) тўғрисидаги маълумотларни қайд этиб қўяди. Дехқон хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтказилганлик йиғимини тўлашдан озод қилинади. Дехқон хўжаликлари тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида товар-пул муносабатларида юридик шахс ташкил этиб ёки юридик шахс ташкил этмасдан мустақил субъект сифатида қатнашади. Унда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг хусусияти яққол намоён бўлади. Дехқон хўжаликлари юридик шахс сифатида ташкил этилганда ўзларига тегишли

бўлган мулкнинг мулқдори ҳисобланиб, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш корхоналарига хос бўлган белгиларга эгадир⁷.

Дехқон хўжалиги тадбиркорлик шаклларидан биридир. Бу хилдаги тадбиркорлик оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, унинг аъзолари жумласига биргалиқда яшаётган ва дехқон хўжалигини биргалиқда юритаётган оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, тарбияга олган болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа қариндошлари киради. Дехқон хўжалиги биргаликдаги тадбиркорлик шаклларидан бири ҳисобланади, чунки унда умумий биргаликдаги мулк негизида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ёки бундай ҳуқуққа эга бўлмасдан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш билан шуғулланадилар. Дехқон хўжалиги фаолияти йўналишларини ишлаб чиқариш тузилиши ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди. Дехқон хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг қонунларда тақиқланмаган ҳар қандай тури, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаб ва реализация қилиш билан шуғулланишга ҳақли.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тадбиркорлик субъектлари таркибида фермер хўжаликлари ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасига асосан фермер хўжалиги узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектdir.

Фермер хўжалиги мустақил ташкилий–ҳуқуқий шаклдаги қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъекти сифатида қўйидаги белгиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

биринчидан, қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ фаолиятни мужассамлаштирган учта компонентни: мулкий, томорқа участкаси ва фуқарони ўзида ифода этади;

иккинчидан, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъекти сифатида ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир;

учинчидан, товар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш фаолияти узоқ муддатли ижарага берилган ер участкасида амалга оширилади.

Қонунга асосан, фермер хўжалик бошлигининг туман ҳокимида ва қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувига ёзма мурожаати асосида ташкил этилади. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги масалани

⁷ Ҳуқуқий ва иқтисодий адабиётларда дехқон хўжаликларининг ҳуқуқий мақомига эътибор берилмоқда. Қаранг: **Устюкова В.В.** Правосубъектность крестьянского хозяйство // Сов. гос. и право. 1992. 1-сон. 61-бет.; **Черномерец А.Е.** Право собственности на имущество крестьянского хозяйство // Государство и право. 1993. 1-сон. 59-бет.; **Макин Г. Павленко В., Хицков И.** Сельскохозяйственные предприятия в системе кооперационных связей и отношении АПК // АПК; Экономика и управление. 1995. 8 сон. 7-бет; Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи. 2000. 108-сон. 120-бет; **Рўзиназаров Ш.Н.** Дехқон хўжалигининг ҳуқуқий мақоми //Қонун ҳимоясида. 2000. 3-сон. 15-бет.

умумий йиғилишга олиб чиқади, умумий йиғилиш бу хусусида тегишли қарор қабул қиласы. Фермер хўжаликлари рўйхат олиш тартибида ташкил қилинадиган юридик шахслар жумласига киради. Туман ҳокими қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишининг қарори асосида, ер участкалари бериш масалаларини кўриш бўйича туман комиссиясининг хulosасини инобатга олган ҳолда фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қиласы.

Ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибида давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан фермер хўжалиги туман ҳокимлигига давлат рўйхатига олинганидан кейин юридик шахс мақомини олади, банк муассасасида ҳисоб-китоб ва бошқа хил ҳисоб варақалар очишга, номи ёзилган мухрга эга бўлишга ҳақлидир.

Юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда фермер хўжалиги номидан шу хўжалик бошлиғи иш кўради. Фермер хўжалигининг бошлиғи бўлиб, шу хўжаликнинг ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигига тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган, муомалага лаёқатли аъзоларидан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)дан фарқли равища фермер хўжалигини ташкил этиш шартлари қонунда аниқ мустаҳкамлаб қўйилган. Фермер хўжаликларига ер беришнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, биринчидан, фермер хўжаликлари захира ерлари, маҳсус республика ерлари, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган хўжаликлардаги ва янги суғориладиган ерлардан бериш, иккинчидан, уларга зарар кўриб ишлаётган ёки кам рентабелли қишлоқ хўжалик корхоналарининг ерлари берилиши ҳисобланади. Қонунчиликда рўй берган энг муҳим янгилик фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилишининг хуқуқий ифодаланганлигидир.

Фермер хўжалигининг хуқуқ субъекти унга берилган хуқуқ ва мажбуриятлар доирасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни талаб этади. Фермер хўжалиги бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан тенг хуқуқларга эга. Улар қонун ҳужжатлари билан белгиланган хуқуқ ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Бозор шароитида фермер хўжаликлари фуқаролик хуқуқий муносабатларининг субъектлари сифатида қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишининг қарори билан ихтисослашувига мувофиқ ўз фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ҳажмларинин мустақил равища белгилайди. Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг қонунларда тақиқланмаган ҳар қандай тури ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шуғулланишга ҳақли.

Фермер хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотни реализация қилиш, шу жумладан давлат хариди тартибида реализация қилиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан ихтиёрийлик асосида хўжалик шартномалари тузиш хуқуқига эга. Фермер хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотга бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиқиб, мустақил равища нарх белгилайди.

Фермер хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулот сифатига оид амалдаги норматив ва стандартларга, экология, санитарияга оид ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа талаблар ва қоидаларга риоя этиши шарт. Фермер хўжалиги етиштираётган маҳсулотни экспортга етказиб бериш, шунингдек чет эл шериклар билан ҳисоб-китоб қилиш қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади. Одатда, фермер хўжаликларининг хўжалик фаолиятига давлат органлари ҳамда ташкилотларининг, улар мансабдор шахсларнинг аралашувига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича қонунларга мувофиқ ундиришга қаратиш мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради. Умумий қоидага асосан, давлат фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича, фермер хўжалиги эса давлат мажбурияти бўйича жавоб бермайди.

Фермер хўжалигини тугатиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланган асосларга кўра амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик ишлаб чиқариш тузилмаларидан бири бўлиб қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик кооперативларининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»⁸ Қонуни билан белгиланади. Ушбу қонун қишлоқ хўжалиги кооперативларини (ширкат хўжаликларини) ташкил этиш, уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ҳамда тугатилишининг ҳуқуқий асосларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, уларнинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларини тартибга солади.

Қонуннинг 1–моддасига кўра, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун пай усулига ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектdir.

Қишлоқ хўжалигидаги ижара корхоналари товар-бозор муносабатларида мустақил субъект сифатида қатнашиб тадбиркорлик фаолиятини юритади. Қишлоқ хўжалигидаги ижара корхоналарининг ҳуқуқий мақомини белгилашда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, мулкчилик, кооперация, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари, ижара, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, гаров ва бошқа қонунлари мухим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалигига ижара корхонаси деганда, амалий жиҳатдан ушбу корхона мулкини ижарага олиш тушунилади. Бошқача айтганда, қишлоқ хўжалигидаги ижара корхонаси деганда, юридик шахс мақомига эга бўлган ижарага берувчининг ҳақ бараварига муайян муддатга мулкий мажмуаларни шартномада белгиланган шартлар асосида ваколатни амалга оширувчи мустақил хўжалик юритувчи тадбиркорлик тузилмаси тушунилади.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998 - №5-6 – 84-модда

Қишлоқ хўжалигидаги ижара корхоналари тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларида тенг ҳуқуқли ўзига хос ҳуқуқ субъекти сифатида иштирок этади⁹. Қишлоқ хўжалигидаги ижара корхоналари ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусияти, биринчидан, давлат ва ижара жамоаси умумий мулкка асосланган корхона ва жамоа мулкига асосланган корхона (тўлиқ сотиб олингандан сўнг) кўринишда фаолият юритишида яққол намоён бўлади. Қишлоқ хўжалигидаги ижара корхоналарининг ўзига хос хусусияти ва бошқа тадбиркорлик ишлаб чиқариш тузилмаларидан фарқли томони хам шундаки, уни ташкил қилишда корхона ижара шартномасини имзолаб, устави тасдиқлангандан кейин товар-пул муносабатларида мустақил ҳуқуқ субъекти лаёқатига эга бўлади.

Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик ишлаб чиқариш тузилмаларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари таркибида акциядорлик жамиятлари алоҳида ўрин эгаллайди¹⁰.

Акциядорлик жамиятларининг ҳуқуқий ҳолати 1996 йилнинг 26 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун билан белгиланган¹¹. Бундан ташқари, улар фаолиятини ҳуқуқий таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, мулкчилик, ижара, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, гаров, товар бозорида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси, чет эл инвестициялари, банк ва банк фаолияти, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисидаги каби қонунчилик ҳужжатлари муҳим аҳамиятга эга.

Акциядорлик жамиятлари тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларининг мураккаб таркибли субъекти ҳисобланади. Чунки, унинг фаолиятида ҳуқуқий ҳолати бир хил бўлмаган субъектлар, яъни юридик ва жисмоний шахслар тарафларнинг тенглигига, хоҳиш-иродасига асосланган ҳолда қатнашиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини амалга оширади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»¹²ти Қонунининг 2-моддасига кўра, устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган хўжалик юритувчи субъект

⁹ «Ижара тўғрисида»ги Қонун. //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992. 1сон. 45-модда; Рўзиев Р. Корхона ижарасининг ҳуқуқий муаммолари // Хўжалик ва ҳуқуқ. 1998. 5 сон. 21 б.

¹⁰ Андреев В.Создание акционерных обществ и контроль за его деятельностью // Хозяйство и право. 1996. 4 сон. 95 бет; Рўзиназаров Ш.Н. Қишлоқ хўжалигига акционерлик жамиятларини ташкил қилишнинг ҳуқуқий тартиби // Қонун ҳимоясида. 1996. 8 сон. 15 бет; Долинский В.В. Закон об акционерных обществах: органы юридического лица //Государство и право. 1996. 7 сон. 58 бет; Тимохов Ю.А. Общества с ограниченной ответственностью и закрытые акционерных обществ // Государство и право. 1996. 7 сон 69 бет; Метелева Ю.А. Правовое положение акционера в акционерном обществе-М: Статут. 1999.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 - №5-6 - 61 модда

¹² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 - №5-6 - 61 модда

акциядорлик жамияти деб ҳисобланади. Жамият қонун ҳужжатларида ман этилмаган ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилган исталган фаолият тури билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин. Жамият муассислари таъсис ҳужжатларида фаолиятнинг асосий турларинигина санаб ўтишга ҳақлидирлар¹³.

Қишлоқ хўжалигида акциядорлик жамиятларини ташкил қилишнинг объектив омили бўлиб, тадбиркорлик тузилмалари ўз хўжалигини юритиш мураккаб бўлган шароитда зарур техника, аслаҳалар, малака этишмаган шароитда дехқон хўжаликлари фаолиятини кооперациялаш асосида акциядорлик жамиятига бирлашиш ҳуқуқига эгадир. Айрим ҳолларда, тадбиркорлик фаолиятини қишлоқ хўжалиги юритиш учун етарли жамғармалар этишмаган тақдирда, акциядорлик жамиятлари жамоа мулқдор шаклида ташкил қилиниши мумкин. Дехқон акциядорларни бирлаштирган корхона алоҳида дехқонга қараганда энг қисқа муддатда етарли даражада замонавий тадбиркорлик ишлаб чиқаришни ташкил қилинишини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш учун моддий заҳирани вужудга келтиришни ёки мақбул истеъмолчилар топишни енгиллаштиради. Шунингдек, саноат ва қишлоқ хўжалиги ўртасидаги хўжалик алоқадорлик шакли сифатида дехқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари ҳамда аграр тармоққа техника таъминоти акциядорлик жамиятларини тузиш мумкин.

Қонунга кўра, акциядорлик жамиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакли очик ёки ёпиқ тури бўлиши мумкин. Очик турдаги акциядорлик жамиятининг муассасалари таркибига кирувчиларнинг энг кам сони чекланмайди, ёпиқ турдаги жамиятнинг муассислари эса камида уч шахсдан иборат қилиб белгиланади. Жамиятнинг ҳар бир муассиси унинг акциядори бўлиши мумкин.

Акциядорлар ўзларига тегишли акцияларини бошқа акциядорларнинг розилигисиз эркин тасаррүф этиши мумкин бўлган жамият очик турдаги акциядорлик жамияти ҳисобланади. Очик турдаги жамият ўзи чиқараётган акцияларга очик обуна ўтказишга ва қонун ҳужжатларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда уларни эркин сотишга ҳақлидир. Очик турдаги жамият ўзи чиқараётган акцияларга ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, жамият уставида ва қонун ҳужжатларида обуна ўтказиш имконияти чеклаб қўйилгани бундан мустасно. Очик турдаги жамият акциядорларининг сони чегараланмайди.

Акциялар фақат ўз муассасалари ёки олдиндан белгиланган бошқа муайян доирадаги шахслар орасида тақсимланадиган жамият ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳисобланади. У ўзи чиқараётган акцияларга очик обуна ўтказишга ёхуд уларни чекланмаган доирадаги шахсларга сотиб олиш учун бошқача тарзда таклиф этишга ҳақли эмас. Ёпиқ турдаги жамият акциядорларининг сони эллик нафардан зиёд бўлиши мумкин эмас.

¹³ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги 2000 йил 15 декабрдаги Қонуни // Халқ сўзи – 2001 - 9 январ.

Белгиланган чегарадан ортиб кетган тақдирда у бир йил давомида очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилиши, ушбу муддат тугагач, акциядорлар сони белгиланган миқдоргача, суд йўли билан тутатилиши лозим.

Ёпиқ турдаги жамият акциядорлари ушбу жамиятнинг бошқа акциядорлари сотаётган акцияларни ўзга шахсга таклиф этилаётган нархда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар. Агар акциядорлар акцияларни сотиб олишда ўз имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмасалар, жамият акциядорлар томонидан сотиладиган акцияларни сотиб олиш учун имтиёзли ҳуқуққа эга бўлиши уставида кўзда тутилиши мумкин.

Акциядорлар сотаётган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тартиби, муддати жамият уставида белгилаб қўйилади. Имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш муддати акциялар савдога қўйилган пайтдан бошлаб 30 кундан кам ва 60 кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

Очиқ турдаги акциядорлик жамияти энг юқори ва мураккаб ташкилий – ҳуқуқий шакл бўлиб, энг катта давлат қишлоқ хўжалик корхоналарини, масалан, қайта ишловчи корхоналар, катта чорвачилик мажмуалари, паррандачилик фабрикаси ва бошқаларга қулай бўлиб, мулкий муносабатларнинг бир шакли бошқа шаклга ўзгартириш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалигида одатда, таъсисчиларнинг доираси олдиндан аниқ бўлганлиги сабабли, ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари (масъулияти чекланган жамиятлар) ташкил қилинади. Бундай шаклда мулкий бадал эгаларига мулкорлик гувоҳномаси берилади. Қишлоқ хўжалик корхонасини акциялаштириш дастурини очиқ ҳолда бошқа шахслар ва ташкилотлар сотиб олиш учун акцияни эълон қиласи. Бундай акция эгалари бошқа қишлоқ хўжалик акциядорларининг розилигисиз сотишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалигидаги кичик корхоналар тадбиркорлик фаолиятининг мустақил шакли бўлиб, ишлаб чиқариш тузилмалари ичida ўзига хос ҳуқуқий мақомга эга¹⁴.

Кичик корхоналар ҳуқуқий мақомини белгилашда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, мулкчилик, ижара, чет эл инвестициялари, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), ташки иқтисодий фаолият, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонунлар мухим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 марта қабул «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги¹⁵ Конунининг 2-моддасига кўра якка тартибдаги тадбиркорлар ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртacha йиллик сони кўпи билан ўн киши, савдо, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида – кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар, саноат соҳасида банд бўлган ходимларининг ўртacha йиллик сони кўпи билан қирқ киши, курилиш, қишлоқ хўжалиги ва

¹⁴ Бозор шароитида хўжалик юритиши кичик корхоналар шаклида амалга оширишга катта эътибор берилмокда – **Ичитовкин Б.Н.** Малые формы хозяйствования М. Экономика- 1991; **Козленко Н.Н.** Рынок и предприятие М.; Агропромиздат-1992; **Алимов А.** Кичик корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш // Хўжалик ва ҳуқуқ. 2000. 12-сон. 31-бет.

¹⁵ «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил, 15 июн.

бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида – кўпи билан йигирма киши, фан, илмий хизмат кўрсатиш чакана савдо ва ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқлари – кўпи билан ўн киши бўлган кичик корхоналар кичик тадбиркорлик субъектлари;

ходимларнинг ўртача йиллик сони кичик корхоналар учун белгиланганидан кўпроқ, аммо саноатда юз кишидан, қурилишда эллик кишидан, қишлоқ хўжалиги бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, улгуржи савдо, умумий овқатланиш тармоқларида ўттиз кишидан, чакана савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва ношилаб чиқариш соҳасининг бошқа тамоқларида – йигирма кишидан кўп бўлмаган ўрта корхоналар ўрта тадбиркорлик субъектларидир.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида кўрсатилган тартибда белгиланади.

Фаолиятнинг бир неча турини амалга оширувчи (кўп тармоқли) юридик ва жисмоний шахслар йиллик обороти ҳажмида улуши энг кўп бўлган фаолият тури мезонлари бўйича кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари жумласига киритилади ва мулкий жавобгарликни зиммасига олиб, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга, фойда (даромад) олишга қаратилган ташаббускорликни амалга ошираётган юридик шахслар хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

Юридик шахсни ташкил этмай тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар ҳам кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисобланадилар.

Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш тузилмаси ҳисобланган кичик корхона тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқий мақоми жиҳатидан маҳсус ҳуқуқий лаёқатга эга ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида ифода қилинган юридик шахсларга оид қоидалар унга ҳам бевосита татбиқ этилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ўз номидан турли хил шартномалар, контрактлар тузади, мулкий тусда бўлмаган шахсий мажбуриятларни ўз зиммасига олади, ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун хўжалик судида даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиши, ўз номига, мустақил балансига, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа рақамларга ўз номи ёзилган мухрига эга бўлиши мумкин.

Кичик корхоналар тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида ўзига хос юридик мақомга эга. Ушбу нуқтаи назардан қараганда, иккита ҳолатни бир-биридан фарқ қилиш лозим. Биринчидан, кичик корхона фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш шакли бўлса, иккинчидан, мулк ҳуқуқини обьекти сифатида қараш мумкин.

Қишлоқ хўжалигига чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар янги тадбиркорлик субъектлари ҳисобланиб, унинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади¹⁶.

¹⁶Ҳуқуқий адабиётларда чең эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқий мақомини ёритишга эътибор берилмоқда; Панкратов П.А. Правовое положение совместных предприятий как юридических лиц в СССР // Автореф. дисс. к.ю.н.- 1991, Халикулов А.Р., Касимов Ш.И.

У қишлоқ хўжалигида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ташкил қилининг афзаллик томонига эга бўлиб, бунда **биринчидан**, хорижий рақобатдошлар ҳамкорлигига корхонанинг даромадлари ва иқтисодий ўсиш имконияти яратилса, **иккинчидан**, уни ташкил қилишга ҳамма вақт ҳам катта миқдордаги пул воситаларига эҳтиёж бўлмасдан, бойлик сифатида интеллектуал мулк ва технологиядан фойдаланилади, **учинчидан**, ҳалқаро бозорга кириш енгиллашади, **тўртинчидан**, иштирокчиларнинг бошқарув ва молия ресурсларидан самарали фойдаланиши зарурият қилиб қўяди.

Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»¹⁷ги, «Чет эл эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»¹⁸ги «Концессиялар тўғрисида»¹⁹ги Қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қишлоқ хўжалигидаги чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар хисобланади.

Кишлоқ хўжалигидаги чең эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хослиги ва мураккаблиги шундан иборатки, товарбозор муносабатларида иштирок қилишда Ўзбекистон Республикаси қонунларигина эмас, балки рақобатдош давлат қонунлари ҳам аҳамиятга моликдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига кўра, чең эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чең эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ўзларига берилган барча ҳуқуқлар, кафолатлар ва имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чең эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар деганда, акциядорларининг (улушлари пайларининг) ёки устав жамғармаларининг камида ўттиз фоизини чең эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар тушунилади. Улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатадилар²⁰.

Чең эл инвестициялари иштирокидаги корхона уни таъсис этиш йўли билан ёки илгари чең эл инвестициялари иштирокисиз таъсис этилган, корхонада иштирок этиш улушини (пайнини, акцияларини) ёхуд бундай корхонани бутунлай, шу жумладан хусусийлаштириш жараёнида чең эллик инвестор томонидан сотиб олиниши натижасида ташкил этилиши мумкин.

Совместные предприятия: создания и организация деятельности. Справочник коммерсанта. Т.; Нур.-1992; Денчик Н. Иностранные инвестиции как правовая форма обновления хозяйственных связей // Хозяйство и право. 1996. 6-сон. 47-бет.

¹⁷Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. 5-6 сонлар. 91-модда.

¹⁸Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. 5-6 сонлар. 93-модда.

¹⁹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995. 9 сон. 185-модда.

²⁰Батафсил қаранг. Каримов А. Чет эл инвестицияли корхоналарини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида // Хўжалик ва ҳуқук . 2000. 10-сон. 47-бет.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатига олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигида фаолият юритадиган ҳар бир тадбиркорлик субъекти қонун нормалари билан белгиланган ҳуқуқий мақомга эгадир. Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларининг тадрижий ривожланиши асосида тадбиркорлик фаолиятининг шакллари янада ривожлантирилиши объектив жараён ҳисобланади. Шу сабабли, қонун ҳужжатларини амалиётга кўллаш тажрибасини ва қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, уларнинг самарадорлигини ошириш талаб этилади.

48. Қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини судда ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатларини амалиётда кўллаш самарадорлигини ошириш энг долзарб масалалардан.

Товар ишлаб чиқарувчи хўжаликлар қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади. Шу сабабли, улар иштирокидаги низолар қонун ҳужжатлари ва иш ҳолатларига асосан ҳал этилиши хўжалик судлов ишини юритишнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигида мулкий муносабатларни ислоҳ этишга қаратилган кўплаб қонунлар мавжуд бўлиб, уларда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган ширкат, фермер ва дехқон хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун тўла ҳуқуқий асослар яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), фермер хўжалиги, дехқон хўжалиги ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонунлар шулар жумласидандир. Бу ҳуқуқий ҳужжатларнинг бош мақсади қишлоқда чинакам мулкдорни, ерга, мулкка ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан ҳақиқий эгалик туйғусини шакллантиришдан иборат.

Ҳар бир қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектлари ўз ҳуқуқларини тиклаш, етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида мансабдор шахсларнинг ноқонуний қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Республика хўжалик судлари томонидан ширкат, дехқон ва фермер хўжаликлари ҳамда Агросаноат комплексига кирувчи кичик ва ўрта бизнес корхоналари иштирокида 2000 йилда 1824 та, 2001 йилнинг биринчи ярмида 662 та иш кўрилган бўлиб, шулардан 2000 йилда даъвогар сифатида ширкат, фермер ва дехқон хўжаликлари фойдасига 345 та иш бўйича 258,3 млн. сўм,

аксинча, улардан даъвогарлар фойдасига 1479 та иш бўйича 3115,1 млн. сўмундирилган. 2001 йилнинг биринчи ярмида ширкат, фермер ва дехқон хўжаликлари 441 та иш бўйича даъвогар сифатида иштирок этиб, улар фойдасига 271,1 млн. сўмундирилган бўлса, улардан даъвогарлар фойдасига 670 та иш бўйича 642,4 млн. сўмундирилган.

2001 йилнинг I ярмида ширкат хўжаликларининг 76 тасидан 61 та, дехқон хўжаликларининг 11 тасидан 11та, фермер хўжаликларининг 365 тасидан 323 та даъво аризалари қаноатлантирилиб бу кўрсатгич республика бўйича 89 % ни ташкил этган.

2001 йилнинг биринчи ярми билан 2000 йилнинг биринчи ярми таққосланадиган бўлса, ўтган йилнинг шу даврида ширкат, дехқон ва фермер хўжаликлари 168 та иш бўйича даъвогар сифатида иштирок этган, жорий йилнинг шу даврида бу кўрсатгич 441 тани ташкил қилган. Амалдаги қонун хўжжатларида хусусий тадбиркорлар, ширкат, дехқон ва фермер хўжаликлари ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган манфаатларини тиклаш механизми тўла яратилган. Шунга қарамай ширкат, дехқон ва фермер хўжаликларининг ўз хуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги умумий кўрсаткич паст даражадалигича қолмоқда.

Суд амалиёти таҳлили далолат беришича, олинган маҳсулот ва хизматлар учун ҳисоб-китоб, контрактация шартномалари бўйича мажбуриятларни лозим даражада бажармаслик ҳамда товар етказиб беришга оид даъво турлари ширкат, дехқон ва фермер хўжаликлари иштирокида кўрилган ишларнинг асосий қисмини ташкил этган. Бундан ташқари, хўжалик судлари томонидан давлат ва ўзини ўзи бошқариш органларининг хуқукий бўлмаган хўжжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар ҳам кўрилиб, кўп ҳолларда даъволар ширкат, дехқон ва фермер хўжаликлари фойдасига ҳал қилинган.

Хусусан, даъвогарлар «Нилуфар» ва «Ижодкор» фермер хўжаликлари хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, Хонқа тумани ҳокимининг 1998 йил 21 сентябрдаги 292-сони қарорини қисман ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Иш ҳолатларига кўра, 1995 йилда Хонқа туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигининг умумий йиғилиши қарори билан «Нилуфар» фермер хўжалигига 15 гектар, «Ижодкор» фермер хўжалигига 30 гектар ер 10 йил муддатга ижарага берилган бўлиб, 1995-1998 йиллар давомида ушбу фермерлар бу ерлардан фойдаланиб келган ва яхши ҳосил олишга эришган. 1998 йилда фермерларни қайта рўйхатдан ўтказиш пайтида Хонқа туман ҳокимининг 21 сентябрдаги 292-сон қарори билан «Ижодкор» фермер хўжалигининг ери 2 гектар қилиб белгиланган. Ҳокимнинг ушбу қарори Ўзбекистон Республикасининг Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуннининг 10-моддаси талабига зид бўлганлиги ҳамда ҳар иккала фермер хўжалиги билан «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги ўртасида 1995 йилда 10 йил муддатга тузилган шартнома мавжудлиги туфайли даъво қаноатлантирилиб, қарорнинг 1-иловаси бўйича «Нилуфар» ва «Ижодкор» фермер хўжаликлари тегишли қисми бекор қилинган. Бундан ташқари, «Нилуфар» фермер хўжалигига 30 гектар ва

«Ижодкор» фермер хўжалигига 15 гектар ердан 10 йил фойдаланиш муддати белгиланган.

Ишни апелляция тартибида кўриб чиқишида ер участкаси ҳажмини белгилаш хўжалик судининг ваколатига кирмаслиги инобатга олиниб, ҳал қилув қарорининг фермер хўжаликларига 15 ва 30 гектар ҳажмда ер участкалари белгилаш қисми бекор қилинган. Қарорнинг қолган қисми ўзгаришсиз колдирилган.

Хўжалик судлари томонидан, ҳуқуқий ҳимояга муҳтоҷ ширкат, дехкон ва фермер хўжаликлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ низолар кўриб чиқиб ҳал этилмоқда.

Жумладан, даъвогар «Учқўрғондонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти жавобгар «Мавсум» фермер хўжалигидан шартнома бўйича дон маҳсулотлари етказиб бермаганлиги учун 25 фоиз жарима 316891 сўмни ундиришни сўраб хўжалик судига мурожаат қилган.

Суд ишни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, фермер хўжалигига ажратилган ер тошлоқ эканлиги, буғдой экилган майдон дўл ва жала натижасида 9 гектар ерга экилган буғдойнинг 50 фоизи ва 13 гектар ернинг 25 фоизи заарланганлиги ва бу ҳақда далолатномалар тузилганлиги, табиий оғат натижасида фермер хўжалиги 925000 сўмлик зарар кўрганлиги, экилган буғдой текширилганда унинг илдизи ер қатламининг 25-30 сантиметрига жойлашганлиги, буғдой илдизи попук илдиз бўлиб, бу шароитда режадаги буғдойни олиб бўлмаслик тўғрисидаги мутахассис хulosалари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 326-моддасини кўллаб, даъвони қисман, яъни 100000 сўм миқдорида қаноатлантирган.

Шунингдек, даъвогар Янгиқўрғон туманидаги Т. Неъматов номли ширкат хўжалиги жавобгар «Намангандўштуссаноат» бирлашмасидан 677972 сўм асосий қарз, 101696 сўм жарима, 176280 сўм пеня, жами 955948 сўм ундиришни сўраб хўжалик судига мурожаат қилган. Даъвогар томонидан шартномада кўрсатилган 8 тонна гўшт етказиб берилган бўлса-да, жавобгар олинган маҳсулот учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмай, шартнома шартларини ва «Кишлоқ хўжалик маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисидаги Низом» талабларини кўпол равиша бузган.

Шартнома шартларини лозим даражада бажармай, хўжаликка мулкий зарар етказишга сабабчи бўлган жавобгар корхона раҳбари ҳамда бош ҳисобчи моддий жавобгарликка тортилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 15-моддасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки бу органлар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тўланиши кераклиги кўрсатилган.

Хўжалик судлари томонидан ушбу модда талабларига қатъий риоя этилиши ва уни амалиётда татбиқ этилиши кўп ҳолларда тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларининг тикланишига имкон яратмоқда.

Суд амалиёти кўрсатишича, аксарият ҳолларда фермер хўжаликларининг ҳуқуқи давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳам бузилишига сабаб бўлмоқда. Чунончи, дъевогар Сурхондарё вилоят прокурори «Солиобод» фермер хўжалиги манфаатларини кўзлаган ҳолда, вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, туман ҳокими томонидан мажбурий равишда топширтирилган 40390 килограмм дон баҳосини бозор нархларида ҳар килограмми учун 90 сўмдан ҳисоблаб, жами 3635100 сўмни жавобгарлар «Сурхондонмаҳсулотлари» уюшмаси ва Термиз тумани ҳокимидан ундиришни сўраган. Даъво вилоят хўжалик суди томонидан тўла қаноатлантирилиб, «Сурхондонмаҳсулотлари» уюшмасидан «Солиобод» фермер хўжалиги фойдасига 3625100 сўм ундирилган. Апелляция судлов ҳайъати ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз колдирган. Олий хўжалик суди судлов ҳайъатининг қарорига кўра вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори ва апелляция судлов ҳайъати қарори ўзгартирилиб, «Солиобод» фермер хўжалиги фойдасига «Сурхондонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик уюшмасидан 1233107 сўм дон баҳоси ва Термиз тумани ҳокимлигидан 2401993 сўм етказилган зарар ундирилган. Шу билан бирга келгусида бу каби қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилишининг олдини олиш мақсадида Сурхондарё вилоят ҳокимлигига хусусий ажрим киритилган.

Иш бўйича тупланган хужжатлар ва томонларнинг кўргазмаларидан маълум бўлишича, «Сурхондонмаҳсулотлари» уюшмаси томонидан фермер хўжалигига нисбатан донни мажбурий равишда тортиб олиш ҳаракатлари содир этилмаган. Аксинча, Термиз тумани ҳокими Б.Панжиев томонидан фермернинг режадан ортиқча бўлган буғдойи туман ва вилоятга белгиланган давлат режалари бажарилмаганлиги сабабли мажбурий равишда олиниб, омборга топширтирилган.

Давлат ҳокимияти органлари томонидан уларнинг айби билан фермер хўжалигига етказилган зарар ушбу органлар томонидан тўланиши учун асос бўлади.

Қайд этилганларга асосан судлов ҳайъати фермерга етказилган зарарни туман ҳокимлигидан ундириган.

Бундан ташқари, дъевогар Учкўрғон тумани Кўчкор ота номли ширкат хўжалиги хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар «Олтин водий» ишлаб чиқариш жамоа корхонасидан 354700 сўм асосий қарз, 17735 сўм жарима, 311960 сўм пеня, жами 684395 сўм ундириб беришни сўраган.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан дъевогар фойдасига 354700 сўм асосий қарз ва 177350 сўм пеня ундириб берилган.

Иш апелляция тартибида қўрилмаган.

Кассация судлов ҳайъатининг қарорига кўра вилоят хўжалик судининг мазкур хўжалик иши бўйича чиқарган ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, дъевогар фойдасига 354700 сўм асосий қарз, 10400 сўм пеня ундирилган. Даъвони пеня ундириш ҳақидаги қисми рад қилинган.

Ишда мавжуд бўлган хужжатларга кўра, томонлар ўртасида 1998 йилда тузилган контрактация шартномасига кўра ширкат хўжалиги 10 тонна пиёз

маҳсулотини 150000 сўмга тайёрлов савдо жамоа корхонасига етказиб бериши, жамоа корхонаси эса маҳсулот учун тўловни амалга ошириши лозим эди. 1999 йил 15 сентябрда даъвогар жавобгарга 20800 сўмлик 2300 килограмм пиёз етказиб берган. Иш ҳолатидан аниқланишича, етказиб берилмаган пиёз ўрнига томонлар ўртасидаги оғзаки келишувга кўра қабул қилиш хужжатлари орқали даъвогар жавобгарга 333900 сўмлик 13356 килограмм олма маҳсулоти етказиб берган. Даъвогар етказиб берилган маҳсулот пулларини жавобгар тўламагани ва тўлов кечикирилганлиги учун жами пиёз ва олма пули 354700 сўмни ва контрактация шартномасига кўра ҳар бир кечикирилган кун учун 311960 сўм пеняни ундиришни сўраган.

Суд мазкур ишни куриб чиқиб, даъвонинг асосий қисмини тўла ва пеня қисмини қисман, яъни асосий қарзнинг 50 фоизи миқдорида 177350 сўмга қаноатлантирган. Аниқланган ҳолатларга кўра, 1999 йил 29 декабрдаги контрактация шартномаси фақат пиёз маҳсулоти етказиб бериш учун тузилган бўлиб, бу шартномага олма маҳсулоти етказиб бериш ҳақида тегишли тартибда, яъни Фуқаролик кодексининг 382-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги 438-сон қарори билан тасдиқланган (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрелдаги 202-сон қарори билан киритилган ўзgartиришлари билан) «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 9,10-бандларига кўра ўзgartириш киритилмаган. Шу сабабли, даъвогар етказиб берилган олма маҳсулоти учун 1998 йил 29 декабрдаги шартномада белгиланган неустойкани қўллаш қонун талабларига зиддир. Яъни шартномада тарафлар ўртасида маҳсулот тўловини кечикиригандик учун неустойка тўғрисидаги келишув ёзма шаклда расмийлаштирилмаган бўлса, суд неустойкани ундиришга ҳақли эмас.

Фуқаролик кодексининг 260, 262-моддаларига кўра, қонун хужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул сўммаси неустойка ҳисобланади. Неустойка тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилиши керак. Томонлар ўртасида олма маҳсулоти тўловни кечикиригандик учун неустойканинг шакли бўлган пеня тўғрисида ёзма келишув бўлмаган.

Судлов ҳайъати қайд этилганларга асосланган ҳолда, даъвони пеня ундириш ҳақидаги қисмининг фақат етказиб берилган пиёз учун бўлган қисмини, яъни 10400 сўм миқдорида қаноатлантириб, қолган қисмини рад этган.

Суд амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, фермер хўжаликларининг ҳукуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳукуқий база республикамиизда яратилган бўлса-да, фермер хўжаликлари бошлиқлари ва аъзоларининг ҳукуқий билимлари бугунги кун талабига жавоб бермайди. Бу ҳолни хўжалик судига мурожаат этган фермер хўжаликларининг даъво аризаларидан ҳам кўриш мумкин. Кўпчилик ҳолларда улар аризаларда келтираётган важларининг моҳиятини тўлиқ англай олмаяптилар. Оқибатда, улар томонидан асоссиз даъво билан чиқканларни учун давлат божи ва суд харажатлари ундирилмоқда.

Хусусан, Мехнатобод туманидаги «Боёвут» фермер хўжалиги даъво аризаси билан вилоят хўжалик судига мурожаат этиб, уч томонлама

шартномага асосан 1997 йилда етиштирилган ҳосилдан 13 тонна, 1998 йилда эса 10 тонна пахта толаси сотилиб, унинг пули тўланмаганлиги, Фуқаролик кодексининг 327-моддасига биноан мажбуриятлари бажарилмаганлиги учун «Турон» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти «Ўзпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик жамиятидан 1.999.000 сўм асосий қарз, 723.000 сўм банк фоизи, жами 2.722.000 сўм ундириш сўралган.

Аниқланишича, «Боёвут» фермер хўжалик 1997 йил 1 декабрдаги контрактация шартномасига асосан «Турон пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамиятига 1998 йил 12 февралдаги 56,3 тонна етиштириб топширилган пахта хом ашёси қайта ишлагандан сўнг 13,4 тонна, шартномага биноан топширилган 59,4 тонна, пахта маҳсулоти қайта ишлангандан кейин 10,2 тонна пахта толаси олинган. Даъвогарга маҳсулот етказиб бериш учун жавобгар 186.700 сўм миқдорида аванс (бўнак) тўлаган. Шунинdek, пахта терими учун даъвогарга 313.400 сўм ҳам тўлаган.

Тарафлар ўртасида 1998 йил 25 ноябрда ўтказилган ўзаро хисоб-китоб солишириш далолатномасига кўра, жавобгарнинг қарзи 1.587.000 сўмни ташкил қилган. Шундан сўнг 1998 йил 9 декабрдаги 1220-сонли тўлов топширифи билан 199.000 сўм, жами 1.579.000 сўм даъвогарга тўланган.

Юқоридагиларга асосан, даъвогарнинг асосий қарзини ва банк фоизи сўммаларини ундириш ҳақидаги даъво талаблари асоссиз деб топилиб, даъвони тўлиқ рад этиш ҳақидаги ҳал қилув карори қабул қилинган.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан шартномаларни тузишда ҳам бир қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Шартномаларнинг аксариятида, гарчанд улар 1999 йил сентябрь-октябрь ойларида тузилган бўлса-да, хўжалик маҳсулотини қабул қилиш манзилига 1999 йил 20 августгача етказиб бериш мажбуриятини зиммасига олган.

Бундан ташқари, шартномада унинг тузилган санаси, жойи, рақами, тайёрловчининг манзили, хўжалик банкнинг номи ва манзили, бошқарувчиси, шартноманинг умумий баҳоси, доннинг тўғри қабул қилиш жойи, мақсадсиз ишлатилган бўнак ва банк кредитини кимга қайтариш, шартнома тузилган муддат, шартномага хўжалик ва тайёрловчи банклар, маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекцияси раҳбарлари, хуқуқшунос имзоси, лавозими, фамилияси, исми, ота исми, банк реквизитларини қайд этмаслик ҳолатлари мавжуд бўлиб, бундай ҳолатларни бартараф этиш юзасидан хўжалик судлари томонидан тузилган шартномалар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш чоралари ҳам кўрилмоқда.

Суд амалиёти ўрганилганда, аксарият низолар контрактация, маҳсулот етказиб бериш шартномалари бўйича фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан дебиторлик қарзларини ундириш билан боғлиқ низолардан иборат эканлиги аникланди.

Контрактация шартномалари бўйича топширилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун шартномада белгиланган ҳақ вақтида тўланмаган бўлса, неустойка ундирилиши лозим.

Фермер хўжалиги фақатгина Фуқаролик кодексида ёки Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонунда назарда тутилган асослар бўйича тугатилиши мумкин.

Фермер хўжалигини тугатиш ҳақидаги даъво аризасидаги талаблари бўйича юкорида қайд этилган норматив ҳужжатларда белгиланган асослардан бошқа асослар юзасидан ариза берилган ҳолларда судлар бундай талабларни қаноатлантиришни рад қилишлари лозим.

Кўшкўпир тумани солиқ инспекцияси «Ҳамро» фермер хўжалигини тугатиш ҳақида даъво ариза билан хўжалик судига мурожаат қилган. Солиқ инспекцияси томонидан мазкур фермер хўжалиги 6 ойдан буён фаолият кўрсатмаётганлиги аниқланган. Суд мажлисида аниқланишича, фермер хўжалиги бир неча маротаба мурожаат қилганлигига қарамай, тегишли органлар томонидан унга ер майдони ажратилмаганлиги сабабли фаолият юритмаган. Мазкур ҳолат Кўшкўпир тумани прокуратураси томонидан текширилган ҳужжатлар билан ҳам тасдиқланган. Юқоридагиларга асосан, давлат органлари мансабдор шахслари томонидан «Фермер хўжалигини қайта рўйхатдан ўtkазиш тўғрисида»ги қонун ҳужжатларига риоя этмаганлиги оқибатида солиқ инспекциясининг даъво талаблари қаноатлантирилмаган.

Шуни эътироф этиш лозимки, фермер хўжаликларини тугатиш ҳақидаги даъволар кўрилганда, судлар томонидан фермер хўжаликлири 6 ой мобайнида молиявий-хўжалик фаолияти юритилмаган, деган асос билан тугатилиши мумкин эмас, чунки Фуқаролик кодексининг 53-моддаси 2-қисмига мувофиқ кўрсатилган асослар дехқон ва фермер хўжаликларига татбиқ этилмайди.

Хўжалик судлари фермер ва дехқон хўжаликларига нисбатан давлат органлари ва бошқа органлар томонидан ушбу хўжаликларнинг хўжалик фаолиятига аралашишга йўналтирилган ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари содир этилганлигини аниқласалар, судлар бундай бузилган ҳуқукларни тиклаш бўйича чора кўришлари керак.

Суд амалиётидан маълум бўлишича, Учкўприк туманидаги «Дўстлик» фермер хўжалигининг «Оқ сув» ширкатига ҳамда Учкўприк ҳокимиятига нисбатан ҳоким қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ва меҳнат жамоаси умумий йиғилиши баённомасини бекор қилиш ҳақидаги даъвоси бўйича хўжалик иши кўриб чиқилган. Қайд этилган ҳужжатларга асосан «Дўстлик» фермер хўжалигининг фаолияти тугатилган.

Иш ҳолатларидан аниқланишича, 1998 йил 27 октябрда «Дўстлик» фермер хўжалигини «Оқ сув» ширкатига бирлаштириш масаласи бўйича меҳнат жамоасининг йиғилиши ўтказилган. Мазкур йиғилиш баённомаси тазиик остида фермер хўжалигининг бошлиғи ҳамда меҳнат жамоаси аъзолари томонидан имзоланган. Ўтказилган йиғилиш баённомасига асосан ҳокимнинг 424-сон қарори билан фермер хўжалигининг фаолияти уни «Оқ сув» ширкатига бирлаштириш йўли билан тугатилган ва фермер хўжалиги давлат рўйхатидан чиқарилган.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган. Учкўприк тумани ҳокимининг 1198 йил 4 ноябрдаги фермер хўжалигини тугатиш ҳақидаги қарори ҳамда меҳнат жамоаси умумий йиғилишининг 1998 йил 27 октябрдаги баённомаси ва «Оқ сув» ширкати меҳнат жамоаси аъзоларининг 1998 йил 27 октябрдаги 7-сонли баённомаси бекор қилинган. Айбдор шахсларга нисбатан Жиноят кодексининг 205-моддаси 2, 209-моддаси

1-қисмлари қўлланиб, жиноят иши кўзғатилган ва фермер хўжалигининг қонуний ҳуқуқлари тикланган.

Шуни таъкидлаш жоизки, агар фермер ва дехқон хўжаликлари бошлиқлари аттестациядан ўтказилмаган, деган асос билан тугатилган бўлса, ҳокимнинг бу ҳақдаги қарори ҳақиқий эмас деб топилиши лозим.

Амалиётнинг кўрсатишича, Шеробод туман Бобур номидаги фермер хўжалиги жавобгар Шеробод тумани ҳокимининг 1998 йил 28 сентябрдаги 285-сон қарорини бекор қилишни сўраб, хўжалик судига мурожаат этган.

Шеробод тумани ҳокимининг ушбу қарорида фермер хўжалиги бошлиқларини аттестациядан ўтказиш комиссиясининг 1998 йил 20 сентябрдаги қарорини маъқуллаб, аттестациядан ўта олмаган фермер хўжаликлари фаолияти тўхтатилган ва уларнинг ер майдонлари тегишли жамоа ва фермер хўжаликларига олиб берилган. Даъвогар туман ҳокимининг қароридан норози бўлиб, аттестацияда қатнашмаганлигини билдирган ва ушбу қарорни бекор қилишни сўраган. Ҳақиқатан ҳам Шеробод тумани ҳокимининг қабул қилган қарори амалдаги қонунларга зид бўлгани учун суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиб, фермер хўжалигининг юридик мақоми тикланган.

Агар, фермер ёки дехқон хўжаликларини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги контрактация шартномасини тузишга мажбур қилиш билан боғлиқ иш кўрилаётганда, хўжалик суди томонидан тайёрловчи ташкилот кўрсатилган маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида ёрдам кўрсатгани аниқланган ҳолларда суд контрактация шартномасини тузишга мажбур қилиш ҳақида ҳал қилув қарорини қабул қилишга ҳақли.

«Донмаҳсулот»нинг 2000 йилга буғдой етказиб бериш учун контрактация шартномаси тузишга мажбурлаш ҳақидаги даъвоси бўйича иш хўжалик судида кўриб чиқилган. Иш ҳолатларига кўра, даъвогар «Катағон» фермер хўжалигини йилнинг бошида аванс, минерал ўғитлар билан таъминлаган.

Суд контрактация шартномаларидан келиб чиқиб, барча мажбуриятларни тайёрловчи бажарганлигини ҳисобга олиб, «Катағон» фермер хўжалигини буғдой етказиб бериш шартномасини тузишга мажбур қилган. Ушбу ўринда шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, Хўжалик процессуал кодексининг 114-моддасига кўра, шартнома тузишга мажбур этганлик тўғрисидаги аризага шартнома лойиҳаси ҳам илова қилиниши лозим.

Фермер ва дехқон хўжаликларини тугатиш ҳақидаги ҳоким қарорининг борлиги иш бўйича иш юритишни тугатиш учун асос бўлмаслиги лозим.

Суд ҳоким қарорига асосан фермер ва дехқон хўжалигининг юридик шахс рўйхатидан чиқарилганлигини аниқлаши лозим ва шундан кейингина ажрим чиқариши, мазкур қарор бўлмаса, суд низони мазмунан кўриб чиқиши талаб этилади.

«Қалдирғоч» фермер хўжалигининг Алишер Навоий номидаги меҳнат жамоасига нисбатан 179.000 сўм асосий қарз, 72.000 сўм жарима, 1.096.000 сўм пеня ва 82.800 сўм зарарни ундириш ҳақидаги даъвоси бўйича низо кўриб чиқилган. Биринчи инстанция суди даъвогар талабларини қисман қаноатлантирган.

Апелляция инстанцияси суди фермер хўжалиги олти ой мобайнида фаолият юритмаганлиги учун фермер хўжалигини тугатиш ҳақидаги ҳоким қарорининг тақдим қилинганинига асосланиб, иш юритишни тугатган.

Апелляция инстанцияси суди иш бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида ажрим чиқараётганда, судга тақдим қилингани фермер хўжалигини тугатиш ҳақидаги ҳоким қарорини асос қилиб олган. Бунда суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 55-моддасига мувофиқ юридик шахслар юридик шахсларнинг ягона давлат рўйхатидан ёзув чиқирилгандан сўнггина тугатилган, деб ҳисобланиши ҳолатлари эътиборга олинмаган. Бироқ иш хужжатларида «Қалдирғоч» фермер хўжалигининг давлат рўйхатидан чиқарилганини ҳақида ҳокимнинг қарори бўлмаган.

Бундан ташқари, апелляция инстанцияси қарор қабул қилишда фермер хўжаликлари олти ой мобайнида молиявий-хўжалик фаолияти юритмаган, деган асос билан тугатилиши мумкин эмас, чунки Фуқаролик кодексининг 53-модда 2-қисмига мувофиқ кўрсатилган асослар деҳқон ва фермер хўжаликлари татбиқ этилмаслиги эътиборга олинмаган. Шунга кўра, суд иш бўйича нотўғри иш юритишни тугатган, чунки фермер хўжалиги давлат рўйхатидан чиқарилгунга қадар фаолият юритаётган юридик шахс ҳисобланади ва судда иш бўйича тараф бўлиб чиқиши ва қатнашиши мумкин.

Қайд этилганларга асосан, Олий хўжалик суди Раёсати апелляция инстанция суди қарорини бекор қилиб, ишни янгитдан кўриш учун шу судга юборган.

Фермер хўжалиги иштирокидаги низоларни ҳал қилиш амалиёти кўрсатганидек, бу туркумдаги низоларни ҳал қилишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида бир қатор ташкилий ва ҳуқуқий чораларни кўриш талаб этилади.

Энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги 438-сон қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 6-бандига кўра хом ашё жойини ва тайёрловчилар билан шартномалар тузиш учун хўжаликлар рўйхатини аниқлаш маҳаллий қишлоқ хўжалиги органлари томонидан, хўжалик ва тайёрловчининг истаклари ҳисобга олинган ҳолда йил бошланишидан икки ой кечикмай амалга оширилиши лозим.

Амалиётда ушбу қоидага тўлиқ риоя қилинмаяпти. Фермер хўжаликларининг таклифлари туман, қишлоқ ва сув хўжаликлари бошқармалари ҳамда тегишли ҳокимиятлар томонидан етарли даражада инобатга олинмай, юқори режа белгиланиб, қарорлар қабул қилиниши натижасида фермерлар ҳуқуқ ва мажбуриятлари бузилиши ҳоллари учрамоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, режа белгиланаётганда ер унумдорлиги, сифати ва бошқа кўрсаткичлари, яъни ер бонитетини эътиборга олиш лозим. Буни эътиборга олмаслик эса ўз навбатида, албатта режанинг бажарилмаслиги оқибатида фермернинг зарар кўришига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, туман ҳокимликларининг пахта, ғалла ёки бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш ҳажмларини йил мобайнида бир

неча мартадан ўзгартиришлари ҳам контрактация шартномаларини қайта-қайта тузишга сабаб бўлмоқда. Бу ҳам шартномаларнинг лозим даражада бажарилишига салбий таъсир кўрсатяпти. Фермер хўжаликларига шартнома тузиш эркинлигининг кафолатлари яратилган бўлса-да, аксарият ҳолларда уларнинг бу хукуқларини амалга оширишда қийинчиликлар туғилмоқда. Фермер хўжаликларининг бузилган хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда моддий ва процессуал хуқуқ нормаларининг тўғри қўлланилишига риоя этиш одил судловда конун устуворлигини таъминлашнинг энг муҳим талабидир.

Суд амалиёти таҳлили натижаларига кўра, дехқон ва фермерлар ҳуқукий савиясининг пастлиги, жойларда ҳуқукий хизматнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, таъминотчи, хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг монополистик мавқега эга эканлиги, дехқон, фермерларнинг улар билан муносабатларни бузмасликка интилишлари, шартномаларнинг сифатсиз тузилаётганлиги, дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаларининг ўз вазифаларини лозим даражада бажармаётганлиги ҳолатлари ўз навбатида, дехқон ва фермерлар ҳуқуқ, манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини оширишни талаб этмоқда.

II боб. Қурилиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий қоидалари

1§. Қурилиш пудратини ҳуқуқий тартибга солиши тушунчаси ва асослари

Қурилиш пудрати шартномаси энг муҳим фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардан бири бўлиб, у иқтисодиёт тармокларида ҳам кенг қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида таъкидлаганидек, «самарали фаолият кўрсатадиган пудрат ишлари бозори ҳозирча ташкил этилгани йўқ, тендерларни ўтказишда объектларни «ўзига тегишли» қурилиш ташкилотлари ўртасида тақсимлаш, уларнинг нархини олдиндан белгилаб қўйиш, очигини айтганда, бу муҳим тадбири амалдаги қоидаларга зид равишида номигагина ўтказишдек кўплаб нуқсонларга йўл қўйилмоқда».

Бу эса ўз навбатида, қурилиш пудрати шартнома муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишининг самарадорлигини оширишни ва қонун ҳужжатларини амалиётга қўллаш механизмини такомиллаштиришни ҳам талаб этади.

Бинобарин, қурилиш пудрати шартнома муносабатлари иштирокчилари амалдаги қонун ҳужжатларини тўғри татбиқ этишлари унинг ижросини таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади. Қурилиш пудрати шартномавий муносабатлари иштирокчиларининг ўз зиммаларига юклатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни лозим даражада ва оқилона бажармаслиги қонун ҳужжатларига етарли риоя этилмаётганлигидан ҳам далолат беради.

Шу сабабли, қурилиш пудрати шартномасини тартибга солувчи ҳуқуқий манбаларни амалиётга қўллаш самарадорлигини ошириш зарур.

Қурилиш пудрати шартнома муносабатларини тартибга солувчи манбаларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида тутган ўрнига кўра 4 гурухга туркумлаш мумкин. Булар жумласига: биринчидан, қурилиш соҳасига оид халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари, иккинчидан, қонунлар, учинчидан, қонуности ҳужжатлари, тўртинчидан, идоравий-меъёрий ҳужжатлар киради.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси қурилиш пудрати шартнома муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи асосий норматив ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Мазкур Кодекс 37–бобининг 1-параграф 631-655, 3-параграфи 666–685-моддалари қурилиш пудрати шартномасига бағишлиланган бўлиб, ушбу нормаларда асосан пудрат тўғрисида умумий қоидалар, шунингдек қурилиш пудрати шартномаси тушунчаси, шартнома иштирокчилари, сугурталаш ҳолатлари, лойиҳа–смета ҳужжатларини тайёрлаш, ҳақ тўлаш, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқалар ўз ифодасини топган.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрдаги «Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида»ги, 1998 йил 24 декабрдаги «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Конунлари ҳам муҳим ўрин тутади.

Қурилиш пуррати шартнома муносабатларини тартиба солища қонуности ҳужжатларининг роли ҳам бекиёсdir.

Бундай қонуности ҳужжатлари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 26 январдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитасининг Давлат идорадан ташқари экспертиза бош бошқармаси («Бошдавлатэкспертиза») тўғрисида»ги Низом, 1995 йил 25 ноябрдаги «Қурилиш соҳасидаги қонунбузишлар учун молиявий санкциялар тўғрисида»ги қарори ва «Қурилиш соҳасидаги қонунбузишлар учун молиявий санкциялар кўллаш тартиби тўғрисида»ги Низом, 1998 йил 3 сентябрдаги «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва у билан тасдиқланган «1998–2000 йилларда қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш Дастури», «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари (тендер) ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги Низом, «Қурилиши контракт асосида ташкил этиш тўғрисида»ги Низомни, «Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришни ташкил этиш тўғрисида»ги Низом, «Бозор муносабатлари шароитларида қурилишда шартномавий нархларни белгилаш Тартиби», 1999 йил 20 августдаги қарор билан тасдиқланган «Қурилиши тугалланмаган объектлар ва асосий фондлар қурилишини вақтинча тўхтатиб қўйиш ва қайтадан бошлаш тартиби» ва бошқалар ҳисобланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, республикамизда 1998 йил 3 сентябрига қадар қурилиш ишларини амалга оширишда асосий қонуности ҳужжатлардан бири бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 21 июлдаги 369 сонли қарори билан тасдиқланган «Қурилиши контракт асосида ва объектларни тайёр ҳолда топширишни ташкил этиш тўғрисида»ги Низом ва «Бозор муносабатлари шароитларида қурилишдаги шартномавий нархларни белгилаш тартиби» ҳисобланар эди. Қурилиш пурратини олиб борувчи хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятларида ушбу қонуности ҳужжатларидан фойдаланар эдилар. Республикамизда қурилиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бозор принциплари ва механизmlари асосида қурилиш мажмуини бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1998 йил 3 сентябрда қабул қилинган 375-сонли «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан юқорида қайд этилган янги, замон талабларига жавоб берадиган қонуности ҳужжатлари тасдиқланиб, шу қарорга кўра Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 21 июлдаги 369-сонли қарори ўз кучини йуқотди.

Бинобарин, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги қарорида қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари қайд этилган, буларга биринчидан, пудрат қурилиш ташкилотлари ва қурилиш индустрияси корхоналарини хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, қурилиш бошқарув тузилмаларини ихчамлаштириш ва монополиядан чиқариш; иккинчидан, хусусий қурилиш фирмалари ташкил этилишини рафбатлантириш, қурилиш соҳасида ўрта ва кичик корхоналар ва ташкилотларни бозор инфратузилмасини ривожлантириш; учинчидан, капитал қурилишда пудрат ва лойиҳа ишлари бозорини шакллантириш, қурилиш фаолиятида шартнома муносабатларининг аҳамиятини кучайтириш, буюртмаларни жойлаштиришда ҳамма жойда тендер савдоларини жорий этиш; тўртингидан, инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосларини тайёрлаш даражасини ошириш ҳамда уларни шакллантириш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартибини такомиллаштириш, қурилишнинг меъёрий-техник негизини янгилаш; бешинчидан, тармоқни бошқаришнинг барча бўғинларида институтционал ислоҳотларни амалга ошириш, бошқаришнинг устун даражада бир-икки бўғинли тизимиға ўтган ҳолда қурилиш мажмуини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва ниҳоят, бригада пудратини жорий этиш, ишнинг тугалланган босқичлари бўйича ҳақ тўлаш асосида пудрат қурилиш ташкилотларида ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш шакллари ва механизмини такомиллаштириш шунингдек, қурилиш ишлари муддатларини қисқартириш ва таннархини пасайтириш кабилар киради.

Шунингдек, юқорида қайд этилган Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 сентябрда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари (тендер) ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида янги обьектлар қуриш, ишлаб турган обьектларни кенгайтириш, техника билан қайта жиҳозлаш, реконструкция қилиш, тузатиш ва илгари тўхтатиб қўйилган обьектлар қурилишини давом эттириш билан боғлиқ ишлар, хизматларнинг бутун комплексини бажаришга ва товарлар етказиб беришга танлов савдоларини тайёрлаш, ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ва шартларини белгилаб беради.

Мазкур Низом маблағ билан таъминлашнинг марказлаштирилган манбалари, ўз маблағлари ва давлат бошқаруви, ижро этувчи органларининг, давлат корхоналарининг, шунингдек устав жамғармасида давлат улуши бор бўлган корхоналарнинг уларга тенглаштирилган маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун тендер савдолари ўтказишида мажбурий ҳисобланади.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18 ноябрдаги «Капитал қурилишда бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан тегишли лойиҳа ҳужжатлари бўлмаган ва молиялаш манбалари тасдиқланмаган обьектлар қурилишига йўл қўймаслик; қурилиш қиймати ошиб кетишига олиб келадиган унумсиз харажатларни кескин қисқартириш чораларини кўриш; обьектлар қурилишига, шу жумладан обьектларни тўлиқ қуриб топшириш шарти билан буюртмаларни

тендер (танлов) асосида жойлаштириш тизими кенг жорий этилишини таъминлаш; хусусий қурилиш фирмалари, кичик ва ўрта пудрат қурилиш ташкилотлари барпо этиш ва уларнинг фаолият кўрсатишини, пудрат ишлари бозори, қурилиш моллари улгуржи бозорларини шакллантиришни ривожлантириш назарда тутилган.

Шу билан бирга қонуности ҳужжатлари туркумига Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 26 мартағи 135–сонли қарор билан тасдиқланган «Объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилганлиги ва шартнома қийматига нисбатан маблағлар тежалганлиги учун пудратчи ташкилотни буюртмачи томонидан мукофотлаш Тартиби»ни ва 1999 йил 20 августдаги 397–сонли қарори билан тасдиқланган «Қурилиши тугалланмаган объектлар ва асосий фондлар қурилишини вақтинча тўхтатиб қўйиш ва қайтадан бошлаш Тартиби»ни киритиш мумкин. Ушбу тартибларда маблағлар тежалган ва объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилган тақдирда қурилиш қатнашчиларини мукофотлаш шартлари ва тартибини ва Ўзбекистон Республикаси худудида қурилиши тугалланмаган объектлар ва асосий фондлар қурилишини вақтинча тўхтатиб қўйиш ва қайтадан бошлашнинг ягона қоидалари ўз ифодасини топди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 3 сентябрда «Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқаришнинг чет эл тажрибасини ўрганиш ва уларнинг янги усулларини ҳамда илғор қурилиш технологияларини жорий қилиш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги 412–сонли қарор қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш ва қурилиш материаллари саноати комплекси ҳузурида Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқаришнинг чет эл тажрибасини ўрганиш ва уларнинг янги усулларини ҳамда илғор қурилиш технологияларини жорий этиш бўйича доимий ишловчи Республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қошида эса ҳудудий комиссиялар тузилди. Бундан мақсад, инвестиция жараёнларини самарали бошқариш, бизнес–режалар тузиш, халқаро амалиётга, халқаро молиявий ва кредит муассасалари мезонларига мувофиқ лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиши, инвестициялар соҳасида давлат буюртмасини ва давлат харидларини, шартнома муносабатларини, пудрат ишлари ва қурилиш материаллари бозорини, нарх белгилаш устидан мониторингни шакллантириш, янги техника ва қурилиш монтаж ишларининг технологияси, қурилиш материалларининг илғор турлари қўлланишини иқтисодий асослаш, қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқаришнинг илғор усулларини, илғор қурилиш технологияларини жорий этиш, шу жумладан лизинг бўйича қурилиш техникаси, кичик механизация воситалари, технология асбоб–ускуналари олиш масалаларида жойлардаги давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларига, инвестиция жараёни қатнашчилари бўлган корхоналар ва ташкилотларга кўмаклашиш, замонавий техник даражадаги тегишли ахборот базасини ташкил этиш ва ахборотнинг қурилиш жараёни қатнашчилари ўртасида кенг ёйилишини таъминлаш, чет эл инжиниринг фирмалари ва қурилиш компанияларининг тажрибасини ўрганиш, маҳаллий мутахассисларни хорижий

мамлакатларда ўқитиш ва тажриба алмашиш учун семинарлар ташкил этишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрда қабул қилган 532-сонли «Объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қарори ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда ривожланаётган бозор муносабатлари шароитида қурилиш пудрати шартномаси бўйича томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, суғурта ҳодисалари оқибатида пайдо бўладиган қурилиш таваккалчиликларини қоплаш ва заарларнинг тўланишини таъминлашга қаратилган қоидалар ўзининг ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги мазкур қарори билан тасдиқланган «Объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Низомга асосан мулкчилик шаклларидан қатъий назар, хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан қишлоқ хўжалигидаги қурилиш пудрати корхоналари – пудратчилар давлат бюджети маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига маблағ билан таъминланаётган объектларни қуриш учун пудрат шартномаларини тузишда мажбурий суғурта қилиш, суғурталовчи, яъни суғурта ташкилотининг жавобгарлиги, суғурта шартномасини тузиш, суғурта ҳодисаси бошланганда томонларнинг ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асослари белгиланган. Қурилиш пудратини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар Фуқаролик кодексининг суғурта хақидаги нормалари ва Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта тўғрисида»ги Қонунига ва қайд этилган қонуности хужжатларига асосан шартномавий муносабатлар самарадорлигини таъминлашга эришишлари улар хўжалик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишининг таркибий қисми бўлиб ҳисбланади.

Қурилиш пудрати шартнома муносабатларини тартибга солувчи идоравий–меъёрий хужжатлар жумласига Республика Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 19 ноябрда давлат рўйхатидан ўтказилган «Техник иқтисодий асослар, қурилиш лойиҳалари ва шаҳарсозлик хужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома», 1998 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилиб, 1999 йилнинг 1 январидан кучга киритилган «Қурилиш меъёрлари ва қоидалари («ҚМҚ») «Қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилишга оид асосий қоидалар» кабилар киради. Ушбу идоравий-меъёрий хужжатларда қурилиш пудратини амалга ошириш механизми, қурилиш қийматини баҳолаш, лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш тартиби ва тайёр объектларни фойдаланишга топширишга оид қоидалар белгиланган.

Юқорида қайд этилган қонун хужжатлари хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан буюртмачи ва пудратчилар ўртасида тўғри татбиқ этилмаслиги оқибатида суд амалиётида қўйидаги камчиликлар учрамоқда:

биринчидан, буюртмачи ва пудратчилар ўртасида қурилиш пудрати шартномаларида расмийлаштириш ва шартномаларнинг ушбу тури бўйича қонун ҳужжатларида қўйилган талабларнинг ифода этилмаслиги;

иккинчидан, қурилиш пудрати шартномалари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қурилиш баҳоси ва уни ҳисоб–китоб шаклларининг белгиланмаслиги, шунингдек буюртмачи ва пудратчининг хуқуқ ва мажбуриятларига шартнома тузиш эркинлиги асосида лозим даражада риоя этилмаслиги;

учинчидан, қурилиш пудрати ишларини амалга ошириш учун асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланган лойиҳа-смета ҳужжатларини тузмасдан, қурилиш таъмиглаш ишларини бажариш, мавжуд смета ҳужжатларини белгиланган тартибда экспертизадан ўтказмасдан ва қурилиш ишларини суғурта қилдирмасдан, амалга ошириш ҳоллари намоён бўлмоқда. Натижада кўпгина хўжалик юритувчи субъектлар қурилиш соҳасида қилган қонунбузишлари ва ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги учун қонун ҳужжатларида ва шартномаларда белгиланган тартибда молиявий санкцияларни қўллаш оқибатида кўплаб микдорда неустойка (пеня, жарима) туламоқдалар. Бу эса хўжалик юритувчи корхоналарнинг ночор аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлмоқда;

тўртинчидан, қурилиш пудрати шартномавий муносабатларида тарафлар йўл қўяётган хато ва камчиликлар шартнома интизомига риоя қилиш ҳуқуқий маданиятининг етарли даражада эмаслиги ва қурилиш пудрати шартномавий алоқадорлик асосида буюртмачи ва пудратчи сифатида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар ишида ҳам юридик хизматнинг яхши йўлга қўйилмаганлигидан далолат беради.

Юқорида қайд этилганлар асосида хulosа қилиш мумкинки, республикамиизда қурилиш пудрати билан боғлиқ шартномавий муносабатларни амалга ошириш ва тартибга солиш учун қонунчилик базаси яратилган. Шунинг учун мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар («буюртмачилар») ва пудратчи ташкилотлар юқорида баён этилган қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ хўжалик фаолиятининг самарадорлигини ошириши, қонун ва шартнома шартлари асосида ўз зиммаларига юклатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишини таъминлаши зарур.

Хусусан, қурилиш пудрати шартнома муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг хўжалик судлари томонидан амалиётга қўллашнинг такомиллаштирилиши қурилиш пудрати соҳасида келиб чиқаётган низоларни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини татбиқ этишнинг ҳам муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Шубҳасиз, қурилиш пудрати шартнома муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ҳуқуқни қўллаш фаолияти ва жараёни нуқтаи назаридан ҳар томонлама илмий ва назарий таҳлил қилиб ўрганиш уларни амалиётга татбиқ этишнинг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қиласи. Бу эса ўз навбатида, қурилиш пудрати шартнома муносабатларини такомиллаштиришни тақозо этади.

2§. Қурилиш пудрати шартномасининг ҳуқуқий табиати

Қурилиш пудрати шартномаси ўзига хос ҳуқуқий табиатга эга бўлган фуқаролик ҳуқуқий шартномалардан бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси қурилиш пудрати шартнома мунсабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари (тендер) ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги, «Қурилишни контракт асосида ташкил этиш тўғрисида»ги, «Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишни ташкил этиш тўғрисида»ги Низомлари, «Бозор муносабатлари шароитларида қурилишда шартномавий нархларни белгилаш тартиби» кабилар муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18 ноябрдаги «Капитал қурилишда бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида тегишли лойиха ҳужжатлари бўлмаган ва молиялаш манбалари тасдиқланмаган обьектлар қурилишига йўл қўймаслик, қурилиш қиймати ошиб кетишига олиб келадиган унумсиз харажатларни кескин қисқартириш чораларини қўриш, обьектлар қурилишига, шу жумладан обьектларни тўлиқ қуриб топшириш шарти билан буюртмаларни тендер (танлов) асосида жойлаштириш тизимининг кенг жорий этилишини таъминлаш, хусусий қурилиш фирмалари, кичик ва ўрта пудрат қурилиш ташкилотлари барпо этиш ва уларнинг фаолият кўрсатишини, пудрат ишлари бозори, қурилиш моллари улгуржи бозорларини шакллантиришни ривожлантириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардир:

биринчидан, пудрат қурилиш ташкилотлари ва қурилиш индустряси корхоналарини хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, қурилиш бошқарув тузилмаларини ихчамлаштириш ва монополиядан чиқариш; иккинчидан, хусусий қурилиш фирмалари ташкил этилишини рағбатлантириш, қурилиш соҳасида ўрта ва кичик корхоналар ва ташкилотларнинг бозор инфратузилмасини ривожлантириш; учинчидан, капитал қурилишда пудрат ва лойиха ишлари бозорини шакллантириш, қурилиш фаолиятида шартнома муносабатларининг аҳамиятини кучайтириш, буюртмаларни жойлаштиришда ҳамма жойда тендер савдоларини жорий этиш, обьектларни устун даражада фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш; тўртинчидан, инвестиция лойихаларининг техник-иктисодий асосларини тайёrlаш даражасини ошириш ҳамда уларни шакллантириш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартибини такомиллаштириш, қурилишнинг меъёрий-техник негизини янгилаш; бешинчидан, тармоқни бошқаришнинг барча бўғинларида

институционал ислоҳотларни амалга ошириш, бошқаришнинг устун даражада бир-икки бўғинли тизимиға ўтган ҳолда қурилиш мажмуини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва ниҳоят, бригада пудратини жорий этиш, ишнинг тугалланган босқичлари бўйича ҳақ тўлаш асосида пудрат қурилиш ташкилотларида ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш шакллари ва механизмини такомиллаштириш, шунингдек қурилиш ишлари муддатларини қисқартириш ва таннархини пасайтириш.

«Ўзбекистон Республикаси худудида капитал қурилишда танлов савдолари (тендер) ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги Низом Ўзбекистон Республикаси худудида янги объектлар қуриш, ишлаб турган объектларни кенгайтириш, техника билан қайта жиҳозлаш, реконструкция қилиш, тузатиш ва илгари тўхтатиб қўйилган объектлар қурилишини давом эттириш билан боғлиқ ишлар, хизматларнинг бутун комплексини бажаришга ва товарлар етказиб беришга танлов савдоларини тайёрлаш, ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ва шартларини белгилайди. Капитал қурилишдаги тендер савдолари тизими ўзида қурилишнинг қиймати ва муддатлари доирасида буюртмачи (инвестор)га қурилиш, монтаж, тузатиш ва бошқа ишлар ҳажмлари бажарилишини, зарур сифатга эга бўлган товарлар ва хизматлар харид қилинишини, асбоб-ускуналар етказиб берилишини, монтаж қилиниши ва созланишини кафолатловчи ташкилотни танлов асосида танлаш усулини ифодалайди.

Мазкур Низом маблағ билан таъминлашнинг марказлаштирилган манбалари, ўз маблағлари ва давлат бошқаруви ижро этувчи органларининг, давлат корхоналарининг, шунингдек Низом жамғармасида давлат улуши бор бўлган корхоналарнинг уларга тенглаштирилган маблағлари хисобига амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун тендер савдолари ўтказишда мажбурий хисобланади.

Савдони ўтказиш ва унинг вақти тўғрисидаги қарор тасдиқланган техник-иктисодий асослар ёки лойиҳа бўйича буюртмачи (инвестор) томонидан қабул қилинади. Савдолар ўтказиш усулига кўра очиқ ва ёпиқ бўлиши мумкин. Очиқ савдоларда, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахслар қатнашиши мумкин.

Ёпиқ савдолар республиканинг буюртмачи томонидан олдиндан белгиланган ташкилотлари, хорижий ва хусусий фирмалар иштирокида ўтказилади, уларга маҳсус билдиришнома юборилади. Пудрат савдолари, одатда очиқ ўтказилади. Ёпиқ пудрат савдолари Вазирлар Маҳкамаси ёки у томонидан вакил қилинган орган томонидан белгиланган тартибда фавқулодда ҳолларда ўтказилади. Пудрат савдосида лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларини амалга оширувчи, мулкчиликнинг барча шаклларидаги юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек қурилиш маҳсулотлари ва асбоб-ускуналари тайёрловчи корхоналар қатнашиши мумкин.

Қурилиш пудрати шартномаси корхонани, бинони (жумладан уй-жой биносини) иншоотни ёки бошқа объектни қуриш ёки қайта қуриш ҳақида, шунингдек монтаж, созлаш, ишга тушириш ва қурилаётган объект билан

бевосита боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажариш ҳақида тузилади. Қурилиш пудрати шартномаси тўғрисидаги қоидалар, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ишларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Қурилиш пудрати шартномаси шартли равишда «контракт» тушунчасида амалдаги қонун ҳужжатларида ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган.

Қурилишда томонларнинг ўзаро муносабатларига ва жавбгарлиги тақсимотига кўра контрактнинг қўйидаги турларидан фойдаланиш мумкин: биринчидан, тўғридан-тўғри контрактлар. Бундай контрактлар асбоб-ускуналар ва материалларни етказиб берган ёки бермаган ҳолда комплекснинг таркибий қисми бўлган алоҳида обьектларда қурилиш, монтаж ёки маҳсус ишлар ҳажмларини бажариш юзасидан тузилади. Тўғридан-тўғри контракт бўйича пудратчи фақат ўзининг тўғридан-тўғри мажбуриятлари ўз ишлари ва хизматлари учун жавоб беради, юзасидан қурилишни тугаллаш ҳамда барча ишларни мувофиқлаштириш учун жавобгарлик буюртмачи зиммасида қолади; иккинчидан, лойиҳа-қурилиш контракти обьектни лойиҳалаш ва қурилиш бўйича мажбуриятларни бош пудратчи зиммасига юклашни назарда тутади. Объектни лойиҳалаш лойиҳалаш институтлари, пудратчининг лицензияга эга бўлган лойиҳалаш бўлинмалари, ёки унинг раҳбарлигига бажарилиши мумкин; учинчидан, «тайёр ҳолда фойдаланишга топшириш» контракти лойиҳа-қурилиш контрактининг ривожлантирилиши ҳисобланади. Бунда бош пудратчи буюртмачининг барча анъанавий вазифаларини, шу жумладан ишга туширишни ўз зиммасига олади. Объект буюртмачига доимий фойдаланишга тўлиқ тайёр ҳолда топширилади.

Пудратчи (буюртмачининг розилиги ёки агар бу контрактда акс этган бўлса, розилигисиз) бош пудратчи ролини бажаради ва ишларнинг бир қисмини ёки турини бажариш учун бошқа ташкилотларни (субпудратчиларни), улар билан субпудрат контрактлари тузган ҳолда жалб этиши мумкин. Ушбу контракт контрактларнинг тўғридан-тўғри турларига киради.

Етказиб берувчи заводлар билан контрактлар, қоидага кўра, фақат мураккаб ва ноёб асбоб-ускуналарни яратишда ёки асбоб-ускуналарни тўплам ҳолда етказиб бериш юзасидан тузилади.

Уч томонлама контракт учинчи шахслар (суғурта компанияси ёки маблағ билан таъминловчи банк ва таркибига пудратчи кирадиган пудратчи ташкилотлар уюшмаси) иштирокида тузилади, улар буюртмачига ёки бош пудратчига нисбатан (агар улардан бири иқтисодий ночор бўлиб қолса) кафил сифатида чиқиши керак. Бош пудратчининг кафиллиги бош пудратчи иқтисодий ночор бўлиб қолганда буюртмачининг мафаатларини ҳимоя қилишни кафолатлайди. Пудратчи мажбуриятларини бажармай қолган тақдирда иқтисодий жавобгарликни ўз зиммасига оладиган суғурта компанияси, банк ёки юқори ташкилот кафилликка олувчи бўлишлари мумкин.

Бозор муносабатлари шароитида қурилиш пудрати контракти «тайёр қурилиш обьектини сотиш» шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин. Қурилиш бозорининг ривожланиши билан «тайёр қурилиш обьектини сотиш» шартномаси кенг қўлланилиб, пудратчи фақатгина обьектни қуриш

мажбурияти билан чекланиб қолмай, балки брокер сифатида қатнишиб, пудрат савдоси орқали уни топширишга ҳақли бўлади. Танлов савдолари (тендер) асосида қурилиш пудрати контрактини тузиш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, танловнинг шартлари буюртмачи томонидан белгиланади. Унинг буюртмачи учун афзаллиги шундан иборатки, у пудрат савдоси асосида пудратчи ташкилотни ўзи танлаб шартнома тузади. Буюртмачи сифатида қурилиш пудрати шартномаси бўйича юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари қатнашиши мумкин. Пудратчи бўлиб эса, мулкчилик шаклидан қатъий назар, қурилиш-монтаж, лойиха-қурилиш ва бошқа ташкилот ва корхоналар ҳамда алоҳида жисмоний шахслар ёки қонунчиликда ўрнатилган тартибда қурилиш фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномага эга бўлиб, рўйхатдан ўтказилган ишларни мувофиқлаштириш бўйича вазифани ўз зиммасига олган воситачи ташкилотлар қатнашиши мумкин.

Якка тартибдаги музокаралар асосида буюртмачи томонидан бош пудратчи танлангандан кейин томонларга дастлабки (контрактдан олдинги) битим тузиш тавсия қилинади. Унда буюртмачи ва бош пудратчининг қурилиш юзасидан контрактнинг мазмуни бўйича мақсади, шартлашилган муддатларда контрактни тузишни ва ишларни бажаришни бошлашни таъминловчи дастлабки тадбирлар белгиланади.

Дастлабки битим ўз ичига объектнинг номи ва унга доир асосий маълумотлар (бош пудратчининг қуввати, ишларининг базавий нархлардаги ҳажми, қурилишнинг меъёрий муддати ва қурилишни бошлашнинг мўлжалдаги муддати); лойиха-смета ҳужжатлари таркиби, ҳажми ва уларни бериш муддатлари; қурилиш майдонини бош пудратчига топшириш муддатлари ва иморатларни бузиш зарурияти туғилган тақдирда уни бўшатиш шартлари; қурилишни асбоб-ускуналар, материаллар, конструкциялар ва буюмлар билан таъминлаш тартиби ва шартлари; контракт турини (анъанавий лойиха-қурилиш ёки тайёр ҳолда топшириш») танлаш ва уни тузиш муддатлари; қурилишни маблағ билан таъминлаш манбаи; томонларнинг контрактни тузишдан олдинги битимни бузганлик учун жавобгарликни олади.

Дастлабки битим контракт тузиш учун замин бўлиб хизмат қиласи ва лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши прогнозлаш, конструкциялар, буюмлар, асбоб-ускуналар тайёрлашга буюртмарни жойлаштиришни ҳозирлаш, субпудратчи ташкилотлар, етказиб берувчилар билан контрактларни тайёрлаш ва шу кабилар учун асос ҳисобланади. Шунингдек, дастлабки битим банк ихтиёрига кўра бош пудратчи фаолиятини кредитлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин ва айни бир вақтда контракт имзолангунга қадар томонлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳужжат бўлиши мумкин.

Қурилиш пудрати шартномаси бўйича тарафлар ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Қурилиш пудрати шартномаси иштирокчилари ўз зиммаларига юклатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажаришда ўзаро ҳамкорлик қилиши лозим. Фуқаролик кодексининг 667-моддасига биноан, агар қурилишни ва у билан боғлиқ ишларни амалга оширишда қурилиш пудрати шартномасини тегишли даражада бажаришга тўсиқлар борлиги маълум бўлса, тарафларнинг ҳар бири бундай тўсиқларни бартараф этиш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма

чораларни кўриши шарт. Ушбу мажбуриятни бажармаган тараф тегишли тўсиқлар бартараф этилмаганлиги туфайли етказилган заарни ундириб олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ҳолларда бир тараф ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мажбуриятларни бажариш учун қилган харажатларни бошқа тараф тўлаши лозим. Қурилишни контракт асосида ташкил этиш тўғрисидаги Низом контракт тизимининг турларига қараб, унинг иштирокчиларининг ўзаро муносабатларида вужудга келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг нуфузли хусусиятларини белгилайди. Контракт турига қараб ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тақсимланиши, энг аввало, дастлабки келишувдан кейин тарафлар томонидан имзоланган контрактда ўз ифодасини топади. Хусусан, контрактни тузувчи буюртмачи ва пудратчи ҳамда бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юқорида қайд қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда ифодаланган бўлиб, тарафлар муайян контрактнинг турини эътиборга олиб, ўзаро келишилган ҳолда ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилашга ҳақлидир. Энг муҳими, тарафлар шартномада ўзаро белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тақсимотига кўра, бир-бирининг ишига ноўрин аралишиши мумкин эмас.

Фуқаролик кодексининг 676-моддасига мувофиқ буюртмачи, пудратчининг оператив-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда ишларнинг бажарилишини ва сифатини, уларни бажариш муддатларига (графикка) риоя этилишини, пудратчи берган материалларнинг сифатини, шунингдек буюртмачининг материалидан пудратчи тўғри фойдаланаётганлигини текширишга ва назорат қилишга ҳақли. Буюртмачи ишларнинг бажарилиши устидан текширув ва назоратни амалга ошираётганда қурилиш пудрати шартномаси шартларидан ишлар сифатини ёмонлаштириши мумкин бўлган даражада чекинишни ёки бошқа камчиликларни аниқласа, бу тўғрида дарҳол пудратчига хабар бериши шарт. Буни хабар қилмаган буюртмачи аниқланган камчиликларни кейинчалик важ қилиб келтириш ҳуқуқини йўқотади.

Агар буюртмачидан қурилиш жараёнида пудратчи олган кўрсатмалар қурилиш пудрати шартномаси шартларига зид бўлмаса ва пудратчининг оператив хўжалик фаолиятига аралашибдан иборат бўлмаса, пудратчи бундай кўрсатмаларни бажариши шарт.

Буюртмачи ишни текширмагани ва назорат қилмаганини важ қилиб келтиришга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида бундай текшириш ва назоратни амалга ошириш буюртмачининг зиммасига юкланган ҳоллар бундан мустасно.

Қурилиш юзасидан контракт тузишнинг дастлабки битимда келишилган муддатлари бошланганда буюртмачи бош пудратчига контрактни тайёрлаш учун етарли бўлган қўйидаги техник ҳужжатларни бериши керак: қурилишнинг тасдиқланган титул рўйхати; белгиланган тартибда тасдиқланган техник-иктисодий асослар, лойиха ва сметаларни ишлаб чиқиш бўйича йўриқномалар ва кўрсатмаларда назарда тутилган қурилиш қийматининг йиғма ҳисоб-китоби билан бирга лойиха ёки ишчи лойиха-2 нусха; қурилишнинг биринчи йили учун асбоб-ускуналар ва материаллар бериш жадвали, агар бу қурилишнинг узлуксиз технологиясида кўзда тутилган ва улар билан таъминлаш буюртмачи

зиммасига юкланган бўлса, ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи хужжат нусхаси; қурилиш чиқиндиларини, ортиқча тупроқни ташлаш жойини ажратиш тўғрисидаги рухсатнома; етишмаган тупроқни қазиб олиш учун карьерлар очишга рухсатнома; ерларни унумдор қилишга мўжалланган унумдор тупроқ қатламини уйиш учун жой ажратишга рухсатнома; кенгайтириш, реконструкциялаш ва техникавий қайта жиҳозлашга мўжалланган ишлаб турган корхоналар бино ҳамда иншоотларининг ҳолатини ва мустаҳкамлигини тасдиқловчи материаллар.

Объект қурилиши икки ва ундан кўпроқ бош пудратчилар томонидан амалга оширилган тақдирда буюртмачи мазкур ҳужжатларни ҳар қайси бош пудратчига ўzlари бажарадиган иш ҳажми учун контракт тайёрлаш учун беради. Бунда барча бош пудратчилар учун умумий бўлган ҳужжат турлари бўйича ҳужжатлар кўчирмалари ва нусхалари берилади.

Курилиш пудрати шартнома муносабатларида қатнашувчи буюртмачи ўз зиммасига олган лойиҳалаштиришга оид мажбуриятларни ўзаро келишилган шартлар асосида ишлаб чиқиб, ўз вақтида тақдим этиши лозим.

Фуқаролик кодексининг 670-моддасига кўра, пудратчи қурилиш ва у билан боғлиқ бўлган ишларни ишнинг ҳажми, мазмуни ва уларга қўйиладиган бошқа талабларни белгилайдиган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши шарт.

Курилиш пудрати шартномасида бошқа кўрсатмалар бўлмаса, пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилган ҳамма ишларни бажариши шарт, деб ҳисобланади.

Курилиш пудрати шартномасида лойиҳа смета ҳужжатларининг таркиби ва мазмуни аниқланган, шунингдек қайси тараф ва қанча муддатда тегишли ҳужжатларни тақдим қилиши лозимлиги назарда тутилган бўлиши керак.

Пудратчи қурилиш довомида лойиҳа-смета ҳужжатларига ҳисобга олинмаган ишларни ва шу муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа, бу тўғрида буюртмачига хабар бериши шарт.

Пудратчи буюртмачидан ўн кун ичida ўз хабарига жавоб олмаган тақдирда, агар қонунда ёки қурилиш пудрати шартномасида бунинг учун бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, тегишли ишларни тўхтатиб, бекор туриб қолиш натижасида кўрилган зарарни буюртмачининг зиммасига юклаши шарт. Агар буюртмачи қўшимча иш бажариш зарурати йўқлигини исботласа, бу зарарни қоплашдан озод этилади.

Курилиш пудрати контрактида тарафларнинг асосий мажбуриятларидан бири қурилиш материаллари, конструкция-ишлоҳ ва технологик аслаҳалар билан таъминлашдир.

Фуқаролик кодексининг 672-моддасига кўра, агар шартномада бутун қурилишни ёки унинг муайян қисмини моддий таъминлаш буюртмачи томонидан амалга оширилиши назарда тутилган бўлмаса, қурилишни материаллар, шу жумладан, қисмлар ва конструкциялар, шунингдек ускуналар билан таъминлаш мажбурияти пудратчи зиммасида бўлади.

Курилишни таъминлаш мажбуриятини зиммасига олган тараф ўзи топширган материаллар (қисмлар, конструкциялар)дан, шунингдек ускуналарни бажарилаётган ишлар сифатини ёмонлаштирумagan ҳолда фойдаланиб бўлмаслиги вужудга келганлиги учун, агар фойдаланиб бўлмаслик иккинчи тараф жавоб берадиган вазиятлар туфайли вужудга келганлигини исбот қилмаса, жавобгар бўлади.

Буюртмачи берган материаллар ёки ускуналардан бажарилаётган ишлар сифатини ёмонлаштирумagan ҳолда фойдаланиш мумкин эмаслиги аниқланган ва буюртмачи уларни алмаштиришдан бош тортган тақдирда, пурратчи курилиш пуррати шартномасидан воз кечишга ва буюртмачидан ишнинг бажарилган қисмига мутаносиб равишда шартнома нархини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Буюртмачининг энг муҳим мажбуриятларидан бири бажарилган ишга ҳақ тўлашдир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 673-моддасида ифода қилинганидек, буюртмачи пурратчининг бажарган иши учун сметада назарда тутилган миқдорда қонун ёки қурилиш пуррати шартномасида белгиланган муддатда ва тартибда ҳақ тўлайди. Қонун ёки шартномада тегишли кўрсатмалар бўлмаса, пурратчи томонидан бажарилган ишлар учун ушбу Кодекснинг 638-моддасига мувофиқ ҳақ тўланади.

Курилиш пуррати шартномасида ишларга обьект буюртмачи томонидан қабул қилинганидан сўнг бир йўла тўлиқ ҳажмда тўлаш назарда тутилиши мумкин.

Курилиш пуррати шартномасида ишларни ҳаки топшириш ва қабул қилиб олиш муҳим ўрин эгаллайди. Бу жараёнда қурилиш пуррат шартномаси иштирокчиларига муайян мажбурият юклатилади. Фуқаролик кодексининг 680-моддасига мувофиқ, пурратчидан қурилиш пуррати шартномаси бўйича бажарилган ишлар натижаси ёки агар шартномада назарда тутилган бўлса, ишларнинг бажарилган босқичи топширишга тайёр эканлиги тўғрисида хабар олган буюртмачи дарҳол уни қабул қилиб олишга киришиши шарт.

Агар қурилиш пуррати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ишлар натижасини қабул қилиб олишни ўз ҳисобидан ташкил этади ва амалга оширади. Қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда ишларни қабул қилиб олишда давлат органларининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари иштирок этиши лозим.

Курилиш пуррати шартномаси бўйича тарафлар шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарликка тортиладилар.

Хулоса қилиб айтганда, бозор муносабатлари шароитида қурилиш пуррати шартнома муносабатлари иштирокчилари ўз зиммаларига олган ҳуқук ва мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилиши қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, уй-жой ва маданий-маиший ҳамда бошқа обьектлар қурилишини амалга оширишнинг самарадорлигини таъминлаш учун шароит яратади.

3§. Қурилиш пуррати шартномаси бўйича низоларни ҳал қилиш тартиби

Республикамизда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларнинг аксарият қисми қурилиш пурдати шартномавий мажбуриятларининг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги билан боғлиқдир.

Қурилиш пурдати шартномаси шартларни бузганлик учун жавобгарликлардан бири бу фуқаролик-хукуқий жавобгарликдир.

Қурилиш пурдати шартномаси бўйича белгиланган мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун буюртмачи ёки пурдатчи (ёрдамчи пурдатчи) шартномада кўрсатилган тартибда жавобгар бўладилар.

Қурилиш пурдати шартномасидан келиб чиқаётган низолар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, шартнома тарафларнинг жавобгарлиги аксарият ҳолларда фуқаролик - хукуқий жавобгарлик кўринишида намоён бўлмоқда.

Ушбу тоифадаги низоларни ҳал этишни бошқа кўринишдаги низолардан фарқли равишда ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Бу хусусиятлар биринчи навбатда, шартнома бўйича тарафларнинг жавобгарлигига кўринади.

Шартнома мажбуриятларини бузганликлари учун буюртмачи жавобгарлиги Фуқаролик кодекси меъёрларига кўра: шартнома тузиш даврида, буюртмага кўра олиб борилаётган қурилиш иши ва қурилиш тугалланиши, иш натижаларини топшириш ва қабул қилиш жараёнларида келиб чиқиши мумкин.

Бундан ташқари, ушбу тоифадаги ишларни кўришда нафақат Фуқаролик кодекси меъёрлари, балки бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатларига суюнган ҳолда иш кўрилади.

Шу сабабли хўжалик судлари қурилиш пурдати шартномаларидан келиб чиқаётган низоларни ҳал этишда ўзига хослигини ва ишни мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда иш юритишлари лозим.

Қурилиш пурдати шартномаси бўйича низолар моддий ва процессуал хукуқни қўллаш асосида ҳал этилади.

Моддий хукуқ меъёрлари эса шартномавий мажбуриятни бажармаслик ва лозим даражада бажармасликда, процессуал хукуқ меъёрлари эса иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги, хўжалик суди аниқланган деб ҳисоблаган иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг исботланмаганлиги, суд ҳужжатида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаган ҳолатларда қўллаш кабилар шулар жумласидандир.

Қурилиш соҳасидаги низоларни келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири, буюртмачилар томонидан пул маблағлари бўлмаганлиги учун бажарилган ишларга тўловларни амалга ошириш мажбуриятларини бажармаслиги ва пурдатчилар томонидан қурилиш ишлари миқдори учун олдиндан бўнак ажратилса-да, ишларни бажармасликлари ва қурилиш пурдати ишларини шартнома тузмасдан бажариш оқибатида келиб чиқмоқда.

Қурилиш пурдати билан боғлиқ низоларни хўжалик судларида кўриш натижалари таҳлил қилинганда, хўжалик юритувчи субъектлар қурилиш пурдати шартномаларини тузишда ҳар доим ҳам амалдаги қонунчилик меъёрларига риоя қилмаётганликлари аниқланмоқда.

Хозирги кунда қурилиш пудрати шартномавий муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари ва меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Қурилиш пудрати шартнома муносабатларини тартибга солишда Фуқаролик кодекси (631-655, 666 – 685 моддалари), Ўзбекистон Республикасининг «Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунлари муҳим ўрин тутади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 сентябрдаги ва 1999 йил 20 августдаги қарорлари билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари (тендер) ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги Низом, «Қурилишни контракт асосида ташкил этиш тўғрисида»ги Низом, «Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришни ташкил этиш тўғрисида»ги Низом, «Бозор муносабатлари шароитларида қурилишда шартномавий нархларни белгилаш Тартиби», «Қурилиши тугалланмаган объектлар ва асосий фондлар қурилишини вақтинча тўхтатиб қўйиш ва қайтадан бошлаш Тартиби» ва бошқа бир қатор қонуности ҳужжатларида ҳуқуқий меъёрлар батафсил берилган бўлса-да, кўпчилик хўжалик юритувчи субъектларнинг амалдаги қонунчилик меъёрларини билмасликлари оқибатида ҳуқуқий нуқтаи назардан саёз бўлган пудрат шартномалари тузилишига сабаб бўлмоқда.

Фуқаролик кодексининг 364-моддасига кўра агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади. Шартноманинг нарсаси тўғрисидаги шартлар, қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олиниши зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим ҳисобланади.

Суд амалиётидан маълум бўлишича, шартномаларда кўрсатилиши лозим бўлган, жумладан тўлов тартиби, мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик, ишларни сифат ва сони бўйича қабул қилиш тартиби, ишлар қиймати, қурилиш муддатлари каби шартлар кўрсатилмаслик ҳолатлари кўплаб учрайди. Бу эса, ўз навбатида шартнома тарафларининг ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслигига ва кўплаб низоларни келиб чиқишига сабаб бўлади.

Хусусан, «Солижон» хусусий корхонаси ва «Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази» ўртасидаги низо хўжалик суди томонидан кўрилганда, томонлар ўртасидаги пудрат шартномасида шартноманинг муҳим шартларидан ҳисобланган, бажарилиши лозим бўлган ишлар қўлами, иш бажарилиши мўлжалланган объект ва шартнома баҳоси кўрсатилмаган.

Бундан ташқари, пудратчи ва буюртмачилар ўртасида тузилаётган пудрат шартномаларида ҳанузгacha 1998 йил 3 сентябрда кучини йўқотган Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 21 июлдаги 369-сонли қарори билан тасдиқланган «Қурилишни контракт асосида ташкил этиш тўғрисида»ги Низом қоидаларига ҳавола қилиниши ҳолатлари учрайди. Таъкидлаш лозимки, ушбу Низом

қоидаларининг хўжалик судлари томонидан қўлланилиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Шу билан бирга даъвогарлар томонидан даъво аризалари тақдим этилишида низони мазмунан кўриб унинг тўғри ҳал қилинишига асос бўлувчи муҳим аҳамиятга эга бўлган ёзма далиллар судга берилмаганлиги оқибатида судларда ишларни кўриш бир неча ойга чўзилиб кетмоқда.

Маълумки, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ўзаро ҳуқуқий муносабатларини фақат шартнома асосида амалга оширишлари лозим.

Бизга маълумки, хўжалик фаолиятининг барча соҳаларида корхонанинг бошқа корхоналар, ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатлари шартнома негизида қурилади.

Лекин, айрим пудратчи корхоналар қурилиш пудрати ишларини шартномасиз амалга ошириб, уларни топшириш ва қабул қилиш актлари билан буюртмачиларга топшириши ва қилинган ишлар учун хақ ундириш ҳақида ариза билан судга мурожаат қилмоқдалар. Суд амалиёти эса ўз навбатида томонлар ўртасида шартнома бўлмаса-да, қилинган ишлар бўйича топшириш ва қабул қилиш актлари ва солиштирув далолатномалари мавжудлиги учун даъвони қаноатлантириш ҳақида қарорлар қабул қилмоқдалар. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 666-моддасига кўра қурилиш пудрати бўйича ҳуқуқий муносабатларнинг келиб чиқиши учун асос шартнома ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг 326-моддасига биноан агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса ҳам суд неустойкани камайтиришга ҳақлидир. Бу ҳақда Олий хўжалик суди Пленумининг 1999 йил 5 февралдаги қарорида батафсил тавсия берилишига қарамасдан, судлар амалиётида неустойканинг бир тури бўлган жаримани ундириш ҳақидаги даъво талаблари рад этилмоқда.

Чунончи, хўжалик суди «Сўғдиёна» ўюшмасининг Касби тумани МТП дан 683043 сўм асосий қарз ва 1137886 сўм жарима ундириш ҳақидаги даъво талабининг асосий қарз ундириш қисмини қаноатлантириб, жарима қисмини даъвогар 40 фоиз тўловни олдиндан амалга оширмасдан ишлар бажаргани учун рад этган.

Фуқаролик кодексининг 638-673-моддаларига асосан агар пудрат шартномасида бажарилган ишга ёки унинг айрим босқичларига олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи пудратчига шартлашилган ҳақни тегишли тарзда ва келишилган муддатда ёхуд буюртмачининг розилиги билан муддатидан олдин бажарилиб, унинг натижалари узил – кесил топширилганидан кейин тўлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг 1 - бандига кўра барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган (бажарилган ишлар, хизматлар) қийматининг 15 фоизини олдиндан тўламасалар, маҳсулот

жўнатаиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатиши тақиқланган. Пудрат шартномалари таҳлилидан кўринишича, аксарият пудратчилар шартнома тузишларида олдиндан тўловни белгилаб олсалар-да, Фармон талабларига амал қилмай, ушбу тўловни олмасдан туриб, ишларни бажармоқдалар.

Натижада, пудрат шартномалари бўйича бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳисоб-китоб амалга оширилмаётганига пудратчиларнинг ўзлари ҳам сабабчи бўлмоқдалар.

«Моҳир пардоз» хусусий фирмаси ўзи билан «Тошметроқурилиш» трести ўртасида тузилган пудрат шартномаси бўйича хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгардан 1602108 сўм асосий қарз, 324426 сўм пеня ундириб беришни сўраган. Иш кўриб чиқилиб, асосий қарз тўлангани учун даъвонинг пеня ундириш қисми қаноатлантирилган.

Аммо, даъвогарнинг ўзи шартнома талабига зид равишда кўрсатилган 25 фоизлик тўловни олдиндан тўламасдан туриб, иш бошлаб юборган. Шунинг учун хўжалик суди дебиторликни вужудга келишида даъвогарнинг ҳам айби борлигини ҳисобга олиб, даъвогар раҳбарини тўлов интизомини бузганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-моддасига биноан 26250 сўм жаримага тортган.

Маълумки, Фуқаролик кодексининг 670-моддасига кўра пудратчи қурилиш давомида лойиҳа-смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни ҳамда шу муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа, бу тўғрида буюртмачига хабар бериши шарт.

Бироқ, ишлар таҳлилидан шу нарса маълум бўлмоқдаки, пудратчи қурилиш ташкилотлари ўзаро тузилган шартнома ва лойиҳа смета ҳужжатларида кўрсатилган ишлардан ташқари қўшимча ишларни буюртмачини огоҳлантирумасдан бажармоқдалар. Натижада низо келиб чиқиб, судга даъво аризалари киритилмоқда. Судлар эса Фуқаролик кодекси меъёrlаридан келиб чиқиб, бундай қўшимча талаблар асоссиз бўлганлиги учун рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилмоқдалар.

Хусусан, «Камолот-Г» масъулияти чекланган жамияти шаҳар хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар – буюртмачи Сирғали тумани ҳокимиятининг хўжалик ҳисобидаги капитал қурилиш бошқармасидан шартномага кўра бажарилган ишлар учун 4269149 сўм ундириб беришни сўраган.

Ишни биринчи инстанция судида кўриш жараёнида ва гувоҳларнинг берган кўрсатмаларидан аниқланишича, пудратчи томонлар ўртасидаги пудрат шартномаси ва лойиҳа смета ҳужжатларига кўра Сирғали автомашина бозорини асфальтлаштириш бўйича жами 29599288 сўмлик ишларни бажариб топширган, буюртмачи ишларни қабул қилиб олган ва барча тўловларни амалга оширган. Лекин, пудратчи томонидан шартнома мажбуриятларини бажарилиши якунланишида иш ҳажмига ва сметага киритилмаган қўшимча ишларни бажариш лозимлиги аниқланган. Бу обьект топширилиши лозимлиги учун туман раҳбарияти пудратчи – «Камолот-Г» жамиятига қўшимча участкада ҳам асфальтлаштириш ишларини амалга оширишни топширган ва қилинган

ишлар бўйича раҳбарият шартнома тузиш ва бажарилган қўшимча ишлар учун тўлов амалга оширилади деган оғзаки кафолатидан сўнг, жамият 4269149 сўмлик қўшимча ишларни бажарган.

Даъвогарнинг бу қўшимча ишлар учун тўлов ҳақидаги важи суд томонидан инобатга олинмаган, чунки қўшимча ишлар учун смета тузилмаган, шунингдек буюртмачи далолатномани имзоламаган.

Пудратчи қўшимча ишлар бажарилиши лозимлиги ҳақида буюртмачини огохлантирунг маган. Пудратчи буюртмачидан ўн кун муддат ичидан ўз хабарига жавоб олмаса, қўшимча ишларни бажаришни тўхтатиши лозимдир. Шунинг учун пудратчи – «Камолот-Г» жамияти бу мажбуриятларни бажармаганлиги учун, қилингандай қўшимча иши учун буюртмачидан ҳақ тўлаш ва шу туфайли кўрилган заарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган.

Фуқаролик кодексининг 647-681-моддаларига кўра пудратчи томонидан бажарилган ишлар сифати шартнома шартларига, лойиҳа сметада кўрсатилган талабларга мос келиши лозим, агарда бу талаблардан чекинишга йўл қўйилса, у ҳолда мажбуриятлар тегишли тартибда бажарилмаган ҳисобланади.

Хўжалик суди амалиётидан маълумки, кўпгина пудратчилар томонидан бажарилган ишларнинг сифатсизлиги нафақат топшириш даврида, балки бевосита суд томонидан тайинланган экспертиза натижаларига кўра ҳам аниқланаяпти.

Пудратчи – «Шанс Микс» масъулияти чекланган жамияти хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, буюртмачи – «Электросигнал» акциядорлик жамиятидан пудрат шартномасига кўра амалга оширилган таъмиглаш ишлари учун 876892 сўм асосий қарз, 181708 сўм пеня ундириб беришни сўраган.

Буюртмачи даъво аризага эътирознома билдириб, бажарилган ишлар сифатсизлиги ва буни аниқлаш учун қурилиш экспертизаси тайинлаш лозимлигини сўраган.

Биринчи инстанция суди томонидан иш мазмунан кўриб чиқилиб, даъво талаблари қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси ишни қайта кўриб чиқишида, жавобгарнинг ишнинг сифати бўйича экспертиза тайинлаш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантирган ва қурилиш экспертизаси тайинлаган. Экспертиза хулосаси тақдим этилганидан сўнг, апелляция инстанцияси ҳал қилув қарорини қисман ўзгартириб, даъвони қисман қаноатлантирган.

Чунки, экспертиза томонидан бажарилган ишларнинг сифатсиз эканлиги ва ишларни бажаришда қисман қурилиш меъёрлари ва қоидаларидан четга чиқилганлиги тасдиқланган. Натижада буюртмачининг актга қўшилган баъзи иш турларини сифатсиз бажарилганлиги ҳақидаги важлари суд жараёнида қурилиш экспертизаси тайинлаш орқали ўз исботини топган.

Бироқ, бу ишларнинг қисман сифатсизлиги даъво талабларини тўлиқ рад этиш учун асос бўла олмайди.

Шунинг учун апелляция инстанцияси даъвони қисман қаноатлантириб, ўзининг қарорида сифати шартнома ва лойиҳа-сметага мос келувчи қисми бўйича тўлов мажбуриятининг бажарилиши лозимлигини қайд этган.

Фуқаролик кодексининг 634-моддасига кўра, агарда қонун ҳужжатларида ёки пудрат шартномасида пудратчининг шартномада кўрсатилган ишни шахсан ўзи бажариш мажбуриятлари келиб чиқмаса, пудратчи ўз мажбуриятларининг бир қисмини бажариш учун бошқа шахслар – ёрдамчи пудратчиларни жалб қилишга ҳақли.

Бундай ҳолатда пудрат шартномаси бўйича буюртмачининг пудрат шартномаси бўйича мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлиги учун ёрдамчи пудратчи олдида бош пудратчи жавобгар бўлади.

Агар қонун ёки пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ва ёрдамчи пудратчининг ҳар бири бош пудратчи билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни бир-бирига қўйишга ҳақли эмас.

Ёрдамчи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун тўлов буюртмачи томонидан ишлар учун бош пудратчига тўловлар амалга оширилган-оширилмаганидан қатъий назар, бош пудратчи томонидан амалга оширилиши лозим.

Лекин, шунга қарамай ёрдамчи пудратчиларнинг бажарилган ишлар учун ҳақни буюртмачилардан ундиришни сўраб судга мурожаат қи-лиши ҳоллари кўп учрамоқда.

Хусусан, ёрдамчи пудратчи – «Минор-қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамияти хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарлар «Зарбдорқурилиш» ҳамда академик лицейлар ва хунар-техника коллежлари қурилиши бўйича дирекциядан 11915206 сўм ундириб беришни сўраган.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Апелляция суди ишни қайта кўриб чиқиб, даъвони қисман қаноатлантирган ва бош пудратчи – «Зарбдорқурилиш» шўъба корхонасидан даъвогар фойдасига 9456513 сўм асосий қарз, 992880 сўм пеня ундириб берилган.

Ёрдамчи пудратчи – «Минор-қурилиш сервис» жамияти кассация шикояти билан мурожаат қилиб, апелляция суди қарорини бекор қилиб, даъвони буюртмачи – дирекция ҳисобидан қаноатлантиришни сўраган.

Аниқланишича, «Минор–қурилиш сервис» жамияти – ёрдамчи пудратчи ва бош пудратчи «Зарбдорқурилиш» корхонаси ўртасида тузилган пудрат шартномасига кўра, ёрдамчи пудратчи академик лицейда пудрат ишларини бажарган. Ушбу ишларда буюртмачи – академик лицейлар ва хунар-техника коллежлари қурилиши бўйича дирекция бўлиб, бу дирекция бош пудратчи – «Зарбдорқурилиш» корхонаси билан пудрат ишларини амалга ошириш бўйича шартнома тузган. Қилинган ишлар топшириш ва қабул қилиш актлари билан ўз тасдигини топган ва даъвогар бош пудратчи – «Зарбдорқурилиш» корхонаси ўртасида солиштирув далолатномаси тузилган.

Ёрдамчи пудратчи - «Минор– қурилиш сервис» жамияти томонидан ишларнинг бажарилганлик ҳолати ва унинг қиймати иш материаллари билан тасдиқланган ва тарафлар томонидан эътиroz билдирилмаган.

Ёрдамчи пудратчи тўғридан тўғри буюртмачи билан ҳисоб - китоб қилиши мумкин, қачонки улар ўртасида бош пудратчини розилигини олган ҳолда алоҳида ишларни бажариш учун шартнома тузилган бўлса (ФК 634-моддани 4-қисми) ёхуд бош пудрат шартномаси ва ёрдамчи пудрат шартномасида тарафлар қилинган ишлар учун ёрдамчи пудратчи ҳисоб - китобни бош пудратчини четлаб ўтган ҳолда тўғридан-тўғри буюртмачи билан амалга оширишни белгилаб қўйган бўлсалар.

Қайд этилган ушбу иш бўйича шартномаларда бундай шартлар белгиланмаган. Шунинг учун апелляция судлов ҳайъати асосли равишда, қилинган ишлар учун билдирилган даъвони буюртмачи бош пудратчига тўловни амалга оширган-оширмаганидан қатъий назар, бош пудратчи – «Зарбдорқурилиш» шўъба корхонаси ҳисобидан қаноатлантирган.

Хўжалик судлари қурилиш пудрати билан боғлик низолар хусусида қарорлар қабул қилишда фақатгина Хўжалик процессуал кодекси меъёрлари билан чекланиб қолмасдан, балки қурилиш пудрати муносабатларини тартибга соловчи моддий хуқук меъёрларини ҳам қўллашлари ва бу ҳақда қарорларда кўрсатишлари лозим.

Маълумки, қурилиш пудрати шартномасидан келиб чиқаётган ишларни ҳал этишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири - бу бажарилган ишларни сифати юзасидан низолар ҳисобланади.

Суд амалиётидан қўринишича, кўп ҳолларда ишларни қўриш давомида буюртмачилар томонидан бажарилган ишларнинг сифати лозим даражада эмаслиги сабабли уни аниқлаш учун экспертиза тайинлашни сўраб мурожаат қилинган ҳоллар учрайди.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 67 – моддасига кўра ишни қўриш вақтида келиб чиқадиган, маҳсус билимларни талаб қиласиган саволларни тушунтириб бериш учун хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосига кўра экспертиза тайинлайди.

Суд амалиётида эса ушбу тоифадаги ишларни қўришда нафақат тарафларнинг илтимосномалари, балки ишларни ҳар томонлама қўриш ва далилларга баҳо бериш учун суднинг ўзи томонидан ҳам экспертиза тайинланиши лозим бўлган ҳолатлар ҳам учрамоқда, лекин процессуал қонунчиликда судга бундай ваколат берилмаган.

Бизнинг фикримизча, хўжалик судларига ишни қўриш вақтида келиб чиқадиган, маҳсус билимларни талаб қиласиган саволларни тушунтириб бериш учун хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ва ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаш ваколати берилса ишларни ҳар томонлама, батафсил ва ўз муддатида одилона қўрилиши учун имконият яратилади.

Бундан ташқари, Хўжалик процессуал кодексининг 169 – моддасига кўра ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун қўйидагилар, иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги, хўжалик суди аниқланган деб ҳисоблаган иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг исботланмаганлиги, ҳал қилув қарорида баён қилинган хulosаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги, моддий ёки процессуал хуқук меъёрларининг бузилганлиги ёхуд

нотүғри қўлланилганлиги асос бўлади. Апелляция инстанцияси томонидан қайд этилган ҳолатлар мавжуд бўлганида Хўжалик процессуал кодексининг 168-моддасига кўра, ҳал қилув қарорини ўзгартириш, қарорни тўла ёки қисман бекор қилиб, янги қарор қабул қилиш мумкин. Лекин, апелляция инстанциясига юқорида қайд этилган ҳолатлар аниқланганида ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгитдан қўриш ваколати берилмаган.

Бироқ, суд амалиётидан қўринишича, кўп ҳолларда биринчи инстанция судлари томонидан ишларни ҳар томонлама кўрмаслик, далилларга баҳо бермаслик, иш учун аҳамиятли далилларни сўраб олмасдан, барваҳт хуносага келиш (бу камчиликлар қурилиш пудрати шартномаларидан келиб чиқаётган низоларни ҳал этишда ҳам мавжуд) кўплаб учрайди. Шунинг учун апелляция инстанциясига биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгитдан қўриб чиқишга юбориш ваколати берилиши, ишларнинг пухта, ҳар томонлама қонуний ва асослантирилган ҳолда қўриб чиқилишининг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Хуносабатлари бўйича низоларни моддий ва процессуал ҳукуқ меъёрлари асосида ҳал этиш бўйича суд амалиётининг самарадорлигини ошириш ўз навбатида қурилиш пудрати шартномаси тарафларининг ҳукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим гарови бўлиб хизмат қиласи.

III боб. Чет эл инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш шакллари ва асослари

1§. Чет эл инвестициялари тушунчалари

«Инвестициялар», «чет эл инвестициялари» тушунчаларини ҳар хил таърифлаш мумкин. «Инвестициялар» сўзининг ўзи инглиз тилидан олинган бўлиб (investments), у «капитал қўйилмалари»ни англатади. Демак, «инвестициялар» ҳамда «капитал қўйилмалари» атамалари синонимлардир.

Чет эл инвестициялари тўғрисида гапирав эканмиз, авваламбор давлат инвестициялари ва хусусий инвестицияларни фарқлаш лозим. Давлат инвестиациялари бир давлат ёки давлатлар гурухи бошқа давлатга берадиган заёмлар, кредитлардир. Бу ҳолда давлатлар ўртасидаги муносабатлар вужудга келиб, улар халқаро шартномалар томонидан тартибга солинади ҳамда уларга нисбатан халқаро ҳуқуқ нормалари қўлланилади. Хусусий банклар консорциуми (гурухи) давлатга инвестициялар берганда «диагонал» муносабатлар ҳам бўлиши мумкин.

Хусусий инвестициялар деганда, бир мамлакатнинг хусусий фирмалари, компаниялари ёки фуқаролари бошқа мамлакатнинг тегишли субъектларига берадиган инвестициялар тушунилади. Инвестиция муносабатлари шу даражада мураккаб ва кўп қирралики, кўпинча давлатлар ўртасидаги муносабатлар хусусий шахслар ўртасидаги муносабатлар билан узвий боғланган бўлади. Бундай алоқа суброгацияда, яъни инвестор ўз ҳуқуқ ва талабларини давлатга топширгандан яққол кўринади.

Қарздор давлатнинг у олган кредитлар бўйича моддий мажбуриятлари (масалан, фоизлар тўлови) хусусий инвестор мулкий ҳуқуқларининг тўлиқ ёки қисман қиймати ҳисобига қарздор мамлакатда қаноатлантирилганда (масалан, табиий ресурсларни ишлаб чиқишига доир ҳуқуқларни бериш) муносабатларнинг янада мукаммалроқ конструкцияси ҳам бўлиши мумкин.

«Чет эл инвестициялари» тушунчасини ҳуқуқий маънода аниқлаш жуда муҳимдир. Чунки, фақат уларга нисбатан чет эл инвестициялари тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатлари ҳамда тегишли халқаро шартномалар қоидалари татбиқ этилади. Чет эл инвестицияларининг турли тушунчалари маълум. Куйидаги таърифи келтириш мумкин: «Чет эллик инвесторлар томонидан тадбиркорлик фаолияти обьектларига даромад олиш ҳамда билимлар бериш мақсадида қўшилаётган мулкнинг ҳамда мулкий ҳуқуқларнинг барча турлари, шу жумладан, интеллектуал фаолият натижаларига доир ҳуқуқлар ва ашёвий ҳуқуқларга тааллуқли бўлмаган ҳуқуқлар чет эл инвестициялари ҳисобланади».

Давлатларнинг миллий қонун ҳужжатларида бошқа умумий таърифлар ҳам қўлланилиб, уларда келтирилган таърифдан айрим фарқлар мавжуддир. Масалан, Қозоғистон Қонунида²¹ чет эл инвестициялари деганда, чет эллик инвестор республикага олиб кирадиган ҳамда товарлар ишлаб чиқаришига ва хизматлар кўрсатишига мўлжалланган мулкнинг барча турлари, шунингдек шу мақсадда олиб кириладиган валюта маблағлари тушунилади.

²¹ Советы Казахстана. 1995. 20 января.

1993 йилги Украина Декретида²² Украинада амал қилаётган ҳукуқтарыбот доирасида чет эллик инвесторлар томонидан қўшилаётган бойликларнинг барча турлари ҳақида сўз боради. Бунда «малакали инвестициялар», яъни устав капиталининг камидаги 20 фоизини ташкил этадиган ҳамда айни вақтда моддий ва номоддий ашёлар ҳамда ҳукуқлар учун суммаси 50 минг АҚШ долларини ёки омонатлар, қимматли қофозлар ва шу кабилар учун суммаси 500 минг АҚШ долларини (банклар учун сумма миқдори икки маротаба қўпаяди) ташкил этадиган инвестициялар тушунчаси киритилади.

Россия Конуни бўйича²³ чет эллик инвесторлар тадбиркорлик ва бошқа фаолият объектларига фойда (даромад) олиш мақсадида қўшадиган мулкий ва интеллектуал бойликларнинг барча турлари чет эл инвестициялари деб эътироф этилади.

Биз келтирган мисоллардан кўриниб турибдики, турли давлатларнинг қонунларида чет эл инвестициялари тушунчаси таърифларининг асосий элементлари бир-бирига тўғри келади. Ҳукуқий адабиётларда ҳам инвестицияга умумий таъриф беришга уринишлар қилинган. А.Г.Богатирев фикрига кўра, «чет эл инвестициялари бир мамлакатдан турли кўриниш ва шаклларда олиб чиқилган ҳамда бошқа мамлакат худудида корхонага (ёки ишга) қўшилган молмулк – хорижий капиталдир»²⁴.

Юридик нуқтаи назардан бир неча жиҳатларга эътибор қаратиш лозим. Биринчидан, мулк институтининг инвестицияларни тушуниш учун аҳамияти. Ҳар қандай инвестиция мулк ҳуқуки объектидир. У давлат мулкида (давлат чет эл инвестициялари), хусусий юридик шахслар ёки фуқаролар мулкида (хусусий инвестициялар) бўлиши мумкин. Аммо «чет эл мулки» ҳамда «чет эл инвестициялари» тушунчалари ўртасида тенглик белгисини қўйиш керак эмас. Улар бир хил эмас, чунки мулк, умуман, ва, хусусан чет эл мулки – бу «инвестициялар» ва «чет эл инвестициялари» тушунчаларига қараганда кенгроқ тушунчалардир.

Мисол учун, хорижий давлат мулкида элчихона биноси бўлади, хорижий фуқаро мулкида эса - турар жой. Лекин бу объектларга инвестициялар сифатида қарашиб мумкин эмас, чунки келтирилган мисолларда мулк (агар уй тадбиркорлик ёхуд бошқа хўжалик фаолияти мақсадларига хизмат қиласа) ўзга мақсадга йўналтирилган. Мақсадга йўналтирилганлик (тадбиркорлик, хайрия фаолияти) муҳим аҳамият касб этади. Оддий ички инвестициялардан чет эл инвестициялари улар келиб чиқиши манбалари билан ҳамда уларнинг мулқдори (инвестори) ким эканлиги билан фарқ қиласа. Ўзининг келиб чиқишига кўра улар хорижий капитал ҳисобланади. Чет эл инвестициялари мамлакатга бошқа давлатдан олиб кирилади, улар қабул қилаётган мамлакат иқтисодиётига бошқа давлат инвесторлари томонидан қўшилади.

Иқтисодий нуқтаи назардан қараганда, хусусий чет эл инвестициялари заём ва кредитлар (ссуда капитали) тарзидаги инвестицияларга ҳамда тўғридан-тўғри ва портфел инвестициялари (тадбиркорлик капитали) тарзидаги

²² Ведомости Верховного Совета Украины. 1993. №28. Ст.302.

²³ Ведомости Верховного Совета РСФСР. 1991. №29. Ст. 1008.

²⁴ Богатырев А.Г. Инвестиционное право. М., 1992. С.12

инвестицияларга бўлиниши мумкин. Тўғридан-тўғри инвестициялар деганда, одатда ишлаб чиқариш ва ўзга (қўшма ёки тўлиқ хорижий капиталга тегишли) корхоналарни инвестициялаш тушунилади. Портфел инвестициялари деганда, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш тушунилади.

Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонуннинг таъсир доираси кучи буларнинг барча шаклларига ёки фақат тўғридан-тўғри ҳамда портфел инвестицияларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин. Мисол учун, Эстония Қонуни²⁵ инвестицияларни Эстония Республикасида жойлашган корхоналарга қўшилган инвестициялар билангина чеклаб қўяди. Қозогистон Қонуни²⁶ эса ўз таъсир доирасидан маҳсус молия муассасалари томонидан берилган кредитларни истисно этган (Қозогистон «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни. 1994 йил, 1-модда).

Соф юридик характерга эга бўлган яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Чет эл инвестициялари деганда, қабул қилаётган мамлакатга унинг миллий қонун хужжатларига мувофиқ олиб кирилган барча мулкий бойликлар тушунилади.

Қонун хужжатларида ҳамда халқаро шартномаларда бериладиган чет эл инвестициялари турлари (шакллари)нинг рўйхати одатда, тўлиқ эмас, балки намунавий бўлади, чунки, юқорида айтганимиздек, инвестициялар тушунчаси чет эллик инвестор қабул қилаётган мамлакат ҳудудида қўшадиган мулкий бойликларнинг барча турларини қамраб олади.

Бу рўйхатга қуйидагилар киради:

биринчидан, кўчмас ва кўчар мулк (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар ва бошқа моддий бойликлар) ҳамда тегишли мулкий ҳуқуқлар, шу жумладан гаров ҳуқуқи;

иккинчидан, пул маблағлари: акциялар, омонатлар, облигациялар ёки ширкатлар, корхоналар, шу жумладан, қўшма корхоналарда иштирок этишнинг бошқа ҳар қандай шакллари;

учинчидан, иқтисодий бойликларни яратиш учун қўшиладиган пул маблағлари ёки иқтисодий аҳамиятга эга бўлган хизматлар кўрсатиш бўйича талаб этиш ҳуқуқи;

тўртинчидан, кўпинча интеллектуал мулкка (шу жумладан саноат мулкига) доир ҳуқуқлар деб таърифланадиган интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқлар;

бешинчидан, қонун ёки шартнома асосида бериладиган хўжалик фаолият юритишга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, хусусан, табиий ресурсларни қидириш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқлари.

Чет эл инвестицияларининг шу турларидан айримлари изоҳлашни талаб этади. Интеллектуал мулк (шу жумладан саноат мулки) деганда, муаллифлик ҳуқуқларини, ихтиrolарга, саноат намуналарига, фойдали моделларга, товар белгиларга ёки хизмат кўрсатиш белгиларига доир ҳуқуқларни, шунингдек

²⁵ Ведомости Эстонской Республики. 1991. №31. Ст. 376.

²⁶ Советы Казахстана 1995. 20 января.

«goodwill»ни тушуниш лозим (бу тушунча корхонанинг обўсини, унинг ишчанлик алоқаларининг таркибини, қийматини англатади).

Бу гурухга технологияга, ахборотга ҳамда «ноу-хау»га доир ҳуқуқлар киради.

Халқаро битимлар ҳам капитал қўйилмаларига, ҳам капитал қўйилмаларининг натижасида, хусусан фойда ёки фойда улуши, дивиденdlар, фоизлар, лицензия ёки ўзга мукофот пуллари, техник ёрдам ҳамда техник хизмат учун тўловлар, шунингдек бошка мукофот пуллари сифатида олинадиган даромадларга нисбатан татбиқ этилади.

2§. Чет эл инвестицияларининг шакллари

Миллий қонун ҳужжатлари назарда тутадики, хорижий инвестициялаш қўшма корхона тузганда улуш қўшиб қатнашиш, мавжуд корхоналарда иштирок этиш улушларини, акцияларни, пайларни, қимматли қоғозларни сотиб олиш йўли билангина эмас, балки чет эллик инвесторларга тўлиқ тегишли бўлган корхоналарни, шунингдек хорижий юридик шахслар филиалларини тузиш, ердан ҳамда бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш, ўзга мулкий ҳуқуқларни сотиб олиш ҳамда қонун ҳужжатлари тақиқламаган бошқа инвестиция фаолиятини амалга ошириш орқали олиб борилиши мумкин.

Амалиёт учун шуниси ҳам муҳимки, инвестиция қонун ҳужжатлари чет эллик инвесторларнинг давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштиришни амалга оширишда иштирок этиш имкониятини тўғридан-тўғри назарда тутади. Бундай корхоналарнинг хорижий жисмоний ва юридик шахслар томонидан сотиб олиниши чет эл инвестициялари тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Давлатларнинг миллий қонун ҳужжатлари чет эл инвестициялари учун турли имкониятларни таъминлашга қаратилгандир. Чет эллик инвесторга миллий қонун ҳужжатлари қандай имкониятлар бермоқда, деган саволга қўйидаги харакатлар рўйхати жавоб бериши мумкин:

1. Кўшма корхоналар тузиш йўли билан, шунингдек мавжуд корхоналарда иштирок этиш улушкини (пайларни, акцияларни) сотиб олиш орқали улуш қўшиб қатнашиш;
2. Хусусийлаштиришда иштирок этиш;
3. Чет эллик инвесторга тўла тегишли бўлган корхоналар тузиш;
4. Хорижий шахслар иштирокида банклар тузиш;
5. Корхоналарни сотиб олиш;
6. Шўъба корхоналари, филиаллар, ваколатхоналар тузиш;
7. Ердан ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш;
8. Давлатнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш;
9. Маҳаллий юридик шахсларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш;
10. Ўзга мулкий ҳуқуқларни сотиб олиш;
11. Концессия шартномаларини тузиш;

12. Қабул қилаётган мамлакатнинг юридик шахслари ҳамда фуқаролари билан шартномалар тузиш;
13. Эркин иқтисодий зоналарда хўжалик фаолияти юритиш.

3§. Миллий қонун хужжатларига кўра чет эл инвестицияларининг ҳуқуқий тартибга солиниши

Чет эл инвестицияларини тартибга солиш учун инвестиция фаолияти ҳамда чет эл инвестициялари тўғрисидаги маҳсус қонунлар билан бирга фуқаролик қонун хужжатларининг қоидалари, мулк тўғрисидаги, ер тўғрисидаги, ер ости бойликлари тўғрисидаги, корхоналар ҳамда тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги умумий қонун хужжатлари, шунингдек акциядорлик, банкка оид, солиқ ҳамда божхона қонун хужжатлари муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, бундай миллий қонун хужжатларига эҳтиёж авваламбор қўп укладли иқтисодиётга эга бўлган мамлакатларда вужудга келади. Улар чет эл инвестициялари учун имтиёзли режим, қулай иқлим яратишга интилади. Мисол учун, бундай ҳолат Африкада кузатилиб, у ерда чет эл инвестицияларининг кодекслари ҳамда бошқа инвестиция қонунлари қабул қилинган. Лотин Америка мамлакатларида (Аргентина, Бразилия) чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонунлар билан бирга маҳсус тармокқа оид кодекслар қабул қилинган (масалан, Мексиканинг 1958 йилдаги Нефть қонуни ҳамда 1965 йилдаги Тоғ қонуни)²⁷. Эрон, Ҳиндистон, Филиппин ва бошқа мамлакатларнинг қонун хужжатларида чет эл инвестицияларига катта эътибор берилади. Маълумки, ривожланган бозор иқтисодиётiga эга бўлган мамлакатларда (АҚШ, Германия, Франция) чет эл инвестициялари тўғрисида маҳсус қонунлар йўқ. Одатда, чет эллик инвесторлар фаолиятига ҳамда умуман хорижий капиталнинг йўл қўйилишига нисбатан фуқаролик ёки савдо кодексларининг умумий қоидалари, ушбу мамлакатларда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи нормалар қўлланилади.

А.Г.Богатирев фикрига кўра, бундай қонун хужжатларига эҳтиёж бу мамлакатларда вужудга келмайди, чунки инвестиция жараёнларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш умумий характерга эга бўлган ҳамда ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида товар – пул муносабатларини тартибга солувчи қонун хужжатлари билан таъминланади. Капитал, товарлар, меҳнат ва шу кабиларнинг бозори мавжудлигини назарда тутади²⁸. Бошқа сўзлар билан айтганда, чет эл инвестициялари учун алоҳида шарт-шароит ва алоҳида тартиб яратиш талаб этилмайди.

Шуниси қизиқарлики, Япония урушдан кейинги дастлабки йилда чет эл инвестициялари тўғрисида маҳсус қонунлар қабул қилган, сўнгра эса иқтисодий ривожланиш сари бу қонунлар бекор қилинган. Айтган фикримиз ривожланган бозор иқтисодиётiga эга бўлган мамлакатларда чет эллик

²⁷ Каранг: Вознесенский Н.Н. Иностранные инвестиции и смешанные предприятия в странах Африки. М., 1975.

²⁸ Богатирев А.Г. Инвестиционное право М., 1992. С.72, 83-84.

инвесторлар учун алоҳида шарт-шароитлар, истиснолар (ёки имтиёзлар) бўлиши мумкин эмаслигини англатмайди, лекин бу умумий қонун ҳужжатларида ифода этилади²⁹.

Канада бошқа йўл билан, яъни чет эл инвестицияларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ягона ҳужжат қабул қилиш йўли билан борди. Бу кўп жиҳатдан унинг ташки иқтисодий сиёсатининг хусусиятларига авваламбор АҚШга нисбатан бўлган хусусиятларига боғлиқ эди. 1973 йилда бу мамлакатда чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонун қабул қилинган бўлиб, у 1985 йилда Канадада инвестициялар тўғрисидаги қонун билан алмаштирилди³⁰.

Хитой чет эл инвестицияларини жалб қилиш йўлига ўтгач режали иқтисодиёт шароитида чет эл инвестициялари учун алоҳида ҳуқуқий режим яратишни назарда тутадиган маҳсус қонунлар қабул қила бошлади. Бунга 1979 йил 1 июлда Хитой капитали ва хорижий капитал иштирокидаги қўшма корхоналар тўғрисидаги қонун қабул қилиниши билан асос солинади³¹. Сўнгра Хорижий капитал корхоналари тўғрисидаги қонун (1986 йил 12 апрелда), Гуандун провинциясининг алоҳида иқтисодий зоналари тўғрисидаги низом (1979 йил 1 июлда), Хитой ва хорижий капитал иштирокидаги қўшма корхоналар тўғрисидаги қонунни қўллаш ҳақидаги низом (1983 йил 20 сентябрда), Хитой Xалқ Республикаси Давлат Кенгашининг «Чет эл инвестицияларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори (1986 йил 11 октябрда) ҳамда бошқа ҳужжатлар қабул қилинди³².

Хитойнинг қонун жиҳатидан тартибга солиш тажрибаси МДҲ қатор мамлакатларининг чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонунларини шакллантиришга анча таъсир этди.

Ҳозирги шароитда, бир томондан, мамлакатга иложи борича чет эл инвестицияларини жалб қилиш, иккинчи томондан эса мамлакатда вужудга келаётган тадбиркорликни ҳимоя қилиш сиёсатини ўтказиш шароитида чет эл инвестициялари тўғрисидаги маҳсус қонунлар зарур. Чунки хорижий капиталнинг иқтисодиётга ҳамда чет эл корхоналари хўжалик фаолиятига қўшилиши маҳсус ҳуқуқий тартибга солишни талаб этади. Шундай қилиб, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида маҳсус инвестиция қонунлари сақланиши керак. Гарчи уларнинг аҳамияти ва салмоқли ҳиссаси ўзгариб боради. Агар бозорга ўтиш узоқ муддатли бўладиган бўлса, бизнинг назаримизда, инвестиция қонунлари нафақат сақланиб қолади, балки янада равнақ топади.

4§. Ўзбекистон Республикасининг чет эл инвестициялари тўғрисидаги асосий қонунлари (1991-2001 й.)

²⁹ Хорижий мамлакатларнинг инвестицияларга тааллукли қонун ҳужжатларининг батафсил таҳлили қуйидаги ишда берилади: Доронина Н.Г., Семилотина Н.Г. Правовое регулирование иностранных инвестиций в России и за рубежом М., 1993. С. 30-45.

³⁰ Қаранг: Доронина Н.Г., Семилотина Н.Г. Ўша асар. С.7

³¹ Қаранг: Китайская Народная Республика. Законодательные акты. М., 1989. С.286.

³² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992. №89, 325-модда.

Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қабул қилиш чет эл инвестицияларини жалб қилишга нисбатан давлат сиёсатининг кўринишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг чет эл инвестицияларини тартибга солиш соҳасидаги маҳсус қонунчилик негизи қўйидагича:

1. 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонун³³.

2. 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонун³⁴.

Энди Ўзбекистон миллий қонун ҳужжатлари инвесторларга берадиган асосий кафолатларни санаб ўтамиз³⁵.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари национализация ва реквизиция қилинмайди.

Иккинчидан, чет эллик инвесторларнинг қонуний фаолияти натижасида олинган уларнинг чет эл валютасидаги даромади ва бошқа маблағларини чет элга ўtkазиш ҳеч қандай чекловларсиз кафолатланади, шунингдек олиб кириладиган хом ашё, бутловчи буюмлар ҳамда замонавий технологиялар импорти бўйича олинадиган даромаднинг конвертацияси сўзсиз таъминланади.

Учинчидан, хорижий жисмоний ва юридик шахсларга давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан, кўчмас мулкни сотишда эркин қатнашиш кафолатланади. Чет эллик инвесторлар мулкий ҳуқуқларни, шу жумладан, савдо ва хизмат кўrsatiш соҳаси объектларига, шунингдек турар хоналарга улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда бўлган мулк ҳуқуқларини, ерга ва табиий ресурсларга эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олишга хақли.

Тўртинчидан, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ўзининг ишлаб чиқариш маҳсулотини лицензиясиз экспорт қилишга ҳамда ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёjlари учун маҳсулотни импорт қилишга, шунингдек қўшма корхоналар устав фондига қўшиш учун бож тўловларисиз мол-мulkни олиб киришга ҳақли³⁶.

Амалдаги қонун ҳужжатлари кафолатлар бериш билан бир қаторда чет эллик инвесторлар учун бир қанча солиқ имтиёzlари беради. Улар, башарти давлатнинг инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни инвестициялашда иштирок этса, етти йил муддатга даромад солиғи тўлашдан озод этилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ҳамда технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтириладиган даромад қисми ҳам солиқдан озод этилади.

³³ Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. №5-6. 91-модда.

³⁴ Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. №1. 10-модда.

³⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари чет эллик инвесторларга бериладиган аниқ кафолатлар ва имтиёzlарни б-иловада қаранг.

³⁶ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баракарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.Ўзбекистон. 1997. 276-277-б.

Кўшма корхоналарнинг инвестицияларни амалга ошириш учун олинган кредитларни қайта молиялаштиришга ва тўлашга йўналтириладиган маблағлари солиқقا тортилмайди.

Чет эл капитали иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун солиқقا тортиш турли ставкалари жорий этилиб, улар чет эллик инвесторнинг қўшма корхонаси устав фондидаги улушига қараб, тегишли солиқ ставкаларини камайтиришни назарда тутади.

Хорижий капиталининг устав фондида 30 фоиздан ортиқ улуши бўлган ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, халқ истеъмоли товарларини ва қурилиш материалларини, тиббий асбоб-ускуналарни, қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқовқат саноати учун мўлжалланган машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш ҳамда уларга қайта ишлов беришга, иккиламчи хом ашёга ва майший чиқиндиларга ишлов беришга ихтисослашган қўшма корхоналар рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида даромад солиғи тўлашдан озод этилади.

Ўз эҳтиёжлари учун республикага олиб кириладиган мол-мулк, хорижий шерикнинг чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устав капиталига мулкий қўйилма, шунингдек Ўзбекистон иқтисодиётiga умумий суммаси 50 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлган тўғридан-тўғри инвестициялар бож тўловларидан озод этилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар учун ҳозир амал қиласидан имтиёзларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати ана шулардан иборат. Бундан ташқари, хорижий капитал иштирокидаги корхоналар республиканинг барча корхоналарига берилган солиқ имтиёзларидан фойдаланади.

Чет эллик инвесторларги кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистонда маҳсус ташкилотлар ва муассасаларнинг тармоғи – Чет эл инвестициялари бўйича агентлик, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Экспорт-импорт бўйича суғурталаш миллий компанияси тузилган.

«Ўзбекинвест» АИГ (АҚШ) билан биргаликда штаб-квартираси Лондонда жойлашган сиёсий хавфларни суғурталаш бўйича «Ўзбекинвест Интернейшнл» қўшма компаниясини таъсис этдилар. Таъсисчилари Халқаро молия корпорацияси, Европа Тараққиёт ва Ривожланиш банки, «Малайян Бэнк Берхард» банки (Малайзия) ҳамда ўзимизнинг Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банки бўлган лизинг компанияси ташкил этилган.

Ўзбекистонда чет эл инвестицияларининг мустаҳкам суғурта ҳимояси таъминланмоқда. Халқаро тажрибада қабул қилинганларга нисбатан пастроқ суғурталаш база ставкалари таъминланмоқда. Тўловлар амалга оширилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасига ўз капиталини инвестициялаган чет эллик кредиторлар суғурта ҳолати вужудга келганидан сўнг атиги 30 кун ичida (гарчи жаҳон тажрибасида бу муддат 180 кун қилиб белгиланган) талаб билан мурожаат этиш имкониятига эга.

Республикада чет эллик инвесторларга бериладиган кафолатлар, имтиёзлар ва рағбатлантиришларнинг келтирилган, тўлиқ бўлмаган рўйхати

шундан далолат берадики, Ўзбекистон ҳамкорлик, капитални қўшиш учун мақбул мамлакатдир³⁷.

Экспорт салоҳиятини кенгайтириш, халқаро молия ва экосиёсий ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, чет эл инвестицияларининг мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва дастурларини амалга ошириш учун кенг жалб қилинишини таъминлаш бўйича ишларнинг ташкил этилишини янада такомиллаштириш мақсадида 2001 йил 5 марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз аппарати таркибида Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментини ташкил этди³⁸. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати «2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чоратадбирлар тўғрисида»ги Қарорни ҳам қабул қилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда мамлакат иқтисодиётига чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш учун зарур қонунчилик ҳамда институционал асослар яратилди.

5§. Чет эл инвестицияларини тартибга солиш бўйича кўп томонлама шартномалар

Чет эл инвестициялари кириб келишидан манфаатдор давлатлар учун инвесторлар ҳуқуқларининг ҳимоясини ҳамда бошқа мамлакатлардаги капитал қўйилмалари муносабати билан эҳтимоли бўлган таваккалчиликларнинг камайишини таъминлашга қаратилган кўп томонлама халқаро шартномаларда қатнашиш маълум аҳамият касб этади.

Бундай шартномалардан бири 1985 йилда қабул қилинган Сеул Конвенцияси бўлиб, у 1988 йил 12 апрелда кучга кирган. Мазкур Конвенцияга кўра давлат ва хусусий суғурталаш тизими чет эл инвестицияларини суғурталаш халқаро кўп томонлама тизим билан тўлдирилади. Сеул Конвенциясига биноан инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик (МИГА) тузилади. Агентлик вазифалари Сеул Конвенцияси иштирокчи давлатларнинг инвестициялари таъсирига тушиши мумкин бўлган нотижорат таваккалчиликларни суғурталаш ҳамда қайта суғурталаш шартномаларини тузишдан иборатдир. Агентлик мазкур Конвенция мақсадлари учун ривожланаётган деб ҳисобланадиган, Конвенцияда иштирок этувчи ривожланаётган давлатларга инвестициялар оқимини таъминлаш бўйича фаолиятни кенгайтириш мақсадида қўшимча молиялашни ҳам амалга ошириши мумкин³⁹.

³⁷ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баракарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон. 1997. 278-279-б.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 5 мартағи «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментини ташкил этиш тўғрисида»ги 112-сонли қарори.

³⁹ Бу Конвенция тўғрисида қаранг: Богатырев А.Г. Инвестиционное право. М., 1992. С. 223; Доронина Н.Г., Семилютина Н.Г. Многосторонние международные конвенции в области защиты иностранных инвестиций и российское законодательство//Сов. Государство и право, 1992, №10. С. 90-92.

МИГАнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш жуда қийин вазифадир. Ўз табиатига кўра халқаро ҳуқуқ субъекти ҳамда халқаро ташкилот бўлиб, у айни вақтда чет эл инвестициялари билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурталаш соҳасидаги соф тижорат фаолияти билан шуғулланади ва тижорат корпорацияси (суғурта компанияси) ҳисобланади. Халқаро ташкилот ҳисобланувчи, лекин суғурталовчи бўлмиш МИГА суғурталаш шартномасининг тарафларидан бири, шартнома бўйича унинг контрагентлари эса хорижий давлатларнинг хусусий (юридик ва жисмоний) шахслари бўлмиш чет эллик инвесторлардир. Улар ўртасида шартнома тузиш мумкинligининг ажралмас шарти МИГАга ҳам инвестор жойлашган мамлакатнинг, ҳам инвестициялар қабул қилувчи мамлакатнинг аъзолигидир.

Суғурта ҳолати юз берганда (масалан, даромад суммасини чет элга ўтказишида чекловлар жорий этиш, хорижий мулкнинг национализация қилиниши, қабул қилувчи давлат билан чет эллик инвестор тузган контрактнинг бузилиши ва ҳ.к.) МИГА кафолат олган чет эллик инвесторга одатда у кўрган заарларнинг 90 фоизигача бўлган шартномада белгиланган суммани тўлаш мажбуриятини олади. МИГА ва чет эллик инвестор ўртасида тузилган шартномага биноан Халқаро агентликка суброгация ҳуқуки бўйича барча ҳуқуqlар ҳамда хусусий инвесторнинг қабул қилувчи давлатга нисбатан бўлган талаблари (Сеул Конвенциясининг 17-моддаси) ўтади. Ҳуқуqlар ўтган пайтдан бошлаб низоларни ҳал қилиш хусусий халқаро ҳуқуқни қўллаш соҳасидан халқаро ҳуқуқ соҳасига ўтиб, унда халқаро ҳуқуқнинг иккита субъекти (халқаро ташкилот ва давлат) тарафлар ҳисобланади.

Сеул Конвенциясида 100дан ортиқ давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон, Россия иштирок этади. Капитални экспорт қилувчи давлатларнинг ва айниқса импорт қилувчи давлатларнинг МИГА суғурта фондини шакллантиришда иштирок этиши инвестицияларнинг реципиент- давлати томонидан инвесторга нисбатан дискриминация характеристига эга бўлган ҳамда чет эллик хусусий инвесторга зарар етказиши мумкин бўлган чораларни кўриш қисмida тийиб туриш таъсирини ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Сеул Конвенциясини 1992 йил 2 сентябрда ратификация қилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси учун 1992 йил 24 сентябрда кучга кирди.

Хозирги пайтда кенг қўлланиладиган кўп томонлама шартнома Давлатлар ҳамда хорижий шахслар ўртасида инвестиция низоларини ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги Вашингтон Конвенциясидир⁴⁰.

Ўзбекистон Республикаси Вашингтон Конвенциясини 1994 йил 6 майда ратификация қилган, шунингдек у Ўзбекистон учун 1995 йила 5 августда кучга кирди.

⁴⁰ Конвенция матни ва шархини қўйидагиларда қаранг: Советский журнал международного права. 1991. №2. С. 210; Богатырев А.Г. Инвестиционное право. М., 1992. С. 196-206; Доронина Н.Г., Семилютина Н.Г. Правовое регулирование иностранных в России и за рубежом. М., 1993. С. 106.

Чет эл инвестицияларини амалга ошириш борасида инвесторларни ҳамда улар хуқуқларини ҳимоя қилиш муаммоси нафақат икки томонлама давлатларо шартномалар даражасида, балки күп томонлама асосда, асосан шартномалар предметини талқин қилиш ҳамда улар бўйича мажбуриятларни тарафлар – мамлакатлар ижро этиши муносабати билан юзага келадиган давлатлараро низоларни ҳал этиш қисмида ҳам ҳал қилишни талаб этади. Давлатларо низоларни ҳал қилишнинг хуқуқий механизми капитал ҳаракатланиши билан боғлиқ трансчегара операцияларни амалга оширишда инвесторларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш таъсирchan иқтисодий тизимини яратишни талаб этди. Вашингтон Конвенцияси 1965 йил 18 марта имзоланган бўлиб, 1966 йил 14 октябрда кучга кирган.

Конвенциянинг мақсади Тараққиёт ва ривожланиш ҳалқаро банки ҳузурида Инвестиция низоларини тартибга солиш бўйича ҳалқаро марказни таъсис этишдир. Конвенцияга кўра давлатлар ҳамда улар ҳудудида амал қилаётган инвесторлар ўргасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда инвесторлар ўзлари мансуб бўлган давлат ҳимоясига эмас, балки Инвестиция низоларини тартибга солиш бўйича ҳалқаро марказга (ИНТСХМ) мурожаат этишлари мумкин.

Вашингтон Конвенцияси давлатлар ўртасида тузилган шартномаларни шархлаш ҳамда қўллаш бўйича низоларни ҳал этиш тартибини белгилайди.

Тарафлардан бири давлат бўлган бундай низоларнинг ўзига хос характеристи хусусан қўлланиладиган хуқуқ масалаларини тартибга солишида акс эттирилган. Вашингтон Конвенциясининг 42-моддасига биноан «арбитраж низони тарафларнинг битимиға мувоғиқ хуқуқ нормалариға биноан қўриб чиқади. Тарафларнинг битими бўлмаган тақдирда арбитраж низонинг тарафи бўлмиш Келишилаётган давлат ҳуқуқини, шунингдек қўлланилиши мумкин бўлган ҳалқаро хуқуқ нормаларини қўллайди».

Конвенцияда иштирок этувчи давлатлар арбитраж қарорларининг «ўз ҳудуди доирасида мазкур давлат суд органининг яқуний қароридек ижро этилишини таъминлаш мажбуриятини олдилар».

Мамлакатларнинг Вашингтон Конвенциясига қўшилиши билан аксарият давлатларнинг, хусусан икки томонлама шартномалари бўлмаган давлатларнинг инвесторлари билан муносабатлардаги низоларни ҳал қилиш универсал тизими яратилади. Бу барча инвесторлар билан бўлган низолар учун бир хил тартиб яратиб беради.

ГАТТ доирасида Уругвай музокаралари борасида «Савдо билан боғлиқ инвестиция чора-тадбирлари бўйича битим» (СБИЧ) қабул қилинди. Битим биринчи катта ва, пировард натижада, кўп томонлама савдо тизими доирасида инвестиция битими бўйича музокараларни олиб боришининг муваффақиятсиз урунишидир. Инвестиция тортишувларининг ҳимоячилари Уругвай раундида инвестицияларни ҳимоялаш учун янги кўп томонлама битим тузишга катта умид боғлаган эди. Оппонентлар кўп томонлама инвестиция музокараларига қарши бўлиб, ГАТТ раҳнамолигида инвестицияларни муҳокама қилишдан бош

тортди. Шу муносабат билан инвестиция чора-тадбирлари бўйича битимни тузиш айниқса дикқатга сазовордир. СБИЧ бўйича битим нафақат миллий режим тамойилларини бирлаштиради, балки узоқроқ мақсадни кўзлаб, аъзолардан интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш учун ўз ички қонунларини ўзгартиришни, маълум минимал андозаларни бирлаштиришни талаб этади. СБИЧ бўйича битимда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш муваффақиятини англаш инвестициялаш соҳасида келгуси иш учун йўл кўрсатиши мумкин. Қабул қилинган СБИЧ бўйича битим инвестицияларни ҳимоя қилишга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшмоқда. У бўйича келишув ва музокаралар БСТ (Бутунжаҳон савдо ташкилоти) аъзолари ўртасида тегишли қоидаларнинг эволюциясига йўл очади ҳамда инвестициялаш учун кўп томонлама қоидаларни белгилаш юзасидан келгусидаги урунишларга асослар таъминлайди. Қабул қилинган битим МДХ мамлакатлари учун, айниқса Россия ва Ўзбекистон учун мазкур мамлакатлар БСТга қўшилиши арафасида қизиқиш уйғотади.

6§. Чет эл инвестицияларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги икки томонлама халқаро шартномалар

Халқаро тажрибада чет эл инвестициялари кўп томонлама шартномалар билан бир қаторда икки томонлама халқаро шартномалар тузиш йўли билан ҳам тартиба солинади.

1980-1990 йилларда чет эл инвестицияларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги шартномалар капитални экспорт қилувчи мамлакатларнинг ривожланаётган давлатлардаги инвестициялаш сиёсатининг асосий воситаларига айланди. Агар 1987 йилда бундай шартномаларнинг 270таси амал қилган бўлса⁴¹, 10 йилдан кейин эса, яъни 1997 йил 1 январь ҳолатига кўра 162та мамлакат иштирокида уларнинг 1330таси тузилди. Буларнинг 180таси фақат 1996 йилнинг ўзида тузилган, яъни шартномалар ҳар икки кунда тузиларди⁴².

Агар олдин бундай икки томонлама шартномалар капитал қўйилмаларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги шартномалар деб аталган бўлса, кейинчалик «капитал қўйилмаларини рағбатлантириш ҳамда ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим» номи умумэътироф этилган ҳолда кенг тарқалди. Ушбу номнинг афзаллиги шундан иборатки, унда биринчи ўринда айнан инвестицияларни рағбатлантириш турган бўлиб, сўнгра эса уларнинг ҳимояси тўғрисида фикр юритилади. Ҳар қандай бундай битимнинг мақсади – қулай инвестиция иқлими яратиш йўли билан капитал қўйилмаларини ўзаро амалга оширишни айнан рағбатлантиришdir.

Ўзбекистон учун чет эл инвестицияларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги икки томонлама шартномаларнинг ўз тизимини шакллантириш хосдир.

1992 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимларни қарийб 40 та

⁴¹ Bilateral investment, UN, NY. 1988. ST/CTS/65. P.6.

⁴² Қаранг.: Доклад о мировых инвестициях. Обзор. ООН, Нью-Йорк, 1997. С.15.

мамлакатлар билан, шу жумладан, Болгария Республикаси, Бельгия-Люксембург иқтисодий иттифоқи, Россия Федерацияси, Малайзия, Қозоғистон Республикаси ва бошқалар билан тузди⁴³.

Бу шартномалар деярли кенг таърифланган инвестициялар тушунчаси билан бирга одатда давлатлар ўзларига оладиган ўз худудида бошқа давлат инвесторларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган 4 та асосий ҳолатдан иборат бўлади:

биринчидан, миллатга қулайроқ режим (КР) ёки миллий режим (МР) яратиш;

иккинчидан, чет эл инвестицияларининг национализация ва экспроприациядан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

учинчидан, инвесторга ўз даромадлар ва капиталларини чет элга тўсқинликсиз ўтказиш имкониятини бериш;

тўртинчидан, инвестор билан унинг капитал қўйилмалари масалалари юзасидан низоларни халқаро арбитражда кўриб чиқиши.

Кулайроқ режим. Ўзбекистон Республикасининг чет эл инвестицияларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги барча халқаро шартномалари чет эллик инвесторларга қулайроқ режимни яратишни, лекин аксарият ҳолларда эркин савдо зоналарининг иштирокчилари фойдаланиши мумкин бўлган имтиёзлар ва афзалликлар фойдасига бўлган ёхуд икки марта солиқса тортишдан қочиш тўғрисидаги истиснолар билан назарда тутади. Бу норма қўйидагича таърифланади: «Келишилаётган тарафлар, башарти келишилаётган тарафлар бир-бирларининг инвестицияларига имтиёзлар ва афзалликлар татбиқ этишга мажбур бўлмаса, ўз худудларида бир-бирларининг инвестицияларига ҳар қандай учинчи мамлакат инвестицияларига яратиладиган режимга караганда ноқулайроқ бўлмаган режимни ҳамиша яратадилар».

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг чет эл инвестицияларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги барча халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқий амалиётда «абсолют стандарт режими» (ACP) номини олган режим тўғрисидаги қоидани ўз ичига олади. Бу режим чет эл инвестицияларига бериладиган режимнинг умумий тавсифини назарда тутади: «Келишилаётган тарафлар инвестицияларининг бир-бирларининг худудларида тўлиқ ва сўзсиз ҳимоя қилинишини таъминловчи teng ҳуқуқли ва адолатли режим». Аммо ACP яратиш тўғрисидаги шарт шуни англатадики, чет эл инвестициялари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва принципларига, башарти улар тўғридан-тўғри шартномада кўрсатилган бўлсагина, мурожаат қилиш мумкин. Масалан, халқаро ҳуқуққа мурожаат этиш имкони йўқлиги келишилаётган давлатларга «teng ҳуқуқли» ва «адолатли» режим каби тушунчаларни халқаро ҳуқуқий маънода эмас, балки ўз миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ талқин қилишга имкон беради.

Чет эл инвестицияларини национализация ва экспроприациядан ҳимоя қилиш. «Национализация» ва «экспроприация» категориялари шартномаларда

⁴³ Ўзбекистон Республикасининг чет эл инвестицияларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги икки томонлама халқаро шартномаларининг рўйхатини 1-иловада қаранг.

умумий характерга эга бўлади. Чунки шу муносабат билан қабул қилинадиган чора-тадбирлар деганда нафақат национализация ва экспроприация ҳаракатларининг ўзи, балки натижаларида инвестицияларни «мажбурий олиб қўйиш», «ўзгага бериш» натижаси бўлмиш ҳар қандай бошқа хатти-ҳаракатлар ҳам тушунилади. Қатъий айтадиган бўлсақ, ҳалқаро ҳуқук нуқтаи назаридан одатда экспроприация ва национализацияга тамомила йўл қўйилади, агар улар қўйидаги шартларга жавоб берса: чет эл инвестицияларининг экспроприацияси қўйидаги ҳолларда қабул қилувчи давлатнинг ҳуқукий жихатдан тўғри ҳаракати деб хисобланади:

биринчидан, агар у жамият манфаатларини кўзлаб амалга оширилса (жамот манфаати концепцияси);

иккинчидан, агар у камситиш ҳарактерига эга бўлмаса;

учинчидан, агар у инвестицияни қабул қилувчи давлат қонунларига мувофиқ амалга оширилса;

тўртинчидан, компенсация товон тўлаш ҳисобига амалга оширилса.

«Жамоат манфаати» концепцияси чет эл инвестицияларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги барча шартномаларда акс эттирилган. Ҳалқаро ҳуқуқда ушбу тушунчанинг ягона таърифи йўқ. У миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ талқин қилинади. Бошқа сўзлар билан айтганда, агар экспроприация/национализация «коммавий тартиб, давлат хавфсизлиги ёки миллий манфаатларни ҳимоя қилиш» мақсадларида ўtkазилса, уларга йўл қўйилиши мумкин.

Экспроприациянинг ҳаракети дискриминацион бўлмаганлиги авваламбор шунда ифода этилганки, у қандайдир муайян давлатларнинг инвесторларига қарши йўналтирилган бўлмасдан, балки умумий характерга эга бўлади ҳамда репрессив ҳисобланмайди.

Экспроприация (национализация)нинг қонунийлиги шуни англатадики, биринчидан, у қабул қилувчи мамлакатнинг амалдаги қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади ҳамда, иккинчидан, инвесторга ушбу қонун ҳужжатларига унинг мувофиқлигини текшириш ҳуқуқи берилади. Ниҳоятда, экспроприация /национализация/га йўл қўйилиши кечиктирилиши мумкин бўлмаган, адекват ва самарали бўлиши лозим бўлган компенсация тўловига боғлик бўлади. Бу 4та шартлар у ёки бу кўринишда Ўзбекистон Республикасининг чет эл инвестицияларини ўзаро ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги барча шартномаларида ўз аксини топган.

Экспроприация (национализация)дан ташки иқтисодий сиёsat воситаси сифатида фойдаланмаслиги лозим. Шундай қилиб, келишилаётган давлатлар хорижий мулкни национализация ёки экспроприация қилмаслик ва уни ушбу ҳужжатларга ўхшаш оқибатларга эга бўлган чора-тадбирлар остига қўймаслик мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Агар юқорида санаб ўтилган шартларга риоя этган ҳолда чет эл инвестицияларини мажбурий равишда олиб қўйиш юз берган бўлса, бу ҳолда қабул қилаётган давлат Ўзбекистон Республикасининг шартномаларига биноан инвесторга кечиктирилиши мумкин бўлмаган, адекват ва самарали бўлиши лозим бўлган компенсацияни тўлашга мажбур. Уларда компенсация суммаларини тўлаш ва ҳисоблаб чиқиш тартиби

ҳам назарда тутилади. Бунда стандарт таърифи қуйидагича бўлади: «Компенсация адекват, эркин ўтказиладиган ҳамда ушлаб турилмасдан амалга ошириладиган бўлиши керак. У бозор қийматига ёки у бўлмаган тақдирда инвестицияларнинг экспроприацияси натижасида экспроприацияни амалга ошириш қарори тўғрисидаги расмий хабар берилган санасига қадар бўлган ҳақиқий заарлар суммасига эквивалент бўлиши керак. Компенсация микдори тарафлар ўзаро келишган методологияни қўллаш йўли билан аниқланиб, у халқаро тажрибада қўлланиладиган умум қабул қилинган баҳолаш усуллари га мувофиқ бўлиши керак».

Ушбу компенсация товон пули таърифи қандай талқин қилинаётганлиги ҳақида АҚШ ва ГФРнинг чет эл инвестицияларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги модел шартномалари яққол тасаввур беради. АҚШ модел шартномасига биноан «адекват компенсация» деганда «экспроприация бевосита амалга оширилганидан ёки у ҳақида маълум бўлганидан олдин экспроприация қилинган инвестициянинг адолатли бозор қийматининг эквиваленти» деб тушуниш лозим. У экспроприация санасидан бошлаб фоизларни ҳисоблаб қўшишни ҳам ўз ичига олиши керак. «Адолатли бозор қиймати» деганда сотувчи оқилона нархда сотилаётган ўз мулки учун олмоқчи бўлган, шунингдек харидор ушбу оқилона нарх бўйича уни сотиб олмоқчи бўлган сумма тушунилади. Шундай қилиб, «оқилона бозор қиймати» тушунчасидан экспроприация қилинган инвестицияларнинг пулли эквивалентини аниқлаш учун фойдаланилади.

Тиклаш қийматининг усули жорий бозор нархлари бўйича амортизациядан сўнг, лекин бой берилган фойдани ҳамда кўзга кўринмайдиган активларни ҳисобга олмаган ҳолда мулкнинг соф қийматини баҳолашга асосланган.

Ва, ниҳоят, активлар баланс қийматининг усули инвестицияни бухгалтерия китоблари бўйича амортизацияни айирган ҳолда баҳолайди. Одатда, инвестицияларнинг баланс қиймати бозор нархидан пастроқ бўлади. Шунинг учун бу усулни ривожланаётган мамлакатлар афзал деб билади.

Агар тарафлар кўрсатилган усулларга биноан инвестицияларнинг «бозор қийматини» аниқлай олмаса, улар бошқа баҳолаш мезонлари ҳақида ўзаро келишиб олади. Қабул қилувчи давлат ҳамда инвестор бу бошқа инвестицияларни баҳолаш мезонлари ҳақида ҳам уч ой мобайнида келиша олмаган тақдирда улар мазкур масалани ҳал қилиш учун инвестиция низоларини ҳал қилиш бўйича халқаро марказга мурожаат этадилар.

Кечиктирилиши мумкин бўлмаган ёки ушлаб туришсиз амалга ошириладиган компенсация деганда, башарти тарафлар бошқа шарт ҳақида келишган бўлмаса, унинг инвестицияни ўзгага ўтказиш санасидан кечиктирмасдан тўланиши тушунилади. Самарали компенсация деганда кўпинча амалга оширилиши мумкин бўлмаган тўлов, мисол учун, бозорда муомалада бўлмаган давлатнинг қимматли қофозлардаги тўлов назарда тутилади. «Эркин ўтказиладиган компенсация» тушунчасига тор талқин

берилиб, у ўтказиш эркинлигини фақат капитал қўйилмалари экспроприация қилинган инвестор учун ўз самарадорлиги билан чеклайди⁴⁴.

Чет эл инвестицияларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги шартномалар давлатлараро бўлиб, улар бўйича мажбуриятларни бажариш учун боғловчи бўғин зарур. У қабул қилувчи давлат ва чет эллик инвестор ўртасидаги ўзаро мажбуриятларни келишилаётган давлатлар ўртасидаги ўзаро халқаро мажбуриятларга айлантиради. Бундай боғловчи бўғин ролини суброгация принципи бажаради. Бу принцип Ўзбекистон Республикасининг барча шартномаларига киритилган бўлиб, унинг ҳуқуқий табиати қўйидагича белгиланади: «агар Келишилаётган тарафлардан бири ёки унинг ваколатли органи суғурта полиси бўйича ўз фуқаросига ёки компанияга бошқа Келишилаётган тараф ҳудудида инвестициялаш ёки капитал билан боғлиқ бўлган нотижорат таваккалчиликларни тўлиқ ёки қисман қоплайдиган тўловни амалга оширса, у ҳолда бу бошқа Келишилаётган тараф қўйидагиларни тан олади: а) биринчи Келишилаётган тарафнинг фуқароси ёки компаниясининг ҳар қандай талаб қилиш ҳуқуқининг ушбу биринчи Келишилаётган тарафга ёки унинг ваколатли органига ўтказилишини; б) бу биринчи Келишилаётган тараф ёки унинг ваколатли органи суброгация принципи кучига кўра бундай ўз фуқаролари ва компанияларининг ҳуқуқларини амалга ошириш ҳамда талабларини суд тартибида қондиришга эришиш ҳуқуқига эга бўлади.

Тегишинча биринчи Келишилаётган тараф, яъни давлат ёки унинг ваколатли органи, башарти у лозим деб топса, бундай ҳуқуқ ёки талабни аввалги ҳажмда амалга ошириш ваколатига эга бўлади».

Шундай қилиб, компенсация суммасини ҳисоблаб чиқиш тўғрисидаги масалалар бошидан ҳукуматлараро муносабатлар даражасида ҳал этилади, чунки суброгация принципига кўра бу ҳолда келишилаётган давлатга инвесторнинг капитал қўйилмаларига ва уларнинг даромадларига бўлган ҳуқуқлари ўтказилади. Компенсациядан ташқари экспроприация учун қатор шартномаларда қабул қилувчи давлат ҳудудида юз беряётган қуролли ва ижтимоий низолар оқибатида етказилган заарлар учун компенсация назарда тутилади. Мазкур ҳолда компенсация КР асосида амалга оширилади.

Даромад ва капиталларнинг монеликсиз ўтказилиши. Чет эл инвестицияларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги шартномаларга биноан қабул қилувчи давлат чет эллик инвесторга у амалга оширган капитал қўйилмалари муносабати билан дискриминацион бўлмаган асосда барча тўловларнинг чет элга эркин конвертация қилинадиган валютада эркин ўтказилишини кафолатлайди. Бу аксарият мамлакатларда инвестиция билан боғлиқ хорижий валютадаги суммаларни чет элга ўтказишга нисбатан бўлган валюта чеклашлари ўз кучини сақлаб қолиши билан изоҳланиб, улар ўз самарасига кўра капитал қўйилмаларини национализация ва экспроприация қилиш бўйича чора-тадбирларга тенглаштирилиши мумкин. Бу мажбурият, биринчи навбатда, дастлабки инвестиция суммаларига ва ундан олинадиган даромадларга, шунингдек у билан боғлиқ ҳар қандай контракт ва заёмлар

⁴⁴ Bilateral investment UN. NY 1988 ST/CTS/65. P. 54.

бўйича, национализация/экпроприация қилинган тақдирда компенсация ҳисобига амалга ошириладиган тўловларга ва шу кабиларга тааллуқлидир. Пул ўтказишлар асосиз ушлаб туришсиз ҳамда ўтказиш кунига бўлган, қабул қилувчи давлатнинг валютани тартибга солиш амалдаги қоидаларига мувофиқ белгиланадиган валюта курси бўйича амалга оширилиши керак. Шуни таъкидлаш муҳимки, мазкур кафолат нафақат тўловларнинг техникавий ўтказилишини, балки инвесторнинг ички валюта бозоридан миллий валюта ҳисобига конвертация қилинадиган валютани сотиб олиш учун эркин фойдаланишини ҳам англаатади.

Чет эл инвестициялари билан боғлиқ ҳамда чет элга эркин ўтказилиши лозим бўлган даромадлар ҳисобига фойда, дивидендлар, фоизлар, лицензион ва комиссион тўловлар, техник ёрдам учун тўловлар, интеллектуал мулкнинг ҳар хил турларига доир хуқуқлардан фойдалангандик учун тўловлар ва шу кабилар киритилади. Ўзбекистон Республикасининг деярли барча шартномаларида таъкидланадики, юқорида кўрсатилган даромадларнинг ўтказилиши ушлаб туришсиз ўтказиш санасига бўлган курс бўйича эркин конвертация қилинадиган валютада ҳамда КРга мувофиқ амалга оширилиши керак.

Экспроприация учун компенсациядан ташқари қатор шартномаларда қабул қилувчи давлат ҳудудида юз бераётган қуролли ва ижтимоий низолар оқибатида етказилган заарлар учун ҳам компенсация назарда тутилади. Мазкур ҳолда компенсация КР асосида амалга оширилади.

Бу аксарият мамлакатларда инвестиция билан боғлиқ хорижий валютадаги суммаларни чет элга ўтказишга нисбатан бўлган валюта чеклашлари ўз кучини сақлаб қолиши билан изохланиб, улар ўз самарасига кўра капитал қўйилмаларини национализация ва экспроприация қилиш бўйича чора-тадбирларга тенглаштирилиши мумкин.

Хорижий инвестициялаш масалалари юзасидан низоларни қўриб чиқиш. Чет эл инвестицияларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги барча шартномалар инвестиция низоларини ҳал қилиш тартибини назарда тутиб, у тарафлар шу муносабат билан арбитраж ва хорижий суднинг қабул қилинадиган қарорларини тан олишини таъминлаш ҳамда уларнинг ижроси учун хуқуқий негиз яратиш учун хизмат қиласи.

Ўзбекистон Республикасининг бу соҳадаги шартномалари истисно эмас. Улар низоларнинг икки тоифаларини: чет эллик инвестор ва қабул қилувчи давлат ўртасидаги, шунингдек мазкур шартномани тузган инвесторнинг давлати ҳамда қабул қилувчи давлат ўртасидаги низоларни ҳал қилиш тартибини назарда тутади. Биринчи ҳолда низолар «компенсациялар миқдори ва тўлаш тартиби»га ва «экспроприация натижаси бўлган ҳар қандай бошқа масалалар»га ёки тўловларни монеликсиз ўтказиш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатларига, шунингдек инвестициялар билан боғлиқ бўлган бошқа муаммоларга тааллуқлидир. Иккинчи ҳолда факат шартномани талқин қилиш ва қўллашдан келиб чиқадиган низолар ҳақида фикр юритилади.

Иккала ҳолда низоларни ҳал қилиш тартиботи ҳамда арбитражларни шакллантириш тартиби батафсил тартибга солиб борилади. Чет эллик инвестор

ва қабул қилувчи давлат ўртасидаги низоларни ҳал қилишда тарафлар дастлабки даврда юзага келган келишмовчиликларни маслаҳатлар ва музокаралар йўли билан тартибга солишга интилади. Агар олти ой мобайнида музокаралар натижасиз бўлса, унда низо иштирокчилари яраштириш тартиботи тўғрисидаги 1980 йилдаги ЮНСИТРАЛ регламентига мувофиқ яраштириш тартиботига ёки 1976 йил ЮНСИТРАЛ арбитраж регламентига мувофиқ *ad hoc* арбитражига мурожаат этиши керак. Яраштириш тартиботи қўлланилган тақдирда тарафларнинг ҳар бири ўзининг муросага келтирувчи воситачисини тайинлайди. Низони арбитраж орқали ҳал қилишда тарафлар ўз арбитрини тайинлайди, улар эса ўзаро розилик бўйича низода иштирок этувчи давлатлар билан дипломатик муносабатларга эга бўлган учинчи мамлакатнинг фуқароси бўлмиш супер артибрни тайинлайдилар. Агар арбитраж тарафлар билан келишилган муддатларда шаклланмаса, у ҳолда улар бирининг талаби бўйича зарур тайинлашлар доимий халқаро арбитражларнинг раислари томонидан амалга оширилиши мумкин. Аммо, башарти низоловчи тарафлар давлат ва хорижий шахслар ўртасидаги инвестиция низоларини ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги Вашингтон Конвенциясининг иштирокчилари бўлса, улар ҳар қандай тараф талабига кўра низони ҳал қилишни Инвестиция низоларини тартибга солиш бўйича халқаро марказ хузуридаги арбитраж юрисдикциясига топширадилар.

Арбитраж қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилиниб, улар бу қарорларни тан оловчи ва уларнинг ижросини таъминловчи тарафлар учун якуний ва мажбурийдир. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, арбитраж қарорлари ҳам чет эл инвестицияларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги шартномаларнинг қоидаларига, ҳам низо юзага келган мамлакатнинг миллий қонун хужжатларига (шу жумладан унинг коллизион нормаларига) мувофиқ, шунингдек халқаро ҳукуқнинг умумэътироф этилган принципларига биноан қабул қилинади.

Шартномаларни талқин қилиш ва қўллаш ҳақидаги низоларга келсак, уларнинг барчасида низоларни ҳал қилиш тартиботини тартибга солувчи қоидалар бир хил ифода этилган. Биринчи даврда тарафларга низони беш ой мобайнида дипломатик йўл билан ҳал қилиш, сўнгра эса, низо ҳал қилинмаган тақдирда *ad hoc* арбитражини уч аъзодан иборат таркибда тузиш таклиф этилади. Бунда ҳар бир тарафдан битта арбитр тайинланиб, улар эса умумий розилик билан супер артибрни тайинлайдилар. Агар тарафлар 2-3 ой мобайнида арбитражни шакллантира олмаса, улар Халқаро суд раисига зарур тайинлашларни амалга ошириш учун ёрдам беришни сўраб мурожаат этадилар.

Кўриб чиқилган масалалар билан биргаликда айрим шартномалар мазкур шартномаларнинг таъсир кучини қабул қилувчи мамлакатда улар тузилгунга қадар амалга оширилган инвестицияларга нисбатан татбиқ этиш тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, бир қанча шартномаларга стабилизация шартлари киритилган. Уларда назарда тутилганки, тарафларнинг миллий қонун хужжатларидаги ўзгаришлар ёки уларнинг чет эл инвестицияларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги тегишли шартномалари тузилганидан сўнг кучга кирган янги халқаро ҳукуқий

мажбуриятлари, башарти уларнинг амалга оширилган капитал қўйилмаларига тааллуқли бўлган ҳолатини яхшиласа, ҳар бир тарафнинг инвесторларига нисбатан амал қиласди.

Икки томонлама шартномаларни тузишдан мақсад нимадан иборат?

Биринчидан, бундай шартнома туфайли уни тузган ҳар бир давлат ўз фуқароларининг хуқуқлари бошқа мамлакатда рўёбга чиқарилишини таъминлаш имкониятига эга бўлади.

Иккинчидан, ҳар қандай мамлакатнинг маълум таваккалчилик остида бўлган чет эллик инвестори учун принципиал мухимки, инвестицияларни қабул қилувчи давлат унинг бу мамлакатдаги капитал қўйилмаларининг зарур ҳимоясини ҳамда хавфсизлигини таъминласин. Бундай кафолатларнинг нафақат ички қонун ҳужжатларида, балки ҳалқаро битимда мавжудлигига қабул қилувчи давлатнинг хорижий мулкнинг максимал сақланишини таъминлашга ҳамда уни мажбурий равища олиб қўйиш чораларини кўрмасликка интилиш сифатида қаралади.

Учинчидан, шартномавий тартибга солиш инвестициялар учун битимда назарда тутилган режимни келгусида шартнома бўйича шерик бўлган мамлакатда рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай ўзгаришлардан, шу жумладан, қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлардан қатъи назар қўллашга маълум кафолат беради.

Тўртингидан, барча битимлар бундай шартнома тузган мамлакатлар ўртасидаги шартномаларни талқин қилиш ва қўллаш бўйича низоларни ҳал қилиш тартибини белгилайди. Ҳар қандай тарафнинг таклифига қўра бу масалалар бўйича маслаҳатлар ўтказилиши мумкин. Низолар мумкин қадар музокаралар йўли билан ҳал этилиши керак. Низони тарафлар бирининг талабига қўра ҳал қилиш мумкин бўлмаганда, у холислар суди қўриб чиқиши учун топширилади.

Ўзбекистон Республикасининг икки марта солиқقا тортишдан қочиши⁴⁵ ҳамда чет эл инвестицияларини ўзаро ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги икки томонлама шартномаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар ҳалқаро ташкилотларнинг модел битимлари тавсияларига аниқ амал қиласди ва шу боисдан чет элдан капитал қўйилмаларини жалб қилиш учун қулай инвестиция иқлими яратишга кўмаклашади. Бундан ташқари, қўриб чиқилган шартномаларнинг нормалари Ўзбекистон Республикасининг чет эл инвестицияларини тартибга солувчи миллий қонун ҳужжатларини тўлдиришга ёрдам беради.

⁴⁵ Икки марта солиқقا тортишдан қочиши соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси тузган ҳалқаро шартномаларнинг рўйхатини 2-иловада қаранг.

IV боб. Алоқа, энергетика ва транспорт соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш асослари

1§. Алоқа соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш асослари.

Ўзбекистон Республикасида почта алоқаси ва телекоммуникациялар соҳасидаги ижтимоий муносабатлар «Почта алоқаси тўғрисида» ва «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонунлар билан тартибга солинади¹.

Бу қонунларни аввало аниқ ва тўла тушуниш учун шу соҳаларга оид тушунчаларни яхшилаб англамоқ керак. «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонунинг З-моддасига биноан почта алоқаси деганда почта жўнатмаларини, шунингдек пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш (қабул қилиш, ишлов бериш, ташиш, ўтказиш) ни ва етказиб бериш (топшириш)ни таъминловчи техник ва транспорт воситаларининг ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуини ўзида мужассамлаштирган алоқа тури тушунилади. Провайдер деганда фойдаланувчиларга почта алоқаси хизматларини тижорат асосида почта алоқаси операторининг тармоғи орқали кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахс - почта алоқаси хизматлари провайдери тушунилади. Фойдаланувчи деганда почта алоқаси хизматидан фойдаланувчи, яъни почта алоқаси хизматларининг истеъмолчиси ҳисобланган юридик ёки жисмоний шахс тушунилди.

«Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонунинг 2-моддасига биноан телекоммуникациялар тармоғи деганда узатишларнинг бир ёки бир неча турини: телефон, телеграф, факсимиль турларини, маълумотлар узатиш ва ҳужжатли хабарларнинг бошқа турларини, телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуи тушунилади. Телекоммуникация хизматлари провайдери деганда фойдаланувчиларга операторлар тармоғи орқали тижорат асосида телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахс тушунилди.

Қонунларга мувофиқ почта алоқасининг мол – мулки ва телекоммуникация тармоқлари оммавий ва хусусий бўлиши мумкин.

Мулк шаклидан қатъи назар, почта алоқаси фаолиятининг асосий принциплари қўйидагилардан иборат :

ҳамма фойдаланувчилар учун очиқлиги;

Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида почта жўнатмалари транзитининг эркинлиги;

умумий фойдаланишдаги почта алоқаси фаолиятида иштирок этишда юридик ва жисмоний шахсларнинг тенг ҳукуқлилиги;

ҳар бир шахснинг ёзишмалари ва почта жўнатмалари сир тутилиши ҳукуқини таъминлаш;

¹ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан «Телекоммуникациялар тўғрисида» Қонун 1999 йил 20 август ва «Почта алоқаси тўғрисида» Қонун 2000 йил 31 августда қабул қилинган.

почта алоқаси соҳасида стандартлар, қоидалар ва нормаларнинг ягоналиги.

«Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасида почта алоқаси оператори ва провайдерларининг мажбуриятлари белгиланган. Унга мувофиқ,

почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни почта қоидаларига мувофиқ амалга ошириш;

фойдаланувчиларнинг почта алоқаси хизматларидан эркин фойдалана олишини таъминлаш;

почта алоқаси кўрсатаётган хизматлар сифатли бўлишини таъминлаш;

почта жўнатмалари ва пул маблағларининг бутлигини таъминлаш;

почта алоқаси хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган технологик ускуналар, механизациялаштириш, автоматлаштириш ва ахборотлаштириш воситаларига эга бўлиш;

фойдаланувчиларга почта алоқаси хизматларини кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги, шунингдек почта алоқаси хизматлари тарифларининг ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этиш;

почта алоқаси хизматларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун фойдаланувчиларга етказилган заарларни қонун ҳужжатларига мувофиқ қоплаш.

Қонуннинг 15-моддасида оператор ва провайдерлар почта алоқаси хизматларини кўрсатиш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёхуд лизим даражада бажармаганлик учун фойдаланувчилар олдида қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Оператор ва провайдерларнинг жавобгарлиги почта жўнатмаларини йўқотиш, бузиш (шикастлаш), жойланмаларининг кам чиқиши, почта жўнатмаларини етказиб бермаслик(топширмаслик) ёки пул маблағларининг почта ўтказмаларини амалга оширишнинг назорат муддатларини бузиш ҳамда почта алоқаси хизматларини кўрсатишнинг белгиланган талаблари бошқача тарзда бузилган ҳолларда юзага келади.

Қонуннинг 16-моддасида фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилган, унга биноан фойдаланувчилар:

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида умумий фойдаланишдаги почта алоқаси хизматларидан фойдаланиш;

ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари, почта қоидалари, кўрсатилаётган хизматлар ва уларга доир тарифлар ҳақидаги ахборотлардан эркин фойдалана олиш;

ўз почта манзили бўйича, йўқлаб олиш тарзида ёки абонентлик почта жавони ўтиларидан фойдаланган ҳолда почта жўнатмаларини ва пул маблағларининг почта ўтказмаларини олиш;

келган почта жўнатмалари ёки пул маблағларининг почта ўтказмаларини олишдан бош тортиш;

қиймати эълон қилинган почта жўнатмаси жойланмасининг баҳосини мустақил равиша белгилаш;

оператор ва провайдерлар томонидан ўз вақтида ҳамда сифатли хизмат кўрсатилиши;

хизмат кўрсатилмаганлиги ёки лозим даражада сифатли хизмат кўрсатилмаганлиги натижасида етказилган заарларнинг тўланиши, маънавий зиённинг қопланишига эришиш;

ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда ваколатли давлат органларига ёки судга мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Конунда фойдаланувчилар қўйидагилар почта қоидалари талабларига риоя этишлари зарур:

ўзларига кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш;

оператор ва провайдерларнинг иш сифати пасайишига қаратилган ҳатти-харакатлар қилмаслик мажбурият сифатида мустахкамланган (17-модда).

Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда фойдаланувчи оператор ёки провайдер даъво тақдим этиш, шу жумладан етказилган зарар қопланишини талаб қилишга ҳақли (18-модда).

«Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида юридик ва жисмоний шахсларнинг телекоммуникациялар соҳасидаги айrim фаолият турлари маҳсус рухсатномалар (лицензиялар) асосида амалга оширилади. Телекоммуникациялар қўйидаги турларининг, яъни: маҳаллий тармоқлар;

шаҳаралраро тармоқлар;

халқаро тармоқлар;

кўчма радиотелефон алоқа тармоқлари;

шахсий радиочақирув тармоқлари;

маълумотлар узатиш тармоқлари;

телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) тармоқлари лойиҳалаштирилиши, қурилиши, улардан фойдаланиш ва уларнинг хизматлар кўрсатиши лицензиялаштирилиши шарт.

Телекоммуникация тармоқлари операторлари ва провайдерлари тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қўйидаги ҳуқуқларга эга:

фойдаланувчиларга хизматлар кўрсатиш;

фойдаланувчилар телекоммуникациялардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини бузган тақдирда уларга хизмат кўрсатишни тўхтатиш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг айби билан юзага келган заарларни қоплаттириш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ноқонуний ҳатти-харакатлари устидан қонун ҳужжатларига мувофиқ шикоят қилиш.

Бинобарин, телекоммуникация тармоқлари оператор ва провайдерлари тадбиркорлик фаолиятини юритаётган даврда қўйидаги мажбуриятларни амалга оширишлари зарурдир:

телекоммуникация соҳасидаги фаолиятни лицензиядаги шартларга белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга ошириш;

кўрсатилаётган хизматлар сифати белгиланган стандартлар, қоидалар ва нормаларга мувофиқ бўлишини таъминлаш;

телекоммуникация тармоқлари орқали узатиладиган телефон сўзлашувлари, телеграф ва бошқа хабарлар сир тутилишига риоя қилиш;

хизматлар кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги, шу жумладан телекоммуникация хизматлари тарифларининг ўзгарганлиги тўғрисидаги батафсил ахборотни фойдаланувчиларга ўз вақтида тақдим этиш;

телекоммуникация хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларнинг бажаримаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун, шунингдек хизматлар кўрсатилмаганлик ёки лозим даражада сифатли хизматлар кўрсатмаганлик оқибатида фойдаланувчиларга утказилган заарларни қонун хужжатларига мувофиқ қоплаш (22 –модда).

Қонуннинг 23-моддасида фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари белгилаб қўйилган, улар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

умумий фойдаланишдаги телекоммунокация тармоқлари хизматларидан фойдаланиш;

умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларига ўзининг охирги (терминал) асбоб-ускуналарини қонун хужжатларида белгиланган шартларда ва тартибда улаш;

операторлар ва провайдерлар томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатилишидан фойдаланиш;

оператор ва провайдер шартномада келишилган шартларни бузган тақдирда телекоммуникация хизматларини рад этиш;

телекоммуникация хизматлари кўрсатмаганлик ёки лозим даражада сифатли хизмат кўрсатмаганлик натижасида етказилган заарларни тўлаттириш, маънавий зиённи қоплатиш;

ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда ваколатли давлат органларига ёки судга мурожаат қилиш.

Фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари Қонуннинг 24-моддасида ифодаланган, яъни фойдаланувчилар зиммасига қўйидаги бурчлар юкланди:

телекоммуникация хизматларидан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш;

белгиланган стандартларга мувофиқ сертификатга эга бўлган охирги (терминал) асбоб-ускуналардан фойдаланиш;

ўзгаларга кўрсатилган хизматлар учун ҳақни ўз вақтида тўлаш;

иш сифатини пасайтиришга ёки телекоммуникация тармоқларини шикастлантиришга қаратилган ҳатти-харакатлар қиласлик.

Шунингдек Қонунда телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш чоғида имтиёзлар ва устунликлар белгиланган.

Фуқароларнинг айrim тоифаларига телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш борасида белгиланган имтиёзлар берилиши муносабати билан оператор ва провайдерларнинг маблағларини қоплаш қонун хужжатларида белгиланадиган тартибда амалга оширилади. Давлат органлари мансабдор шахсларининг айrim тоифалари, хорижий давлатлар дипломатик ва консуллик вакиллари, шунингдек фуқароларнинг айrim тоифаларига телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш чоғида навбатда туриш ва фойдаланиш масаласида устунликлар берилиши мумкин.

2§. Энергетика соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш асослари

Энергетика соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш «Ўзбекистон Республикасининг «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни билан амалга оширилади¹. Қонун миллий энергетика ресурслари сақланишини, энергиядан ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишини таъминлайдиган умумий ҳуқуқий асосларни шакллантиришга қаратилган. Қонун юридик ва жисмоний шахсларнинг ёқилғи қазиб олиш, ёқилғи, иссиқлик ва электр энергияси ҳосил қилиш, уларни қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, таҳсимлаш ва сарфлаш билан боғлиқ фаолияти соҳасида амал қиласди.

Энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасида ҳуқуқий тартибга солиш: энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш чоғида энергиядан самарали ва экологик жиҳатдан хавфсиз фойдаланишини таъминлаш;

энергия жиҳатдан самарали технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни, арzonроқ нефть маҳсулотлари, табиий газ, кўмир ва бошқа турдаги табиий ёқилғиларни қазиб олиш ва ҳосил қилишни рағбатлантириш;

энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш миқдори ҳамда сифатини ўлчаш ва ҳисобга олишнинг аниқ, тўғри, бир хил бўлишини таъминлаш;

энергиянинг самарали ҳосил қилиниши ва сарфланиши ҳамда унинг сифати устидан, энергетика асбоб-ускуналарининг, энергия билан таъминлаш ва энергияни сарфлаш тизимларининг техникавий ҳолати устидан давлат текшируви ҳамда назоратини амалга оширишга қаратилгандир.

Қонунда энергиядан оқилона фойдаланиш мақсадида энергия ҳосил қиладиган ва сарфлайдиган асбоб-ускуналар ҳамда маҳсулотга қонун хужжатлари назарда тутилган тартибда энергия жиҳатдан самарадорлик кўрсатгичлари белгилаб қўйилади (4-модда). Шунингдек, бу соҳада стандартлаш обьектлари ва предметларидан самарали фойдаланишини назарда тутади. Стандартлаш обьектларига энергия, энергия ҳосил қиладиган ва уни сарфлайдиган ёки энергияни бир турдан бошқа турга айлантириб берадиган асбоб ускуналар ва маҳсулотлар, транспорт воситалари, қурилиш, йўлсозлик ва қишлоқ хўжалик машиналари, ёритиш техникиси қурилмалари, иситиш, ҳарорат ва намликни бир хилда сақлаб туриш ҳамда ҳавони алмаштириш тизимлари, халқ истемоли моллари, шунингдек иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ва қурилиш конструкциялари киради. Бундан ташқари, стандартлаш предметларини энергияни ҳосил қилиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш, технология жараёнлари ва ишларни бажариш учун энергия сарфи кўрсатгичларининг мажмуи ва қиймати ташкил этади (Қонунинг 5-моддаси).

Қонуннинг 6-моддасида энергия жиҳатидан самарадорлик ҳамда энергия сифати кўрсатгичларига риоя этилиши устидан давлат текшируви ва назорати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификатлаш, метрология ва сертификация маркази- «Ўздавстандарт» ҳамда бошқа органлар зиммасига юкланганлиги

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган.

ҳамда 7-моддада стандартлаш объектларига энергия сарфлаш нормативларини Ўзбекистон Хукумати ёки у ваколат берган органлар белгилаши кўрсатилган. Бинобарин, ушбу нормативлар ҳар беш йилда қайта кўриб чиқилади ва илғор технология ютуқларини ҳисобга олган ҳода ўзгартирилиши лозим.

Қонунда энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсатгичларига мувофиқлик бўйича:

- энергетика ресурслари;

- оммабоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш;

- энергия ҳосил қилувчи ва уни ишлатувчи асбоб-ускуналар ҳамда маҳсулотлар қонун ҳужжатларида белгиланган тратибда мажбурий сертификатлаштирилади (8-модда). Энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш чоғида, шунингдек энергияни сертификатлаш пайтида мажбурий давлат метрология текшируви ва назорати амалга оширилади ва у «Ўздавстандарт» зиммасига юклатилган (9-модда).

Қонуннинг 10-моддасида энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳам белгилаб қўйилган. Уларга:

- аниқ мақсадга қаратилган миллий, тармоқ ва минтақа дастурлари ҳамда лойиҳарини рўёбга чиқариш;

- миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун зарур бўлган энергия ҳосил қилишни ва уни сарфлашни барқарорлаштириш;

- энергияни ҳосил қилиш ва уни сарфлаш режимларини энг мақбул даражага келтириш, унинг ҳисобга олинишини ташкил этиш;

- энергия тежамли сарфланадиган асбоб-ускуналар ва энергия кам сарфланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш;

- энергия ҳосил қилувчи ва уни ишлатувчи асбоб-ускуналар ҳамда маҳсулотга тааллуқли норматив ҳужжатларга энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсатгичларини киритиш;

- энергия сифати, ишлаб чиқаришнинг энергия сарфланиши жиҳатидан самарадорлиги ва маҳсулотга энергия сарфи миқдори устидан давлат текшируви ва назоратини ташкил этиш;

- корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг энергия жиҳатидан давлат текшируви ва назоратини ташкил этиш;

- маҳсулотларнинг, ишлаб турган ва қайта қурилаётган объектларнинг, технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергетика экспертизасини ўтказиш;

- энергия самарадорлиги юқори бўлган лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун энергия жиҳатидан самарадор бўлган зоналар барпо этиш;

- энергия жиҳатидан самарадор ва экологик жиҳатдан соғ технологиялар ва ишлаб чиқаришларни рағбатлантириш;

- энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш устидан статистика кузатувини ташкил этиш киради.

Бундан ташқари, Қонунда энергиядан оқилона фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Хукумати юридик ва жисмоний шахсларга (истеъмолчиларга):

-энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги аниқ мақсадга қаратилган миллий, тармоқ ва минтақавий дастурлар ҳамда лойиҳаларни давлат имтиёзли кредитлари ҳисобидан молиялаш бўйича;

-тармоқлараро илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаш, энергия жиҳатидан самарадор асбоб-ускуналарнинг тажриба туркумларини ишлаб чиқариш бўйича;

-энергиядан фойдаланиш самарадорлигини анча оширадиган маҳсус асбоб-ускуналар, қурилмалар ва материалларни импорт қилганлик учун божхона божлари ва солиқлар бўйича ва ўз ваколатига мувофиқ бошқа масалалар бўйича имтиёзлар беради (19-модда).

3§. Транспорт соҳасини хуқуқий таъминлаш асослари

Куруқлик ерларидағи транспорт фаолиятини хуқуқий тартибга солиш «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида», «Автомобиль транспорти тўғрисида» ҳамда «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонунлар¹ билан тартибга солинади. Транспорт соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳар бир транспорт соҳасига тааллуқли қонун ҳақида батафсил тўхталамиз.

«Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига биноан шаҳар йўловчилар транспорти деганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган, шаҳар доирасида йўловчилар ҳамда багаж ташишга мўлжалланган автомобиль ва электр транспорти тушунилади.

Шаҳар йўловчилар транспорти оммавий ёки хусусий мулк асосида ишлаши Қонуннинг 4-моддасида мустаҳкамланган.

Шаҳар йўловчилар транспорти жумласига автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, метрополитен, йўналишни ва йўналишсиз таксилар киради,

Шунингдек, Қонунда идораларга қарашли йўловчи транспорти жумласига корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ўз ходимларини муайян йўналиш ва ҳаракат жадвали бўйича мазкур корхона, муассаса ёки ташкилот томонидан белгиланган тартибда ёхуд ташиш шартномаси бўйича ташиш хизматлари кўрсатувчи автобуслари ва микроавтобуслари кириши кўрсатилган (5-6-модда).

Шаҳар йўловчилар транспортида ташиш иши ташиш шартномаси асосида амалга оширилади. Йўловчи ташиш шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 358-моддаси билан тартибга солинади. Ташиш шартномасининг тарафлари бўлиб қўйидагилар иштирок этади:

ташувчи- мулк хуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда транспорт воситасига эга бўлган, шаҳарда тижорат асосида йўловчилар ташиш хизмати кўрсатадиган ва бунга маҳсус рухсатномаси (лицензияси) бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

¹ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида» Конун 1997 йил 25 апрель, « Автомобиль транспорти тўғрисида» Конун 1998 йил 28 август, «Темир йўл транспорти тўғрисида» Конун 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган.

йўловчи-ташувчининг хизматидан фойдаланувчи жисмоний ва юридик шахслар.

Ташиш шартномаси бўйича ташувчи йўловчини ва унинг багажини белгиланган манзилга элтиб қўйиши шарт. Йўловчи белгиланган йўл ҳақини, багажи бўлса, багаж ташиш ҳақини ҳам тўлаши шарт.

Конунда шаҳар йўловчи транспортида йўловчиларни ташишда ташувчининг қўйидаги асосий вазифалари белгиланган бўлиб, унга биноан:

фуқароларнинг ташишга бўлган этиёжларини қондириш;

шаҳар йўловчилар транспортининг бир маромда ишлашини ташкил этиш;

йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш;

йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиги хавфсизлигини, транспорт воситалари ҳаракатининг хавфсизлигини, шунингдек атроф мухитни муҳофаза қилиш талаблари бажарилишини таъминлашдан иборат.

Конуннинг 9-12 моддаларида давлат томонидан тартибга солишга қаратилган қоидалар аниқ қилиб кўрсатилган.

Давлат шаҳар йўловчилар транспорти фаолиятини лицензиялаш, солик, кредитлаш, молиялаш ва нарх белгилаш, инвестиция, ягона илмий-техника сиёсатини амалга ошириш, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа воситалар билан тартибга солади. Шаҳар йўловчилар транспортининг давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси маҳсус ваколат берган шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органи томонидан амалга оширилади.

Шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органининг (масалан, «Тошشاҳарйўловчitrans» ассоциацияси) ваколатлари жумласига қўйидагилар киради:

ташувчилар билан шартномалар тузиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

барча турдаги шаҳар йўловчилар транспортининг бир маромда ишлашини таъминлаш;

ягона техника сиёсатини юритиш;

барча турдаги шаҳар йўловчилар транспортини ривожлантириш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, уларга кўрсатиладиган хизматларнинг ҳажмлари ва турларини кенгайтириш юзасидан комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни рўёбга чиқариш;

йўловчиларга хизматлар кўрсатиш тартиби ва қоидаларини белгиловчи норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш;

автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, шунингдек йўналишли таксиларда йўловчилар ташиш йўналишлари ва ҳаракат жадвалларини тасдиқлаш;

йўловчиларнинг ҳуқуклари таъминланишини назорат қилиш;

шаҳар йўловчилар транспорти субъектлари учун ягона чипта тизимини эорий этиш, йўл чипталари, варагалари, шунингдек айrim тоифадаги фуқароларга транспортда имтиёзли юриш ҳукуқини берадиган ҳужжатлар тайёрлаш;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Шаҳар йўловчилар транспортида йўловчилар ва багаж ташиш ҳақини тўлаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари томонидан йўл қўйиладиган доирада белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Шаҳар йўловчилар транспортида йўловчилар ва багаж ташишнинг йўл қўйиладиган доирадаги тарифлари даражаси иқтисодий асосланган ташиш харажатларидан ва йўловчилар ташиш хизматларига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб белгиланади. Йўналишсиз таксиларда багаж ҳақи олинмайди.

Шаҳар йўловчилар транспорти воситалари хавфсизлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, экология талабларига, шунингдек стандартлар ва техникавий шартларга, тиббий-санитария ва ёнфинга қарши нормаларга мувофиқлик сертификатига эга бўлиши лозим. Бундан ташқари транспорт воситалари қонун хужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бўлиши керак.

Сертификатлашдан ўтмаган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган транспорт воситалари фойдаланишга қўйилмайди. Барча турдаги йўловчилар транспортини сертификатлаш тартиби Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади.

Шаҳар йўловчилар транспортининг салонида ҳаракат йўналиши, йўловчи ва багаж ташиш ҳақи тўғрисидаги маълумот, шунингдек бошқа зарур ахборотлар бўлиши лозим. Ташувчи шаҳар йўловчилар транспортида ногиронлар ва болали йўловчилар учун зарур қулайликларни яратади.

Йўналишсиз таксиларда йўл ҳақини аниқлаш учун ҳисоблагич (таксометр), махсус таниб олиш белгилари ва бошқа енгил автомобиллардан фарқланувчи ракам белгилари бўлиши лозим. Йўналишсиз таксилар учун умумий белгилар Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланади.

Конунда шаҳар йўловчилар транспорти ташувчисининг мажбуриятлари белгилаб қўйилган бўлиб, унга мувофиқ ташувчи:

шаҳарда йўловчиларни ташиш ишларини бажариш учун лицензияга эга бўлиши;

йўловчиларни ташиш юзасидан белгиланган қоидаларга риоя этиши;

йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаши;

меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнфингдан сақлаш хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва экология талабларини бажариши;

ҳаракат хавфсизлигини, шаҳар йўловчилар транспортидан техник фойдаланиш ва уни ишлатиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаши;

фуқароларнинг айрим тоифаларини имтиёзли ташиши;

қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа талабларни бажариши шарт.

Ташувчиларнинг белгиланган йўналишдан ўзбошимчалик билан четга чиқиши, ҳаракат жадвалини бузиши ҳамда йўловчиларга қонун хужжатларида назарда тутилмаган бирон-бир талабни қўйиши ман этилади.

Конуннинг 24-моддасида йўловчиларнинг ҳуқуqlари келтирилган. Унга кўра йўловчилар:

шаҳар йўловчилар транспортининг ҳар қандай туридан фойдаланиш;

бекатлар ва тўхтаб ўтиш манзилларидан фойдаланиш; ўзлари билан биргаликда етти ёшгача бўлган болаларини бепул олиб юриш;

ўлчамлари белгиланган катталикдан ошмайдиган, вазни йигирма килограммгача бўлган қўл юкини бепул олиб юриш;

белгиланган тарифлар бўйича ҳақ тўлаб багаж олиб юриш;

ҳаёти ва соғлигини шахсий суғурта қилиш ҳақида ихтиёрий равишда шартнома тузиш;

бекатлар ва охирги диспетчерлик манзиллари диспетчерларидан шаҳар йўловчилар транспортининг иши тўғрисида ахборот олиш;

қонун ҳужжатларида берилган бошқа хуқуклардан фойдаланиш хуқуқига эгадир.

Йўловчиларнинг мажбуриятлари эса Конуннинг 25-моддасида мустаҳкамланган. Йўловчилар:

йўловчиларни ташиш юзасидан белгиланган қоидаларга риоя этишлари;

йўл ҳаки ва багаж ташиш ҳақини ўз вақтида тўлашлари, чиптани манзилга етгунга қадар сақлашлари ва уни назорат қилувчи шахсларнинг талабига биноан кўрсатишлари;

транспортда имтиёзли юриш хуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатишлари;

шаҳар йўловчилар транспортидан фойдаланганда тозалик ва тартиба риоя этишлари, ташувчиларнинг асбоб-ускуналари ва мол-мулкини эҳтиёт қилишлари;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларни бажаришлари шарт.

Йўловчиларнинг тез ёнувчан, портловчи, заҳарли, радиоактив моддалар ва ашёларни, шунингдек ғилофсиз ўқотар қурол, тифли ва кескир ашёларни олиб юришлари ман этилади.

Конуннинг 27-моддасида шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган .

«Автомобиль транспорти тўғрисида»ги Конун жами 31 моддани ўз ичига олади. Унда ушбу соҳа фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, бошқариш, унинг бошқарувчи давлат маҳаллий органларининг ваколатлари белгилаб қўйилган.

Автотранспорт воситаларини стандартлаш, метрология жиҳатидан таъминлаш ва сертификатлаш, автомобильда ташишларни лицензиялаш, йўловчилар, багаж ва юклар ташиш шартномаси, фавқулодда ҳолатларда автомобиль транспортининг иши, ташувчининг, мижознинг хуқуқ ва мажбуриятларини, ташиш шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, шунингдек автомобиль транспортида хавфсизлик ва экология нормаларини таъминлаш, шу соҳадаги низоларни ҳал қилиш, қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик каби масалалар хам мустаҳкамланган.

Бу Конунда шу соҳага оид тушунчаларни мазмуни очиб берилган. Автомобиль транспорти деганда таркибиға юридик ва жисмоний шахслар

кирувчи, иқтисодий ва аҳолининг йўловчилар, багаж ва юкларни, шу жумладан почтани автомобилда ташишга бўлган эҳтиёжларини таъминловчи ишлаб-чиқариш-технология мажмую тушунилади.

Автомобиль транспорти мулк шаклига кўра хусусий ва оммавийга, шунингдек, шаҳардаги, шаҳар атрофидаги, шаҳарлараро ва халқаро ташишга ҳам бўлинади.

Автомобиль транспорти фаолияти давлат томонидан тартибга солинади ва қуидаги шаклларда:

сертификатлаш;

лицензиялаш;

солиқ солиш;

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ташишлар учун тарифларни шакллантириш;

ягона илмий-техника сиёсатини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Конуннинг 10-11 моддаларида давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг ваколатлари берилган бўлиб, уларнинг амтомобил транспортини комплекс ривожлантиришдаги минтақавий дастурларини ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириш, автотранспорт хизматлари бозорини шакллантириш, барча ташувчиларнинг фаолияти учун кенг шароитлар яратиш, автомобил транспортининг моддий техника ва ижтимоий негизини мустаҳкамлашга кўмаклашиши каби вазифалари аниқ қилиб кўрсатилган.

Хўжалик алоқаларининг кенгайиши деярли барча фуқароларни автомобил транспортига оид муносабатлар иштирокчисига айлантироқмода. Шу сабабли автомобил транспорти воситаларининг хавфсизлик, экология, техник талабларига жавоб бериш масаласи жуда муҳимдир. Автотранспорт воситалари аввало хавфсизлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, стандартлар ва техник шароитларга, табиий санитария ва ёнғинга қарши нормаларга мувофиқлик сертификатига эга бўлиши керак.

Сертификатлашдан ўтмаган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган автотранспорт воситасини бошқарувчи шахс қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлиши керак. Бошқариш ҳуқуқи тегишли малакага эга бўлган, тиббий текшуғирудан ўтган шахсга берилади. Бу қоида мезони Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан назорат қилинади. Йўловчилар, багаж ва юклар ташиш-шартнома асосида амалга оширилади, унда ташишнинг шартлари ва томонларнинг жавобгарлиги назарда тутилади, ҳақ белгиланади.

Конунда фавқулодда ҳолатлар (зилзила, тошқин, ёнғин, эпидемия ва бошқа табиий оғатлар) содир бўлган тақдирда ташувчилар ва мижозлар ўртасидаги шартнома муносабатлари Вазирлар Маҳкамаси ёки давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорига биноан табиий оғатлар ёки уларнинг оқибатларини тугатиш вақтида тўхтатилиши ҳам кўрсатилган.

17-модда ташувчига бағишлиланган бўлиб, унда, масалан, фуқаролар хаётига, йўл ҳаракати хафвсизлигига таҳдид солувчи, экология ва санитария нормалари бузилишига ёки ғайриқонуний ҳаракатларга сабаб бўлувчи ҳолатларда ташишдан воз кечиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Шунингдек, идораларга қарашли умумий фойдаланиш учун очик автомобил йўллари орқали

жўнатилаётган юк ўз сертификатига мувофиқ эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш ҳуқуқига ҳам эга. Шу билан бирга, ташувчи қатор мажбуриятларни бажариши керак, жумладан у хизмат кўрсатиш чоғида лицензияли бўлиши, сертификатга ва тегишли тартибда рўйхатга олинган яроқли транспорт воситасидан фойдаланиши, шартнома шартларига риоя этиши, йўловчилар билан юклар ташишнинг белгиланган қоидаларига ва уларни элтиш муддатларига амал қилиши, сақланишини таъминлаш, ташишдан бош тортиш ҳолларда эса мижозга зарарни қоплаш, тартиб бўйича хисбот бериш ишларини юритиш қонуннинг 18-моддасида ифодаланган.

Конунда мижознинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мустаҳкамланган. Чунончи, мижоз зарур ахборотни олиш, ташувчини эркин танлаш ва ташиш учун шартнома тузиш, ташувчи томонидан ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатишдан баҳраманд бўлиш, етказилган зиённи ва маънавий зарарни қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлаттириш ва қоплаттириш, ташиш шартномасида кўрсатиб ўтилган шартлар ташувчи томонидан бузилган тақдирда хизматлар кўрсатишдан воз кечиш, бу борада ваколатли давлат органларига ёки судга мурожаат қилиш, шунингдек, назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш имконига эга.

Йўловчилар шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларидаги автобусларда етти ёшгача бўлган болаларни, шаҳарлараро ва ҳалқаро йўналишлардаги автобусда алоҳида жой берилмаган ҳолда бепул олиб юриш, беш ёшдан ўн ёшгача бўлган бола учун алоҳида жой ажратилиб, тўлиқ чипта қийматининг 50 фоизини тўлаб ҳамда ўн ёшгача бўлган икки ёки ундан ортиқ бола олиб юрганда, улардан бирини бепул, қолганлари учун 50 фоизли чипта олиш каби ҳуқуқлардан фойдаланади. Бундан ташқари, йўловчилар шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида 20 кгдан ошмайдиган офириликдаги багажни, шаҳарлараро ва ҳалқаро йўналишлардаги белгиланган ўлчамлардаги багажнинг бир ўрнини ўзи бепул, кўрсатиб ўтилган нормадалардагидан ортиқча багажни эса ҳақ эвазига олиб юриш ҳуқуқига эгадирлар. Мабодо йўловчи чиптани ташиш бошланмасдан олдин топширса, у учун тўлаган сумма қайтиб берилади. Агар йўловчилар ташувчи рейслар кечиккан ёки бекор қилинган тақдирда, етказилган эиён ҳамда маънавий зарарни қонунга биноан тўлаттириш ва қоплатиш ҳуқуқига эга.

Ташиш шартномаси асосида мижоз қатор мажбуриятларга ҳам эгadir. Шунга кўра, шартнома шартларига риоя қилиш, ташиш қоидаларида ўзига кўйилган талабларни бажариш, ташилаётган юкнинг шартномага мувофиқлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни ташувчининг талабига биноан тақдим этиш, автотранспорт воситаларининг ташилиши лозим бўлган юк ёки багаж ёнига бемалол ва хавфсиз кириб бора олишини таъминлаш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши шарт (20-модда).

Мажбурият бўйича томонлар жавобгарлиги ҳам белгилаб кўйилган.

Ташувчи юк ёки багажнинг йўқолиши, кам чиқиши ёки шаклига (тузилишига), шикаст етказилганлиги (бузилганлиги) учун жавобгар бўлади.

Ташувчи шартномага мувофиқ юк ташишда автотранспорт воситасини бермаганлиги ёки ўз вақтида етказмаганлиги учун ҳам жавобгардир. Мабодо мижоз берилган автотранспортдан фойдаланмаса, узрли сабаблар натижасида шу ҳолат вужудга келган бўлса, жавобгарлик истисно қилинади (23-24-моддалар).

Лекин автотранспорт воситаси белгиланган манзилга кечикиб келган тақдирда (шаҳар ва шаҳар атрофида ташишлар бундан мустасно), агар кечикириш ёки кеч етиб бориш ташувчига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли юз берганлигини исботлай олмаса, ташувчи йўловчига жарима тариқасида кўрган заарни ҳам тўлайди. Шунингдек, йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилганлиги учун ташувчининг жавобгарлиги қонунга мувофиқ белгиланади.

Мабодо, мижознинг айби билан бошқа шахсларга ёки ташувчи жавобгар бўлган мол-мулкка заар етказилса бу ҳолда мижоз (буортмачи) жавобгардир.

Йўловчилар, багаж ва юкларни ташиш маълум даражада хавф билан боғлиқ хизматлардан ҳисобланади. Шу боис, йўловчилар багаж ва юкларни сугурта қилишлари шарт.

Темир йўл транспорти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини мукаммал тушуниш учун ундаги асосий тушунчалар моҳиятини аниқлаб олиш зарур бўлади. Унга мувофиқ:

темир йўл транспорти (темир йўл) - умумий фойдаланишдаги транспорт турларидан бири бўлиб, у ишлаб чиқариш ва ижтимоий йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ўз таркибига олган, бошқа давлатларнинг темир йўллари ва транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро ҳамкорликда ташиш эҳтиёжларини таъминловчи ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуидан иборатdir;

темир йўл транспорти корхонаси - темир йўл асосий фаолиятининг тузилмавий бўлинмаси бўлиб, бевосита ташиш жараёнини таъминлади;

транспорт хизматлари бозори-юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташувчи, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатувчи ва таъмирловчи, темир йўл транспортида ташиш билан боғлиқ қўшимча ёрдамчи ишларни ҳамда бошқа иш турларини (хизматларини) бажарувчи соҳа;

умумий фойдаланишдаги темир йўллар-темир йўлнинг поездларни қабул қилиш ва жўнатиш, юклар, багаж ва юк багажини қабул қилиш ҳамда топшириш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш, манёвр ишларини амалга ошириш бўйича тегишли операцияларни бажариш учун очик бўлган темир йўл бекатлари жойлашган тармоғи;

юк- ташиш учун темир йўл транспорти корхонаси томонидан белгиланган тартибда қабул қилинган, ўз вақтида элтиб берилиши ва сақланиши учун темир йўл жавобгар бўлган темир йўл ташиш объекти;

йўловчи-йўл хужжатларига эга бўлган ва поездда сафар қилувчи фукаро (жисмоний шахс);

багаж - йўловчи олиб кетаётган ва сафар давомида йўловчилар вагонида унинг ёнида бўладиган буюмлар, товарлар ва бошқа моддий бойликлар;

юк багажи- йўловчилар ва почта-багаж поездларида ташиладиган тенмир йўл ташиш обьекти;

юк жўнатувчи(жўннатувчи)- ўз номидан ёхуд юк ёки юк багажи эгаси номидан иш кўрувчи ва ташиш ҳужжатларида қайд этилган юридик ёки жисмоний шахс;

юкни олувчи (олувчи)- юк ёки юк багажини олиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

Темир йўл транспорти соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш мазкур Қонун ва қонун ҳужжатлари асосида олиб борилади. Бундан ташқари, ушбу соҳанинг фаолияти Темир йўл Устави, юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш қоидалари, шунингдек, бошқа норматив ҳужжатлар билан ҳам белгиланади.

Темир йўл транспортида мулкчилик масалаларига Қонуннинг З-моддаси бағишлиланган. Унга кўра:

Ташиш жараёнининг узлуксизлигини, ҳаракат хавфсизлигини ва авариятиклаш ишлари ўтказилишини бевосита таъминловчи темир йўл транспорти корхоналари, умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва темир йўл транспортининг бошқа мол-мулки мутлақ мулкидир. Ташиш жараёнида бевосита иштирок этмайдиган темир йўл транспорти мол-мулки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хусусийлаштирилиши мумкин.

Темир йўл қатновлари қуйидаги турларга бўлинади:

ички қатновлар - юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини Ўзбекистон Республикаси доирасида ташиш;

халқаро қатновлар-юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасида ташиш;

тўғри аралаш қатновлар-юкларни ягона транспорт ҳужжати бўйича транспортининг ҳар хил турларида ташиш. Тўғри аралаш қатновлар ҳам ички, ҳам ҳалқаро бўлиши мумкин.

Алоҳида муҳим давлат эҳтиёжларини, шу жумладан, мудофаа эҳтиёжларини қондириш учун юкларнинг маҳсус турлари ташилишини таъминловчи ташишлар маҳсус ташишлар жумласига киради.

Темир йўл транспортининг ўзига хос хусусиятларидан бири уни бошқариш марказлаштирилган тартибда амалга оширилишидир ва бу давлат темир йўл транспортини бошқариш органининг ваколатлари жумласига киради. Давлат темир йўл транспортини бошқариш органи:

темир йўлда ташишларни ташкил этиш ва бажариш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

темир йўл транспортининг фаолияти масалалари ва ташишларнинг шартлари бўйича норматив ҳужжатларни қабул қиласди;

транспорт хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга кўмаклашади;

темир йўл транспортини, шу жумладан идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларини рифожлантириш ва улардан фойдаланишни назорат қиласди;

темир йўлда ташишлар соҳасида тариф сиёсатини олиб боради;

темир йўл транспорти соҳасида халқаро ҳамкорликни ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

Шу билан бирга Қонунда темир йўл транспортининг ташиш жараёни билан боғлиқ фаолиятига аралашибга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги мустаҳкамланган. Давлат темир йўл транспортини бошқариш органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учун мажбурийдир.

Қонунда юкларни ташиш нормаси батафсил ёритилгандир. Унга биноан темир йўл транспорти корхоналари, агар жўнатувчи юкларни ташишга нисбатан қўйиладиган талабларга риоя қилса ва ташишга темир йўл томонидан олди олиниши ёки бартараф этилиши мумкин бўлмаган ҳолатлар тўскинлик қилмаса, юкни тайинланган жойига белгиланган муддатларда ташиб бериши шарт. Юк жўнатувчилар ва темир йўл транспорти корхоналари юкларни муентазам ташишларни амалга ошириш чоғида ташиш транспорт экспедициясини ташкил этиш тўғрисида узоқ муддатли шартномалар тузишлари мумкин.

Темир йўл транспортида юкларни ташиш юк жўнатувчиларнинг буюртманомаларига мувофиқ амалга оширилади. Юкларни ташиш учун буюртманомаларнинг шакллари, буюртмаларни бериш, бажариш ва ҳисобга олиш тартиби, шунингдек темир йўл транспортида ташиладиган юклар рўйхати давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан белгиланади. Юклар жўнатувчи томонидан ҳаракат хавфсизлиги ва юкларнинг сақланишини таъминланадиган қилиб ташишга тайёрланиши керак.

Темир йўл транспорти корхоналари йўловчилар, багаж, юк багажи ўз вақтида манзилига етказилишини, вокзалларда ва поездларда йўловчиларнинг хавфсизлигини, уларга хизмат кўрсатиш учун зарур қулайликлар ва шароитлар яратилишини, багаж ва юк багажининг сақланишини таъминлаши шарт.

Йўловчилар поездларнинг жўнаш ва келиш вақти, йўл ҳақи, багаж, юк багажи ташиш ҳақи, вокзалхоналарда жойлашган темир йўл чиптаси кассалари, сақлаш камераларининг иш вақти, йўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида вақтида ишончли ахборот билан, шунингдек темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотларининг иши тўғрисидаги бошқа зарур ахборот билан таъминлашлари керак.

Темир йўл транспортида йўл чипталарини сотиши тартиби Темир йўл Устави ҳамда Йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш қоидалари билан белгиланади.

Темир йўл транспортида йўл чипталари йўловчиларга тўлиқ қийматида сотилади, қонун ҳужжатларида имтиёзли юриши белгиланган фуқаролар бундан мустасно. Имтиёзли юришни компенсация қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Йўловчи поездда ўзи билан бирга беш ёшгача бўлган бир болани алоҳида жой берилмаган ҳолда бепул олиб юриш ҳуқуқига эга. Йўловчи билан бирга беш ёшгача бўлган биттадан ортиқ бола кетаётган бўлса, улардан бири бепул олиб юрилади, қолганлари эса чипта тўлиқ қийматининг 50 фоизи чегирилган, алоҳида эй берилган ҳолда олиб юрилади. Беш ёшдан ўн ёшгача ҳўлган

болаларга ҳам чипта тўлиқ қийматининг 50 фоизи чегирилган ҳолда жой берилади. Темир йўл транспортида болаларни ташиш бўйича бу имтиёзлар темир йўл транспорти корхоналарининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Йўловчилар учун вокзалларда, поездлар кутиладиган бошқа жойларда бўлиш ҳамда поездга чиқиш, тушиш учун багаж ва юк багажи билан перронларга ўтиш эркинлиги кафолатланади.

Темир йўл транспортида юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш тарифлари юк жўнатувчиларнинг ҳамда йўловчиларнинг манфаатлари инобатга олинган ҳолда давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайин этиладиган тартибда белгиланади.

Юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш билан боғлиқ қўшимча ишлар ва хизматлар учун шартнома асосида ҳақ тўланади.

Темир йўл транспорти корхоналари йўл ҳақини ҳамда юк, багаж ва юк багажининг ташиш ҳақини тўлаган ва йўл хужжатларини тўғри расмийлаштирган йўловчи ва юк жўнатувчига, агар қонун хужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлмаса, ташишни рад этишга ҳақли эмас.

Ташиш жараёнини амалга оширувчи темир йўл транспорти корхоналари йўловчи ёки темир йўл транспорти хизматларидан фойдаланувчи бошқа шахснинг, худди шунингдек темир йўл транспорти фаолияти натижасида жабрланган шахснинг ҳаёти ва соғлига етказилган зарар учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Темир йўл транспорти корхоналари юкларни ташиш чоғида юкларни ташиш учун олинган буюртманомаларни бажармаганлик, вагонларни шохобча йўлларига келтириб бермаганлик ва уларни шохобча йўллардан олиб кетишини кечиктирганлик, юкларни жўнатувчилар ва оловчиларга тегишли бўлган ёки улар томонидан ижарага олинган вагонлар ва контейнерларни ўзбошимчалик билан эгаллаганлик, бу вагонлар ва контейнерларга шикаст етказганлик ёки уларни йўқотганлик учун Темир йўл Уставида белгиланган миқдорларда жарималар тўлаш тарзида жавобгар бўлади.

Темир йўл транспорти корхоналари юкларни ташишда юкни етказиб бериш муддатларини бузганлик учун мулкий жавобгарлик билан бир қаторда ташилаётган юкнинг сақланишини таъминламаганлик учун ҳам қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда мулкий жавобгар бўлади.

Темир йўл транспорти корхоналари йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва миқдордагини жавобгар бўлади.

Темир йўл транспорти корхоналари атроф табиий муҳитга етказилган зарар учун ҳамда темир йўл транспорти ерларини лозим даражада сақламаганлик ва улардан фойдаланмаганлик учун қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Юк жўнатувчилар ва юкни олувчилар қуидагилар учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда жарималар тўлаш тарзида жавобгар бўладилар:

ташишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун;

юкларни тақдим этмаганлик учун, юк ташишга берилган вагонлар, контейнерлардан фойдаланмаганлик ёки буюртманомада кўрсатилган вагонлар, контейнерларни рад этганлик учун:

темир йўлга қарашли вагонлар ва контейнерлардан рухсатсиз фойдаланганлик учун;

вагонлар ва контейнерларни юкни ортиш, тушириш ёки қайта юклаш пайтида белгиланган технология нормаларидан ортиқча кечиктирганлик (бекор ушлаб турганлик) учун, шунингдек уларни юкни ортиш, тушириш, қайта юклаш учун етказиб бериш пайтида куттириб қўйиш орқали ёки жўнатувчига боғлиқ бўлган бошқа сабабларга кўра кечиктирганлик (бекор ушлаб турганлик) учун;

маҳсулотларни экспортга етказиб бериш бўйича божхона, чегара органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан белгиланган талабларни вагонларни ва контейнерларнинг кечиктирилганлигига сабаб бўлган тарзда бузганлик учун;

вагонлар, контейнерларга кўтарадиган юкидан отиқча юк ортганлик учун;

вагонлар ва контейнерларни юклари туширилганидан сўнг тозаламаганлик учун;

темир йўл томонидан берилган вагонлар ёки контейнерларга, чиқариб олинадиган ташиш мосламалари ва ўраш-жойлаш воситаларига шикаст етказганлик ёки уларни йўқотганлик учун;

ташиш тақиқланган юкни тақдим этганлик ёки ташиш чоғида ўта эҳтиёткорлик чоралари кўришни талаб этувчи юкни унинг номи ёки хоссаларини нотўғри кўрсатиб тақдим этганлик учун.

Йўловчилар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар темир йўл транспорти воситаларидан фойдаланиш, ҳаракат хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги қоидаларини, темир йўл транспортидаги санитария-гигиена ва санитария-эпидемияга қарши қоидаларни бузганлик, қурилмалар, транспорт воситалари ва уларнинг ички жиҳозларига шикаст етказганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Темир йўл транспортига унинг коммуникацияларини қасдан тўсиб (узиб) қўйиш ёки темир йўл транспортининг монеликсиз ва хавфсиз ишлашига халал берувчи қонунга хилоф бошқа ҳатти-ҳаракатлар натижасида темир йўл транспорти корхоналарига етказилган зарар айбор юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

Конунда юклар, йўловчилар, багаж ва юк ташиш бўйича мажбуриятлар бузилган тақдирда, юк жўнатувчилар ва юкни олувчилар тегишли темир йўл транспорти корхоналарига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда талаб ва даъволар тақдим этишга ҳақлидир.

Темир йўл транспортида ташишлар бўйича талаблар ва даъволарни кўриб чиқишининг ўзига хос хусусиятлари Темир йўл Уставида белгилаб кўйилади.

V боб. Саноат соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг хуқуқий тартибга солиниши

1§. Саноатда тадбиркорлик фаолияти тушунчаси ва унинг моҳияти

Саноат соҳасида тадбиркорлик фаолиятини хуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамиятга эгадир. Умумий қоидага кўра, саноатда тадбиркорлик деганда турли мулкчилик субъектларининг маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларни сотиш, маҳсулотни айирбошлиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш натижасида фойда олишга қаратилган амалдаги қонунлар доирасида таваккалчилик асосида ташаббус билан фаолият кўрсатиши тушунилади.

Саноат соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар мулкка эгалик қилиш хуқуқига эга бўладилар ва ўз фаолиятини ўша мол - мулк ҳисобига амалга оширадилар. Бинобарин, саноат соҳасида тадбиркорлик билан шуғулланиш учун барча ҳолларда ҳам тадбиркорлар мулкчилик хуқуқига эга бўлишлари шарт эмас, балки тўла хўжалик юритиш хуқуқига эга бўлишларининг ўзи ҳам кифоя қиласи.

Шундай экан, саноатда тадбиркорлик тадбиркорнинг ўзига тегишли бўлмаган мулк ҳисобига ҳам амалга оширилиши мумкин, агар улар мулкка нисбатан тўла хўжалик юргизиш хуқуқига эга бўлсалар.

Тўла хўжалик юргизиш хуқуқининг тушунчаси ва ушбу хуқуқга эга бўлган саноат соҳасида тадбиркорликни амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкка нисбатан хуқуқий лаёқати Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонунида бевосита ўзининг ифодасини топган. Ушбу Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ, давлат мулки давлат корхонасига тўла хўжалик юритиш хуқуки асосида тегишлидир.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўз тадбиркорлик фаолиятларини саноат соҳасида амалга ошиар экан, мазкур мулкка эгалик қиласи, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади, унга нисбатан ўз хохиши билан қонунчилик талабларига зид келмайдиган ҳар кандай ҳаракатларни амалга оширади. Тўла хўжалик юритиш хуқуқига нисбатан, башарти қонунларда бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлса, мулкчилик тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Демак, саноатда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар умумий асосларга кўра, ўзларининг мол-мулкига нисбатан мулкий хуқуқга эга бўлишлари керак, агар улар бундай хуқуқка эга бўлмаганлари тақдирда уларга мулкдор томонидан бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан тўла хўжалик юритиш хуқуқига эга бўлишлари керак.

Бошқа соҳаларда тадбиркорлик амалга оширишдан кўзланган мақсад, фойда олишдан иборат бўлганидек, саноат соҳасидаги тадбиркорликдан кўзланган мақсад ҳам ўз навбатида фойда олишдан иборатдир. Ушбу кўзланган мақсадга эришиш учун саноат соҳасидаги тадбиркор ўз фаолиятини бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиқсан ҳолда режалаштиради. Ушбу режага асосан бозор иқтисодиёти муносабатлари талабларига тўла-тўкис жавоб берадиган

истеъмолчилар учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, ҳарид қилишга ҳамда рақобатлашувда фаол қатнашишга ҳаракат қиласди.

Саноат соҳасида ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатдорлиги биринчи навбатда албатта фойда олиш билан бевосита боғлиқ. Бу фойда рақобатбардош саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш натижасида олинади. Саноатда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш иқтисодиётни бошқа соҳаларидан фарқ қилган ҳолда ўзига хос хусусиятга эгадир.

Саноатда товарларни қанча кўп ишлаб чиқариб, фойда қанча кўп олинса, меҳнатга бўлган қизиқиши, интилиш шунча баланд бўлади, тадбиркорликда юқори самараларга эришилади. Бу соҳадаги тадбиркорлик қишлоқ хўжалигидан фарқли равишда табиий об хаво муҳитига боғлиқ эмас. Ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлиги тегишли ишчи кучи ва замонавий технологиядан фойдаланишни тақозо этади. Талаб ва таклиф асосида маҳсулот ишлаб чиқилиб истеъмолчиларга етказиб берилиши тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Айниқса, саноат соҳасида хорижий инвестицияни жалб қилиш асосида тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигига эришиш мумкин.

Саноат соҳасида ўз фаолиятини амалга оширадиган тадбиркор ўз фаолиятини юргизиш натижасида олган умумий даромади (фойда)дан маълум қисмини солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар учун ажратади. Тўловлардан қолган тадбиркорнинг ихтиёридаги даромад соф фойда сифатида тўла унинг тасарруфига ўтади. Ушбу соф фойдадан қайси мақсадда фойдаланишни эса тадбиркорнинг ўзи бевосита мустақил равишда ҳал қиласди.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан саноатда тадбиркорликни амалга оширишнинг яна бир хусусияти у ҳам бўлса, жаҳон талабларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан иборатdir. Тадбиркор бозор ҳақидаги маълумотлардан, аҳборотлардан доимо хабарадор бўлиб туриши, зарур бўлган тақдирда ўз фаолиятига тезда ўзгартириш киртиши ва бозор талабларига ортиқча ҳаражатсиз мослашиб олиши зарур. Акс ҳолда у рақобатга бардош бера олмаслиги ва иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолиши мумкин.

Саноат соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда давлат томонидан тартибга солишнинг самарали шаклларидан ҳам фойдаланилади. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ички бозорни балки экспортга маҳсулотлар ишлаб чиқариб хорижий шериклар билан хўжалик алоқадорликнинг ривожлантирилиши давлатнинг ялпи миллий даромадининг усишида ҳам муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти муносабатлари даврида саноат соҳасида тадбиркорликни амалга оширувчи тадбиркор ўз фаолиятини саноатнинг қайси соҳаси бўйича амалга оширишни мустақил танлайди, қандай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиқиб режалаштиради, тараққиёт истиқболларини шахсан ўзи белгилайди, ушбу ўзига андоза қилиб олиб, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, уни реализация қилишни амалга оширади.

Демак, саноатда тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти - турли мулкчилик субъектлари томонидан фойда олиш мақсадида, товар бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиқсан холда, ўзининг келажак истиқболларини режалаштириш асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уни реализация қилишдан иборат. Саноат соҳасининг ҳуқуқий тартибга солиниши, унинг тушунчаси, моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини ёритиб беришда ҳам муҳим ўрин тутади. Шу сабабли унинг ҳуқуқий асосларини самарадорлигини оширишни, уни иқтисодиётнинг энг муҳим тармоғи сифатида ривожлантириш муҳим омили бўлиб ҳизмат қилади.

2§. Саноат соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш асослари

Саноат соҳасини ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали шакл ва услубларидан фойдаланиш тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда алоҳида ўрин эгаллайди. Саноат соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда унинг ўзига хос субъектив ва объектив хусусиятларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Сўнги йилларда унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Бу соҳада давлат мулкчилигидан бўлган корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича амалга оширилаётган сайъи-ҳаракатлар айниқса дикқатга сазовордир. Чунки давлат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқармасдан, уларни хусусийлаштирасдан туриб, саноат соҳасида тадбиркорликни вужудга келтириш ва ривожлантириш мумкин эмас. Шу сабабли саноатни ислоҳ қилишда энг долзарб масалалардан бўлиб, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ҳал қилишни тақозо қиласр эди. Саноатда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг энг муҳим иқтисодий асоси бўлиб, мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартириш ҳисобланади.

Бозор механизми самарали ишлаши учун тегишли шарт - шароитларни таъминлаш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадалаштириш зарурлигидан келиб чиқиб, ҳамда хусусий мулкни ҳимоя қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1994 йил 21 январида «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармон қабул қилиниши билан хусусий мулкнинг шаклланиши тезлашди, давлат мулки бўлган корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, уларнинг ўрнида хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ташкил қилиниши натижасида саноатда тадбиркорликни ривожланишига турки бўлган кенг имкониятлар, истиқболлар очилиши билан биргаликда чет эл инвестицияларининг кириб келиши жадаллашди. Бу эса ўз навбатида маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини жадалаштириб, аҳолининг истеъмол талабларини қаноатлантириш билан биргаликда, товарларни хорижий давлатларга ҳам сотиб, қатъий валютада фойда олиш имконини яратди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 11 майда

қабул қилинган «Хусусий мулк ва тадбиркорликни коррупция, РЭКЕТ ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа турларидан ҳимоя қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги 247-сонли қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Иқтисодиётда бозор муносабатларини чуқурлаштириш мақсадида саноат соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга, хусусан, ушбу соҳадаги муносабатларни ҳуқукий жиҳатдан тартибга солишга алоҳида эътибор берилмокда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 9 июнида «Кимё саноати корхоналари ишини барқарорлаштириш чора-тадбирлари ва уларни янада ривожлантириш йўналишлари тўғрисида»ги 292-сонли қарорнинг қабул қилиниши ишлаб чиқилиши ва унинг амалиётга татбиқ қилиниши натижасида кимё саноатини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт имкониятини кенгайтириш борасида корхоналар фаолиятини рағбатлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши натижасида саноат соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни хорижий давлатларга сотиб, фойда олишнинг имкониятлари кенгайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 20 июнида «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорациясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»ги 311-сонли Қарорнинг қабул қилиниши Ўзбекистонда дон маҳсулотларини етиштириш, уларни корхоналар томонидан қайта ишлаб чиқарилиши ва истеъмолчиларга етказиб бериш мақсадида тармоқда тадбиркорлик субъектлари фаолияти самарадорлигини ошириш муҳим омил бўлиб ҳизмат қилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва аҳолига сотишни кўпайтириш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат моллари билан истеъмол бозорини тўлдириш, озиқ-овқат саноати корхоналари, ташкилотларининг ишлаб чиқариш - хўжалик соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш асосида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат саноатининг «ЎЗОЗИҚОВҚАТСАНОАТ» давлат - акциядорлик концернини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги 1994 йил 26 сентябрдаги ПФ 945-сонли Фармонининг аҳамияти ҳам бекиёсdir. Бинобарин, ёғ-мой ва тамаки саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва аҳолига сотишни кўпайтириш, шунингдек, ўз ёғ-мой ва тамаки саноати маҳсулотлари билан истеъмол бозорини тўлдириш, ёғ-мой ва тамаки саноати корхоналари, ташкилотларининг ишлаб чиқариш – хўжалик соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш асосида бу соҳада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга эришиш максадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 26 сентябрдаги «ЁЎМОЙТАМАКИСАНОАТ» ёғ-мой ва тамаки саноати корхоналари уюшмасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалари тўғрисида»ги 482-сонли қарор қабул қилинди.

Қандолатчилик, чой ва пиво-алкоголсиз ичимликлар саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истемолчиларни улар билан таъминлаш, бу соҳада тадбиркорликни ривожлантиришга эришиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 26 сентябрида «ОЗИҚОВҚАТСАНОАТ» қандолатчилик, чой ва пиво-алкоголсиз ичимликлар саноати корхоналари уюшмасини ташкил этиш ва унинг фаолияти тўғрисида» 483-сонли қарори ишлаб чиқилди.

Балиқчилик саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, ишлаб чиқариш хажмларини ошириш ва республика аҳолисини балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашда уларнинг ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 18 августида «Ўзбалиқ» давлат акциядорлик корпорациясини ташкил этиш тўғрисида» 427-сонли қарори қабул қилинди.

Турли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни ва аҳолига сотишни кўпайтириш, бозор муносабатларини чукурлаштириш ҳамда республика мева сабзавот мажмуи қишлоқ хўжалиги, қайта ишловчи ва бошқа корхоналарнинг иқтисодий мустақиллиги асосида рақобатли иш шароитлари яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 28 октябрида «Ўзбекистон Республикаси мева-сабзавот мажмуи корхона ва ташкилотларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 525-сонли қарори қабул қилинди.

Республика аҳолисини тадбиркорлик соҳасига кенг кўламда жалб этишни таъминлаш, ишлаб чиқариш ва ҳизмат кўрсатиш соҳасида хусусий бизнеснинг ролини сифат жиҳатидан ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги 1995 йил 5 январдаги ПФ 103-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кечикириб бўлмайдиган чора – тадбирлар тўғрисида»ги 55-сонли қарори ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1995 йил 28 августида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб қувватлаш давлат дастури тўрисида»ги қарори¹⁴⁶

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1995 йил 31 августида «Айрим корхоналар ва мол мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида»ги Қарор қабул қилинди.

Шу билан биргаликда саноат соҳасида ва бошқа соҳаларда ҳам тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, айниқса, бу соҳаларда кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожлантириш мақсадида, 1997 йил 31 январга келиб, Президентимиз томонидан «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон қабул қилинди.

1 «Халқ сўзи» газетаси, 1995 йил, 29 август.

1996 йил 12 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг фаолияти тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарор қабул қилинди.

Юқорида қайд қилиб ўтилганлардан ташқари, саноат соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва тадбиркорликни янада ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрдаги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги, 2000 йил 25 майда Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунлари қабул қилинди.

2001 йил 6 декабрда «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши билан юқорида қайд этилган 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги Қонун 2002 йилнинг 1 мартадан ўз кучини йуқотди1.

Юқорида қайд қилинган қонун ҳужжатлари асосида саноат соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш, ушбу соҳада вужудга келадиган муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш амалга оширилмоқда.

3§. Саноатда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари

Тадбиркорлар саноатда ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини амалга ошириш учун турли ташкилий ҳуқуқий шаклдаги субъектларни шакллантирадилар. Бу ташкилий ҳуқуқий шакллар ўзига хос ва мос ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, улар холдинглар, қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлари, қарам хўжалик жамияти, унитар корхона ҳамда кичик корхоналар кўринишида намоён бўлади. Саноат соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ўзларининг ҳуқуқий холатига эгадир.

Саноатда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган субъектлар ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, тегишли давлат идоралари ва бошқа идораларда, шунингдек, халқаро ташкилотларда умумий манфаатларни ифода этиш мақсадида холдинг компанияларига уюшишлари мумкин.

Улар таъсис этувчилар тасдиқлайдиган устав асосида иш олиб борадилар ва уларнинг таркибиغا кирган субъектлар ўз мустақилликларини, ҳуқуқий шахс ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Холдинг компаниялари ўз таркибиغا кирувчи тадбиркорлик субъектларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, субъектлар эса

таъсис шартномасида (устав) ўзга холат кўзда тутилган бўлмаса, холдинг компанияларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайдилар.

Холдинг компанияларининг таркибига кирган тадбиркорлик субъектлар холдинг компанияси таркибидаги субъектлар олдидаги мажбуриятларини тузилган шартномаларига мувофиқ сақлаб қолган ҳолда уларнинг таркибидан чиқишига ҳақли бўладилар.

Холдинг компаниялари таркибига кирган тадбиркорлик субъектларининг қарорига мувофиқ тугатилади. Улар тугатилганидан кейин қолган мол-мулк холдинг компанияларининг уставига мувофиқ унинг катнашчилари ўртасида тақсимланади.

Бундан ташқари, хозирги кунда саноатда масъулияти чекланган жамияти мақомида ўзининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган қўшма корхоналар сони кўпайиб, иқтисодиётимизнинг тобора ривожланишига ўзининг катта хиссасини қўшмоқда.

Саноатда тадбиркорлик фаолияти ўзбекистонлик ва хорижий давлатлар таъсисчиларининг сармояларини жалб қилиш асосида ташкил қилинадиган қўшма корхоналарни шакллантириш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Қўшма корхоналар ўз фаолиятларини Уставларига мувофиқ ҳолда амалга оширадилар. Улар ўз номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган манзили кўрсатилган юмaloқ муҳрига эга бўлиши лозим. Мухрда айни пайтнинг ўзида қўшма корхонанинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Қўшма корхоналар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтидан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади ва ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алохида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириш, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда жавобгар ва даъвогар бўлиши мумкин.

Кўшма корхоналар қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланишлари мумкин.

Саноатда тадбиркорликнинг ташкилий ҳуқуқий шакли сифатида акциядорлик жамиятлари муҳим ўрин эгаллайди.

Акционерлик жамиятлари ўз фаолиятларини бевосита Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 1996 йил 26 апрелдаги Конунига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда амалга оширадилар¹.

Кўрсатилган номинал қийматига teng акцияларнинг муайян миқдорига бўлинган устав фондига эга бўлган ҳамда мажбуриятлари бўйича факат ўз мол-мулки билан жавобгар берадиган жамият акцияли жамият деб эътироф этилади.

Акциядорлик жамияти қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятининг ҳар қандай турларини амалга ошириш чоғида ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Акциядорлик жамияти юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириш, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда жавобгар ва даъвогар бўлиши мумкин.

Акциядорлик жамияти давлат рўйхатидан ўтказилган пайтидан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларини қўлга киритади.

Акциядорлик жамияти, агар унинг Уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, чекланмаган муддатга тузилади.

Акциядорлик жамияти белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида банқда ҳисоб ва рақалари очишга ҳақлидир.

Акциядорлик жамияти ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган манзили кўрсатилган юмалоқ муҳрига эга бўлиши лозим. Муҳрда айни пайтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Акциядорлик жамияти ўз номи ёзилган штампи ва баланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар нишонига ҳамда бошқа ўз белги аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

Тадбиркорлар саноат соҳасида ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари ёхуд ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларини шакллантириш орқали ҳам амалга оширишлари мумкин.

Акциядорлари ўзларига тегишли акцияларини бошқа акциядорларининг розилигисиз эркин тасарруф этиши мумкин бўлган жамият очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари дейилади.

Акциядорлик жамиятларининг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий мақоми уларнинг таъсис шартномалари ва Низомлари асосида белгиланади.

Акциядорлик жамияти филиаллар ташкил этиш ҳамда ваколатхоналар очиши мумкин. Улар ўзларини ташкил этган жамият томонидан мол-мулк билан таъминланади ва шу жамият тасдиқлаган Низомлар асосида иш кўради.

Филиал ёки ваколатхонанинг раҳбари жамият томонидан тайинланади ва жамият берган ишончнома асосида иш кўради.

Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик уларни тузган жамият зиммасида бўлади.

Акциядорлик жамияти юридик шахс ҳуқуқини олган шўъба ва қарам жамиятларига эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 67-моддасига асосан, агар бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг Устав фондида ундан устунлик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши туфайли ёхуд улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ё бўлмаса бошқача тарзда иккинчи хўжалик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имконига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шўъба хўжалик жамияти ҳисобланади.

Шўъба хўжалик жамияти юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг асосий жамияти қарзлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Хўжалик жамиятлари ичida қaram хўжалик жамиятининг юридик шахс сифатидаги мақоми ўзига хос хусусиятларга эга. Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият хўжалик жамиятига карашли овоз берадиган акцияларнинг 20 фоизидан купроғига эга бўлса, бундай хўжалик жамияти қарам хўжалик жамияти деб ҳисобланади. Қарам хўжалик жамияти юридик шахс ҳисобланади.

Бундан ташқари, саноатдаги тадбиркорлик субъекти бўлиб, ишлаб чиқариш кооперативлари ҳам ҳисобланishi мумкин.

Фуқароларнинг шахсий иштирок этиш ҳамда аъзоларининг (иштирокчиларининг) мулк билан қўшиладиган пай бадалларини бирлаштириш асосида биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориш учун аъзолик негизидаги ихтиёрий бирлашмаси ишлаб чиқариш кооперативи ҳисобланади. Қонунда ва ишлаб чиқариш кооперативининг таъсис ҳужжатларида унинг фаолиятида аъзолик асосида юридик шахслар ҳам иштирок этиши назарда тутилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш кооперативининг аъзолари кооперативнинг мажбуриятлари бўйича қонунда кооператив уставида назарда тутилган миқдорларда ва тартибда субсидиар жавобгар бўладилар.

Кооперативнинг фирма номи кооперативнинг номини, шунингдек «ишлаб чиқариш кооперативи» деган сўзларни ўз ичига олган бўлиши лозим.

Ишлаб чиқариш кооперативларининг ҳуқуқий мавқеи ва улар аъзоларининг ҳуқук ҳамда бурчлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Шу билан бирга унитар корхоналар ҳам саноат соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган субъект бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 70-моддасида унитар корхона деб, ўзига бириктириб қўйилган мол - мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилотга айтилади.

Бу корхонанинг мол-мулки бўлинмасдир ва қўшилган хиссалар (улушлар, пайлар) бўйича шу жумладан корхона ходимлари ўртасида ҳам тақсимланмайди.

Унитар корхонанинг мол-мулки унга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тегишлидир.

Унитар корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулки билан жавоб беради. Унитар корхона ўз мол-мулк эгасининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

Саноатда тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида Маъсулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятлари ҳам фаолият юритмоқдалар.

Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамияти масъулияти чекланган жамият деб ҳисобланади.

Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорлардаги улушларга бўлинган хўжалик жамияти қўшимча масъулияти жамият деб ҳисобланади.

Маъсулият чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтидан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

Жамият тўлиқ фирма номи давлат тилида ифодаланган ва жамиятнинг жойлашган манзили кўрсатилган думалоқ муҳрга эга бўлиши керак. Жамият ўзининг фирма номи ёзилган штампларига ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатга олинган товар белгисига ва бошқа ўз белги аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

Жамият ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан ҳуқуқларни олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Жамият қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар кандай фаолият билан шуғулланиши мумкин.

Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади. Жамият ўз иштирокчиларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни 2000 йил 25 майда қабул қилинди. Ушбу Қонунда саноат соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг умумий қоидалари ўз ифодасини топган бўлиб, шу билан биргаликда саноатда тадбиркорликни амалга оширувчи субъектларининг ҳажман тақсимоти бевосита қайд қилиб ўтилган. Жумладан:

- ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони қўпи билан ўн киши;
- саноат соҳасида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони қўпи билан қирқ кишидан иборат бўлиб, ушбу таркибда тадбиркорликни амалга оширувчи корхоналар кичик тадбиркорликнинг субъектлари ҳисобланади.

Ходимларнинг ўртача йиллик сони кичик корхоналар учун белгиланганидан кўпроқ, аммо саноатда юз кишидан қўпи бўлмаган ўрта корхоналар ўрта тадбиркорликнинг субъектлари ҳисобланади. Ушбу

тадбиркорлик субъектлари ҳам қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини ўз номидан уставига мувофиқ ҳолда мол-мулклари асосида амалга оширадилар ва ўз мажбуриятлари юзасидан мол-мулклари билан жавоб берадилар ҳамда судда даъвогар ёки жавобгар бўлиб иштирок этадилар.

4§. Саноатда тадбиркорлик субъектлари иштироқидаги низоларни ҳал қилишнинг тартиби ва асослари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддасида «Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади», деган қоидалар ўз аксини топган.

Саноатда ўз фаолиятини амалга оширадиган тадбиркорлик субъектлари иштироқидаги низолар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Жиноят кодекси, Хўжалик процессуал кодексига «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошقا қонунлар асосида ҳал этилади.

Саноатда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда хўжалик судлари мавқеи каттадир. Чунончи, хўжалик судлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилиниши, чиқарилаётган суд ҳужжатларида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Масалан, даъвогар- «Енгил металл қурилмалари заводи» акциядорлик жамияти 2000 йил 5 октябрда тузилган 169-сонли шартномага асосан темирдан ишлов берилган маҳсулотларни тайёрлаб, жавобгар томонга етказиб берган бўлса-да, жавобгар томон маҳсулотнинг ҳақини тўламаган. Бунинг натижасида жавобгар даъвогарнинг олдида 71214,06 сўм қарздор бўлиб қолган. Даъвогар томонидан қарзни тўлаш тўғрисида жавобгар номига эътирозномалар берилган бўлишига қарамасдан, жавобгар томонидан қарз тўланмаганлиги муносабати билан даъвогар жавобгарнинг ҳисобидан асосий қарз ва суд харажатларини ундириб беришни сўраб, Тошкент шаҳар хўжалик судига мурожаат қилган.

Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилиб, даъвогар - «Енгил металл қурилмалари заводи» акциядорлик жамиятининг фойдасига жавобгар - «Ўртаосиётрансқурилиш» трести ҳисобидан 71214,06 сўм асосий қарз, давлат божи ва почта харажатлари жами бўлиб, 76644,06 сўм ундирилиб берилган¹. Ёки бўлмаса, қуйидаги мисолга эътибор берайлик, даъвогар - «Тошкент лак бўёқ заводи» очик турдаги акциядорлик жамияти 2001 йил 27 июнда тузилган маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги шартнома шартларидан келиб чиқсан ҳолда жавобгар

«Тошмахсусқурилишбўлим» акциядорлик жамиятига бўёқ маҳсулоти етказиб берган бўлса-да, жавобгар томонидан олинган маҳсулотнинг ҳақи тўланмаган. Бунинг натижасида жавобгар даъвогарнинг олдида 337200 сўм қарздор бўлиб қолган. Бир неча марта даъвогар томонидан жавобгарга эътирозномалар юборилган бўлишига қарамасдан, қарз тўланилмаганлиги учун жавобгар мажбуриятнинг ўз вақтида бажарилмаганлиги сабабли 168600 сўм пеняни ва асосий қарз, суд харажатларини ундириб беришни сўраб, Тошкент шаҳар хўжалик судига мурожаат қилган.

Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан даъвогар даъво талаблари қаноатлантирилиб, унинг фойдасига жавобгар- «Тошмахсусқурилишбўлим» акциядорлик жамияти ҳисобидан 337200 сўм асосий қарз, 84300 сўм пеня, давлат божи ва почта харажатлари, жами бўлиб, 438674 сўм ундирилиб берилган¹.

Даъвогар - ўазалкент очик турдаги «Тошга ишлов бериш» акциядорлик жамияти томонидан 2000 йил 13 октябрдаги 137 - сонли олди - сотди шартномасига асосан жавобгар - Ташкент шаҳар очик турдаги «Қизил-Тош» акциядорлик жамиятига 2000 йил 17 октябрдаги 455-сонли юқ хати орқали 25м3 микдорида 750000 сўмлик мармар тошини етказиб берган бўлишига қарамасдан, жавобгар томонидан олинган маҳсулотнинг ҳақи тўланмаган. Даъвогар томонидан бир неча марта қарзни тўлаш тўғрисида жавобгарга эътироҳомалар юборилган бўлишига қарамасдан, эътироҳомалар жавогар томонидан жавобсиз қолдирилган. Шу муносабат билан даъвогар 360000 сўм пеня ва 112500 сўм жаримани ундириб беришни сўраб Тошкент шаҳар хўжалик судига мурожаат қилган.

Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан даъвогарнинг даъво талаблари қаноатлантирилиб, унинг ҳисобидан 750000 сўм асосий қарз, 112500 сўм пеня ва 21075 сўм давлат божи ва 2000 сўм почта харажатлари, жами бўлиб, 885575 сўм ундирилиб берилган¹.

Хўжалик судлари хўжалик ишларида даъвогар сифатида қатнашаётган саноат тадбиркорлик фаолияти субъектларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга ишда жавобгар сифатида қатнашаётган тадбиркорлик субъектларининг хуқуqlари ҳам ҳимоя қилмоқда. Жумладан, даъвогар - «Ўзмарказимпекс» давлат акциядорлар ташки савдо компанияси 1998 йил 14 сентябрдаги Э/1-91-сонли шартнома бўйича «Ўзпахтасаноат» А.А.га қарашли бўлган пахта заводлари томонидан «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказидан берилган мувофиқлик сертификатларига асосан етказиб берилган пахта маҳсулоти Рига портида тушириб олинганида 101690.00 кг пахта толаси сифатсиз чиққанлиги сабабли хорижий фирма томонидан сотиб олиш рад қилинган. Бу тўғрида «Ўзпахтасаноат» А.А.га хабар қилинганида, даъвогарнинг талаблари жавобгар томонидан рад қилинган. Қабул қилинмаган пахта толаси даъвогар ҳисобидан сақланган ва сақланиш харажатлари учун 7789,41 АҚШ доллари (1101422,58 сўм) тўланиб, шунча микдорда даъвогар томонидан зарар кўрилган. Даъвогар томонидан юқорида қайд қилинган пахта толалари «Ўзпахтасаноат» А.А.га

қарашли бўлган пахта заводлари томонидан «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказидан берилган сифат сертификатларига асосан юборилганлиги муносабати билан кўрилган зарарни жавобгарларнинг ҳисобидан ундириб беришни сўраб, хўжалик судига мурожаат қилган.

Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан даъвогарнинг даъво талаблари кўриб чиқилиб, тўлиқ қаноатлантирилган ҳолда, даъвогар - «Ўзмарказимпекс» ДАТСКнинг фойдасига жавобгар - «Ўзпахтасаноат» А.А ҳисобидан қисман яъни 705276,34 сўм зарар, 15419 сўм давлат божи ва 2000 сўм почта харажатлари жами бўлиб, 722695 сўм ҳамда «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази ҳисобидан 396146,24 сўм зарар ва 6609 сўм давлат божи жами бўлиб, 402755,24 сўм ундирилиб берилган¹.

Суд амалиётини таҳлил қилиш жараёнида даъвогарлар қарзни ундириб бериш тўғрисидаги даъво аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилгандаридан кейин қарзни тўлаб қўяётганликлари ҳам хўжалик судларининг тадбиркорликни ривожлантиришга ва уларни қонун нормаларига риоя қилишни таъминлашда муҳим суд ҳокимияти вазифасини бажараётганидан далолат бермоқда. Жумладан, даъвогар:- «Тошкент машинасозлик корхонаси» акциядорлик жамияти 2001 йил 9 февралда тузилган маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги шартномага асосан, 3039198 сўмлик қийматдаги ҳалқ истеъмоли товарларини жавобгар «Текстоминсервис» корхонасига етказиб берган бўлсада, жавобгар томонидан олинган маҳсулотлар учун тўла миқдорда хақи тўланмаган. Бунинг натижасида жавобгар даъвогарнинг олдида 827817,30 сўм қарздор бўлиб қолган. Даъвогар томонидан бир неча марта жавобгарга эътирозномалар киритилган бўлишига қарамасдан қарзини тўламаганидан кейин жавобгарнинг ҳисобидан асосий қарз ва суд харажатларини ундириб беришни сўраб, хўжалик судига мурожаат қилган.

Даъвогар томонидан қарзни ундириб беришни сўраб мурожаат қилганидан кейин ишни суд жараёнида кўриб чиқилгунига қадар жавобгар томонидан қарз тўла миқдорда тўланганлиги учун даъво аризасининг асосий қарз қисми рад қилинган¹.

Хўжалик судлари тадбиркорларнинг нафақат ҳуқук ва қонуний манфатларларини ҳимоя қилиш билан чегараланиб қолмасдан балки, иқтисодиётнинг саноат соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қўмаклашиш каби энг муҳим одил судлов вазифасини ҳам бажармоқдалар. Бу эса саноат соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг самарадорлигини оширишда энг муҳим омил бўлиб, хизмат қилмоқда.

VI боб. Биржа фаолияти билан боғлиқ тадбиркорликнинг ҳуқуқий қоидалари

1§. Савдо иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида биржалар фаолиятининг аҳамияти.

Бозор муносабатлари тизимида улгуржи савдони ташкил этишда биржалар асосий роль ўйнайди. Маълумки, маъмурий буйруқбозлиқ тизимида товар моддий бойликларни фондлар орқали тақсимловчи давлат таъминоти идоралари мавжуд эди. Режали тақсимот тизимининг бир қисми бўлган «Госснаб» ўз моҳиятига кўра ўта номақбул ва тубан бир тузилма эди. Бу тизимда маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи аввал-бошидан бирбирига қаттиқ боғлаб қўйилар эди. Нархлар олдиндан белгиланиб, амалда харидорда танлаш имконияти ҳам, рақобат ҳам йўқ эди, талаб ва таклиф мувозанатига асосланган бозор механизмлари эса ишламас эди. Бозор тизимида давлат таъминоти ўрнига биржалар фаолият юритади. Шу сабабли ҳам товар ҳом ашё биржалари бутун тизимини қайтадан ташкил этиш, биржа фаолияти ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришнинг энг асосий шартларидан биридир.⁴⁷

Биржаларнинг савдо иқтисодий роли тўғрисида гапиришдан олдин бозор тушунчасини эслаб ўтиш ўринли бўлур эди. Бозор - бу сотувчилар ва харидорларнинг товарларни пул воситасида айрибошлиш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатларни ўзаро алоқадорлигидир.⁴⁸ Оддий қилиб айтганда, бозор деганда товар ва пул алмашуви (муомаласи) шакли тушунилади.⁴⁹

Илк даврларда кишилар ўртасида олди-сотди товарлар айирбошлиниши амалга ошириладиган улгуржи ва чакана савдо жойлари бозор деб аталарди. Бундай бозорлар стихияли (ўз-ўзидан, тасодифий) равищда пайдо бўларди, давлатчиликнинг ривожланиши билан эса мазкур бозор майдонлари қисман давлат томонидан назорат қилиниб, тартибга солиниб тура бошланди. Мехнатни ижтимоий тақсимланишининг, чуқурлашуви ва товар ишлаб чиқаришни ривожланиши билан бозор тушунчаси анча кенг, чуқур ва мураккаб мазмунига эга бўлиб қолди.

Лекин ўша даврларда мавжуд бўлган савдо майдонлари, яъни бозорлар замонавий биржалардан фарқ қилишга қарамасдан, ташкилий ва фаолият шаклларида замонавий биржаларнинг баъзи хусусиятларига эга бўлган. Масалан, бу бозорлар жуғрофий жиҳатдан бирон бир аниқ ҳудудда жойлашган, муайян маъсул шахслар томонидан бошқарилиб турилар, ва энг муҳими мазкур бозорлар биржалар сингари талаб ва таклиф мужассамлашган, ўзаро битимлар тузишга қулай жой бўлган.

⁴⁷ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз //Халқ сўзи. 2001 йил 17 феврал, 37-сон.

⁴⁸ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси: Ноиқтисодий ўқув юртларига дарслик. -Т.: Мехнат, 1995 йил. 216 б.

⁴⁹ Видяпин В.И. Журавлёва Г.П. и др. Экономическая теория: Учебник. -Т.: Шарқ, 1997 - 67 б.

Биринчи биржалар XVI асрда Европанинг йирик савдо марказларида вужудга кела бошлаган. Хусусан, 1531 йилда Антверпен (Нидерландия), 1549 йилда Лион, Тулуза (Франция), 1556 йилда Лондон (Буюк Британия) биржалари ташкил топган. Ҳозирги кунга қадар "биржа" сўзи нима мъянони англатиши ва қаердан келиб чиққани тўғрисида барча олимлар томонидан эътироф этилган аниқ жавоб йўқ. Баъзи бир олимлар бу сўзнинг этимологиясини лотинча "пул сақлаш учун кармон" сўзига боғлашса, бошқалари инглизича "алмашинув" сўзидан келиб чиққан дейишади. Яна баъзи бир олимлар "биржа" сўзининг келиб чиқишини XVI асрнинг бошларида яшаган ва савдогарлар ўртасида савдо битимлари тузиладиган уйга эга бўлган голландиялик савдогар Ван-де Бурсе номи билан боғлашади.

Биринчи пайдо бўлган биржалар асосан товар биржалари сифатида фаолият юритганлар. Оддий савдодан фарқли равишда биржадаги савдода товарларни ўзи билан савдо қилинмасдан, балки уларни намуналари ёки маҳсус таърифланган белгиларидан келиб чиқиб шартномалар тузишарди. Бундан ташқари биржа савдосида одатда майда ишлаб чиқарувчи ёки оддий фукаро-харидор эмас, балки товарларнинг катта партиясини оладиган ёки сотадиган ўртакаш савдогарлар иштирок этарди. Биржалар бундай савдогарларга қисқа муддат ичida катта суммадаги пулга товар олиш ёки катта суммадаги товарни сотиб, пулни бўшатиб олишга ва шу тариқа пул маблағларини тез айланишига имконият яратарди. Оддий бозордан фарқли равишда товарларни намунаси ёки уларни таърифлаш орқали савдо қилиш эса унча катта бўлмаган майдонда жуда кўплаб сотувчилар ва сотиб олувчиларни тўпланишига, ва бир-бирлари билан осон топишишларига ёрдам берарди.

Биржа иштирокчилари биржа фаолиятини ҳуқукий тартибга солиб турилишидан, унда тасодифий шахслар, хусусан, фирибгарлар иштирок этмаслигидан манфаатдор эдилар, шунинг учун биржани ташкил этиш ва бошқарувини ривожлантириш зарурияти биржани биржа савдосини, уни иштирокчилари таркибини ҳам тартибга солувчи алоҳида ташкилот сифатида ташкил этишни талаб қилди. Мана шу масаларнинг ечимини топиб, уларни амалиётга татбиқ қилиш биржаларнинг турли савдо фаолиятларини ташкил этишга ихтисослаштирилган маҳсус фаолият майдонига айланишига олиб келди.

Биржага савдо қилиш учун ажратилган маҳсус жой сифатида қарашиб уни функционал моҳиятини акс эттиради. Чунки биржа бу савдо қиладиган майдондир. Лекин савдо қилиш мумкин бўлган ҳар қандай жой ҳам биржа бўла олмайди. Биржа бу ҳуқукий жиҳатдан савдогарлар ташкилоти сифатида расмийлаштирилган улгуржи бозордир.⁵⁰

Айтиб ўтганимиздек, биржа турларининг ичida дастлаб товар биржалари пайдо бўлган, кейинчалик эса биржада муомалада бўлган активларнинг⁵¹ турларига қараб, ундан фонд ва валюта биржалари ажралиб чиқкан. Ҳозирги

⁵⁰ Галанов В.А., Басов А.И., Афанасьев Е.В. и др. Биржевое дело: Учебник -М.: Финансы и статистика, 1998. Стр.20.

⁵¹ Актив деб, биржа савдосида муомалада бўлган объектга айтилади.

кунда биржалар, уларда савдо мұомаласида бўлган обьектлар турларига қараб ихтисослаштирилган, яъни активларнинг муайян турларини олиб сотишга мўлжалланган ва универсал, яъни активларнинг бир қанча турларини олиб сотишга мўлжалланган биржаларга ажратиш мумкин.

Жаҳон фонд биржаларининг асосий кўрсаткичларидан бири индекслардир (кўрсаткичлар). Индекслар нафақат биржадаги ҳолатнинг ўзгариши, балки бутун иқтисодиётдаги ўзгаришлар индикатори бўлганлиги сабабли, улар турли хил қимматли қоғозлар асосида фонд биржалари, иқтисодий ва молиявий нашриётлар, маҳсус агентликлар томонидан ҳисобланади. Индекс маълум бир вақтдаги танлаб олинган қимматли қоғозларнинг ўртача қиймати деб қаралиши мумкин. Индекслар асосан акциялар бўйича ҳисобланади. Ҳар бир мамлакат индексларининг ўзига хос усуллари ишлаб чиқилган. Ҳисоблаб чиқилган индекснинг абсолют қиймати фонд бозори қатнашчилариға ўз-ўзидан ҳеч нарса бермайди. Маълум бир вақтдаги индексларнинг базис давридаги ёки ўтган даврдаги индекс қийматлари билан солишлириш бозордаги бўлаётган ўзгаришларни кўрсатиб бериши мумкин. Масалан, агар индекслар эгри чизиги кўтарилаётган бўлса, бу қимматли қоғозлар нархи ошаётганлиги ва иқтисодиётнинг кўтарилаётганлигидан, аксинча индекслар эгри чизиги пасайса, бу қимматли қоғозлар нархи тушаётганлигидан ва ишлаб чиқариш пасаяётганлигидан далолат беради.

Индексларни ҳисоблашнинг энг кенг тарқалган усули ҳисоблаш учун танлаб олинган компаниялар ҳар бирининг акцияларини уларнинг сотилиш нархига кўпайтириш ва акцияларни умумий сонга бўлиш орқали топишдир.

Энг машҳур индекслар бўлиб, ДАХ индекси, Евротракт индекси, Стандарт енд Пурз индекси, Нью-Йорк фонд биржаси умумий индекси, Япония фонд биржаси Никкей индекси, Лондон фонд биржаси индекси ҳисобланади.

Бу кўрсаткичлар иқтисодиётдаги ҳолатни, вазиятни, рақобатни конъюктуруни кўрсатувчи мезонлар ҳисобланади. Иқтисодётда носоғлом ҳолат вужудга келса, инқироз бошланса, энг аввало бу кўрсаткичлар пастга туша бошлайди, ва аксинча, агар иқтисодий ривожланиш рўй берса, кўрсаткичлар юқорига кўтарила бошлайди. Шу сабабли ҳам бу биржа кўрсаткичлари нафақат биржа савдоси иштирокчилари, балки ҳар қандай тадбиркорлар, инвесторлар, давлат арболари ва сиёсатчиларнинг доимий диққат марказида бўлади.

Бугунга келиб биржалар дунё бозорида иқтисодий муносабатларнинг савдо-иқтисодий марказига айланган. Биржадаги савдо муносабатларида бошқа савдо марказларидан (мас., бозор, ярмарка ва шу кабилар) фарқли равища талаб ва таклифнинг тўқнашуви анча концентрациялашган шаклда намоён бўлади. Бу ҳолат эса муайян товарга бўлган нархни имкон қадар аниқлик билан индексация қилиш, муйян турдаги товар ва хизматларга нисбатан нархларни прогнозлаштириш, нархларни ошиши ёки тушиб кетишидан сугурталаниш (страхование), нархлар, компанияларнинг фаолияти, муайян товар ва хизматлар бозори тўғрисида ахборот олиш имкониятини яратади.

Демак, биржалар, биринчидан, товар нархлари ҳақида ахборот олишнинг ягона очик манбаи ҳисобланади. Иккинчидан, биржалар ўзига хос иқтисодий индикатор вазифасини бажаради, яъни талаб билан таклифнинг тезроқ топишишига қулай замин яратади. Ва ниҳоят, учинчидан, улар воситачилик фаолиятини қонунийлаштириб, дастлабки сармояни шакллантириш ва тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Биржада савдо товарнинг иштирокисиз амалга оширилади. Шу сабабли муомалага чиқарилган актив маълум талаблар ва стандартларга жавоб бериши керак. Товарнинг стандарти деганда уни қонунчиликда шу турдаги товарлар учун белгиланган сифат, таркиб ва бошқа мезонларга жавоб бера олиши тушунилади. Биржа савдосига чиқариладиган ёки биржада сотиб олинган активлар биржада ташкил этилган ихтисослаштирилган ташкилотларда (мас., эксперт-аниқлаш комиссиялари) маҳсус экспертизадан ўтказилиши мумкин. Зарур ҳолларда товарларни бундай экспертизалардан ўтказиш имконияти биржалардан сотиб олинадиган товарларни сифатига бўлган ишончни ортиради.

Биржа савдосининг қулайлик томонини яна бири бу биржада фьючерс ва опцион контрактлари билан савдо қилиш механизмидан фойдалана олишдир. Мазкур механизмларнинг яратилиши биржа фаолиятининг иштирокчиларига нафақат айни пайтда уларнинг ўзларида мавжуд бўлган товарларни балки келажакда олиниши режалаштирилаётган товарларни ҳам, ҳали ишлаб чиқарилмаган товарларни ҳам сотиш ёки сотиб олиш имкониятини яратиб берди. Бу эса ўз навбатида активлар ва пул муомаласининг тезроқ айланишига олиб келди.

Хозирги кунда электрон-коммуникация тизимларининг ривожланиши натижасида биржа савдоси иштирокчилари бир-бири билан муносабатга киришиш учун Интернет ва Электрон почта алоқасидан фойдаланмоқдалар. Биржа савдосида бундай алоқа коммуникация тизимидан фойдаланиш иштирокчиларга узоқ масофаларда туриб бир-бирлари билан битим тузиш имкониятини яратиб беради. Бу эса ўз навбатида халқаро биржалар сонининг ўсишга ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига олиб келмоқда.

Электрон-коммуникация алоқаларининг бундай ривожланиши "биржа" тушунчасининг ўзгаришига, биржа савдо тизимларининг электрон тармоқларга ўтишига олиб келиши эҳтимолдан холи эмас.

Биз юқорида биржа, унинг савдо-иқтисодий марказ сифатида шаклланиши ва биржаларнинг иқтисодий алоқалар тизимида тутган ўрни ҳақида гапириб ўтдик. Хўш, Ўзбекистонда биржалар қандай, уни тартибга солишга қачондан аҳамият берила бошланди?

Ўзбекистон Республикасида биржа ва биржа фаолиятига алоҳида эътибор 1992 йил 3 июлда Олий Кенгаш томонидан «Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Конун қабул қилиниши билан бошланган. Сўнгра эса Олий Кенгаш томонидан «Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида»ги Конун қабул қилинди. Хозирги кунга келиб эса давлатимизда биржа

фаолиятини тартибга солувчи норматив актлар сони жуда кўп. Шунингдек, 2001 йил 27 сентябрда «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши ҳам эътиборга сазовордир.

Бугунги кунда Республикаизда Республика товар, хом ашё биржаси, «Тошкент» Республика фонд биржаси, Республика валюта биржаси ташкил этилган ва фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу биржаларнинг тузилиш фаолияти, унинг мақсадлари, активлари ва бошқа хусусиятлари тўғрисида умумий маълумотлар бериб борилади.

2§. Биржанинг тушунчаси, унинг турлари, шакллари ва фаолият йўналишлари

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги "Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, биржа аввалдан тайинланадиган манзил ва вақтда белгиланган қоидалар асосида очик савдо сотик ўтказиш орқали биржа товарлари билан эркин улгуржи савдо қилиш учун шарт-шароитлар яратувчи, юридик шахс ҳисобланадиган корхонадир.

"Биржа савдоси" деган атама ушбу савдони амалга оширувчи ташкилот, яъни биржа билан чамбарчас боғлиқ. Чунки биржа савдоси биржа номини олган алоҳида ташкилот томонидан амалга ошириладиган савдодир. Биржа савдосида амалга ошириладиган асосий операциялар - бу активларнинг олди-сотдисидир. Яъни, биржа иштирокчилари биржа активининг олди-сотдиси билан боғлиқ ҳар қандай операцияларни амалга оширишлари мумкин. Биржаларда иштирок этиш эса биржа воситачилари орқали амалга оширилади. Демак, биржа савдоси биржа воситачилари томонидан амалга ошириладиган биржа активларининг олди-сотдисидир.

Биржа савдосини бундай тушуниш уни бошқа турдаги ва шаклдаги савдолардан ажратиб турувчи асосий хусусиятдир.

Хозирги кунда биржа савдоси ўз кўлами, ҳажми ва иштирокчиларига кўра савдо қилишнинг энг асосий шаклларидан бирига айланган, лекин бу бошқа ташкил этилган бозорлар, бошқа товар ва хизматларнинг иккиласи аҳамиятга эга дегани эмас.

Биржадаги савдо, яъни биржа савдоси бошқа савдолардан фарқ қилган ҳолда қўйидаги асосий хусусиятларга эга:

- муайян вақт ва жойга бириктирилганлик. Яъни, биржа савдоси ушбу жараённи амалга ошириш учун маҳсус ажратилган ва аввалдан тайинланган манзил ҳамда қатъий белгиланган вақтда ўтказилади;
- биржа савдосида белгилаб қўйилган муайян қоидаларига риоя этилиши. ҳар бир биржа унда савдо ўтказиш учун ўз қоидаларини ишлаб чиқади. Биржа иштирокчиларини эса ушбу қоидаларга риоя этиши шарт бўлиб ҳисобланади. Ушбу қоидаларга риоя қилмаганлар эса жарима ёки биржа аъзолигидан чиқариш билан жазоланади;
- оммавийлик. Яъни, биржа савдолари очик савдо-сотик ўтказиш орқали, барча биржа аъзолари иштироқида амалга оширилади;


- ошкоралик. Биржа савдоларининг якунлари ва натижалари омма учун очиқ бўлиб улар bemalol керакли бўлган ахборот ва маълумотларни олиши мумкин;
- биржа савдосининг жамият ва давлат томонидан тартибга солиниши. Давлат ўз қонун ва норматив актлари орқали биржа фаолиятини тартибга солиб туради;
- биржа савдосида товар бўйича талаб ва таклифнинг концентрациялашганлик (жамлаш). Биржа сотилаётган товарга харидор ёки керакли товар сотувчисини тезда топиш имконини берувчи жойдир. Мана шу аснода товарларнинг намунавий биржа нархлари юзага келади.

Маълумки, бозор муносабатларининг элементлари бўлиб операциялар, активлар ва бу муносабатларнинг иштирокчилари ҳисобланади. Мазкур элементлардан биронтаси мавжуд бўлмаса, бозор муносабати вужудга келмайди. Чунки ҳар қандай муносабат унинг иштирокчилари ўртасида маълум бир активлар бўйича операция амалга ошиши натижасидир.

Биржа савдоси бозор муносабатларининг таркибий қисми ҳисобланади. Лекин биржа савдосида бозор муносабатлари элементларининг ҳар қандай турлари эмас, балки маълум турлари иштирок этиши мумкин холос. Биржа савдосида фақат активларни олиш ва сотиш бўйичагина операциялар амалга ошиши мумкин. Лекин биржада ҳар қандай актив ҳам биржа операциясининг обьекти бўла олмайди. Биржада фақат товарлар ва сармоялар олиш ва сотиш обьекти бўлиши мумкин. Биржа савдосининг иштирокчилари бўлиб эса биржанинг туридан келиб чиқиб, бозор муносабатларининг барча иштирокчилари (бу холат идеал очиқ биржаларда кузатилади) ёки фақатгина биржа аъзоси ҳисобланган бозор воситачилари (ёпиқ биржаларда) иштирок этади.

Бозор муносабатларида биржа савдосининг ўрнини қуидаги схема орқали ўрганиш мумкин:

1-жадвал



→ Сотди

→ Сармоя

Харидорлар →

→ Гаров

→ Товарлар

Бозор
воситачилари →

→ Хадя

→ Ишончли
бошқарув

→ Кредитлаш

→ Бошқалар

Биржа савдоси тавсифномаси

«Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Конуннинг 8-моддасида биржаларнинг турлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга мувофиқ биржалар ихтисослашувига қараб, қўйидаги турларга бўлинади:

- товар биржалари. Булар ўз навбатида муайян турдаги товарлар билан савдо-сотик қилишга ихтисослаштирилган ва бир қанча турдаги товарлар билан савдо қилишга ихтисослаштирилган (универсал) биржаларга бўлинади;
- фонд биржалари;
- товар фонд биржалари;
- интеллектуал мулк обьектлари билан савдо-сотик қилувчи биржалар;
- аралаш биржаларга бўлинади.

Товар биржалари энг кўп тарқалган бўлиб, товарларнинг улгуржи бозори ҳисобланади. Бундай биржаларнинг аҳамияти жуда катта ҳисобланади. Одатда товар биржалари универсал ва ихтисослаштирилган товар биржаларига бўлинади.

Универсал товар биржаларида турли хил товарлар савдоси амалга оширилади. Универсал товар биржаларига мисол қилиб Чикаго товар биржасини, Токио товар биржасини, Лондон товар биржасини, Тошкентдаги Товар ва хом ашё биржасини келтириш мумкин.

Ихтисослаштирилган товар биржалари муайян товарлар савдосини амалга оширади. Товар биржаларини ташкил қилишда уларни ихтисослаштиришга кўпроқ эътибор қаратилади. Ихтисослаштиришнинг моҳияти шундаки, биржага бевоста ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар таклиф қилинади. Натижада муайян товарнинг концентрацияси даражаси ҳамда биржа савдо обороти микдори ортади. Жаҳон амалиётига мурожаат қиладиган бўлсақ, биржаларнинг ихтисослашуви қўйидаги қулайликларни яратиб бериши мумкин:

- товар савдосини тезлатади;
- монопол ишлаб чиқарувчилар таъсирини камайтиради;
- сотовчи ва харидорлар тайяниши мумкин бўлган нархни белгилайди;
- биржа стандартларининг малакали ишлашини таъминлайди.

Ихтисосластирилган товар биржаларига металл савдоси бўйича Лондон биржасини, Нью-Йорк биржасини, Париждаги МАТИФ биржасини келтириш мумкин.

Фонд биржалари. Фонд биржаси - қимматли қоғозлар бир маромда муомалада бўлишининг зарур шарт-шароитини таъминлаш, уларнинг бозор баҳосини (қимматли қоғозлар талаб ва таклифи ўртасидаги мувозанатни акс эттирувчи нархларни) белгилаш ва уларга доир маълумотларни керагича тарқатиш, қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг касб-маҳоратини юқори даражада сақлаб бориш фаолиятининг алоҳида соҳаси бўлган ташкилотdir.⁵²

Фонд биржалари қимматли қоғозларнинг ташкилий шаклланган иккиламчи бозоридир. Фонд биржаларида бозор қилишнинг муҳим хусусиятлари шундаки, биринчидан, битим тузиш учун пул маблағлари ва қимматли қоғозларнинг нақд бўлиши талаб этилмайди. Иккинчидан, нархни шакллантириш жараёни аниқлаш комиссиясининг қатъий назорати остида амалга оширилади.

Мамлакатимизда биринчи бор Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан «Тошкент» Республика фонд биржаси (РФБ) ташкил қилинган.⁵³

«Тошкент» РФБнинг ҳар бир вилоятда ўз филиаллари мавжуд бўлиб, биржада рўйхатдан ўтган брокерларнинг сони 100га яқиндир. Нормал фаолият олиб бораётган фонд биржасини шакллантириш учун унда иложи борича кўп миқдорда фирма ва фуқароларнинг иштирок этишини таъминлаш керак. «Тошкент» РФБси таҳликани (таваккалчилик доирасини) минималлаштириш, ўзининг доимий мижозларига сифатли хизмат кўрсатиш ва уларнинг алданиб қолишига йўл қўймаслик мақсадида қўргина ишларни амалга оширмоқда. Биржанинг эксперт комиссияси эммитентлар томонидан тақдим этилаётган маълумотларни тўғрилигини қатъий текшириб, назорат қилиб туради, таҳлика даражаси ҳамда акциянинг инвестиция жалбини анализ қилиб боради.

Товар-фонд биржалари. Бу биржаларда бир пайтнинг ўзида ҳам товарлар ҳам қимматли қоғозлар билан операциялар бажарилиши мумкин. Товар фонд биржаларини ҳам универсал биржа сифатда эътироф этиш мумкин.

Валюта биржалари. Хорижий валюталар бозорини ташкил қилиш ва хизмат қилиш мақсадида валюта биржалари ташкил этилади. Валюта биржалари одатда банклар томонидан таъсис этилади. Бугунги кунда бундай биржалар давлатнинг қаттиқ назорати остида фаолият олиб борадилар.

⁵² «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги 1992 йил Конуни.

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнининг устувор йўналишлари тўғрисида» 1994 йил 15 мартағи ПФ-709 сонли Фармони

Валюта савдоларини ўтказишдан мақсад корхона ва ташкилотларнинг валюта захираларидан фойдаланишини таъминлашдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги савдони ташкил қилиш, талаб ва таклиф асосида хорижий валюта курсини белгилаш ва операцияларни амалга оширишни назорат қилиб турадилар. Савдоларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда валюта биржасининг аъзоси ҳисобланган ваколатли банклар иштирок этади. Валюта биржасининг аъзоси бўлмаган ваколатли банклар эса биржа савдоси иштирокчилари орқали валюта савдоси операцияларини амалга оширади. Корхона ва ташкилотлар улар учун тегишли валюта ҳисоблари очилган ваколатли банклар орқали валюта биржаларида валюта олди-сотдисини амалга оширишлари мумкин.

Валюта биржаларида валюта савдоси бўйича куйидаги операция турлари амалга оширилиши мумкин:

- савдо иштирокчилари томонидан хорижий валютани олиш ва сотиш;
- тузилган битимлар юзасидан банклараро сўм ва хориж валютасида ҳисоб китоблар;

Савдо натижалари тегишли биржа ҳужжатлари билан расмийлаштирилади. Савдода сотиб олинган хорижий валюта учун уни сўмдаги қиймати савдо тутагандан сўнг 24 соат ичида тўлов амалга оширилиши шарт. Тўлов тегишли ҳисоб рақамига пул ўтказиш орқали амалга оширилади.

Интеллектуал мулк объектлари билан савдо қилувчи биржалар.

Бундай биржаларда ақлий меҳнат маҳсали бўлмиш товарлар ва хизматлар айрибошланади. Биржада сотувчи ва харидор маҳсус товар ҳисобланмайдиган илмий ғоялар техникавий янгиликлар, санъат ва адабиёт асарлари ва шу каби бошқа алоҳида товар ҳисобланмиш Интеллектуал мулк объекларини олди-сотдиси юзасидан ўзаро муносабатда бўладилар. Бундан ташқари бу турдаги биржаларда илмий техникавий ишланмалар олди-сотдиси ҳам амалга оширилади. Улар амалда:

- патент;
- лицензия;
- ноу-хау савдосидан иборат бўлади.

Интеллектуал товарлар биржаси ишлаб чиқариш новациясига хизмат қиласи. Яъни, у фан техника ривожланишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун унинг аҳамияти нафақат умуммиллий, балки интернационал ҳамdir. Одатда бундай биржаларда инновация (янгиликларни жорий этувчи) фирмалари иш юритади. Улар янгиликларни топиш, уларни сотиш, ишлаб чиқаришга жорий қилиш юзасидан хизмат кўрсатадилар. Ҳозирда Лондонда интеллектуал мулк объектлари билан савдо қилишга ихтисослашган йирик «Сотби» аукцион бижаси фаолият олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда республикамизда Интеллектуал мулк объекти билан савдо қилувчи биржалар йўқ. Лекин савдо муносабатларини ривожланиши билан бундай биржаларни топиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Аралаш биржалар. Аралаш биржалар институти Республикаизда амалда мавжуд эмас. Шундай бўлсада «Аралаш биржа» ибораси биржада тузиладиган битимлар турлари билан боғлиқлигини таъкидлаб ўтиш керак.

Жаҳон амалиётида биржалар шунингдек уларда тузиладиган битим турлари бўйича ҳам ихтисослашадилар. Масалан, ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда фьючерс биржалари, опцион биржалар каби биржалар фаолият кўрсатиб келмоқда. Агар маълум бир биржанинг ўзида биржа битимларининг бир қанча турларини тузиш мумкин бўлса, бундай биржалар аралаш биржалар деб номланади.

Биржаларни ишлаши, тузилиши ва бошқарув органлари аъзоларига қараб, қўйидаги турлар ва типларга бўлиб чиқиш мумкин:

А) Биржадаги товар турига қараб:

- товар;
- фонд;
- валюта;
- интеллектуал мулк биржаларига;

Б) Ташкилий жиҳатига қараб:

- оммавий-ҳуқуқий (давлат биржалари);
- хусусий ҳуқуқий (хусусий биржалар);
- аралаш, яъни таъсисчи сифатида ҳам давлат (ёки унинг органлари), ҳам хусусий шахслар иштрок этган биржаларга;

В) Ташкилий ҳуқуқий шаклига қараб:

- акциядорлик жамиятлари шаклидаги;
- масъулияти чекланган жамият шаклидаги
- масъулияти ортирилган жамият шаклидаги;
- тўлиқ ширкат шаклидаги;
- командит ширкат шаклидаги ва қонунда юридик шахслар учун назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилган биржаларга;

Г) Биржа савдосида иштирок этувчи шахсларга қараб:

- очик, яъни биржа савдосида ихтиёрий шахс бевосита иштирок этиши мумкин бўлган биржалар;
- ёпик, яъни биржа савдосида фақат биржа иштирокчилари иштирок этиши мумкин бўлган биржалар;
- аралаш, яъни савдода бир томон бўлиб албатта биржа аъзоси қатнашиши шарт бўлган биржаларга;

Д) Биржа савдоси обьекти бўлиши мумкин бўлган товарлар номенклатурасига қараб:

- универсал;
- ихтисослаштирилган биржаларга;

Е) Биржанинг жаҳон савдосида тутган ўрнига қараб:

- ҳалқаро;
- миллий биржаларга;

Ж) Мамлакатдаги фаолият қўламига қараб:

- марказий;
- ҳудудий (регионал);
- маҳаллий биржаларга;

З) Биржада тузиладиган битимларининг хусусиятларига қараб:

- реал товар биржалари;

- фьючерс биржалар;
- опцион;
- аралаш биржаларга.

Хозирги кунда республикамизда фаолият юритаётган биржаларнинг аксарияти акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар тарзида тузилган.

Фаолиятнинг маҳсус турлари билан шуғулланишни мақсад қилиб қўйган биржалар акциядорлик жамияти сифатида ташкил қилинганда кўпинча ёпиқ турдаги жамият шаклига эга бўлади. Чунки биржалар фақат маҳсус ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган шахслар томонидан таъсис этилиши мумкин. Улар очик турдаги акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилган ҳолларда ҳам уларнинг эркин савдога чиқариб юборилган акциялари уларни сотиб олган шахсларга биржа савдосида иштирок этиш ҳуқуқини бермайди. Худди шунингдек, маҳсус ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган, ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги биржаларнинг аксариятида иштирок этиш учун талабгор шахс ҳам маҳсус ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши ёки биржанинг ички қоидаларида белгиланган муддатда бу лаёқатни қўлга киритиши керак.

Хорижий мамлакатлардаги биржаларнинг асосий қисмини ёпиқ биржалар ташкил қиласди. Чунки биржа савдоси юқори даражадаги таваккалчилиги ва катта малакани талаб этади. Шунинг учун биржа фаолияти ёпиқ шаклда олиб борилади. Бунда малакани ошириш, ўзаро ишонч асосида ҳамкорлик муносабатларини шакллантириш, тасодифий олувчи ва сотувчилардан ҳоли бўлиш ва шу орқали тадбиркорлик таҳликасини камайтиришга эришиш мумкин. Бундан ташқари, биржаларнинг ёпиқ характеристери уни савдо қилувчилар бирлашмаси сифатидаги концепциясига тўғри келади. Яъни, биржалар савдони ташкил қилиш ва унда савдо қилувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш учун ташкил этилади. Ёпиқ биржа савдоларида фақат унинг аъзоларигина иштирок этади. Сотувчилар ва харидорларнинг бевосита биржа залига кириши таъқиқлангани биржа аъзолари улар биржа воситачилари ролини амалга оширадилар ва амалга оширилган операцияларда қатнашгани учун ўзларининг мижозларидан хизмат ҳақи оладилар. Шу сабабли биржаларни ёпиқ кўринишда бўлиши унинг иштирокчиларига фойдалидир.

3§. Биржани ташкил қилиш ва унинг фаолиятини тартибга солишининг асосий қоидалари

Ўзбекистон Республикаси қонунчилига асосан биржалар тижоратчи юридик шахс ҳисобланади. Бу эса биржа хўжалик муомаласининг бир ёки бир қанча иштирокчилари томонидан тижоратчи юридик шахслар учун белгиланган исталган ҳуқуқий шаклда таъсис этилиши мумкинligини англатади.

Умумий қоидадан келиб чиқадиган бўлсак барча тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар ҳамда юридик шахслар биржа муассиси бўлиши мумкин. Юқорида кўриб ўтганимиздек қонунда назарда тутилган алоҳида ҳолларда баъзи турдаги биржаларни таъсис этиш учун муассислар маҳсус ҳуқуқ лаёқатига эга бўлишлари керак. Хусусан,

«Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига асосан, фонд биржасини таъсис этиш учун муассислар қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (лицензия)га эга бўлишлари лозим. Бундай лицензия Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари бўйича давлат комиссияси томонидан берилади.

«Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ қўйидагилар биржанинг таъсисчилари бўла олмайди:

- давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий ҳамда маҳаллий органлари;
- давлат банклари ва давлат кредит муассасалари (банклар истисно тариқасида фонд ва валюта биржаларини муассислари бўлиши мумкин);
- давлат сұфурта ва давлат инвестиция компаниялари ҳамда фондлари;
- жамоат, диний ва хайрия бирлашмалари;
- қонунга асосан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши маън этилган жисмоний шахслар. Бундай жисмоний шахсларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Биржа, агар унинг таъсисчилари бир неча бўлса, уларнинг ўртасидаги ихтиёрий келишув асосида ташкил этилади. Унинг муассислари ўртасида таъсис шартномаси тузилиб, мазкур таъсис шартномасида биржанинг ташкилий ҳуқуқий шакли, вазифалари ва фаолият соҳаси, биржа муассисларининг таркиби, устав фондининг миқдори, ҳар бир муассиснинг устав фонидаги улуши, улушни киритиш муддатлари ва тартиби кўрсатилади.

Биржанинг муассислари шу билан бир қаторда биржанинг уставини ҳам тасдиқлайдилар.

Биржанинг уставида унинг номи ва тури, ҳуқуқий манзили, фаолиятининг мақсади ва соҳаси, ташкилий ҳуқуқий шакли, устав фондининг миқдори, муассислар томонидан фондга улушлар киритишнинг тартиби ва муддатлари, даромадни тақсимлаш ва эҳтимол тутилган заарларни қоплаш тартиби, биржа муассислари ва аъзоларининг мулкий жавобгарлиги, биржанинг бошқарув идоралари, уларни ташкил этиш тартиби ва уларнинг ваколатлари, биржа савдо сотиғи қоидаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тартиби, биржа аъзолигига қабул қилиш, аъзоликни вақтинча тўхтатиб туриш ва тутатиш тартиби, биржа аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, биржани қайта ташкил этиш ва тутатиш тартиби кўрсатиб ўтилиши керак.

Шунингдек, биржанинг таъсис ҳужжатларига, у қайси ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилаётган бўлса, шу шаклдаги юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига қўйиладиган талаблар ҳам қўйилади.

Биржа юридик шахс сифатида унинг таъсис ҳужжатлари Адлия вазирлигининг рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Умумий қоидадан келиб чиқиб, давлат органлари биржани барпо этиш мақсадга мувофиқ эмаслигини важ қилиб рўйхатдан ўтказишни рад эта олмайдилар. Истисно тариқасида биржа савдо-сотиғига барҳам бериш ёки уни

чеклаб қўйиш мақсадида биржалар бирлашиб, ягона юридик шахс ташкил этмоқчи бўлганларида Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаси биржани давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиши мумкин. Бундай ҳолатларда давлат органларининг рад жавоби асослантирилган бўлиши лозим. Бундай қарор устидан биржа муассислари судга шикоят қилишлари мумкин.

Конунчилигимизга мувофиқ, биржа ташкил этилаётганда унинг устав фонди миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баробаридан кам бўлмаслиги керак, ва у нархлар даражасини ўзгаришига қараб ҳар йили индексация қилиниб борилиши лозим.

Биржа устав фондини шакллантириш биржа давлат рўйхатидан ўтган даврдан бошлаб 1 йилдан ошиб кетмаслиги керак. Худди шунингдек, устав фондида мавжуд маблағлар ва биржанинг устав фонди қайта индексацияланганда вужудга келган миқдор ўртасидаги тафовут унинг таъсисчилари томонидан бир йил ичida тўлдирилиши лозим.

Биржа фаолияти – товарларга талаб ва уларни таклиф қилишнинг амалда мавжуд бўлган нисбатларини аниқлаш ҳамда уни ҳисобга олган ҳолда нархнавони шакллантириш асосида биржа товарларининг улгуржи бозорини вужудга келтиришга қаратилган ҳаракатларнинг мажмуидан иборат.

Биржа фаолиятининг асосий қоидалари қўйидагилардан иборат:

- биржа савдоси ўтказиладиган жой ва вақтни олдиндан тартибга солиш йўли билан биржа савдо сотиги самарадорлигини таъминлаш;
- биржа товар бозорини шакллантириш;
- эркин равища юзага келадиган бозор нархларини қўллаш;
- савдо-сотиқни ошкора ва омма олдида ўтказиш;
- биржа битимларини тасдиқланган қоидаларга асосан эркин равища тузиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш;
- товарларнинг нархларини белгилаш ва уларга доир маълумотларни эълон қилиш;
- монополияга қарши кураш тўғрисидаги қонунларга риоя қилиш.

Биржа ўзининг уставида белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб, биржанинг савдо-сотиғини ташкил этиш ва уни тартибга солиб туришга доир фаолият билан шуғулланиш хукуқига эга. Шу мақсадда у биржа савдо-сотиғини самарали ташкиллаштиришга кўмаклашувчи ва биржа инфраструктурасини ташкил этувчи корхоналар муассиси бўлиши мумкин. Лекин биржанинг ўзи бевосита савдо ва савдо-воситачилик фаолиятини амалга ошира олмайди.

Шунингдек, биржа ишлаб чиқариш (маҳсулот ва товарлар чиқариш), савдо ва савдо воситачиликни ўз фаолиятининг мақсади қилиб қўйган, ҳамда мазкур биржада брокерлик жойларига эга бўлган корхона муассса ва ташкилотларга ҳисса қўшиш, уларнинг улуши (пайи), акцияларини олиши, ёхуд улvrнинг муассиси бўлиши мумкин эмас.

Биржани бошқариш унинг уставига мувофиқ амалга оширилади. Биржа ўз бошқарувининг тузилишини, шакли ва услубларини, яъни ички структурасини амалдаги қонунчиликка мувофиқ мустақил равишда белгилайди. Масалан, биржа масъулияти чекланган жамият сифатида

тузилганида, унинг юқори бошқарув идораси бўлиб ундаги қатнашчиларнинг умумий йиғилишига, директор бошчилик қиласидан ижроя идорасига ҳамда тегишли тартибда тафтиш комиссиясига эга бўлади.

Амалиётда биржа бир неча иштирокчилар томнидан тузилганлиги боис унинг олий органи бўлиб биржа иштирокчиларининг умумий йиғилиши ҳисобланади.

Умумий йиғилишнинг мутлоқ ваколатларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- биржа ва биржа фаолияти устидан умумий раҳбарликни амалга ошириш;
- биржани мақсади ва вазифаларини белгилаш, уни ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқиш;
- биржанинг ички норматив ҳужжатларини қабул қилиш ва уларга ўзгартириш киритиш;
- сайланадиган органларни шакллантириш;
- биржанинг бюджети, йиллик баланси, даромад ва ҳаражат ҳисоботлари, даромадни тақсимлашни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
- биржага янги иштирокчиларни қабул қилиш (агар биржа хўжалик жамияти ёки ширкати сифатида рўйхатдан ўтган бўлса);
- биржа қўмитаси ва ходимларини, шу жумладан, биржанинг мансабдор шахсларини ҳам, таъминлаш учун, уни (биржани) ваколатхона ва филиалларини таъминлаш бўйича ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш;
- биржа фаолиятини тугатиш, тугатиш комиссияни тайинлаш, тугатиш балансини тасдиқлаш бўйича қарор қабул қилиш.

Одатда биржалар ўзларининг ижроия қўмиталарига эга бўладилар. Улар бошқарма сифатида фаолият олиб борадилар. Биржанинг бошқармаси коллегиал орган бўлса, унинг аъзоларининг барчаси умумий йиғилиш томонидан сайланади. Агар биржани ижроия органи яккабошчилик асосида ташкил этган бўлса, шу шахс (яъни директор) сайланади. Биржанинг бошқармаси:

- биржанинг оператив бошқарувини амалга оширади;
- давлат органлари, муассаса ва ташкилотларда биржа номидан иштирок этади;
- биржа савдоси иштирокчилари (аъзолари) томонидан биржанинг ички қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни ташкил қиласи;
- биржа аъзолигига қабул қиласи ва ундан чиқаради ёхуд бу масалани биржанинг умумий йиғилиши муҳокамасига тақдим этади;
- биржанинг локал ҳужжатлари билан унинг ваколатлари доирасига киритилган бошқа масаларни ҳал қиласи.

Агар биржанинг ижроия қўмитаси бир киши томонидан бошқарилса, бу шахс ижроя қўмитани таркибини шакллантиради ва уни тасдиқлаш учун умумий йиғилиш муҳокамасига киритади.

Биржанинг молиявий хўжалик фаолияти устидан назоратни умумий йиғилиш томонидан сайланадиган тафтиш комиссияси амалга оширади. Тафтиш комиссиянинг ваколатлари ҳам биржанинг локал ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар қуидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- биржанинг молиявий хўжалик фаолиятини ҳужжатларини текшириш;
- бухгалтерия ҳужжатларини ҳақиқийлигини аниқлаш;
- оператив, бухгалтерия ва статистика ҳисоби ва ҳисботини тўғри йўлга қўйилганлигини текшириш;
- белгиланган сметалар, нормативлар ва лимитларни бажарилишини текшириш;
- биржа ва унинг органлари томонидан қонунчилик ва бошқа норматив ва локал ҳужжатларга риоя этилишини текшириш;
- биржа фондлари ва кассалари ҳолатини текшириш;
- ўз ваколати доирасида бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

Тафтиш комиссияси тафтиш ва текширувларни умумий йиғилиш топширифига ёки ўз ташаббуси билан ўтказиши мумкин.

Шунингдек биржада аниқлаш комиссиялари ва ҳакамлик комиссиялари фаолият юритадилар.

Аниқлаш комиссияси биржа битимларини тузиш жараёнида вужудга келган ҳар хил нархлар (талаб ва таклиф, шартномавий, энг юқори ва энг паст, бошланғич ва якуний) ҳисботини юритишни ташкил қиласди.

Биржанинг ҳакамлик комиссияси биржа битимлари қатнашчилари ўртасида биржа савдо-сотиги қоидаларида назарда тутилган масалалар юзасидан келиб чиқсан низоларни кўриб чиқиб ҳал қиласди.

Биржа савдо сотиги қоидаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик биржанинг шу тўғрисидаги Низомида акс эттирилади.

Юридик шахс сифатида биржанинг фаолияти қайта ташкил этлаётганида ёки тугатилаётганида унга нисбатан барча юридик шахсларга шундай ҳолларда қўлланиладиган умумий қонунчилик нормалари амалда бўлади.

4§. Биржа фаолиятининг объектлари ва субъектлари.

Биржа фаолиятининг объектлари. Биржа савдосининг обьекти биржа товари ҳисобланади. «Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, мол-мулк, шу жумладан, кўчмас мол-мулк, хизматлар, маҳсулот етказиб беришга доир шартномалар, интеллектуал мулк, қимматли қоғозлар, валюта маблағлари ва фуқаролик муомаласига киритилган бошқа товар биржа товари ҳисобланади.

Жаҳон амалиётидан келиб чиқиб биржа савдосига чиқариладиган товарларни қуидаги уч асосий синфга бўлиб чиқса бўлади:

- ашёвий товарлар;

- қимматли қоғозлар;
- хориж валютаси.

Ушбу товар қандай бўлишидан қатъий назар, маълум талабларга жавоб бериши керак. Одатда биржа товарларига қуидагича талаблар қўйилади:

1. Маълумки, одатда биржа савдоси товарсиз амалга оширилади. Шунинг учун товар стандарт бўлиши керак. Яъни, товарнинг сифати ва бошқа хусусиятлари амалдаги қонунчилик билан белгилаб қўйилган талабларга жавоб бериши шарт (стандартлилик талаби);

2. Биржа товарини стандартлаштириш муайян турдаги ва гуруҳдаги товарлар бирини иккинчиси билан алмаштириш имкониятини яратади (ўзаро алмашиниши мумкинлиги талаби);

3. биржа савдосига чиқариладиган товар қўп микдорда бўлиши лозим. Бу товарлар талаб ва таклифни етарли даражада қондириши лозим (оммавийлик ва қўп микдордалик талаби). Ягона турдаги ёки кам микдордаги товарлар одатда аукционлар орқали сотилади;

4. Биржа савдосида нархлар эркин шаклланади. Шунинг учун савдога чиқариладиган товар талаб ва таклиф асосида нархини эркин белгилаш мумкин бўлган товар бўлиши керак (нархнинг эркин шаклланиши талаби).

Булар биржа товарларига қўйиладиган умумий талаб ҳисобланади. Булардан ташқари, ҳар бир биржанинг ички тартиб қоидаси билан унда савдоси амалга ошириладиган товарларга нисбатан қўшимча талаблар ҳам қўйилиши мумкин. Лекин бу талаблар қонун нормаларидан четга чиқиб кетмаслиги керак.

Биржа турига қараб, биржа фаолияти объектларининг ўзига хос хусусиятлари ҳам ўзгаради. Энг қўп тарқалган биржаларнинг турларини фаолиятига қараб, улардаги савдода нималар объект бўла олишлиги бу объектларнинг ўзига хос хусусиятларида яққол намоён бўлди.

Товар биржасида савдоси обьектлари. Биржа фаолиятининг обьекти бўлмиш товар сотишга тайёр бўлган тайёр маҳсулот, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, асбоб-ускуналар, кўчмас мулк, транспорт воситалари, бошқа мулклар, иш ва хизматлар бўлиши мумкин. Биржада ушбу товарлар олди-сотдиси билан боғлиқ битимларни тузишда амалда мавжуд товарларга ҳам (форвард), келажакда ишлаб чиқарилиши мўлжалланган товарларга нисбатан (фьючерс) ҳам тузилиши мумкин.

Товар биржасидаги товарларга қуидаги талаблар қўйилади:

- ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг оммавийлиги;
- стандартлаштирилганлиги;
- яхши сақланадиган бўлиши;
- ташишга қулайлик;
- товар сифатининг муайян истеъмолчилардан мустақиллиги, уларга боғлиқ эмаслиги;
- товар тўғрисида маълумотларнинг тўпланганлиги ва уларнинг тўғрилиги;
- товар сифатини баҳолашда биржа савдоси иштирокчиларининг бирлиги.

Биржа маъмурияти биржа савдоси товарларига нисбатан қўйиладиган талабларга риоя этилишини қаттиқ назорат қиласди. Чунки савдога чиқарилган товарларни стандартларга ва шу товар тўғрисидаги маълумотларга тўғри келмаслиги мазкур биржага бўлган ишончни пасайишига олиб келади. Шунинг учун аксарият биржалар товарларни савдога чиқаришдан олдин улар тўғрисидаги маълумотларнинг ҳақиқатга тўғрилигини аниқлаш мақсадида товарларни экспертизадан ўтказиш, ёки экспертизадан ўтганлиги тўғрисида хужжат талаб қилишлари мумкин.

Хозирда биржаларда товар сифати ҳақида маълумот берувчи манбалар асосан товар ҳақидаги реклама маълумотлари, истеъмолчилар уюшмаси ва жамиятлари эксперталарининг хулосалари, стандартлар ҳисобланади.

Фонд биржаларининг обьектлари. Фонд биржалари савдосининг обьектини қимматли қоғозлар ташкил этади. Қимматли қоғоз уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкий ҳуқуқларни ёки заём муносабатларини тасдиқловчи дивидент ёки фоизлар кўринишида даромад тўлашни ҳамда ушбу хужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш имкониятини назарда тутувчи пул хужжатидир. Қимматли қоғозларнинг қўйидаги турлари мавжуд:

- акциялар;
- облигациялар;
- чеклар;
- депозит ва жамғарма сертификатлари;
- векселлар;
- қимматли қоғозлар;
- бошқа конасамент.

Оддий қилиб айтганда, қимматли қоғозлар бу муайян нархда олинадиган ва сотиладиган ҳар қандай хужжатдир.

Қимматли қоғозлар ҳам фонд биржалари савдосига чиқарилар экан, улар тегишли тартибда экспертизадан ўтказилиши керак. Жумладан, «Тошкент» РFBси қошида эмитентнинг молиявий аҳволини экспертиза қилиш, унинг қимматли қоғозларини фонд биржалари савдосида иштирок этишига рухсат бериш ҳамда листинг ташкилотларнинг қимматли қоғозлари нархларини аниқ қилиш мақсадида маҳсус комиссия ташкил этилган. Мазкур эксперт-аниқлаш комиссияси зиммасига қўйидаги мажбуриятлар юкланган:

- қимматли қоғозларни биржа савдосига қўйишга рухсат берувчи лицензияларни бериш ва экспертизалар ўтказиш билан боғлиқ муаммоларни (савдоларни) кўриб чиқиш ва ҳал қилиш;
- аниқлаш лозим бўлган қимматли қоғозларнинг минимал миқдорини (лот) белгилаш.

Ушбу комиссияга келган хужжатлар 30 кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади. Экспертизадан ўтган ва гувоҳнома олган қимматли қоғозлар аниқлаш журналига киритилади ва улар биржага олди-сотди қилиш учун тақдим этилади.

Қимматли қоғозларнинг аксарияти бозорда, биржада ёки бошқа жойларда, масалан фонд магазинларида, эркин сотилиши ёки олиниши мумкин. Лекин баъзи ҳолларда қимматли қоғозларнинг муомаласи чекланган бўлиши мумкин. Уни фақат келишилган муддатда қимматли қоғозларни чиқарганларгагина сотиш имконияти бўлиб, бошқаларга сотилмайди.

Бундай қимматли қоғозлар биржа товари ҳисобланмайди ва улар биржа савдосига қўйилмайди. Ягона нусхада ёки чекланган миқдорда бўлган қимматли қоғозлар ҳам биржа товари ҳисобланмайди. Чунки бундай қоғозлар биржа товарларига қўйилган умумий талабларга жавоб бермайди (оммавийлиги, кўп миқдордалиги). Биржа товари бўлиш учун бу қимматли қоғозлар доимий мавжуд талаб ва таклифни қондиришига етарли даражада чиқарилган бўлиши керак.

Шундай қилиб, биржада муомалада бўлган қимматли қоғозларнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардир:

- қимматли қоғозни чиқарган орган (эмитент) томонидан бирор бир чекловларсиз эркин олиб сотилиши;
- эмитентнинг ишончлилиги, унинг безиён фаолияти ва ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариши;
- эмитент компания имкониятлари ва эркин муомаладаги қимматли қоғозлар ҳажми.

Валюта биржаларининг объектлари. Валюта биржаларидаги савдонинг обьекти бўлиб, хорижий давлатларнинг валюта қимматликлари ҳисобланади. Бундай валюта қимматликларига нафақат хорижий давлатнинг пул бирлиги, балки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар, тўлов ҳужжатлари, қимматбаҳо металлар тушунилади. Валюта товар сифатида ўзига хос хусусиятларга эга. Валюта олди-сотдисини амалга оширишда МБ томонидан белгиланган валюта курси асосида биржа савдоси амалга оширилади.

Валюта курси иккита валюта ўртасидаги нисбатни билдиради. Шу орқали икки валютанинг алмашинуви амалга оширилади.

Валюта биржаларида валюта курсини белгилашда тўғри ва тескари аниқлаш турлари қўлланилиши мумкин. Тўғри аниқлашда муайян миқдордаги миллий валюта нисбатини белгилайди. Масалан:

- 1 АҚШ доллари қиймати-330 сўм;
- 1 инглиз фунт стерлинги қиймати-260 сўм.

Тескари аниқлашда эса (ҳозирда фақат Англияда қўлланилади) маълум бир миқдордаги миллий валютага нисбатан чет эл валютаси олиниади. Масалан:

- 1 инглиз фунт стерлинги қ-1,82 \$;
- 1 инглиз фунт стерлинги қ-0,543 немис маркаси.

Валюта биржаларида валюта бўйича асосан қуйидаги иккита операция амалга оширилади:

- биржа иштирокчилари томонидан хорижий валютани олиш ва сотиш;
- тузилган битимлар бўйича миллий ва хорижий валюталарда тўловларни амалга ошириш.

Биржа фаолиятининг субъектлари. Биржа фаолиятининг иштирокчиларини икки гурӯхга ажратиш мумкин:

1. Биржа иштирокчилари. Булар жумласига биржа устав жамғармасида иштирок этувчи, унинг фаолият юритишига аралashiши ва шу каби бошқа харакатларни амалга оширишга ваколатли бўлган шахсларни киритиш мумкин. Булар биржа таъсисчилари ҳам бўлиши мумкин, биржа ташкил этилганидан сўнг эса унинг устав капиталида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган шахслар ҳам бўлиши мумкин;

2. Биржа аъзолари. Булар жумласига биржанинг устав жамғармасида иштирок этмасдан, биржа савдосида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган шахслар, хусусан, брокерлар⁵⁴, дилерлар⁵⁵, брокерлик ва дилерлик фирмалари киради.

Биржа савдосида иштирок этишни мақсад қилиб қўйган субъектлар мазкур биржадан брокерлик жойларини сотиб олишлари лозим. Агар биржанинг брокерлик жойи жисмоний шахс томонидан сотиб олинган бўлса, мазкур шахс тегишли тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органидан якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтганидан ҳамда банқда ўз ҳисоб рақамини очганидан сўнг биржа савдосида олди-сотди қилишига рухsat берилади. Брокерлик жойига эга бўлмаган биржа аъзолари биржа савдо-сотиғида брокерлик фирмалари ва биржада мустақил фаолият юритаётган брокерлар билан шартнома тузиб, иштирок этишлари мумкин.

Брокерлик фаолияти асосан у билан шартнома тузган мижознинг биржада у ёки бу битимларини тузиш билан боғлиқ кўрсатмаларини амалга оширишдан иборат.

Брокер билан мижоз ўртасида тузиладаган шартномалар турлича бўлиши мумкин. Масалан:

- брокерлик хизматини кўрсатиш ҳақида шартнома доимий мижоз билан муайян муддатга тузилади;
- ахборот хизмати кўрсатишга доир келишувда мижоз ўзига керакли бўлган биржа фаолияти билан боғлиқ ахборотларни олишини назарда тутиши мумкин;
- шунингдек вакиллик ёки биргаликда ҳамкорлик тўғрисида келишув ҳам тузилиши мумкин.

Фонд биржалари ва валюта биржаларининг иштирокчилари ва аъзоларига нисбатан қонун чиқарувчи алоҳида талаблар қўяди.

⁵⁴ Брокер – олди-сотди битимлар тузилишида ўз мижозларининг топшириғига биноан ва уларнинг номидан воситачилик фаолиятини амалга оширувчи шахсdir («Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси).

⁵⁵ Дилер – биржада ўз номи ва ҳисобидан воситачиликни амалга оширувчи шахsdir («Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси).

Фонд биржалари муассислари сифатида фақатгина қимматли қоғозлар мумаласини амалга ошириш хуқуқини берувчи рухсатнома (лицензия)ни олган юридик ва жисмоний шахслар иштирок этиши мумкин.⁵⁶

Фонд биржаси аъзолари эса биржада брокерлик жойини сотиб олишлари учун қимматли қоғозлар билан опрецияларни амалга ошириш хуқуқини берувчи малака аттестатини олган бўлиши лозим. Демак, фонд биржаси фаолиятининг субъектлари маҳсус хуқуқ лаёқатига эга бўлишлари лозим экан.

Валюта биржаларида биржа аъзолари ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ваколатли банкларгина биржа савдосида иштирок этиши мумкин. Биржа аъзолари ҳисобланмаган банклар эса биржада валюта билан боғлиқ операцияларни биржа иштирокчилари орқали амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси аъзолигига қабул қилиш ҳамда ким ошди савдосига киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қонуности актлари, хусусан, Марказий банкнинг тегишли меъёрий хужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси валюта биржасига норезидентлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсати билан киритилади.

5§. Биржа ва унинг аъзоларининг хуқуқ ва бурчлари

Биржанинг хуқуқлари ва мажбуриятлари кўлами «Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонунда батафсил кўрсатиб ўтилган. Биржа қонун ва ўз устави доирасида биржа савдо-сотиги қоидаларини белгилаш; бу қоидалар талабларини биржанинг барча иштирокчилари томонидан ижро этилишини талаб этишга ҳақли ҳисобланади. Қонунчиликда биржаларнинг қўйидаги хуқуқлари мустаҳкамланган:

- инвестицион институтларнинг биржа аъзоси бўлиши учун лозим бўлган минимал мажбурий талаблар доирасини белгилаш;
- биржа савдои вакиллари учун малакавий талаблар ўрнатиш;
- биржа йиғилишлари (мажлислари) чақириш ва ўтказиш;
- эксперт, малакавий ва аниқлаш комиссияларини ташкил қилиш, уларнинг ишлаши учун зарур бўлган консультация, маълумотхона ва бошқа муассасаларни очиш, ҳамда биржа савдои операциялари билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш учун низоларни кўриб чиқувчи комиссия тузиш;
- ўз устави доирасида биржа аъзоларининг кириш ва даврий бадалларини, битимларни тузганлик, техник хизматлар кўрсатганлик, биржа савдосида доимий ва бир марта иштирок этиш учун ҳақни белгилаш ва олиш;
- устав, биржа йиғилишлари қоидаларини бузганлик ва рўйхатдан ўтиш йигимини тўламаганлик учун жавобгарлик белгилаш;
- биржа буклетлари, маълумотномалари, тўпламларини чиқариш;
- назорат килувчи органларнинг ноқонуний хатти-харакатлари устидан суд тартибида шикоят қилиш;

⁵⁶ «Кимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 19-моддаси.

- юридик шахс хуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар, шунингдек, биржа инфраструктурасини шакллантирувчи филиаллар ва алоҳида бўлинмалар ташкил қилиш;

- ўз уставидан келиб чиқсан ҳолда бошқа хуқуқларни амалга ошириш.

Биржа қўйидаги мажбуриятларга эга бўлади:

- биржа савдосини ўз вақтида ташкил этилиш ва бир маромда олиб борилишини таъминлаш;

- биржа операцияларини бошқариш;

- товарларга бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати асосида нархлар аниқлаши;

- биржа аъзолари ва мижозларига ташкилий йўсиндаги ҳамда бошқа хил хизматлар кўрсатиши;

- мунтаззам равишда (хафтасига камида бир марта) нарх-наво аниқланишига, индексация ва ўзгаришига, савдо-сотиқ вақти, товарлар, битим ҳажмлари, контрактларнинг миқдорларига ва бошқа кўрсатикичларга доир ахборотлари, товарлар бозорининг аҳволи ва унинг ривожланиши тахминларига доир таҳлилий нархларни эълон қилиши шарт.⁵⁷

Биржа муассислари қўйидаги хуқуқларга эга:

- биржани ташкил қилиш, уни устав капиталида иштирок этиш ва ундан чиқиши;

- биржани таъсис ҳужжатларини тузиш ва уларни тасдиқлаш, бу ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши;

- биржа ва унинг шўъба корхоналарини фаолиятини текшириб бориш;

- тегишли ваколатга эга бўлган⁵⁸ ва лозим деб топган тақдирларида биржа муассислари умумий йиғилишини чақириш;

- биржа мол-мулкидан фойдаланиш тартибини белгилаш;

- брокерлик жойи сотиб олиш, ёхуд биржада брокерлик жойига эга бўлган бошқа шахслар билан шартнома тузиш орқали биржа савдо-сотиғида иштирок этиши;

- қонун билан белгиланган бошқа хуқуқларни амалга оширадилар.

- Биржа муассисларининг мажбуриятлари;

- ўз вақтида биржанинг устав фондига таъсис пайлари ва кириш бадалларини тўлаш;

- нархлар даражасининг ўзгариши билан биржа устав фондини ҳар йили қайта индексация қилиб бориш;

- қонунчилик, шунингдек биржанинг таъсис ҳужжатлари билан белгиланган бошқа мажбуриятларни амалга ошириш.

Биржа аъзоларининг (брокерлар ва диллерлар) хуқуқлари:

- биржа савдо-сотиғида иштирок этиш ва унинг бошқа аъзолари билан муомалага киришиш;

- биржадаги нарх-наво аниқланиши, унинг индексацияси ва ўзгариши, савдо-сотиқ вақти, товарлар, битим ҳажмлари, контрактларнинг миқдорлари ва

⁵⁷ «Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддаси.

⁵⁸ Масалан, биржа акциядорлик жамияти шаклида ташкил топган бўлса, унинг акцияларининг 20% га эга бўлган шахс

бошқа кўрсатиличларга доир ахборотлар, товарлар бозорининг аҳволи ва унинг ривожланиши тахминларига доир таҳлилий нархлар билан танишишдан иборат.

- Биржа аъзоларининг мажбуриятлари:
- ўз вақтида кириш ва даврий бадалларни тўлаб бориш;
- биржанинг ички тартиб-қоидасига риоя этиш;
- ғирром рақобатга йўл қўймаслик.

Биржада тузилган битимлар бўйича уни аъзоларининг хуқуқ ва мажбуриятлари ФК, тегишли қонун ҳужжатлари ва мазкур битимлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом ашё биржалари савдоларида импорт контрактлари тузиш тартибига⁵⁹ мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржаларида импорт товарларни сотувга қўйиш тартиби белгиланган. Унга мувофиқ, сотувчи норезидентнинг брокери сотувга қўйилаётган товар хақиқатда унинг мижозининг мулки эканлиги ва ўзида товарнинг товарнинг мавжудлигини тасдиқловчи мулкдор имзолаган ҳужжатни, агар товар мавжуд бўлмаса ишлаб чиқарувчи томонидан тасдиқланган товарнинг тайёрланиши тўғрисида кафолат хатини, импорт товарларни биржа савдолари орқали сотишга контракт тузиш учун зарур бўлган барча шартлар, яъни товарнинг тўлиқ номи, ўлчов бирлиги, сони, сифат сертификати, биттасининг нархи, товарнинг келиб чиқиши сертификати ва зуур бўлганида бошқа маълумотлар кўрсатиб ўтиладиган буюртманомани, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа ваколатли вазирликлар ва идораларнинг хulosаларини тақдим этишлари лозим.

6§. Биржа шўъбалари, бўлинмалари, ваколатхоналарининг хуқуқий ҳолати

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига асосан биржалар ўз хўжалик фаолияти даврида шўъба корхоналар ташкил этиши, ваколатхона ва филиаллар очиши мумкин.

«Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонун 10-моддасининг 4-қисмига асосан, биржа биржа савдоси ва биржа инфраструктурасини ташкил қилувчи (консалтинг, реклама ва бошқа турдаги хизматлар) корхоналарни муассиси бўлиши мумкин. Лекин айнан шу модданинг 3-қисмига биноан, биржа ишлаб чиқариш, савдо ва савдо-воситачилик фаолиятини ўзларининг мақсади қилиб қўйган, шунингдек мазкур биржада брокерлик ўринларига эга бўлган корхона муассаса ва ташкилотларга улуш қўшиши, уларни пайлари, хиссалари ва акцияларини олиши, шунингдек уларнинг муассиси бўлиши мумкин эмас.

⁵⁹ Ўзбекистон Республикасида «Биржа ва ярмарка савдоларини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 6 майдаги 223-сонли карори. // Ўзбекистон Республикаси хукуматининг қарорлари тўплами 1999 йил № 6.

10-модданинг иккала қисмини таққослаш биржалар фақат биржа фаолиятини самараги амалга оширишга кўмаклашувчи корхона, муассаса ва ташкилотларнинг муассиси бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Биржа шўъба корхона сифатида депозитарийлар, ҳисоб-клиринг палаталари, биржа фаолиятига доир ахборотларни чоп этадиган ва тарқатадиган корхоналар таъсис этиши мумкин.

Биржа ФКнинг 67, 70 моддаларига асосан шўъба корхоналарни таъсис этиши, ёки мавжуд корхоналарни устав фондида улушни сотиб олиш, улар билан шартнома тузиш ва қонунда белгиланган бошқа йўл билан мазкур корхоналарни ўзларининг шўъба корхоналарига айлантириши мумкин. Бундай корхоналар мустақил юридик шахс ҳисобланадилар.

Биржа ўзининг шўъба корхоналарининг таъсис хужжатларини қабул қиласи, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади, мазкур корхоналарни раҳбарий органларини тайинлади ҳамда қонун биан белгиланган доирада унинг фаолиятига белгиланган бошқа йўллар билан таъсир ўтказиш хуқуқига эга бўлади.

Умумий қоида бўйича биржанинг шўъба корхоналари биржанинг қарзлари бўйича жавобгар бўлмайдилар. Худди шунингдек биржа ҳам шўъба корхонасининг қарзлари бўйича жавобгар бўлмайди.⁶⁰ Лекин, қонунчиликда назарда тутилган ҳолатларда биржа шўъба корхонанинг қарзлари бўйича солидар жавобгарликка тортилиши мумкин.

Биржа, шунингдек, ўз фаолиятини амалга ошириш учун ўзи жойлашган бошқа жойда ваколатхона ва филиаллар очиши мумкин. Биржанинг ваколатхона ва филиаллари тўғрисида маълумотлар унинг уставида акс эттирилган бўлиши керак.

Биржанинг ваколатхонаси деб у турган ердан ташқарида жойлашган, биржанинг манфаатларини ифодалайдиган ва уларни ҳимоя қиласиган алоҳида бўлинмасига айтилади.

ФКнинг 57-моддасига асосан филиал юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир. Биржанинг филиаллари ҳам бундан мустасно эмас. Хусусан, «Тошкент» РФБ вилоятларда ўзининг филиаллари ва ваколатхоналарига эга.

Ваколатхона ва филиаллар бош корхона, яъни биржанинг қарори билан таъсис этилади ва улар ўз фаолиятини биржа томонидан тасдиқланган низом асосида олиб борадилар. Шўъба корхонадан фарқли равишда уларнинг бу низомлари давлат рўйхатидан ўтказилмайди. Лекин айтиб ўтганимиздек, ваколатхона ва филиаллар биржа жойлашган жойдан бошқа ҳудудда жойлашганлиги туфайли, улар ўзларининг мустақил хуқуқий манзилларига ва банк реквизитларига эга бўлади. Бундан ташқари, ваколатхона ва филиаллар маҳаллий солиқ органларида мустақил солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтишлари керак.

⁶⁰ «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси.

Ваколатхона ва филиалларнинг раҳбарлари биржанинг олий бошқарув органи (тъисисчиларнинг йиғилиши) томонидан тайинланади ва ишончнома асосида иш юритадилар.

Биржанинг шўъба корхоналари, ваколатхона ва филиаллар қўйидаги ҳолатларда тугатилади:

- биржанинг қарори билан;
- биржанинг тугатилиши билан;
- ваколатли давлат органининг қарори билан.

Биржанинг ваколатхона ва филиаллари мустақил балансга эга бўлмайдилар, ва биржа томонидан ўзларига тўла хўжалик юритиш хукуки асосида бириктирилган мулкка эга бўладилар.

Биржанинг шўъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари ҳар йили йил якуни бўйича бош корхонага ўзларининг хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этиб турадилар.

Биржанинг шўъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиалларининг ўзаро муносабати тегишли тартибда қонун, улар ўртасида тузилган шартнома ёки биржанинг қарори билан тартибга солиниб турилади.

7§. Шартномавий муносабатларни ташкил қилишда биржанинг роли

Биржада амалга ошириладиган барча фаолиятларнинг асосий мақсади товар билан боғлиқ олди-сотди битимларини тузишга қаратилгандир.

Биржа битимлари – биржа савдосида унинг иштирокчилари ўртасида тузиладиган биржа товари билан боғлиқ хукуқ ва мажбуриятларни бериш хақида ўзаро келишув бўлиб, у тегишли тартибда биржада рўйхатга олинади ва бу ҳолат биржа шартномасида ўз аксини топади.

Биржада тузиладиган битимлар эса турлича бўлиши мумкин. Қонунда биржада тузиладиган битимларни қўйидаги турлари кўрсатиб ўтилган:

- биржа товарларининг олди-сотди битимлари, шу жумладан, товарларни дархол бериб юбориш ёки етказиб бериш ёхуд товарга эгалик қилиш хукукини берувчи ҳужжатлар топширишни ҳам кўзда тутувчи олди-сотди битимлари. Бундай битимлар «спот» битимлар ҳам дейилади. Валюта билан олди-сотди шартномаси спот шартлари асосида тузилган бўлса, ҳисоб-китоблар кечи билан иккинчи иш кунида амалга оширилиши шарт;

- форвард битимлар, яъни мавжуд товарни етказиб бериш муддатларини кечиктирган ҳолда ҳарид қилиш ва сотишга доир битимлар. Бундай битимлар товарларни шартномада белгиланган муддатда (уч ойда, олти ойда) етказиб беришни назарда тутади. Лекин товар баҳоси битим тузилган пайтдаги нархда бўлади. Форвард битимлари спот шартномасида тузилган битимлардан муддатининг узунлиги билан фарқланади. Ҳар икки шартномада ҳам товарнинг нақд мавжудлиги ва уни топшириш шартлари бир ҳил ҳисобланади. Форвард битимлари фьючерс битимларидан икки ҳолатда фарқ қиласи: биринчидан, форвард битимларида бозорда иштирок этувчи икки субъект ўртасида тузилиб, тарафларга маъқул бўлган ҳар қандай шарт киритилиши мумкин бўлса, фьючерс битимлари олдиндан стандартлаштирилган ва унга бошқа шартлар

киритилмайди; иккинчидан, форвард битимлари бўйича контракт соҳибининг фойдаси тегишли муддат ўтгач аниқланса, фьючерс битимларида кундалик савдоларнинг якуни бўйича аниқланади. Форвард битимлар сотувчини нархларни тушиб кетишидан, сотиб олувчини эса нархларни ошиб кетишидан хеджлашниши (сугурталаниши)нинг кенг тарқалган тури ҳисобланади;

- фьючерс битимлар, яъни стандарт битимларга доир олди-сотди битимлари. Фьючерс битимлари амалда битим тузишда мавжуд бўлмаган (ишлиб чиқарилмаган) биржа товарларига нисбатан тузилади. Демак, бундай битимларда товар олди-олди сотдиси эмас, балки келажакда унга бўлган ҳукуқ олди-сотдиси амалга оширилади. Шунинг учун «фьючерс шартномасининг асосий шартларидан бири маҳсулот, товар учун тўланадиган баҳо, ҳисоб-китоб усули ҳисобланади»;⁶¹

Фьючерс битимлари маълум стандартларга келтирилганлиги билан форвард битимларидан фарқланиб туради. Фьючерс контрактлари билан савдо қилиш одатда ихтисослаштирилган фьючерс биржаларида амалга оширилади. Фьючерс контрактларида назарда тутилган баҳо бевосита фьючерс баҳоси деб юритилади. Фьючерс контрактларини сотиб олган шахс фойда олиш имкони бўлиши билан ёки фьючерс баҳосининг тушиб кетиши хавфи пайдо бўлиши билан уни сотиб юбориши мумкин. Фьючерс контрактларини сотган шахс унинг баҳоларидаги фарқни тўлаб, қайта сотиб олиши мумкин. Бундай битим қайтарма (офсет) битим деб юритилади. Клиринг палатаси сотиб олувчи ва сотувчи ўртасида воситачи вазифасини бажариш билан бирга, мажбуриятларни бажарилишига кафолат беради. Шундай бўлса ҳам фьючерс контрактларини олувчи уни ижросидан ҳам кўпроқ равишда фьючерс баҳоси ўсишидан фойда кўриши, мавжуд нақд маблағларини ёки мажбуриятларини баҳо, курс ва фоиз ставкаларининг ўзгаришидан суғурталашни (хеджлаш) асосий мақсад қилиб қўяди. Юқорида тўхталиб ўтганимиздек фьючерс контрактлари тузилгач сотиб олувчи ва сотувчи ўртасидаги муносабатлар тугайди. Олувчи энди фақат ҳисоб-китоб ёки клиринг палатаси билан тўғридан-тўғри муносабатга киришади. Тарафлар нархларнинг контракт тузилган ва ижро қилинган кунлар ўртасидаги фарқидан фойда кўрадилар. Ютқазган томон шу нархда мавжуд товарларни олиш ёки уни сотувга кўйиш ҳуқуқига эга бўлади, Фойда кўрувчи эса мавжуд маблағлагина янги баҳолардаги фьючерс контрактини тузиши мумкин.

Фьючерс контрактлари нақд товарлар олди-сотдиси бўйича эмас, балки тижорат фаолиятини амалга оширишда ҳам тузилиши мумкин. Бунда товарнинг баҳоси ўзгариши натижасида кўрилиши мумкин бўлган зарар суғурталангандек бўлади.

- опцион битимлар, яъни товарларни ёки товар етказиб бериш контрактларини олдиндан белгиланган нархлар бўйича келгусида харид қилиб олиш ёки сотиш ҳуқуқларига доир биржа олди-сотди битимлари. Бунда сотиб олувчи олдиндан сотувчига шартнома эвазига фоизларни тўлайди. Баҳолар ўзгарган ҳолатда олувчи шартномадан воз кечиб юбориши мумкин;

⁶¹ Анортов И., Жуманиёзов Б. Фьючерс шартномалари. Хўжалик ва ҳукуқ //1999 йил №4, 25 б.

- биржа савдо сотиги қоидаларида назарда тутилган товарлар, контрактлар ёки ҳукуқларни харид қилиш ва сотишга доир бошқа битимлар тузилиши мумкин.

Биржада битимларни тузишда уч нарсага эътибор бериш керак:

1. **Ташкилий хусусияти:** битимларни тузиш учун зарур бўлган ҳаракатлар ва бунда лозим бўлган ҳужжатлардан фойдаланиш тартибини белгилайди;

2. **Иқтисодий хусусияти:** битимларни тузишда эътиборда тутиш лозим бўлган таваккалчилик хавфи ҳамда битим тузишни мақсад ва самарадорлигини белгилайди;

3. **Ҳуқуқий хусусияти:** битим (шартнома) тарафларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ҳамда мулкий жавобгарлигини белгилайди.


Биржада тузиладиган барча турдаги битимларда қуидагилар ўз аксини топиши шарт:

- битим обьекти: товар, қимматли қоғозлар, валюта ва ҳоказо;
- битим ҳажми (микдори);
- битимнинг умумий баҳоси;
- битимни ижро этиш муддатлари;
- битим бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби;

Бунда сотиб олувчи фақат тўланган фоизлар доирасида зарар қиласди. Шартномани дастлабки сотувчига қайтариш имкони бўлади. Ҳар икки томон ҳам баҳонинг ортиб кетиши хавфини қисқартиришга эришади.

Биржада тузиладиган ҳар бир битим қуидаги схемада кўрсатилган жараёнларни босиб ўтади:

1-жадвал



Умумий хусусиятлардан ташқари, ҳар бир биржада тузиладиган битимлар ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлади. Масалан, валюта биржасидаги битимлар касса(спот) ва муддатли (форвард) битимларга бўлинади.

Спот битимининг хусусияти шундаки ушбу битимнинг тузилиши ва ижроси бир пайтнинг ўзида рўй беради.


Муддатли валюта битимларининг моҳияти шундаки, битимни тузиш билан унинг ижроси бир пайтда эмас, балки турли вақтларда содир бўлади. Шунинг учун сотувчи келишилган муддатда сотиб олувчига валютани бериш мажбуриятини ўз зиммасига олса, харидор валютани қабул қилиб олиш ва битимга мувофиқ келишилган суммани тўлашни ўз зиммасига олади. Одатда муддатли валюта битимининг икки тури фарқланади:

- оддий муддатли битим. Бунда биржа иштирокчилари олдиндан муайян кун учун валютани олиш (сотиш) курсини белгилаб қўйишиди. Валютанинг нархини бундай белгиланиши форвард курс деб аталади;

- своп битими. Кўпинча алмашинув битими сифатида эътироф этилади.

Валюта биржасида битим тузиш тартибини қуйидаги схема орқали тушуниб олиш мумкин:

2-жадвал



Товар биржаларида битимлар икки шаклда бўлади:

1. **Реал товар билан боғлиқ битимлар.** Реал товар билан боғлиқ битимларнинг биржада икки ҳил қўриниши тузилади. *Дарҳол етказиб берииш шарти билан тузиладиган битимлар* амалда сотишга тайёр товарга тузилади. Шунинг учун бундай битимлар баъзида нақд битимлар деб ҳам аталади.

Маълум муддатда етказиб берииш шарти билан тузиладиган битимлар биринчи хилдаги битимлардан қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

- амалда мавжуд бўлган ёки келишилган муддатда ишлаб чиқиладиган товарларга тузилиши мумкин;
- битим ижроси муддати битим тузиш муддатига тўғри келмайди. Оддатда бундай шартномалар бир йилгача бўлган муддатга тузилади;
- етказиб бериш шарти билан расмийлаштирилади. Сотувчи келишилган муддатда олувчига товарларни етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади, харидор эса – товарларни қабул қилиш ва ҳаққини тўлаш мажбуриятини олади;

2. Мавжуд бўлмаган товар билан боғлиқ битимлар. Бундай битимлар одатда фьючерс ва опцион битимлари шаклида бўлади.

Биржа савдолари давомида тузиладиган барча биржа битимларига талаб – уларнинг очик ва ошкора тузилиш шартлилигидир. Биржа битимларини яқунлаш икки йўл билан амалга оширилади:

1. Битимларнинг шартлари асосида товарларни етказиб бериш орқали;
2. Иштирокчиларнинг ўзаро келишуви билан битимларни бекор қилиш орқали.

Товар биржаларида тузиладиган барча шартномалар ўзларининг ҳуқуқий табиатига қараб, Давлат солик қўмитасида ва (ёки) Давлат божхона хизмати қўмитасида текширилади ва рўйхатдан ўтказилади.

Фонд биржаларидаги битимлар ўзининг ижро этилиши муддатига қараб:

- касса битимлари (ижроси ўша заҳотиёқ ёки уч қун ичида амалга ошириладиган битимлар);
- муддатли битимлар (сотувчи қимматли қоғозларни келишилган муддатда етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олса, харидор эса келишилган ҳақни тўлаши лозим бўлади. Ушбу битимларда ижро муддати олти ойдан ошмаслиги керак).

Қимматли қоғозлар билан боғлиқ битимлар тузишда шартнома тарафлари қўйидаги масалаларда келишувга эришишлари керак:

- қимматли қоғозлар тури ва тўлик номи;
- қимматли қоғозларни бериш ва хақини тўлаш усул ва муддатлари, агар мавжуд бўлса битим бўйича тижорат таваккалчилигини сугурта қилиш шартлари;
- битимни ижро этганлик учун комиссион мукофот миқдори.⁶²

Биржа иштирокчиси шартномада белгиланган муддатда мижозни битим тузилганлиги ҳақида хабардор қилиши керак.

Фонд биржаларида тузилган битимлар биржада тегишли тартибда биржа рўйхатидан ўтиши шарт.

Шуни таъкидлаш керакки, биржаларда тузилган ва тегиши тартибда рўйхатдан ўтказилган битимларни қўшимча нотариал тартибда тасдиқлаш талаб этилмайди. Лекин, қонун ҳужжатларига мувофиқ баъзи битимлар биржа нотариуслари томонидан тасдиқланиши талаб қилинади. Масалан, хорижий субъектлариштирокидаги шартномалар биржа нотариуси томонидан тасдиқланиши лозим. Бундан ташқари, товарларнинг номи, миқдори, нархи, ижро ўрни ва муддатидан ташқари биржа битимларининг мазмунини (яъни шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси) ошкор этиш мумкин эмас. Битимларнинг мазмунига доир маълумотлар факат қонунда кўрсатилган холларда, масалан суднинг талаби билан тақдим этилиши мумкин.

Демак, биржаларда тузиладиган битимлар қўйиладиган умумий талабларга жавоб беришдан ташқари, бошқа ўзига хос талабларга ҳам жавоб бериши керак экан. Агар битимлар воситачилар орқали амалга ошириладиган

⁶² Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматли қоғозлар билан битимларни тузиш ва рўйхатга олиш ҳақида Низом. 11-банд. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 июндаги №285-сонли қарори билан тасдиқланган.

бўлса, мижоз (сотувчи ёки харидор) воситачи билан топшириқ ёки комиссия шартномаси тузиши керак.

Банклар, бошқа кредит муассасалари ва сұғурта ташкилотларининг белгиланган тартибдаги шартнома-кафолатномалари, контрактларини таъминлаш шаклларидан бири бўлиб ҳисобланади.

8§. Биржа мулкининг ташкил топиши ва унинг ҳуқуқий ҳолати

«Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида» Қонуннинг 14-моддасида биржа мулкининг ташкил топиш манбалари ва унинг ҳуқуқий ҳолати кўрсатиб ўтилган. Мазкур моддага асосан биржа мулкини ташкил топиш манбалари бўлиб уни иштирокчилари томонидан таъсис пайлари ва кириш бадаллари ҳисобига унинг эгалигига топширилган, ёки унга ижарага берилган мулклардан фойдаланиш, шунингдек биржа ўз фаолиятидан ортирган ўзга даромадлар ҳисобланади.

Биржа ўзига таъсисчилар томонидан берилган ёки ижарага олган мол-мulkка тўла хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида эгалик қиласди. Унинг аъзолари томонидан тўланган бадалларга, шунингдек ўзини фаолияти давомида ортирган бошқа мол-мulkка (масалан, биржа савдоси бўйича маълумотларни сотишдан олган даромадига) мулк ҳуқуқи асосида эгалик қиласди.

Қонуннинг 14-моддаси биржаларнинг мол-мulkки асосий фондлар ва айланма маблағлар, шунингдек, хусусий мулк ҳуқуқи асосида биржага тегишли бўлган бошқа мулқдан иборат деб кўрсатади. Биржанинг асосий фондлари дейилганда уни баланс ҳисобида турган, фойдаланиш муддати 1 йилдан ортиқ ва қиймати энг кам ойлик иш ҳаққининг 15 баробари миқдорида ёки ундан кўп бўлган барча мол-мulk тушунилади.

Биржанинг айланма маблағларига эса асосий фондга кирувчи мол-мulk учун қўйилган талабларга жавоб бермайдиган маблағлар киради. Уларнинг миқдори энг кам ойлик иш ҳаққининг 15 баробаридан кам, фойдаланиш муддати эса 1 йилдан ортмайдиган бўлиши лозим.

Биржа мол-мulkидан фойдаланиш тартиби биржа аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Биржа аъзоларининг умумий йиғилиши шунингдек биржа мол-мulkини тассаруф қилиш масалаларини ҳам ҳал қилиши мумкин. Бу эса биржага тегишли бўлган мол-мulk умумий мулк эканлигини билдиради.

Қонун биржанинг мулкий ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоя қилинишини алохида таъкидлаб ўтади. Бу эса бизнинг давлатимизда биржа инфраструктурасини ривожлантирилишига қанчалик даражада катта ахамият берилаётганидан далолат беради. Биржа ўзининг мол-мulkидан қонунда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари маҳрум қилиниши мумкин эмас. Биржанинг мол-мulkки тегишли тартибда реквизиция ва национализация қилинганда, шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари учун олиб қўйилганида биржага уни қиймати тўлиқ тўланади. Лекин шу билан бирга биржа ўзининг мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда

ундирув уни ҳисобидаги мол-мулкка қаратилиши мумкин.

Биржа хўжалик оборотининг мустақил субъекти сифатида ўз мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қонунчиликда белгиланган барча усуллардан фойдаланиши мумкин.

9§. Биржа фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши

Биржанинг фаолиятини тартибга солиш жамиятнинг ваколатли ташкилоти томонидан биржа иштирокчилари фаолияти ва биржа операцияларини тартибга солишдир. Биржа фаолияти ҳам ташқаридан, ҳам ичкаридан тартибга солиниши мумкин. Ички тартибга солиш бу биржа фаолиятининг ўз ички норматив ҳужжатлари: устави, ички тартиб қоидалар ва бошқа локал норматив ҳужжатларга асосан олиб борилишидир. Ушбу қоидалар биржа фаолиятини, биржа ходимларини ва қуий бўлимлари (филиаллар, ваколатхоналар) фаолиятини тартибга солади.

Биржа фаолиятини ташқаридан тартибга солиш – бу биржа фаолиятининг халқаро шартномалар ва давлатнинг ички қонунлари билан тартибга солинишидир.

Биржа тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ давлат биржалар фаолиятини қўйидагилар орқали тартибга солади:

- биржа ва биржа иштирокчиларини давлат рўйхатидан ўтказиш;
- биржалар фаолиятини лицензиялаш;
- биржа фаолиятини солиқ солиш орқали бошқариш (молиявий томондан бошқариш);
- биржага доир қонунчилик нормаларига риоя этилиши устидан назорат қилиш.

Биржалар юридик шахс сифатида Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларида давлат рўйхатидан ўтказилади. Биржани ва улар томонидан таъсис этилаётган корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Адлия вазирлигига тегишли тартибда белгиланган ҳужжатлар билан мурожаат этиш талаб этилади. Биржанинг таъсисчилари Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлимларига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

1. Биржа ёки улар томонидан таъсис этилаётган корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза;
2. Биржа ёки корхонани тузиш тўғрисидаги муассисларнинг таъсис шартномасини нотариал гувоҳлантирилган нусхаси;
3. Муассис (муассислар) томонидантасдиқланган ва нотариал гувоҳлантирилган биржа ёки корхона устави, уни товар белгиси, тимоли (эмблемаси) ва бошқалар;
4. Биринчи бор ташкил этилаётган биржалар учун биржа кенгаши розилиги ва ҳужжатлари;
5. Биржанинг бино ва тегишли жиҳозлар билан таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
6. Рўйхатдан ўтказганлик учун давлат божи тўланганлиги тўғрисида банк тўлов ҳужжатлари.

Адлия вазирлиги (унинг худудий бўлимлари) хужжатларни кўриб чиқиб биржани юридик шахс сифатида рўхатга оладилар.

Рўйхатдан ўтказишнинг қонуний тартиби бузилганида ёки биржа таъсис хужжатлари қонун талабларига мос келмаганида Адлия вазирлиги биржани давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишлари мумкин. Рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор асослантирилган бўлиши керак. Масалан, ҳужжатларда камчилик бўлганида, қарорда бу камчиликлар аниқ кўрсатиб ўтилиши лозим.

Биржани рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор устидан умумий тартибда судга шикоят қилиш мумкин.

Биржа фаолиятининг айрим турлари лицензия асосида амалга оширилади. Яъни, давлатнинг ваколатли органлари биржаларнинг фаолиятини маълум маънода уларга лицензия бериш орқали ҳам тартибга солиб туриши мумкин.

Лицензия олиш учун биржа тегишли давлат органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:

1. Ариза;
2. Мазкур фаолият тури билан шуғулланиш унинг уставида назарда тутилганлиги тўғрисида далиллар, яъни рўйхатдан ўтган уставнинг оригинали ёки унинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
3. Конунда талаб қилинган ҳолларда унинг иштирокчилари ҳам мазкур фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эканлигини тасдиқловчи далиллар. Яъни, уларнинг ҳам лицензияларидан нусха;
4. Лицензия олиш учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
5. Конунда талаб қилинган бошқа ҳужжатлар.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан умумий тартибда судга шикоят қилиш мумкин.

Кимматли қоғозлар, валюта, кўчмас мулк, интеллектуал мулк билан савдо операцияларини бажариш биржа фаолияти қатнашчилари томонидан маҳсус лицензияга эга бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин.⁶³ Кимматли қоғозлар билан савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини қўлга киритмоқчи бўлган биржалар ўзларининг уставида қимматли қоғозлар билан муомала қилиш асосий фаолияти эканлигини, ёки ўзларининг таркибида қимматли қоғозлар билан савдо фаолиятини амалга оширувчи бўлим борлигини назарда тутишлари керак. Худди шунингдек валюта кўчмас мулк, Интеллектуал мулк билан савдо операцияларини бажаришни мақсад қилиб қўйган биржалар бу тўғрисида ўз уставларида кўрсатиб ўтишлари лозим. Шунинг учун давлатнинг тегишли органи биржага маҳсус фаолияти тури билан шуғулланиш учун лицензия берар экан, бир факт, яъни биржа уставида бу тўғрисида писанда бор ёки йўқлигини эътиборга олади.

Худди қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширувчи биржалар сингари валюта қимматликлари билан операцияларни амалга ошириш учун биржалар лицензияга эга бўлишлари даркор. Валюта қимматликлари билан операцияларни амалга оширишга лицензия Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилади.

⁶³ «Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида»ги конуннинг 26-моддаси.

Интеллектуал мулк объектлари билан савдо операцияларини амалга ошириш учун лицензия Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан берилади.

Кўчмас мулк билан савдо операцияларини амалга оширишхукуқини берувчи лицензия Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан берилади.

Давлат ўзиниг солик сиёсати орқали ҳам биржа ва биржа фаолиятини тартибга солиб туради. Соликка тортиш тартиби, имтиёзлар, ёки солиқдан озод қилиш орқали биржа фаолиятининг ривожланишига йўл қўйиб беради.

Биржалар фаолиятини тартибга солиш, уларнинг биржа фаолияти тўғрисидаги қонунларга риоя этишларини тегишли ваколатли давлат органлари томонидан назорат қилиб турилади. Биржа фаолиятини бундай назорат қилувчи ваколатли давлат органларига мисол қилиб прокуратура ва биржаларга лицензия берган давлат органларини келтириш мумкин.

Биржа ва биржа фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги мақсадларни назарда тутади:

- биржада тартибни таъминлаш, биржа иштирокчиларини нормал ишлаши учун шароитлар яратиш;
- биржа иштирокчиларини ғирром қатнашчилар ва фирибгарлик ишларидан, ҳамда бошқа ноконуний ҳаракатларни амалга оширувчилардан химоя қилиш;
- тадбиркорлик фаолияти учун шароит мавжуд бўлган ҳамда ҳар бир таҳлика мукофатланадиган биржа фаолиятини таъминлаш;
- янги биржа бозорини ташкил қилиш, биржа структурасини кўллаб қувватлаш, имтиёзларни самарали татбиқ қилиш, биржа бозорига жамият мақсадларига эришиш учун таъсир ўтказиш (масалан, биржа нархларини тушириш).

Биржа ва биржа фаолиятини тартибга солиш жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади:


- биржа фаолиятини тартибга солувчи норматив база яратиш, яъни биржани ишлаши учун лозим бўлган қонун, қонуности актлари ва бошқа меъёрий хужжатлар қабул қилиш;
- биржа фаолиятининг профессионал иштирокчиларини ажратиб олиш. Ҳозирги кунда биржа фаолиятини муайян малака ва билимга эга бўлган профессионал иштирокчиларсиз тассавур қилиб бўлмайди. Биржанинг бундай иштирокчиларини танлаб олиш тартибини ваколатли давлат органлари белгилаб беради;
- биржа фаолиятини тартибга солувчи норма ва қоидаларга барча биржа иштирокчилари томонидан риоя этилиши устидан назорат қилиш;
- биржада ўрнатилган тартиб ва қоидаларга риоя этмаганлик учун санкциялар тизими. Бундай санкциялар ёзма ёки оғзаки огоҳлантириш, жарима солиш, биржа аъзолари сафидан ўчиришдан тортиб, жиноий жавобгарликка тортишгача бўлиши мумкин.

Биржа ва биржа фаолиятини тартибга солишда давлат қуидаги тамойилларга эътиборни қаратади:

- биржа фаолияти иштирокчиларининг фаолиятига алоҳида, биржа фаолияти иштирокчилари бўлмаган, лекин биржа савдосида иштирок этаётган субъектлар фаолиятига алоҳида ёндашиш;
- биржа бозорида амалга оширилаётган ва содир бўлаётган барча ҳодисалар ҳақидаги ахборот ва маълумотларнинг очиқлиги ва оммавийлиги;
- рақобатни таъминлаш, шу орқали кўрсатиладиган хизмат сифатини ошириш, хизмат ҳақини эса камайтириш;
- биржа бозори муаммоларини ва уларни ҳал қилувчи нормаларни оммавий таҳлил қилиш;
- биржа фаолиятини тартибга солиш борасидаги жаҳон амалиёти ютуқларини миллий биржалар институтини тартибга солишда қўллаш принципи;
- давлат ва нодавлат бошқарув органлари ўргасида биржа фаолиятини тартибга солиш функциясининг оптимал ажратилганилигига эътиборни қаратиш лозим.

Шундай қилиб давлат биржаларнинг фаолиятини тартибга солишда уларнинг тадбиркорлик, хусусан, савдо фаолиятидаги етакчи ролини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқади ва уларнинг ижросини таъминлайди.


1-жадвал. Товар биржаларида битим тузиш тартиби.



БИРЖА

- § савдога қўйилган товарлар ҳақида маълумот;
- § брокерларни ё залга киришига рухсат этиш;
- § биржа савдоси битимларини рўйхатдан ўтказиш.

2-жадвал. Фонд биржаларида битим тузиш.



VII боб. Тадбиркорлик субъектларининг божхона ҳақидаги қонун хужжатларига риоя қилиш қоидалари

18. Ўзбекистон Республикаси божхона органлари фаолияти ёға ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиб, сиёсий-иктисодий ва ижтимоий муносабатлар ислоҳ қилина бошлиши билан бозор иқтисодиётiga ўтиш давомида республиканинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишга даъват этилган мустақил давлат божхона сиёсати ишлаб чиқила бошланди ва уни амалга оширишга киришилди. Ўзбекистон Республикасининг сиёсати халқаро амалиётда тўпланган божхона ишининг энг илгор тажрибаёдига асосланади ва иқтисодиёт ҳамда жамиятнинг ўтиш даври ёа ўзига хос вазифаларни ҳал этиши керак.

Божхона ҳақидаги қонун хужжатлари тизими니 Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, «Давлат божхона хизмати тўғрисида» ва «Бож тарифи тўғрисида» ёа Конунлари ташкил қиласди.

Божхона органлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конунига, бошқа қонун хужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига амал қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ давлат бошқарув органи ҳисобланади.

Давлат божхона қўмитаси ўз ваколатлари доирасида ягона бож сиёсати ўтказилишини, божхона ишлари тўғрисидаги қонунучиликка риоя этилишини, ДБҚ органлари тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги ғонунининг 4-моддасида божхона органларининг асосий вазифалари берилган.

Божхона органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва ўз ваколати доирасида унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;

божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

божхона ҳақидаги қонун хужжатларига риоя этилишини назорат қилиш;

божхона тўловларини ундириш;

божхона назоратидан ўтказилиши керак бўлган товарлар ва транспорт воситалари шундай назоратдан ўтказилишини таъминлаш;

божхона ҳақидаги қонун хужжатлари бузилишининг, шу жумладан контрабанданинг олдини олиш, уни аниқлаш ва уларга чек кўйиш;

ташқи иқтисодий фаолиятга доир божхона статистикасини ҳамда товар номенклатурасини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг божхона ишига оид қисмидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги ғонунининг 5-моддасида божхона органларининг ҳуқуқлари ўз аксини топган.

Божхона органларининг ҳуқуқлари қўйидагилардан иборат:

товарлар ва транспорт воситаларини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, жисмоний шахсларнинг ўзини кўздан кечириш;

юридик ва жисмоний шахслардан кўздан кечириш учун товарлар ва транспорт воситаларини, шунингдек зарур ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

валюта назоратини амалга ошириш;

молия, банк ва бошқа ташкилотлардан, шунингдек юридик ва жисмоний шахслардан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ахборот ва ҳужжатларни ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ахборотни олиш;

божхона назоратидан ўтказиш мақсадида товарлар ҳамда бошқа буюмлардан намуна ва нусхалар олиш;

божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар сақланаётган ҳудудларга ва биноларга белгиланган тартибда кириш;

божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига доир материалларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш;

божхонага оид ҳукуқбузарликларнинг бевосита предмети бўлган товарлар ва транспорт воситаларини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда ушлаб туриш ҳамда олиб кўйиш;

экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилаётганда, шунингдек акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголь ичимликлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда, транспортировка (халқаро транзит бундан мустасно) қилинганда ва сақланганда уларни мусодара этиш тўғрисида қарор қабул қилиш:

суриштирув ўтказиш ва тезкор-қидирав фаолиятини амалга ошириш;

божхонага оид ҳукуқбузарликларни аниқлашга хизмат қиладиган техникавий ва маҳсус воситаларни қўллаш.

Божхона органлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

2§. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик тушунчаси ва моҳияти

Контрабандага, божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузишларга ва Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларга тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий бож тўловларини тўлашдан бош тортишга қарши кураш функцияси Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг асосий функцияларидан бири эканлиги қонун билан мустаҳкамланган. Юқорида айтиб ўтилган функция билан қонун ҳужжатлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари сирасига киритилган божхона

органларининг мавқеи ҳам белгилаб берилган, бу, шубҳасиз, ўз функционал вазифаларини ҳал этишда божхона органларининг ҳуқуқини кенгайтиради.

Божхона органлари божхона билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши кураш вазифасини ҳал этиб, божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилишига барҳам бериш мақсадида ҳуқуқий мажбурлаш, санкция усулларини қўлладилар.

Божхона билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти Ўзбекистон Республикаси Божхона ёдексининг IX ва X бўлимлари қоидалари билан қонуний тартибга солинади. Ушбу қоидалар асосида божхона ҳақидаги қонунлар бузилганлиги учун таъсир қўрсатиш чораларига тегишли масалалар бўйича норматив база шаклланади.

Божхона кодексида божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тушунчасига кенг изоҳ берилган. У 129-моддада келтирилган. Ушбу моддага мувофиқ Божхона ёдексида ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган божхона қоидаларига айбли ғайрихуқуқий риоя этмаслик божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши деб ҳисобланади.

Божхона кодекси, «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни, Ўзбекистон Республикасининг божхона иши тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан белгиланган Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларининг божхона назорати ва божхона расмийлаштируви (шу жумладан божхона режимлари) тартибга, божхона тўловларини тўлашга, божхона имтиёzlари бериш ва улардан фойдаланишига тажовуз қилувчи шахсларнинг ҳуқуқقا зид тусдаги хаттиҳаракати ёхуд харакатсизлигидир. Бунинг учун (яъни уларнинг ҳуқуқقا зид хатти-харакати ёки харакатсизлиги учун) Божхона кодексида жавобгарлик назарда тутилган.

Жавобгарлик субъектлари. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилганлиги учун жавобгарлик субъектларини аниқлашда шуни назарда тутиш керакки, қуйидаги Ўзбекистон Республикаси шахслари ҳам, хорижий шахслар ҳам маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин:

- а) фуқаролар (улар ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтда ўн олти ёшга тўлганда);
- б) мансабдор шахслар (агар улар ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда уларнинг хизмат вазифаларига Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг божхона иши бўйича қонун ҳужжатлари талаблари бажарилишини таъминлаш кирса);
- в) юридик шахслар (мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхоналар, ташкилотлар, муассасалар);
- г) юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 15-бўлими 134-172-моддаларида божхона ҳақидаги қонунлар бузилиши турлари ва улар бузилганлиги учун жавобгарлик белгиланган.

Фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузган фуқаролар ва мансабдор шахслар маъмурий жавобгар бўладилар, уларнинг қилмишларида жиноят аломатлари бўлган тақдирда эса, жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Хуқуқни бузувчи (жисмоний шахс) билан божхона органи (юридик шахс) ўртасида ўзаро муносабатлар пайдо бўлганда, хуқуқ бузиш мавзуси эса фуқарога тегишли товар бўлганда божхона қоидаларининг бузилиши фуқаро томонидан содир этилган деб тавсифланади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилганлиги учун шахслардан божхона органи томонидан фаолиятининг муайян турини амалга ошириш учун берилган лицензия ёки малака атtestати чақириб олиниши мумкин.

Мансабдор шахслар, агар улар томонидан хуқуқни бузиш содир этилиши пайтида Божхона кодекси, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар бажарилишини таъминлаш ходимнинг хизмат мажбуриятларига кирса, божхона қоидалари бузилганлиги учун жавоб беради.

Юридик шахслар ва юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан Божхона кодексининг 134-172-моддаларида назарда тутилган божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилганлиги учун жарималар, божхона органи томонидан фаолиятнинг муайян турини амалга ошириш учун берилаган лицензия ёки малака атtestатини чақириб олиш, божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши воситалари ёки бевосита ашёси ҳисобланган товарлар ва транспорт воситалари мусодара қилиш чоралари қўлланилади.

Корхоналар ва ташкилотлар ходимлари томонидан улар ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида содир этилган божхонага оид қонун ҳужжатларининг бузилиши, яъни корхона ёки фуқаро (юкни оловчи, жўнатувчи, ташувчи, сақловчи)нинг иши билан боғлиқ ҳамда уларнинг манфаатлари йўлида ва товарлари билан содир этилган хатти-ҳаракат корхона ва ташкилот (юридик шахс) томонидан содир этилган божхона қоидаларининг бузилиши сифатида тавсифланади. Ушбу ҳолда юридик шахслар сифатида божхона органи билан корхона, ташкилот ўртасида ўзаро муносабат пайдо бўлади.

Корхона, ташкилот ёки фуқарога қарашли бўлган товар қонунни бузиш ашёси ҳисобланади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганшахслардан товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиш имконияти бўлмаган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда уларнинг қиймати ундирилади.

Юридик шахсларни жавобгарликка тортиш уларнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларини улар божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарликдан озод этмайди.

Юридик шахснинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларини контрабанда учун ҳамда божхона иши соҳасида бошқа жиноятларни содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш юридик шахсни божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қуидаги жазолар берилади. (БК-нинг 132-моддасига мувофиқ):

1. Жарима. Жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Товарлар ва транспорт воситаларининг қийматидан келиб чиқиб ҳисобланадиган жарима кўринишидаги жазони белгилашда ана шу нарсалар қиймати деганда ҳуқуқбузарлик аниқланган кунда уларнинг эркин (бозор) нархи тушунилади.

2. Божхона кодексида назарда тутилган айрим фаолият турларини амалга ошириш учун божхона органи томонидан **берилган лицензияни ёки малака аттестатини чàқериб олиш.** Лицензия ёки малака аттестатини чақириб олиш божхона омборлари, божсиз савдо дўконлари, эркин омборлар, вақтинча сақлаш омборларига, шунингдек божхона брокери, божхона ташувчисига ёки божхона расмийлаштируви мутахассисига улар томонидан божхона қоидалари бузилганлиги учун, агар ушбу ҳуқуқбузарликлар қўрсатиб ўтилган шахслар томонидан лицензия ёки малака аттестати билан назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш муносабати билан содир этилган бўлса, қ’ланилиши мумкин.

3. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилишини содир этиш қуроли ёки бевосита ашёси ҳисобланган **товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиш.**

Мусодара қилиши - божхона қоидалари бузилиши обьекти ҳисобланган товарлар ва транспорт воситаларининг давлат мулкига мажбурий текинга олиб қўйилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жарима асосий жазо сифатида қўлланилади, БК нинг 132-моддаси 2 ва 3-бандларида назарда тутилган жазолар эса, ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо сифатида қўлланилиши мумкин.

Юридик шахс ёки юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс томонидан божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бир неча марта бузилса, ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида жазо берилади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жазо берилиши жавобгарликка тортилаётган шахсларни бож т’ловларини тўлаш ва Божхона ёдексида назарда тутилган бошқа талабларни бажариш мажбуриятидан озод этмайди.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жазо белгилаш муддатлари. Божхона органи томонидан муайян фаолият турларини амалга ошириш учун берилган лицензия ёки малака аттестатини қайташиб олиш ҳамда жарима кўринишида жазо белгилаш божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолати аниқланган кундан бошлаб олти ойдан

кечикирмай, лекин у содир этилган кундан бошлаб уч йилдан кечикирмай, бюджетга божхона тўловларини тўламаслик билан боғлик ишлар бўйича - беш йилдан кечикирмай қўлланиши мумкин.

Товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиш кўринишидаги жазо божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш содир этилган ёки аниқланган вақтдан ҳамда у асосий ёки қўшимча жазо эканлигидан қатъи назар қўлланилади.

Товарлар ва транспорт воситаларини ғайриқонуний олиб ўтиш куни деб уларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ҳақиқатда олиб ўтилган кун ҳисобланади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни юритиш божхона органлирининг мансабдор шахслари томонидан Божхона кодексига мувофиқ, Кодексда тартибга солинмаган ҳолларда эса маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишларни юритиш божхона қоидалари бузилганлиги тўғрисида баённома тузилишидан бошланади.

Божхона органи мансабдор шахси томонидан божхона қоидалари бузилганлиги белгилари аниқланиши божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳақида иш юритилишига асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 262-моддасига мувофиқ (кейинги ўринларда ЎзР МЖК деб аталади), ЎзР МЖКнинг 227-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар божхона органларига тегишлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш **вазифалари** қўйидагилар ҳисобланади: ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўлиқ ва холис аниқлаш, уни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этиш,чиқарилган қарор ижро этилишини таъминланш, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва унга кўмаклашувчи шартшароитларини аниқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларни Конституцияга ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш, қонунчиликни мустаҳкамлаш.

Божона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги ишларни юритиш қўйидаги **босқичлардан** иборат бўлади:

- божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилишини аниқлаш ва ўларга барҳам бериш, бирламчи материалларни, ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни текшириш, аниқланган факт ва ҳуқуқ бузиш ҳолатлари, ҳуқуқ бузувчининг шахсини аниқлаш, исботлар тўплаш ва текшириш бўйича процессуал ҳарактларни юритиш, текшириш материалларини қўриб чиқиш ва унинг натижалари бўйича қарор қабул қилиш;

-иш материалларини қўриб чиқишга тайёрлаш;

-божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш;

-божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги ишлар бўйича қарорлар ижроси;

-хуқуқ бузишларнинг олдини олиш бўйича таклифлар, ахборот ва хабарлар киритиш, улар содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шартшароитларни бартараф этиш ҳамда тартибга солишининг бошқа чоратадбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 276-моддасига мувофиқ маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансадор шахслар) шу маълумотларга асосланиб маъмурий хуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айборлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлади.

Бу маълумотлар қўйидаги воситалар: божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари тўғрисидаги баённома, жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушуниришлари, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатілари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги тузилган баённома, шунингдек бошқа материаллар билан белгиланади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни божхона органининг мансабдор шахси хуқуқбузарлик аниқланган жойда ёки юқори божхона органининг рухсати билан - хуқуқбузарлик содир этилган жойда юритади.

Божхона қоидалари бузилиши тўғрисидаги ишларни юритиш учун бир божхона органидан бошқасига бериш масалалари улар учун юқори турувчи Ўзбекистон Республикаси божхона органи томонидан ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг юқори турувчи божхона органи божхона қоидалари бузилиши тўғрисидаги ҳар қандай ишини юритиш учун ўзига қабул қилишини ёки уни ушбу мақсадлар учун Ўзбекистон Республикасининг исталган қўйи божхона органларига бериши мумкин.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни юритиш у бошланган кундан эътиборан бир ой муддатдан кечикмай тугалланиши лозим.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни юритиш муддати зарур ҳолларда божхона органининг бошлиғи томонидан юридик шахсларга ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тўрт ойгача узайтирилишимумкин (ЎзР Божхона кодексининг 175-моддаси).

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши тўғрисидаги ишлар давлат тили ёки ушбу жойдаги кўпчилик аҳоли тилида юритилади. Ишда иштирок этувчи, иш юритилаётган тилни билмайдиган шахслар учун иш материаллари билан тўлиқ танишиш ва уни кўриб чиқишида таржимон орқали иш билан мазмунан танишиш, шунингдек она тилида сўзга чиқиш хуқуки таъминланади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш материалларида мавжуд бўлган маълумотлар иш кўриб чиқилгунга қадар ошкор қилинмайди.

Божхона текшируви ўтказилишда қатнашаётган шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади.

Божхона ҳақидаги қонунлар бузилиши тўғрисидаги ишларни юритишида божхона органларини мансабдор шахсининг қарори билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспертиза тайинланиши мумкин.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги ишни юритаётган божхона органининг мансабдор шахси қарор асосида ва гувоҳлар, зарур ҳолларда эса мутахассислар иштирокида товарлар ва бошқа буюмларнинг намуналари ва нусхаларини олиш, шунингдек экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган имзолар, дасхатлар, намуналарни олишга ҳақлидир.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши тўғрисидаги ишни юритишида қатнашувчи шахслар. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши тўғрисидаги ишни юритиши жавобгарликка тортилувчи шахсдан ташқари, унинг вакили, адвокати, эксперт, мутахассис, таржимон, гувоҳ, холис, қатнашилари мумкин.

БК нинг 184-моддаси, МЖК нинг 271-моддасиёà áожхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни юритишида шахсларнинг иштирок этишини истисно қилувчи ҳолатлар белгилаб қўйилган.

Агар ишнинг натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфатдор бўлсалар, божхона органинг мансабдор шахси божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни юритиши, эксперт, мутахассис, таржимон, холис эса ишни юритишида иштирок этиши мумкин эмас. Бу ҳолда божхона органинг мансабдор шахси, эксперт, мутахассис, таржимон, холис ўзини ўзи рад этиши шарт, жавобгарликка тортилаётган шахс, унинг вакили адвокат эса бу шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рад қилишилари мумкин.

Эксперт, мутахассис, таржимоннинг ўз касбига нолойиқлиги аён бўлиб қолса, улар ҳам рад қилиниши лозим.

Рад қилиш тўғрисида ариза бериш ишни юритиши тўхтатиб қўймайди.

БК нинг 185-моддаси, МЖК нинг 301-моддасига биноан божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларин бузганлик тўғрисидаги иш бўйича чиқимларга бағишлиланган божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича чиқимлар қўйидагилардан иборат:

гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, холисларга тўланадиган суммалар;

текширув ва инвентарлаш муносабати билан сарфланган суммалар;

далилларни сақлаш, ташиш (жўнатиш) ва текшириш учун сарфланган суммалар;

ишни юритиши ва кўриш муносабати билан божхона органи қилган бошқа харажатлар.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича чиқимлар жазҳо бериш тўғрисидаги қарор кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахс зиммасига юкланади. Агар божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича бир нечта шахсга жазо

берилган бўлса, ишни қўраётган божхона органининг мансабдор шахси уларнинг ҳар бири зиммасига юкланадиган чиқимлар ми³ёрини аниқлади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни юритиш тўхтатилган тақдирда, юзага келган чиқимлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилши лозим.

Ўзбекистон Республикаси БК нинг 186-моддасига мувофиқ божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишлар:

- агар жазо чораси тариқасида жарима, лицензияни ёки малака аттестатни чақириб олиш чораси, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган алоҳида ҳолларда товарларни мусодара қилиш чораси қўлланилса, божхона органи томонидан кўрилади.

МЖК нинг 27-моддаси биринчи қисми билан экспорт қилинши ман этилган буюмлар ва маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетилаётган ҳолларда уларни мусодара қилиши ҳуқуқи божхона органига берилганлиги белгиланган;

- агар асосий ёки қўшимча жазо чораси тариқасида товарларни ва транспорт воситаларини мусодара қилиш назарда тутилса, тегишли божхона органи жойлашган жойдаги суд томонидан кўрилади. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриш ва божхона органлари номидан жазоларни қўллашга божхона органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари (Қорақалпоғистоон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри давлат божхона қўмитаси бошқармалари ва «Тошкент-Аэро» бошлиқлари) ҳақлидир.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши.

МЖК нинг 303-моддасига мувофиқ орган (mansabdar shahs) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишига тайёрлаш пайтида қуидаги масалаларни ҳал этиши керак:

- ёзкур ишни кўриб чиқиши унинг ваколатига тегишлилиги. Жумладан божхона органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) МЖК нинг 227-моддасига мувофиқ, шунингдек божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилганлиги учун Божхона кодексининг 134-172-моддалари бўйича жарима кўринишидаги жазо қўлланган, лицензия ёки малака атестати чақириб олинган, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган истисно ҳолларда товарлар мусодара қилинган тақдирда ЎзР МЖК 262-моддасига мувофиқ қонун бузилишлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади ва улар бўйича маъмурий жазо қўллайди. Божхона органига қарашли бўлмаган материаллар тақдим этилган тақдирда улар расмийлаштирилганидан кейин (тўпланган материаллар тўғрилигини, ашёвий далиллар ишга тегишли бўлган буюмларни текшириш) бир кечакундузда тегишли органга юборилади.

Божхона органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузишда ЎзР МЖКнинг 279, 280, 281-моддалари талабларига риоя қилинганлиги ва материаллар тўғри расмийлаштирилганлиги ўзинч ҳосил қилиниши керак;

- ҳуқуқ бузувчининг қилмиши тўғри талқин қилинганлиги; божхона ҳақидаги қонунлар бузилиш содир этилишида унинг айби мавжудлиги ва далилларнинг тўлиқлиги.

Зарур ҳолларда божхона органининг мансабдор шахси бошлиқнинг кўрсатмасига кўра ёки ҳуқуқ бузувчининг, жабрланувчи ёки гувоҳнинг илтимоси билан иш холис кўриб чиқилиши учун кўриб чиқилаётган ишга тегишли бўлган қўшимча маълумотларни ёки бошқа материалларни (исботларни) талаб қилиб олиши керак, у иш бўйича қарор қабул қилиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар борилиги ишонч ҳосил қилиши керак.

Божхона органи бошлиғи (ўринбосари) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиша уларни расмийлаштиришда ёки уларни кўриб чиқишига тайёрлаш жараёнида ҳуқуқ бузувчи, жабрланувчи, қонуний вакил ёки адвокат томонидан илтимоснома берилган-берилмаганлигини, илтимоснома қондирилганлиги ёки йўқлигини, агар қондирилмаган бўлса, нима сабабдан қондирилмаганлигини аниқлаши керак.

Божхона органи бошлиғи (ўринбосари) санаб ўтилган масалалардан ташқари, маъмурий жазони қўллаш муддатига риоя қилиниши масаласини аниқлаши зарур.

Ўзбекистон Республикаси МЖКнинг 304-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш у содир этилган жой бўйича кўриб чиқилади, бу божхона органларига тегишли бўлган барча ишларга ҳам тўлиқ таалёуқлидир.

Ишни кўриб чиқиш мазкур ишни кўриб чиқаётган мансабдор шахсни таништиришдан бошланади (МЖК нинг 306-моддаси), яъни раҳбар ишни кўриб чиқиш қатнашчиларига ўз мансабини, фамилиясини ва қайси иш кўриб чиқилиши кераклигини, маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганлигини эълон қилади, кўриб чиқиша қатнашаётган шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради. (МЖК нинг 294-302-моддалари), маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ўқиб беради. Ҳуқуқ бузувчининг, гувоҳнинг, жабрланувчининг, адвокатнинг ва ишни кўриб чиқиша қатнашувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришлари эшитилади, исботлар текширлади, илтимосномалар ҳал этилади. Қоидага кўра материалларни кўриб чиқиша текширишни амалга оширган, ҳуқуқ бузилишини аниқлаган ва маъмурий ҳуқуқ бузилиши тўғрисида ҳужжат ёки баённома тузган мансабдор шахс ҳозир бўлиши керак.

ЎР МЖК 307-моддаси талабларига мувофиқ, орган (mansabdar shahs) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиша қуйидагиларни аниқлашга мажбурдир:

а) маъмурий божхона ҳуқуқбузарлиги содир этилганми ёки йўқ, яъни мазкур шахснинг қилмишида Божхона кодексининг 129-моддасида белгиланган божхона ҳуқуқини бузиши тушунчаси остига тушувчи белги мавжудми ёки йўқ. Ундан ташқари, ҳуқуқни бузиш қасдан (МЖК нинг 11-моддасига) ёки эҳтиётсизлик туфайли (МЖК нинг 12-моддаси) содир этилганлиги аниқлаши керак;

б) божхона ҳуқуқни бузиши содир этилган вақт ва жой, яъни қонун ҳужжатларида белгиланган (ЎР БК нинг 133, 175-моддалари) материални

расмийлаштириш муддатларига риоя қилинганми, ҳуқуқни бузиш содир этилиш ва жавобгарликка тортиш муддати тамом бўлганми;

в) мазкур шахс у содир этилишида айборми, у маъмурий жавобгарликка тортилиши керакми, яъни ЎР МЖК нинг 13, 14, 15, 16, 17-моддалари ва ЎР БК нинг 130-131-моддалари талабларига риоя қилинганми.

Агар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилса, қўйидагиларни аниқлаш зарур:

биринчидан, бузилиш дъяво қилинаётган бузилиш унинг функционал вазифалари бузилиши, унинг ёки бу ҳисобот (молия) ҳамда товар-транспорт хужжатларини расмийлаштириш ва имзолашда ваколатини бузиш ҳисобланадими;

иккинчидан, жавобгарликка тортилаётган шахс ҳалқ депутатлари туман, шаҳар, вилоят кенгашининг депутати ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати эмасми.

Изоҳ. «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида» 1995 йил 6 майдаги Ўзбекистон Республикаси ғонуни билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, шунингдек туман, вилоят ва шаҳар кенгаси депутатларини маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортишининг алоҳида мақоми ва тартиби белгиланган.

Агар ҳуқуқни бузувчи интизомий Уставнинг амал қилиши татбиқ этиладиган ҳарбий хизматчи ёки бошқа шахс эканлиги аниқланса, маъмурий таъсир кўрсатиш чоралари ЎР МЖК нинг 16-моддаси талабларига мувофиқ кўрилади.

Изоҳ. «Бошқа шахслар» деганда ИИВ ходимлари (милиция, ёнгиндан сақлаш, жазонинг ижро этилиши муассалари ходимлари), МХХ, Прокуратура, божхона органлари ходимлари ва бошқалар тушунилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар МЖК нинг 17-моддасига мувофиқ умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилиши керак.

Иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан маъмурий жазо Ўзбекистон Республикаси қатнашчиси ҳисобланган ҳалқаро шартномалар ва битимларга зид бўлмаган ҳолатларда қўлланилади.

Изоҳ. Фуқаронинг хорижий давлатга тегишилилиги паспорт бўйича, фуқаролиги бўлмаган шахснинг тегишилилиги эса яшаши гувоҳномаси бўйича аниқланади.

а) ЎР МЖК нинг 31 ва 32-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжудми.

Агар МЖК нинг 32-моддасида маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларнинг батафсил рўйхати берилса, МЖК нинг 31-моддасида қонуншунос маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи (mansabdar shahs)ga моддада санаб ўтиладиганлардан ташқари бошқа ҳолатларни (масалан, ҳуқуқни бузиш биринчи марта содир этилиши, оғир моддий аҳволи ва бошқалар) енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаш ҳуқуқини беради;

б) Мулкий зарар етказилганми: божхона органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) иш материалларини кўриб чиқишида мулкий зарар етказилмаганлигини аниқлаши керак. Агар етказилган бўлса кимга ва қанча миқдорда етказилганлиги, уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплаш имкониятини аниқлаши керак. Жумладан, МЖК нинг 227-моддаси бўйича материалларни кўриб чиқишида солиқлар ва бошқа бож тўловлари тўғри хисоблаб чиқилганлиги ва уларнинг ундирилганлиги текширилади;

в) ёшни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар.

ЎР БК нинг 188-моддасига мувофиқ божхона органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, қўйидаги қарорлардан бирини чиқаради:

жарима солиш тўғрисида;

иш юритишни тугатиш тўғрисида;

жиноят ишини қўзғатиш ва суриштирув ўтказиш тўғрисида;

хуқуқбузарликлар тўғрисидаги материалларни тегишли идоралар бўйича юбориш тўғрисида;

ишни қўшимча равишда текшириш учун қайтариш тўғрисида.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузганлик тўғрисидаги иш бўйича қарорда қўйидагилар кўрсатилиши керак: қарор чиқарган божхона органининг номи, мансабдор шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, иш кўриладиган сана; иши кўрилаётган шахсга доир маълумотлар, ишни кўриш вақтида аниқланган ҳолатлар баёни; божхона ҳақидаги қонунлар бузилиши содир этилганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёрий ҳужжатлар (БК, МЖК моддалари, Президент Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари), иш бўйича қабул қилинган қарор, қарор устидан шикоят қилиш муддатлари ва тартибга доир маълумотлар. Пул жаримаси солишда сумма қарор қабул қилган бевосита раҳбар томонидан ёзув билан ёзилади. Тузатиш, ўчириш, тозалаш ва ҳоказолар йўл қўйилмайди.

Иш бўйича қарорда олиб қўйилган ашёлар ва ҳужжатлар тўғрисидаги, шунингдек ушланган транспорт воситалари ҳақидаги масала ҳал этилиши керак.

Қарорга божхона органи бошлиғи (ўринбосари) имзо чекади ва гербли мухр билан тасдиқланади.

Божхона органи бошлиғи (унинг ўринбосари) Ўзбекистон Республикаси МЖК 271-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирдагина ишни юритишни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Бунда қарорда мазкур модда ва қўлланилган меъёрий ҳужжатнинг тегишли бандига ҳавола қилинган ҳолда ишни юритиш тўхтатилганлиги тўғрисида батафсил ёзув қайд этилади.

Маъмурий (божхона) хукуқини бузиши тўғрисидаги иш бўйича қарор ишни кўриб чиқиш тамом бўлгач дарҳол эълон қилинади. Хукуқни бузувчи у қайси божхона хукуқини бузгани учун ЎР БК нинг 132-моддасида назарда тутилган жазога дучор қилинаётганлигини аниқ билиши керак. Қарор нусхаси уч кун ичидаги унга нисбатан қарор чиқарилган шахсга, шунингдек унинг илтимосига кўра жабрланувчига топширилади ёки юборилади. Қарор нусхаси

тилхат остида топширилади, агар у жўнатилса, бу ҳақда ишда тегишли ёзув қайд этилади. Маъмурий жазо қўлланилиши жавобгарликка тортилувчи шахсни бож туловларини тўлаш мажбуриятидан ва Божхона кодексида назарда тутилган бошқа талабларни бажаришдан озод қилмайди.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича қарор устидан өёён юқори турувчи божхона органига (мансабдор шахсга) ёки божхона органи жойлашган ердаги судга ўн кун муддатда берилиши мумкин.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича қарор чиқарган божхона органи орқали берилган шикоят уч сутка ичida тегишлича юқори турувчи органига ёки судга юборилади.

Божхона ҳақидаги қонунлар бузёлганлиги тўғрисидаги иш бўйича прокурор томонидан қарорга протест келтирилиши мумкин (ЎР МЖК нинг 317-моддаси) «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ (25-модда), протест орган (мансабдор шахс)га келиб тушган пайтдан бошлаб ўн кун муддатда кўриб чиқилиши керак. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида зудлик билан прокурорга ёзма шаклда маълум қилинади. Протест рад этилган тақдирда қарор чиқарган божхона органининг мансабдор шахси уни тегишли меъёрий ҳужжатга ҳавола қилган ҳолда асослаши керак.

Белгиланган муддатда шикоят бериш ёки прокурор томонидан протест келтириш маъмурий (божхона) ҳуқуқни бузиш тўғрисидаги қарорнинг ижросини, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса шикоят ёки протест кўриб чиқулгунга қадар тўхтатиб қўяди (БК нинг 189-моддаси).

Юқори турувчи божхона органи бошлиғи божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарор устидан берилган шикоятни ёки прокурорнинг протестини кўриш вақтида қуидаги ҳал қилув қарорларидан бирини қабул қиласди:

- а) ³арорни ўзгаришсиз қолдиради, шикоят ёки протестни эса қаноатлантирумайди;
- б) қарорни бекор қиласди ва ишни янгидан кўриш учун юборади;
- в) қарорни бекор қиласди ва иш юритишни тугатади;
- г) божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жазо чорасини кучайтирган ҳолда уни Ўзбекистон Республикасининг Божхона ғодексида назарда тутилган доирада ўзгартиради.

Божхона органи ҳал қилув қарори қарор шаклида расмийлаштирилади. Қарор нусхаси уч кун ичida манфаатдор шахсга юборилади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарорни бекор қилиш ёки ўзгартиришга қўйидагилар (Ўзбекистон Республикаси БКнинг 191-моддаси) асос бўлади:

- а) ишнинг мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилишнинг тўлиқ эмаслиги ёки бир хил эмаслиги, яъни ишни бирламчи кўриб чиқишида содир этилган ҳуқуқни бузишнинг барча ҳолатлари ўрганилмаган, иш бўйича асосли илтимосномалар ва исботлар ҳисобга олинмаганлиги ва бошқалар;

б) мансабдор шахс (орган бошлиғи ёки унинг ўринбосари)нинг қарори билан МЖК, БК маҳсус қисмлари ва маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи бошқа номатив ҳужжатлари нормалари, ишнинг ҳақиқий ҳолатлари ўртасидаги номувофиқлик, яъни чиқарилган қарорда маъмурий жазо чораси ушбу үзбекни бузиш учун назарда тутилган тегишли модда санкциялари доирасида бўлиши керак. Агар икки ёки ундан ортиқ ҳуқуқни бузишнинг жами бўйича қабул қилинган бўлса, у ҳолода у МЖК нинг 34-моддаси талабларига мувофиқ бўлиши керак;

в) жазо қўллашнинг қонунчилиқда белгиланган тартиби бузилиши, яъни божхона ҳақидаги қонунлар бузилганлиги тўғрисидаги ишни юритиш қоидаларининг жиддий равишда бузилиши, жумладан, кўриб чиқиш муддатларига риоя қилинмаган, белгиланмаган шаклда баённома тузилган ва қарор чиқарилган, ишни кўриб чиқиш қатнашчиларининг тушунтиришлари, ашёвий далилларни рамийлаштиришга қўйида кўйиладиган қоидалар ва талабларга риоя қилинмаган, таржимон билан таъминланмаганлиги (зарурат бўлганда) ва Божхона кодексининг XVI бобида ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг XXIII бобида назарда тутилган бошқа талабларга риоя этилмаганлиги.

Изоҳ. Агар фуқаронинг шикоятини ёки прокурорнинг протестини кўриб чиқшида қонуннинг аниқ бузилганлиги, айбизз шахснинг маъмурий жавобгарликка тортилганлиги, божхона органлари ходимлари томонидан ўз ваколатлари ошириб юборилганлиги бакти аниқланса, шикоят ёки прокурорнинг прітестини кўриб чиқсан раҳбар уларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиши керак.

Юқори божхона органи бошлиғи маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарорга шикоят ёки прокурор протести юзасидан қарор қабул қиласди, унда у чиқарилган вақт ва жой, шикоят ёки протестни кўриб чиқувчи мансабдор шахс, прокурор ва бошқа қатнашувчи шахслар; шикоят берган шахс ёки протест келтирган прокурор; маъмурий (божхона) ҳуқуқини бузиши тўғрисидаги иш бўйича шикоят берилган ёки протест бўйича чиқарилган қарор ва ҳал қилув қарорининг асосланиши ётада (меъёрий ҳужжатга ҳавола қилган ҳолда қандай қабул қилинганлиги, ушбу қарорнинг ким бажариши кераклиги аниқ кўрсатилган ҳолда). Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги қарор бўйича шикоят ёки протест юзасидан қарор нусбаси уч кун муддатда унга нисбатан ушбу қарор чиқарилган шахсга, жабрланувчига унинг илтимоийга кўра юборилади. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида прокурорга ёзма равища маълум қилинади.

Божхона кодексининг 191-моддасига мувофиқ аожхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарори бекор қилиёб, иш юритишнинг тугатилиши унлирилган пул суммаларининг, олиб кўйилган ва мусодара қилинган ашёларнинг қайтарилишига, шунингдек аввал қабул қилинган қарор билан боғлиқ бошқа чеклашлар бекор қилинишига олиб келади. Буюмни қайтаришнинг имкони бўлмаган тақдирда, унинг қиймати қопланади, шунингдек, агар мазкур буюмлар тадбиркорлик учун

мўлжалланган бўлса, бой берилган фойда қайтарилади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 10, 14, 15-моддаларига мувофиқ).

Божхона органларининг жарима солиш тўғрисидаги қарорёни ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 193-198-моддалари (XI бўлим) талабларига мувофиқ амалга оширилади.

3§. Божхонанинг суриштирув органлари

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 38-моддасига мувофиқ божхона органлари суриштирув органи ҳисобланади.

Жиноий ишлар бўйича суриштирув, дастлабки тергов учун амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ва қоидалар асосида амалга оширилади.

Божхона органи инспектор-суриштирувчиларининг процессуал фаолияти суриштирув органининг бошлиғи ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан бевосита назорат қилинади.

Суриштирув божхона органи бошлиғи (ўринбосари) томонидан ёки уларнинг топшириғига кўра божхона органининг мансабдор ходимлари томонидан олиб борилади.

Нуриштирув олиб борадиган мансабдор шахс қабул қиласидаги қарорлар, суриштирув органи бошлиғи (ўринбосари) томонидан тасдиқланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Іеноят-процессуал кодекси 339-моддасига мувофиқ:

суриштирувнинг вазифаларини, яъни жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва саклаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширган гумон қилинувчиларни ҳамда айланувчиларни қидириб топиш, жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш учун кечикириб бўлмайдиган тергов харакатларини юритишдан иборат.

Суриштирув органларига жиноятни ва уни содир этган шахсларни аниқлаш, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодекси билан белгиланган қоидаларга мувофиқ улар текширилгандан кейин жиноий иш бўйича исбот сифатида фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техник воситалардан фойдаланган ҳолда зарур чоратадбирлар кўриш вазифаси юклатилган. Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодекси 38-моддаси 8-бандига кўра божхона органлари божхонага доир қонун ҳужжатларини бузганлик билан боғлиқ ишлар бўйича, яъни Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси 182 ва 246-моддаларида назарда тутилган жиноятлар бўйича суриштирув олиб борадилар.

Ўзбекистон Республикаси Іеноят кодекси 182 ва 246-моддалари бўйича жиноий жавобгарликни назарда тутувчи жиноят белгисига эга бўлган ҳукуқ бузилишини аниқлаб, бошлиқ (суриштирув органининг бошлиғи ёки ўринбосари, суриштирувчи) Ўзбекистон Республикаси Іеноят-процессуал кодекси 39, 329, 330-моддаларига мувофиқ белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказади (дарҳол) ва қуйидагилар ҳақида қарор қабул қиласиди:

- а) жиноий иш қўзғатиш;

- б) ишни қўзғатишни рад қилиш ҳақида;
- в) ариза ёки хабарни терговга тегишлигига қараб юбориш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Іеноят-процессуал кодекси 329-моддасига кўра, жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол ёки уч суткадан кечиктирмасдан, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёки суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда, ўн суткадан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши лозим.

Конун хужжатларида барча жиноятлар бўйича суриштирув олиб бориш мажбурийлиги белгиланган.

Жиноят мавжуд бўлган тақдирда суриштирув органи жиноят иши қўзғатади ва Ўзбекистон Республикаси Іеноят-процессуал кодексига амал қилган ҳолда жиноятларни аниқлаш, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш, жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини амалга оширади:

Гумондорни сўроқ қилиш (ЖПКнинг 109-113-моддалари талабларини бажарган ҳолда), юзлаштириш (ЖПКнинг 122-124-моддалари талабларини бажарган ҳолда), кўздан кечириш (ЖПКнинг 135-137, 139-141-моддалари талабларини бажарган ҳолда), гувоҳлантириш (ЖПКнинг 142-147-моддалари талабларини бажарган ҳолда), олиб қўйиш ва тинтуб (ЖПКнинг 157-163-моддалари талабларини бажарган ҳолда), почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш (ЖПКнинг 167-моддаси талабларини бажарган ҳолда), телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшишиб туриш асослари (ЖПКнинг 169-моддаси талабларини бажарган ҳолда), - зарурият ҳолларида экспертиза тайинлаш ишлари амалга оширилади.

Суриштирувчи жиноят иши қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қиласди, қарор божхона органи бошлиғи (ўринбосари) томонидан тасдиқланади ва иши юритувига қабул қилёди, зудлик билан прокурор хабардор қилинади (қарор нусхаси юборилади).

Жиноят иши бўйича суриштирув 10 суткадан ортиқ бўлмаган муддатда тамомланиши керак (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 341-моддаси).

Суриштирувни тамомлаш

Суриштирув жиноят ишини терговчига ўтказиш билан тамомланади. Ёйидаги ҳолларда суриштирув юритиш муддати ўтишини кутмасдан, суриштирувчи ишни дарҳол терговчига ўтказиши лозим, башарти;

- 1) оғир ёки ўта оғир жиноят аниқланган бўлса;
- 2) муайян шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун асослар аниқланган бўлса;

- 3) ишни тугатиш учун асослар аниқланган бўлса;
- 4) терговчи ишнинг ўз юритувига берилишини талаб қилган бўлса.

Суриштирувчи ишни терговчига ўтказиш ҳақида қарор чиқаради.

Жиноят иши берилиши тўғрисида суриштирувчи божхона органи бошлиғи (ўринбосари) томонидан тасдиқланган қарор чиқаради ва жиноят иши прокурорга ёки унинг кўрсатмаси билан тергов органига топширади.

Терговчининг тергов ва қидирав ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги топшириқларини суриштирувчи терговчининг ижро этиш шартлари, тартиби ва муддатлари хусусида кўрсатмаларига мувофиқ бажариши шарт.

Терговчи ўзининг барча топшириклари, кўрсатма ва талабларини суриштирувчига суриштирув органининг бошлиғи орқали юборади.

Суриштирув органи бошлиғининг топшириғига биноан ва унинг раҳбарлигига ишлаётган суриштирувчи иш бўйича ушбу Кодекснинг 339-моддасида назарда тутилган вазифаларни бажариш учун зарур, кечиктириб бўлмайдиган барча тергов ҳаракатларини амалга ошириши шарт.

Суриштирувчи зиммасига, шунингдек терговчи юритаётган иш бўйича унинг айrim тергов ва қидирав ҳаракатларини ўтказиш тўғрисидаги топшириқларини бажариш ҳамда терговчига унинг тергов ҳаракатларини бажаришида кўмаклашиш мажбурияти юклатилади.

Суриштирувни амалга ошираётганда, худди шунингдек терговчининг топшириғини бажараётганда суриштирувчи дастлабки тергов ўтказиш учун белгиланган қоидаларга амал қилиб, тергов ҳаракатлари олиб боради ва қарорлар чиқаради. Суриштирув органининг бошлиғи ҳам, башарти у суриштирувчининг вазифаларини бажараётган бўлса, худди шу қоидаларга амал қиласди.

Суриштирувчининг қарори суриштирув органининг бошлиғи томонидан тасдиқланиши лозим. Суриштирув органи бошлиғининг ёзма кўрсатмаси суриштирувчи учун мажбурийдир. Суриштирувчи кўрсатмага норози бўлса, кўрсатмани бажаришни тўхтатмай туриб, бу кўрсатма устидан прокурорга шикоят қилишга ҳақлидир.

Прокурорнинг ёзма кўрсатмаси суриштирув органининг бошлиғи ва суриштирувчи учун мажбурийдир. Суриштирув органининг бошлиғи ва суриштирувчи прокурор кўрсатмасига рози бўлмаган тақдирда, кўрсатмани бажаришни тўхтатмай туриб, унинг устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилишга ҳақлидир.

4§. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик асослари

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш тушунчаси. Божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ва воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган

декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш:

а) кўп миқдорда;

б) хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса,-мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум билан жазоланади.

ўша ҳаракат:

а) жуда кўп миқдорда;

б) чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очикдан-очиқ ўтказиш йўли билан;

в) уюшган гурух томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса,-

мол-мулк мусодара қилиниб, саккиз йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Контрабанда (лотинча *contra - қарши, bando - ҳукумат фармони* сўзларидан олинган).

Контрабанда, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни, шунингдек гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш -

мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ядроий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишида фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни, шунингдек гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорларда контрабанда қилиш,-

мол-мулк мусодара қилиниб, ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жиноят кодексининг 182-моддаси бўйича божхона қонунларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик товар ёки бошқа қимматликлар Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан қонунга хилоф равища жуда кўп миқдорда ўтказилганда, шунингдек ушбу моддада қўрсатилган бошқа жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда юзага келади. Товар ёки бошқа қимматликларни божхона чегарасидан ўтказишнинг бошқа ҳолларида айбдор шахслар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 227-моддасига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади (божхона қонунларини бузиш).

Жиноят кодексенинг 246 ва 182-моддалари диспозициясида назарда тутилган ашёларни, товар ва бошқа қимматликларни божхона назоратини четлаб Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда уларни божхона органи бўлмаган жойдан ёки божхона расмийлаштируви ва назорати амалга ошириладиган вақтдан ташқари вақтда ўтказиш тушунилади.

Жиноят кодексининг 246 ва 182-моддалари диспозициясида назарда тутилган ашёларни, товар ва бошқа қимматликларни божхона назоратидан яшириб Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда уларни хуфя жойлардан ва топишни қийинлаштирадиган усуллардан фойдаланиб ёки бир тусдаги ашёга иккинчисининг кўринишини бериб ўтказиш тушунилади.

Махсус сақлаш жойлари деб хуфя жойларни, шунингдек контрабанда мақсадларида транспорт воситаларига олдиндан қайта ишланиб, йифилиб ва шунга ўхшаш йўллар билан жиҳозланган ва мослаштирилган конструктив сиғимли идишлар ва бошқа ашёлар ҳисобланади.

Хужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш деганда ашёларни, товар ва бошқа қимматликларни божхона чегарасидан ўтказиш учун асос тариқасида қалбаки ҳужжатларни, қонунга хилоф йўллар билан олинган ҳужжатларни ёбуд ёлғон маълумотлар ёзилган ҳужжатларни божхона назоратига тақдим этиш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси божхона қонунига мувофиқ божхона идентификация воситалари деганда сурғичлаш, муҳрлаш, рақамли, ҳарфли ва бошқача тамғалар, идентификация белгиларини қўйиш, штамплаш, намуна ва нусбалар олиш, товарларни, бошқа қимматликларни хатлаш, чизмалар тузиш, миқёсни тасвирлаш, фотосуратлар, расмларни тайёрлаш, товарлар билан бирга юбориладиган ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш ва ҳоказолар тушунилади.

Божхона идентификация воситаларидан алдаш йўли билан фойдаланиш деганда шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ёки ўзга давлатлар божхона органлари томонидан татбиқ этилган идентификация воситаларини ўзгартириши, йўқ қилиши, бузиши ёбуд йўқотиши билан боғлиқ ҳаракатлари тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексиниā 246-моддасида қайд қилинган контрабанда ашёларини ёбуд 182-моддасида кўрсатилган товар ва бошқа қимматликларни декларацияга киритмаслик ёки ўзгача ном билан декларацияга киритиш деганда шахсларнинг чегарадан ўтказилиши лозим бўлган контрабанда ашёларини ёхуд товар ёки бошқа қимматликларни декларация қилиш тартибини бузиши билан боғлиқ ҳаракатлари, яъни божхона қонунлари томонидан ўрнатилган декларация қилиш формаси ва жойи тўғрисидаги, уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги, декларация ва бошқа қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги талабларга риоя этмаслик, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган ёки унинг ҳудудидан олиб чиқилаётган контрабанда ашёлари, товар ва бошқа қимматликларнинг тuri, сони хусусида декларацияга сохта маълумотлар киритиш тушунилади.

Била туриб қалбаки ҳужжат тузган ёки ҳужжатга ёбуд била туриб олган қалбаки ҳужжатига сохта маълумотлар киритган ва уни божхона органлариға ҳақиқий ҳужжат сифатида тақдим этган шахс жиноятлар мажмуи бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 209 (іансаб сохтакорлиги) ва 228-(ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш) моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 182-моддаси 1-қисмининг "б" бандида назарда тутилган жиноятнинг субъекти чегарарада назорат функциясини амалга ошираётган мансабдор ва бошқа шахслар, шунингдек товар ва бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикаси чегарасидан қонунга хилоф равиша ўтказиш мақсадида ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилган шахслар ҳисобланади.

VIII боб. Тадбиркорлиқда ташқи иқтисодий алоқаларнинг хуқуқий қоидалари

1§. Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан ташқи иқтисодий фаолиятининг зарурати ва аҳамияти

Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан ташқи иқтисодий фаолияти хуқуқий асоси бўлиб савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ҳамкорлик тўғрисидаги халқаро шартномалар хизмат қилмоқда. Тадбиркорлик субъектларига, корхоналаримизга ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш хуқуқининг тақдим этилиши эса уларни чет эл давлатлари фирма ва компаниялари билан кооперация муносабатларини ўрнатишлари, қўшма корхоналар тузишлари, умуман, корхоналар ва тадбиркорлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини фаол ривожлантириш истиқболларини яратди.

Ўзбекистон халқаро иқтисодий ва молиявий тузилмалар - Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё ривожланиш банки, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотиларининг тенг хуқуқли аъзосидир, кўплаб чет эл давлатларининг компаниялари ва банклари билан бевосита савдо-иқтисодий соҳада ҳамкорлик ривожланиб бормоқда, Савдо ва тарифлар бўйича Бош битим (ГАТТ) ҳамда Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиш йўлида ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятида юзага келадиган ижтимоий муносабатлари халқаро оммавий хуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

Халқаро қўп томонлама шартномаларда савдо-иқтисодий соҳада ҳамкорликнинг асосий йўналишлари кўрсатилади. Масалан, МДГ давлатлари ўртасида 1994 йил 15 апрель Москва шаҳрида имзоланган Эркин иқтисодий зоналар тузиш тўғрисидаги Битим Аҳдлашувчи Давлатлар худудида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида товарлар, хизматлар, молиявий маблағларни эркин ҳаракатини халқаро хуқуқий нормалар билан тартибга солишни назарда тутади.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳаларига бағишлиланган икки томонлама халқаро шартномалар кўплаб чет эл давлатлари билан тузилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида 1998-2005 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида Битимни, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида 1998-2007 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида Шартнома ва униг ажralmas қисми хисобланган Дастурни кўрсатиш мумкин. Ушбу халқаро шартномаларда томонларнинг иқтисодий ҳамкорлиги ҳар иккала томоннинг стратегик манфаатларига тўғри келадиган узоқ муддатли шерикчилик принциплари асосида минтақалар ўртасида ва мулк шаклидан қатъи назар, хўжалик юритиши субъектлари ўртасида халқаро хуқуқнинг

умумтан олинган меъёрлари ҳамда миллий қонунларга амал қилган ҳолда амалга оширилиши белгиланган.

-Ташқи иқтисодий фаолиятни тарифли ва тарифсиз тартибга солиш, билвосита солиқ солиш, божхона иши, миллий товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш чораларини мувофиқлаштириш, алоҳида лойиха ва дастурларнинг шаклланиши, хўжалик юритиш субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалар ривожига кўмаклашиш, томонлар ҳудудларида миллий ва хорижий инвесторлар ўзаро фаолиятини кучайтириш соҳаларида меъёрий-хуқуқий базани ўзаро уйғунлаштириш учун қулай шароитлар яратиш мажбурияти ўрнатилган. Чунончи:

-товар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш тадбирларини ишлаб чиқиши ва амалга оширишни мувофиқлаштириш;

-ишлаб чиқаришни теран кооперациялаш негизида янги авлодга мансуб техникани ишлаб чиқариш бўйича трансмиллий бирлашмалар, молия-саноат гурӯҳлари, холдинглар, қўшма корхоналар ташкил этилишини рағбатлантириш;

-саноатнинг асосий тармоқлари, аграр-саноат соҳасидаги корхоналар орасида ўзаро манфаатли алоқалар мустаҳкамланишидан биргаликда манфаатдор эканликлари эътироф этиш;

-савдо уйлари, ўз хўжалик юритувчи субъектларига тегишли ваколатхоналарнинг очилишини рағбатлантириш масалалари кенг ўрин олган.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро муҳофаза қилиш, қимматли қоғозлар бозорида биргаликда иш юритиш, товарларнинг биржавий савдосини ривожлантириш учун қулай шароитларни барпо этиш каби масалалар ҳам ушбу ҳалқаро шартномалар мавзусидир.

Ўзаро манфаатли асосда умумий илмий-технологик макон барпо этилади, жумладан, ҳалқаро дастурлар доирасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказишида ҳамкорликни таъминланади, ўзаро манфаатли бўлган муаммолар бўйича қўшма илмий ишларни ташкил этилади.

Транспорт ва алоқа соҳасида ҳамкорлик давом эттирилади, алоқанинг барча турлари орқали ўз ҳудудидан йўловчилар ва юкларни транзит тарзда ўтказиш учун қулай шароитлар барпо этилади.

Энергия ташувчилар транспортировка соҳасида, жумладан, ўз ҳудудидан уларни транзит тарзда ўтказишида ҳамкорлик қиласидар.

Бошқарувнинг ҳудудий органлари, хўжалик юритувчи субъектлар маҳсулотларни етказиб бериш юзасидан шартномалар тузишида чеклашларни жорий этмайдилар, миллий қонунларда кўзда тутилган айrim маҳсулот турлари бундан мустасно.

Дастурни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тузиб, унга Дастурни бажаришнинг боришини назорат қилиш ва лозим топилганида тегишли тузатишлар киритиш топширилган.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Гукуматлараро қўшма комиссиянинг ийғилишида ҳар йили камида бир маротаба Дастурнинг бажарилиши кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, иқтисодий ҳамкорликнинг яна бир қирраси бўлган халқаро шартномалар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқариш кооперацияси соҳасидаги чет эл давлатлари билан тузилган битимлари муҳим ўрин тутади. Мазкур масалада Ўзбекистон Республикаси Гукумати ва Молдова Республикаси Гукумати ўртасидаги Битим иқтисодий саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлик муносабатларни барқарор ва узоқ муддатли асосда ривожлантириш, давлатларнинг ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий потенциаллари ўртасида қарор топган ўзаро технологик алоқаларни ривожлантиришга қаратилган. Бу турқум халқаро шартномалар давлатларга хўжалик фаолияти субъектларининг бевосита ўзаро ишлаб чиқариш алоқаларининг ҳал қилувчи аҳамиятини тан олади ва мулкчиликнинг барча шаклларида корхоналар, тармоқлар ва тармоқлараро комплекслар ўртасидаги кооперацияни уларнинг бевосита ишлаб чиқариш алоқалари асосида амалга ошириш ва ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослаштирилишини ва кооперациясини ривожлантириш, буларни амалга ошириш учун шарт-шароитларни таъминлаш, саноат тармоқларида устувор йўналишларни белгилаш, қўшма лойихалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида зарур чоралар кўриш мажбуриятини томонларга юклайди. Хўш, ишлаб чиқариш кооперацияси яна ўзига нималарни қамраб олади? Масалан, ушбу битимга мувофиқ кооперация бўйича товарлар етказиб бериш деганда тармоқларда ва тармоқлараро фойдаланишга мўлжалланган, технология жиҳатидан ўзаро боғлиқ бўлган ва тайёр маҳсулотни биргаликда тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашё, материаллар, узеллар, деталлар, эҳтиёт қисмлар, ярим маҳсулот, ярим фабрикат, бутловчи маҳсулотларни ҳамда бошқа буюмларни етказиб бериш;

хизматларни тақдим этиш деганда илмий-техникавий ва технологик ишлаб чиқишилар, лойиха, таъмирлаш ишлари, техник хизмат кўрсатиш ва технологик операциялар тушунилади.

Илмий-техника ҳамкорлиги ўзаро фойдали савдо иқтисодий муносабатларни ривожлантириш учун шароит яратишини эътиборга олиб Ўзбекистон Республикаси Гукумати ва Руминия Гукумати 1996 йил 6 июнда илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоладилар. Унда ҳамкорлик қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

фан билан боғлиқ технологиялар яратиш ва ўзлаштириш бўйича ҳамкорлиқда илмий тадқиқот дастурлари ва лойихаларини амалга ошириш;

янги технологияларнинг ўзлаштирилишини таъминлайдиган ҳамкорликдаги илмий тадқиқот жамоалари, лабораториялар, шунингдек инновацион фирмалар ва ташкилотлар тузиш;

илмий-техникавий ахборот, хужжатлар, адабиётлар ва библиографик нашрлар билан алмашиниш.

Битимнинг муҳим шартларидан бири бўлган ҳамкорлик натижасида яратилиши мумкин бўлган ақлий ва саноат мулкини ҳимоя қилиш масалалари ҳар бир давлатнинг қонунчилиги ва ҳалқаро хуқуқ нормаларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш мустаҳкамланган.

Ушбу соҳага тааллуқли яна бир хукumatлараро битим маданият, фан ва маориф соҳаларидаги ҳамкорлик ҳалқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни оширишга ва ўзаро манфаатли муносабатларнинг ривожланишига имкон яратишга қаратилган. Масалан, 1997 йил 7 апрелда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Гукумати ва Истроил Давлати Гукумати ўртасида маданият, фан ва маориф соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида Битимга мувофиқ:

тасвирий санъат, мусиқа, театр, адабиёт, кино, нашр қилиш, маданий ёдгорликлар, миллий музей ва миллий кутубхоналар; ахборот агентликлари, радио, телевидение муассасалари;

спорт ва ёшлар тадбирлари, шунингдек ёшлар ва спорт таълимотида, умуман мазкур соҳаларда манфаатдор институтлар, ташкилотлар, ва шахслар ўртасида бевосита ҳамкорлик рағбатлантирилади.

Туризмнинг ҳам иқтисодий ривожланиш, ҳам ҳалқларни бир бирини янада яхшироқ тушуниши учун муҳимлигини инобатга олган ҳолда, бу ҳамкорликдан манфаатдорликни эътиборга олиб Ўзбекистон Республикаси Гукумати ва Италия Республикаси Гукумати туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битимни 1997 йил 3 майда имзоладилар. Унга кўра, туризмни ривожлантиришга қўмаклашувчи биргаликдаги ҳаракатлар учун тажриба алмашиш, нашрлар ва туристик реклама материаллар билан алмашиш, иккала мамлакатда туристик ваколатхоналарни очиш ва бошқа шу каби соҳаларда ҳамкорлик рағбатлантирилади.

Тадбиркорликни янада ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт ва импорт қилишда билвосита солиқлар ундириш принциплари тўғрисида, икки томонлама солиқ ундиришнинг олдини олиш тўғрисида, ҳалқаро йўловчилар ва юкларни ташиш тўғрисида, фуқаролик ва савдо ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида икки томонлама ва кўп томонлама битимлари тузилган.

2§. Ташқи иқтисодий фаолиятга оид умумий қоидалар

Тадбиркорлик фаолиятининг турларидан бири ташқи иқтисодий фаолият ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият

тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонунига биноан, ташқи иқтисодий фаолият деганда Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек ҳалқаро ташкилотлари билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади (3 - модда).

Бу фаолият фойда олиш мақсадида товарлар, капитал, хизматлар ва ахборотларни божхона чегарасидан ўтиши билан бевосита боғлиқ. Шу билан бирга юқорида айтилганидек, ташқи иқтисодий фаолият давлатлараро ҳамкорликнинг кўриниши бўлганлиги сабабли савдо, иқтисодиёт, фан, маданият, туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш давлатнинг фаолияти деб қаралади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳалқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик ҳамда ташқи савдо фаолияти каби асосий йўналишлари белгиланган.

Ҳалқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик ишлаб чиқариш, молия, банк ва суғурта фаолияти, таълим ва кадрларни тайёрлаш, туризм, соғлиқни сақлаш, илмий-техникавий, маданий, гуманитар ва бошқа соҳаларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек ҳалқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш ва кенгайтиришга қаратилган ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишdir.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолият қўйидаги асосий принциплар асосида олиб борилади:

ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллиги;

ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг тенглиги;

Ташқи иқтисодий фаолият тадбиркорлик фаолияти сингари миллий қонунчилик билан тартибга солинади ва мазкур соҳада юзага келадиган ижтимоий муносабатлар тадбиркорлик ҳуқуқининг предмети ҳисобланади ҳамда бу муносабатларни тартибга солиш шакллари бўлиб қонун ва қонун ҳужжатлари хизмат қиласи.

Тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти давлат томонидан ўрнатилган ҳуқуқий режим (тартиб)га боғлиқdir.

Ҳуқуқий режим эса ҳалқаро товарлар айирбошлаш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятини, яъни ташқи савдо фаолиятини тартибга солади.

Ташқи савдо фаолияти товарларни экспорт ва импорт қилиш йўли билан амалга оширилади.

Товарларнинг Ўзбекистон Республикасининг божхона худудидан ташқарига, уларни қайта олиб кириш мажбуриятини олмасдан, олиб чиқиб кетилиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар белгиланмаган бўлса, экспорт деб эътироф этилади.

Товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона худудига, уларни қайта олиб чиқиб кетиш мажбуриятини олмасдан, олиб кириш импорт деб эътироф этилади.

Мазкур қоида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлган ва якка тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахсларга ҳамда хорижий шахсларга тааллуқли бўлиб, бироқ тақдим этиладиган ҳуқуқий режим ҳўжалик юритувчи субъектнинг миллий хусусиятига қараб турлича бўлади.

Тадбиркорликда энг қулай шароит яратиш мақсадида давлатлар ўз ҳўжалик юритувчи субъектларига ташқи иқтисодий фаолиятни хорижий давлат ҳудудида имтиёзли режимларини юритиш учун битимлар тузадилар.

Жаҳон тажрибасида шундай ҳуқуқий режимларнинг бир неча турлари амал қилмоқда: миллий режим, мумкин қадар қулайлик бериш режими, маҳсус режим, преференциал режим.

Миллий режим деганда бирор давлат ўзининг ҳалқаро шартнома ёки қонун ҳужжатлари асосида бошқа давлат юридик ва жисмоний шахсларига ўз юридик ва жисмоний шахслари каби ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқларини тақдим этиши тушунилади.

Энг қулай режими яратиш деганда бирор давлат ҳалқаро шартнома асосида бошқа аҳдлашувчи давлат юридик ва жисмоний шахсларига ташқи иқтисодий фаолият соҳасида учинчи давлат юридик ва жисмоний шахсларига тақдим этилган ҳуқуқлар кабиларни тақдим этиши тушунилади.

Ҳалқаро ҳуқуқда учинчи давлат деганда икки давлат ўртасида тузилган шартноманинг иштирокчisi бўлмаган давлат тушунилади.

Мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Гукумати ва Бангладеш Ҳалқ Республикаси Гукумати ўртасида савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида 1998 йил 14 февралда тузилган Битимга мувофиқ «Савдо ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун ўзаро манфаатли шароитлар яратиш мақсадида Аҳдлашувчи Томонлар қўйидагилар борасида бир-бирлари учун мумкин қадар қулайлик бериш режимини яратадилар:

-импорт ва экспортга нисбатан қўлланиладиган бож тўловлари, солиқлари ва йиғимлари;

-товарларнинг божхона расмийлаштирилиши, транзити, жойлаштирилиши, туширилиши ва шу сингари бошқа хизматларга таалуқли бўлган низомлар ва қоидалар;

-солиқлар ва бевосита ёки билвосита равища ундириладиган исталган кўринишдаги бошқа ички йиғимлар;

-ички бозорда товарларни сотиш, сотиб олиш, транспортировка қилиш, тақсилаш ва улардан фойдаланишга оид қоидалар;

-импорт ва экспорт учун лицензиялар бериш.

Маҳсус режим деганда бирор давлат ўзаролик принципи асосида бошқа аҳдлашувчи давлат юридик ва жисмоний шахсларига ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга оид маҳсус ҳуқуқлар тақдим этиши тушунилади. Бундай режим ёпиқ иқтисодий груп ёки ташкилотлар иштирокчisi бўлган давлатнинг ҳўжалик юритувчи субъектларига ўрнатилади. Маҳсус режим алоҳида зоналарда ташқи иқтисодий операцияларни амалга оширишда, масалан, чегараолди савдони олиб бориш учун белгиланади. Бу ҳолда ушбу режим

чегараолди зонасида яшаётган ёки жойлашган шахслар фаолиятига дахлдор бўлади.

Префенциал режим деганда бирор бир ривожланган давлат биртомонлама тартибда ҳалқаро ҳуқуқ нормалари асосида ўзаролик принциписиз ривожланаётган давлатларнинг юридик ва жисмоний шахсларига алоҳида ҳуқуқлар имтиёзлар ва афзалликлар тақдим этиши тушунилади.

Тадбиркорлар учун у ёки бу режимнинг ўрнатилиши ташқи иқтисодий фаолият шароитларига бевосита таъсир кўрсатади. Ҳалқаро ҳуқуқ нормалари билан тасдиқланган давлатларо келишувлар асосида тадбиркорликнинг ҳуқуқий режими белгиланади. Хўжалик юритувчи субъектлар ташқи иқтисодий фаолиятни юритишда ҳалқаро шартномаларда у ёки бу шаклда ўрнатилган ва миллий қонунчиликда қабул қилинган ҳуқуқлардан, имтиёзлардан ва афзалликлардан фойдалана оладилар.

Шундай қилиб, тадбиркорлик ҳуқуқининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасини ўрганиш предмети бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятида бошқа хорижий давлат ҳудудига товарлар, капитални божхона чегараси орқали олиб ўтишдан, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажаришдан юзага келадиган ижтимоий муносабатлари ташкил этади.

3§. Ташқи иқтисодий фаолият объектлари ва субъектлари

Ташқи иқтисодий фаолият объектлари Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги» Қонунининг 6-моддасига мувофиқ олди-сотди ёки айирбошли обьекти ҳисобланган товарлар (ишлар, хизматлар), ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан қимматбаҳо қофозлар, валюталар ва валюта қимматликлари, электр, иссиқлик энергияси ва энергиянинг бошқа турлари, транспорт воситалари, интеллектуал мулк обьектларига нисбатан ташқи иқтисодий фаолият амалга оширилиши мумкин, ташқи иқтисодий фаолиятда фойдаланиши қонун ҳужжатлари билан таъкиқланган товарлар бундан мустасно.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ваколатига эга бўлган давлат органлари, ҳамда бевосита ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳисобланадилар. Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширадилар.

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда бу соҳада умумий ваколатга эга бўлган давлат органлари - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонунининг 18-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига куйидагилар киради:

ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 мартағи 110-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасини экспорт

имкониятларини ривожлантириш Давлат Дастури тасдиқланди. Дастурда иқтисодиёт тармоқларининг экспорт имкониятларини ривожлантириш чора тадбирлари, истиқболдаги кўрсатгичлари ва шунга ўхшаш бошқа тадбирлар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини, иқтисодий мустақиллиги ва иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

ташқи иқтисодий фаолият соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузади;

Ўзбекистон Республикасининг тўлов балансини ишлаб чиқади;

чет элдан олинадиган кредитлар учун Ўзбекистон Республикаси Гукуматининг кафолатини беради;

Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги мулкига эгалик қиласи, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг ваколатларига қўйидагилар киради:

ташқи иқтисодий фаолият соҳасида давлат сиёсати олиб борилишини, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишига доир вазифалар бажарилишини таъминлайди;

ташқи иқтисодий фаолиятнинг қонунчилик негизи такомиллаштирилишига доир таклифларни ишлаб чиқади;

қонун хужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида ташқи иқтисодий фаолият субъектлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва тартибга солиб туради;

ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқарув органлари ишини мувофиқлаштиради;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси ЖіорІи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳам ташқи иқтисодий фаолият соҳасида маълум ваколатларга эга. Улар («Маҳаллий давлат органлари тўғрисида»ги Қонунга биноан) савдо-иктисодий, илмий-техникавий ва бошқа соҳаларда алоқаларни амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ана шу соҳаларда улар хорижий шериклар билан битимлар тузишлари мумкин, бироқ ушбу битимлар халқаро шартномалар тусига эга эмас.

Махсус ваколатга эга бўлган қўйидаги давлат органларини санаб кўрсатиш мумкин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси божхона ишларига бевосита раҳбарлик қиласи (Божхона кодекси 2-модда);

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий нивестициялар бўйича Идораларо кенгаш, Экспорт имкониятини ривожлантиришни рағбатлантириш Республика Кенгashi ва пул-кредит сиёсати бўйича Республика комиссияси ўз ваколати доирасида ташқи иқтисодий фаолиятга оид масалаларни ҳал этади.

Ташқи савдо фаолияти соҳасида тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектларни икки гурухга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ, ўз маҳсулотини (ишларини ва хизматларини) экспорт қилиб, бирор нарсани ўз эҳтиёжлари учун импорт қилаётган хўжалик юритувчи субъектларни киритиш мумкин. Иккинчи гуруҳ, воситачилик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларни киритиш мумкин. Бирор бир хўжалик юритувчи субъект бир вақтнинг ўзида мустақил ҳам ташқи иқтисодий фаолият билан ҳам воситачилик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Давлат воситачиси сифатида тузилган корхоналар маҳсус ҳуқуқий мақомга эга. Бундай корхоналар давлат эҳтиёжлари учун товарлар, ахборотлар ишлар, хизматларни экспорт (импорт) қилишда воситачилик вазифаларини бажарадилар.

Шундай қилиб, тадбиркорликда мустақил хўжалик юритувчи субъектлар, воситачилар ҳамда воситачилар орқали ташқи иқтисодий фаолият юритувчлар ҳам ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳисобланадилар.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланиши кафолатланган. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари (субъектлари)нинг қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига аралашибга ҳақли эмас. Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқларини бузувчи хужжатлар қабул қилган тақдирда, уларга етказилган заарнинг ўрни қопланади

4§. Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Фуқаролик кодекси ва «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ташқи қтисодий фаолият иштирокчилари (субъектлари) бундай фаолиятни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эгадир. Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ҳуқуқлари қўйидагиларда намоён бўлади:

қонун хужжатлари доирасида ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашиш шаклларини мустақил белгилаш, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун ўз ҳоҳишига кўра юридик ва жисмоний шахсларни шартнома асосида белгиланган тартибда жалб қилиш;

ташқи иқтисодий фаолият натижаларига, шу жумладан миллий валюта ва чет валютасидаги даромадга қонун хужжатларига мувофиқ мустақил равища эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳамда қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлишлари мумкин.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг мажбуриятлари эса қўйидагилардан иборат:

ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги ҳисботни ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган товарларнинг Ўзбекистонда белгилаб қўйилган техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни белгиланган тартибда тақдим этиши шарт.

5§. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш шакллари

Давлат ўзининг оммавий вазифаларини бажара бориб, бутун жамият манфаатларини ифода этади. Шунинг учун ҳам давлат ташқи иқтисодий фаолият юритиш қоидаларини ўрнатади ва ушбу фаолият иштирокчиларига у ёки бу усулда таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятни қуидаги йўллар билан тартибга солади:

1. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг қонунчилик негизини шакллантириш ва такомиллаштириш. Бу вазифа давлатнинг, биринчидан, ташқи сиёсатга доир принциплари асосига қурилган қонунлар негизида амалга оширилади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи сиёсий фаолиятнинг асосий принциплари тўғрисида» ва «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонунларини кўрсатиш мумкин. Иккинчидан, тадбиркорларни ташқи иқтисодий фаолият билан мамлакат ичida шуғулланишга мустаҳкам замин ва имкониятлар, кафолатлар яратиш йўли ҳам мавжуд. Масалан, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун бунинг хуқуқий асоси бўлиб ҳисобланади. Учинчидан, ташқи иқтисодий фаолият субъектларини хорижий шериклари билан тенг хуқуқли асосда муносабатда бўлиши ва давлат томонидан ҳимояланганлигини назарда тутиб Ўзбекистонинг чет эл давлатлари билан савдо-иқтисодий масалалар соҳасида халқаро битимлар тузиш, ўз мабуриятларини амалга ошириш ҳам қонунчилик фаолиятининг йўналиши деб қараш лозим. Тўргинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятнинг амалдаги қонунчилик негизини такомиллаштириб бориш;

2. Валюта билан тартибга солиш. Бу фаолият Ўзбекистон Республикасининг оммавий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига давлатнинг таъсир этиш шаклларидан бири ҳисобланади.

Валютани тартибга солиш давлат сиёсати иқтисодий барқарорликни қўллаб-қувватлаш, валюта курси ва валюта операцияларига таъсир этиш орқали халқаро иқтисодий муносабатларга замин яратишни ташкил этади. Соҳада давлат томонидан ўрнатилган чора-тадбирлар Ўзбекистонга валютани қайтариш мақсадини назарда тутади. Бу ўз навбатида миллий валютани барқарорлигини таъминлашни, экспортдан тушган валютани чет элга олиб чиқиши чеклашни, валюта тушумларини Ўзбекистонга қайтаришни таъминлаш учун амалга оширилади.

Кўрсатиб ўтилган вазифаларни, жумладан, валюта муносабатларининг умумий ва маҳсус масалаларини ҳал этиш валюта тўғрисидаги қонун хужжатлари билан таъминланади.

Валютани тартибга солиш соҳасидаги асосий қонун хужжати бўлиб, 1993 йил 7 майда қабул қилиниб, 1994 йил 29 сентябрда ўзгартиришлар киритилган Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни ҳисобланади. Ушбу Қонуннинг талабларига кўра, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари (субъектлар) резидентлар дейилади. «Валютани

тарибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси 4-бандига биноан «резидентлар» жумласига:

Ўзбекистон Республикасида муқим яшаш жойи бўлган, шу жумладан вақтинча Ўзбекистон Республикасидан ташқарида турган жисмоний шахслар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тузилган ва рўйхатдан ўтган юридик шахслар, шу жумладан чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар;

Ўзбекистон Республикасининг корхона ва ташкилотларининг чет элдаги хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ўзга ваколатхоналари киради.

Резидентлар ташқи иқтисодий фаолиятни юритганларида турли хил валюта операцияларини амалга оширадилар. «Валюта операциялари» тушунчасига Қонуннинг 1-модда 6-бандига кўра қўйидагилар киради:

валюта бойликларига нисбатан бўлган эгалик хуқуқининг ўтиши билан боғлиқ операциялар, шу жумладан, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда чет эл валютасидан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигидан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш билан боғлиқ операциялар;

валюта бойликларини хориждан Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва жўнатиш ҳамда Ўзбекистон Республикасидан хорижга олиб чиқиш ва жўнатиш;

халқаро кўламда пул ўтказиш ишларини амалга ошириш.

Жорий валюта операциялари жумласига:

молларни экспорт ва импорт қилиш, валюта бойликларининг олди-сотдиси бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш, интеллектуал мулкка бўлган хукуни рўёбга чиқариш билан боғлиқ, ҳисоб-китоблари тўлов муддатини кечиктирмаслик шарти билан амалга ошириладиган, заём маблағлари берилиши ёки жалб этилишини назарда тутмайдиган операциялар;

банк маблағлари, кредитлари, инвестициялар ва бошқа молия операцияларидан фоизлар, дивидентлар ҳамда ўзга даромадларни хорижга ва хориждан ўтказиш;

савдо билан боғлиқ бўлмаган маблағларни, шу жумладан, иш ҳақи, пенсия, алимент, мерос пулларни ўтказиш, шунингдек шунга ўхшаш бошқа операциялар киради.

Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари жумласига:

инвестициялар, шу жумладан қимматли қофозларни сотиб олиш ва сотиш;

кредитлар бериш ва олиш;

маблағларни жалб этиш ҳамда уларни счетларга ва омонатларга қўйиш;

тўловлар амалга ошириладиган ёки эгалик хуқуқи муайян муддатдан кейин валюта бойликларига ўтадиган молиявий операциялар киради (Қонуннинг 1-моддаси 8-9-бандлари).

Қонуннинг 1-модда 3-бандига асосан «чет эл валютаси» деганда, тегишли хорижий давлатда муомалада бўлган ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланган банкнот кўринишдаги чет эл пул белгилари, шунингдек

муомаладан чиқарилган ёки чиқарилаётган, аммо Ўзбекистон Республикаси пул белгиларига алмаштирилиши лозим бўлган чет эл пул белгилари тушунилади.

Чет эл валютаси билан операцияларни амалга ошириш қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

Резидентларни чет эл валютаси билан операцияларни амалга оширишнинг ҳукуқий тартиби қуйидагилардан иборат бўлади:

1) резидентлар божхона қоидаларига риоя этган ҳолда Ўзбекистон Республикасига валюта бойликларини (таркибига чет эл ваютаси ҳам киради) чекловсиз ўтказиш, олиб кириш ва жўнатиш ҳукуқига эгадир;

2) резидентларнинг барча чет эл валютасини ваколат берилган банклардаги ҳисоб рақамларида ёки омонатларда сақлашга ҳақлидир. Ваколатли банклар деб Қонуннинг 8-моддасига асосан валюта операцияларини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан рухсатнома олган тижорат банклари ва бошқа банклар тушунилади;

3) маҳсулотларнинг чет эл валютасида сотилиши тақиқланади. Бироқ ушбу қоидадан мустасно ҳоллар ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра айрим корхоналарга нақд чет эл валютасида савдо олиб бориш ҳукуқи берилган. Масалан, бож тўламай савдо қилиш магазини Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасининг тегишли рухсатномаси асосида савдо фаолиятини олиб боради (Божхона кодексининг 29-моддаси);

4) юридик шахс бўлмиш резидентлар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилган тартибда ва миқдорда Республика валюта фондига чет эл валютасида солиқ тўлайдилар, шунингдек чет эл валютасида олинган даромадларнинг бир қисмини, (маҳсулотларни (ишлар, хизмат) экспортидан марказлашмаган маблағлар учун 50% ва марказлашган маблағлар учун 100% чет эл ваютасини) ваколатли банк орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мажбурий равишда сотадилар.

Валюта билан тартибга солиш миллий пул бирлигida ўтказиладиган операцияларга ҳам тегишли. Қонунга кўра резидентлар Ўзбекистон Республикасига аввал ўтказилган, олиб кирилган, жўнатилган ёки Ўзбекистон Республикасида сотиб олинган валюта бойликларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда белгиланган тартибда Ўзбекистондан четга ўтказиш, олиб чиқиш ва жўнатиш ҳукуқига эгадир. Бу қоидаги риоя этилмаса, яъни ваколат берилган банкларни четлаб ўтиб амалга оширилган чет эл валютасини сотиб олиш ва сотишга доир битимлар ҳақиқий саналмайди.

Валюта билан тартибга солиш валюта назорати идоралари тизимининг амал қилиш заруратини келтириб чиқаради. Қонуннинг 17-модда 2-бандига кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистоннинг валюта назорати идоралари ҳисобланади, шу модданинг 3-бандига асосан қонун хужжатлари билан валютани назорат қилиш ваколати ташкилотларга юклатилиши мумкин. Бундай ваколат банкларга берилади.

Валюта назоратини амалга ошириш мақсадида маҳсус орган - Республика пул-кредит сиёсати комиссияси тузилган;

3. Солиқ билан тартибга солиш. Ушбу вазифа қўшилган қиймат солиғи ва акциз тўловларини ундириш йўли билан амалга оширилади. Қўшилган қиймат солиғи ва акциз тўловлари билвосита солиқ турларига киради. Солиқ билан тартибга солиш иқтисодий йўналишдаги давлат томонидан тартибга солиш деб саналади.

Қўшилган қиймат солиғи 1998 йилда қабул қилинган (кейинги ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси билан ўрнатилган.

Қонунга биноан Ўзбекистон ҳудудига импорт қилинадиган товарларга (ишларга, хизматларга) солинадиган солиқ миқдорига товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган бож қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикасига товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилишда тўланадиган акциз солиғи, божхона божлари суммалари киритилади.

Қўшилган қиймат солиғидан экспорт қилинаётган товарларни, шунингдек чет мамлакатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиладиган юкларини (транзит юкларни) ташиб, ортиш, тушириш, қайта ортиш бўйича хизматлар озод қилинган. Агар ҳукуматлараро тузилган шартномаларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) эркин конвертация қилинадиган валютадаги экспортига, шу жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига етказиб берилишига нисбатан ноль даражали ставка бўйича солиқ солиниши белгиланган (Солиқ кодексининг 71-72- моддалари).

Бундан ташқари, солиқ қонунчилигига экспортни рағбатлантириш мақсадида чет эл инвестициялари иштироқидаги янги ташкил этилиб, экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар чиқарадиган корхоналар учун даромад (фойда) солиғидан озод қилиш белгиланган (Солиқ кодексининг 31-моддаси 14-банди).

Ўзбекистонга импорт қилинган акциз тўланадиган товарларга акциз солиғи солинади ва у божхонада расмийлаштирилгунга қадар ёки расмийлаштириш пайтида тўланади. Акциз тўланадиган товарлар рўйхати ва акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади, ҳамда акциз солиғидан озод қилиш божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади (Солиқ кодексининг 24-боби);

4. Тариф ва нотариф тартибга солиш. Тариф билан тартибга солиш божхона божини ўрнатиш йўли билан амалга оширилади. Божхона божи моҳиятига кўра солиқсиз тўловларнинг кўриниши, холос. Бож-Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан товарлар олиб ўтилаётганда божхона органлари томонидан ундириб олинадиган тўлов. Бож давлат бюджетига тушадиган пул маблағлари манбаи бўлиб ҳам ҳисобланади. Бундан ташқари божхона божлари ҳимоя чоралари сифатида ҳам қўлланилади. «Бож тарифи тўғрисида» Қонунга мувофиқ божхона тарифи-божхона чегарасидан олиб ўтиладиган Ўзбекистон Республикаси ташқ иқтисодий фаолиятининг Товар номенкулатураси принциплари ва қоидаларига мувофиқ ҳолда бир тизимга солинган товарларга нисбатан қўлланиладиган бож ставкаларининг тўпламидир. Ўзбекистонда бож

ставкаларининг қўйидаги турлари қўлланилади:

бож ундириладиган товарларнинг божхона қийматига нисбатан фоизларда ҳисобланадиган адвалор ставкалари;

бож ундириладиган товарлар бирлиги учун белгилааган миқдорда ҳисобланадиган хос ставкалар;

божнинг адвалор ҳамда хос турларини ўз ичига оладиган аралаш ставкалар.

Импортни тариф билан тартибга солиш механизми импорт божининг халқаро шартномаларга мувофиқ белгиланишини ўрнатади. Конуннинг 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси савдо-иктисодий алоқаларда энг кўп қулайлик бериш тартибини қўллаётган мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар учун ундириладиган импорт божи ставкаларининг энг кам ёки энг кўп миқдори қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Савдо-иктисодий алоқаларда энг кўп қулайлик бериш тартиби назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ёки қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги аниқланмаган товарлар учун ундириладиган импорт божининг ставкалари икки баравар оширилади, тариф преференциялари бериладиган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг савдо-иктисодий сиёсатида тариф имтиёзлари ва преференциялари ҳам қўлланилади. «Бож тарифи тўғрисида»ги Конунда (35-модда) тариф имтиёзлари бериш Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексида белгиланган тегишли божхона режимлари доирасида божхона назорати остида Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига вақтинча олиб кириладиган ёки ундан вақтинча олиб чиқиладиган товарларга;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ чет элда инвестиция соҳасидаги ҳамкорлик обьектларини қуриш учун бутловчи буюмлар таркибида олиб чиқиладиган товарларга;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан давлат эҳтиёжлари учун экспортга ажратилган ҳажмларда олиб чиқиладиган товарларга;

Ўзбекистон республикасининг божхона ҳудудига чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг чет эл корхоналарининг устав фондларига улуш сифатида олиб кириладиган товарларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимларда назарда тутилган ҳолларда шундай корхоналар олиб чиқиб кетадиган ўзлари ишлаб чиқарган товарларнинг айrim турларига нисбатан илгари тўланган божни қайтариш, бож ставкасини камайтириш ва алоҳида ҳолларда бождан озод қилиш каби тариф имтиёзлари берилишига йўл қўйилади.

Нотариф тартиб солиш деганда давлатнинг тадбиркорликда ташқи иқтисодий фаолият соҳасига таъсири, яъни божхона божи ундирилмайдиган, иқтисодий ва маъмурий йўллар билан таъсир этиш тушунилади. Нотариф тартибга солиш йўли рағбатлантириш ҳамда ҳимоя (чеклаш) йўллари сифатида қўлланилиши мумкин. Нотариф тартибга солиш йўлларига товарларни айrim турларининг экспорт ва импортини лицензиялаш ҳамда квоталаш, экспорт назорати, Ўзбекистон Республикасининг ҳамда ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳимоя чоралари,

компенсация чоралари, демпингга қарши чоралар, ташқи иқтисодий фаолиятни солик билан тартибга солиш, валюта назорати, олиб кирилаётган товарларга қўйиладиган техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария ва экология стандартлари ҳамда талаблари назорати, экспортни рағбатлантириш чораларини кўллаш киради.

Тадбиркорликда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари (субъекталари)га таъсир этиш тўппа-тўғри ёки эгри бўлиши мумкин. Масалан, божхона ставкаларини ўрнатиш давлатнинг тадбиркорликда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига (субъектларига) эгри таъсир кўрсатиш турига таалуқли. Бирор бир импорт қилинадиган товарга нибатан юқори божхона ставкаларини ўрнатган давлат шундай товарни олиб кирилишини рағбатлантирмайди, ваҳоланки, олиб кирилаётган товар чекланмайди ва ман этилмайди. Давлатнинг тўппа-тўғри таъсири эса айrim товарларнинг импортига нисбатан ман этиш ёки микдорий чекловларни ўрнатишда намоён бўлади;

5. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига риоя этилиши учун ҳимоя, компенсация ва демпингга қарши чораларни кўллаш. Бу йўналишнинг энг асосий қоидаси Ўзбекистоннинг ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чоралар Ҳукумат томонидан кўлланилади. «Гашқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Конуннинг 23-моддасига мувофиқ хорижий давлат томонидан Ўзбекистон Республикасининг ва ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг иқтисодий манфаатларини бузувчи чоралар қабул қилинган тақдирда, шунингдек ушбу давлат ҳалқаро шартномаларга кўра Ўзбекистон Республикаси олдида қабул қилган ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари ва принципларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолият соҳасида жавоб чораларини (ФК 1167-моддасига мувофиқ реторсия) киритишига ҳақлиdir.

Ҳимоя чораларини кўллаш қўйидаги йўллар билан амалга оширилади. Агар бирор-бир товар ҳудди шундай товарни ёки унга бевосита рақобат қилувчи товарни Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчиларига зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш хавфини юзага келтирадиган микдорларда ва (ёки) шундай шартлар асосида олиб кирилса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳалқар ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига мувофиқ шундай зарар етказилиши хавфининг олдини олиш ёки бундай зарарни бартараф этиш учун зарур бўладиган даражадаги ҳамда зарур бўладиган муддатдаги ҳимоя чораларини кўришга ҳақлиdir (24-модда). Ҳимоя чоралари сифатида маҳсус божлар, демпингга қарши божлар, компенсация божлари ўрнатилган ва уларни кўллаш тартиби «Божхона тарифи тўғрисида»ги Конунда белгиланган.

Маҳсус божлар, башарти, ўхшаш ёки бевосита рақобат қилувчи товарлар божхона худудига Ўзбекистон Республикасида товар ишлаб чиқарувчиларга зиён етказадиган ёки зиён етказиши мумкин бўлган микдорда ва шартларда олиб кирилаётган бўлса, ҳимоя чораси сифатида, шунингдек бошқа давлатлар

томонидан қилинаётган Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқларини чекловчи ва манфаатларини камситувчи бошқа ҳаракатларга жавоб чораси сифатида қўлланиди (8-модда).

Демпингга қарши чоралар қўйидаги ҳолларда қўлланилади:

товарлар божхона ҳудудига уларнинг экспорт қилинган давлатда айни вактда амалда бўлган реал қийматидан паст нархда олиб кирилса, агар бундай олиб кириш Ўзбекистон Республикасининг шунга ўхшаш товарларни ишлаб чиқарувчиларига моддий зиён етказиш хавфини туғдирса ёхуд Ўзбекистон Республикасида худди шундай товарлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёки кенгайтиришга тўсқинлик қилса, етказиши мумкин бўлса ёхуд ташкил этиш ва (ёки) кенгайтиришга тўсқинлик қилса;

товарлар божхона ҳудудидан унинг Ўзбекистон Республикасида айни вактда амалда бўлган реал қийматидан паст нархда олиб чиқилаётган бўлса, агар бундай олиб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг шунга ўхшаш товарларни ишлаб чиқарувчиларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфи бўлса ёхуд Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқарувчилари ўртасида нормал рақобат ўрнатилишига тўсқинлик қилса (9-модда).

Компенсация чораларини қўллаш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига ишлаб чиқариш ёки олиб чиқиш пайтида бевосита ёки билвосита субсидияланган товарлар олиб кирилган тақдирда, агар бундай олиб кириш Ўзбекистон Республикасининг ўхшаш товарларни ёки унга бевосита рақобат қилувчи товарларни ишлаб чиқарувчилариға заар етказса ёки заар етказиш хавфини юзага келтирса ёхуд Ўзбекистон Республикасида худди шундай товарларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва (ёки) кенгайтиришга тўсқинлик қилса;

божхона ҳудудидан ишлаб чиқариш ёки олиб чиқиш пайтида бевосита ёхуд билвосита субсидиялардан фойданилган товарлар олиб чиқилса, агар бундай олиб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфи бўлса (10-модда);

6. Ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилаш, шу жумладан, микдорий чекловлар ўрнатиш ҳамда товарларнинг айрим турлари экспорт ва импорт қилиниши устидан давлат монополиясини ўрнатиш. Бу йўл қўйидаги мақсадларни кўзлайди:

миллий хавфсизликни таъминлаш;

фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

ижтимоий ахлоқ-одобга ва ҳуқуқ-тартиботга риоя этиш;

Ўзбекистон Республикаси халқининг маданий меросини сақлаш;

маданий бойликларни ноқонуний олиб чиқиш, олиб кириш ва уларга бўлган мулк ҳуқуқларини бошқага ўтказишдан ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг тўлов балансини сақлаб туриш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш;

Ўзбекистон Республикасининг табиий ресурслар тугатилишининг олдини олиш;

Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш.

Бундан ташқари товарларнинг айрим турларини экспорт ва импорт қилиш фақат уларни олиб кириш ёки олиб чиқиш учун тегишли рухсатнома (лицензия) олинганидан кейин амалга оширилади. Товарлар айрим турларининг экспорт ва импортини амалга ошириш учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган органлар томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси айрим товарлар турларини экспорт ва импорт қилишга нисбатан миқдорий чекловлар (квоталар) белгилаши мумкин. Масалан, товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан олиб ўтишдаги чекловлар халқаро мажбуриятлардан, ички бозорни ҳимоя қилиш зарурлигидан келиб чиқсан ҳолда, шунингдек чет давлатлар ва улар иттифоқларининг ҳуқуқини камситувчи ёки Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини камситувчи бошқа ҳаракатларига жавоб чораси тариқасида қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланиши мумкин (Божхона кодексининг 10-моддаси).

Қвоталарни тақсимлаш, қоида тариқасида танлов ёки ким ошди савдоси асосида амалга оширилади. Давлат буюртмачилари давлат эҳтиёжлари учун товарларни етказиб бериш мақсадида очик ёки ёпиқ савдолар ўтказиш, кимошди савдоларини ташкил қилиш, танлов (конкурслар)ни уюштириш асосида ташқи иқтисодий фаолият субъектларини аниқлаб, улар билан давлат контрактини тузади. Танловнинг мақсади эса давлат бюджети ва молиялашнинг бюджетдан ташқари манбаларидан самарали фойдаланишни назарда тутади.

Экспорт ва импорт қилиниши лицензияланиши ҳамда қвоталаниши зарур бўлган товарлар айрим турларининг рўйхати, шунингдек лицензияларни бериш ва қвоталарни тақсимлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган. Айрим товарлар учун тузилган шартномалар Ўзбекистон Республикасида Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига рўйхатдан ўтгандан сўнг экспорт қилишга рухсат этилади. Бундай товарларга қимматбаҳо металлар, радиоактив моддалар ва улардан тайёрланган асбоб-ускуналар, рангли металлар, қора металлар прокати, нефть хом ашёси, табий газ, пахта толаси киради. Ваколатли органлар томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича маҳсус товарлар (ишлар ва хизматлар) экспорт ва импорт қилинади. Маҳсус товарлар (ишлар ва хизматлар) ёки:

Ўзбекистонлик фуқароларининг чет мамлакатлардаги ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистондаги ўз касби бўйича фаолияти,

кино, видео ва аудио маҳсулотларини импорт қилиш;

илмий-тадқиқот ишлари натижалари, ноу-хау, ихтиrolарни экспорт қилиш;

чет мамлакатларга инвестициялар киритиш;

санъат асарларини экспорт қилиш;

Ўзбекистон Қизил китобига киритилган ҳайвонлар ва ўсимликларни экспорт қилиш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 март 137-сон қарори) киради;

7. Қурол-яроғлар, ҳарбий техника, икки хил мақсадда ишлатилиши мумкин бўлган товарлар ва технологияларга нисбатан экспорт назоратини ўрнатиш. Бу йўл билан Ўзбекистонда ягона давлат сиёсати олиб бориш ташқи иқтисодий

фаолият тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ олиб борилади ва унинг мақсади Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда халқаро мажбуриятларига риоя қилишдан иборат. Унга кўра қуидаги товарлар экспорт назоратига тушади:

қурол-яроғлар, ҳарбий техника,
икки хил мақсадда ишлатилиши мумкин бўлган товарлар ва технологиялар.

Экспорт назоратига тушадиган ташқи иқтисодий фаолият обьектларининг рўйхати, шунингдек уларни олиб чиқиш ёки транзит тарзида олиб ўтиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бундан ташқари, юқорида таъкидланганидек экспортни, импортни тақиқлаш ҳамда чеклаш ҳам мумкин. Бундай чоралар миллий манфаатлар нуқтаи назардан ўрнатилади ва қуидаги мақсадларни кўзлайди:

миллий хавфсизликни таъминлаш;

фуқаролар ҳаёти ва соғлигини мόҳофаза қилиш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини ҳамда атроф муҳитни мӯҳофаза қилиш;

ижтимоий ахлоқ-одобга ва ҳуқуқ-тартиботга риоя этиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳалқининг маданий меросини сақлаш;

маданий бойликларни ноқонуний олиб чиқиш, олиб кириш ва уларга бўлган мулк ҳуқуқларини бошқага ўтказишдан ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг тўлов балансини сақлаб туриш;

Ўзбекистон Республикасининг ҳалқарі мажбуриятларини бажариш.

Ўзбекистон Республикасининг табиий ресурслар тутатилишининг олдини олиш;

Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш;

8. Олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарларни сертификатлаш. Ўзбекистон ҳудудига олиб кириладиган товарлар ўрнатилган стандартлар ва талабларга мос бўлиш давлатнинг бутун ҳудуди учун ягона ва мажбурийдир. Сертификати, маркировкаси ёки мувофиқлик белгисига эга бўлмаган товарларни олиб кириш тақиқланади. 1993 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ сертификатлаштириш:

одамларнинг ҳаёти, соғлифи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш;

маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат қила олишини таъминлаш;

мамлакат корхоналари, қўшма корхоналари ва тадбиркорлар балқаро миқёсдаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдо-сотиқда эштирок этишлари учун шароит яратиш;

истеъмолчини сотувчининг (ижрочининг) виждонсизлигидан ҳимоя қилиш;

маҳсулот тайёрловчиси (сотувчиси, ижрочиси) таъкидлаган сифат кўрсатгичларини тасдиқлаш мақсадларида амалга оширилади.

Сертификатлаштириш мажбурий ва ихтиёрий тусда бўлади. (Қонуннинг 2-моддаси). Қонуннинг 14-моддасида четдан олиб келинадиган ва четга олиб

чиқиб кетиладиган маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш тўғрисида қоидалар белгиланган. Унга мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш учун тузиладиган контрактлар (шартномалар) шартида маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи, «Ўздавстандарт» томонидан берилган ёки эътироф этилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари бўлиши назарда тутилиши керак.

Миллий мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари ёки бошқа давлатларнинг «Ўздавстандарт» томонидан эътироф этилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари аризачи (маҳсулот етказиб берувчи) томонидан божхона назорати органларига юкка тааллуқли божхона декларацияси билан биргаликда тақдим этилади ва улар маҳсулотни Ўзбекистон ҳудудига олиб киришга рухсатнома олиш учун зарур ҳужжатлар хисобланади.

Четдан олиб келинаётган маҳсулотнинг хавфсиз эканлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаган тақдирда божхона назорати органлари бу хусусда «Ўздавстандарт»ни хабардор этадилар ҳамда маҳсулотни сертификатлаширишдан ўтказиш ёки чет эл сертификатини эътироф этиш тўғрисидаги масала сертификатлаштириш миллий тизими қоидаларига мувофиқ ҳал этилгунга қадар бу маҳсулотни четдан олиб киришни тақиқлаб қўядилар.

Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди;

9. Техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларини белгилаш. Ўзбекистон ҳудудига товарлар импорт қилинганда ҳамда улар сифатли ва хавфсиз бўлишлигини таъминлашни назорат қилиш талаб этилади. Ана шу мақсадда олиб кирилаётган товарлар Ўзбекистон Республикасида белгиланган техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария ва экология стандарталри ҳамда талабларга мувофиқ бўлиши лозим;

10. Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари учун преференциал имтиёзлар бериш. Бу йўл билан давлат экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи барча ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзлар ва преференциялар ўрнатади ва улар қўйидагиларда ифодаланади.

Выйе, ўқспорт қилувчи корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспортидан олинадиган даромадларнинг ҳисоб-китоби алоҳида юритилади ёки йилнинг маълум муддатидан бошлаб экспорт қилувчи корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилинган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) дан олинган даромадлари (фойда) солиғини тўлашдан озод қилинади. Бундан ташқари, экспорт қилувчи корхоналар умумий савдо-сотик ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспорти улушкига қараб мулк солиғи тўлашда имтиёзлар тартиби жорий этилади. Масалан, экспорт улушининг

миқдорга қараб- белгиланган мулк солиғи ставкаси маълум фоизгача камайтирилади ёки мулк солиғи ундирилмайди.

Имтиёзлар экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчи ҳамда уни мустақил равишда ёки вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар ва компанияларнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланувчи ихтисослаштирилган ташқи савдо бирлашмалари ҳамда фирмалари орқали сотувчи барча мулкчилик шаклдаги корхоналарга татбиқ этилади.

Имтиёзлар барча ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи субъектларга берилмаслиги мумкин. Масалан, конун хужжатлари билан имтиёзлар эркин алмаштириладиган валютага айрим хом ашё маҳсулотлари - пахта толаси, ип газлама калаваси, линт, нефть маҳсулотлари, газ конденсати, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металлар экспорт қилувчи савдо-воситачилик корхоналарига, шунингдек ишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ қилинмайди. Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари (субъектлари)га хорижда савдо уйлари ва ваколатхоналари очишга рухсат этилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг яна бир тури эркин иқтисодий зоналар тузиш йўлидир. Эркин иқтисодий зона - минтақани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб ҳтиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралар ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган маҳсус ажратилган ҳудуддир. Эркин иқтисодий зона ҳудудида юридик ва жисмоний шахслар хўжалик, молиявий ва бошқа фаолиятнинг исталган турлари билан шуғулланишига йўл қўйилади. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонуний ётказмаси³ эркин иқтисодий зоналар эркин савдо зоналари, эркин ишлаб чиқариш зоналари, эркин иёмий-техникавий ва бошқа зоналар тарзида тузилиши мумкин. Эркин иқтисодий зона Вазирлар Маҳкамасининг тақдимномасига биноан Олий Мажлис қарори билан тузилади.

Эркин иқтисодий зоналарда алоҳида божхона, валюта, солиқ тартиботи, шунингдек фуқаролар кириши, чиқиши ва бу ерда бўлишининг, меҳнат муносабатлари, молия-кредит фаолиятининг алоҳида тартиботи ҳамда инвестицияларни жалб этишга, тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга ва зонани ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга қаратилган бошқача тартибот ўрнатилиши мумкин.

Алоҳида божхона тартиботи:

товарларни олиб кириш ва олиб чиқиши учун божхона божларини бекор қилиш ёки камайтиришни;

экспорт ёки импорт учун тарифдан ташқари чеклашларни бекор қилиш ёки енгиллаштиришни;

товарларни белгиланган тарtabда албатта баённомага киритган ҳолда эркин иқтисодий зонанинг божхона чегараси орқали олиб ўтишнинг соддалаштирилган тартибини назарда тутиши мумкин. Эркин иқтисодий зонада

алоҳида валюта тартиботи миллий ва чет эл валюталарининг эркин муомалада бўлиши ҳамда айирбошлишини назарда тутади.

6§. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда қўлланиладиган асосий ҳисоб-китобларнинг шакллари

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда қўлланиладиган ҳисоб-китобларнинг шакллари деганда, ҳалқаро тижорат, шунингдек банк амалиёти соҳасида сотилган товар, кўрсатилган хизмат, бажарилган иш учун тўлов усуслари тушунилади.

Ҳисоб-китобларнинг одатда очик ҳисобварақ, банк орқали пулни ўтказиш, инкассо ва аккредитив шакллари мавжуд. Ҳалқаро тижоратда ҳисоб-китоблар қоида тариқасида эркин конвертацияланадиган валютада олиб борилади. Шу билан бирга, шартномаларда товарнинг нархи ва баҳоси эркин конвертацияланадиган валютада ўрнатилган бўлса, тўлов миллий валютани чет эл валютасининг тўлов кунидаги расмий курси бўйича белгиланади.

Очиқ ҳисобварақ экспорт қилувчи импорт қилувчининг тўловга қобилиятли эканлигига ишонч ҳосил қилганида қўлланилади. Ушбу тўловнинг мазмуни шундан иборатки, товарни сотиб олувчига товар ва товар ҳужжатлари бевосита юборилиб, импорт қилувчи эса шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга оширишाम мажбурдир. Ҳалқаро тижорат оборотида бундай ҳисоб-китоб шакли жуда кам қўлланилади.

Банкдан тегишли суммани ўтказиш асосан авансларни беришда, қарзларни тўлашда қўлланилади. Унинг мазмуни бирор бир банкнинг топшириғига биноан пул эгасига бошқа бир банк томонидан унга тегишли маблағни тўлаши тушунилади. Ушбу тўлов шакли шартномада кўрсатилади ҳамда бунда банк-корреспондент тайинланади. Экспортчининг банки импортчининг банкidan тўлов топшириғини олиши билан экспортчига тегишли пул маблағини унинг ҳисобига ўтказади.

Етказилган товар учун тўлов ҳақини экспортчи томонидан ололмаслик хавфи мавжудлиги сабабли ушбу ҳисоб-китоб шакли амалиётда кўп қўлланилмайди.

Ҳалқаро иқтисодий оборотда инкассо бўйича ҳисоб-китоблар шакли ҳам қўлланилади. Инкассо бўйича ҳисоб-китоб деганда экспортчи ўз банкига (банк-эмитентга) пул тўловчидан тўловни ва (ёки) тўлов акцептини импортчи ҳисобидан қабул қилиш ҳақида топшириқнома юбориши тушунилади. Инкассо топшириғини олган банк-эмитент уни бажариш учун бошқа банкни (ижрочи банкни) жалб қилишга ҳақли. Инкассо бўйича ҳисоб-китоблар ҳужжатларни тақдим этиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ушбу ҳисоб-китоб шакли ҳужжатли инкассо номи билан юритилади. Париж шаҳрида қароргоҳи жойлашган Ҳалқаро савдо палатаси томонидан 1978 йилда инкассо бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисида бирхиллаштирилган қоидалар ишлаб чиқилган ва у «Инкассо бўйича бирхиллаштирилган қоидалар» деган номни олган. Бу ҳужжат қоидалари тавсия хусусиятига эга, лекин шартномага унга ҳавола қилинса, у мажбурий тусга эга бўлади.

Халқаро иқтисодий оборотда ҳисоб-китобларнинг энг кенг тарқалган шакли ҳужжатли аккредитивдир. Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилинганида импортчининг (тўловчининг) топшириғи билан ва унинг кўрсатмаларига мувофиқ аккредитив очган банк (банк-эмитент) маблағларни олувчи экспортчи ҳужжатларни тақдим этган ва аккредитивда назарда тутилган башқа шартларни бажарган тақдирда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади. Ҳозирги пайтда халқаро тижоратда Халқаро савдо палатасининг 1983 йилда «Ўужжатли аккредитивларнинг бирхиллаштирилган қоида ва одатлари» қабул қилинганди, амалда 1993 йилда янги таҳрири кенг қўлланилмоқда.

7§. Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ўртасида низоларни ҳал этувчи органлар

Бирор бир ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари шартномани бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда низо келиб чиқиши учун асос бўлади. Бундай низоларни ҳал этишнинг ўзига хос хусусиятлари ташқи иқтисодий фаолиятнинг ва бу соҳада ишлаб чиқилган ҳалқаро амалиётнинг мазмунига боғлиқ. Бу хусусиятлар шу билан изоҳланадики, шартлашувчи тарафлар қонун ҳужжатларига асосланиб, қоида тариқасида, шартномани бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлик билан боғлиқ низоларни қайси орган ҳал этишини ўзлари белгилайдилар.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида ушбу хусусиятлар эътиборган олинган. Бу соҳада асосий қонун ҳужжатлари бўлиб Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (10-модда), Хўжалик процессуал кодекси(25-модда), «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» (30-модда), «Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида» (11-модда), «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги (10-модда) ғонунлар ҳисобланади. Бу қонунларда назарда тутилган қоидаларга биноан ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ўртасидаги низолар хўжалик судида ёки холислар судида кўриб ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида, чет эл давлатлари қонунлари сингари ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ўзаро келишувга биноан вужудга келиши мумкин бўлган низони қайси арбитраж органи ва қайси давлатда кўрилишини белгилашлари мумкин. Низони холислар судида ҳал этиш мақсади ўзаро келишув асосида шартномага алоҳида қоида сифатида киритилади ёки маҳсус битим тузилади. Шартномага киритилган қоида холислик изоҳи деб юритилади.

Холислик изоҳи (холислик битими) да ҳар қандай чет эл давлатининг арбитражи кўрсатилиши мумкин. Амалиётда кўпроқ Стокгольм Савдо палатаси ҳузуридаги арбитраж, Париждаги Халқаро савдо палата ҳузуридаги арбитраж суди, Лондон ҳалқаро арбитраж (холислик) суди ёки низони ҳал этишни сўраб мурожаат этадилар.

Ушбу муносабат билан арбитраж (холислик) судлари томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш масаласи кўндаланг туради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йилда «Чет эл давлатларининг

арбитраж судлари қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисида» 1958 йилги Нью-Йорк Конвенциясини ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар томонидан қабул қилинган «Фуқаролик, оила, жиноят ишлари бўйича хукуқий ёрдам ва хукуқий муносабатлар тўғрисида Конвенция»си ё 1993 ёёё 6 майда ратификация қилди. Яна шунга ўхшаш қоидалар Ўзбекистон билан Туркия, Хитой, Озарбайжон, Грузия, Украина, Латвия, Литва, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ўртасида тузилган хукуқий ёрдам тўғрисидаги икки томонлама давлатлараро шартномаларда хам назарда тутилган.

8§. Ташқи иқтисодий фаолият шартномалари тизими ва унинг хукуқий табиати.

Ташқи иқтисодий муносабат субъектларининг фаолиятлари шартномалар, битимлар, контрактлар тузиш ва ижро этиши орқали амалга оширилади. Шу сабабли ҳам ташқи иқтисодий фаолият бўйича тузилган битим ва шартномаларни тузиш тартиби, шакли, унда иштирок этувчи тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятларини мужассам ўрганиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Хорижий субъектлар иштирокида тузилган битим ва шартномалар бўйича ўзига хос хусусиятлар Фуқаролик кодексининг 1181-1189, 1192-моддаларида бевосита ўз ифодасини топган. Бундай битимлар миллий қонунчилигимиз бўйича "ташқи иқтисодий битим" деб эътироф этилади.

«Ташқи савдо-сотиқ битимлари шундай битимларки, уларнинг қатнашчиларидан бири чет эллик жисмоний ёки юридик шахс бўлади, ушбу битимларнинг мазмунини эса товарлар, хизматлар, ижодий фаолият натижаларини экспорт ва импорт қилиш билан боғлиқ бўлган операциялар ёки улардан фойдаланиш хукуқи ташкил қиласди".⁶⁴ Шунингдек ташқи савдо битимлари гуруҳига реэкспорт шартномалари ҳам киради. Демак, ташқи савдо битимларининг турлари деганда экспорт, импорт ва реэкспорт шартномаларини тушуниш мумкин.

Мазкур шарономаларнинг ҳар бир турига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Маълумки, бозор муносабатлари шароитида шартномаларни рўйхатдан ўтказиш тартибини ёки қилиниши тарафларнинг манфаатларига жиддий зиён етказмайди. Давлат ташқи иқтисодий фаолият субъектлари томонидан ўз ҳудудига нималар олиб кирилаётганлиги ва ойла нималар олиб чиқилаётганлигига асло бефарқ бўла олмайди. Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, унинг ривожланиш даражаси ва ҳалқаро бозорда тутган мавқеини белгиловчи асосий мезон - бу ташқи савдо сальдоси ҳисобланади. Яъни, бошқача қилиб айтганда ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг мамлакат ичкарисига олиб кирган товарлар қиймати билан мамлакат

⁶⁴ Самархўжаев Б.Б. Ҳалқаро хусусий хукуқ нормаларини фуқаролик хукуқий муносабатларга татбиқ қилиш /Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик хукуки (II қисм). Т.: Адолат. 1999 йил. 540-бет.

ташқарисига олиб чиқиб кетган товарларининг умумий қиймати ўртасидаги фарқ³ айтилади.

Амалда ташқи савдо салъдоси ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бу масалага доимий равишда алоҳида эътибор билан қарайди. Шу сабабли ҳам мамлакатимиз ташқи савдо салъдоси 2-3 % ижобий нисбатда барқарор турибди. Бунга эришишнинг энг муҳим йўлларидан бири экспорт-импорт устидан иқтисодий-маданий назорат ўрнатишdir. Тўғри, ҳеч қайси давлат ўзини ўзи ҳамма турдаги ишлар, хизматлар ва маҳсулотлар билан тўлиқ таъминлай олмайди, шу сабабли ҳам ҳар қандай давлат эркин муомаладаги ёки миллий валютанийа четга чиқиб кетишига сабаб бўлган импорт операциялари бўйича шартномалар тузишни тўла хисобда тақиқлашга ҳаракат қилмайди. Бироқ, барча давлатлар импорт устидан назорат қилишга, уни ижобий маънода чеклашга ҳаракат қилади. Бунинг сабаби шундан иборатки, товарларни ортиқча ва самарасиз импорт қилиш мамлакатда мавжуд бўлган иш ўринларининг камайишига, бинобарин, ахолинија маълум бир қисмè ишсиз қолишига, мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан қарам бўлиш хавфини кучайишига ва мамлакат валюта ресурсларининг четга чиқиб кетишига сабаб бўлади. Шунингдек, импорт устидан давлат назоратининг ўрнатилиши мамлакатнинг ички бозорига арzon бўлса-да, лекин сифатсиз товарларни кириб келишини ҳам олдини олади.

Импорт шартномалари ёйишига тадбиркорлик субъектлари томонидан республикамиз ҳудудида хорижий давлатлардан товарлар, ишлар, хизматлар ва технологиянија олиб кирилиши ва мамлакат истеъмолчиларига етказилиши тушунилади. Шунингдек, импорт шартномаларини тузган субъектлар фойда кўришни ҳам мақсад қилиб қўяди. Уларнинг кўриши мумкин бўлган даромадларёни таъминлаш эса халқнинг, қолаверса, давлатнинг ваколатли органлари зиммасига тушади.

Импорт шартномаларинија тузилишига қараб уларни тўғри (бевосита) ва эгри (бильвосита) импорт шартномаларёга ажратиш жоиз бўлади:

-тўғри (бевосита) импорт шартномалари республикамиз резидентлари ёки бошқа субъектлар билан иккинчи хорижий субъектлар ўртасида товарларни сотиб олиш ва ҳудудимизга олиб кириш бўйича тўғридан-тўғри тузилади;

-эгри импорт шартномаларини республикамиз резиденти бўлган субъект хорижий субъектдан товарларни сотиб олган бошқа резидентимиз билан тузади. Бунда иккинчи резидент товарларни хорижий мамлакат ҳудудија сотиб олган ва хориждаги шу товарлар юзасидан шартнома тузган б’лиши лозим.

Импорт шартномаларинија лицензия асосида ва лицензиясиз амалга оширилишига қараб ҳам турларга бўлиш мумкин.

Лицензия асосида амалга оширилганида бундай турдаги товарларни республикамиз ҳудудига олиб кириш учун маҳсус лицензия олиш тартиби жорий қилинган бўлиши лозим. Бундай лицензияга эга бўлмасдан тузилган шартномалар ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган шартнома ҳисобланади ва олиб кирилган товар давлат фойдасига мусодара қилиниши мумкин.

Лицензиясиз амалга оширилувчи импорт шартномалари одатда қонун хужжатлари билан тақиқланмаган ва уларга хилоф бўлмаган ҳар қандай турдаги

товарлар юзасидан чекланмаган хажмда тузилиши мумкин.

Давлат ўзининг ички молиявий-иктисодий имкониятларидан, тараққиёт даражасидан келиб чиқиб протекционизм сиёсатини қўллаган импорт операцияларини эркин ҳаракатдаги валюта билан таъминланган ва таъминланмаган турларга ҳам бўлиш мумкин.

Эркин ҳаракатдаги валюта билан таъминланган импорт шартномалари бўйича киритилган товарлар хақи шартномада назарда тутилган хорижий валютада тўланади. Одатда бундай товарлар республикада ишлаб чиқарилмайдиган ёки кам микдорда ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича тузилади. Бунда ахолини истеъмолга бўлган эҳтиёжи биринчи ўринга қўйилади.

Хорижий валюта билан таъминланмаган импорт шартномалари бўйича ҳақ хорижий валютада тўланмайди, лекин шартнома бўйича тушган сумма ҳисобидан республика ҳудудидан имтиёзли равишда товарларни сотиб олиш ва хорижий давлатларга экспорт қилиш хуқуқи берилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг муҳим йўналишларидан бири Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари ёки хорижий субъектлар томонидан товарларни, хизматларни, ишларни бошқа бир хорижий мамлакатларга экспорт қилишдир.

Экспорт шартномалари деганда, республикамиз резиденти бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектларини ёки республикамизда фаолият олиб бораётган субъектларни ташқи савдо фаолияти натижасида иккинчи бир хорижий мамлакатларга товарлар ва хизматларни экспортга чиқариш ва хорижий валютада ёки республикамиз пул бирлигida ҳақ олишига қаратилган ҳаракатлари тушунилади.

Экспорт шартномалари ҳам тузилишига ва амалга оширилишига қараб тўғри (бевосита) ва эгри (бильвосита) экспортларга бўлинади. Тўғри экспорт ишлаб чиқарувчининг ўзи ёки унинг бўлимлари орқали амалга оширилади ва импортёр билан тўғридан-тўғри муносабатларга киришилади. Эгри экспорт мустақил ҳаракат қилувчи воситачи-экспортёрлар ёки бошқа ташкилотлар орқали амалга оширилади. Импортга қарама-қарши ўлароқ, экспорт фаолиятини амалга ошириш натижасида мамлакатга валюта тушумлари кўпайади, ахолини иш билан таъминлаш даражаси ўсади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига, ахолини ижтимоий турмуш даражасини яхшиланишига олиб келади. Шу сабабли ҳам давлат ташқи иқтисодий фаолият субъектларини товарлар, хизматлар, ишларни экспорт қилиш бўйича контрактлар тузиш ва ижро этиш соҳасида ҳар доим қўллаб-қувватлаб келади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов узлуксиз равишда Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари ўз олдидаә маҳсулотларимиз сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш, дунё бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш вазифаларига алоҳида эътибор беришлари лозимлигини таъкидлаб келмоқдалар.

Экспорт шартномалари мамлакат валюта забирасини ўстиришда муҳим роль ўйнаса-да, иқтисодий ривожлантириш, миллий маданиятни сақлаш ва бошқа манфаатлардан келиб чиқган ҳолда доимо ҳам том маънода эркин амалга

оширилиши мумкин эмас. Шу сабабли, айрим ҳолларда у ёки бу маҳсулотларни асосан хом ашё кўринишида бўлганлиги ёки стратегик аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилиниши тақиқлаб қўйилиши, маҳсус рубсатнома асосида ёки экспорт квоталари ҳажмида амалга оширилишига йўл қўйилиши мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб биз уларни рухсатнома асосида ва эркин амалга ошириладиган экспорт шартномаларига бўлишимиз мумкин.

Рубсатнома асосида амалга ошириладиган экспорт шартномалари тегишли турдаги товар ҳажмига лицензия асосида квотани қўлга киритилгач тузилади ва амалга оширилади.

Эркин амалга ошириладиган экспорт шартномалари бўйича ҳеч қандай рухсатнома ёки розилик талаб қилинмайди. У тарафларнинг эркига биноан исталган ҳажмда ва микдордаги товарлар юзасидан тузилиши мумкин. Шу ўринда экспорт ва импорт шартномаларини тартибга солишга доир бир қатор меъерий ҳужжатларни келтириб ўтишимиз жоиз бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21-январдаги "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ти Фармонига З-илова билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан бериладиган лицензиялар билан белгиланган квоталар ҳажмида экспорт қилинадиган товарлар рўйбати; 4-иловада Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан бериладиган лицензиялар бўйича экспорт ва импорт қилинадиган товарлар, ишлар, хизматлар рўйхати; 6-иловада экспорт қилиниши тақиқланган буюмлар ва маҳсулотлар рўйхати белгилаб берилган.⁶⁵

Товарларни Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш ва олиб чиқиш билан боғлиқ бўлган шартномаларнинг турларидан яна бири - бу товарларнинг реэкспортига доир шартномалардир. Реэкспорт шартномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган субъект бошқа бир давлатнинг субъекти билан товар сотиб олиш тўғрисида шартнома туззиб, бу шартнома бўйича олган товарларини учинчи давлатда жойлашган субъектга бошқа шартнома асосида сотади. Бунда товар учинчи шахсга қайта сотилаётганида товар сотиб олинган ҳолатида, ҳеч қандай қайта ишлов берилмайди ва Республикамиз худудларига киритилмасдан ҳам сотилиши мумкин. Акс ҳолда бундай шартнома реэкспорт шартномаси бўлмасдан, оддий импорт ёки экспорт шартномасига айланиб қолади.

Ўзбекистон Республикасида экспорт ва импортни назорат қилиш ўзининг юридик заминига ва механизмга эга. Бугунги кунда бунинг энг муҳим ташкилий-хукуқий усулларидан бири Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 2 декабрда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйбатга олинган «Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари томонидан тузиладиган экспорт-импорт контрактларини рўйхатга олиш тартиби ҳақидаги Низом» ҳисобланади.

⁶⁵ «Халқ сўзи» газетаси, 1994 йил, 22 январ.

Ушбу тартиб Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ё шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги ғонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Импорт операцияларни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1998 йил 18 феврал Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 марта 137-сонли "Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолиятини эркинлаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ти қарори ва бошқа бир қанча муҳим хукукий манбаларга асосан ишлаб чиқилган.

Бу ўринда шуни ҳам эътиборга олиш лозимки ҳар қандай экспорт-импорт контрактлар Ташки иқтисодий алоқалар вазирлигига рўйхатга олиниши шарт эмас. Faқат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида тилга олинган 137-сонли қарорига қилинган 1-сонли иловада кўрсатиб ўтилган давлат мудофааси ва стратегик аҳамиятга эга бўлган товарларни экспорт қилиш билан боғлиқ контрактлар; хукумат қарори ва хукуматлараро битимлар асосида тузилган товарлар (хизматлар)ни экспорт қилишга қаратилган контрактлар; Шунингдек Ўзбекистон Республикасида хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома (контракт)лар бўйича импорт операциялари қўйидаги манбалар ҳисобидан маблағлар билан таъминланадиган бўлса рўйхатдан ўтказилиши шарт ҳисобланади:

- а) ички валюта бозорида сўмдаги маблағлар хорижий валютага конвертация қилиб берилган бўлса;
- б) Ўзбекистон Республикаси Ұкумати томонидан кафолатланган халқаро ва хорижий молия институтлари томонидан бериладиган кредит линиялари бўйича тузилган шартномалар.

Агарда контрактлар юқорида манбалар ҳисобидан таъминланадиган бўлса Ташки иқтисодий алоқалар вазирлигига рўйхатдан ўтган вақтдан эътиборан Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки лицензиясига эга бўлган корхона ва ташкилотларнинг импорт контрактларини рўйхатга олиш эса ваколатли органлар томонидан тасдиқланган квоталар миқиёсида амалга оширилади. Бошқа импорт контрактларини рўйхатга олиш тасдиқланган импорт прогнози миқиёсида рўйхатга олинади.

Экспорт-импорт контрактларни рўйхатдан ўтказиш учун Ташки иқтисодий алоқалар вазирлигига қўйидаги ҳужжатлар тақдим қилиниши лозим:

1. Рўйхатдан ўтказишини сўраб ёзилган ариза (агар ишлар ва хизматларни импорт қилиш ҳолларида - уларнинг зарурияти ҳақида асосли далиллар);
2. Контракт аслининг бир дона нусхаси;
3. Рақобатга чақирув қофозлари.

Шунингдек, Ташки иқтисодий алоқалар вазирлигига илгари рўйхатдан ўтган шартномалар бўйича қўшимча битимлар Ташки иқтисодий алоқалар вазирлигига қўйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш орқали рўйхатга олинади:

1. Ариза;
2. Ғўшимча шартнома (битим)нинг асли ва унинг нусбаси;
3. Рўйхатга олинган шартноманинг асли;

4. Рўйхатга олинганлик сертификатининг асли. Товарнинг номенклатураси ва баҳоси ўзгарганида, ҳажми кўпайганида;
5. Рақобатга чақирув варағи, уни тасдиқловчи хужжатлар билан биргаликда топширилиши лозим бўлади.

Агар гўшт-сут маҳсулотлари импорт қилинган бўлса, қўшимча қўйидаги хужжатлар тақдим этилади:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ветеринария давлат бош бошқармалари ҳамкорлигига тузилган контрактнинг санаси, тартиб рақами, етказиб берилаётган маҳсулот ҳажми, товарнинг номи, у ишлаб чиқарилган жой номи кўрсатилган ҳолда товарларни олиб кириш ҳақида рухсатнома;
2. Охирги импортёрлар ва сут ветеринария хизмати мутахассислари иштирокида амалга оширилган инспекцион текширув бўлосаси (бу экспорт қилувчи мамлакатда эпизотик вазият ўзгарган ҳолда тақдим этилади).

Ушбу меъёрий хужжат - Низомга асосан, контрактларни рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий қилишдан асосий мақсад қўйидагилар ҳисобланади: контрактнинг ҳалқаро савдо хуқуқининг умум эътироф этилган меъёрларига мувофиқлиги; контрактнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ва меъёрий хужжатларига мувофиқлиги; контрактнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан бошқа давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар олдида олган мажбуриятларига мувофиқлиги; контрактда кўрсатилган баҳоларнинг жаҳон бозоридаги ўртacha баҳоларга ички бозор конъюктурасида вужудга келган баҳоларга мувофиқлиги (Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт аа Ҷонибада Ҳизматларни таҳсиллаштиришга олинишига олган ҳолда); маҳсус товарлар, технологик қурилмалар, технология патентлари ва уларга лицензияларнинг берилиши бўйича тегишли вазириклар ва муассасаларнинг хулосаларини мавжудлиги; экспорт-импорт контрактларнинг мазмuni, унинг мавжуд барча шартлари жиддий таҳлил қилинган булишига эришиш.

Ушбу Низомда экспорт-импорт бўйича контрактларнинг муҳим шартлари белгилаб қўйилган. Бунга асосан контрактда қўйидаги ҳолатлар албатта ҳисобга олиниши шарт:

1. Контрактнинг кириш қисми ёки преамбуласи. Бунда контрактнинг тартиб рақами, контракт тузилган жой ва санаси, битим тузувчи тарафларнинг номлари ва манзилгоҳлари;
2. Контракт предмети. Бунда товар(иш, хизмат)нинг номи, миқдори ва сифати бўйича уларнинг тавсифномаси ва ассортименти, шунингдек битим тури кўрсатилади. Товарнинг миқдори. Товарнинг миқдори одатда ҳалқаро ўлчов бирликларида кўрсатиб ўтилади. Лекин ўлчов бирлиги сифатида Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган вазн ва ўлчовлар тизимининг қўлланиши мумкин. Товарнинг сифат тавсифномаси, бунда товарнинг фойдаланишга яроқлилигини ифодаловчи ҳоссалари йиғиндиси кўрсатилиши керак;
3. Етказиб беришнинг асосий шартлари, яъни сотувчи ва харидор ўртасида товарларни етказиб бериш бўйича мажбуриятларни тақсимланиши,

(транспорт харажатлари, сұғурта), товарни сұғурталаш, сотиб олувчига товарни топшириш шарти, товарни олиб чиқиши ва олиб кириш билан боғлиқ расмиятчиликларни амалга оширувчи тараф күрсатилиши, тасодифий нобуд бўлиши ёки таваккалчилик хавфи бўйича жавобгарликнинг сотувчидан харидорга ўтиш вақти (халқаро ИНКОТЕРМС қоидалари бўйича) кўрсатилиши керак;

4. Товарни етказиб бериш муддати ёки етказиб бериш вақти шартномада кўрсатилиши лозим. Етказиб бериш муддати маълум бир вақт билан чегараланиб, шу давр ичидаги товар ёки унинг бир қисми белгиланган жойга сотувчи томонидан етказиб берилиши лозим. Етказиб бериш вақтига амал қилинганда деб сотувчи томонидан етказиб беришнинг асосий шартларига биноан ўз мажбуриятларини ижро қилиш вақти тушунилади;
5. Контрактнинг баҳоси ва умумий суммаси. Товар баҳосини белгилашда контрактда ўлчов бирлигининг баҳо базиси, баҳони қайд қилиш усули ва товар бирлигининг баҳоси кўрсатилади. Товар бирлигининг баҳоси эркин харакатдаги валюта билан белгиланади. Шунингдек, контрактнинг умумий суммаси сотилаётган товарнинг жами қийматини ташкил қилиб, валютада кўрсатиб ўтилиши лозим;
6. Тўлов. Тўлов шартларини белгилашда контрактда тўлов валютаси, тўлов шакли ва муддати кўрсатилиши керак;
7. Товар ўрови ва маркировкаси. Товар ўрови уни ташиш жараёнида бузилмаган ҳолда сақланишга хизмат қилади. Товар моҳиятидан уни ўрови мажбурий ҳолат бўлиб ҳисобланган ҳолларда уни қандай турда, ҳажмда ва сифатда амалга оширилиши келишиб олиниши лозим. ўров харажатлари қимматга тушса ва товар қийматига киритилмаган бўлса уни кимнинг ҳисобидан ва қандай муддатда қайтариш шартномада назарда тутилиши лозим. Маркировкалашда шартноманинг тартиб рақами, жўнатувчи, қабул қилиб олувчи, товарнинг ўров билан биргаликдаги ва соғ оғирлиги, габаритлари, жойнинг тартиб рақами, товар чиқарилган мамлакат номи, товарнинг юқори-қуи томонлари, намгарчиликка ва ёнғинга хавфлилик хоссалари ва бошқа муҳим хусусиятлари кўрсатилиши лозим;
8. Жўнатиш тартиби. Сотувчининг товарни юклашга тайёрлиги ва жўнатилганлиги ҳақида хабар бериши, шунингдек уни аниқ муддати ва усуллари кўрсатилади;
9. Товарларни қабул қилиш ва топшириш тартиби;
10. Рекламацияда товар миқдори ва сифатидаги нуқсонлари ҳақида харидорнинг сотувчига талабнома билдириш тартиби ва асослари кўрсатилади. Шунингдек нуқсонли ва сифатсиз товарлар аниқланганида ўрнига бошқа товарлар етказиб беришни қандай шартлар асосида амалга оширилиши, қимнинг ҳисобидан ва қандай муддатда алмаштирилиб берилиши ёки нуқсонни бартараф этиш назарда тутилиши лозим;
11. Кафолатлар доираси, жумладан, кафолат муддатлари ва улар бўйича жавобгарликни таъминлаш назарда тутилади;
12. Шартномада товарнинг келиб чиқиши жойи ва ишлаб чиқарувчининг номи кўрсатилиши лозим;

13. Шартноманинг бажарилишини таъминлаш усуллари. Шу жумладан, жарима санкциялари, яъни шартнома шартлари бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тараф томонидан тўланадиган пеня, неустойка, жарималар тури, миқдори ва бошқалар кўрсатилиши лозим;
14. Енгиб бўлмас куч билан боғлиқ писандалар, уларнинг вужудга келганлиги хусусида огоҳлантириш мажбуриятлари ва тегишли ҳолатни исботловчи хужжатларни тақдим қилиш мажбурияти кўзда тутилади;
15. Арбитраж. Яъни, тарафлар ўртасида низолар келиб чиқкан тақдирда уларни ҳал қилиш тартиби. Контрактда албатта низони кўриш жойи ва органи аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Одатда бундай низоларни кўриш бўйича суд жараёни даражатларини камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига мурожаат қилинади;
16. Контракт ижроси Ўзбекистон Республикасининг тегишли ваколатга эга органларида рўйхатга олинганидан сўнг амалга оширилади;
17. Тарафларнинг реквизитлари, яъни алоқа реквизитлари, манзиллари, банк ва юк жўнатиш реквизитлари кўрсатилиши лозим. Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномадаги имзолари, уларнинг муҳри билан тасдиқланади;
18. Шартнома ўзбек ёки рус тилида тузилган ҳолда рўйхатдан ўтказишга тақдим қилинади. Шунингдек шартнома ҳар икки тилда бир вақтда тузилиб матнлар шартноманинг чап ва ўнг варагида тенг берилиши мумкин;
19. Контрактни парафинлаштириш. Контрактнинг ҳар бир саҳифаси, шунингдек унга киритилган ҳар қандай тузатишлар ва ўзгартиришлар тарафлар томонидан тасдиқланиши шарт;

Ариза топширилган пайтдан бошлаб 10 иш куни мобайнида контракт рўйхатдан ўтказилмоғи лозим. Рўйхатдан ўтказиш ижобий ҳал қилинганида, контракт тегишли журналда белгиланган тарзда қайд қилинади. Рўйхатдан ўтказиш ҳақида сертификат расмийлаштирилади. Контракт асл нусхасининг ҳар саҳифасига штамп ва мансабдор шахс имзоси қўйилади ва аризачига қайтарилади. Контрактга ягона идентификация тартиб рақами берилади ва шу асосда ваколатли банкларда, божхона органларида рўйхатга олинади.

Мустақил экспертизадан ўтказилган экспорт-импорт контрактлари консалтинг фирмалари томонидан берилган товар сифати, миқдори ва баҳо даражаси ҳақида экспертиза хulosалари бўйича хужжатлар келиб тушгандан бошлаб 2 иш куни давомида Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатга олинади. Рўйхатдан ўтказишнинг рад қилиш асослари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

- тақдим этилган контрактларнинг ҳалқаро савдо ҳуқуқининг умумэътироф этилган нормаларига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига номувофиқлиги, хulosада аниқ кўрсатилган ҳолда;
- контракт имзоланган пайтда тегишли сифатдаги товарга дунё бозорида вужудга келган баҳолар даражасига нисбатан контракт бўйича баҳоларнинг оширилган ёки камайтирилган номутаносиблиги. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги консалтинг фирмалари ва Макроиктисодиёт âà статистика вазирлиги

- хузуридаги товарлар бозоридаги конъюктураны ўрганиш бўйича марказ хорижий шерик танлашга ёрдам беришлари лозим;
- мулкий жавобгарлик қаратилиши мумкин бўлган ўз мол-мулки ва маблағлар қиймати ҳажмидан контракт қийматининг ортиқлиги;
 - хўжалик юритувчи субъектлар томонидан моддий ва маънавий эскирган, иқтисодий самарасиз қурилма ва технологияларнинг сотиб олиш бўйича контрактлари, (Фан ва техника Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг салбий хулосалари асосида);
 - экологик жиҳатдан заарли бўлган технологиялар (патент, лицензия, ноухай) ни, қурилма ва бошқа товарларни экспорт-импорт қилиш (Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўздавстандарт» қўмитаси хулосалари асосида) аниқланса;
 - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган реестрга тегишли тиббий мақсадда фойдаланиладиган товарнинг киритилмаганлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рубсатномасига эга бўлмаганлиги;
 - ўзига бос хусусиятли товарлар экспорт-импорти амалга оширилиши мақсад қилиб қўйилганида Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек ваколатли ташкилотнинг рухсатномаси мавжуд бўлмаса;
 - гўшт ва гўшт-сут маҳсулотлари импорт қилинишида Ўзбекистон Республикаси Ҳишлок ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидағи Бош давлат ветеринария бошқармасининг рухсатномаси бўлмаган тақдирда;
 - давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолатлаган кредитлар хисобидан амалга оширилаётган қурилиш пуррати шартномалари бўйича суғурта полиси ва суғурта шартномасининг нусхаси мавжуд бўлмаган ҳолларда;
 - Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига 2000 йил 2 декабрда рўйхатга олинган Низом қоидалари бузилган бошқа ҳолларда.

Экспорт-импорт контрактларни рўйбатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор асослантирилган бўлиши лозим ва албатта ёзма шаклда аризачига топширилади. Рўйбатдан ўтказишни асоссиз равища рад этиш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги импорт контрактларининг лойиҳаларини олдиндан экспертизадан ўтказишни импортёрларнинг мурожаати ёки Ўзбекистон Республикаси ҳукумати топширифи асосида, шунингдек, ҳукуматлараро шартномалар доирасида амалга ошириладиган савдо операциялари бўйича амалга оширилиши мумкин.

Ташқи иқтисодий битимларнинг аосий гурӯхини ташқи иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ташкил қиласи. Ташқи иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ташқи савдо битимларидан фарқли равища бир марталик муносабатни эмас том маънодаги ҳамкорликни, хорижий мамлакатнинг хўжалик юритувчи субъектини Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъекти билан нисбатан доимий-узвий иқтисодий

ҳамкорлик қилишини назарда тутилади. Бунда иккала субъект бирлашиб битта хўжалик юритувчи субъектни ташкил қилишлари (мас., қўшма корхона таъсис этиш орқали), молиявий-кредит муносабатларига киришишлари ёки бошқа турдаги оддий хўжалик шартномаси тузиш орқали ҳам ҳамкорлик қилишлари мумкин (масалан, оддий ширкат шартномаси ва ҳ.к.).

Кредит муносабатлари фойдаланиш миқёси бўйича ташки савдо муносабатларидан кейинги ўринда туради. Одатда кредит шартномалари ташки савдони кредитлашда, ссуда сармояларини кўчишида ва халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланилади. Кредит шартномлари давлатлар ўртасида, хорижий тадбиркорлик субъектлари билан республикамиз ваколатли органлари ва тадбиркорлик субъектларимиз ўртасида ҳам тузилиши мумкин. Бундай кредит шартномалари қисқа ва узоқ муддатли, имтиёзли ёки имтиёзлиз, таъминланган ёки таъминланмаган кўринишда бўлади.

Бошқа давлатларнинг ишлаб чиқариш кучлари ва хом ашё заҳираларини ишга тушириш мақсадида уларга сармояларни кириб келиши ёки хорижга сармояларни олиб чиқиш билан боғлиқ бўлган кредит шартномалари ҳам тузилиши мумкин.

Илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлик ҳам ташки иқтисодий фаолиятнинг бир тури бўлиб ҳисобланади. Фан ва техникани юқори даражада ривожланиши уни халқаро миқёсда алмашувига катта туртки бўлди. ўз навбатида фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жалб қилиш жараёни тезлашди. Шу сабаби бу ютуқлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари ҳам шаклланди. Ҳозирда бу муносабатлар интеллектуал фаолият соҳиби томонидан берилган лицензия ёки патентлар асосида амалга оширилмоқда.

Ташки иқтисодий фаолият бўйича шартномаларни ёки яна бошқа кўплаб турлари мавжуд. Бугунги кунда энг кўп фойдаланилаётганларини келтириб ўтишнинг ўзи билан кифояланиб туриш мақсаддага мувофиқ деб ўйладик.

IX боб. Тадбиркорлик соҳасида аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари

1§. Аудиторлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши

Аудиторлик фаолияти деганда, аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва бошқа шу билан боғлиқ профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига аудиторлик фаолиятини амалга ошириш тақиқланади.

Аудиторлик фаолияти тўғрисида бевосита тўхталиб ўтишдан олдин, кимлар аудитор ва аудиторнинг ёрдамчиси бўла олишлари мумкинлиги тўғрисида тўхталиб ўтамиз. Зеро, бу биз ёритмоқчи бўлган мавзунинг моҳиятини янада мукаммалроқ очиб бериш имкониятини яратсин.

Аудитор – аудитор малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахсdir.

Агар аудитор аудиторлик ташкилотининг штатида турган бўлса ёки аудиторлик ташкилоти у билан фуқаролик–ҳуқуқий тусдаги шартнома тузган бўлса, у аудиторлик текшируви ўтказишга жалб этилиши мумкин.

Аудитор аудиторлик текширувини сифатсиз ўтказганлиги, тижорат сирини ошкор этганлиги ҳамда бошқа хатти-ҳаракатлари окибатида аудиторлик ташкилотига зарар етказганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик ташкилоти олдида жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик тўғрисида» (янги таҳрирдаги)ги 2000 йил 26 майдаги қонун талабларига мувофиқ ҳолда, аудитор узининг ёрдамчисига эга бўлиши мумкин.

Аудиторнинг ёрдамчиси аудитор малака сертификатига эга бўлмаган ва аудиторлик ҳисобида, аудиторлик хулосасида, аудиторнинг эксперт хулосасида ҳамда аудиторлик текширувини ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа расмий ҳужжатда имзо чекиши ҳуқуқига эга бўлмаган тарзда аудиторнинг топширифига биноан аудиторлик текшируvida иштирок этаётган жисмоний шахсdir.

Аудитор ёрдамчисининг меҳнат шартлари қонун ҳужжатларида қайд этилган тартибда тузилган меҳнат шартномаси билан белгиланади.

Аудиторлик текширувини амалга оширишда олинган маълумотларни ошкор этмаслик мажбурияти аудиторнинг ёрдамчисига нисбатан татбиқ этилади.

Аудиторнинг ёрдамчиси сифатида ишлаётган вақт аудитор малака сертификатини олиш учун зарур бўладиган иш стажига қўшилади.

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида тухталиб шуни айтиш мумкинки, бу ташкилот аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган юридик шахsdir.

Аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятларини амалга оширишда мустақилдирлар.

Аудиторлик ташкилотлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органлари томонидан тузилиши мумкин эмас.

Аудиторлик ташкилотлари очик турдаги акциядорлик жамияти кўринишидан ташқари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган исталган ташкилий ҳукуқий шаклда тузилиши ва ўз фаолиятини қўйидаги мажбурий шартларга риоя этган ҳолда амалга ошириши мумин:

аудиторлик ташкилоти устави капиталининг камидаги 51 фоизи бир ёки бир неча аудиторга тегишли булиши керак (чет эл аудиторлик ташкилотининг филиали ёки шўъба корхонаси тузилган ҳоллар бундан мустасно);

аудиторлик ташкилотининг штат бирлиги камидаги икки аудитордан иборат бўлиши керак;

аудиторлик ташкилотининг раҳбари фақат аудитор бўлиши керак;

аудитор ташкилотининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган устав капитали мавжуд бўлиши керак.

Аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Адлия вазирлиги аудиторлик ташкилотларининг давлат реестрини юритади. Аудиторлик ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва аудиторлик ташкилотларининг давлат реестрини юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятини ўзининг фуқаролик жавобгарлиги хусусидаги суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда аудиторлик хизмати кўрсатиш тўғрисида тузилган шартнома асосида амалга оширадилар.

2§. Аудиторлик ташкилотларининг ҳукуқ ва мажбуриятлари

Энди биз бевосита аудиторлик ташкилотларининг ҳукуқлари тўғрисида тўхталиб ўтишга харакат қиласиз.

Аудиторлик ташкилоти қўйидаги ҳукуқларга эгадир:

аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжатлари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ҳужжатлари билан олдиндан танишиб чиқиш;

аудиторлик текшируви ўтказилаётгандага хўжалик юритувчи субъект амалга ошираётган молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни тілдиҳажмда олиш, шунингдек ушбу ҳужжатларда ҳисобга олинган ҳар қандай молмулкнинг амалда мавжудлигини ҳамда ҳар қандай мажбуриятларнинг амалдаги ҳолатини текшириш;

аудиторлик текширувини ўтказиш давомида юзага келган масалалар бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг моддий жавобгар шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш ҳамда аудиторлик текшируви учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни олиш;

учинчи шахслар томонидан ёзма тасдиқланган ахборотни хўжалик юритувчи субъектидан олиш;

ишончли аудиторлик хулосасини тузиш учун зарур бўлган барча ахборот хўжалик юритувчи субъект томонидан тақдим этилмаган тақдирда аудиторлик текшируви ўтказишдан бош тортиш;

аудиторлик текширувини ўтказишда иштирок этишга аудиторлар ва бошқа мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш.

Биз юқорида қайд қилиб ўтганларимиздан ташқари, аудиторлик ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Мана биз юқорида аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқлари тўғрисида тўхталиб ўтдик, аудиторлик ташкилотлари нафақат ҳуқуқларга эга шу билан биргаликда, бир қатор мажбуриятлари ҳам мавжуд.

Аудиторлик ташкилотларининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолияти билангина шугулланиши мумкин ҳамда у аудиторлик фаолиятини амалга ошираётганида Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида (янги таҳрири)»ги қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларёнинг талабларига риоя этиши;

аудиторлик текшируви ўтказишга доир шартнома тузишдан олдин буюртмачининг талабига биноан аудиторлик фаолиятини ўтказиш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензияни, аудитор (аудиторлар)нинг малака сертификатини тақдим этиши;

хўжалик юритувчи субъектнинг суроига биноан аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича қонун ҳужжатларининг талаблари тўғрисидаги, аудиторнинг эътиrozлари асосланилган қонун ҳужжатларининг нормалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши;

аудиторлик текширувини амалга оширишда олинган ахборотнинг маҳфийлигига риоя этиши;

аудиторлик хисоботида молиявий – хўжалик операцияларининг қонуннийлиги бузилиши фактларини ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифларни акс эттириши;

хўжалик юритувчи субъектга унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари зарар етказганлигини аниқ тасдиқлаб турган фактларни аниқлаган тақдирда бу ҳақда хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбариятига (мулқдорига) маълум қилиши ҳамда аудиторлик хисоботига тегишли қайдни киритиши шарт. Зарур ҳолларда аудиторлик текширувининг натижаларини маълум қилиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қатнашчиларнинг (акциядорларнинг) умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиши шарт.

Юқорида қайд қилиб ўтилган мажбуриятлардан ташқари, аудиторлик ташкилотларининг зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

Аудиторлик ташкилотлари қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга булишидан ташқари уларнинг белгиланган тартибда жавобгарлиги ҳам мавжуд.

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текшируви буюртмачилари, хўжалик юритувчи субъект ва молиявий хисоботдан бошқа фойдаланувчилар олдида молиявий хисобот ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа молиявий ахбороти тўғрисида нотўғри якундан иборат бўлган аудиторлик хуносасини тузиш оқибатида уларга етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

Аудиторлик текширувини сифатсиз ўтказганлик ёки лозим даражада ўтказмаганлик оқибатида хўжалик юритувчи субъектга ва (ёки) аудиторлик текширувининг буюртмачисига етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда, қонун хужжатларида белгиланган тартибда қопланиши шарт.

3§. Аудиторлик текшируви тушунчаси ва унинг турлари

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва қонун хужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотни аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишdir.

Аудиторлик текширувлари:

1. Мажбурий аудиторлик текшируви;

2. Ташаббус тарзидағи аудиторлик текшируви шаклларда ўтказилади.

Мажбурий аудиторлик текшируви тадбиркорликда муҳим аҳамиятга эга.

Куйидагилар ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши керак: акциядорлик жамиятлари;

банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;

суғурта ташкилотлари;

инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг бошқарув компаниялари;

манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар;

маблағларининг хосил булиш манбалари қонун хужжатларида назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан килинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар;

устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.

Мажбурий аудиторлик текширувининг буюртмачиси хўжалик юритувчи субъект бўлади. Аудиторлик ташкилотини танлаш хўжалик юритувчи субъект мулқдори, шунингдек қатнашчилари (акциядорлари) нинг умумий йиғилиши билан келишиб олинади.

Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш хўжалик юритувчи субъектдан энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ундиришга, шунингдек унинг раҳбарини қонун хужжатларида белгиланган жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 22 сентябрида қабул қилинган «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 365 - сонли қарорга 2-илова сифатида «Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириш тартиби тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу Низомнинг З-бандида ҳисбот йилидан кейинги йилнинг 1 майигача йиллик молиявий ҳисбот аудиторлик текширувидан ўтказилмаслиги;

Аудиторлик хulosаси мавжуд эмаслиги хўжалик юритувчи субъектнинг мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаши деб эътироф этилади» деб қайд қилиб қўйилди.

Жариманинг тўланиши хўжалик юритувчи субъектни мажбурий аудиторлик текширувидан озод қилмайди.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви субъектнинг ўз хоҳиши билан ўтказилади.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви хўжалик юритувчи субъектнинг ёки бошқа аудиторлик текшируви буюртмачиларининг қарорига биноан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўтказилиши мумкин.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувининг предмети, муддатлари ва бошқа шартлари аудиторлик текширувининг буюрмачиси билан аудиторлик ташкилоти ўртасида тузиладиган аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисидаги шартномада белгилаб қўйилади.

Аудиторлик текширувидан ўтказилаётган хўжалик юритувчи субъект қуидаги хуқуқларга эгадир:

аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хulosасини олиш;

бухгалтерия ҳисоботини юритиш, молиявий ҳисоботни тузиш тартиби тўғрисида ҳамда аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларни тўғрилаш ҳақида аудиторлардан маслаҳат ва тавсиялар олиш.

Аудиторлик текширувидан ўтказилаётган хўжалик юритувчи субъект:

аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатларда аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторга керакли шароитларни яратиб бериши, унга зарур ҳужжатларни тақдим этиши;

аудиторлик текшируви давомида аниқланган бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисобот тузиш қоидалари ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш тартиби бузилишларини бартараф этиши шарт.

Хўжалик юритувчи субъект Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида (янги таҳрири)»ги қонунга мувофиқ амалга оширилаётган аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш ёки унга халақит бериш мақсадларида у ёки бу ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) содир этишга ҳақли эмас.

Хўжалик юритувчи субъект қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида ўзга мажбуриятлар бўлиши мумкин.

Аудиторлик текширувининг буюртмачиси аудиторлик текшируви ўтказилишини қўзғатувчи хўжалик юритувчи субъект, унинг мулқдори, шунингдек устав капиталида қонун ҳужжатларида белгиланганидан кам бўлмаган миқдордаги улушга эга бўлган қатнашчилар ва акциядорлар, назорат қилувчи ёки хуқуқни муҳофаза қилувчи органлардир.

Аудиторлик текширувининг буюртмачиси қуидаги хуқуқларга эга:

аудиторлик ташкилотини мустақил танлаш;

ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви ўтказилаётганда аудиторлик текширувининг йўналиши ва ҳажмини белгилаш;

аудиторнинг эътиrozлари асосланилган қонун ҳужжатларининг нормалари тўғрисидаги зарур ахбортни аудиторлик ташкилотидан олиш.

Аудиторлик текширувининг буюртмачиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Аудиторлик текширувининг буюртмачиси аудиторлик текширувини ўтказишга доир шартномага мувофиқ аудиторлик хизматларининг ҳақини ўз вақтида тўлаши шарт.

Аудиторлик ташкилоти фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

Мустақил аудиторлик текширувини амалга оширишга тўсқинлик қилиш мақсадида аудиторлик ташкилотига, шунингдек унинг ходимларига исталган шаклда таъсир кўрсатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Аудиторлик текшируви назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ташаббусига кўра аудиторлик ташкилоти томонидан улар ўртасида тузилган хўжалик юритувчи субъектларнинг молия - хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш юзасидан тузилган шартномага асосан ўтказилади.

Аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича ишларга ҳақ тўлаш аудиторлик текширувини белгилаган орган ҳисобидан амалга оширилади.

Айнан бир хил асосларга кўра айнан бир аудиторлик ташкилоти айнан бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини текширишга такрор жалб этилишига йўл қўйилмайди.

қўйидагиларга аудиторлик текширувини ўтказиш тақиқланади:

текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарлари ва (ёки) бошқа мансабдор шахслари билан яқин қариндош бўлган шахсга;

текширилаётган хўжалик юритувчи субъектда мулкий ёки шахсий номулкий манфаатлари бўлган шахсга;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, шунингдек хўжалик бошқарув органларининг мансабдор шахсларига;

текширилаётган хўжалик юритувчи субъект ходимига;

Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларга:

а) ўзлари мулқдори, қатнашчisi, акциядори, кредитори, суғурталовчиси бўлган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан, шунингдек ушбу аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар уларга нисбатан мулқор, қатнашчи, акциядор ҳисобланадиган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан;

б) мулқдори, қатнашчisi, акциядори айни бир пайтнинг ўзида ушбу аудиторлик ташкилотининг мулқдори, катнашчisi, акциядори бўлган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан;

в) мазкур хўжалик юритувчи субъектга аудиторлик текшируви қамраб оладиган даврда Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида (янги таҳрири)»ги қонуннинг 17–моддасида назарда тутилган профессионал хизматлар кўрсатганлар.

Аудиторлик ташкилотлари кўйидаги профессионал хизматларни кўрсатишлари мумкин:

бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, қайта тиклаш ва юрётиш;

молиявий ҳисоботни тузиш;
миллий молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига ўтказиш;
хўжалик юритувчи субъектларнинг молия–хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш;
бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш, режалаштириш, менеджмент ва молия–хўжалик фаолиятининг бошқа масалалари юзасидан консалтинг хизмати;
соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ва декларацияларни тузиш.

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларида назарда тутилган бошқа профессионал хизматларни ҳам кўрсатишлари мумкин.

Аудиторлик ҳисботи - аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлиар, молиявий ҳисботдаги қоида-бузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотдан иборат бўлган ва хўжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорига, катнашчилари (акциядорлари)нинг умумий йиғилишига йўлланган хужжат. Аудиторлик ҳисботида аниқланган четга чиқишлиар ва қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молия–хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ва таклифлар мавжуд бўлиши керак.

Агар аудиторлик текшируви хўжалик юритувчи субъект қатнашчилари (акциядорлари) ёки назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари топшириғига биноан аудиторлик ташкилоти томонидан ҳтказилаётган бўлса, аудиторлик ҳисботи аудиторлик текшируви топшириғига биноан ўтказилаётган шахсга ҳам тақдим этилади.

Аудиторлик ҳисботидаги ахборот махфий ҳисобланади ва ошкор қилиниши мумкин эмас. Ушбу ахборотдан фойдаланган шахслар ахборотни ошкор қилганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Аудиторлик ҳисботининг ҳар бир бети аудиторлик текширувini ўтказган аудитор (аудиторлар) томонидан имзоланган бўлиши керак.

Аудиторлик ҳисботининг шакли ва мазмуни аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари билан белгиланади.

4§. Аудиторлик хulosаси ва унинг аҳамияти

Аудиторлик хulosаси – молиявий ҳисботнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган, хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисботидан фойдаланувчилар учун очиқ бўлган ҳужжат.

Ушбу ҳужжатнинг аҳамияти катта эканлигини эътиборга олган ҳолда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш, аудиторлик хulosалари солиқ органлари ва бошқа назорат

органлари томонидан ҳисобга олинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 22 сентябрида «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» 365-сонли қарори ишлаб чиқилди.

қарорнинг қабул қилиниши билан аудиторлик хulosасининг аҳамияти янада ошди. Жумладан, қарор 1-бўлимининг биринчи бандида – ижобий аудиторлик хulosаси мавжудлиги хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти солик органлари ва бошқа назорат органлари томонидан охирги текшириш ўтказилганидан кейин камидан 24 ойдан кейин текширилмаслиги учун асос ҳисобланади, деб қайд қилиб қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд қилиб ўтилган қарорига 1-илова сифатида «Аудиторлик хulosаларини солик органлари ва бошқа назорат органлари томонидан ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги Низом қабул қилинди.

Мазкур Низомда аудиторлик хulosаларини молия-хўжалик фаолиятини текширувчи (тафтиш қилувчи) солик органлари ва бошқа назорат органлари томонидан ҳисобга олиш тартибини ё белгилаб қўйилиши билан биргаликда ижобий ва салбий аудиторлик хulosалар сифатида ажратиб кўрсатилиши аудиторлик хulosаси қандай аҳамиятга эга бўлган ҳужжат эканлигини яна бир бор кўрсатиб берди.

Аудиторлик хulosаси аудиторлик ҳисботи асосида тузилади.

Аудиторлик хulosаси аудитор (аудиторлар), аудиторлик ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланган ва аудиторлик ташкилоти муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Аудиторлик хulosасининг шакли ва мазмуни аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари билан белгиланади.

Аудиторлик текширувни ўтказмай тузилган ёхуд аудиторлик текшируви натижалари бўйича тузилса-да, лекин аудиторлик текшируви давомида аудитор (аудиторлар) томонидан олинган ва ўрганилган хўжалик юритувчи субъект ҳужжатлари мазмунига мувофиқ бўлмаган аудиторлик ҳисботи ва аудиторлик хulosаси қасддан сохта тузилган ҳисобланади.

Аудиторлик ҳисботи ва аудиторлик хulosаси қасддан сохта тузилганлиги аудиторлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг амал қилишини белгиланган тартибда туттишга, шунингдек айбор шахслар конунда назарда тутилган жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

5§. Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш

Аудиторлик фаолияти (профессионал хизматлар бундан мустасно) маҳsus руҳсатнома (лицензия) асосида амалга оширилади.

Аудиторлик фаолиятини лицензиялашни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 22 сентябрида қабул қилинган «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 365-сонли қарорга З-сонли ИЛОВА сифатида ишлаб чиқилган «Аудиторлик фаолиятини амалга

ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 1-бўлим 2-қисмига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги амалга оширади.

Аудиторлик ташкилотларига аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия маҳсус ваколатли давлат органи томонидан берилади. Бу орган:

аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни, шу жумладан, аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларини ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

аудиторлик ташкилоти лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талабларига ва шартларига риоя этишини назорат қиласди;

аудитор малака сертификатини олиш учун даъвогарларга малака талабларини белгилайди;

аудиторларнинг Республика жамоат бирлашмаси билан келишган ҳолда аудитор малака сертификати олиш учун ўқув дастурларини ва малака имтиҳонларини топшириш тартибини тасдиқлайди;

аудиторларнинг Республика жамоат бирлашмаси иштирокида аудитор малака сертификатини олиш ҳуқуқига доир малака имтиҳонини ўтказади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аудиторлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туради, тугатади ва бекор қиласди, шунингдек ушбу маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон қиласди;

аудиторлик малака сертификатини беради, амал қилишини тугатади ва бекор қиласди;

малака сертификатига эга бўлган аудиторлар реестрини ҳамда аудиторлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари ҳисобини юритади.

Аудиторлик ташкилотларига аудиторлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензияларни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия олиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим бўлади:

1. Адебёт;

2. Таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусбалари ва Ўзбекистон Республикаси Адлия âазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома;

3. Камида икки аудиторнинг малака сертификатларининг тасдиқланган нусбалари;

4. Солиқ тўловчининг идентификация рақами берилганлиги тўғрисида солиқ органининг маълумотномаси;

5. Аризани кўриб чиқиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банкнинг тўлов ҳужжати.

Аудиторлик фаолиятини лицензиясиз амалга оширганлик қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка олиб келади.

Лицензиянинг амал қилиши қўйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

аудиторлик ташкилоти лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талабларини ва шартларини бузганилиги аниқланганда;

аудиторлик ташкилоти маҳсус ваколатли давлат органининг аудиторлик ташкилотини аниқланган қоидабузарликларни бартараф этишга даъат этувчи қарорини бажармаганда.

Лицензиянинг амал қилишини тўтатиб туриш тўғрисидаги қарор маҳсус ваколатли давлат органи томонидан аудиторлик ташкилотига ёзма шаклда у қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади.

Маҳсус ваколатли давлат органи лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиши учун аудиторлик ташкилотига муддат белгилаши шарт.

Кўрсатилган муддат олти ойдан ошиши мумкин эмас.

Аудиторлик ташкилоти лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйишга олиб келган ҳолатларни бартараф этган тақдирда, маҳсус ваколатли давлат органи кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги тасдиқномани олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичida лицензиянинг амал қилишини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Маҳсус ваколатли давлат органини лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклаш тўғрисидаги қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон килиниши керак.

Маҳсус ваколатли давлат органининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин. Суд лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асосиз деб топган тақдирда, маҳсус ваколатли давлат органи аудиторлик ташкилоти олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

Лицензиянинг амал қилиши қўйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин :

аудиторлик ташкилоти лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

аудиторлик ташкилоти тугатилганида;

аудиторлик ташкилотининг фаолияти у қайта ташкил этилиши натижасида тугатилганда, унинг ўзгартирилиши бундан мустасно;

аудиторлик ташкилоти лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талабларини ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда;

аудиторлик ташкилоти лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни маҳсус ваколатли давлат органи белгилаган муддатда бартараф этмаганда.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор маҳсус ваколатли давлат органи томонидан аудиторлик ташкилотига ёзма шаклда, қарор қабул қилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай асословчи далиллар билан етказилади. Аудиторлик ташкилоти лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичida лицензия маҳсус ваколатли давлат органига қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

Махсус ваколатли давлат органининг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Лицензиянинг амал қилиши лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан тугатилади.

Махсус ваколатли давлат органининг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин. Суд лицензиянинг амал қилишини тугатиш асосиз деб топган тақдирда, махсус ваколатли давлат органи аудиторлик ташкилоти олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

Лицензия қўйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

аудиторлик ташкилоти лицензияни бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

лицензия соҳта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда;

махсус ваколатли давлат органининг лицензия бериш тўғрисидаги қарори ноқонуннийлиги аниқланганда;

агар аудиторлик ташкилоти унга лицензия бериш тўғрисидаги қарор қабул қилингани ҳақида хабарнома юборилган (топширилган) пайтдан эътиборан уч ой муддат ичida махсус ваколатли давлат органига лицензия берганлик учун давлат божи тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган ёки лицензия шартномасини имзоламаган бўлса.

Махсус ваколатли давлат органининг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори аудиторлик ташкилотига ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай асословчи далиллар билан етказилади.

Аудиторлик ташкилоти лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичida лицензия махсус ваколатли давлат органига қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

Махсус ваколатли давлат органининг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Бекор қилиш тўғрисидаги қарор лицензия берилган санадан эътиборан амал қиласи.

Махсус ваколатли давлат органининг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин. Суд лицензияни бекор қилиш асосиз деб топган тақдирда, махсус ваколатли давлат органи аудиторлик ташкилоти олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

6§. Аудиторлик малака сертификати ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси

Аудитор малака сертификатининг амал қилишини тугатиш учун қўйидагилар асос ҳисобланади:

аудиторнинг аризаси;

аудиторлик текшируви давомида аудитор олинган маълумотларни аудиторлик текшируви буортмасининг рухсатисиз учинчи шахсларга бериши, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

аудиторлик текшируви ўтказиша аниқланган, хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби юритиш, шунингдек молиявий ҳисоботини тузиш бўйича белгилаб қўйилган талабларни бузиш фактларининг аудитор томонидан яширганлик;

аудиторлик фаолиятида уч йил давомида иштирок этмаслик;

аудиторнинг малака сертификати бошқа шахсга топширилган бўлиб, мазкур шахс ушбу ҳужжатни аудиторлик фаолиятида иштирок этиш учун ўз номидан фойдаланиш мақсадида ишлатганлик фактининг аниқланганлиги;

суднинг муайян лавозимларни эгаллаш ёки молия–хўжалик муносабатлари соҳасида муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони назарда тутувчи ҳукмининг қонуний кучга кирганлиги;

фуқарони белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёрати чекланган деб топиш тўғрисидаги суд қарори.

Аудитор малака сертификатининг амал қилиши уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан тугатилади.

Махсус ваколатли давлат органининг аудитор малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

Аудиторлик малака сертификати қўйидаги ҳолларда бекор қилинади:

махсус ваколатли давлат органининг аудиторга малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарори ноқонуний эканлиги аниқланганида;

сертификат соҳта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганида;

Малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарор аудитор малака сертификати берилган санадан эътиборан амал қиласди.

Махсус ваколатли давлат органининг аудитор малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси аудиторларни ихтиёрий асосларда бирлаштирадиган нодавлат нотижорат ташкилотидир.

Аудиторларнинг деспублика жамоат бирлашмаси аудиторларнинг малака даражасини ривожлантиришга ва сақлаб туришга, уларнинг касбий манфаатларини ўзасидан ҳимояланишига қўмаклашишга даъват этилгандир.

Аудиторларнинг деспублика жамоат бирлашмаси:

таълим дастурларини ҳамда малака имтиҳонларини топшириш тартибини ишлаб чиқиши ва тасдиқлашда;

аудиторлар малака сертификатини олиш ҳуқуқига доир малака имтиҳонларини ўтказиша;

аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлашда иштирок этади.

Аудиторлик фаолиятини амалга оширишда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Х боб. Тадбиркорлик соҳасида реклама хуқуқининг асослари

1§. Реклама хуқуқининг тушунчаси

Бозор иқтисодиёти шароитида моддий товар бойликлари билан бир қаторда номоддий кўринишга эга бўлган ахборотлар ҳам тадбиркорлик хуқуқининг обьекти сифатида даромад манбай ҳисобланади. Ахборот кўринишида бўлган турли-туман маълумотлар ҳам фуқаролик хуқуқида муомала обьекти сифатида ҳаракатда бўлади. Худди шундай хусусиятларга эга бўлган ахборотлар йиғиндиси - реклама ҳам бугунги бозорнинг каттагина даромад келтирадиган соҳасига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрдаги «Реклама тўғрисида»ги Конуни реклама билан боғлиқ фуқаролик-хўжалик муносабатларини тартибга солишга қаратилган. Конуннинг асосий вазифаси юридик ва жисмоний шахслар ҳамда турли маҳсулотлар ва хизматлар тўғрисида ахборот оқимини шакллантириш, ахборотни эркин айланишини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик ва истеъмолчилик маданиятини янада такомиллаштириш, рекламанинг шахсларнинг ишчанлик обрўсига ҳар хил тажовузлардан ҳимояланиш чораларини таъминлаш, маҳсулот ва хизматларнинг истеъмол хусусиятларини тарғиб қилиш, тадбиркорликка оид ноаниқ ва ёлғон маълумотларнинг тарқалишини олдини олиш ва бошқалардан иборат.

Реклама бевосита ёки билвосита фойда олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулотлар ёхуд хизматлар тўғрисида тарқатиладиган ахборотдир. Реклама эфир ёки тўлқин орқали узатиладиган ахборотлар, матнли ёки тасвирилар, декоратив ёки ҳаракатдаги ашёлар, телефон орқали хабар қилинадиган маълумотлар ва бошқа унсурлардан иборат бўлиши мумкин. Реклама албатта даромад олиш учун мўлжалланганда бозор муносабатларининг обьекти бўлади. Ижтимоий ҳарактердаги ахборотга асосланган реклама тадбиркорлик хуқуқининг предмети ҳисобланмайди.

Рекламада бир қатор субъектлар иштирок этади. Реклама берувчи деб, реклами тайёрлаш ёки тарқатиш учун унга буюртмачи бўлган шахсга айтилади.

Реклама тайёрловчи эса, реклама тайёрлашни тўлиқ ёки қисман амалга оширувчи шахсдир.

Реклама тарқатувчи ҳақ эвазига турли ахборот воситалари орқали реклама тарқатишин ўз зиммасига олган шахсдир. Шунингдек, рекламада рекламадан фойдаланувчилар, истеъмолчилар, товар ишлаб чиқарувчилар ва бошқа манфаатдор шахслар иштирок этиши мумкин. Рекламада қатнашувчилар ўртасидаги муносабатлар хуқукий жиҳатдан тартибга солинганда улар алоҳида хуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.

Рекламанинг яна бир хусусияти шундаки, у ахборотлар бозорини ҳам вужудга келтиради. Тадбиркорликка асосланган субъектлар товар ишлаб чиқариш (иш, хизмат кўрсатиш) ва айирбошлиш учун рақобат олиб борсалар, бир вақтнинг ўзида ахборот олиш ёки уни тезда тарқатиш, яъни ахборотлар бозорини эгаллаш учун ҳам курашадилар.

Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда тадбиркорликнинг реклама ёрдамида кўллаб-куватланиши кундалик ишга айланиб бормоқда. Бу соҳада монополия ва ноҳалол рақобатга йўл қўймаслик учун республикамизда 1996 йил 23 май куни Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси маҳсус давлат органи сифатида тузилган.

Реклама ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг институти сифатида тадбиркорликнинг вужудга келиши ва ривожланишида муҳим ўрин тутади. Реклама ҳуқуқининг ҳимоя қилинишини янада кенгайтиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳккамасининг 2000 йил 26 июн кунидаги «Ўзбекистон Республикаси «Реклама тўғрисида»ги Конунини ижро этиш тадбирлари ҳақида»ги 243-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга кўра реклама бўйича идоралараро кенгаш тузилди. Идоралараро кенгашнинг вазифалари этиб давлат бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажариш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, барча турдаги бозорларда рекламани тарқатишида ҳалол рақобат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, рекламада иштирок этувчи барча субъектларнинг жаҳон стандартларига ва миллий анъаналарга зид бўлмаган манфаатларига риоя этиш белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2001 йил 6 апрелдаги «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1024-қарори катта аҳамиятга эга.

2§. Реклама тадбиркорлик ҳуқуқининг объекти сифатида

Фуқаролик кодексининг 81-моддасида фуқаролик ҳукуклари объектларининг турлари белгилаб қўйилган. Кодекснинг 82 –моддасида эса фуқаролик ҳукуклари объектларининг муомалада бўлиши тартиблари кўрсатилган. Реклама ҳам муомалада бўладиган, лекин муайян иштрокчиларга қарашли бўлган, ҳамма тенг фойдаланадиган, алоҳида тартибларда муомалада бўлишга рухсат этиладиган фаолият тури ҳисобланади. Чунки, рекламадан бозорни ривожлантиришда фойдаланиш билан бир қаторда, жамиятда турли қатламларнинг онги ва маданиятини ўзгартиришда ҳам фойдаланиш мумкин. Шунинг учун реклама бозорни тартибга солиш ва даромад олиш мақсадида фойдаланишга қаратилганда у тадбиркорлик ҳуқуқининг бевосита объекти ҳисобланади. Маълумки, тадбиркорлик тайёр маҳсулот ёки мавжуд хизмат ёки ишга асосланади. Шундай экан, реклама яратилмаган маҳсулот ёки хизмат кўрсатиш (иш бажариш) имконияти бўлмаган жараёнларга нисбатан берилиши мумкин эмас. Реклама бериш учун албатта моддий (маънавий) асос ва ҳуқуқ бўлиши лозим. Реклама тадбиркорликни ривожлантириш, рақобатни кучайтириш, монополияга қарши курашиш, истеъмол бозорини эгаллаш ҳамда фойда олишни тезлаштиришга хизмат қиласи. Реклама кўринишидан номоддий ҳусусиятга эга бўлгани билан, у жамиятда бозорнинг қатнашчиси бўлишга оид «ижтимоий фикр»ни шакллантиради. Соғлом иқтисодий рақобат ҳаққоний ахборот, яъни реклама натижасида яратилади. Реклама бозорнинг иштирокчиларини доимо ахборот билан таъминлаб туради

Реклама мазмунига кўра бир неча турга бўлинади.

Ижтимоий реклама деб, фойда олиш учун мўлжалланмаган, бирон-бир ижтимоий, маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, жамиятни хабардор қиласидиган, воқеа ва ҳодисалар ҳақида хабар берадиган ахборотларга айтилади. Ижтимоий реклама тадбиркорлик ҳуқуқининг обьекти ҳисобланмайди. Ижтимоий реклама тўғрисидаги қоидалар «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасида берилган.

Тезкор реклама деб, тайёрланган маҳсулот (хизмат, иш) ҳақида бир вақтнинг ўзида бир неча худуд ва бозорда ўз мижозларига эга бўлиш учун кўплаб миқдор ва воситаларда тарқатиладиган янги ахборотларга айтилади.

Яширин реклама-истеъмолчи онгига унинг ўзи билмаган ҳолда таъсир ўтказадиган рекламадир. Бунинг оқибатида истеъмолчи берилаётган рекламага ўрганади ва уни доимо берилишини кутади. Яширин реклама очик реклама ичида ёки унинг иловасида ёхуд уни инкор қилган ҳолда берилади. Яширин рекламада маҳсус видеоиловалардан фойдаланиш йўли билан ҳамда бошқа усуллар билан таъсир ўтказилади. Яширин рекламадан эфир ва тасвири маҳсулотда, шунингдек бошқа маҳсулотда фойдаланишга ва уни ўзгача усуллар билан тарқатишга йўл қўйилмайди.

Ташқи реклама деб, алоҳида маҳсус конструкцияларда, тахталавҳаларда, экранларда, бино ва иншоотларнинг ташқи томонида, транспорт воситаларида ва ҳокозоларда жойлаштириладиган рекламага айтилади.

Қиёсий реклама деб, рақобатчига ёки у томондан тақдим этилаётган бирор маҳсулотга бевосита ёки билвосита айнанлаштириладиган рекламага айтилади. «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддасига кўра, маҳсулотнинг хусусиятлари холисона таққосланса, агар бунда reklama foydalananuvchilarni chalqitmasa, reklama beruvchi bilan raqobatchinining shaxsi ёки reklama beruvchining va raqobatchinining tovar belgilari, firma nomi, maҳsuloti aralaшиб ketmasa, shunингдек raqobatchinining ischanlik obrusini ёки uning tovar belgisini, firma nominini, maҳsuloti ёки faoliyatini badnom etmasa, қиёсий рекламага йўл қўйилади.

Фуқаролик кодексининг 98-моддасида хизмат ва тижорат сири билан боғлиқ қоидалар мустаҳкамланган. Унда хизмат ёки тижорат сири бўлган ахборотни, агарда бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий қимматга эга бўлган, қонун йўли билан ундан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаган ҳамда ахборот эгаси унинг маҳфийлигини сақлашга доир чоралар кўрган ҳолларда ҳимоя этилади. Бу қоида бевосита рекламага нисбатан ҳам татбиқ этилади. Ошкор этилмаган ахборот ёки корхона тижорат сири рекламанинг обьекти бўла олмайди ва у жамиятга маълум қилиниши мумкин эмас.

Кодекснинг 1095-моддасида ошкор этилмаган ахборотни муҳофaza қилиш ҳуқуқининг тушунчаси берилган. Унга кўра, ошкор этилмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофaza қилиш ҳуқуқи бу ахборотга нисбатан бирон-бир расмиятчиликни бажаришдан қаъий назар вужудга келади. Ошкор этилмаган ахборотни муҳофaza қилиш қоидаси қонунга мувофиқ хизмат ёки тижорат сири бўла олмайдиган маълумотларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ошкор этилмаган ахборотни қонуний асоси бўлмай туриб олинган ёки тарқатган, ундан фойдаланаётган шахс бу ахборотга қонунан эга бўлиб турган шахсга ахборотдан ноқонуний фойдаланганлик натижасида етказилган зарарни тўлаши шарт.

Реклама берувчи ўзининг ишчанлигини таъминлаш ва даромад манбани ошириши учун маълум вақтгача тижорат сирини ошкор этмаслиги ҳам мумкин. Бир шахснинг иккинчи шахс устидан ишчанлиги, шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган реклами тарқатиши қонун билан таъқиқланади. Бу талабларга риоя этилиши ҳақида Фуқаролик кодексининг 1000-моддаасида батафсил кўрсатиб ўтилган.

Умуман олганда, реклама бериш бу таваккалчиликка асосланган бўлиб, ҳар қандай ахборот тарқатилиши натижасида даромад олиб келадиган бўлса, бундай ахбротдан қандай усулда ва қайси муддатларда фойдаланиш ҳуқуки ва эркинлиги реклама берувчига тегишлидир. Реклама берувчи барча мол-мулки, кўрсатадиган хизмати, бажарадиган ишини сир сақламасдан ахборот тарқатиши натижасида, бозор қатнашчиларини ўзига эргаштиради. Шунинг учун ҳам тадбиркорликда товар ёки хизмат (иш) эмас, балки унинг бирламчи кўриниши сифатида реклама қаттиқ ҳимоя остига олинади. Реклама бозор муносабатларига киришадиган субъектлар учун келгусида шартномавий муносабатларнинг ҳам келиб чиқишида муҳим ҳисобланади.

3§. Рекламада шартнома муносабатлари

Рекламада қатнашувчилар ўз манфаатларини ҳимоя қилиши учун шартномавий муносабатларга киришадилар. Бир томондан реклама берувчи, иккинчи томондан реклама тарқатувчи, учинчи томондан истеъмолчилар реклама асосида келгусидаги ўз муносабатларини шартнома асосида аниқлаб оладилар.

Рекламада шартнома албатта ёзма шаклда тузилади. Оғзаки тузилган шартномалар ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди.

Шартнома рекламада қатнашувчиларинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини олдиндан келишиб олиш имкониятини беради. Рекламада турли кўринишдаги ахборотлардан фойдаланиш назарда тутилади. Рекламада қатнашувчилар ўртасида тузиладиган шартноманинг шартлари қуидагиларни ўз ичига олади:

- рекламанинг предмети;
- рекламадан фойдаланиш усуллари;
- рекламани тайёрлаш, тарқатиш учун тўланадиган ҳақ миқдори ва уни тўлаш тартиби ҳамда муддати;
- рекламани тарқатиш худуди, воситаси ва вақти;
- рекламани тарқатиш муддати;
- рекламада муаллиф ва ижрочи сифатида қатнашувчиларнинг ҳуқуқлари, улар меросхўрларининг ҳақ олишга бўлган ҳуқуқлари;
- рекламада қатнашувчиларнинг шартномадан ихтиёрий чиқиши билан боғлиқ ҳуқуқ ва эркиnlари;
- шартномани бажармаслик оқибатлари, шартнома бўйича келиб чиқадиган жавобгарлик турлари ва уни ҳал этиш йўллари.

Рекламадан ўзгалар фойдаланишида албатта лицензия расмийлаштирилади.

Лицензия шартномаси маълум бир муддатга берилади. Лицензия берувчи ўз контрагентини олдиндан ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир. Рекламада қайси ҳолларда лицензия олиш талаб қилиниши қонунчиликда белгилаб қўйилган. Лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган.

Лицензия ошкор этилган ахборот ва маълумотларга берилади.

Шартномада асардан фойдаланиш муддатлари назарда тутилиши ҳам мумкин. Бу муддатларни бузганлик ҳуқуқ эгасининг шартномани бекор қилиш ҳуқуқига сабаб бўлади.

Маълумки, реклама яхлит ва тугал, бир неча кўринишдаги, тасвирили, оҳангли, ҳаракатдаги, матнли ёки матнсиз шаклдаги ахборотларнинг жамламасидир. Яъни, реклама алоҳида асар ҳисобланади. Реклама тайёрлашда бевосита муаллифлар ва ижрочилар қатнашади. Реклама хусусий шахсга ёки жамоа тартибида юридик шахсга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Юридик шахслар томонидан тайёрланадиган реклама шартнома асосида шу рекламани буюртма асосида тайёрлаган шахсга тегишли бўлади. Реклама тайёрлашда иштирок этган муаллифлар ўзлари томонидан яратилган реклама қисмидаги асарга нисбатан муаллифлик ҳуқуқига эга бўладилар. Реклама хизмат доирасида яратилган тақдирда эса муаллифлик ҳуқуқи хизмат асарларига нисбатан қўлланадиган талаблар асосида ҳимоя қилинади. Реклама тайёрлашда иштирок этган ижрочилар ҳам шу реклама (асар) га нисбатан муаллифлик ҳуқуқидан тенг фойдаланадилар. Бу ҳолда реклама яратиш ва уни тарқатиш (узатиш) билан боғлиқ барча муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Конуни билан тартибга солинади. Реклама (асар ёки ижро) билан боғлиқ муаллифлик ҳуқуқи мерос тариқасида универсал тартибда меросхўрларга тегишли бўлади. Рекламани теле, радио, кино, аудио ва бошқа усуllibарда тарқатган шахслар турдош ҳуқуқлар субъекти сифатида ўзларига тегишли бўлган муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланадилар. Рекламага ҳуқуқи бўлган шахсларнинг розилигисиз улар томонидан яратилган reklamadan ўзгаларнинг фойдаланиши ноқонуний ҳисобланади. Реклама яратишда иштирок этган шахс (муаллиф, ижрочи) лар ўртасидаги муносабатлар reklama tayёrlashni zimmasiiga olgan shahs bilan tuziladigan shartnomalar orқали aniklanadi. Рекламада қатнашувчи муаллиф ва ижрочиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муддатлари тугагандан сўнг, реклама ижтимоий мулкка айланади. Амалда реклама тайёрлаш учун тузиладиган шартнома буюртма шартномасига ҳам ўхшаб кетади. Рекламада уни тайёрлашда қатнашган шахсларнинг номулкий ҳуқуқлари бузилмаган ҳолда, кўпроқ реклама берувчининг маҳсулоти, фирма номи, товар белгиси ва жой номи ҳақида маълумотлар берилади. Рекламада бир вақтнинг ўзида ҳам асар, ҳам маҳсулот ёки хизмат тури иштирок этади. Шунинг учун reklama shartnomasi орқали барча муносабатлар олдиндан aniklab olinishi lozim.

Рекламадан шартнома тузмаган ҳолда фойдаланилган тақдирда қоидабузар ҳуқуқ эгасига етказилган заарнинг ўрнини, шу жумладан бой берилган фойданни қоплаши шарт.

Хорижий рекламалар лицензия асосида олиб кирилади ва тарқатилади. Хорижий рекламаларда иштирок этувчиларнинг хуқуқий ҳолати ҳалқаро шартномалар орқали белгиланади. Хорижий рекламалардан лицензия шартномасида кўрсатилганидан бошқача усулда фойдаланиш қатъиян тақиқланади. Масалан, хорижий реклама мамлакат ичкарисига фақат телевидения орқали намойиш этилиши лицензияда белгилаб қўйилган бўлса, рекламадан кабелли студиялар орқали фойдаланиш, уни видео кассеталарга қўпайтириб тарқатиш, реклама матни ёки тасвири ёхуд бошқалардан парча сифатида бошқа реклама ёки асарларда фойдаланиш тақиқланади. Бундай харакат амалга оширилган тақдирда эса, агарда республикамиз шу соҳага оид ҳалқаро шартноманинг аъзоси бўлса, давлатга нисбатан ҳалқаро жавобгарлик келиб чиқади.

4§. Рекламада қатнашувчиларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

Рекламада қатнашувчилар - реклама берувчи, реклама тайёрловчи, реклама тарқатувчилар рекламага нисбатан бир хил хуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.

Реклама берувчи реклама хусусида шартнома тузиш тўғрисида ошкора тақлиф (оммавий оферта) киритиш, тарафлар томонидан шартнома асоссиз равишда бекор қилинган ҳолларда заарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида даъво қўзғатиш каби хукуқларга эга. Шунингдек, реклама берувчи реклама тайёрловчи ёки тарқатувчининг талабига биноан реклама ахборотининг ишончлигини тасдиқловчи хужжатларни тақдим этиши, лозим ҳолларда тегишли лицензия тақдим этиши шарт. Реклама берувчи қонунчилик йўл қўйган ҳолатларда шартномага асосан бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Реклама тайёрловчи ва тарқатувчи ҳам қуйидаги - оммавий оферта йўлланган шахсдан белгиланган тартибда акцепт олганидан сўнг реклама берувчи шартнома тузишдан бош тортганда бу шахсни шартнома тузишга мажбурлаш тўғрисида ва реклама берувчининг шартнома тузишни асоссиз равишда рад этганлиги туфайли етказилган заарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилиш, қонунчиликда белгиланган тартибда лицензияни талаб қилиш хукуқларига эга. Реклама тайёрловчи ва тарқатувчининг реклама фаолияти ва ҳомийлик қоидаларини бажариши, ахборот ва бошқа материаларни берган шахс тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз ошкора қилмаслиги, реклама берувчи қонун хужжатларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ахборот берган тақдирда реклама берувчини ўз вақтида хабардор қилиши каби мажбуриятлари бор.

Шунингдек, рекламада реализация қилиниши учун маҳсус лицензия бўлиши талаб қилинадиган маҳсулотни тегишли сертификати, рухсатномаси бўлмай туриб реклама қилиш, маҳсулотлар reklamasida қўлланиладиган умумий ечим, матн, тасвир, мусиқали ёки овозли оҳангларни айнан тақрорлаш, уларга тақлид ёки ўхшатма қилиш, жисмоний шахснинг номи, тасвиридан унинг розилигисиз фойдаланиш, порнографияни тарқатиш, ишлаб чиқарилиши тақиқланган маҳсулот тўғрисида ахборот тарқатиш, ўзга шахсларнинг маҳсулотини бадном қилиш тақиқланади.

Рекламада қатнашувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш тадбиркорликни равижлантиришнинг муҳим омили ва шарти ҳисобланади.

5§. Рекламани жойлаштириши ва тарқатиш тартиби

Рекламани жойлаштириш ёки тарқатиш тадбиркорликнинг муҳим иқтисодий қонуниятларидан биридир. Чунки, маҳсулот ишлаб чиқарилган (хизмат кўрсатиш бошланган) вақтдан бошлаб тадбиркор ўз маҳсулоти учун мижоз қидиради. Бундай пайтда эса реклама унга дастлабки даромад олиш йўлларини кўрсатиб беради. Реклама қонунчиликка кўра бир неча усул ва воситаларда тарқатилади.

«Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасида рекламани телевидение ва радиода бериш тартиби белгиланган. Бунга кўра эфир ташкилотлари ҳар соатига реклама вақтини 10 фойздан оширмасликлари керак. Бу қоида маҳсус реклама каналларига татбиқ этилмайди. 45 минутдан ортиқ давом этадиган маданият, спорт ва фильмлар билан боғлиқ кўрсатувларда дастур реклам учун бир марта узуб қўйилиши мумкин. Реклама бу муддатдаги кўрсатув бошланиши ёки тугаганидан сўнг ҳам берилиш мумкин. Расмий давлат анжуманлари вақтида реклама жойлаштириш тақиқланади. Шунингдек, ўн тўрт ёшгача бўлган болалар дастурларига ҳам реклама жойлаштириш тақиқланади. Бу қоида ижтимоий рекламаларга тадбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2001 йил 6 апрелдаги «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1024-қарори (бундан кейин Низом деб юритилади) рекламани жойлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида ва Низомда босма оммавий ахборот воситаларидаги рекламанинг ҳажми, мавзусини шу оммавий ахборот воситаларининг ўзлари мустақил белгилашлари ўрнатилган.

Ташқи реклама бино ва иншоотларданинг ташқарисида ўрнатилади. Бундай рекламаларни жойлаштириш тартиби маҳаллий ҳокимият органлари томонидан белгиланади. Транспортда реклама жойлаштиришнинг алоҳида тартиблари белгиланган. Бу қоидалар «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасида ўрнатилган. Дори воситалари, тиббий буюмлар, майший кимё воситалари, тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар рекламасини жойлаштириш ва тарқатиш ҳам алоҳида тартибда олиб борилади.

Қонунчиликда реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва тарқатувчи реклама материалларини охирги марта реклама эълон қилинган кундан бошлаб бир йил мобайнида сақлашлиги қоида тариқасида белгилаб қўйилган.

Низомда рекламага рухсат бериш тартиби ва рухсат берувчи органларнинг рўйхати ҳам кўрсатиб ўтилган. Рухсат олишда реклама берувчи қандай ҳужжатларни тақдим этиши белгиланган. Бу тартиб ўз навбатида реклама тўғрисидаги қонунчиликнинг тўғри ижро этилиши, бу фаолиятда монополияга йўл қўймаслик, ягона рўйхат юритиш, тегишли ҳукуқбузарликлар келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган.

XI-боб. Тадбиркорлик фаолиятини ахборот билан таъминлашнинг хуқуқий асослари

Дарсликнинг ушбу ўзига хос бўлимини ёритишдан олдин, ахборот билан таъминлаш ўзида нимани ифодалашини ва у ҳозирги кунда тадбиркорлар учун қанчалик зарурлигини аниқлаш ва белгилашда ёрдам берадиган бир қатор ҳолатларни эслатиб ўтиш лозим.

1§. Ахборотлаш тизимини ташкил этиш

Ахборот билан таъминлаш тушунчаси. Бозор иқтисодиёти ривожланишини исталган шахс учун ахборотлар оламига кириш, ахборотларни тўплаш ва алмаштириш тегишли даражада эркин бўлмагани ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Товарлар муомаласида ахборотлар тижорат қийматига эга бўлиб, баъзи ҳолларда контрагент (тижорат шериги) учун аҳамиятга эга бўлган белгиланган сигнал (товуш)ларни ўзида ифодалайди (масалан, исталган шахслар учун юридик шахсларнинг оммавий реестри, ер кадастрлари, ихтиrolарнинг давлат реестри ёки акциядорлар реестри). Бошқа ҳолларда эса, ахборотлар ҳуқуқ обьекти бўлиши мумкин. Агар у олиб қўйилса, шундай ҳол рўй беради.⁶⁶ Учинчи ҳолларда у товарлар харакатини таъминлайди.⁶⁷ Ахборотлар ҳужжатлаштирилган ва ҳужжатлаштирилмаган шаклда бўлиши мумкин. Замонавий бозор шароитида «қайта моддийлаштириш» («Дематериализация») умумий анъанасида ҳужжатлаштирилган ахборотли ёзувлар мулкнинг мавжуд эканлигини ифодаловчи ягона тасдиқ эканлигини билдирувчи ҳолатлар бир неча бўлиб, у жиддий низоларга сабаб бўлмоқда, масалан, накд бўлмаган пуллар ёки ҳужжатсиз қимматли қофозлар.⁶⁸

Шундай қилиб, ахборотлар индустряси ва инфраструктурасини қамраб олган рекламадан тортиб замонавий электрон алоқа воситаларигача бўлган ахборот билан таъминлаш тушунчасини ушбу нашрда жуда кенг контекстда кўриб чиқишининг иложи ҳам ва бунга ҳожат ҳам йўқ. «Ахборот билан таъминлаш» атамасининг қатъий белгиланмаганлиги унинг қўп маъноли бўлишини таъминлайди ва турли талқин этилишига олиб келади. Ахборот билан таъминлаш деганда, коммуникация воситалари билан элементар техник ёритиш ҳам, алоқа ва коммуникация воситалари ҳам ахборотлашган кузатув жараёни (техник ҳамкорлик, ўз вақтида хабардор қилиш, баён қилиш, танишиш ва ҳ.к.) ҳам маслаҳат шаклидаги пулли (пулсиз) хизмат ҳам, ахборотлаштирилган (ахборот-қидирув) тизимлар ва дастурли маҳсулотларга киришга рухсат бериш ҳам ва ниҳоят муаллифларнинг интеллектуал мулки ҳисобланган ёки ҳисобланмаган ахборотлаштирилмаган маҳсулотнинг ўзи ҳам тушунилади

⁶⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни. 1993 йил, 7 май

⁶⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни. 1998 йил 25 декабр

⁶⁸ Қаранг: Тараканов С. //Хозяйство и право РФ. 1998, №9, Новоселова Л.А. О понятии и правовой природе безналичных расчетов. //Законадательство РФ, 1999, №1.

Ушбу таърифдан қуидагилар англашилади, биринчидан, давлат органларини ахборотлар билан таъминлаш ушбу тадқиқот предмети ҳисобланмайди. Чунки, бу ҳолат кўп жиҳатдан маъмурий қонунчиликка тааллукли бўлиб, давлат органларининг ўзаро алоқалари ва уларни ахборотлар билан таъминлаш ушбу қонунчилик билан тартибга солинади. Иккинчидан, тадбиркорни ахборот билан таъминлаш пулли ёки пулсизлиги аҳамиятга эга эмас ва ҳак доим ҳам ахборот билан таъминловчи хусусий ёки оммавий орган эканлигига мос келмайди. Учинчидан, тадбиркорларни ахборот билан таъминлаш фақатгина уларнинг касбий фаолияти соҳасидаги қисми қонунчиликда ўз аксини топган. Тўртинчидан, институционал механизм (ахборот хизмати инфраструктураси, аниқроғи тижорат билан шуғулланадиган агентлик ва органлар)ни яратиш ва давлат органларининг тадбиркорларни тез ўзгариб турувчи хўжалик фаолиятининг хуқуқий базаси тўғрисида оператив хабардор қилиш бўйича вазифаларни амалга оширишда давлат муҳим ўрин эгаллайди ва баъзи ҳолларда жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Ахборот билан таъминлашини ташкиллаштириши. Бозор хўжалигига одатда турли ахборот агентликлари, марказлари, консалтинглик ва маслаҳат фирма ва компаниялари бажарадиган иш-тадбиркорларни ахборот ёрдами кўрсатиш каби ноанъанавий вазифани давлат ўз зиммасига олиши нима билан изоҳланади? Бунга сабаб, бозор иқтисодиётида давлат бош ислоҳотчи ролини бажаар экан, давлат ўз ислоҳоти йўналишини белгилайди ҳамда уларнинг натижаси учун жавобгар бўлади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, марказлашган иқтисодиёт шароитида колхоз ва кооперативларни ҳисобламаганда, ягона тадбиркор фақат давлат ҳисобланган ва бир вақтнинг ўзида ўзининг хўжалик фаолияти (агар шундай аташ мумкин бўлса)ни тартибга солиш масалаларини ҳам ўз қўлида марказлаштирган. Ўта қатъий хўжалик қонунчилигини ўз эҳтиёжлари учун мослаштира туриб, давлат «Хўжалик орган»лари ваколати қатъий белгилangan чегараси асосида режа ва субординацияга хўжалик фаолиятини ўзаро келишиш, мувофиқлаштириш ва башорат қилишни таъминловчи ахборот коммуникация ва каналларини ташкил этди.¹

Тадбиркорлик фаолиятини хусусийлаштирилиши ва қайта монополиялашувининг бошланиши билан мустақил ва юқори савияли хўжалик юритиш тажрибаси ва ана шунда хўжалик юритишга лаёқатли ходимларнинг етишмаслиги одатий ҳол бўлиб қолди. Давлатнинг умумий миқиёсидаги назоратига умид қилишга ўрганиб қолган тижоратчилар ташаббускорликни намоён этишмади, бошқалари эса ноқонуний тижоратга ўтиб олдилар ва бу тижоратни жиноий фаолиятга айлантиридилар.²

¹ Товар муомаласи иштирокчиларини тартибга солишнинг «Хусусий-оммавий» ёки «Фуқаролик-маъмурий» услубининг ўзаро мос келмаслиги ҳозиргача «Хўжалик хуқуки» назарияси мавжудлигини юзага келтирмоқда. Қаранг: Лаптев В.В. Хозяйственное право-право предпринимательской деятельности //Государство и право. 1993, №1; Мартемеянов В.С. Хозяйственное право. Курс лекций. Т.1.-М.: 1994, с.13-16.

² Қаранг: Гражданское право: В 2 т. Том 1: Учебник. отв. ред. Е.А.Суханов. Изд. перераб.и доп.-М.: Издательство. БЕК, 1998, с.2.

Бошқа тарафдан олиб қараганда, ислоҳотлар ўтказиш тажрибасининг йўқлиги, давлат хизматчиларининг паст тайёргарлиги иқтисодий ўтиш даври қонунчилигини тез ўзгаришига ва қонун ва қонуности актларининг муқим эмаслигига олиб келди ва бу ҳолат тадбиркорлик фаолиятини ва далил ривожланиши учун ишончли ва доимий асос бўла олмасди. Шу сабаблар боис дастлабки босқичдаги ахборот билан таъминлаш кўпроқ иқтисодий «ликбез»га мос келиб, хизматчилар ва тижоратчиларни савдо қоидаларини ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ касбий қайта тайёрлашга эътибор қаратилди. Чунки, улар ўз фаолиятини энг яхши ҳолатларда бор-йўғи кооператив ҳаракатидан бошлагандилар.

Лекин тадбиркорликнинг ривожланиши билан давлат тижоратчилариға хомийлик қилишдан ва улар ҳақида тинимсиз бош қотиришдан қутилиш мақсадида либериаллашув жараёнига амал қилган ҳолда, хусусий товар муомаласидаги ўз ролини пасайтирди. Бунда давлат «занжирли ит», «тунги қоровул» ҳолатига ўтиб, хусусий манфаатлар соҳасига аралашувини камайтирди ва шунинг натижасида ахборот инфраструктурасини «хусусийлаштириди».

Ахборот олиши, излаш ва топиш эркинлиги кафолатлари. Қонунчилигимизда тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли ҳар қандай ахборотнинг тарқалиши ва олинишига рухсат берувчи асосий кафолатлар мустаҳкамланган.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар кимнинг ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш хуқуқига эгалиги мустаҳкамланган, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустасно (29-модда). Иккинчидан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш концепцияси мулк шаклидан қатъий назар барча корхоналарнинг ахборотларга бўлган эҳтиёжини ҳар томонлама қондиришга қаратилган («Ахборотлаштириш тўғрисида»ги ғонуннинг 3-моддаси). Учинчидан, юридик ва жисмоний шахслар ҳар қандай ахборотни тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида шу ахборотни олиш хуқуқига, шу ахборотдан ким ва қандай мақсадларда фойдаланаётганлигини билиш хуқуқига эга. Хусусий шахслар тўғрисидаги ахборотга эга бўлган давлат органлари, жамоат ташкилотлари, ахборот тизимлари, шу ахборот тегишли бўлган шахснинг талаби билан ахбортни шу шахсларга беришлари лозим, агар ахборотни тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан қўриқланаётган сирларнинг очилишига олиб келмаса («Ахборотлаштириш тўғрисида»ги ғонуннинг 26-моддаси). Тўртинчидан, ахборот фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлариға, ташкилотнинг хуқуқий ҳолатига тегишли бўлса, махфий (давлат, банк ёки тижорат сири бундан мустасно) деб эълон қилиниши мумкин эмас, деган умумхуқукий тамойил мавжуд. Бешинчидан, юридик шахснинг хуқуқлари қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина чекланиши мумкин (ФКнинг 41-моддаси 5-қисми). Бунда юридик шахс хуқуқларининг чекланиши идоравий қонунчиликдан фарқ қилиб, оммавий ахборот воситалир орқали танишиш мумкин бўлади. Олтинчидан,

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказувчи корхона ва ташкилотларнинг бошқа бошқарув тизими органлари томонидан чиқарилган мажбурлов кучидаги ёки идоралараро санкциядаги (умуммажбурий санкциядаги) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари Адлия вазирлигидан мажбурий давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Шунингдек, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва барча ҳокимиятлар томонидан тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш тартибини ва фаолиятини қийинлаштирувчи ва қўшимча маълумот ва ҳужжатни хеч қандай асоссиз талаб қилувчи ҳужжатлар чиқаришларига йўл қўйилмайди.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари, корхоналар, жамоат бирлашмалари, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар бир шахсга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига тааллуқли қонун меъёрлари, шунингдек ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имконияти билан таъминлашга мажбурудирлар. Ахборотни олиш эркинлиги қонунчилик меъёрлари ва тегишли материалларни нашр қилиш йўли билан таъминланади («Ахборот олиш эркинлиги ва кафолатлари тўғрисида»ги (1997 йил 24 апрел) ғонуннинг 7-моддаси).

Бу муносабатларни тадбиркорларга нисбатан қўллаган бу мажбурият фақат давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қўлланилади. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли ахборот пулсиз тақдим этилади, бошқа турдаги ахборотларни тақдим этиш эса тарафларнинг келишуви билан пулли амалга оширилиши мумкин. Давлат статистика органлари эркин олиниши мумкин бўлган статистик ахборотни доимий нашр этилишини таъминлаши шарт («Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ёёға кафолатлари тўғрисида»ги ғонуннинг 31-моддаси).

2000 йил 26 майдаги янги таҳрирдаги «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги ғонунга мувофиқ, ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятга доир ҳуқуқлари ва манфаатларига тааллуқли ва махфий бўлмаган ҳар қандай ахборотни қонунда белгиланган тартибда давлат органларидан олиш ҳуқуқига эга. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи ва умуммажбурий санкцияли қонунчилик ҳужжатлари оммавий ахборот воситаларида нашр қилиниши шарт ва ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ушбу нашрни эркин олишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 5 январдаги №УП-1030 сонли «Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонида оммавий тузилмаларга ахборот ресурсларини олишда тадбиркорлик ва давлат корхоналарининг тўлиқ тенг ҳуқуқли бўлишини таъминлаш хусусидаги кўрсатма берилган. Ўзбекистон радио ва телевидение муассасаларирига, газета ва журнал таҳририятларига хусусий тадбиркорлар иш тажрибасини тарғиб қилиш ва аниқ мисолларда бу фаолият афзалликларини очиб бериш топширилган. Ушбу ғояларнинг кейинги ривожи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида сўзлаган иқтисодий соҳадаги асосий

вазифаларни ечиш дастури тўғрисидаги нуқтида ўз ифодасини топган. Бу дастур тадбиркорликни ривожлантириш вазифаси сифатида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш ва эълон қилиш тартибини замонавийлаштириш ва уларни олиш эркинлигини барча тадбиркорлик субъектлари учун таъминлаш қўзда тутилган.

Ахборотлаш тизими. Тадбиркорликни ахборотлаш тўғрисидаги бозор қонунчилиги ахборот манбаи (аутентик ва ўтказувчи орган) ва ахборот олувчини ҳисобга олган ҳолда ахборот билан таъминлашнинг бутун бир механизмидан фойдаланади. Шундан келиб чиқиб, қўйидаги ахборот тизимларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ахборот манбаига кўра ахборотлаш тизими қўйидагича бўлади:

- **оммавий.** Бу ахборотлаш тизими чекланмаган шахслар доираси учун мўлжалланган ёки оммавий ҳокимиятнинг ўз қарорини халққа маълум қилиши ёхуд ҳокимиятнинг қарорни тушунтириш, ҳужжатни тарқатиш бўйича умумфойдали акцияси ёки шарҳни нашр қилишни назарда тутади;

- **хусусий.** Бундай ахборотлаш тизимида ахборот аниқ бир шахсга жўнатилади ёбуд хусусий шахс таклифига кўра расмий шарҳ берилади.

Ахборот билан таъминлашнинг шакллаантирилган услубларини ўзлаштиришни назарда тутиб, ахборот тизимлаштиришни қатъий амалга оширишнинг ўзи камлик қиласди. Шунингдек, хусусан, шахсий сўровлар ва уларнинг жавобларини нашр қилишнинг кенг қўлланилиши, давлат органларининг хусусий ҳолатда кўпчилик тадбиркорлар манфаатларини назарда тутиши ётади (масалан, «солик ва божхона хабарлари» газетасининг нашр этилиши). Бошқа томондан қараганда шахсий характерли, битта тадбиркор амалиётида фойдаланишга мўлжалланган меъёрий ҳужжатларни эълон қилиш амалиёти тез-тез учраб турари (масалан, қайсиdir ассоциация, корпорация доирасида ёки белгилangan турдаги товарлар, хизматлар ва ишлар учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби).

Ахборотни олувчи шахсга кўра, ахборотлаш тизими қўйидагича бўлиши мумкин:

-**умумий.** Бундай ахборот билан таъминлаш фаолияти соҳасидан қатъий назар, барча тадбиркорларга тааллуқли бўлади;

-**маҳсус.** У ёки бу соҳада фаолият юритаётган тадбиркорларга тегишли ахборотлар.

Тадбиркорларни ахборот билан таъминлаш вазифаси юклатилган давлат органларининг ваколтлари турли йўналишдалигини ҳисобга олиб, ахборотлаш тизимини бундай бўлиниши мақсадга мувофиқдир.

2§. Ахборот билан таъминлаш сиёсати

Ахборот билан таъминлаш давлат сиёсатининг элемент (унсур)лари.

Барча давлат органларининг ягона ахборот оламини вужудга келтириш борасидаги саъй-харакатлари нафақат бу ҳаракатларнинг шу соҳага йўналтирилганлиги, балки улар фаолиятининг мувофиқлаштирилишини талаб этади. Ахборотлаш соҳасидаги мувофиқлаштирувчи орган Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бўлиб, у ахборотлаш сиёсатининг асос (элемент)ларини белгилаб беради:

- тадбиркорларни ахборотлар ёрдами дастурини шахсийлаштиришда ахборотлаш бўйича давлат органлари ва ваколатларини белгилаш;
- тадбиркорларни ахборотлашда фойдали йўналишларини белгилаш;
- ахборот билан таъминлаш бўйича органларни таъсис этишни ҳисобга олган ҳолда ёхуд шундай фаолиятни амалга оширишни мавжуд органлар зиммасига юклаган ҳолда ахборотлаш тизимини ташкил этиш, ахборотлаш инфротузилмасини яратиш.

Тадбиркорликни ривожлантиришини қўллаб-қувватлаш дастури.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришини қўллаб-қувватлаш давлат дастурининг асосий мақсади ахолининг кенг қатламини бозор фаолиятида иштирок этишларини, кишилар онгида талаб ва таклиф психологиясини шакллантиришини ва «тадбиркорлик вируси»ни юқтиришини, хусусий бизнес билан фаол шуғулланишини вужудга келтириш эди.

Тадбиркорларга маслаҳатли ва ахборот хизмати шаклидаги техник ёрдам кўрсатиш вазифаси хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнечни қўллаб-қувватлаш Фонди («Бизнес-Фонд»)га, ахборот таҳлил материалларини тайёрлаш ва тарқатиш, юридик ва техник маслаҳат бериш вазифаси эса-тадбиркорлар Палатасига, ахборот билан таъминлаш ва ҳукукий маслаҳат бериш вазифаси эса -Бизнес-Марказ зиммасига юклатилган. Тадбиркорларни ахборот билан таъминлаш мақсадида кридит институтлари, қимматли қоғозлар бозори ҳолати ва акциялар котировкаси ҳақидага ахборотлар, шунингдек хўжалик субъектлари ва фойдали шериклар ҳақидаги ахборотлар нашр эталади. Маркетинг, бошқариш маслаҳати, аудит, реклама, контроллинг, ташки иқтисодий операциялар соҳасидаги маҳсуслаштирилган кичик ва хусусий корхоналар тизими ривожланмоқда. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш муаммолари бўйича илмий, маълумотли ва ўкув адабиётлари, «хусусийлаштириш» ахборотномаси, комплекс ускуналар каталоги, бизнес-каталог нашр этилмоқда.

Ушбу дастурни амалга ошириш тадбирлари орасида қўйидагилар назарда тутилган:

-оадбиркорларни маълумотли-ахборотлаш хизматини кўрсатувчи илмий-маслаҳат фирмаларини ташкил этиш, тадбиркорларнинг ўз сўровлари бўйича илмий ва техниковий обьектларни фойдалиларини танлашни таъминловчи янги техника ва технология тўғрисидаги маълумотлар базаси ва банкини яратиш вазифаси «Бизнес-Фонд»га, Илмий-техниковий билан алмасиниш Давлат Фонди, Давлат Фан ва дехника қўмитасига, Фанлар Академиясига, Макроиқтисодиёт ва йтатистика вазирлигига, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасига;

-жойларга янги бозор институтлари (бизнес-инкубатор, технопарк, лизинг корхоналари, ишлаб чиқариш-технология марказлари, фирмалар, дехқон бизнес-марказлари)ни ташкил этиш «Бизнес-Фонд», ҳокимиятлар, товар ишлаб

чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, хўжалик ассоциациялари, Давлат назорат инспекциясига;

-тадбиркорликка тааллукли маҳсус адабиётларни тайёрлаш ва нашр этиш Давлат матбуот қўмитасига;

-хўжалик юритувчи тадбиркорлар тажрибасини ўрганиш ва уларни телерадио дастурлар орқали ва маҳаллий нашрлар ёрдамида тарғиб қилиш - Ўзтелерадио, Давлат матбуот қўмитаси, ҳокимиятларга;

-Адлия вазрлиги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалаласига бағишланган ҳар чоракда ҳуқуқий ахборотномани нашр этиш-Адлия вазирлигига;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари га бағишланган ҳар чоракдаги илмий ва ахборот-маълумотли адабиётни нашр этиш - «Бизнес-Фонд», Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси хўжалик ассоциациялари, Давлат назорат инспекциясига;

-ҳар чоракли «хусусийлаштириш» ахборотномасини нашр этиш - «Бизнес-Фонд»га;

-қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорлар учун маълумотлар банки билан маркетинг марказларини яратиш - «Бизнес-Фонд», ҳокимиятлар, Илмий-техникавий билан алмашиниш Давлат Фонди, Макроиқтисодстат вазирлиги, Ўзбекистон улгуржи биржа савдоси, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасига;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни тарғиб қилиш бўйича реклама-ахборот дастурини яратиш - Ўзтеледарио, Давлат матбуот қўмитаси, «Бизнес-Фонд», Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, хўжалик ассоциацияларига;

-кичик ва хусусий корхоналарга аудиторлик, консалтинглик ва ахборот ҳуқуқий хизмат қўрсатиш бўйича консалтинглик компания ва фирмаларни вужудга келишида ёрдам бериш-Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, ҳокимиятлар, Давлат назорат инспекцияси, «Бизнес-Фонд», Фан ва өхеника Давлат қўмитасига юклатилган.

Давлат дастури асосида Тошкент шаҳри бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастури ишлаб чиқилган. Бунда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий тамойиллари сифатида ахборот забираларини олишга нисбатан тадбиркорлар ва давлат корхоналари тенг ҳуқуқлилиги қўрсатилган.

Ушбу дастурга мувофиқ, тадбиркорларга ҳудудий ахборот ёрдами қўрсатишнинг қўйидаги шакллари мавжуд:

- ҳуқуқий таъминот;
- ташкилий таъминот;
- ахборот-маслаҳат таъминот.

Ҳуқуқий таъминот Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ва ички ишлар Бош бошқармаси томонидан амалга оширилади. Жойлардаги Адлия органлари маъмурий ва хўжалик ҳуқуқи бўйича ва бошқа юридик масалалар бўйича маслаҳатларни ташкил этади.

Ташкилий таъминот товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси ва «Бизнес-Фонд»нинг ҳудудий (шахар ва туман) бўлимларини ташкил этишни тақозо этади. Шаҳарнинг маъмурий туманлари ҳокимиятларида-ҳоким муовини - иқтисодий комплекс раҳбари бошчилигига тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича Кенгаш тузилади. Тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича ташкилий таъминотни шаҳар ҳокимиятининг иқтисодий комплекси, шунингдек давлат тузилиши комплекси, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Маркази зиммасига тадбиркорларга хусусийлаштириш учун ҳужжатлар тайёрлаш ва бизнес-режа тузиш жараёнида консалтинглик ва аудиторлик хизмат кўрсатиш юклитилган.

Ахборот-маълумот таъминоти оммавий ахборот воситалари (нашр, радио, телеведения) орқали, шунингдек аудиторлик, консалтинглик ва бошқа хизматлар тармоғи орқали амалга оширилади. Бундай бирлашмаларни маҳаллий бошқарув органлари ва уларнинг бўлимлари (туман ҳокимиятлари, ҳудудий Палаталар, «Бизнес-Фонд», Давлат мулк Кўмитаси бошқармаси), шунингдек ўзининг ахборот-нашриёт, аудиторлик, консалтинглик ва бошқа турдаги фаолиятини рўйхатдан ўтказган хусусий фирмалар марказларини тузадилар. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш билан шуғулланувчи бошқарув органларидағи ахборот-хизматни ташкил этиш, бозор ислохотлари муаммолари билан қизиқувчи аҳоли ва тадбиркорларни ахборот «бўшлиғи»ни тугатишга хизмат қиласи.

Ахборот таъминотини акциялаштириш, шу билан бирга акциядорлик жамиятларини ташкил этиш ва юритиш, фонд биржалари, сармоя фонdlари ва фонд дўконлари орқали акция ва қимматли қофозларни сотиш жараёнида алоҳида аҳамиятга эга. Ахборот таъминоти ёрдамида қимматли қофозлар муомаласи бюджет тушумларини кўпайтиради ва бу ҳолат ўз навбатида тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи шаҳар инфротузилмасидан марказлашган равища фойдаланишга хизмат қиласи. Бизнес-каталогларни, бизнес-директорларни нашр этиш, фойдали сармоя лойиҳалари ҳақидаги ахборотни тайёрлаш ва узатиш, нафақат хорижий, балки маҳаллий тадбиркорларнинг қўшимча сармояларини жалб этади.

Тошкент вилоятида ўз фаолиятларини бошлаётган тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс тадбирлар, хусусан, қуйидагиларни ўзида ифодалайди:

-ўз фаолиятларини бошлаётган тадбиркорларга бизнес-режани тузишда доимий равища ҳар томонлама ёрдам қўрсатиш, консалтинглик, инжиниринглик ва бошқа хизматлар қўрсатиш. Бу вазифалар Тошкент вилояти ҳокимияти, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, дехқон ва фермер хўжалиги Ассоциацияси, тијорат банклари ва бозор институтлари зиммасига юклитилган.

Хусусий тадбиркорликни ахборот билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат. Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичларидаёқ, соҳавий ва маҳаллий бошқарув органларига аҳолининг тадбиркорлик фаолиятига фаол ёрдам қўрсатиш, ўз хўжалик ташаббускорлигини амалга ошириш, товар ишлаб

чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасига уларнинг устав вазифаларини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш топшириғи берилганди. Тадбиркорликни тарғиб қилиш учун ёш тадбиркорларга ёрдам берувчи Ўзбекистон Республикаси Ассоциациясини тузиш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадиокомпанияси тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитишга бағишлиган теларадио кўрсатув ва эшиттиришлар ва ўқув дастурларини тайёрлаш топшириғи юкланган. Давлат матбуот қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасига палатанинг даврий нашрини тарғибот, реклама ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ белгиланган тартибда нашр этиш ҳуқуқига эга матбаа маҳсулотини чоп этиш ва тарқатишда молиявий ёрдам билан таъминлаш топширилган.

Ушбу ҳолат билан боғлиқ равища Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасига кичик ва ўрта бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирни бошқариб туриш вазифаси юкланган ва бу тадбирларни «Бизнес-Фонд», «Мадад» суғурта агентлиги ва Ўзтадбиркорбанк амалга ошириши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасига ҳудудий Палаталар қошида кичик ва ўрта бизнесни ахборот маслаҳат бўйича қўллаб-қувватловчи ҳўжалик ҳисобидаги марказлар тузиш топширилган ва бу марказларга қўйидаги вазифалар юкланган:

-тадбиркорлик соҳасидаги дастурлар ва лойиҳаларни жадал амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларини иқтисодий, ҳуқуқий ишлаб чиқариш-технология ва бошқа зарур ахборот билан таъминлаш;

-кичик ва ўрта бизнес субъектларига, хусусий тадбиркорларга таъсис ҳужжатлари, бизнес-режаси, кредит олиш аризасини олишни тайёрлашда, бухгалтерлик иши ва ҳисобини ташкил этишда, аудиторлик текширувини ўтказишда, бошқа турдаги маслаҳат хизматларини кўрсатишда ҳар томонлама ёрдам бериш;

-хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг солик, молия, банк, суғурта ва бошқа тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаган ҳолда юридик хизмат кўрсатиш.

Тадбиркорликни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўратилган экан, кичик ва ўрта бизнес ривожини қўллаб-қувватлаш вазифасини амалга ошириш бўйича жавобгарлик барча давлат органлари, кредит-молия муассасалари, суғурта ва нодавлат ташкилотлари зиммасида бўлади. Шундай экан, маҳаллий давлат ҳокимияти раҳбари фаолиятини баҳолаш, унинг кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга нечоғли ҳисса қўшаётганлигига боғлиқ бўлади.

Тижорат банклари кичик ва ўрта корхоналарга хорижий кредит тармоғини киритиш мақсадида сармоя лойиҳаларини танлаш ва экспертизаси бўйича бепул хизмат кўрсатадилар.

Қишлоқ ҳўжалик тадбиркорлари (фермерлар ва дехқонлар)ни ахборот таъминоти соҳасидаги сиёсат. Қишлоқ ҳўжалигидаги тизим ўзгаришлари барча соҳаларда колхозлар ва қишлоқ ҳўжалик кооперативларини қайта ташкил

етища ҳуқуқий, услугий ва амалий ёрдам берадиган маҳсус консалтинглик фирма ва марказлар бўлишини тақозо этди.

Ривожлантириш дастурига мувофиқ, қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувиларни ахборот билан таъминлашни ташкил этишини яхшилаш бўйича чораларни ишлаб чиқиш, ҳуқуқий, иқтисодий ва маркетинглик ахборотини тўплаш ва тарқатиш бўйича маҳаллий ахборот хизматини ташкил этиш назарда тутилган.

1998-2000 йиллар оралиғида қишлоқ инфратузилмасининг ривожланиши қишлоқ жойларида қўшимча 171 та аудиторлик, 164 та юридик ва консалтинглик, 162 та ахборот хизмати ва 12 та экспортни ривожлантириш марказини ташкил этишини тақозо этди. Улгуржи ва кичик улгуржи савдо тизимидағи товарлар ва уларнинг нархи тўғрисидаги маълумотларга эга глобал компьютер ахборот тармоғини ташкил этиш бўйича тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади.

1998 йил мобайнида товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, дехқон ва фермер хўжалиги Ассоциациясига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари, вазирликлар ва идоаралар билан биргаликда қишлоқ товар ишлаб чиқарувчилари учун тижорат асосида ҳуқуқий, иқтисодий-маркетинглик ахборини тўплаш ва тарқатиш бўйича қишлоқ туманларида ахборот хизматини ташкил этишини таъминлаш топшириғи юклатилган. Шунинг учун 1998-2000 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурини амалга ошириш бўйича қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини ахборот билан таъминлашнинг яхшиланиши тадбири ўтказилди.

Чет эл инвесторларини ахборот билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат. 1998 йил 30 апрелдаги «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги ғонуннинг 20-моддасига мувофиқ, чет эл инвестицияларини жалб этиш, амалга ошириш ва ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятининг имкониятлари ва шартлари тўғрисидаги ахборотни тайёрлаш ва тарқатишни марказлаштирмаслик, потенциал инвесторларни ҳуқуқий, иқтисодий ва фаолиятнинг бошқа масалалари бўйича маслаҳатлар бериш амалга оширилди.

Хорижий давлатлар, халқаро молиявий-иқтисодий институтлар ва чет эл банклари ишбилиармон доираларини Ўзбекистонда инвестиция иқлими (ҳолати) ва чет эл инвесторларига берилган имтиёзлар ҳақида кенг маълумот бериш, уларни зарурий маълумот материаллари билан таъминлаш, шунингдек бу соҳадаги тўғри алоқаларнинг мавжудлиги ва ташкилий тадбирларни ўтказишни ташкил этища ёрдам бериш мақсадида Давлат мулк қўмитаси, Макроиқтисодстат вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тузилмасида хорижий инвестицияларни жалб қилишни ахборот билан таъминлаш бўйича маҳсус гуруҳ тузилган.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишни ахборот билан таъминлаш бўйича бундай гуруҳларнинг асосий вазифа ва мажбуриятлари қўйидагилар хисобланади:

-хукуқий шартлар, кафолатлар ва имтиёзларни белгилайдиган, чет эл инвесторлари учун маъқул инвестиция ҳолатини яратадиган, қонунчилик-меърий базаси тўғрисидаги амалга ошириладиган ва амалга оширилиши кўзда тутиладиган инвестиция лойиҳалари ҳақидаги маълумотлар банкини яратиш;

-чет эл инвесторларини зарурий маълумот-ахборотли ва таҳлилий материаллар билан таъминлаш;

-Ўзбекистон иқтисодиёти инвестиция киритиш имкониятлари ҳақидаги ахборотларни чет эллик инвесторлар учун асосий чет тилларга таржима қилишни ташкил қилиш;

-Ўзбекистоннинг инвестиция иқлими тўғрисидаги ва чет эл инвесторлари амалга оширишда иштирок этишлари мумкин бўлган лойиҳалар ҳақидаги ахборотни чет элларда тарқатиш мақсадида халқаро ахборот агентликлари билан узвий алоқа ўрнатиш;

-«Интернет» халқаро компьютер тармоғи орқали республиканинг инвестиция имкониятлари ҳақидаги ахборотни тарқатиш;

-аниқ соҳалар ва патенциал хорижий шерикларни жалб қилишга қаратилган инвестиция фаолияти йўналиши бўйича бизнес семинарларни ташкил этиш;

-чет эл инвесторларини ахборот билан таъминлаш тартиби ва амалиётини мувофиқлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 майдаги «Чел эл инвестицияли корхоналарни тузиш ва фаолиятини жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига кўра, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Макроиктисодстат вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фан ва өхеника Ѓаъёв қўмитасига, чет эл инвестицияси бўйича Агентлик билан биргаликда чет эл инвесторларини ахборот билан таъминлашнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш топширилган бўлиб, бунда қўйидагилар назарда тутилган:

-чет эл инвесторларининг кенг доирасини республикада амалга оширилаётган иқтисодий испоҳотлар йўналиши ва бориши билан иқтисоддаги инвестициялар шартлари ва мақбул йўналиши, амалдаги имтиёзлар ва кафолатлар тизими, инвесторларнинг ҳукуқлари ва манфаатларининг ҳимояси билан таништириш;

-чет эл инвесторларини зарурий қонунчилик ва меърий хужжатлар билан, йўриқнома ва ахборот-маълумот материаллари билан таъминлаш.

38. Ахборотлашнинг умумий тизими

Умумий органлар. Хўжалик қонунчилиги билан барча талбиркорлик доираларини хабардор қилиш учун Ўзбекистон Республикасида бир нечта давлат органлари ташкил этилган ва улар ана шундай ахборот етказиб туриш вазифасини бажарадилар. Умумий ахборотлаш органларига тадбиркорларни уларнинг фаолият соҳасидан қатъий назар, қонунчилик билан таништириш мажбуриятини олган ташкилотлар киради. Бундай органлар жумласига қўйидагилар киради:

-давлат органлари-Республика мувофиқлаштириш Кенгаши, Адлия вазирлиги, Давлат Солик қўмитаси;

-нодавлат органлари-хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Фонди («Бизнес-Фонд»), товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни қуллаб-қувватлаш Фонди.

Республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 28 февралдаги 116-сонли карори билан ташкил этилган. Ушбу орган қошида кичик ва ўрта бизнес учун кадрлар тайёрлаш ва ахборот билан таъминлаш бўйича гурух мавжуд бўлиб, ушбу гуруҳда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси ва бошқа бирлашмалар, оммавий ахборот воситалари, тадбиркорларни тайёрлаш муассасалари вакиллари ҳамда ишбилармон доира вакиллари фаолият юритишиди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 27 марта даги Фармойишига кўра, мувофиқлаштирувчи Кенгашининг асосий вазифалари сифатида оммавий ахборот воситалари орқали тадбиркорларнинг кенг доирасига қонунчилик ва меъёрий хужжатлар, кичик, ўрта ва хусусий бизнесни ривожлантириш, инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш, танлаш, молиялаш ва амалга ошириш ҳақида фаол тушунтириш ишларини олиб бориш, тадбиркорларга бизнес-режани ишлаб чиқишида амалий ёрдам кўрсатиш ва шу мақсадда ҳокимиятлар, Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, «Бизнес-Фонд», «Ўзбекистон инвестиция лойиҳа» компанияси, «Ўзагросуғурта», тижорат банклари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда маҳсус семинар ўтказиш кўрсатиб ўтилган.

Мувофиқлаштирувчи Кенгашига ўз фаолиятини амалга оширишда асосан тадбиркорлар ўртасида ахборот ва тушунтириш ишларини олиб боришни ташкил этишга, кичик ва ўрта бизнес учун консалтинглик, лизинг, суғурта ва бошқа хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш топширилган.

Республика Мувофиқлаштирувчи Кенгаши ишчи органнинг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича вазифасининг бир қисми-тадбиркорларни ҳуқуқий муҳофаза этиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юклатилган. Шу мақсадда ушбу вазирлик тизимида кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш бўйича бошқарма ташкил этилган

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Адлия вазирлигига юклатилган юқоридаги вазифалар билан бирга, тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли қонунчиликни тизимлаштириш ва мувофиқлаштириш вазифаси топширилган.

Миллий идоравий қонунчиликда ноаниқликлар ва қарама-қаршиликлар бўлмаслиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги «Вазирликлар, Давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий

хужжатларининг қонунийлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида, белгиланганидек:

-ёавлат рўйхатидан ўтмаган меъёрий хужжатлар кучга кирмаган ҳисобланиб, ҳуқуқий оқибат вужудга келтирмайди ва тегишли ҳуқуқий муносабатни тартибга солиш асоси бўлиб хизмат қилмайди, фуқароларга, мансабдор шахсларга, корхона ва ташкилотларга ўз вазифаларини бажармаганликлари учун бирор-бир санкция қўлланилишига олиб келмайди;

-меъёрий хужжатни Давлат рўйхати рақами ва санаси кўрсатилмасдан нашр этиш ва жўнатиш таъкиқланади;

-тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умуммажбурий характердаги меъёрий хужжатлари мажбурий равища «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, Давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий хужжатлари Ахборотномаси»да нашр этилиши керак;

-вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг тизими бўлимлари ва ҳудудий органлари меъёрий характердаги хужжатлар қабул қилишга ҳақли эмаслар. Бундай ҳуқук қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

-Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари меъёрий хужжатларни улар давлат рўйхатидан ўтган кундан 10 кунлик муддат ичida манфаатдор шахсларга етиб боришини таъминлашлари шарт, умуммажбурий меъёрий ёзувларни меъёрий характерда бўлмаган хужжатлarda ифодаланиши, шунингдек Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтмаган умуммажбурий характердаги меъёрий хужжатларни ижрога жўнатиш ва оммавий ахборот воситаларида нашр қилинишига йўл қўймасликлари лозим;

-Адлия вазирлиги «Халқ сўзи», «Народное слова» газеталари таҳририяти билан биргаликда барча манфаатдор шахсларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларини янги қабул қилинган умуммажбурий характерли идоравий меъёрий хужжатлар тўғрисида идоравий меъёрий хужжатларнинг давлат рўйхати тўғрисидаги маълумотни ҳафталик нашр этиш йўли билан ўз вақтида хабардор қилиб туриши керак;

-вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган меъёрий хужжатни давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг, 10 кунлик муддат ичida манфаатдор шахсларга етказишлари лозим. Меъёрий хужжатни манфаатдор шахсларга етказиш, меърий хужжат матни билан танишиш имконини берувчи ҳар қандай шаклда амалга оширилиши мумкин. Ушбу қоиданинг бажарилмаслиги Адлия вазирлиги томонидан меъёрий хужжатлар ҳаракатини вазирликлар ва идоралар томонидан тегишли чоралар кўрилмагунча тўхтатиб турилишига олиб келади.

Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари билан биргаликда 2000 йил 10 июнгача бўлган муддатда идоравий меъёрий хужжатларни кўздан кечириш ва амалдаги қонунчиликка номувофиқларини, жамият ҳаётини барча соҳаларини эркинлаштириш сиёсати талабларига жавоб бермайдиганларини, кичик ва ўрта бизнес ривожига асоссиз тўсқинлик қиладиганларини, тадбиркорлик

субъектлари ташаббускорликлари ва иқтисодий эркинлигини чеклайдиганларини бекор қилиш мақсадида қайта рўйхатдан ўтказиб чиқди.

Бундай амалиётни фойдали томонини ошириш мақсадида Адлия вазирлиги мавжуд идоравий меъёрий ҳужжатлар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши лозим эди. Шунин учун Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги №304-сонли «Қонунчилик тизимини мувофиқлаштириш ва ҳуқуқий ахборот тарқатишни йўлга кўйиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юридик ва жисмоний шахсларнинг меърий-ҳуқуқий ҳужжатларини эркин олишларини таъминлаш, жамият ҳуқуқий ахборотлаш тизимини мувофиқлаштириш мақсадида, 2001 йил 1 сентябрдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг барча меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларини Адлия вазирлигига давлат рўйхатини юритиш амалга оширилди. Бу жараённинг давоми сифатида Адлия вазирлиги Давлат Матбобо қўмитаси ва «Матбоут тарқатувчи акционерлик компанияси билан биргаликда даврий, оила 2 марта Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўпламини ва вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари меъриё ҳужжатлари Ахборотномасини чиқаришни таъминлаш ҳамда уларни очиқ ёзишиш йўли билан тарқатиш топшириғи юклатилган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат Солик қўмитаси. Назаримизда ҳеч қайси давлат органи Давлат Солик қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари (бошқарма ва инспекциялари) сингари тадбиркорлар билан, шунингдек ахборот каналлари билан узвий боғлиқ эмас.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасига мувофиқ, Давлат солик хизмати органларининг асосий вазифалари жумласига, хусусан, солик қонунчилигига риоя қилишнинг зарурӣ шартларини таъминлаш, солик тўловчиларга солик мажбуриятларини бажаришда ёрдам бериш киради. Шунга мувофиқ, давлат солик хизмати органлари солик қонунчилигини қўллаш бўйича кўрсатмалар, услугбий кўрсатмалар ва қўлланмалар; солик тўловчиларни солик қонунчилигидаги меърий ҳужжатлар билан ўз вақтида танишишларини таъминлашлари шарт (6-модда).

Коидага кўра, амалиётда бу ҳолат солик тўлашнинг ҳаракатдаги тартибида ўзгартиришлар киритиш, соликнинг янги ставкалари, солик имтиёzlари бўйича тушунтиришлар тўғрисидаги солик инспекциясида тадбиркорлар билан ўтказиладиган доимий семинар-кенгашларда амалга оширилади ва Вазирлар Маҳкамасининг давлат бюджети мезонлари аиосидаги ҳар йиллик қарорида ифодаланади. Бундай мажлисларга тегишли туманнинг барча тадбиркорлари таклиф этиладиган ва уларнинг саволларига бевосита ижрочилар-солик инспекторлари жавоб беришади.

Бошқа, айтарли тез ва кенг тарқалган усул, бу-тадбиркорларга солик қонунчилиги ҳақидаги ахборотларни тушунтириш ва етказиш бўлиб, бу амалиётда кенг тарқалган солик қўмитасининг матбуот органлари «Солик ва божхона хабарлари»да қонунлар ва қонуности ҳужжатларини, мутахассисларнинг шарҳлари ва жавобларини нашр этиш орқали амалга оширилади.

Шунингдек, солиқ қонунчилигига риоя қилишнинг зарурий шартларини таъминлашда солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришга ёрдам бериш мақсадида Давлат Солиқ қўмитаси маслаҳат хизмати кўрсатиш учун солиқ тўловчиларни солиқларни тўғри ва ўз вақтида ҳисоблаш қоидаларига, ҳисботларни ва декларацияларни топширишга ўргатиш учун сервис-маркази ташкил этади; Солиқ қонунчилигини кўллаш масалалари бўйича меърий ҳужжатларни солиқ тўловчиларга ўз вақтида етказиш ишларини ташкил этади.

Хусусий ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 26 июлдаги «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Фондини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига асосан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш Фонди базасида жойларда ҳудудий бўлимларга эга бўлган очик турдаги акциядорлик жамияти шаклида тузилди. «Бизнес-Фонд» маҳсус нодавлат органи бўлиб, у хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, маслаҳат ва ахборот хизмати шаклида техник ёрдам кўрсатади.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси нотижорат, нодавлат ташкилоти бўлиб, Ўзбекистон Тадбиркорлар уюшмаси базасида ташкил топган ва жойларда ҳудудий бўлимлари мавжуд. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасининг асосий вазифалари: кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликка маркетинглик, реклама, юридик, ахборот ва бошқа турдаги консалтинглик хизмат кўрсатиш; товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларга бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисботи, аудиторлик екиширувни ташкил этиш ва ўтказиша ёрдам бериш; кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликка бизнес-режа ва лойиҳаларни техникавий-иктисодий асослантиришда кўмак бериш киради.

Ушбу вазифани бажариш учун «Бизнес-Фонд» ва Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси ўртасидаги Республикада кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликка молиявий, маслаҳат ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиша ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартнома тузилган.

Белгиланган вазифа ва топширикларни бажаришда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси қўйидаги ҳукуқларга эга бўлади: Палата аъзоларига консалтинглик, аудиторлик, юридик, ахборот хизмати кўрсатиш, шу билан бирга кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш бўйича хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар (марказлар, хизматлар, фирмалар) ташкил этиш; Палата аъзоларининг топшриғига кўра, солиқ ва бошқа органларга тақдим этиш учун бухгалтерлик ва молиявий ҳисботларни тайёрлаш.

Ахбортлаш соҳасида Палата қўйидаги вазифаларни бажаради: корхона ҳажмидан, мулк шакли ва соҳавий бўйсинувидан қатъий назар, барча товар ишлаб чиқарувчиларга дастлаб ҳисоб ва ҳисботни юритиш билан, молиявий маблағлардан оқилона фойдаланиш билан, инвестицияни жалб қилиш, маҳсулотни экспорт қилиш имкониятлари билан, кадрларни касбий таёrlаш билан боғлиқ масалаларда ёрдам бериш.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасида шу билан бирга қўйидагилар таъсис этилаган:

- кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ёрдам Маркази;
- бозор тўғрисидаги билимларини ошириш Маркази;
- ишбилармонлик алоқалари Маркази;
- кичик ва ўрта бизнес учун кадрлар тайёрлаш Маркази.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш Фонди Ўзбекистон Тадбиркорлар бўюшмасининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Фонди базасида ташкил этилган. Фонд фаолиятининг вазифалари ва йўналишининг асослари бўлиб, хусусан, кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маркетинглик, реклама, юридик, хизмат ва бошқа турдаги консалтинглик хизмати кўрсатувчи тузилмалар тузиш ва уларни ривожлантиришда иштирок этиш; тадбиркорларга маслаҳат ва ахборот кўрсатиш; тадбиркорлик муаммолари бўйича конференциялар, семинарлар, халқаро симпозиум ва ярмаркалар ташкил этиш ва уларда иштирок этиш.

4§. Ахборотлашнинг маҳсус тизими

Маҳсус ахборотлар органлари. Барча тадбиркорларни Ўзбекистон Республикаси хўжалик қонунчилиги ҳақида ахборотлашнинг институционал тизимида белгиланган доирадаги тадбиркорларни ахборот билан таъминловчи маҳсус органлар ташкил этилган. Бундай органларнинг мавжудлиги у ёки бу соҳадаги тадқиқорлар (масалан, қишлоқ хўжалик ва жорижий тижоратчилар)ни ахборот билан таъминлашнинг қийинчилигига ёки у ёки тадбиркор фаолияти (масалан, фонд бозорида ёки қишлоқ хўжалигига)нинг ўзига хос характерга эгалигига ёки тадбиркорларнинг алоҳида ҳолати (масалан, начорлик ёки хусусийлаштириш)га боғлиқлигидан келиб чиқади. Бундай органлар жумласига, хусусан, қўйидагилар киради:

-давлат органлари-давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси, маркоиқтисодиёт ва статистика вазирлиги қошидаги иқтисодий начор тадбиркорлар ишлари бўйича Кўмита, Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги ахборот агентлиги;

-нодавлат органлари-хорижий инвестициялар бўйича Агентлик, йеҳқон ва фермер хўжаликлари оғоғиён, дехқон ва фермер хўжаликларини қуллаб-қувватлаш Фонди, қимматли қофозлар бозори иштирокчиларига маслаҳат-аудиторлик ва ахборот хизмати кўрсатиш бўйича Агентлик.

Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси. Тадбиркорлик фаолиятини ахборот билан таъминланиши кўп жиҳатдан давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёни билан боғлиқ. Чунки, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий тамойиллари сифатида меҳнат жамоасининг манфаатларини ҳисобга олиш, овоз бериш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тадбирини амалга оширишда давлат ва жамоат назоратини ўрнатиш назарда тутилган, Давлат мулк қўмитасининг асосий вазифаси бўлиб, меҳнат жамоаси ва жамоатчилигини ахборот билан таъминлаш ҳисобланиб:

-Давлат мулк қўмитаси ҳукумат дастурлари ва қарорларини улар қабул қилингандан сўнг 10 кунлик муддат ичida Давлат Коорпорациялари, вазирликлари, идоралари, хўжалик Ассоциациялари, концернлари ва

уюшмалари билан биргаликда тегишли тармоқдаги корхона ва ташкилотларнинг бошқа мулк шаклига ўтганлиги бўйича хужжатлар пакетини Давлат мулк қўмитасига ёки унинг худудий бошқармаларига топширилиши жадвалини тасдиқлади;

-вазирликлар, идоралар, концернлар, хўжалик ассоциациялари ва давлат корпорациялари ва уюшмалар тасдиқланган жадвални қайта ташкил этилган корхонанинг маъмурияти ва меҳнат жамоасига етказадилар;

-қайта ташкил этилаётган корхона маъмурияти корхона қайта ташкил этилишини қонунлар ва меъёрий хужжатларни тушунтириш йўли билан тўлиқ овозга кўйишни таъминланганлиги, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги ахборотни эълон қилинганлиги, меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши ўtkазилганлиги, корхонанинг Давлат мулк қўмитасига ёки унинг худудий бошқармаларига ўз вақтида мулк шакли ўзгарганлиги тўғрисидаги хужжатлар пакетини тақдим этиш устидан назорат амалга оширилганлиги бўйича тайёрланган ишни ташкил этади;

-комиссия қарори қабул қилингандан сўнг ташкил этилган корхонани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш субъектлари учун, шунингдек жамоатчилик учун корхона тўғрисидаги белгиланган шаклдаги ахборотни тайёрлайди.

**Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги қошидаги
Ёорхоналарнинг иқтисодий ночорлиги ишлари бўйича қўмита** Ўбокумат комиссиясининг банкротлик ва санация масалари бўйича ишчи органларига хизмат қиласи. Кўмита фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишларидан бири-шартнома асосида хўжалик юритувчи субъектларга банкротлик хавфини олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ёрдам беришдир. Кўмита ва унинг худудий бошқармаларе банкротликні ёлдини олиш мақсадида корхоналарга шартнома асосида ёрдам кўрсатадилар ва шу билан бирга молиявий-иктисодий ва хўжалик-хуқуқий масалалар, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият бўйича маслаҳат бериш йўли билан ёрдам беради. Ушбу фаолиятдан кўмита худудий бошқармалари хисоб рақамига тушган маблагларнинг 60%и бюджет учун мажбурий чигирмалар ва тўловларни чиқариб ташлагандан сўнг, қўшимча меъёрий хужжатлар, услубий кўлланмалар тайёрлаш, конференциялар ўтказиш, маслаҳатчиларни жалб этиш, ахборот-маълумот адабиётларини ишлаб чиқиш ва тарқатиш ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун берилади.

Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги ахборот агентлиги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг бориши тўғрисидаги объектив ахборотни чет элда ташқариш мақсадида ташкил этилган.

Ахборот агентлигининг асосий вазифалари бўлиб, Республика потенциал имкониятларини кенг халқаро ҳамкорлик очиб берувчи маълумот характеридаги ахборотномалар, маълумотномалар, каталоглар, буклетлар, газеталар, журналлар, бошқа матбаа, компьютер, фото ва аудиовизуал маҳсулотларни нашр этиш ва чет элга тарқатиш; хорижий давлатлар иқтисодий сиёсий-хуқуқий бошқа шартлари, жаҳон бозори конюктураси Ўзбекистон билан

ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган халқаро ташкилотлар, кўзга кўринган хорижий компания ва фирмалар тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва бутун Республикада тарқатиш.

Юқоридаги вазифаларни таъминлаш учун агентлик Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ:

-Ўзбекистонда ва хорижда барча турдаги ва савиядаги ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил этиш, ишлаб чиқиш ва тарқатишни амал оширади;

-ахборотни тарқатиш мақсадида частота ва тасвиirlарни, товушни ва маълумотни узатувчи бошқа каналлардан фойдаланади;

-Республикада ва хорижда ўзининг ахборот хабарларини, бошқа матбаа комп’ютер, фото ва аудиовизуал ва бошқа маҳсулотларни нашр этади ва тарқатади;

-шартнома асосида хорижий ва миллий газеталар, журналлар, радио, телевидиния, ахборот агентклари ва бошқа ахборот воситаларига, ҳукумат ва ноҳуумат муассасаларига, жамоат бирлашмалари ва хусусий шахсларга ахборотни тақдим этади.

Хорижий сармоялар (инвестиция) бўйича агентлик. Вазирлар Маҳкамаси қошидаги инвестицияга ёрдам бериш хизмати ва давлат мулк қўмитаси қошидаги кўчмас мулклар ва хорижий сармоялар бўйича миллий Агентлик базасида ташкил этилган нодавлат ташкилоти бўлиб, Республика иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этишни ривожлантиришга ёрдам бериш, Ўзбекистонда сармоя таклифларини ишлаб чиқариш ва амалга оширишда потенциал сармоядорлар ва маҳаллий шерикларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган.

Агентликнинг асосий вазифалари бўлиб:

-хорижий сармояларни жалб қилишнинг меъёрий ҳуқуқи базаси соҳасида таклифлар ишлаб чиқаришда иштирок этиш;

-Ўзбекистон Республикасининг сармоявий фаолияти ва сиёсати масалалари бўйича ахборот реклама нашрини тайёрлаш ва уларни халқаро тадбиркорлар доирасига тарқатиш;

-ишбилармонлик алоқаларини кенгайтириш, хорижий тажрибани тарқатиш ва чет эл сармояларини жалб қилиш бўйича семинарлар, конференция ва бошқа тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш;

-хорижий ва маҳаллий тадбиркорлар иштирокидаги «айлана столлар» ташкилоти орқали ишбилармон шериклик институтини ташкил этишда кўмаклашиш,

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари Ассоциациялари ўрнига фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкилий фаолиятини яхшилаш мақсадида ташкил этилган бўлиб, бир вақтнинг ўзида шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш Фонди деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш фонди деб номланадиган бўлди. Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси шартнома асосида ўз аъзолари сифатида деҳқон ва фермер хўжаликларини бирлаштиради ва юридик шахс ҳуқуқига эга мустақил шахс нодавлат ташкилоти ҳисобланади.

Уюшманинг асосий вазифалари бўлиб: дехқон ва фермер хўжаликларига ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни ички ва ташки бозорда сотишга кўмаклашиш, дехқон ва фермер хўжаликлари кредит олиш (хорижий кредит олиш ҳам) ва ишлатишда маслаҳат ва услубий ёрдам бериш; шахсий дехқон ва фермер хўжаликларига юридик, ахборот, маркетинглик ва бошқа хизмат кўрсатиш ҳисобланади.

Уюшманинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Тижорат банклари билан биргаликда дехқон ва фермер хўжаликлари раҳбарларини бозор иқтисодиёти тамойиллари, хуқуқий меъёрлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини мустақил юритиш услублари тўғрисида ўқитишни ташкил этади.

Шунингдек, уюшмага дехқон ва фермер хўжаликлири ўртасида ташкилий ишларни ўтказиш ва қишлоқ хўжалик техникаларига биргаликда эгалик қилиш ва фойдаланиш, улар томонидан етиширилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, сотиш ва экспорт қилиш моддий-техникавий таъминлашомухта ем ишлаб чиқариш бўйича уларга кўнгилли асосда маҳсуслаштирилган кооперативлар ташкил этишда зарурӣ ёрдам бериш топширилган.

Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш Фонди йоғон ва фермер хўжаликлири оғоғиён аъзоларини қўллаб-қувватлаш ва уларга молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида тузилган. Фонднинг ахборотлаш соҳасидаги фаолиятининг йўналиши ва вазифалари бўлиб, йоғон ва фермер хўжаликлари оғоғиён аъзоларига маслаҳат ва ахборот кўрсатиш ҳисобланади. Бу вазифаларни амалга оширишда Фонд ўз маблағларини конференциялар, семинарлар, Уюшма аъзоларининг реклама-ноширлик фаолиятлари учун сарфлаш хуқуқига эга.

Кишлоқ хўжалиги тадбиркорларини ахборот билан таъминловчи бошқа органлар. «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниясининг асосий вазифаларидан бири сифатида қишлоқдаги савдо ва тайёрлов корхоналари ва ташкилотларига, уларнинг мулк шакли ва идоравий бўйисунувидан қатъий назар, шартнома асосида ахборот хизмати кўрсатиш топширилган. ҳудудий «Матлуботсавдо» акциядорлик компаниялари фаолиятининг асосий йўналишлари қишлоқ хўжалигида савдо билан шуғулланувчи акциядорлик жамиятлари, корхона ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларни мулк шаклидан қатъий назар шартнома асосида маркетинглик хизмати кўрсатиш; савдо, тайёрлов ва бошқа корхоналарга реклама, маҳсулот етказиб бериш шартномаларини тузиш ва товарларни сотиш масалаларида консалтинглик хизмати кўрсатиш, товар ишлаб чиқарувчилар билан узоқ муддатли фойдали хўжалик алоқаларини ўрнатиш ҳисобланади.

Кимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига маслаҳат-аудиторлик ва ахборот хизмати кўрсатиши бўйича әгентлик ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги нодавлат Агентлиги сифатида ташкил этилган.

Агентлик фаолиятининг йўналишлари ва асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади: инвесторлар ва аҳолини ҳудудий ахборот-маслаҳат марказлари тармоғи, маълумотлар банки ва уларни тузатиш тармоғини ривожлантириш

асосида қимматли қоғозлар бозорининг ҳолати ҳақидаги ахборотлар тизими фаолиятини яратиш, уни амалиётга киритиш ва етказиши таъминлаш; қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига, шу жумладан, жисмоний шахсларга маслаҳат ва ахборот-маълумотномали хизмат қилиш, уларнинг акциядорлик жамиятлари фаолияти, акцияларнинг қиймати ҳақидаги маълумотлар билан таъминлаш; миллий ва хорижий эмитентлар акцияларини чиқариш ва муомалага киритишни оммавий ахборот воситалари ва реклама фаолияти орқали тарғиб қилиш.

Ушбу вазифани бажариш учун Агентлик қонунда белгиланган тартибда хабарномалар ва маълумотли ахборотномалар чиқариш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитаси қошидаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича Маркази Агентликка фойд бозорида ягона ахборот кенглигини, эмитент касбий иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар банкини яратиш ва қимматли қоғозлар бозори фаолияти ҳолати масалалар бўйича маслаҳат-аудиторлик ва ахборот хизмат кўrsatiш бўйича ёрдам беради.

Ахборот (ёки рейтинг) агентликлари қимматли қоғозлар бозори мавжудлигини асосий шарти ҳисобланган, қимматли қоғозлар бозори ранг-баранглигини таъминлайди. Чунки, қимматли қоғозлар бозорида сармоядорларга ҳам, эмитентларга ҳам зарурый ахборотни тарқата оладиган бошқа ахборот агентликлари ҳам мавжуд.

- XII-боб. Тадбиркорлик фаолиятини кредитлашнинг ҳуқуқий тартиби**
- 1§. Тадбиркорлик фаолиятини кредитлаштириш тушунчаси ва моҳияти
- 2§. Кредитлаштириш тамойиллари ва кредит шартномасининг ҳуқуқий моҳияти
- 3§. Кичик бизнес субъектлари, дехқон ва фермер хўжаликларини микрокредитлаштириш тартиби

XII-боб. Тадбиркорлик фаолиятини кредитлашнинг ҳуқуқий тартиби

1§. Тадбиркорлик фаолиятини кредитлаштириш тушунчаси ва моҳияти

Кредит муносабати кредит шартномаси асосида расмийлаш-тириладиган ҳуқуқий муносабат бўлиб, икки субъект ўртасида: бир тараф пул эгаси, яъни қарз берувчи; иккинчи тараф пулга мухтож, яъни қарз олувчи ҳисобланади. Кредит пул кўринишдаги маблағларни Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасида белгиланган қоидага кўра: қайтариб бериш, муддатлилик ва фоиз тўлаш шартлари асосида амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ маблағ бериш натижага сида юзага келади.

Тадбиркорлик фаолиятларини кредитлаштириш республика-мизда асосан тижорат банклари томонидан амалга оширилади. Бозор муносабатларининг субъектлари ҳисобланган тадбиркорлик фаолиятларини кредитлаштириш ва молиялаштириш тушунчалари ўртасида ҳуқуқий жиҳатларида бир томондан умумийлик бўлса, иккинчи томондан фарқли жиҳатлари мавжуд. Бунда, молия тадбиркорлик субъектларининг ўзига тегишли пул маблағлари билан боғлиқ алоқаларини англатса, кредит - ўзга шахснинг мулки бўлган пулни қарзга олиб, ишлатиш борасидаги муносабатларни билдиради. Кредит бозор муносабатларини ҳаракатга келтирувчи ҳуқуқий унсур ҳисобланади. Молия билан кредитнинг ҳуқуқий муносабатларда умумийлиги шундаки, уларнинг ҳар иккаласи пул маблағлари юзасидан келиб чиқсан ҳуқуқ ва мажбуриятлар асосида пул маблағини ишлатиш усулининг ҳар хил бўлишидан келиб чиқади.

Молия муносабатларида тадбиркорлик тузилмалари ўз мулки бўлган пул ресурсларини хоҳлаган вақтда, ҳеч бир монеъликсиз ишлатиши мумкин. Кредит муносабатларида эса ўзгалар пул маблағини ҳақ тўлаган ҳолда ишлатиб туриш ва кредит шартно-масига мувофиқ муддати келганда қайтариб бериш тушунилади. Кредит товар-пул муносабатларига хос бўлган ва пул маблағлари ҳаракатини юзага келтирувчи категориядир.

Тадбиркорлик фаолиятида кредит субъекти тадбиркорлик фаолиятларини юритиш ҳуқуқига эга бўлган барча тадбиркорлик тузилмалари бўлиши мумкин. Тадбиркорлик фаолиятида кредит обьекти - бу ҳар қандай кўринишдаги пул маблағи эмас, балки вақтинча бўш турган, тижорат банклари томонидан кредит бериш учун жалб қилинган пул маблағлари тушунилади.

Кредит тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда қўйидаги тўрт вазифани бажаради: пулга tenglashтирилган тўлов воситаларини амалга оширади; бўш пул маблағларини ҳаракатга келтиради, муайян ишни бажариб,

унинг натижасини капиталга айлантириб, пул-пул топади, деган қоидани амалга оширади; қарз бериш орқали пул маблағларини тадбиркорликнинг турли тармоқлари ўртасида қайта тақсимлаш билан ишлаб чиқариш ресурсларининг кўчиб туришига хизмат қиласди; қарз бериш, қарзни ундириш ҳуқуқий воситалар орқали иқтисодий ўсишни таъминлаб, тадбиркорлик тузилмалари фаолиятида ижтимоий, иқтисодий масалаларни ҳал этишга хизмат қиласди.

Тадбиркорлик тузилмалари томонидан олинган кредитдан фойдаланиш оқибатида турли натижаларга эришилади. Улар ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ижобий натижалар деганда, олинган кредитдан самарали фойдаланиш натижасида тадбиркорлик субъектида иқтисодий кўрсаткичларни ўсиши ҳамда бизнес режада белгиланган фойдани олиши орқали иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш тушунилади.

Тадбиркорлик фаолиятларини кредитлаштиришда кредитнинг салбий жихати қуйидаги икки ҳолатда намоён бўлади: кредит ҳалқ ҳўжалигига ва тадбиркорлик тузилмалари га турли йўналишлар бўйича асосиз равишда кўп берилиши натижасида пул массаси кўпайиб кетади, оқибатда миллый пул бирлигини қадрсизланишига олиб келади. Миллый пулнинг қадрсизланиши умумиқтисодиётни шу жумладан тадбиркорлик тузилмалари фаолиятларини ё ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, ижтимоий, иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради; агар, ҳалқаро шартномалар асосида олинган кредитлардан давлат томонидан тасдиқланган дастурлар асосида, белгиланган мақсадга мувофиқ самарали фойдаланилмаса ва олинган ҳалқаро кредитларни бошқа даромад манбалари ҳисобидан ёки олтинни сотиш ҳисобидан кредит қайтарилса, давлатнинг тўлов балансига салбий таъсир қилиши мумкин.

Кредит ҳуқуқий моҳияти жиҳатдан қарзни қайтаришлиқ, муддатлилик ва фоиз тўлаш асосида амалга оширилади.

Қарз шартномаси деб шундай шартномага айтиладики, бунга асосан бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тараф қарз олувчига) пул ёки ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради. Қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзни олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади (ФК 732-моддаси).

Кредит муносабатида ҳуқуқ ва мажбуриятлар кредит шартномаси воситасида белгиланади. Кредит шартномаси бўйича бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредит берувчи кредитор) иккинчи тарафга (кредит олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади (ФКнинг 744-моддаси).

Тадбиркорлик фаолиятини кредитлаштириш муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Гаров тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк

манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда 2000 йил 21 мартағи «Банк тизимини янада эркинлаштриш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва шу Фармон асосида ³аáоё ³ёёéíäái «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 155-сонли ғарори ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари муҳим аҳамият касб этади. Кредит шартномаси ёзма шаклда тузилиши шарт. Тадбиркор билан банк ўртасида тузиладиган кредит шартномасини тузишда ёзма шаклга риоя қиласлик ушбу кредит шартномасини ҳақиқий деб ҳисобламасликка олиб келади. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди.

Тадбиркорлик фаолиятини кредитлаштиришда қарз ва кредит шартномалари ўртасида умумийлик ва жиддий фарқлар мавжуд.

Биринчидан, тадбиркорлик тузилмаларини кредитлаш бўйича тузилган кредит шартномасида кредитор сифатида маҳсус объектлар - банк ёки бошқа кредит ташкилоти қатнашади.

Иккинчидан, кредит шартномаси бўйича қарз оловчи кредиторга фоизлар тўлаши шарт.

Учинчидан, кредит шартномаси фақат ёзма шаклда тузилади.

Тўртинчидан, кредит шартномаси реал эмас, балки консенсуал шартномалар гуруҳига мансуб. Кредит шартномаси тузилгандан кейин тарафлар ўртасида хукуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради. Бундай ҳолда шартноманинг бажарилмаслигига ФКнинг 746-моддасида белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Бешинчидан, кредит кредит шартномасида белгиланган муддатда қайтарилиши лозим.

Олтинчидан, банкдан кредит шартномаси асосида олинган кредит тадбиркорлик субъекти томонидан пул шаклида қайтарилиши лозим.

Кредит муносабатлари пул эгаси билан қарз оловчи ўртасида бевосита ёки билвосита тарзда бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда улар тўғридан-тўғри хукуқий муносабатда муомалага киришади. Иккинчи ҳолатда улар ўртасидаги хукуқий муносабатда кредит алоқаси воситачилар орқали (учинчи шахснинг кафиллиги асосида) амалга оширилади. Юқоридагига мувофиқ кредитнинг қўйидаги асосий шакллари мавжуд: тижорат кредити, банк кредити, истеъмолчи кредити, давлат кредити, ҳалқаро кредит.

Тижорат кредити - бу сотувчиларнинг харидорларга товар шаклида бериладиган кредиттир. Тижорат кредитида товарлар маълум муддатда пулини тўлаш шарти билан насияга берилади. Тижорат кредитини насияга оловчи кредит берувчига (товар берувчига) қарз мажбуриятномасини беради. Тижорат кредитининг асосий мақсади қимматбаҳо товарларни (автомашина, уй, телевизор, компьютер, видеомагнитофон ва ҳ.к.) ахолига насияга сотишдир.

Тижорат кредити беришнинг қўйидаги усуслари мавжуд: вексел усули (вексел операцияларини амалга оширишга хукумат қарорига мувофиқ баъзи чекловлар мавжуд); очиқ счёт орқали бериш; тўловни маълум белгиланган

муддатда амалга оширган шароитда чегирма бериш; мавсумий кредит; консигнация.

Очиқ счёт орқали тижорат кредитини бериш усулида хуқуқий мазмун шундан иборатки, харидор товарга буюртма бериши биланоқ, у товарни юклаб жўннатади, тўлов эса шартномада белгиланган муддатларда вақти-вақти билан амалга оширилиб борилади.

Чегирма бериш усулида агар харидор тўлов ҳужжатлари ёзилгандан сўнг, шартномада келишилган маълум давр ичида амалга оширса тўлов йифиндисидан чегирма берилади. Агар ушбу давр ичида тўловни тўлай олмаса, унда тўловни белгиланган муддатда тўлиқ амалга оширади.

Мавсумий кредит бериш усулидан истеъмол молларини сотишда кенг қўлланилади.

Консигнация асосида тижорат кредити бериш усулида сотиб олувчилик тварларни мажбуриятсиз сотиб оладилар, яъни товар сотилгандан сўнг пули тўланади. Агар товар сотилмай қолса, унда у эгасига қайтариб берилади.

Банклар ва кредит ташкилотлари тадбиркорлик фаолиятларини кредитлаштиришда асосан нақд пулсиз шаклда, айрим ҳолларда қонунчиликда белгиланган тартибда нақд пул шаклида ҳам берилиши мумкин. Тадбиркорлик фаолиятини кредитлаш муносабатларида уч субъект қатнашади. Бунда банк юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш маблағларини омонат ёки депозит шартномалари асосида фоиз тўлаш шарти билан кредит ресурсига жалб қилади ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредит шартномаси воситасида банк кредитини расмийлаштирган ҳолда, тадбиркорлик субъектларига қайтариб беришлиқ, муддатлилик ва фоиз тўлаш шарти билан беради. Бу ҳолатда пул эгаси пул маблағини омонат ёки депозит шартномасига мувофиқ фоиз олиш шарти билан маълум бир муддатга банкка мазкур маблағни тасарруф қилиш хуқуқи асосида беради. Банк эса ўз навбатида ушбу маблағни банк кредити шаклида фоиз тўлаш, муддатлилик ва қайтаришлиқ шартлари биноан кредит шартномасига мувофиқ расмийлаштирган ҳолда, тижорат тавакалчилиги асосида тадбиркорлик субъектига беради. Бунда тижорат банклари воситачилик вазифасини бажаради. Умуман тижорат банклари кредит муносабатларида воситачи сифатида иштирок этишда асосий бўғин ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунига биноан тижорат банклари акцияли, давлат тижорат банки, шунингдек хусусий банклар ва қўшма банклар сифатида фаолият юритиб, мижозларга омонатлар ва депозитларга бўш пул маблағларини жалб қилиш, кредит бериш ҳамда ҳисоб-китобларни яъни тўловларни амалга ошириш ва бошқа хил банк хизматларини кўрсатадилар.

Тижорат банклари бозор муносабатларининг таянчи сифатида ишончли, пулни самарали ишлатишга қодир, инвестиция жараён-ларини ўзлаштирган тадбиркорлик субъектларига қарз сифатида кредит берадилар. Тадбиркорлик субъектлари эса ўз навбатида тижорат банкidan олган кредитни кредит олишдан олдин тузилган бизнес режа асосида тасарруф қилади, натижада тадбиркорлик субъекти фаолиятида иқтисодий ўсишга эришадилар.

Тижорат банклари ишончли мижозларни танлаган ҳолда, кредитни уларнинг мол-мулки ёхуд тегишли товарлари ёки бошқа хил кўринишдаги бойлигини белгиланган тартибда гаров шартно-маси асосида бериши мумкин. Бунда олинадиган кредитга нисбатан гаровга қўйилган мулк суммаси аксарият ҳолларда ортиқ бўлиши талаб этилади.

Тижорат банклари тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ўрта ва кичик бизнес субъектларига қарз сифатида кредит берса, истеъмолчиларга товар сотиб олиши учун қарзга кредит беради. Бунинг натижасида истеъмолчилик кредити пайдо бўлади.

Банклар давлатга ҳам қарз беради. Шунингдек давлатдан қарз ҳам олади. Бунда давлат кредити пайдо бўлади. Қарз ва унинг фоизи бюджет ҳисобидан қайтарилади. Давлат қарзни турли шаклда, ғу жумладан, давлат заёмлари (заём-русча қарз демакдир) шаклида олади. Заём давлатнинг қарздорлик гувоҳномаси бўлиб, у қарзни вакти келганда қайтариб олиш ва фоиз тўлашни кафолатлайди. Заёмлар қарз ҳаки тўлаш жиҳатидан фоиз тўла-надиган, ютуқ чиқадиган, ютуқ ҳам, фоиз ҳам бериладиган ва баъзан фоизсиз ҳам бўлиши мумкин.

Кредит муносабатларида давлат фақат қарздор вазифасини ўтамайди, балки, қарз берувчи ролини ҳам бажаради. Давлат бюджетидан қарз корхона, фирма ва ташкилотларга уларнинг молиявий санацияси (соғломлаштирилиши) учун сарфланиши мумкин. Ушбу қарз ҳам маълум муддатга, қайтариб бериш ва фоиз тўлаш шарти билан берилади. Бунда фоиз имтиёзли бўлиб даромад олишни назарда тутмайди. Давлат лозим топса, ўз қарзидан кечиши ҳам мумкин.

Халқаро кредит - бу қарз капиталининг халқаро миқёсда тузилган шартномалар асосидаги ҳаракати бўлиб, бу ҳаракат товар ва валюта кўринишидаги маблағларни қайтариб беришлик, муддатлилик ва ҳақ тўлашлик асосида бериш билан боғлиқ халқаро муносабатdir.

Халқаро кредит муносабатларида қатнашувчи субъектлар сифатида қуидагилар қатнашиши мумкин: тижорат банклари, марказий банклар ва давлат органлари, хукуматлар, йирик корпорациялар ҳамда халқаро ва регионал молия-кредит ташкилотлари.

Халқаро кредитнинг асосий шаклларини фирмавий кредит, акцептли кредит ва акцептли-рамбрусли кредитлар ташкил қиласи.

Фирмавий кредит - бу бир мамлакат фирмаси томонидан иккинчи мамлакатдаги фирмага берилган кредитdir. Бу кредитнинг кенг тарқалган тури - бу экспортёрнинг импортёрга товарларни тўлов муддатини кечикириш асосида сотишига асосланган кредитdir.

Акцептли кредит - бу йирик банклар томонидан тратталарни акцептлаш шаклида бериладиган кредитdir. Агар экспорт қилувчи импорт қилувчининг тўловга қобилиятига шуҳба қилса ёки тўлов суммасини (йифиндини) тезда олишни хоҳласа, мазкур кредитдан фойдаланилади.

Акцептли - рамбрусли кредитнинг маъноси шундаки, экспорт қилувчининг вексели учинчи мамлакат банки томонидан акцептланади ва импортёр векселда кўрсатилган йифиндини акцептланган банкка ўтказади.

Кредит жамиятдаги вақтингчалик бўш маблағларни пул ва молиявий маблағларга эҳтиёжманд бўлган субъектлар ўртасида тақсимлайди.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектларига кредитлар тижорат банклари томонидан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ҳудудида ўз фаолиятини амалга ошираётган барча тижорат банклари ўз мижозларига мулкий ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар кредит операцияларини тақдим этади.

Кредитлаш жараёнида иккала томон - ҳам банк ва ҳам кредит олувчи мижоз манфаатдордир. Тижорат банки учун кредит бериш ўзига қўшимча даромад олишдир. Кўп ҳолларда кредит операция-ларидан олинадиган фойда банк даромадининг асосий қисмини ташкил қиласди.

Мижоз кредит олиш орқали эса ўзига вақтингча керак бўлган молиявий маблағларга эга бўлади, улар эвазига хом ашё, асбоб-ускуна ва бошқа керакли товарларни сотиб олади, улардан фойдаланади ва даромад топади.

Кредит бу банк томонидан мижозга қайтарилиш, мақсадли, ҳақ тўлаш, муддатли ва таъминганик шартлари билан бериладиган пул маблағларидир.

Кредит **қайтарилишилиги** билан ва ҳақ эвазига берилиши билан молиявий ёрдам ва эҳсондан ажратилиб туради. Мижоз банкдан олган кредит маблағларини кредит шартномасида кўрсатилган муддатган кечиктирмай қайтариши лозим.

Кредитнинг **мақсадлилиги** кредит банк томонидан аниқ мақсадларга ажратилишини билдиради. Кредит шартномасида кредит маблағлари қайси маҳсулотларни, хом ашё ёки асбоб ускуналарни харид қилишга ажратилаётганлиги кўрсатиб ўтилади. Кредит шартномаси кучда бўлган давр ичida тижорат банки ўз кредит бўлими ходимлари орқали кредит маблағларидан мақсадли фойдаланишини назорат қиласди. Бундай назорат банкка мижоз томондан тақдим этилаётган ва ажратилган кредит маблағларидан хисоб-китобларни амалга ошириш учун асос бўладиган тўлов хужжатларини текшириш, шартномаларни ўрганиш, лозим бўлса, мижоз фаолият амалга ошираётган ҳудудларга чиқиб, кредит ресурсларини ўзлаштириш жараёнини ўрганиш йўллари билан амалга оширилади.

Агар мижоз ажратилаган кредит маблағларидан мақсадсиз фойдаланса, тижорат банки кредитни қолган қисмини ажратишдан бош тортиб, мижоздан аввал ажратилган кредит маблағларини муддатидан олдин қайтаришни ва шартномада белгиланган жарима ва пеняларни тўлашни талаб қилишга ҳақлидир.

Кредитнинг **ҳақ эвазига берилиши** банкларнинг тижорат корхонаси сифатидаги мақомидан келиб чиқади. Банк кредит бериш жараёнида авваламбор ажратилган кредитлардан даромад олишни ўзига мақсад қилиб қўяди.

Тақдим этилган кредитлар учун ҳақ кредит миқдоридан келиб чиқкан ҳолда, белгиланган фоизлар шаклида ўрнатилади. Кредит учун фоизлар томонларнинг келишуви асосида (микрокредитлаш ва имтиёзли фонддан кредитлаштириш бундан мустасно) белгиланади. Кредит учун фоизнинг аниқ миқдорини белгилашда кредитнинг мақсади, мижознинг молиявий ҳолати,

мижоз томондан тақдим этилган таъминот ва бошқа факторлар инобатга олинади.

2§. Кредитлаштириш тамойиллари ва кредит шартномасининг хуқуқий мөхияти

Кредитнинг **муддатлилиги** принципида кредит томонлар ўртасида имзоланган кредит шартномасида белгиланган муддатга берилади. Кредит муддатсиз бўлиши мумкин эмас. Кредит учун белгиланган фоизларни ўз вақтида тўланмаслиги тижорат банки томонидан мижозга нисбатан жазо чораларини қўриш учун асос бўлади. Бу ҳолларда тижорат банклари кредит учун юкори фоизларни тўлашни ва етказилган зарарни қоплашни талаб қиласидилар, кредит таъминотидан фойдаланадилар.

Кредитлар ўз муддатлари бўйича амалиётда қисқа муддатли, яъни 12 ойгача бериладиган кредитлар; ўрта муддатли, яъни 12 ойдан 5 йилгacha бериладиган; ва узоқ муддатли, яъни 5 йилдан кўп бўлган муддага бериладиган кредитлар турларига бўлинадилар. Қисқа муддатли кредитлар амалиётда савдо корхоналарига, хўжалик субъектларга ўз айланма маблағларини тўлдиришга ва бошқа қисқа муддатда ўзини қоплайдиган ва даромад келтирадиган мақсадларга ажратилади. Ўрта муддатли кредитлар хўжалик субъектларини асосий воситаларини таъмирлашга, капитал қурилишга ва иншоотларни реконструкция қилишга ажратилади. Узоқ муддатли кредитлар инновацион мақсадларга, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар бўйича ва харажатларни узоқ муддатдан сўнг қоплайдиган бошқа чора-тадбирларга ажратилади.

Кредитнинг **таъминланганлиги** кредит олувчи мижознинг кредит шартномаси бўйича мажбуриятларини бажармаган ҳолларида банк ўзига тегишли кредит маблағларини ва кредит учун фоизларни олиш имкониятини берадиган усулларни кредит бериш жараёнида белгиланишини англаради.

Кредитни таъминлашнинг асосий усули гаровдир. Кредит олувчи мижоз ўзининг ёки учинчи шахсларнинг мулкини уларнинг розилигига кўра тижорат банкига гаров шаклида тақдим этади. Мулк гаровга қўйилиши гаров шартномаси билан расмийлаштирилади. Кўчмас мулкларнинг гаров шартномаси нотариал тасдиқланиши лозим.

Кредитни таъминлашда кафилликдан ҳам амалиётда кенг фойдаланилади. Агар кредит олган банк мижози кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини вақтида ва тўла бажармаса кафиллик шартномасига кўра кафил банк олдида қарздор учун жавоб беради. Кафиллик ёзма шаклдаги шаронома шаклида расмийлаштирилади.

Кафиллик шартномасини кредитни таъминлаш усули сифатида қабул қилишдан аввал банк кафилнинг молиявий ҳолатини ўрганади ва фақат молиявий барқарор хўжалик субъектлари томонидан берилган кафиллик мажбуриятларини қабул қиласиди.

Кредитни қайтаришнинг кейинги усули кафолатdir. Кафолат бўйича кафил сифатида факат банк, сугурта жамияти ёки бошқа кредит ташкилоти бўлиши мумкин.

Мажбуриятларни таъминлашнинг юқоридаги З усули амалиётда кенг фойдаланадиган усуллардандир. Амалиётда баъзи бир ҳолларда кредитни қайтариш усули сифатида мижознинг кредит шартномаси бўйича мажбуриятларини сугурталаш, мижозга тегишли мулкни шартномага асосан банк балансига олиб, кейин сотиш асосида кредитни қоплаш усулларидан фойдаланилмоқда.

Агар банк мижози ўз молиявий барқарорлигини кўп йиллар давомида исботлаб келаётган бўлса, у ишлаб чиқараётган маҳсулот бозорда юқори харидга эга бўлса, тижорат банки истисно тарзида бундай мижозга таъминотси з кредит ажратиши мумкин.

Банк томонидан мижозни кредитлаш **тартиби** ҳар бир тижорат банки томонидан Ўзбекистон Марказий банки ўрнатган талаблар доирасида мустақил равишда ўрнатилади.

Мижозларни кредитлаш жараёни ўз ичига қуидаги босқичлар асосида амалга оширилади: 1 - босқичда мижоз банкка кредит олиш масаласини муҳокама қилиш учун мурожаат қиласди. Тижорат банкининг кредит бўлимининг ходимлари кредит беришнинг қоидалари, тартиби, муддати, кредит учун фоизлар, кредитдан фойдаланиш тартиби, кредит берилгандан сўнг банк томонидан кредитнинг мақсадли фойдаланишини текшириш шартлари, кредитни қайтариш ва фоизларни тўлаш тартиби билан боғлик бўлган масалалар бўйича мижозга маълумотларни етказадилар;

2-босқичда мижоз тижорат банкларида белгиланган ҳужжатлар тўпламини банкка тақдим этади. Бу - кредит олиш учун ариза, бизнес-режа, корхона баланси (агар кредит оловчи юридик шахс бўлса), кредитнинг қайтарилишини таъминоти тўғрисидаги ҳужжат (гаров, кафолат, кафиллик ва ҳоказолар). Агар олинаётган кредит Ўзбекистон худудида лицензия асосида амалга ошириладиган фаолият учун олинаётган бўлса, кредит оловчи банкка бундай лицензиянинг нусхасини тақдим этиши керак;

3-босқич ўз ичига тижорат банки ходимлари томонидан мижоз тақдим этган ҳужжатларни таҳлил этиш бўйича ишларни киритади. Банк кредит бўлимининг ходимлари бизнес-режанинг амалга ошириши мумкинлигини, гаровнинг ликвидлигини (яъни керакли ҳолда уни тез ва осон сотиб, мижозни кредит бўйича бўлган қарзини қоплашини), юридик шахсларнинг кредитга лаёқатини ўрганадилар.

3-босқичнинг муддати тижорат банкларнинг кредит операцияларини тартибга соловчи ички ҳужжатлар билан тартибга солинади. Лекин амалдаги қонунчилик тижорат банклар учун хусусий тадбиркорлар ва юридик мақомга эга бўмаган дехқон хўжаликлари мурожаатлари бўйича 5 кундан ортиқ бўлмаган муддат, фермер хўжаликлари, ўрта ва кичик бизнес субъектларини мурожаатлари бўйича филиалларга эга бўлмаган хусусий банклар учун - 10 кун, вилоятлардаги филиаллар учун 15 кун, республика банклари учун - 20 кундан кўп бўлмаган муддатлар белгиланган. 3-босқич банк кредит қўмитаси

томонидан мизожга кредит аризаси бўйича кредит бериш ёки бермаслик тўғрисида қарор чиқариши билан якунланади;

4-босқич ўз ичига банк ва мижоз ўртасида кредит шартномасини имзолашни киритади. Банк томонидан кредит шартномасини банк бошқаруви раиси ёки унинг ваколатли ўринбосари, банк филиалининг бошқарувчиси ёки унинг ўринбосари имзолайди. Мижоз томондан шартномани хусусий тадбиркор ёки корхонанинг раҳбари (агар мижоз юридик шахс мақомига эга бўлса) ёки унинг ваколатли ўринбосари имзолайди.

Кредитни ўзлаштириш жараёнида кредит шартномаси томонлар учун асосий ҳужжат ҳисобланади.

Кредит шартномаси - бу банк ўз мижозига шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериши, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариши ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олиши тўғрисидаги келишувдир.

Шартнома шакли оддий ёзма шаклdir. Ёзма шаклга риоя қилинmasa, шартнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Кредит шартномаси бўйича кредитор қуйидаги хуқуқларга эга: қарз олувчидан кредит бериш учун аҳамиятга эга бўлган бухгалтерия ва статистик ҳисботни (хўжалик-молиявий ҳолати, кредитга лаёқатлилиги, кредитни мақсадли сарф қилиниши ва унинг таъминоти тўғрисида маълумотларни) олиш; берилган кредитлар учун фоизлар олиш; қарздорнинг тўловга лаёқатсизлиги, кредитни таъминлаш, кредитни аниқ мақсадга ишлатиш бўйича мажбуриятларини бажармаслиги ва шартномада кўрсатилган бошқа ҳолларда (масалан, ҳисботларни банкка етказмаганлиги учун ёки нотўғри ҳисбот берганлиги учун) шартномани бекор қилиб муддатидан олдин кредитни ва унга фоизларни ундириб олиш; шартномада кўрсатилган бошқа хуқуқлар.

Кредит шартномаси бўйича кредитор қуйидаги мажбуриятларини ўз зиммасига олади: ўз вақтида кредитни бериш ва пул-ҳисоб ҳужжатлари бўйича тўловларни амалга ошириш; кредит шартномасига биноан ҳар ойда кредитларга фоизларни ҳисоблаш; кредитни ва унга фоизларни муддатидан олдин ундириш ҳолларида бу тўғрисида қарз олувчига маълумот бериш; шартномада кўрсатилган бошқа мажбуриятлар.

Кредит шартномаси бўйича қарз олувчи қуйидаги хуқуқларга эгадир: кредит шартномасида назарда тутилган миқдорда ва муддатда кредитни олиш; агар шартномада кўрсатилган бўлса ёки кредитор қарши бўлмаса, кредитни муддатидан олдин қайтариш; шартномада кўрсатилган бошқа хуқуқлар.

Кредит олувчи кредит шартномасига мувофиқ қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади: кредитдан белгиланган мақсадларда фойдаланиши таъминлаш; кредитни гаров, кафолат, ёафиллик ёки бошқа йўл билан таъминлаш; ўз вақтида фоизларни тўлаш ва кредитни қайтариш; кредитдан мақсадли фойдаланиши, ўз тўловга лаёқатлилиги тўғрисида банкка маълумотлар бериш; шартномага биноан бошқа мажбуриятлар.

Шартномавий мажбуриятларини бажармаганликлари учун томонлар кредит шартномада кўрсатилган, агар шартномада курсатилмаган бўлса, Фуқаролик Кодексининг 327-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий аàçàñè тўғрисида»ги Конуни меъёлларига биноан жавоб берадилар.

Шартномавий мажбуриятларини бажармаганликлари учун қарз олувчи ва кредитор мажбуриятни бажаришни кечикирилган ҳар кун учун пеня ва етказилган заарларни қоплаш шаклларида жавоб берадилар.

Кредитлашнинг 5-босқичи берилган кредитни ва унга фоиз-ларни қайтарилишини ўз ичига киритади. Мижоз кредит шартномасида белгиланган муддатда ва тартибда олган кредитини қайтариши керак. Агар кредит шартномасида ўрнатилган муддатлар бузилган бўлса, мижоз кредитнинг асосий суммасига қўшимча жарима фоизларини ҳам тўлаши керак.

Агар мижоз ўз молиявий ҳолати ёки бошқа сабабларга қўра кредитни қайтарма, банк кредит олиш жараёнида тақдим этилган таъминотдан фойдаланиш хуқуқига эга. Бундай ҳолларда банк гаровга олинган мулкни сотиб, уни сотишдан тушган маблағлар эвазига мижознинг кредит шартномаси бўйича бўлган қарзларини қоплайди; қафилни кафолат ёки кафиллик шартномалари асосида жавобгарликка тортади; суғурта компаниясидан етказилган заарни коплашни талаб қиласди ва ҳоказо.

3§. Кичик бизнес субъектлари, дехқон ва фермер хўжаликларини микрокредитлаштириш тартиби

Кичик бизнес субъектлари ҳамда дехқон ва фермер хўжаликларини бошлангич сармоя билан таъминлаш масалаларини ҳал этишда уларга микрокредитлар ажратишни йўлга қўйишида Марказий банк томонидан 2000 йил 29 декабря «Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва дехқон хўжаликларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш Тартиби» (902-сон), «Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш Тартиби» (903-сон) кучга киритилиши тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан дехқон фермер хўжаликларига тижорат банклари томо-нидан микрокредитларни ажратилиши мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмига фойдали тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланишга шарт-шароитлар яратмоқда.

Ушбу иккала Тартиб ҳама० Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунларе, улар юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва дехқон хўжаликларининг ҳамда юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва кичик кичик бизнеснинг бошқа субъектлари ривожланиши учун шарт-шароитлар яратишга йўналтирилганлиги билан характерлидир.

902-Тартибининг 1.2-бандида «Ўзбекистон Республикаси худудида тижорат банклари томонидан микрокредитларни бериш қайтаришлиқ, тўловлилиқ, таъминланган-лик, муддатлилиқ ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади», деб белгиланган. Ушбу Тартиб

шартлари тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар-нинг кредит линиялари ҳисобидан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва дехқон хўжаликларини микрокредитлашга ҳам татбиқ этилади.

Тартибнинг 1.3-бандида «Юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва дехқон хўжаликларига бериладиган микрокредитлар деганда, кредит бериладиган кундаги биржадан ташқари валюта бозори курси ҳисобида 5000 (беш минг) АҚШ долларига эквивалент миқдоридан ошмайдиган ҳажмда миллий ёки чет эл валютасида бериладиган кредитлар тушунилади», дейилган.

Микрокредитларнинг, мазкур Тартибнинг 1.4-бандига мувофиқ, фақат Ўзбекистон Республикаси резидентларигагина берилиши хуқукий жиҳатдан мустаҳкамланган. Шунингдек, 1.5-бандига биноан, «Тижорат банклари микрокредитларни қарз олувчиларга шартнома асосида 3 йилгача бўлган муддатга берадилар. Кредитлар мижознинг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақами жойлашган манзил бўйича берилади. Микрокредитларнинг 50 фоизигача миқдори 1,5 йил (18 ой)гacha бўлган муддатда қайтариш шарти билан, нақд пулда берилиши мумкин»лиги белгиланган.

Банкларга ўз даромадлари ҳисобидан маҳсус микрокредитлаш жамғармасини ташкил қилиш тавсия этилган (Тартибнинг 1.6-банди).

Микрокредитлар қарз олувчиларга қўйидаги мақсадларга берилади: кичик (мини) ускуналарни харид қилиш; хусусий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан, уруғлик, чорва моллари, ёш чорва моллари, паранда, ем-хашак ва омухта ем, ветеринария дори-дормонлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари ва минерал ўғитларни сотиб олиш; хом ашё ва материалларга бирламчи ишлов бериш; меҳнат қуроллари, хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва ёрдамчи ашёларни харид қилиш; ҳалқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш; ҳунармандчиликни ривожлантириш, уй меҳнати (касаначилик)ни ташкил қилиш; сервис хизмати ва майший хизмат кўрсатишни ривожлантириш; соғлиқни сақлашни ривожлантириш; сайдёнлик (туризм) соҳасини ривожлантириш; кичик кўламдаги ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш; Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тақиқланмаган ҳалқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари (Тартибнинг 1.7-банди).

Микрокредитлар қўйидаги мақсадларга берилиши мумкин эмас: илгари олинган кредитларни ёки бошқа ҳар қандай қарзларни қоплаш; тамакиҷилик ва спиртли ичимликларни ишлаб чиқиш; савдо-воситачилик фаолиятини амалга ошириш; ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилмайдиган, шахсий мулкни харид қилиш (Тартибнинг 1.8-банди).

Микрокредитларни расмийлаштириш тартибига мувофиқ, микрокредитлар олиш учун юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва дехқон хўжаликлари томонидан банкка қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: сўралаётган микрокредит миқдори кўрсатилган кредит аризаси; кредитнинг қайси мақсадга ишлатилиши

кўрсатилган бизнес режа. Бундан ташқари, якка тартибдаги тадбиркор ва дехкон хўжалиги бошлиғи ўз паспортини шахсан кўрсатади ва паспорт нусбасини кредит йиғма жилдига тикиб қўйилади (Тартибнинг 2.1-банди).

Кредит қайтарилиш қолиши хавфининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи банкка қуидаги таъминот турларидан бирини тақдим этиш ҳукуқига эга: мулк ёки қимматли қофозлар гарови; банк ёки сұғурта ташкилоти кафолати; учинчи шахснинг кафиллиги; сұғурта компаниясининг қарз олувчининг қайтара олмаслик хатари сұғурта қилингани тўғрисидаги сұғурта полиси; фуқаролар йиғинларининг маҳалла, қишлоқ, овул Кенгашлари кафиллиги (Тартибнинг 2.3-банди).

Банклар ўzlари билан доимий алоқага эга, банк ҳисоб рақамида муентазам пул оқими мавжуд бўлган, яхши обрў ва кредит тарихига эга қарз олувчиларга, мазкур Тартибнинг 2.2-бандида кўрсатилган таъминотни талаб қилмай, бланкали (ишончли) микрокредит бериш ҳукуқига эгадирлар (Тартибнинг 2.3-банди).

Микрокредитларнинг қайтарилиш таъминоти шаклларидан бири сифатида мол-мулк гарови хизмат қиласи. Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, муомаладан чиқарилган буюмлардан ташқари, ҳар қандай мулк, шу жумладан буюмлар ва мулкий ҳукуқлар (талаблар), қимматбаҳо буюмлар, заргарлик буюмлари, эркин айирбошланадиган валюта ва бошқалар гаров предмети бўлиши мумкин (Тартибнинг 2.4-банди).

Кредит сўраб, мазкур Тартибнинг 2.1-бандида кўрсатилган барча зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, берилган аризанинг банкка келиб тушган кундан кундан бошлаб, ушбу ариза бўйича банк томонидан хulosса бериш муддати 5 иш кунидан ошмаслиги лозим (Тартибнинг 2.6-банди).

Кредит шартномаси тузилгандан сўнг кредит бўлими ходими, муддати ва фоиз ставкасини кўрсатган ҳолда, ссуда ҳисоб рақамини очиш тўғрисида бухгалтерияга кўрсатма беради (Тартибнинг 2.7-банди).

Микрокредит бериш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб қарз олувчига кредит варақчаси очилади ва унинг ёрдамида кредит устидан назорат амалга оширилади (Тартибнинг 2.8-банди).

Кредитларни бериш мижознинг талаб қилиб олгунча депозит ҳисоб рақами жойлашган манзил бўйича берилади. Кредитлар алоҳида ссуда ҳисоб рақамини очиш ва ушбу ҳисоб рақамидан қарз олувчининг тўлов топшириқномалари асосида моддий товар -бойликлари учун нақд пулсиз ўтказиш йўли билан ёки микрокредитнинг 50 фоизигача миқдорида нақд пул шаклида, пул чекларини тўлаш йўли билан берилади (Тартибнинг 3.1-банди).

Нақд пул шаклида берилган микрокредитларни қайтариш ва уларнинг фоизларини тўлаш мажбурий тарзда банк кассасига нақд пул топшириш йўли билан амалга оширилади (Тартибнинг 3.2-банди).

Қарз олувчи томонидан асосий қарз ва унга хисобланган фоизлар кредит шартномасида келишилган муддатда қайтарилимаса, банк Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 280-моддаси иккинчи қисмига

мувофиқ мустақил равиша, судга мурожаат қилмасдан, гаров предметини тасарруф қилиш хуқуқига эга бўлади (Тартибнинг 3.8-банди).

Чет эл валютасида микрокредитлар бериш тартиби. Тижорат банклари ўз Низомларига ва валюта операцияларини амалга ошириш учун уларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган хуқуқларга мувофиқ равиша мазкур Тартибнинг 1.7-бандида санаб ўтилган мақсадларни амалга ошириш пайтида, фақат ўз ишлаб чиқариш фаолияти учун республикада ишлаб чиқарилмайдиган асбоб ускуналар, хом ашё ва бутловчи қисмларни импорт йўли билан харид қилишга чет эл валютасида микрокредитлар беришлари мумкин (Тартибнинг 4-банди).

Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги микрокредитлар ўз кредит ресурслари ва четдан жалб қилинган кредит маблағлари, шу жумладан хорижий банкларнинг кредит линиялари ҳисобидан амалга оширилади. Чет эл валютасидаги микрокредитлар банклар билан қарз олувчилар ўртасида тузиладиган кредит шартномаларида белгиланадиган тижорат шартлари асосида нақдсиз шаклда берилади.

Чет эл валютасида берилган кредитлар бўйича фоизларнинг тўлови тўлов санасидаги биржадан ташқари валюта бозори курси бўйича миллий валютада амалга оширилади.

Асосий қарзни тўлаш чет эл валютасида амалга оширилади, қарздорнинг чет эл валютасидаги ҳисоб рақамида маблағ мавжуд бўлмаган тақдирда тўлов санасидаги биржадан ташқари валюта бозор курси бўйича миллий валютада тўланиши мумкин (тартиб-нинг 4.2; 4.3-бандлари).

Қарз олувчи чет эл валютасида микрокредит олиш учун, мазкур Тартибнинг 2.1.-бандида қайд этилган ҳужжатлардан ташқари хориждан сотиб олинадиган маҳсулот тавсифи, у харид қилинадиган мамлакат, унинг қиймати, тўлов валютаси, ускуналар сотиб олинадиган ҳолда- зарур хом ашё билан таъминланганлигига оид маълумотларни банкка тақдим этади. Микрокредит бўйича қарзни тўлаш чоғида, биринчи навбатда кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ундирилади Тартибнинг 4.6-4.8 бандлари).

Микрокредит белгиланган муддатларда қайтарилмаган тақдирда, шунингдек, қарздорнинг миллий валютадаги талаб қилиб олгунча депозит ҳисоб рақамида маблағлар етарли бўлмаган ёки мавжуд бўлмаган ҳолларда, тижорат банклари микрокредитнинг қайтарилмаган суммасини қонунчиликда белгиланган тартибда қарздорнинг чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамидан ундириб олиш хуқуқига эгадирлар. Қарз олувчининг талаб қилиб олгунча депозит ҳисоб рақамида маблағлар етарли бўлмаган ёки йўқ бўлган тақдирда микрокредитнинг суммаси қонунчиликда белгиланган тартибда кафолат берувчининг ёки кафилнинг чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамидан ундириб олинади (Тартибнинг 4.9.-4.10. - бандлари).

Тижорат банклари қарз олувчилар томонидан кредит шартно-малари шартларининг бажарилиши, чет эл валютасидаги микрокредитлардан мақсадли ва ўз вақтида фойдаланиши, унинг таъминланганлиги, қарз олувчиларнинг асосий қарз ва фоизларини ўз вақтида тўлаши, мажбурият бўйича воситачилик

ҳақининг тўланишини назорат қиладилар. Тижорат банклари кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаётган қарз олувчиларга нисбатан қуидаги чораларни кўриш ҳуқуқига эга: кредитлашни вақтинча ёки бутунлай тўхтатиш; берилган кредит бўйича қарзниг бутун суммасини муддатидан олдин ундириб олиш. Қарз олувчи кредит шартномаси шартларини мунтазам равишда бажармаса, тижорат банки кредит шартномаси шартларига мувофиқ қарз олувчига илгари берилган чет эл валютасидаги барча кредитларни муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли бўлади (Тартибнинг 4.11; 4.12.-4.13.-банлари).

903-Тартибнинг 1.3.-бандига мувофиқ, «Юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига бериладиган микрокредитлар деганда, кредит бериладиган кундаги биржадан ташқари валюта бозори курси ҳисобида 10000 (ўн минг) АҚШ долларига эквивалент миқдоридан ошмайдиган ҳажмда миллий ёки чет эл валютасида бериладиган кредитлар тушунилади.»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги 1987-ПФ-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида» ва «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ қуидагилар микрокредитлаш субъектлари (бундан кейин матнда қарз олувчилар) ҳисобланади: Микрофирма - бу, мулкчилик шаклидан қатъи назар, иш билан банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони ишлаб чиқариш соҳасида 10 кишигача, савдо, хизмат кўрсатиш ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида 5 кишигача бўлган корхоналар.

Кичик корхона - бу, мулкчилик шаклидан қатъий назар, иш билан банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони саноат соҳасида 40 кишигача, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида 20 кишигача, фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида 10 кишигача банд бўлган корхоналар.

Юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжалиги-бу оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида оила бошлиғига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга бериладиган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишини амалга оширадиган оиласи майда товар хўжалигидир. Фермер хўжалиги - бу юридик шахс мақомига эга бўлган, фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги меҳнати асосида узоқ муддатга ижарага берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари товар ишлаб чиқаришга асосланган мустақил хўжалик юритувчи субъектdir (Тартибнинг 1.4.-банди).

Микрокредитлар фақат Ўзбекистон Республикаси резидентларига берилади (Тартибнинг 1.5.-банди). Фақат деҳқон ва фермер хўжаликларига микрокредитларнинг 50 фоизгача миқдорини аҳолидан чорва моллари, парранда ва кўчатларни сотиб олишга, 1,5 йил (18 ой)гacha бўлган муддатда қайтариш шарти билан, нақд пулда берилишига рухсат этилади (Тартибнинг 1.6.-банди).

Республикамида кредит муносабатларини тартибга солиш ишлари боқичма-босқич соддалаштирилмоқда.

2000 йил 21 мартағи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун: банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш, тижорат банкларининг мустақиллигини ошириш ҳамда уларни инвестиция жараёнларининг фаол иштирокчиларига айлантириш, дехқон, фермер хўжаликларини ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлашни кенгайтириш, банкларнинг омонатчилари манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, шунингдек банклар билан уларнинг мижозлари ўртасида ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини шакллантириш, хорижий банклар билан ҳамкорликни кенгайтириш каби мақсадлар асосида қабул қилинган.

Мазкур Фармоннинг 1-бандига мувофиқ, Тижорат банкларига ўз фойдасининг 25 фоизга қадар миқдорини ажратиш йўли билан банкларда ишлаб чиқариш микро фирмаларини, кичик ва ўрта корхоналарини, дехқон ва фермер хўжаликларини, юқори технологик ва инновация лойиҳаларини амалга ошириш учун Имтиёзли кредитлаш маҳсус жамғармасини тузишга руҳсат берилган. Тижорат банкларининг Имтиёзли кредитлаш маҳсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар беришдан оладиган даромадлари ана шу маблағлар мазкур Жамғарманинг ресурсларининг кўпайтиришга мақсадли йўналтирилган тақдирда 5 йил муддатга даромад солиғидан озод қилиниши республикамизда бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаштириш ишларини ташкилий-ҳуқуқий масалаларини ҳал этиш имкониятларини яратди.

Ушбу Фармоннинг 2-бандига мувофиқ, «Хорижий банкларнинг тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, ўз сармоясини ва жалб этиладиган маблағлар ҳажмини муттасил кўпайтириб бориш учун барча имкониятлардан фойдаланиш, шунингдек иқтисодиётнинг реал тармоғи, аввала кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш шакллари, турлари ва миқдорини кенгайтириш тижорат банкларининг энг муҳим вазифалари ҳисоблансан» дейилган.

Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларнинг жалб этиладиган муддатли омонатлари (депозитлари) бўйича Марказий банкнинг қайта молиялаш бўйича амалдаги ставкасининг камида 75 фоизи миқдорида, жисмоний шахсларнинг депозитлари бўйича эса камида 50 фоизи миқдорида фоиз ставкаларини белгилашлари мақсадга мувофиқ деб қабул қилинди, бунда ўз вақтида жалб этилган депозитлар бўйича депозит битимининг амал қиласидан бутун муддати мабойнида ўзгармас фоиз ставкалари сақлаб қолиниши лозимлигини мазкур фармонда белгиланиши тижорат банкларига кредит ресурсларини кўпроқ жалб қилишга имкониятлар яратади.

Тижорат банкларидаги омонатларга жисмоний шахслар томонидан кўйиладиган маблағларнинг манбалари декларация қилинмаслигини ушбу фармонда белгиланиши эса жисмоний шахслар томонидан тижорат банклари омонатларига пул маблағ-ларини кўпроқ қўйишига хизмат қиласиди.

Вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарларининг тижорат банклари ва уларнинг филиаллари фаолиятига, шу жумладан филиалларнинг раҳбар ходимларини тайинлашга аралашишлари,

банк маблағлари ҳисобидан турли хил түловлар ва бадалларни талаб қилишлари ман этилганлиги; назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг банк кредит портфели ва активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик тавакалчилигини бошқариш бўйича банкларнинг фаолиятига аралашишлари мазкур фармоннинг 10-бандига мувофиқ тақиқланиши кредит муносабатларини ташкилий-ҳуқуқий масалаларини ҳал этишда тижорат банкларининг мустақиллигини оширишга ҳуқуқий маънода кенг имконият ва шарт-шароитлар яратади.

2000 йил 7 марта 907-сон билан Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган «Тижорат банклари томонидан фермер ҳўжаликларини ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш Тартиби»га асосан кредитлаштириш фермер ҳўжаликлари, кичик ва ўрта бизнеснинг бошқа субъектларининг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган. Мазкур Тартиб кичик ва ўрта бизнес субъектларини, фермер ва дехқон ҳўжаликларини ҳамда якка тартибдаги тадбиркорликни банклар томонидан микрокредитлашга татбиқ этилмайди.

Ушбу Тартибга мувофиқ тижорат банклари қарз олувчиларга кредит беришни шартнома асосида амалга оширади.

Берилаётган кредитларнинг муддати кредитланаётган тадбирнинг қопланишига боғлиқ бўлади, жумладан: кичик ва ўрта бизнес субъектларига айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитлар, одатда 1 йилгача муддатга берилади; қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун фермер ҳўжаликларига, шунингдек юридик шахс мақомига эга бўлган дехқон ҳўжаликларига айланма маблағни тўлдириш учун бериладиган кредитлар, одатда, 2 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади; кичик ва ўрта бизнеснинг барча субъектларига, шу жумладан юридик шахс мақомига эга фермер ва дехқон ҳўжаликларига инвестицион лойиҳаларни молиялаш учун бериладиган кредитлар, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз 5 йилгача муддатга берилиши мумкин (Тартибнинг 1.5-банди).

Ўрта ва кичик бизнес субъектларига айланма маблағларни тўлдириш мақсадида берилган кредитларнинг қайтарилиш муддати, уларнинг қайтарилишини узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, форс-мажор ҳолатларини истисно қилганда, 12 ойдан ошмаслиги керак (Тартибнинг 1.6-банди). Дехқон ва фермер ҳўжаликларига қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга мўлжалланган айланма маблағларни тўлдириш учун берилган кредитларни қайтариш муддати, уни қайтариш муддати узайтирилиши ҳисобга олган ҳолда, форс-мажор ҳолатларини истисно қилганда, 30 ойдан ошмаслиги керак. Фермер ва дехқон ҳўжаликларининг ўз айланма маблағларини тўлдириш мақсадида, қишлоқ ҳўжалиги билан боғлиқ бўлмаган фаолияти учун олинган кредитдан фойдаланиш муддати, уни қайтариш муддати узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, 12 ойдан ошмаслиги керак (Тартибнинг 1.7-банди).

Инвестиция мақсадлари учун берилган кредитлар бўйича банклар имтиёзли давр белгилаши мумкин. Кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари микдори қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра кредит шартномаси асосида белгиланади. Кредитларни бериш мижознинг талаб

қилиб олингунча депозит ҳисобрақами жойлашган манзил бўйича амалга оширилади. Зарар кўриб ишловчи, ноликвид балансга эга бўлган хўжалик субъектларига кредит берилмайди. Берилган кредитлар ўрнатилган тартибда, муддатидан олдин ундириб олиниади. Бу қоида кредит шартномасида албатта қайд этилган бўлиши керак (Тартибининг 1.8, 1.9, 1.10 ва 1.11-бандлари).

Кафолат Фуқаролик кодексининг 299-моддасига мувофиқ кафолат берувчининг ёзма мажбурияти шаклида расмийлаштирилади. Кафиллик Фуқаролик кодексининг 292-моддасига мувофиқ, банк-бенефциар фойдасига қарз олувчи ва кафил ўртасида тузиладиган ёзма шаклдаги кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади (Тартибининг 2.5-2.6-бандлари).

Қурилиш, техникавий қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилишга берилган кредитлар ҳисобига молиялаштириш фақатгина банкка Ер кодекси, «Инвестицион фаолият тўғрисида» ёэ Конун, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 декабрдаги 472-сонли, 1997 йил 29 октябрдаги 488-сонли, 1999 йил 13 сентябдаги 420-сонли, 1999 йил 20 декабрдаги 532-сонли қарорларида белгиланган зарур лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин очилади.

Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари фаолиятларини кредитлаштиришнинг ташкилий-хуқуқий жиҳатларини ҳал этишда тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларига, дехқон ва фермер хўжаликларига микрокредитлар ажратиш воситасида ҳамда тижорат банклари фойдасининг 25 фоизи ҳисобига ташкил қилинган имтиёзли фондлардан имтиёзли кредитлар бериш республикамизда бозор муносабатларига ўтиш жараёнида тадбиркорликни йўлга қўйиш, уларнинг фаолиятларини бошланғич сармоя билан таъминлаш ва кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқаришга замонавий технологияни жалб қилиш ишларини юқори босқичга кўтарди. Бу эса ўз навбатида кичик ва ўрта бизнесни ривожланишига хуқуқий-иқтисодий маънода зарур шарт-шароитлар яратмоқда.

XIII-боб. Тадбиркорлик соҳасида сұғуртанинг ҳуқуқий қоидалари

1§. Сұғурта түшунчаси, мөһияти ва ҳуқуқий асослари

Маълумки, мамлакатимизнинг демократик йўналишлар асосида ривожланиши, бозор иқтисодиётини том маънода шакллантириш, маҳсулот сифатини ошириш, эркин рақобатни кенгайтириш соҳасида кенг миқёсда ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган мажлисидаги маърузасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш суръат ва миқёслари сезиларли даражада ўрганлиги, жойларда бу борадаги ишлар анча кучайганини эътироф этган эди.

Товар ишлаб чиқариш, маҳсулот етиштириш, турли хизмат доирасида иш юритаётган тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, фермер хўжаликлари кутимаган табиий оғат, бахтсиз ҳодиса, ёнгин, авария ва бошқа ҳоллардан зарар кўришдан сұғурталанган бўлишлари лозим. Акс ҳолда ишлаб чиқариш издан чиқиши, белгиланган маҳсулот етиштирилмаслиги, режалаштирилган даромад олинмаслиги, охир-оқибатда эса инқироз юзага келиши мумкин. Бундан ташқари тадбиркорларнинг ҳаёти ва саломатлигини сұғуртавий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилмоғи лозим.

Мустақилликка эришгандан кейин Ўзбекистон Республикасида бозор инфратузилмаларига сұғурта хизмати қўрсатишга йўналтирувчи бир қатор қонун ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Сұғуртани ривожлантиришнинг, сұғурта бозорини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда сұғуртанинг мавқси ва ўрнини белгилаб берувчи, фуқаролар ва юридик шахсларнинг сұғурта хизматларига бўлган талаблари қондирилишини кафолатловчи, сұғурта муносабатлари барча иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи ва мажбуриятларига риоя этилишини таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг «Сұғурта тўғрисида»ги Қонуни 1993 йил 6 майда қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрдаги қарори билан «Сұғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси мақулланиб, умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинган эди.

Сұғурта – инсон фаолияти соҳаларида содир бўладиган табиий оғатлар, фавқулодда ҳодисалар натижасида етказилган зарар ҳамда талафотларни жисмоний ва юридик шахслар тўлаган сұғурта бадалларидан ҳосил қилинадиган пул фонdlари хисобидан тўлиқ ёки қисман қоплаш йўли билан жисмоний ёки юридик шахслар манфаатлари сұғурталанишини таъминлашга доир муносабатлардан иборатdir.

Бошқача айтганда, юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган сұғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул жамғармалари хисобидан муайян

воқеалар (суғурта ҳодисалари) юз берганда ушбу шахсларга суғурта тўловини бериш йўли билан уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш суғурта ҳисобланади. Суғурта фаолияти суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятидан иборат бўлади.

Суғурта ташкилоти рўй бериши эҳтимоли бўлган ҳодисалар таваккалчилигини ҳисоблаш орқали (ҳаётий, статистик ва бошқа маълумотлар) суғурта бадали миқдорини белгилайди ва шунга асосан мол-мулк, ҳаёт ва саломатлик, жавобгарлик сингари суғурта шартномаларини тузишдан ҳосил бўлган фондлар орқали ўз шартномавий мажбуриятларини бажаради.

Тадбиркорларнинг ҳаёти, соглиги, меҳнат қобилияти, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мол-мулки, моддий бойликлари, жавобгарлик мажбуриятлари, мулкий ҳамда мулкка оид бўлмаган ҳукуқлари суғурта объектлари бўлиб ҳисобланади. Суғурта ихтиёрий ва мажбурий шаклларда амалга оширилади.

Мажбурий суғурта, Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан амалга оширилади.

Ихтиёрий суғурта эса томонларнинг (суғурта ташкилоти билан юридик ёки жисмоний шас) хоҳиш-иродасига кўра амалга оширилади.

Мажбурий суғурта унинг тури, жавобгарлик миқдори, тартиби ва бадали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ихтиёрий суғуртада эса бу шартлар суғурта ташкилоти билан мижоз ўртасида тузиладиган шартномада ўз аксини топади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида суғурта муносабатларини тартибга солувчи нормалар ўз ифодасини топган.

Асосий шартлардан бири бўлиб, суғурта шартномасининг факат ҳисобланган суғурта бадали суғурта ташкилотига тўлангач кучга кириши ҳисобланади. Тажрибада томонлар суғурта шартномасини имзолагач белгиланган муддатда суғурта бадали тўланмаса, бу шартнома тузилмаган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 28 февралдаги Фармонига асосан «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси ташкил этилди. Бу компаниянинг асосий йўналишлари этиб қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларнинг мол-мулки, экинлари ҳосили, маҳсулот етиштириш учун тижорат банкларидан олинадиган мақсадли кредитлари қайтарилиши, маҳсулот етиштириш учун аванс тариқасида ажратиладиган маблағлар қайтарилиши, шунингдек қишлоқ ва шаҳар жойлардаги аҳоли ва юридик шахсларга комплекс суғурта хизмати кўрсатиш белгилаб берилган.

Компаниянинг фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 марта 125-сонли қарори билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 январдаги «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁶⁹ Фармонига асосан суғурта хизматлари соҳасидаги

⁶⁹ «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 1 феврал

эркинлаштириш жараёнини янада ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, республикада суғурта бозорини тараккӣй эттиришнинг иқтисодий омилларини кучайтириш, суғурта ташкилотларёнинг моддий - техника бозорини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб, мулкчилик шаклларидан қатъий назар, суғурта ташкилотлари 3 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилиб ва бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда мазкур ташкилотларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга, минтақаларда кенг тармоқли агентлик шохобчаларни ташкил этишга, кадрларни тайёрлашга, шу жумладан, чет элда тайёрлаш ва қайта тайёрлашга йўналтириш белгиланган. Солиқ олишдан бўшайдиган маблағларни таркибида давлат улуши бўлган суғурта ташкилотлари устав жамғармаларини кўпайтиришга йўналтириш чоғида мазкур маблағлар давлатга тегишли улуш миқдорига қушиб ҳисобланади. 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб тўрт йил мобайнида суғурта ташкилоти тугатилган ёки у суғурта фаолиятини тўхтатган ҳолда даромад (фойда) солифининг суммаси ушбу фармонга мувофиқ берилган бутун имтиёзли давр учун тўлиқ миқдорда ундириб олиниш кўзда тутилган.

Мазкур фармонда белгилангандан, юридик шахсларнинг ихтиёрий суғурта турлари бўйича сарф харажатлари даромад (фойда) солифини ҳисоб-китоб қилиш чоғида қонунчиликда белгиланган меъёрлар доирасида солиқа тортиладиган база ҳисобидан чегириб ташлаш лозим. Бундан ташқари, 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб хўжалик юритувчи субъектлар харидорларга хизмат қиласидиган банкларнинг кафолатлари ёки экспорт шартномаларининг сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда олдиндан ҳақ олмасдан ва аккредитов очмасдан эркин алмаштириладиган валютага товарлар (ишлар, хизматлар) ни экспорт қилишлари мумкин.

Тадбиркорлик соҳасида қўлланиладиган суғуртанинг алоҳида турларининг ўзига хос хусусиятлари мавжуддир.

2§. Мажбурий суғурта

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 30 декабр 632 сонли қарорига асосан юридик ва жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси амалга оширилмоқда. Ҳаракат даврида инсон ҳаётига ёки юридик ҳамда жисмоний шахсларга етказилиши мумкин бўлган зарар суғурталаниши лозим.

Суғурта жавобгарлиги мол-мулк суғуртасидан Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 20 баравари, ҳаёт суғуртасидан эса 30 баравари миқдорида белгиланган бўлиб, йиллик тўлов ставкаси эса 0.5-2.0 фоиз миқдорида тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 июл 321-сонли ғарорига асосан юридик ва жисмоний шахсларнинг гаровга қўйилган мол-мулки табиий оғатлар, авария, ёнғин, портлаш ва бошқа ҳодисалардан суғурталанади.

Маълумки, кейинги пайтларда тадбиркорларга ҳар хил белгиланган фаолият учун мулкни гаровга қўйиш орқали кредит маблағлари берилмоқда. Ана шу мулкни бутлигини таъминлаш мақсадида ушбу суғурта жорий этилган. Тўлов ставкаси мулк қийматининг 0.5 фоизи миқдорида белгиланган.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда фермерлик ва деҳқон хўжаликлари алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда Республикаизда 45 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият юритмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 март 125-сонли қарорига асосан давлат буюртмаси учун маҳсулот етиширишга ажратиладиган аванс маблағлари қайтарилишини суғурталаш амалга оширилмоқда. Фермер хўжаликлари тайёрлов ташкилотлари билан тузган контрактация шартномаларида кўзда тутилган аванс маблағи қайтишига 50 фоиз мол-мулкни гаровга қўядилар. Колган ярми эса тайёрлов ташкилоти томонидан суғурта қилинади. Берилган аванс табиий офат натижасида қайтарилмаган ҳолда хўжалик ўрнига суғурта компанияси маблағни тўлаб беради.

Юқорида кўрсатилган қарорга асосан фермерлар маҳсулот етишириш учун тижорат банкларидан оладиган мақсадли кредитлар қайтишини суғурта қилдирадилар. Бунда суғурта жавобгарлигига нисбатан тўлов бадали 2.5 фоизни ташкил қиласди.

Ажратилган кредит мақсадли ишлатилиб, ўз вақтида банкка қайтарилмаган ҳолда суғурта компанияси банкка суғурта пули, ёки бир қисмини тўлаб беради ва хўжалиқдан шу миқдордаги маблағни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигига белгиланган тартибда ундириш хуқуқига эга бўлади.

3§. Тадбиркорлик таваккалчилигини суғурта қилиш

Суғурта хуқуқий муносабатларида энг муҳим рўй берган янгиликлардан бири бўлиб таваккалчилигини суғурта қилиш ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолияти таваккалчилик асосида амалга оширилганлиги сабабли тадбиркорлик субъекти ўзининг тадбиркорлик таваккалчилигини суғурта қилдириш имкониятига эга бўлиш ва хуқуқий жиҳатдан кафолатланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ёдексининг 920-моддасида тадбиркорлик таваккалчилигини суғурта қилдиришга оид қоидалар ўзининг хуқуқий ифодасини топган. Ушбу моддага кўра, тадбиркорлик таваккалчилигини суғурта қилиш шартномаси бўйича фақат суғурта қилдирувчининг ўз тадбиркорлик таваккалчилигини ва фақат унинг фойдасига суғурталаниши мумкин. Суғурта қилдирувчи бўлмаган шахснинг тадбиркорлик таваккалчилигини суғурта қилиш шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Суғурта қилдирувчи бўлмаган шахснинг фойдасига тадбиркорлик таваккалчилигини суғурта қилиш шартномаси суғурта қилдирувчи фойдасига тузилган ҳисобланади.

Суғурта таваккалчилиги деганда статистик маълумотларга таянган ва юқори аниқликда ҳисоблаб чиқилиши мумкин бўлган заарнинг математик йўл

билин текширилган эҳтимоли (олдиндан назарда тутилган ҳодиса натижаси) шунингдек сұғартанинг аниқ обьекти тушунлади.

Айрим кишиларнинг эътириф этишича, молиявий хавф тижорат (тадбиркорлик) таваккалчиги билан муайян ўхшашликка әгадир.

Бу қандайдир пул суммасининг (фондининг) олинмай қолиши ёки қўлдан кетиши хавфидир. Бошқача нұқтаи назардан қараганда, тижорат таваккалчилиги жуда ҳам кенг моҳият ва мазмунга эга бўлган тушунчада ифодаланади. Яъни, у ўз ичига ҳар қандай тижорат (хўжалик) фаолиятидаги эҳтимол тутилган тасодифий йўқотишлар сұғартасини келишиб олади. Қайд этилганларга асосан хulosа қилиш мумкин, молиявий таваккалчиликка нисбатан тадбиркорлик (хўжалик) фаолиятининг таваккалчилиги кенг маънода тушинилади. Шу сабабли гап нафақат молиявий таваккалчилик ҳақида, балки тадбиркорлик фаолиятининг ҳамма таваккалчилигини сұғурта қилиш назарда тутилади. Ушбу ўринда шуни таъкидлаш керакки, адабиётларда тадбиркорлик таваккалчилиги ва тижорат таваккалчилиги каби тушунчалардан ҳам фойдаланиб унинг мазмуни ёритиб берилган. Бу тушунчалар бир-бирига яқин бўлган тушунчалар бўлиб. ҳар иккисида ҳам тадбиркорлик (тижорат) таваккалчилиги сұғартасига сұғартанинг тиҷорат (хўжалик) фаолияти билан барча турлари киради. Сұғартанинг пул тўлашга қаратилган турлари, жавобгарлик сұғартаси (товар ишлаб чиқарувчининг жавобгарлигидан ташқари) ва жисмоний шахслар мулкининг сұғартаси бундан мустасно.

Тадбиркорлик (тижорат, хўжалик) таваккалчилигини қоплайдиган сұғартанинг қўйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) юридик шахслар мулкини сұғурталашнинг барча турлари;
- 2) ишлаб чиқариш (тижорат фаолияти) тўхтаб қолиши натижасида даромаддан (фойдадан) маҳрум бўлиши хавфини сұғурта қилиш;
- 3) товар ишлаб чиқарувчининг жавобгарлиги сұғартаси;
- 4) кредитор сұғартаси (қарздорнинг қарзини қайтармаслиги ва жавобгарлиги хавфи);
- 5) молиявий мажбуриятларни бажармаслик хавфини (молия кафолатларини) сұғурта қилиш;
- 6) техника таваккалчилигини (курилиш-монтаж ишлари, эксплуатация таваккалчилигини) сұғурта қилиш;
- 7) корхоналарнинг ишчиларини ўғирликлар ва камомадлардан сұғурта қилиш (кароматли сұғурта)

Қайд этилган тадбиркорлик (тижорат, хўжалик) таваккалчилиги билан боғлиқ сұғурта қилиш ўзига ҳос хусусиятларга эга бўлиб тадбиркорлик субъектларнинг хуқуқ ва манбаатининг ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади. Шу сабабли тадбиркорликнинг ўз тадбиркорлик таваккалчилигининг турли хил тасодифий сұғурта ҳодисаларидан ишончли ҳимояси учун бу турдаги сұғурта қилишнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш тақозо этилади. Тадбиркорларда сұғурта маданиятини қарор топтирилиши ўз навбатида, жамиятда тадбиркорлик фаолиятининг ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласди.

4§. Ихтиёрий суғурта

Амалдаги қонун ҳужжатлари асосида суғурта компанияси тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчилар мол-мулкини ихтиёрий суғурталаш бўйича суғурта шартномаси тузади ва бу шартнома асосида шартнома кимнинг фойдасига тузилганига қараб, мулкни шартноманинг амал қилиш муддати даврида заарланиши бўйича суғурта қопламасини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Суғурталанувчининг мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлари суғурта обьекти ҳисобланади. Мулк суғуртаси деганда, суғурталанувчи шахсан эгалик қиласидиган кўчмас ва кўчар мол-мулк, яъни бино, иншоотлар ва транспорт воситалари тушунилади.

Тузилган суғурта шартномаси билан суғурталанувчининг мулкий манфаатлари (мулкнинг йўқ бўлиши, ва шикастланиши билан боғлиқ бўлган таваккалчилиги) суғуртланиши мумкин.

Суғурта шартномаси қўйидаги суғурта таваккалчилигининг умумий ёки бирор хил ҳодисалар мажмуи бўйича тузилиши мумкин:

оловнинг таъсири, жумладан, момақалдироқ, кундалик турмушда ишлатиладиган газнинг портлаши;

электр, иситиш, сув, газ, канализация ва телефон алоқаси тармоқларидаги авария, қўшни хоналардан сув босиб кириши, транспорт воситаси босиб кетиши, дараҳтлар қулаши;

табиий оғат; сув тошқини, довул, бўрон, жала, дўл, ер кўчиши ёки ўпирилиши, ер ости сувларининг кўтарилиши, ушбу ҳудудга хос бўлмаган тинимсиз қор ва ёмғир ёғиши, сел, чақмоқ уриши ва ер қимирлаши (зилзила);

учинчи шахсларнинг ноҳукуқий ҳаракатлари; ўт қўйишга уриниш ёки ўт қўйиш, ўғрилик, босқинчилик, зўравонлик ҳаракатлари.

Қўйидаги воқеа ва ҳодисалар суғурта ҳодисасига кирмайди:

ҳар қандай ҳарбий ҳаракатлар, фуқаролик уруши ёки унинг оқибатида, ҳалқ норозичиликлари, иш ташлаш, мусодара қилиш, реквизиция, қамоқقا олиш, мулкни ё ҳарбий ёки фуқаролик хукумати кўрсатмалари туфайли шикастланиши ёки йўқ қилиниши;

ҳар қандай шаклдаги ядрî энергиясининг таъсири;

ўғурталанувчининг ва у билан яшовчиларнинг ёки ундаги хизмат кўрсатувчи ходимларнинг қабих, ғараз ниятдаги ҳаракатлари;

ўғурта ҳодисасиз бинонинг бир қисми ёки тўлиқ қулаши;

ўғурта ҳодисаси даврида мулкни ўғриланиши ва талон-тарож қилиш (суғурталанмаган мулкнинг учинчи шахсларнинг ноҳукуқий ҳаракатлари натижасида йўқолиши таваккалчилиги бўйича суғурталанмаган ҳолда).

Суғурта пули миқдори томонларнинг ўзаро келишувига биноан, суғурталанган мулкнинг ҳақиқий қийматидан ошиб кетмаган равишда белгиланади. Бундай қиймат мулкнинг шартнома тузилиши вақтида жойлашган жойи бўйича ҳақиқий нархи ҳисобланади.

Суғурталовчи томонидан тўлаб бериладиган суғурта қопламасининг микдорини камайтириш мақсадида суғурталанувчи томонидан суғурталовчининг кўрсатмаларига асосан заар миқдорини камайтириш учун (ёнгинни ўчириш ёки ёнгинни тарқаб кетишига йўл қўймаслик чоралари, авария ва ҳоказо) амалга оширилган ишлар бўйича харажатлар агар улар мавжуд бўлган бўлса, суғурталовчи томонидан қоплаб берилади, хатто бу чоралар натижасиз бўлган бўлса ҳам.

Бундай харажатлар суғурта пулинни суғурта нархига бўлган нисбат билан қопланади ва хатто заарларни камайтиришга қаратилган харажатлар Суғурта пулидан ошиб кетган ҳолда ҳам.

Суғурта бадаллари ставкалари суғурта пулига нисбатан қўйдагича ўрнатилган:

иморат ва иншоотларни суғурталаш бўйича – 1 %;
транспорт воситаларини суғурталаш бўйича – 3 %.

Суғурта бадаллари тўлаш:

шартнома тузилган кундан бошлаб беш банк куни мобайнида суғурталовчининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан;

ўзурта шартномаси тузилган куни суғурталовчининг ҳисоб рақамига нақд пул тўлаш йўли билан амалга оширилади.

Суғурта шартномаси суғурталанувчининг суғуртага олинаётган мулкининг рўйхати тўлиқ акс эттирилган аризаси асосида тузилади.

Суғурта шартномаси тузилганидан сўнг ушбу ариза шартноманинг ажралмас қисми бўлиб қолади.

Суғурта шартномаси бир йил муддатга тузилади.

Суғурта шартномаси суғурта бадали суғурталовчининг ҳисоб рақамига келиб тушган кундан кучга киради. Агар шартномада белгиланган кунгача суғурта бадали тўланмаса шартнома тузилмаган деб ҳисобланади. Суғурта шартномасини амал қилиш муддати тугаши шартномада кўрсатилган куннинг бир кун олдинги кунини тугаши билан якунланади.

Суғурта шартномаси ёзма равишда тузилади ва ёзма равишда тузилмаган шартнома ҳаққоний эмас деб ҳисобланади. Суғурта тўловлари тушганидан сўнг суғурталанувчига суғурта полиси ёзиб берилади.

Суғурта шартномасининг амал қилиш даврида суғурта полиси йўқотиб қўйиш ҳоллари бўлса, суғурталанувчига унинг ёзма аризаси асосида полиснинг нусхаси ёзиб берилади ва йўқолган полис бекор қилинади.

Суғурта шартномасининг амал қилишдан тўхташи:

суғурта шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда;

суғурталовчининг шартномадаги ўз мажбуриятларини тўлиқ ижро этгани (суғурта қопламасини суғурта пули миқдорида тўлиқ тўлаб берилгани);

Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи тартибда суғурталовчининг тугатилиши;

ўзурта қарорига биноан суғурта шартномасини ёзма ҳаққоний эмас деб топилиши.

Суғурталанувчининг ҳукуқлари:

суғурта қоидаси билан тўлиқ танишиб чиқиш ва ўзининг хоҳиши бўйича исталган суғурта таваккалчилигини танлаш, суғурталовчи томонидан мулкни баҳолангандарни билан рози бўлмаслик ва суғурталанувчи ўзи баҳолаган мулкни нархини ҳимоялаб исботлаб бериш;

амалдаги қонунчилик асосида суғурталовчи тўғрисида маълумот олиш;

суғурта ҳодисаси рўй берганидан сўнг мулкни қолган қисмидан, мулкни тиклашни имконияти бўлмаса ёки мулкни тиклаш харажатлари мулкнинг шартнома тузиш давридаги нархидан ошиб кетса, суғурталовчининг фойдасига воз кечиши.

Суғурталанувчи суғурталовчига ёзма равишда ариза билан суғурта ҳодисаси рўй бергани тўғрисида, барча зарурий ҳужжатларни илова қилган ҳолда (ёнғиндан ҳимоя қилиш бўлименинг, ички ишлар бўлименинг, гидрометерология бошқармасининг ва ҳоказоларнинг маълумотномаси) мурожаат қилиши шарт.

Шундан кейин суғурталовчи ўн кун ичида суғурта далолатномасини тузиши шарт. Суғурта қопламаси барча керакли ҳужжатлар расмийлаштирилаб бўлинганидан сўнг беш банк куни ичида тўлаб берилиши шарт.

Агарда суғурта қопламаси белгилангандар муддатларда тўлаб берилмаган бўлса, суғурталанувчига суғурта шартномасида ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгилангандар тартибда суғурталовчи томонидан жарима тўланади.

Зарар миқдори ва суғурта ҳодисаси сабаблари суғурталовчи томонидан жойида кўриб чиқилиб, экспертиза ва ҳужжатлар асосида аниқланади. Бу эса ўз навбатида бўлиб ўтган ҳодиса тавсифини тўлиқ аниқлаш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг талабларига асосан бажарилади.

Томонларда суғурта ҳодисаси ва қопламалар миқдори бўйича ўзаро келишмовчиликлар вужудга келган тақдирда ҳар иккала томон ҳам экспертиза ўтказилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Экспертиза талабгор томон ҳисобидан амалга оширилади.

Суғурта қопламаси тўланиши:

мулкнинг тўлиқ нобуд бўлиши – мулкнинг шартнома тузилган кундаги ҳақиқий нархи даражасида, лекин суғурта пулидан ошиб кетмаган ҳолда;

мулкнинг қисман шикастланишида – тиклаш харажатлари доирасида, лекин суғурта пулидан ошмаган ҳолда.

Агарда суғурталанувчи учинчи шахслардан заар қопламаси олган бўлса, у ҳолда суғурталовчи суғурталанувчига аниқланган суғурта қопламаси билан учинчи шахслардан олган заар қопламаси орасидаги фарқни тўлаб беради.

Суғурталанувчи бундай холларда суғурталовчига ушбу суммалар тўғрисида дарҳол хабар бериши шарт.

5§. Кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорларни баҳтсиз ҳодисалардан суғурталаш

«Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланган 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган ёичик ва

ўрта бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлар билан баҳтсиз ҳодисалардан сұғурта шартномалари тузади.

Сұғурта шартномаси бир йилга тузилади.

Сұғурта пули 200 минг сүмдан кам бўлмаган миқдорда белгиланади, сұғурта бадали эса сұғурта пулидан 0,2 фоизни ташкил қиласади.

Агарда бир вактни ўзида мулк сұғурта туридан шартнома тузса у ҳолда ҳаёт сұғурта шартномаси бўйича 25 фоиз миқдорида имтиёз берилади.

Сұғурта бадалини нақд билан, нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан, халқ банкидаги оманати ҳисобидан ва алоқа орқали тўлаши мумкин.

Сұгурталовчини ҳисоб рақамига бадал келиб тушгандан сўнг 5 кун ичida сұғурта полиси ёзиб берилади.

Сұгурталовчи қўйидаги холларда жавобгарлик олиб боради:

- баҳтсиз ҳодиса натижасида жароҳат олиш ;
- озиқ-овқат токсикоинфекцияси (салмонеллез, иҷбуруғ ва ҳоказо) дан ташқари заҳарли ўсимликлар, кимёвий моддалар (саноат ёки маший), сифатсиз озиқ-овқатлар маҳсулотлари, дорилар билан тасодифдан кучли заҳарланиш;
- тасодифан суюк синиши, чиқиши, тиш синиши, куйиш, аъзоларнинг узилиши (жароҳатланиши);
- ўлим.

Қўйидагилар сұғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

- касаллик ёки шу орқали вафот этиш;
- сұгурталанувчи қасдан, била туриб жиноий ҳатти-ҳаракатларини содир этганлиги аниқланса;

- сұгурталанган спиртли ичимлик, наркотик ёки заҳарловчи модда-лар таъсирида маст ўолатда ички ёнув двигатели ёки электр двигателли барча ўзи юрар воситани бошқариш ҳамда спиртли ичимлик, наркотик ёхуд заҳарловчи моддалар таъсирида маст ҳолатда бўлган шахсга бошқаришни бериши натижасида;

- сұғурта шартномаси амал қилаётган даврда юз берган сұғурта ҳодисаси туфайли даволаш билан боғлиқ бўлмаган ташхис қўйиш, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлариниā (шу жумладан, тери остига, мушакларга ёки томирга дори юборишниā) салбий оқибатлари сұғурта ҳодисаси ҳисобланмайди.

Сұгурталовчи барча зарур ҳужжатларни олгандан кейин 3 кун ичida сұғурта пулини тўлайди.

Фермер хўжаликларининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулклари ихтиёрий сұгуртаси.

Фермер хўжаликларининг бино ва иншоотлари, юқ ташиш воситалари, узатиш тузилмалари, иш ва бошқа ускуналари, овлаш, юқ ташиш кемалари, ов анжомлари, асбоб ускуналар, тайёр маҳсулот, хом ашёлари ихтиёрий сұғурта қилинади ва қўйидаги сұғурта ҳодисалар натижасида зарарланиш ёки нобуд бўлиш ҳолатлари бўйича жавобгарлик олиб борилади:

-сув тошқини, бўрон, жала ва дўл ёғиши, одатдан кўра кўп қор ёғиши, қор кўчиши, ер ости сувлари таъсири, сел келиши, яшин уриши, ер қимирлаши, ер ўприлиши, ёнгин;

-мол-мулкни ўғирлаш;

-улов воситаларини олиб қочиш;

-йўл транспорт ҳодисалари натижасида улов воситаларининг шикастланиши.

Овга чиқсан ов, юк ташиш ва бошқа кемалар ҳамда ов қуроллари ва ускуналари юқорида қайд қилинган ҳодисалардан ташқари сув тўфони, саёз жойларда қумга тиқилиб қолиши ҳолатлари бўйича жавобгарлик олиб борилади.

Суғурта шартномаси 3 ойдан 1 йил муддатга суғурталанувчининг ихтиёрига кўра бир нечта ёки алоҳида бирон бир асосий воситага тузилиши мумкин. Суғурта қиймати асосий воситалар баланс қийматининг тўлиқ ёки 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорида, хўжаликда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ишлаб чиқарилган ёки сотиб олинган моддий товар бойликлар таннарх миқдоридан белгиланади.

Суғурта тўловларини ҳисоблашда тариф миқдорлари Республика ҳудудида 0.5 фоиздан 3 фоизгача миқдорида белгиланган.

Суғурталнувчи суғурта ҳодисаси тўғрисида ҳодиса юз берган кундан бошлаб 3 кун ичida суғурта бўлимига ёзма равишда хабарнома бергандан сўнг суғурталнувчи мутахассислар иштирокида мол-мулк бутунлай ишдан чиқсанлиги ёки шикастланганлигини жойларда кўриб, натижаси тўғрисида далолатнома тузилади ва суғурта қопламаси тўлаш учун барча ҳужжатлар жамлангандан кейин суғурта қопламаси тўлаб берилади.

Экинлар ҳосили ихтиёрий суғуртаси.

Кишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили суғуртаси, ихтиёрий суғуртасининг асосий турларидан бири ҳисобланади.

Суғурта обьекти қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили ҳисобланади. Кишлоқ хўжалик экинларининг ҳосили суғуртаси уларнинг музлаш, дўл, жала, сел, гармсел, шамол тезлигининг ошиши, сугориш манбаларидаги сувсизлик ёки камсувлик сабабли, сув босиш, зилзила натижасида ер ўприлиши, ер ости сувларини кўтарилиши, зааркунандалар, биологик касалликлар, ёнгин, узоқ давом этган ёғингарчилик натижасида ётиб қолиш каби ҳодисалар юзасидан ўтказилади.

Суғурта шартномаси фермер хўжаликларининг ёзма аризасига асосан, экинлар униб чиқсанган, экинлар ҳолати ўрганиб чиқилгандан сўнг тузилади.

Суғурта бадалларини ҳисоблаш учун қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилининг қиймати фермер хўжалигининг ҳисоб-китоби ва бошланғич ҳисбот ҳужжатлари бўйича мазкур йилда режалаштирилган 1 га экин майдонидан олинадиган ҳосилдорлик (охирги уч йил ичida олинган ҳақиқий ҳосилдорликдан юқори эмас) маҳсулотни сотиш нархи ва экин майдонига

асосан ҳисобланади. Экинлар ҳосили қийматининг 50 фоизи сұғуртага қабул қилинади.

Агар мазкур йилда режалаштирилган ҳосилдорлик охирги уч йилда ҳақиқий ўртача ҳосилдорликдан ортиқ бўлса, сұғурта тўловлари ўртача уч йиллик ҳосилдорлик бўйича ҳисобланади.

Сұғурта бадаллари ҳисоблаш учун компания томонидан, қишлоқ хўжалиги регионал жойлашувига ва экинлар турига қараб тариф ставкалари ишлаб чиқилган бўлиб, 2-10 фоизгacha белгиланган.

Ҳисобланган сұғурта тўловлари сұғурта бўлими ҳисобига келиб тушгач, сұғурталанувчига сұғурта полиси ёзиб берилади. Сұғурта полиси, сұғурта ҳодисаси юз берганда, сұғурта қопламаси тўлаш учун асосий ҳужжат ҳисобланади.

Юқорида қайд қилинган ҳодисалар натижасида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини заарланиши ёки нобуд бўлиши сұғурта ҳодисаси ҳисобланади.

Сұғурта шартномаси бўйича сұғурталанган бир гектар ҳосил қиймати билан ҳисобот йилида бир гектардан олинган кам ҳосил қиймати орасидаги фарқ сұғурталанувчининг экинлар ҳосилидан кўрган зарари ҳисобланади.

Сұғурта қопламаси фермер хўжалигининг 29-шаклдаги қишлоқ хўжалиги ҳисоботи тасдиқлангач 70%, қолган қисми хўжаликнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлангач тўлаб берилади.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини ихтиёрий сұғурталаш

Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик ҳайвонлари 1 йил муддатга юқумли касалликлардан, табиий оғатлар (зилзила, сел, чақмоқ натижасида ёнғин чиқиши, ток уриши) натижасида нобуд бўлиши ёки мажбурий сўйилиши ҳодисаларидан ихтиёрий сұғурталанади.

Сұғурта обьектлари қорамол, қўй-эчкилар, уй паррандалари 6 ойликдан, отлар, туялар, эшаклар ва хачирлар 1 ёшдан, чўчқалар, қуёнлар ва мўйнали ҳайвонлар 4 ойликдан сұғуртага қабул қилинади.

Сұғурта шартномаси фермер хўжалигининг ариза берган кунда мавжуд бўлган ҳайвонлар сонидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланади.

Сұғурта пули миқдори фермер хўжалигининг тақдим этилган қиймати бўйича белгиланади, лекин у давлат харид нархларининг 80 фоизидан юқори бўлмаслиги керак.

Сұғурта қилинган ҳайвонларнинг тўлов ставкалари белгиланган ставкалар асосида олиб борилади:

ёирик шохли қаромоллар - 4 фоиз;

³ўй ва эчкилар - 6 фоиз;

÷ўчқалар - 10 фоиз;

ітлар, туялар, эшаклар, хачирлар - 4 фоиз;

оў паррандалари - 6 фоиз;

³уёнлар ва мўйнали ҳайвонлар - 10 фоиз;

àсалари уёёдё - 8 фоиз.

Суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталанувчи томонидан 16 иш соати давомида суғурталâчига хабарнома берилиши шарт. Суғурталовчи хабарномани олгандан сўнг 8 иш соати давомида суғурта ҳодисаси рўй берган суғурта объектини ўрганиб, суғурта ҳодисаси туғрисида далолатнома тузади.

Хабарномада баён қилинган суғурта ҳодисасини тасдиқлаш учун мутасадди ташкилотлардан тасдиқловчи ҳужжат талаб қилиниши шарт.

Суғурта далолатномаси ҳайвонлар халок бўлган ёки мажбурий сўйилган жойда тузилади.

Суғурта қилинган ҳайвонлар нобуд бўлганда суғурта қопламаси шартномада белгиланган суғурта пулидан ошмаган миқдорида тўланади.

Агар мажбуран сўйилган ҳайвоннинг гўшти одамлар истеъмоли учун тўла яроқсиз бўлса, суғурта қопламаси тўлиқ тўланади.

Кўйидаги ҳолларда суғурталовчи суғурта қопламасини тўлашни рад этиши мумкин:

ҳайвонлар хўжалик мақсадлари учун сўйилган бўлса;

суғурталанувчи имконияти бўлган ҳолда, суғурта ҳодисаси бўлганлиги тўғрисида хабар қилмаса;

ҳисобланган суғурта бадали табиий офат бўлиб ўтгандан кейин ёки юқумли касалликлар тарқагандан кейин келибтушган бўлса;

суғурта ҳодисаси бўлиб ўтгандан кейин, қолган қишлоқ хўжалик ҳайвонларини сақлаб қолиш учун суғурталанувчи ўз вақтида керакли чора тадбирларни қўрмаса қўшимча заарланган мол-мулклар учун суғурта қопламаси тўланмайди.

Боғ ва узумзорлар ҳосилини ихтиёрий суғурта қилиш.

Фермер хўжаликлари ҳосилга кирган уруғли, данакли боғ, ҳосилга кирган узумзорлар ҳосилини музлаш, дўл, гармсел, жала, сел натижасида заарланиши ёки нобуд бўлишидан ихтиёрий суғурта қилиши мумкин.

Уруғли, данакли мева берувчи ёшдаги боғ ва узумзорлар кейинги уч йил давомида ҳосил бермаган бўлса, 50 ва ундан ортиқ фоизда эскириш вужудга келган боғлар ва узумзорлар, қишида кўмилмай қолган узумзорлар суғуртага қабул қилинмайди.

Боғ ва узумзорлар ҳосилини тўлиқ қийматининг муайян ҳиссасида, аммо 70 фоиздан ошмаган миқдорда суғурта қилинади.

Суғурта тўловларини ҳисоблаш учун боғ ва узумзорлар ҳосилининг қиймати хўжаликнинг ҳисоб-китоб ва бошланғич ҳисобот ҳужжатлари бўйича мазкур йилда режалаштирилган 1 гектар майдондан олинадиган ҳосилдорлик (охирги уч йил ичида олинган ҳақиқий ҳосилдорлиқдан юқори эмас), келишилган нархлардан келиб чиқсан ҳолда ва ҳосил олишга режалаштирилган майдонига асосан ҳисобланади. Суғурта шартномаси тузишда уруғли меваларнинг даврий ҳосил бериши албатта назарда тутилиши шарт.

Агар мазкур йилда режалаштирилган ҳосилдорлик охирги уч йилдаги ҳақиқий ўртacha ҳосилдорлиқдан ортиқ бўлса, суғурта тўловлари ўртacha уч йиллик ҳосилдорлик бўйича ҳисобланади.

Республика худудида сұғурта ставка миқдори 2030 фоиз қилиб белгиланған. Сұғурта шартномаси тузилғандан кейин, ўн банк куни муддатида ҳисобланған сұғурта тұловлари сұғурталанувчи томонидан сұғурталовчи ҳисоб рақамиға пул үтказиш йўли билан амалга оширилади.

Сұғурта ҳодисалари юз берганда сұғурталанувчи томонидан 24 соат давомида сұғурта ташкилотига хабарнома берилиши шарт.

Сұғурталовчи хабарномани олғандан сўнг, 24 иш соати давомида сұғурта обьектини ўрганиб ва сұғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузиши шарт.

Сұғурта шартномаси бўйича сұғурталанған бир гектар ҳосил қиймати билан ҳисобот йилида бир гектардан олинган кам ҳосил қиймати орасидаги фарқ сұғурталанувчининг боғ ва узумзорлар ҳосилидан кўрган зарари ҳисобланади.

Сұғурта қопламаси, боғ ва узумзорлардан ҳосил тўлиқ йифишириб олингандан сўнг, фермер хўжалиги томонидан тақдим қилинган дастлабки ҳужжатлар бўйича аниқланиб, хўжаликнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлангач тўлаб берилади.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик соҳасида сұғуртанинг ҳуқуқий қоидаларига риоя қилиниши таъминланиши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишининг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

6§. Тадбиркорлик субъектлари иштироқидаги сұғурта билан боғлиқ низоларниң хўжалик судларида ҳал қилиниши

Тадбиркорлик субъектларини иштироқидаги хўжалик судларида ҳал қилинадиган туркum низоларнинг муайян қисми сұғурта билан бевосита бо²ли³дир. Бундай низолар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уни ҳал қилиш бевосита ҳуқуқ нормасини таобиқ этишни талаб этади.

Сұғурта – бу баҳтсиз ҳодисалар, табиий оғатлар ва қонунда кўрсатилған бошқа холатлар натижасида етказилған зарарни қоплаш, сұғурта жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш вақтида келиб чиқадиган ташкилий, мулкий ва шахсий номулкий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар тизимидан иборат бўлган фуқаролик-ҳуқуқий институтидир.

Умумий қоидага кўра, сұғурта ҳуқуқий муносабати фуқаролик-ҳуқуқий муносабатининг алоҳида турларидан бири бўлиб, яъни сұғурта қилдирувчи белгиланған сұғурта бадалларини тўлаб бориш мажбуриятини олса, иккинчи томон, яъни сұғурталовчи юқорида тилга олинган ҳодисалар содир бўлган тақдирда сұғурта қилдирувчига (ёки шу ҳуқуқ берилған бошқа шахсга) сұғурта ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Сұғурта – шахслар (субъектлар)нинг сұғурта ҳодисаси келиб чиқиши натижасида ишлаб чиқариш кучлари ва воситаларини, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлигини сұғурта қилдирувчининг кўрган мулкий зарарини қоплаш орқали унинг ҳуқуқ манфаатлари ҳимоя қилинади. Сұғурта ташкилоти (сұғурталовчи) ва сұғурта қилдирувчи ўртасидаги муносабат Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Сұғурта

тўғрисида»ги Қонуни ҳамда бошқа норматив меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Суғурта шартномасини тузиш, ижро этиш ва бошқа суғурта ҳодисалари юзасидан келиб чиқадиган низоларда республикамиздаги фаолият қўрсаётган турли мулкий шаклдаги суғурта ташкилотлари, хусусан «Мадад» суғурта агентлиги, «Агросуғурта» ва «Кафолат» давлат акциядорлик суғурта компаниялари, «Ўзбекинвест» Экспорт-импорт миллий суғурта компанияси, «Бизнес-Фонд» акциядорлик жамияти ва бошқалар тараф сифатида иштирок этмоқда.

Суд амалиётининг кўрсатишича, суғурта муносабатларидан келиб чиқадиган низолар аксарият суғурталовчилар томонидан суғурта бадалини тўлашдан бош тортганликлари туфайли келиб чиқадиган низолардан иборатdir.

Хусусан, «Ўзагросуғурта» ДАСК туман бўлими хўжалик судига мурожаат қилиб, тумандаги «Агромашсервис» ҳиссадорлик жамиятининг банкдан олган кредитини қайтаришини суғурталаганлигини, аммо ҳиссадорлик жамияти суғурта бадалини тўламаганлигини таъкидлаб, тўланиши лозим бўлган суғурта бадали 800,0 минг сўмни ва ушбу суммани ва³тида ўткацмаганлиги учун 235200 сўм пеняни ҳиссадорлик жамияти ҳисоб ракамида пул маблағи йўқлиги сабабли унинг мол-мулки ҳисобидан ундириб беришни сўраган.

Ишдаги ҳолатларга кўра, жавобгар Дўстлик тумани «Агромашсервис» корхонаси тумандаги ИАТ «Пахтабанк»дан техника эҳтиёт қисмлари сотиб олиш учун 40,0 млн. сўм кредит олиш учун 1997 йил 19 ноябрда кредит шартномаси тузган. Жавобгар кредит олиш учун ўзининг 49,5 млн. сўмлик мулкини гаровга қўйиб, ушбу мулкини суғурта қилдириш учун суғурта идорасига мурожаат этган ва туман «Агросуғурта» идораси вилоят «Агромашсервис» бирлашмаси томонидан берилган 1998 йил 7 январдаги 426-р сонли кафолат хатига асосан 1998 йил 26 январдаги бир йиллик муддат суғурта гувоҳномаси берган, лекин жавобгар суғурта гувоҳномаси олиш учун олдиндан 800,0 минг сўм суғурта бадали тўлаш лозим бўлса-да, аммо имкони йўқлиги сабабли тўламаган, унинг юқори турувчи корхонаси - Жиззах вилояти «Агромашсервис» бирлашмаси, вилоят «Пахтабанк»и томонидан тасдиқланган 1998 йил 7 январдаги 426-р-сонли кафолат хатини берган.

Жавобгарнинг йуғурта бадалидан бўлган қарзи томонлар ўртасида 1998 йил 26 январдаги ва 1998 йил 1 августдаги тузилган таққослаш далолатномалари билан тўлиқ исботини топганлиги сабабли даъвогарнинг даъвоси қисман қаноатлантирилиб, жавобгарнинг мол-мулки ҳисобидан даъвогар фойдасига 8000 минг сўм асосий қарзи ва 24550 сўм давлат божи баражатлари ундирилган.

Бундан ташқари, даъвогор «Кафолат» давлат акциядорлик суғурта компанияси Жиззах вилояти филиалининг жавобгар Жиззах шаҳридаги «Ўқтамжон» хусусий ишлаб чиқариш корхонасидан 78000 сўм қарзни ва 26200 сўм жаримани жами 104200 сумни ундириб бериш бўйича вилоят хўжалик судига даъво аризаси берган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, «Ўқтамжон» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси банкдан кредит олиш учун 3800000 сўмлик майший хизмат биносини гаровга қўйган. Гаровга қўйилган мол-мулк учун 78000 сўм суғурта бадалини Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Адлия Вазирлигининг 1997 йил 29 апрелдаги 335-сонли йўриқномасига асосан суғурталаниб, суғурта гувоҳномаси берилган. Жавобгар 78000 сумлик суғурта бадалини тўламаган. Суд даъвогарнинг даъво талабларини қисман қаноатлантириб, яъни 78000 сўм асосий қарзини ва 7800 сўм жаримани, жами 85800 сумни ундириш тўғрисида 2000 йил 4 февралда ҳал қилув қарори ³абул ³илган.

Ушбу ҳўжалик ишлари буйича шуни айтиш мумкинки, суғурта ташкилотлари гаровга ³'йиладиган мулкни мажбурий суғурталаш буйича суғурта бадалини олмасдан туриб, суғурта гувоҳномаларини бериб юборган ва кейинчалик суд ор³али бадал суммаларини ундириб олишган.

Суғурта идоралари суғурта шартномасида олинган мажбуриятларни суғурта ҳодисаси юзага келган ҳолда етказилган заар тасдиқланган ҳолдагина тўлаб беришлари мумкин. Етказилган заар тасдиқланмаса, бу ҳол суғурталанувчининг талаблари суд томонидан рад этилишига сабаб бўлади.

Жумладан, Самарқанд вилоят ҳўжалик судида қўз²атилган 7-250-сонли ҳўжалик иши буйича даъвогар Булунғур туман «ф'бин» жамоа ҳўжалиги жавобгар «Ўзагросуғурта» ДАСК Булунғур б'лимидан 13669000 сўм суғурта тўловини ундириб беришни сўраб, ҳўжалик судига мурожаат қилган. Суднинг 1999 йил 26 октябрдаги ҳал қилув қарорига асосан даъвогарнинг талаби рад этилган.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, томонлар ўртасида кишлок ҳўжалиги экинлари ҳосилини суғурталаш бўйича 4-сонли суғурта шартномаси тузилган бўлиб, унга асосан ҳўжаликнинг жами 3927 гектар ғалла майдонидан олинадиган ғалланинг нарди 1300 сўмдан хисоблаиёб, жами ҳосилнинг қиймати 25575,5 минг сўм миқдорида суғурталанганд. Суғурта тўлови 1531530 сўм ми³дорида т'ланган. Даъвогар даъво аризасида 1999 йил 23-24 апрелда бўлиб 'тган сову³ ва ё³³ан ³ор натижасида экин майдонларидан 2107,5 гектар майдон зарар к'рганлиги тўғрисида тегишли тарзда расмийлаштирилган маълумотномани, Булун²ур туман ва Самар³анд вилоят ҳокимлигининг табиий оғат туфайли етказилган зарарни тасди³ловчи қарорини судга та³дим этиб, ҳўжаликда 2107,5 га ²алла майдонидан умуман ҳосил олинмаганлигини таъкидлаб, шартномада к'зда тутилган т'ланиши лозим б'лган 1054 тонна ҳосилнинг 'ртача баҳоси 13699000 сўм ми³доридаги зарарни ундириб беришни с'раган.

Ёишло³ ҳўжалик экинлари ҳосилини суғурталаш б'йича тузилган шартнома «Ўзагросуғурта» ДАСК бош³аруви томонидан 1998 йил 24 ноябрда 36-ра³ам билан тасди³ланган қоидаларга асосан тузилганлиги, суғурта ³опламасининг хисоб-китоби ушбу қоидаларнинг 5-иловасида к'рсатилган жадвалига асосан амалга оширилиши лозимлиги, Булунғур туман Марказий статистика бўлими маълумотига кўра, «ф'бин» жамоа ҳўжалиги 1999 йил ғалла экинидан олинган ҳосилдор 1819,5 га майдондан 27843 центнерни ташкил этганлиги, 1 гектар ердан ўртacha 7,1 ц ҳосил олинганлиги тасдиқланганлигини

инобатга олиб, қоидаларнинг 5-иловасига кўра, суд томонидан тузилган ҳисоб-китобда хўжаликнинг зарар кўрмаганлиги аниқланган. Натижада, даъво талаблари рад этилиши билан биргаликда ишни кўриш билан боғлиқ 136990 сўм давлат божи ҳаражатлари ҳам даъвогардан ундирилган.

Суѓурта билан боғлиқ қўрилган ишларнинг кўпчилик қисми мулк суѓуртаси шартномасидан келиб чиқсан низолар бўлиб, бу низолар хўжалик судлари томонидан суѓурта муносабатларини тартибга соладиган нормалар ва меъёрий ҳужжатлар тўғри қўлланилаётганлигидан далолат беради.

Аммо, суѓурта муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни судда кўриш ва суѓурта товонини ундириш жараёнида судлар томонидан суѓурта шартномаси шартлари ва суѓурта ҳодисаси келиб чиқиш сабаби ҳар томонлама таҳлил этилөө ёйсөи. Даъвони қаноатлантиришда фақат суѓурта полиси мавжудлиги асос бўлиб ҳисобланмаслиги ёддада. Бинобарий, «Суѓурта ोзбекистон»нинг 13-моддаси З-бандига мувофиқ суѓурта полиси фақат тарафлар ўртасида суѓурта шартномаси тузилганлик фактинигина тасдиқлайди, холос. Шу муносабат билан суѓурта полиси шартноманинг ўрнини эгаллай олмайди, ишни ҳал қилишда унга жавобгарликни белгиловчи асос сифатида қарамаслик лозим.

Суѓурта идораларидан суѓурта эвазини ундиришда уни (кредитни) тўлаб бермаслик сабабларини, ҳолатларини аниқлагандан сўнггина бу ҳақда суд қарор чиқариши лозим, яъни суѓурта тўловини тўлаб бермаслик ҳолатлари шартномада қўрсатилган ҳолатларга мослиги текширилиб, тўғри аниқланиши талаб этилади.

Суѓурта ташкилотлари иштирокидаги ишлар кўпинча кредит ва 3арз муносабатларидан келиб чиқувчи низолар туркумiga киритилиб, аксарият ҳолларда суѓурта идоралари қўшимча жавобгар сифатида иштирок этганлар.

Кредит суммаларини ётказишини кафолатлаш учун тузилган суѓурта шартномаларига мувофиқ 3арз олувчининг кредитни ўз вақтида ётказмаганлиги учун суѓурта агентлиги кредит берувчи (фойда олувчи) олдида қарзнинг тўла ёки қисман ётказишини кафолатини олади. Бунда кредит ётказиши мақсад бўйича фойдаланилгани асос бўлади.

Низони ҳал қилишда ётказирилмаган кредит суммаси унинг тайинланиш мақсади бўйича шартнома шартларига амал қилиб, бизнес режа бўйича фойдаланилган тақдирдагина суѓурта ташкилотидан ундирилиб берилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 943-моддаси талабидан келиб чиқиб, суѓурта шартномасида суѓурта предмети (нарсаси) сифатида белгиланадиган ҳодиса воқеа эҳтимол тутиладиган ва тасодифлик белгиларига эга бўлиши лозим. Бинобарин, қарздорнинг кредит суммасини ётказириш мажбуриятининг бажарилмаслиги фақат тасодиф бўлганда, яъни қарздорнинг эркига боғлиқ бўлмаганда, суѓурта ҳодисаси содир бўлган деб баҳоланиши, суѓурталанувчининг эркидан ташқари содир бўлган холат деб баҳоланиши ёддада.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, низони кўриб, ҳал қилишда олинган кредитнинг тайинланишига кўра, яъни мақсадга мувофиқ

фойдаланилмаётганлиги ҳолатларини ҳисобга олиш лозим. Жумладан, шартномаларнинг мавжудлиги, кредит суммаларини бизнес режада кўрсатилган мақсадларга ўтказиш бўйича тўлов талабномаларининг мавжудлиги судлар томонидан кредит мақсадга мувофиқ ишлатилган деб хуросага келиш учун асос бўлиб ҳисобланмайди.

Пулнинг бизнес-режа асосида ўтказиб берилиши ҳали унинг тайинланишга қараб фойдаланилганлигини билдирилмасдан, балки режани амалга ошириш учун сарфланган ҳам бўлишини тақозо қиласди. Қарз олувчиларни ёа ҳаракатларига тўғри ҳуқуқий баҳо бериш ҳаі іоҳеи аҳаиёддаб ўйа. Улар олинган маблагни ёа айланиши натижасида ҳакиқатда олинган даромадлар ёки кредитга сотиб олинган мулк (жихоз, хом ашё, қорамол ва бошқа)лар ёа ўз хоҳишига қараб фойдаланадилар ва ҳар қандай ҳолда ҳам суғурта тўлови амалга оширилөө муносабате билан олдиндан суғурта ҳодисасининг келиб чиқишига имкон яратилади.

Суғурта шартномасининг муҳим жиҳатларидан яна бири суғурта ҳодисасининг келиб чиқиш пайти ҳисобланади. Амалдаги қонунчилик ва шартнома шартига мувофиқ суғурта ҳодисаси бўлиб, жумладан, кредитни ёа қайтарилишини кафолатловчи суғурта шартномасига кўра суғурталанувчининг кредитордан олган кредит қарзини унинг муддати келган пайтда қайтармаслиги ҳисобланади. Ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 26 июндаги 292-сонли қарорига қилинган 4-илова (Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини суғурта қилиш тартиби)нинг 6-бандида ҳам мустаҳкамланган. Олинган кредитни тўла қайтариш муддати суғурта Ҷавф-хатарини аниқлашда муҳим ҳолат ва шарт ҳисобланади, чунки молиялаштирилаётган лойиҳанинг амалга оширилиши сарф қилинган баражатларнинг тўла қопланиш вақти билан белгиланади. Айнан мана шу эришиладиган натижани мақсад қилиб, кредитнинг тўлик қайтарилиш пайти, яъни кредит шартномасининг амалда бўлиш муддати тугаган вақтда суғурта ҳодисаси юзага келиши назарда тутилиши керак.

Шу билан бирга айрим ҳолларда фойда олувчининг кредитни қайтариш муддати келмасдан аввал уни ёа қайтарилишини талаб қилиш ҳоллари учрайди. Башарти, қарз олувчи томонидан шартнома шартларини жиддий бузилганида ёки бошқа ҳолатларда фойда олувчида шартномани муддатидан аввал бекор қилиб, кредитни қайтариб олиш ҳуқуқи вужудга келади. Бунга мисол қилиб, «Муқимий» фермер хўжалиги (Тошкент вилояти хўжалик суди, 692-сонли иш, 20.09.1999 й.), «Бибигул» хусусий фирмалари (Тошкент шаҳар хўжалик суди, 858/00-у-сонли иш, 05.04.2000 й.) иштирокида кўрилган хўжалик ишларини кўрсатиш мумкин. Чунки, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 385-моддасига мувофиқ шартноманинг муддатидан аввал бекор қилинишида айборд томон у туфайли етказилган зарарни қоплаши зарур. Конунда бундай талабнинг белгиланиши кўп ҳолларда кредитни олган шахслар давлат мулкини талонтарож қилмасликлари учун муҳим ҳуқуқий восита бўлиб ҳисобланади.

Кредит олган корхонани ёа кредитни қайтариш муддати келмасдан аввал суд томонидан «банкрот» деб эълон қилиниши суғурта ҳодисаси бўлса-да,

сұғурта ташкилотлари кредитни қайтарилмаганлиги учун жавобгар бўлиб ҳисобланади.

Сұғурталанган кредитни қайтармаслик туфайли келиб чиқсан низоларни кўриб ҳал қилишда судлар сұғурта ҳодисаси келиб чиқиши билан сұғурта қилдирувчи томонидан сұғурта ташкилотига бу ҳақда ўз вақтида ёзма ариза билан мурожаат қилинганини аниқлаши, сұғурта ҳодисасининг келиб чиқиши сабаби ва оқибатини тасдиқловчи хужжатлар тақдим қилиниши ҳамда етказилган зарап ҳажмини белгилаш (аниқлаш) учун зарур бўлган хужжатларни талаб қилиб олишлари лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 26 июндаги қарорига қилинган 4-иловаіёйа 6-бандиҳа юйдө³ ҳамда сұғурта шартномасига асосан сұғурта ҳодисаси келиб чиқсан тақдирда «Мадад» сұғурта агентлиги «Бизнес-Фонд» тақдимномасига кўра сұғурта ҳолати бошлангани ҳақида далолатнома тузади ва муддатда тегишли суммани тўлов топширифи орқали «Бизнес-Фонд»га ўтказади. Фақат мазкур хужжатлар мавжуд бўлгандагина сұғурта ташкилоти сұғурта қопламасини тўлаш ёки тўлашни рад қилиш ҳақида қарор чиқаради.

Судларнинг ишларни кўришида низони судгача ҳал қилиш тартиби белгиланган бўлиб, бу тартиб кўп ҳолларда фойда олувчи ва сұғурталанувчи томонидан бузилади. Мазкур талабнинг бажарилмаслиги, яъни сұғурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисидаги хабарнија сұғурталовчига етказилмаслиги сұғурта тўловчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 951-моддасига кўра, сұғурта товонини тўлашни рад этишга асос бўлиши мумкин. Хўжалик процессуал кодекси 88-моддасининг 5-бандига мувофиқ даъвогар томонидан бу тартибга риоя қилинмаган бўлса, судлар бундай даъволарни кўрмасдан қолдиришга ҳақлидир.

Сұғурталанувчи ёки фойда олувчилар кўп ҳолларда хўжалик судларига кредит шартномаси муддати ўтиб кетгандан кейин (айрим ҳолларда 1,5 йил) уни сұғурта ташкилотидан ундириб беришни сўраб мурожаат қиласидар.

Сұғурта бадалларини тўламаслик сұғурта шартномаси амал қилинишининг тўхтатилишига, сұғурта ҳолати юзага келганда эса сұғурта товонини амалга оширишнија рад этилишига асос бўлади.

Бинбарин, Бахмал тумани «ўайрат» фермер хўжалиги Жиззах вилоят хўжалик судига мурожаат қилиб, Бахмал туман «Агросуғурта» бўлимидан сұғурта қилинган мол-мулкнинг ён²ин натижасида ёниб кетганлиги туфайли етказилган мулкий зарапни ундириб беришни сўраган.

Вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси тўлиқ қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогарга 1116000 сўм келтирилган зарап, давлат божи ва суд баражатлари ундирилган.

Бахмал тумани «Агросуғурта» бўлимининг ҳал қилув қарори устидан келтирилган шикояти айнишар апелляция судлов ҳайъатининг 1999 йил 16 майдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвоси рад этилган.

«ўайрат» фермер хўжалиги вилоят хўжалик судининг қароридан норози бўлиб Олий хўжалик судига келтирилган кассация шикоятида даъво аризаси

суд томонидан асосиз важлар билан рад этилганлиги учун суд қарорини бекор килиб, 1999 йил 10 майдаги ҳал қилув қарорини кучида қолдиришни сўраган.

Иш ҳужжатлариға қараганда, «ўайрат» фермер хўжалиги вилоят «Бизнес-Фонд» бошқармасидан имтиёзли кредит олиш мақсадида ўзига тегишли молхонани Бахмал туман Кадастр бўлимида 1755874 сўмга нарблаб, туман «Агросуғурта» бўлимида суғурталаб, 2-сонли суғурта гувоҳномасини олган. Шу гувоҳнома асосида фермер хўжалигига бошқарма томонидан 1000000 сўм кредит берилган. Аммо, 1999 йил 3 марта 4 марта ўтар кечаси молхонада ён²ин чиқиб, унга 1116000 сўм зарап етказилганлигини билдириб, уни Бахмал туман «Агросуғурта» бўлимидан ундиришни сўраган.

Ишни кассация судлов ҳайъатида кўриш жараёнида аниқланишича, ҳақиқатдан ҳам Бахмал тумани «Агросуғурта» бўлими томонидан «ўайрат» фермер хўжалигига 1998 йил 27 марта 2-сонли суғурта гувоҳномаси берилган. Лекин, фермер хўжалиги суғурта бадалларини тўламаган.

Ушбу суғурта шартномасига асосан 1755874 сўмлик мол-мулк суғурталанганд. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ёдексининг 927-моддасига кўра, суғурта шартномаси битта ҳужжатни тузиш ёки суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига унинг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан суғурталовчи имзолаган, суғурта шартномасининг шартларини ўз ичига олган суғурта полиси (шаҳодатномаси, сертификати, квитанцияси)ни топшириш йўли билан тузиши мумкинлиги ифода этилган. Тарафлар суғурта шартномаси шартларини суғурта гувоҳномасида белгилаб, ушбу суғурталанганд мол-мулк учун «ўайрат» фермер хўжалиги 10 кун мобайнида 35117 сўм 48 тийин суғурта бадали тўлаши лозим бўлган. Аммо ушбу хўжалик томонидан суғурта бадали тўланмаган. Фуқаролик ёдексининг 947-моддасига кўра, суғурта шартномаси, агар унда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта мукофоти ёки биринчи бадал тўланган пайтда киради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Суғурта тўғрисида»ги Конунёнинг 14-моддасига асосан суғурталанувчининг мажбуриятларидан бири бўлиб, суғурта тўловларининг белгиланганд тартибда тўлаб бориёёғе ҳисобланади. Шунингдек, ушбу Конуннинг 17-моддасига биноан суғурта шартномаси суғурталанувчи суғурта бадалларини шартномада белгиланганд муддатларда тўламагандан унинг амал³илиши т’хатилиди. Суғурта шартномасининг шартларини ўз ичига олган суғурта гувоҳномасида 10 кун ичидан суғурта бадали тўланиши лозимлиги ҳақида ўзаро келишиб шартлашилган бўлса-да, «ўайрат» фермер хўжалиги томонидан бу шартномавий мажбурият бажарилмаган, яъни суғурта бадали суғурталанувчи томонидан тўланмаган.

Кассация судлов ҳайъати вилоят хўжалик суди апелляция инстанцияси томонидан моддий хуқуқ нормасига таяниб, тўғри қарор чиқарилганлиги ё эътиборга олиб, 1999 йил 10 майдаги даъво талабини рад этиш тўғрисидаги қарор қонуний ва асослантирилган тарзда чиқарилган деб топди.

Жиззах вилояти прокуратураси "«Бизнес-Фонд»" бошқармаси манфаатларини күзлаб вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, жавобгар "Оллоёр-М" хусусий фирмаси 1996 йил 9 марта тузилган 36-сонли кредит шартномасига асосан 500,0 минг сўм имтиёзли кредит олганлигини, лекин ўз вақтида қайтармаганлигини, олинган кредитнинг 425000 сўмини "Мадад" суғурта агентлиги вилоят бўлими суғурталаб, 1999 йил 9 январда 41-сонли суғурта полисе берганлиги ё дàúêèäàá, шунинг учун жавобгар "Оллоёр-М" хусусий фирмасидан 96250 сўм ³арз, 347300 сўм кредит фоизини ва 286660 сўм жарима, "Мадад" суғурта агентлиги вилоят бўлими суғурталаган 425000 сўми ундириб беришни сўраган.

Вилоят хўжалик судининг 1999 йил 13 августдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилган. Жавобгар "Оллоёр-М" хусусий фирмасидан "«Бизнес-Фонд»" бошқармаси фойдасига 75000 сўм ³арз, 347300 сўм қарз фоизи, 286660 сўм жарима, «Мадад» суғурта агентлигидан «Бизнес-Фонд» бошқармаси фойдасига эса 425000 сўм асосий қарз ундирилган.

Вилоят хўжалик суди апелляция судлов ҳайъати қарори билан «Мадад» суғурта агентлигининг 1999 йил 9 сентябрдаги 62-сонли апелляция шикояти кўриб чиқилиб, қаноатлантирилган. Вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори қисман ўзгартирилиб, давлат божи баражатлари «Бизнес-Фонд» бошқармаси зиммасига юклатилган. «Мадад» суғурта агентлиги мазкур хўжалик низоси бўйича жавобгарликдан озод қилинган. Даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилаб, 500000 сўм кредит қарзи, 347300 сўм устама фоиз, 286660 сўм жарима «Оллоёр-М» хусусий фирмаси зиммасига юклатилган.

Жиззах вилояти "«Бизнес-Фонд»" бошқармаси судлов ҳайъатининг ушбу қароридан норози бўлиб Олий хўжалик судига келтирилган кассация шикоятида Жиззах вилояти хўжалик судининг 1999 йил 14 октябрдаги қарорини бекор қилишни, 1999 йил 13 августдаги ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатларга қарганда, Жиззах вилояти "«Бизнес-Фонд»" бошқармаси бошқармаси "Оллоёр-М" хусусий фирмасига 1996 йил 9 марта № 36-сонли шартномага кўра 500 минг сўм кредитни мақсадли фойдаланиш учун 35% йиллик устама билан 3 йил муддатга берган. Кредит қайтарилишини таъминлаш мақсадида кредит олувчи "Оллоёр-М" хусусий фирмаси "Мадад" суғурта агентлиги билан 1996 йил 25 январдаги 41-сонли суғурта шартномасини тузган ва суғурта полиси олган. Хусусий фирма олган кредит қарзини мақсадли ишлатиши лозим бўлган. Аммо, 1997 йил 8 апрелдаги ўтказилган мониторинг текшируви асосида тузилган №173-сонли мониторинг далолатномасига биноан хусусий фирма кредит маблағини ё 120000 сўмини аввал олинган қарз учун тўлаганлиги аниқланиб, кредит ёлан мақсадсиз фойдаланилганли ё тасдиқланган.

Хусусий тадбиркор ва кичик бизнес лойиҳаларини кўриб чиқиш, кредитлаш мониторинги тартиб-қоидаларини ё 4.7-бандига асосан тадбиркор кредит ёлан мақсадсиз фойдаланган тақдирда "«Бизнес-Фонд»" бошқармаси кредит маблағини муддатидан олдин мажбурий қайтариш чораларини кўриши лозим. Аммо, "Оллоёр-М" хусусий фирмаси томонидан кредит ва устама

фоизларни қайтариш чоралари кўрилмаган. "Мадад" сұғурта агентлиги билан "Оллоёр-М" хусусий фирмаси ўртасида тузилган сұғурта шартномасининг 4.6.в бандига асосан, кредит маблағиäàí мақсадсиз фойдаланган тақдирда сұғурталовчи кредитни тўлаб бериш масъулиятини олмаслиги қўзда тутилган. Фуқаролик ёдексининг 951-моддасига кўра, мулкий сұғурта шартномаси бўйича сұғурта қилдирувчи сұғурта ҳодисаси ўзига маълум бўлганидан кейин бу ҳақда дарҳол сұғурталовчисини ёки унинг вакилини хабардор қилиши шарт. Агар шартномада хабар қилиш муддати ва (ёки) усули назарда тутилган бўлса, бу шартлашилган муддатда ва шартномада кўрсатилган усулда қилиниши лозим.

Ушбу мажбуриятнинг бажарилмаслиги сұғурталовчига, агар сұғурталовчи сұғурта ҳодисаси юз берганини ўз вақтида билганлиги ёбуд бу ҳақда сұғурталовчида маълумотлар йўқлиги унинг сұғурта товонини тўлаш мажбуриятга таъсири этмаслиги исботланмаса, сұғурта товонини тўлашни рад этиш ҳукуқини беради. Бинобарин, кредит оловчи сұғурталовчига сұғурта шартномасида назарда тутилган (3.1.7 банди) сұғурта ҳодисаси юз бергандан с’нг 3 кун муддат мобайнида «Сұғурта қоидалари»нинг 6.1 бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўпламини тақдим этмаган. Демак, сұғурта қилдирувчи сұғурта ҳодисаси ўзига маълум бўлгандан сўнг шартномада белгиланган 3 кун муддатда наф оловчи ва сұғурталовчини бу ҳақда хабардор қилиш мажбуриятини бажармаган. Шу сабабли, кассация судлов ҳайъатининг «Мадад» сұғурта агентлигини жавобгар деб топиб бўлмайди ва жавобгарликдан озод қилиш лозим äåñäí ҳулосалари моддий ҳуқуқ нормалари ва иш материалларига асосланиб, чиқарилганлигидан далолат беради.

"Мадад" сұғурта агентлиги Фар²она филиали даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Фар²она вилоят хўжалик судининг 1999 йил 24 мартағи қарори билан вилоят "«Бизнес-Фонд»" томонидан Қува тумани «Умурзок» хусусий фирмасига ажратилаётган имтиёзли кредитниä мақсадли сарфлаган қисмини, яъни 756000 сўмни "Мадад" сұғурта агентлиги ҳисобидан сұғурта қопламаси сифатида вилоят "«Бизнес-Фонд»" бошқармаси фойдасига ундириб берилганлигини, ҳозирги кунда "Мадад" сұғурта агентлиги юқоридаги сұғурта қопламасини вилоят "«Бизнес-Фонд»" бошқармасига ўтказиб берганлигини, Ўзбекистон Республикасининг «Сұғурта тўғрисида»ги Қонунига асосан регресс тартибида тўланган сұғурта қопламаларини қайта талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлигини кўрсатиб, жавобгар «Умурзок» хусусий фирмасидан 756000 сўм сұғурта ³опламаси ва суд бадааёларини ундириб беришни сўраган.

Вилоят хўжалик суди ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, ғува туманидаги «Умурзок» хусусий фирмасининг мулкидан "Мадад" сұғурта агентлиги фойдасига 756000 сўм сұғурта қопламаси ва 23680 сўм суд баражатлари, жами 779680 сўм ундирилган.

«Умурзок» хусусий фирмаси қарордан норози бўлиб, апелляция шикояти келтириб, шикоятда хусусий фирма вилоят "«Бизнес-Фонд»"ига 866700 сўмни тўлаганлигини инобатга олмай, суд 756000 сўм ундириш ҳақида қарор чиқарганлигини, кредит суммаси гаровга кўйилган мулқдан ундирилиши лозимлигини, кредитäàí мақсадли фойдаланилганлигини инобатга олиб, кредит

фоизларини "Мадад" суғурта агентлиги вилоят бўлими қоплаши кераклиги ё́ткізбеклик сатган.

Апелляция судлов ҳайъати қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Вилоят бўяйида суди қароридан норози бўлган фирма кассация шикояти билан Олий хўжалик судига мурожаат қилган.

Иш хужжатларига қараганда, хўжалик судининг 1999 йил 24 мартағи қарорига асосан Фар²она вилоят "«Бизнес-Фонд»" бошқармаси томонидан Қува туманидаги «Умурзок» фирмаси билан "Мадад" суғурта агентлиги вилоят филиали ўртасида тузилган қарз олувчининг кредитни тўлай олмаслик ҳолатидаги жавобгарликни суғурталаш ҳақидаги 1996 йил 5 майдаги 89-сонли шартномага кўра, кредитни ё сўнг 756000 сўмлик қисми суғурта агентлигидан ундирилган бўлиб, ушбу сумма "«Бизнес-Фонд»" бош³армаси ё́ткізбеклик сатгандан 1997 йил 7 апрелдаги 42-сонли тўлов топшириғи орқали тўлангандан сўнг "Мадад" суғурта агентлиги ушбу суммани регресс тартибида «Умурзок» хусусий фирмасидан ундириш учун даъво аризаси билан мурожаат этган ва судининг 1999 йил 26 августдаги ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Суғурта тўғрисида»ги Қонунёning 24-моддаётега кўра, фуқаролик жавобгарлигини кафолатлаган ва шу асосида пул тўловини амалга оширган суғурта ташкилоти ўзи тўлаган сумма ҳажмида мажбуриятни бажармаган тарафдан қайтарма даъво тартибида ундириб олишга ҳақли эканлигини инобатга олиб, кассация судлов ҳайъати томонидан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик субъектлари иштироқида суғурта билан боғлиқ низоларнинг тўғри ҳал қилинишё конун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

XIV боб. Тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик

1§. Тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик тушунчаси ва асослари

Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонун хужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий мухитга тажовуз қилувчи гайриҳуқуқий, айбли, қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Тадбиркорлик соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, юридик ва жисмоний шахсларнинг қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ёдексида белгиланган қоидаларни бузишга қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари тушунилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ёдексининг 11-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги гайриҳуқуқий эканлигини билган, унинг заарли оқибатларига кўзи етган, юз беришини истаган ёки бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик қасдан содир этилган деб ҳисобланади.⁷⁰

Ушбу Кодексининг 12-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги заарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билган бўлса ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлаган ёхуд бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда олдиндан кўра билмаган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизлик орқасида содир этилган деб ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган тадбиркорлар маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган тадбиркорларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялари тўғрисидаги Низомида назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Қонунчиликда мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги масаласи алоҳида хусусиятга эгадир. Улар бошқарув, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий мухитни, аҳоли соғлигини муҳрафаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва ўз хизмат вазифаларини билан боғлиқ бўлган бошқа қоидаларга риоя этмаганларни сабабли маъмурий жавобгарликка тортилади.

⁷⁰ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Тошкент.: Адолат, 2001 й., 9-бет.

Мансабдор шахс деб, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган, унга рахбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат ўтказиш ёки моддий бойликлар жавобгарлиги билан боғлиқ бўлган вазифалар юклатилган кишиларга айтилади.

Ҳарбий хизматчилар, шунингдек муддатли ҳарбий хизматга чақирилганлар, ички ишлар органларининг оддий ва раҳбар ходимлари маъмурий ҳукуқбузарлик содир қилганликлари учун интизомий уставга мувофиқ жавобгар бўладилар. Мазкур шахслар йўл ҳаракати қоидаларини, овқилиш, балиқ тутиш ва балиқ заҳираларини сақлаш қоидаларини, божхона қоидаларини бузганликлари учун умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортиладир. Уларга нисбатан маъмурий қамоқ чораси қўлланилмайди. Муддатли ҳарбий хизматчиларга эса жарима солиш мумкин эмас.

Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолияти билан машғул бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилади,

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ёдексининг 18-20 ва 21-моддаларида маъмурий жавобгарликдан озод қилиш йўллари қайд этилган. Хусусан, 18-моддада маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ёки маъмурий ҳукуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиловчи бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, лекин зарурӣ мудофаа ҳолатида, яъни шахсни ёки мудофааланувчининг ёхуд бошқа шахснинг ҳукуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини ғайрихуқуқий тажовузлардан шундай тажовуз қилаётган шахсга зарар етказиш йўли билан ҳимоя қилиш вақтида, башарти бунда зарурӣ мудофаа чегарасидан чиқиб кетилишига йўл қўйилмаган бўлса, содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳукуқбузарлик ҳисобланмайди.

Ёки бўлмаса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ёдексда ёхуд бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳукуқларга ҳамда қонун билан ҳимоя этиладиган манфаатларга зарар етказган, охирги зарурат ҳолатида, яъни шахсга ёки мазкур шахснинг ёхуд бошқа шахснинг ҳукуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид этаётган хавфни, башарти, бу хавфни уша ҳолатда бошқача чоралар билан бартараф этиб бўлмаса ҳамда етказилган зарар олди олинган заарга қараганда камроқ бўлса, бартараф этиш учун содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳукуқбузарлик ҳисобланмайди.

Шунингдек, ғайрихуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган вақтида ақли норасолиё ҳолатида бўлган шахс, яъни сурункали руҳий касаллик, руҳий фаолияти вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд бошқа хил касаллик оқибатида ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг аҳамиятини идрок эта олмаган ёки бошқара олмаган шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ёдексининг 21-моддасига асосан содир этилган маъмурий ҳукуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, шу ишни кўриб чиқишига ваколати бўлган орган ёки мансабдор шахс ҳукуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин.

Тадбиркорлик соҳасидаги юъмурий ҳуқуқбузарликнинг таркиби тўртта элементдан ташкил топади. Агарда ана шу элементлардан биронтаси иштирок этмаса, бундай ғайрихуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди.

Булар: обьект, обьектив томон, субъект ва субъектив томон.

Тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқбузарликнинг обьекти уч турга: умумий, турдош ва маҳсус обьектларга бўлинади.

Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар маъмурий ҳуқуқбузарликнинг умумий обьекти ҳисобланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ёдексининг 10-моддасида назарда тутилган шахс, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, мулк, давлат ва жамоат тартиби, табиий муҳит маъмурий ҳуқуқбузарликнинг турдош обьектлари саналади.

Шунингдек, ҳар қайси муайян маъмурий ҳуқуқбузарлик бевосита (маҳсус) ўзининг обьектига эгадир. Масалан, хўжалик юритувчи бошқа субъектнинг мол-мулки ва тадбиркорлик обрўсига зиён етказиши мумкин бўлган ёлғон, ноаниқ, ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатиш; товар белгисидан, товарнинг фирма номидан ёки маркасидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш, шунингдек хўжалик юритувчи бошқа субъект товарининг шаклини, ташқи безагини айнан кўчириб олиш; илмий-техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, тадбиркорлик, савдо ва бошқа соҳага оид маҳфий ахборотни эгасининг розилигисиз олиш, ундан фойдаланиш ва уни ошкор қилиш; товарларнинг хусусияти, уларни тайёрлаш усули ва ўрни, истеъмол хоссалари ва сифати хусусида истеъмолчиларни чалғитиш; хўжалик юритувчи бошқа субъектларни бозорга киришини чекловчи хатти-ҳаракатлар содир этиш-тадбиркорликда ғирром рақобатнинг бевосита (маҳсус) обьектидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг обьектив томони ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир. Масалан, ҳокимият органидаги мансабдор шахснинг тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида тузила, тган корхона, ширкат ёки хусусиё фирмани рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаши ёхуд фуқаронинг қонун билан тақиқпанган ёки қонунга хилоф бўлган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши сингари ғайриқонуний ҳаракат ва ҳаракатсизликлар маъмурий ҳуқуқбузарликнинг обьектив томони ҳисоланади.

Тадбиркорлик соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти умумий, маҳсус ва алоҳида сингари турларга бўлинади. 16 ёшга тўлган фуқаролар (жисмоний шахслар) маъмурий ҳуқуқбузарликнинг умумий субъектлари, мансабдор шахслар, хорижий давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар маъмурий ҳуқуқбузарликнинг масус субъектлари, шунингдек ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органларининг ходимлари маъмурий ҳуқуқбузарликнинг алоҳида субъектлари бўлиб ҳисобланади.

Тадбиркорлик соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони ҳуқуқбузарнинг айби, мақсади, руҳий холати, қасд ёки эҳтиётсизлиги кабиларни ўз ичига олади.

Тадбиркорлик соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари билан белгиланади.

28. Тадбиркорлик соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазо чоралари ва уни қўллаши тартиби

Тадбиркорлик соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари учун қуидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилади:

1. Жарима солиш;
2. Мусодара қилиш.

Жарима солиш тадбиркорлик соҳасида содир этилган барча ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилади.

Жарима ўз моҳиятига кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришдир.

Жариманинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун бундай ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг эллиқдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса - ундан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсга эса – ун бараваридан ошмаслиги лозим. Қонунларда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи ҳуқуқбузарликлар учун фуқароларга - энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача ва мансабдор шахсларга - ўн беш бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарорлари билан белгиланган савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш (164-модданинг иккинчи қисми) фуқароларга энг кам иш ҳақининг 5-10, мансабдор шахсларга 10-15 баробарида ҳамда бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш (168-модда) да белгиланадиган жариманинг энг кўп миқдори фуқароларга - энг кам иш ҳақининг уч бараваридан, мансабдор шахсларга эса - беш бараваригача ошмаслиги талаб қилинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлики содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш буюм (ашё)нинг ҳақини тўламасдан, мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишидир. Агарда Ўзбекистон Республикаси қонунларида бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса, фақат ҳуқуқбузарнинг шахсий мулкигина мусодара қилиниши мумкин.

Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни, бошқа ов қуролларини мусодара қилиш асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Мусодара қилиш чорасининг қўлланиш тартиби ҳамда мусодара қилиш мумкин бўлмаган ашёларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ёдекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишига ваколати бўлган органлар ва мансабдор шахсларнинг тоифалари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ёдекси учинчи бўлим ўн еттинчи бобининг 242-262-моддаларида ўз ифодасини топган. Жумладан, Кодекснинг 242-моддасига биноан маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни:

1. Туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси, хўжалик судлари;
2. Шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги маъмурий комиссиялар;
3. Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман(шаҳар) комиссиялари;
4. Ички ишлар (милиция) органлари (mansabdar shahslari), давлат инспекцияси органлари (mansabdar shahslari) ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ёдекси билан ваколат берилган бошқа органлар (mansabdar shahslar) кўриб чиқадилар.

Оадбиркорлик соҳасидаги маъмурий хуқуқбузарликлар туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси ҳамда давлат солиқ органлари томонидан кўрилади.

Туман (шаҳар) судларининг маъмурий ишлар бўйича судьялари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ёдексининг ўн учинчи бобидаги савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш (164-модданинг 2-қисми);

молларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш марказини тасдиқдайдиган ҳужжатларсиз сотиш (166-модда); видео ёзувли кассеталарни сотиш ва видео муассасаларнинг ишлаш қоидаларини бузиш (167-модда);

таркибида кимёвий моддаларнинг қолдиги йўл қўйиладиган даражадан ортиқ бўлган қишлоқ, хўжалик маҳсулотларини сотиш (169-модда);

валюта бойликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш (170-модда);

валюта ва экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш тартибини бузиш (171-модданинг 1-қисми);

стандарт талабларига ёки техник шартларга жавоб бермайдиган ёнилғи-мойлаш материалларини реализация қилиш (173-модда);

солиқ солинадиган обьектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартиби, шунингдек тўлов интизомини бузиш (175-модданинг 5-қисми);

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини юритиш тартибини бузиш (175¹-модда);

солиқ тўловларининг идентификация рақамларии қўлланиш тартибини бузиш (175³-модда);

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш (176-модданинг 2-қисми);

маҳсулот белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси эгасининг хуқуқларини бузиш (177 -мод да);

аудиторвонинг қонун хужжатлари бузилганлиги ҳолларини яшириш (179-модда) сингари тадбиркорлик соҳаси билан боғлиқ бўлган ишларни кўриб чиқадилар.

Давлат солик органлари эса, бозорларда савдо қилиш қўидаларини бузиш (168-модда); ёнилғи-мойлаш материаларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олиш қоидаларини бузиш (172-модда); соликлар ва бошқа тўловлар тўлашдан бўйин товлаш (174-модда); солик солинадиган обьектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини, шунингдек тўлов интизомини бузиш (175-модда); хўжалик юритувчи субъектларнинг манзили, банк реквизитлари ўзгарганлиги ёки қайта рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маъмуротларни тақдим этмаслиё ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш (176²-модда); мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш (179¹-модда) каби ишларларни кўриб чиқадилар.

Бундан ташқари, давлат солик органларига Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 164-моддаси биринчи ва учинчи қисмларида; 171-моддаси иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида; 176-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ҳам тааллуқлидир.

Маъмурий хуқуқбузарликка нисбатан қўлланиладиган жазо меъёрий хужжатларга аниқ риоя қилган ҳолда белгиланади. Ваколатли органлар (mansabdar шахслар) жазони қўллаш чоғида содир этилган хуқуқбузарликларнинг шахси, унинг айборлик даражаси, мулкий ахволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлари ҳисобга олишади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ёдекси 31-моддасига мувофиқ маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар жумласига қуйидагилар киради:

1. айборнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши;
2. айборнинг хуқуқбузарликни ёки заарли оқибатлари олдини олиши, етказилган зиённи ихтиёрий равища тўлаши ёки келтирилган заарни бартараф қилиши;
3. хуқуқбузарликнинг кучли руҳий ҳаяжонланиш ёки оғир шахсий, оиласиб ёхуд бошқа шароитлар юзага келиши оқибатида содир этилиши;
4. хуқуқбузарликнинг таҳдид ёки мажбурлов таъсирида ёхуд хизмат юзасидан, моддий ва бошқа жиҳатдан қарамлиги таъсири остида содир этилиши;
5. хуқуқбузарликнинг вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши;
6. хуқуқбузарликнинг ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилиши.

Амалдаги қонунларда маъмурий хуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг енгиллаштирувчи бошқа ҳолатлар ҳам назарда тутилади. Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўрувчи орган (mansabdar шахс) бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ёдекси 32-моддасига мувофиқ маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар жумласига қуидагилар киради:

1. ғайрихуқуқий ҳаракатларни тўхтатиш ваколатига эга бўлган шахсларнинг огоҳлантиларига қарамасдан бундай ҳаракатларни давом эттириш;
2. Маъмурий жазога тортилган шахснинг бир йил мобайнида яна шу хилдаги ҳуқуқбузарликни содир этиши, худди шунингдек ҳуқуқбузарлик - ҳаракатининг илгари судланган шахс томонидан содир этилиши;
3. Вояга етмаган шахсни ҳуқуқбузарликка жалб қилиш;
4. Ҳуқуқбузарликнинг бир гурӯҳ шахслар томонидан содир этилиши;
5. Ҳуқуқбузарлик ҳаракатининг табиий оғат ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар пайтида содир этилиши;
6. Ҳуқуқбузарликнинг маст ҳолда содир этилиши.

Маъмурий жазо чорасини қўлловчи орган (мансадбор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг хусусиятига қараб мазкур ҳолатни айни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги ҳам мумкин.

Ваколатли орган (мансадбор шахс) маъмурий жазо чорасини қўллаётганида жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда, унинг сабабини албатта кўрсатиб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг маҳсус қисмидаги моддаларнинг жазо белгилаш қисмida назарда тутилган энг кам жазодан ҳам енгилроқ жазо чорасини қўллаши мумкин (З3-модда).

Амалдаги қонунчиликда бир неча ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун маъмурий жазо қўллаш белгиланган. Битта шахс икки ёки ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлса, маъмурий жазо ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида қўлланилади. Агарда шахс бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини содир этган бўлиб, мазкур ишлар бир вактининг ўзида айнан бир орган (мансадбор шахс) томонидан кўриб чиқилаётган бўлса, бундай шахсга нисбатан узил-кесил жазо содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун оғирроқ, маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

Маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарлик учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши лозим. Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тўхтатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатиш рад этиш ёки жиноят ишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши даркор.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ёдекси 37-моддасига мувофиқ маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб, бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, у ҳолда мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилағи заарни қоплаши шарт.

Агарда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш оқибатида жисмоний шахсга, корхона, муассаса, ташкилотга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки давлатга етказилган мулкий зарар белгилаб қўйилган энг кам иш хақидан қўп бўлмаса, ваколатли орган(мансадор шахс) жазо қўллаш пайтида айбор ушбу заарни қоплаши тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этиш ҳуқуқига эгадир.

Туман (шахар) судининг маъмурий ишлар бўйича судёяси эса етказилган заарнинг миқдоридан қатъий назар, бу масалани ҳал қиласеради.

XV боб. Тадбиркорлик соҳасидаги қилмишлар учун жиноий жавобгарлик

1§. Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равища битимлар тузганлик учун жавобгарлик

Ўзбекистон Республикаси манфаатларига хилоф равища битимлар тузиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асосларига қарши қилинган ҳаракатлардир.

Жиноят давлат органи, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмасининг мансабдор шахси томонидан республика манфаатлариға кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлган, наф келтирилмаслиги аён бўлган битимнинг тузилишида ифодаланади.

Битим деганда, товарлар, озиқ-овқат маҳсулотлари г хом ашё, ускуналар етказиб бериш, турли иншоотлар қуриш ва ҳоказо учун чет эллик шерик билан иқтисодий келишув, шартнома тузиш тушунилади.

Битим тузиш натижасида республиканинг иқтисодий манфаатлариға катта зарар етказадиган ҳар қандай битим наф келтирмайдиган битим деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси манфаатлариға хилоф равища битим тузиш натижасида кўп миқдорда зарар етказиш жиноятининг зарурӣ белгиси ҳисобланади.

Кўп миқдордаги зарарни аниқлашда "зарар" тушунчаси жинояткорона қилмишдан кўрилган зарарнигина ўз ичига олишёни назарда тутмоқ лозим.

Зарар миқдорини аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг манфаатлариға хилоф равища битим тузиш туфайли бой берилган наф эътиборга олинмайди.

Агар битим тузиш натижасида республика манфаатлариға кўп миқдорда зарар етказилган бўлса, жиноят тамом бўлган деб топилади.

Ушбу жиноят факат тўғри қасд билан содир этилмайди. Мансабдор шахс битим тузилгунга қадар унинг неспублика манфаатлари учун наф келтирмаслигини билишё керак.

Агар мансабдор шахс ўзининг совуққонлиги орқасида шундай битим тузса, унинг хатти-ҳаракати ЖК 207-моддасига биноан (mansabga совуққонлик билан қараш) баҳоланади.

Жиноятнинг мотив ва мақсади унинг квалификациясига таъсир қилмайди.

Давлат органи, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, муассаса, ташкилот ёки жамоат бирлашмасининг мансабдор шахсигина ушбу жиноятни содир қилишда айбдор деб топилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175-моддаси 1-қисмига кўра, давлат органининг, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона, муассаса, ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг мансабдор шахси томонидан наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузиш республика манфаатлариға кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, - энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача аҳлоқ, тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки қилинмай олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равища битим тузишда айбдор бўлган мансабдор шахс қилмишни: а) такроран, б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, в) жуда кўп микдорда зарар етказган ҳолда содир этган бўлса, ЎзР ЖК 175-моддаси 2-қисми билан жавобгарликка тортилади ҳамда энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача микдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда ва мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

2§. Сохта тадбиркорлик учун жиноий жавобгарлик

Сохта тадбиркорлик жинояти корхоналар ёки бошқа тадбиркорлик билан шуғулланувчи тузишманинг қонунда, ўз Низомида белгиланган фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлардан келиб чиқади.

Ушбу жиноят Низомда кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан корхоналар ёки тадбиркорлик билан шуғулланувчи ташкилотларни тузишда ифодаланади. ЎзР ФК 40-моддасига мувофиқ, фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни мақсад қилиб олмаган (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклида тузиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

ЎзР ФК 41-моддасида эса юридик шахс ўзининг таъсис хужжатларида назарда тутилган фаолият мақсадларига мувофиқ, фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. Юридик шахснинг маҳсус ҳуқуқ, лаёқати, унинг устави, низоми ёки қонун хужжатлари билан белгиланган бўлади.

Ҳар бир тузилган корхона ёки бошқа тадбиркорлик тузилмаси асосан ўз низомида қўзгатилган фаолият турлари билан шуғулланиш керак. Сохта тадбиркорликда эса тузувчилар ўз низомида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини мутлақо кўзламайди, балки корхона бошқа мақсадларёа тузилади.

Корхонани тузиш (вужудга келтириш) фактининг ўзи тўла ёки қонунга асосланган бўлади, унинг низоми, зарурий таъсис хужжатлари қабул қилинади, рўйхатдан ўтказилади, бироқ, ишни бошлаш вақти келганда, бундай корхона ўз низомида кўрсатилган фаолият билан умуман шуғулланмайди ва низомида кўрсатилмаган фаолият билан шуғулланади.

Низомда белгиланган фаолиятни амалга ошириш мақсадининг йўклиги таъсис хужжатларида кўрсатилган мажбуриятларни бажармасликда намоён бўлади.

Низомда кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламаса корхона ёки бошқа тадбиркорлик тузилмаси тузилган пайтда эътиборан жиноят тамом бўлган деб топилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»гэ 1994 йил 5 майдаге қонунёнинг 1-моддасига мувофиқ, банкрот бўлиш деганда қарздорнинг мажбуриятлари мол-мулкидан ошиб кетганлиги сабабли, товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўлаш юзасидан кредиторларнинг талабарини қондиришга қодир эмаслиги, шу жумладан бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги тушунилади.

Кредиторнинг талабарини бажариш муддати бошланган кундан эътиборан хўжалик юритиши субъекти уч ой мобайнида уларни бажара олмаётганлиги ёки бажаришга қодир эмаслигининг муқаррарлиги сабабли жорий тўловларни тўхтатиб қўйилиши хўжалик юритувчи субъект банкрот бўлишининг ташқи аломати хисобланади.

Хўжалик юритувчи субъект ихтиёрий равища тугатилаётганида унинг ўзи банкрот бўлганлиги расман эълон қилганидан кейин у банкрот бўлган хисобланади.

Ушбу жиноят юзасидан 16 ёшта тўлган ва сохта корхона тузган ҳар қандай шахс жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ЖК 179-моддасига кўра, сохта тадбиркорлик жиноятини содир этган шахслар энг кам ойлик иш хақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян хукуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

3§. Сохта банкротлик учун жиноий жавобгарлик

Мазкур жиноят тадбиркорлик тузилмаларининг нормал фаолият кўрсатишига, хўжалик юритувчи субъектлари манфаатларини таъминловчи ижтимоий муносабатларга қарши қаратилган ҳаракатлардир.

Банкротликка таалёуқли кўпгина қоидалар Ўзбекистон Ёеспубликасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган "Банкротлик тўғрисида"ти қонунида тушунтириб берилган.

Ушбу жиноят хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериш натижасида кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишида намоён бўлади.

Субъектнинг била туриб, ўзининг ночорлиги ҳақидаги маълумотни қонунда белгиланган тартибда эълон қилиш ҳақидаги ёлғон маълумотни бериш хисобланади.

Хўжалик юритувчи субъект ҳақиқатда кредиторлар олдиаги ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлгани ҳолда, уларни бажаришдан жўрттага бўйин товлаб, ўзича банкрот деб эълон қилиш била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериш хисобланади.

Хўжалик юритувчи субъект қонунда белгиланган тартибни бузиб - ўзининг иқтисодий начорлигини эълон қилган ҳолларда, айборнинг қилмиши муайян ҳолатлар мавжуд бўлган фирибгарликни вужудга келтиради.

Агар мансабдор шахс сохта хужжатлар тақдим этиб, банкротлик тўғрисида эълон берса, унинг қилмишлари (жиноятлари) жами 209-модда (mansab soxtakorligi) билан ҳам квалификация қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг жиноий ҳаракатлари оқибатида кредиторларга кўп миқдорда заар етказилиши сохта тадбиркорликнинг белгиси хисобланади.

Кўп миқдорда заар етказилган пайтдан эътиборан жиноят тамом бўлган деб топилади.

Сохта банкротлик жинояти тўғри қасд билан содир этилади. Жиноятнинг мотив ва мақсади қилмишнинг квалификациясига таъсир қилмайди.

Сохта банкротлик жиноятини содир этган, тадбиркорлик билан шуғулланувчи 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс жиноий жавобгарликка тортилади.

ЎзР ЖК 180-моддаси 1-қисмига кўра, сохта банкротлик жиноятини содир этган шахс — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгacha муайян хуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгacha аҳлок тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилгacha озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 29 августда қабул қилинган қонуни билан Жиноят ёдексининг 180-моддаси қуйидаги мазмундаги 2-қисм билан тўлдирилган: "Етказилган моддий заар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди".

4§. Банкротликни яшириш учун жиноий жавобгарлик

Таҳлил этилаётган жиноят бозор иқтисодиёти шароитида банкротликни амалга оширишнинг белгилаб қўйилган тартибини белгиловчи, таъминловчи ижтимоий муносабатларда намоён бўлади.

Ушбу жиноят хўжалик юритувчи субъектнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ёки ҳужжатларни тақдим этиш, бухгалтерия хисботларини бузиб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодир эмаслигини ёки иқтисодий начорлигини бошқача тарзда қасдан яшириши кредиторларга кўп миқдорда заар етказилишига сабаб бўлишда ифодаланади.

Яшириш деганда, ўзининг тўловга қодир эмаслиги тўғрисидаги маълумотларни бузиб кўрсатиш ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган ҳужжатларни кредиторларга тақдим этиш ёхуд бухгалтерия хисботларини бузиб кўрсатиш ёхуд ўзининг иқтисодий начорлиги ҳақидаги бошқа фактларни беркитиш тушунилади.

Ушбу қилмиш моддий таркибли жиноят бўлиб, кредиторларга кўп миқдорда заар етказилган пайтдан эътиборан тамом бўлган деб топилади.

Банкротликни яшириш жинояти қасдан содир этилади. Уни содир этишнинг мақсади ва мотиви жиноятнинг квалификацияси учун ахамият касб этмайди.

Банкротликни яшириш жинояти бўйича 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ЖК 181-моддаси 1-қисмига қўра, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш, бухгалтерлик ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жихатдан ўзининг тўловга қодирлигини йўқотганлиги ёки иқтисодий начорлиги бошқача тарзда қасдан яшириши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгacha муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш ёхуд йилгacha аҳлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилгacha озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган қонуни билан ЖК 181-моддаси: "Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо кўлланилмайди", дейилган 2-қисм билан тўлдирилди.

5§. Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик

1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Монополия фаолиятини чеклаш тўғрисида»ти қонун хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорда рақобатлашишига боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солади, монополия фаолияти, яъни монополияга қарши қонунга зид бўлган фаолиятнинг олдини олиш ва уни бартараф қилишнинг ҳукуқий асосларини белгилайди.

Ушбу жиноят хўжалик юритувчи субъектларнинг товар бозорида фаолият кўрсатиши бўйича белгиланган тартибга, истеъмолчилар ва жамиятнинг қонуний манфаатларига қарши қаратилганлигини таъкидлаш лозим.

ЎзР ЖКнинг 183-моддаси 1-қисмida назарда тутилган ҳаракатлар монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколати берилган органга ахборот бермаслиқдан ёки била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим қилишдан иборат бўлади.

ЖК 183-моддаси 1-қисмida назарда тутилган жиноят монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколати берилган органга ахборот ўтган ёхуд бу органларга била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборот тақдим этилган пайтдан эътиборан тамом бўлган деб топилади.

Шахсни ЖКнинг 183-моддасининг 1-қисми билан жавобгар қилиш учун у худди шундай қилмишни содир этганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиш зарур.

ЖК 183-моддаси 2-қисми монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколати берилган органнинг қонунбузарликни тўхтатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш, шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги талабларини ёхуд бошқа қонуний кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки уларни ўз вақтида бажармасликда ифодаланади.

"Монополия фаолиятини чеклаш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, бозорда катта мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга бозорда маҳсулот тақчиллигини келтириб чиқариш ёки сақлаб туриш мақсадида товарлар ишлаб чиқаришни камайтириш ёхуд тўхтатиб қўйиш, шунингдек уларни муомаладан олиш, мўмай фойда олиш мақсадида бозорда ҳаддан ташқари баланд нарх белгилаш ёки уни сунъий равишда ушлаб туриш, нархларни асоссиз равишда пасайтириш, давлат томонидан бажарилиб туриладиган шартнома тузा�ётган томонларга уларни бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг зиммасига тенг бўлмаган аҳволга солиб қўядиган шартларни юклаш, хўжалик юритувчи субъектларга ўзгача тўсиқларни вужудга келтириш ҳамда монополистик фаолият ва ғирром рақобатни бошқача чеклаш ҳамда таъкиқёаш каби ҳаракатларни содир этиш ман қилинади.

ЖК 183-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят ушбу қисмнинг диспозициясида назарда тутилган ҳаракатлардан биттаси содир этилган пайтдан эътиборан тамом бўлган, деб топилади.

Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш жинояти қасдан содир этилади. Унинг мотив ва мақсади жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга бўлмайди.

Ушбу жиноят юзасидан 16 ёшга тўлган шахс жавобгарликка тортилиши мумкин. У якка тартибдаги тадбиреёнлар, ташкилотлар ёки улар бирлашмаларининг раҳбарлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар бўлиши мумкин.

ЎзР Жкнинг 183-моддасида назарда тутилган жиноятни содир қилган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

6§. Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарлик

1997 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ ёдекси қабул қилинди. О солиқ тизимининг ҳуқуқий асосларини, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари, алоҳида мажбуриятлари, солиқ ишларини юритиш тартибини ва солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликкіё белгилаган.

Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдаи бўйин товлаш жинояти давлатнинг молиявий соҳада фаолият кўрсатиши билан боғлиқ, ижтимоий муносабатларга қарши қаратилган тажовузларда ифодаланади. Солиқ солиниши лозим бўлган обьектлар Солиқ ёдексида белгилаб қўйилади. Ўзбекистон ҳудудида қуйидаги соликлар ва йифимлар мавжуд:

1) умумдавлат солиқёари: юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи, жисмоний өахллардан олинадиган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

2) маҳаллий соликлар ва йифимлар: мол-мулк солиғи, ер солиғи, реклама солиғи, автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун йифим, Шу жумладан, айrim турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йифимлари, юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи

шахсларни рўйхатга олганлик учун ёёғёї, автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун ёёғёї ва ҳоказо.

Солик ёдексининг 16-моддасига мувофиқ, жами даромад билан мазкур Кодексда белгиланган чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган даромад (фойда) солик солиш объектидир.

Солик солинадиган объектларни яшириш деганда, бухгалтерия ҳисоботларида даромадлар ва ҳаражатлардан ташқари солик солиш объектларини акс эттираслик тушунилади.

Солик солинадиган объектларни камайтириб кўрсатиш деганда, солик солинадиган асосларни тўғри ҳисобламаслик, уни қонунга хилоф равища камайтириб кўрсатиш тушунилади.

Давлат томонидан белгиланган соликёар, йифимлар, бож ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш деганда, шу тўловларни тўламасликка қаратилган ҳар қандай ҳаракатларни содир этиш тушунилади.

Анча миқдордаги соликлар ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш таҳлил қилинаётган модда бўйича жиноий жавобгарлик юзага келишининг зарурӣ шарти ҳисобланади.

Жиноят анча миқдордаги соликлар ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлашга қаратилган ҳаракатлар содир этилган пайтдан эътиборан тамом бўлган деб топилади.

Солик ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жинояти қайддан содир этилади. Унинг мотиви ва мақсади жиноятни квалификациялашда эътиборга олинмайди.

Ушбу жиноят бўйича 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ЖК 184-моддаси 1-қисмига кўра, фойда (даромад) ёки солик тўланадиган бошқа объектларни қасдан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек давлат томонидаи белгиланган соликёарни, йифимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасдан бўйин товлаш, башарти тўланмаган сумма анча миқдорни ташкил қиласа, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ, тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ушбу қилмишнинг такроран, кўп миқдорда, (ЖК 184-моддаси 2-қисми), жуда кўп миқдорда (ЖК 184-моддаси 3-қисми) содир этилиши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят ёдексининг 184-моддаси 2-қисмига кўра, шахс ушбу қилмишни такроран, жуда кўп миқдорда содир этган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ёдексининг 184-моддаси 3-қисмига кўра, қеёғёё жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки мол-

мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конунига биноан ЖК 184-моддаси қўйидаги «Ойдалар (даромадлар) бўйича солиқлар ва бошқа тўловлар тўлиқ тўланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди», деган қисми билан тўлдирилган.

7§. Бюджет интизомини бузганлик учун жиноий жавобгарлик

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конунига биноан Жиноят ёдекси 184¹-модда билан тўлдирилган.

Мазкур жиноят бюджет интизомининг белгиланган тартиби, шунингдек фуқароларнинг манфаатларига қарши қаратилган ҳаракатdir.

ЖК 184¹ — моддасида назарда тутилган жиноят:

1) бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллашда, 2) шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетишида, 3) штат смета интизомини бузишда ифодаланади.

Жиноят мазкур модданинг диспозиция қисмида назарда тутилган ҳаракатлардан биттаси содир этилган пайтдан эътиборан тамом бўлган, деб топилади.

Айбор маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг, яна бюджет интизомини бузса, ЖК 184 (1)-моддасининг 1-қисми билан жавобгарликка тортилади.

Бюджет интизомини кўп микдорда бузиш 184 (1)-модданинг 2-қисмида, жуда кўп микдорда бузиш эса 184(1)-модданинг 3-қисмида кўрсатилган жиноят учун жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ушбу модда 4-қисми бюджетдан молияланадиган муассаса ва ташкилотларга иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа ҳаракатлар тўлови учун пул маблағлари беришнинг банк раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан асоссиз равишда кечиктирилишида ифодаланади.

Жиноят бюджетдан молияланадиган муассаса ва ташкилотларга иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва бошқа ҳаражатлар тўлови учун пул маблағлари бериш асоссиз равишда кечиктирилган пайтдан тамом бўлган, деб топилади.

ЖК 184 (1) — моддасининг 4-қисми ҳам маъмурий прелюдияга эгадир.

Бюджет интизомини бузиш жинояти қасддан содир этилади.

184 (1)-модданинг 1, 2, 3-қисмлари бўйича 16 ёшга тўлган ва бюджет интизомини бузган шахс, 4-қисми бўйича эса пул маблағларини бериш ҳақида қарор қабул қилиниши ўзига боғлиқ бўлган раҳбарлар ёки бошқа мансабдор шахслар жавобгар бўлишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 184 (1)-моддаси 1-қисмига кўра, бюджет интизомини бузиш, яъни бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилмаган маблағларнинг лимитларидан ортиб кетиши, штат-смета интизомини бузиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

ЖК 184(1)—моддаси 2-қисмига кўра эса, ўша қилмиш кўп миқдорда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача аҳанёға, аҳлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, ЖК 184 (1)-моддаси 3-қисмига кўра, ўша қилмиш жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ЖК 184(1)-моддасининг 4-қисмига кўра эса, бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатлар тўлови учун пул маблағлари бериш банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асоссиз равишда кечиртирилганлиги, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

8§. Сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш учун жиноий жавобгарлик

1996 йил 26 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ти Қонуни билан истеъмолчиларни сифатли ва ҳавфсиз, бехатар товарлар, хизматларга бўлган ҳуқуқи кафолатланган.

Ушбу жиноят шахснинг хўжалик фаолияти соҳасидаги манфаатлари, шунингдек фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган тажовузларда ифодаланади.

Сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки уни сотиш жинояти товар бозорига сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки уни сотиш натижасида истеъмолчининг, баданёга ўртacha оғир ёки оғир шикаст етказилишида ифодаланади.

Маҳсулот чиқариш деганда, бирон-бир маҳсулотни буюртмачи ёки истеъмолчига топшириш ёки жўнатиш тушунилади. Сотиш деганда, товарларни бевосита истеъмолчиларга сотиш назарда тутилади.

Таҳлил қилинаётган модда бўйича жавобгарлик сифатсиз маҳсулотни товар бозорига чиқариш ёки сотиш натижасида баданга ўртacha оғир ёки оғир шикаст етказилган ҳоллардагина вужудга келади.

Сифатсиз маҳсулот деганда, давлат стандарти талабларига, меъёрий нормаларга жавоб бермайдиган ва сифат сертификатига эга бўллаган маҳсулотлар тушунилади. Маҳсулот ҳар қанча сифатсиз бўлса-да, ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказиш хусусиятига эга бўлмаса, ЖКнинг 186-моддасидаги жиноятнинг предмети бўла олмайди. Унда ушбу жиноятни содир қилган шахсларга нисбатан маъмурий, интизомий ва бошқача чоралар қўлланилади.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу жиноятнинг предмети сифатида ҳар қандай озиқ-овқат маҳсулотлари назарда тутилган. Лекин жиноий жавобгарлик юзага келишининг шарти сифатида жиноий оқибат кўрсатилган. Қилмишни бевосита ушбу модда билан квалификация қилиш учун жиноий оқибат келиб чиқсан бўлиши шарт⁷¹.

Товар бозорига сифатсиз маҳсулотни чиқариш ёки сотиш натижасида фуқароларнинг соғлиғи учун мазкур моддада кўрсатилган оқибатлар келиб чиқмаса, жиноий жавобгарлик ҳам бўлмайди. Бироқ, Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, товар (иш, хизмат)нинг тузилиши, ишлаб чиқарилиши таркибидаги ва бошқа нуқсонлари, шунингдек истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкининг ҳавфсизлигини таъмин эта олмайдиган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар, мосламалар ёки бошқа воситалар қўлланилиши оқибатида истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарап сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан шартнома муносабатларига киришган, киришмаганлигидан қатъий назар, ҳар қандай истеъмолчи товар (иш, хизмат)нинг нуқсони туфайли етказилган заарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарап, агар у норматив ҳужжатларда назарда тутилган товарнинг хизмат (яроқлик) муддати мобайнида, бундай муддат белгина маган тақдирда эса, товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат қабул қилинган) пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида юзага келган бўлса, қопланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки фойдаланиш, уни саклаш ёхуд ташишнинг белгиланган қоидалари истеъмолчи томонидан бузилиши туфайли зарап етказилганлигини исботласа, у жавобгарликдан озод қилинади.

Сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш қасддан содир этилади, келиб чиқсан оқибатлар (соғликка зарап етказилиши, одамлар ўлими) борасида эса шахснинг айби эҳтиётсизликда ифодаланади.

Товар бозорига сифатсиз маҳсулот чиқариш учун жавобгар ёки сотиш билан шуғулланаётган шахс жиноий жавобгарликка тортилади.

ЎзР ЖКнинг 186-моддаси 1-қисмига кўра, товар бозорига сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки уни сотиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст

⁷¹ Ф.Тохиров. Сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш учун жиноий жавобгарлик. "Қонун ҳимоясида", 2000 йил, 2-сон, 42-бет.

етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд молмулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ушбу модданинг 2-қисмида одамнинг ўлимига сабаб бўлган сифатсиз маҳсулотни чиқарганлик ёки сотганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Унга кўра, шахс мол-мулк мусодара қилиниб беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Таҳлил килинаётган модданинг 3-қисмида сифатсиз маҳсулот чиқарганлик ёки сотганлик натижасида:

- а) одамлар ўлими;
- б) бошқа оғир оқибатларнинг юзага келганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

Бошқача оғир оқибатлар деганда, икки ёки бундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши, соғлиққа зарар етказиш, одамларнинг ялпи заҳарланиши ва бошқалар тушунилади. Унга кўра шахс молмулк мусодара қилиниб, ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

9§. Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равища шуғулланганлик учун жиноий жавобгарлик

Мазкур жиноят қонунда белгилаб қўйилган рўйхатдан ўтиш ва савдо ёки воситачилик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузишда намоён бўлади.

Жиноят назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, савдо ёки воситачилик фаолияти билан шуғулланишда ифодаланади.

Қонунга хилоф савдо ёки воситачилик фаолияти деганда, назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан шундай фаолиятни ошириш тушунилади.

Айбор рўйхатдан ўтмасдан савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равища шуғулланилган пайтдан эътиборан жиноят тамом бўлган, деб топилади.

ЎзР ЖК 188-моддаси 1-қисми маъмурий прелюдияга эга, яъни айбор маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ҳам юқоридаги қилмишни содир этса, мазкур модданинг қўриб чиқилаётган қисми бўйича жиноий жавобгар бўлади. Мазкур жиноят айбнинг қасд шакли билан содир этилади. Жиноятни содир этиш мақсади - назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш жиноятининг зарурый белгиси ҳисобланади.

Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равища шуғулланган, 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 188-моддаси 1-қисмига кўра, назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, савдо ёки воситачилик фаолияти билан шуғулланиши, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, уч йилгача муайян ҳукуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг

эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб, олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равища шуғулланиш хавфли рецидивист томонидан, анча миқдорда ёки бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, айбор ЖК 188-моддаси 2-қисми билан жавобгар, деб топилади. Унга кўра, шахс уч йилгача муайян ҳуқукдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки мол-мулк мусодара қилиниб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Мазкур модданинг 3-қисмида кўп миқдорда ёки уюшган гурӯҳ томонидан ва унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган савдо ёки воситачилик фаолияти билан шуғулланганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Унга кўра, шахс мол-мулк мусодара қилиниб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шахс савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равища шуғуллана туриб, харидорлар ёки буюртмачиларни алдаса, унинг қилмишлари ЎзР ЖК 187, 188-моддалари бўйича жиноятлар жамига кўра квалификация қилинади.

10§. Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик

Мазкур жиноят фуқароларнинг манфаатлари, мулк шаклидан қатъий назар савдо корхоналари, умумий овқатланиш корхоналарининг нормал фаолиятининг юритилишига хилоф ҳаракатларда намоён бўлади.

Жиноят савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишда намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1996 йил 15 марта "Савдо соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқукбузарликларга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ти 9-сонли Пленум қарорида "Жиноят кодексининг 189-моддаси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 164 ва 168-моддаларида жавобгарлик назарда тутилган савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш деганда, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартиба соладиган

Ўзбекистон

Республикаси

қонунларининг бузилиши тушунилмоғи лозим.

Бунда «Суд айборд томонидан айнан қайси савдо қоидалари бузилганлигини кўрсатиши шарт"⁷², деб тушунтириш берилган. Жиноятни квалификация қилишда ҳар бир айборд томонидан қайси қоида, шу қоидаларнинг қайси банди бузилганлигини аниқлаш зарур. Масалан, 1995 йил 15 февралда қабул қилинган "Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат—касса машиналарининг мажбурий қўлланиш тартиби тўғрисидаги Низом"га мувоғиқ ҳар бир савдо шаҳобчасида касса аппарати ўрнатилган бўлиши керак. Унинг йўқ эканлиги савдо қоидаларини бузиш ҳисобланади.

⁷² 'Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами (1991-1997), 1-жилд, Т.: Шарқ 1997, 97-бет.

ЖК 189-моддасининг 1-қисмида маъмурий прелюдияга эга, яъни ЖК 189-моддасининг 1-қисми бўйича жиноий жавобгарлик худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин юзага келади.

ЖК 189-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларининг бирор-бир банди бузилган пайтдан эътиборан тамом бўлган, деб топилади.

Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш қасддан содир этилади. Жиноятнинг мотиви ва мақсади уни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Савдо ёки хизмат кўрсатиш соҳасида ишловчи ва 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс ушбу жиноят бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин.

Кўриб чиқилаётган модданинг 2-қисмида анча миқдорда хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 187, 188 ёки 190-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан ёхуд бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Унга кўра, шахс энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ЖК 189-моддаси 3-қисмида кўп миқдорда содир этилган савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилиб, шахс олти ойгача қамоқ ёки мол-мулк мусодара қилиниб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Айбдор шахс савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузган ва айни пайтда харидорлар ёки буюртмачиларни алдаган бўлса, унинг ҳаракатларини шу жиноятларнинг жами бўйича квалификация қилиш зарур.

Агар савдо ва хизмат кўрсатиш кридаларини бузиш товламачилик йўли билан содир этилган бўлса, айбдорнинг қилмишлари, юқорида айтилганидек, жиноятлар жами бўйича квалификация қилинади.

11§. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлик учун жиноий жавобгарлик

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида"ги Конуннинг 8-моддасида айтилишича, лицензия олиниши керак бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун зарур лицензияни олиши шарт.

Тадбиркорларнинг лицензия олиниши керак бўлган фаолиятига рухсатнома бериш ва бундай рухсатномани хақиқий эмас деб топиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган 2000 йил 25 майдаги «Фаолиятнинг айrim турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Конун билан белгиланади⁷³. Унда мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар (ташкилотлар), шу жумладан, чет эл корхоналари ва қўшма корхоналар фақат маҳсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланишга ҳақли бўлган фаолият турлари қонунларда белгилаб қўйилади, деб кўрсатилган. Масалан, портловчи

⁷³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси – 2000, №5-6

ва заҳарли моддаси ҳамда бундай моддаларни қўллаган ҳолда бошқа буюмлар яратиш, ишлаб чиқариш, уларни ташиш ва сотиш, ов ва спортга мўлжалланган ўқотар қуроллари ва унинг ўқ-дориларини, шунингдек тиғли қуроллар (миллий пичоқ турларидан ташқари) ишлаб чиқариш, уларни таъмирлаш ва сотиш, корхоналар ташкил этиш, лотереялар ва шунга ўхшаш тадбирлар ўтказиш учун албатта лицензия олиниши лозим.

Қонунда мустаҳкамлаб қўйилганидек, мазкур жиноят тадбиркорлик билан шуғулланишнинг амалга оширилишини тартибга солувчи ижтимоий муносабатларга қаратилган тажовузда намоён бўлади.

Жиноят лицензия олиниши лозим бўлган фаолият билан маҳсус рухсатнома олмасдан шуғулланишда ифодаланади, яъни бу жиноят формал таркибли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Савдо соҳасидаги жиноятларга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорида "амалдаги қонунларига мувофиқ, савдо фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун маҳсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинади. Бундай рухсатноманинг йўқлиги, айбор мұқаддам шундай ҳаракатлар учун бир йил мобайнода Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, Жиноят кодексининг 190-моддаси бўйича жавобгарликни юзага келтиради. Агар бунда айборнинг савдо фаолиятини фақат рухсатнома (лицензия)сиз амалга оширибина қолмай, балки рўйхатдан ўтишдан ҳам бўйин товлаганлиги аниқлансанда унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 188 ва 190-моддалари мажмуи билан квалификация қилинмоғи лозим"⁷⁴, деб тушунтирилади.

Ушбу модда маъмурий прелюдияга эга. Шунинг учун ЎзР ЖК 190-моддасининг 1-қисми бўйича жиноий жавобгарлик лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан маҳсус рухсатнома олмасдан шуғулланган шахсга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилганидан кейин содир этилган ҳоллардагина юзага келади.

Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш жинояти қасдан содир этилади. Жиноятнинг мотив ва мақсади ҳар хил бўлиши мумкин, аммо улар қилмишнинг квалификациясига таъсир кўрсатмайди.

Мазкур жиноят бўйича 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 190-моддаси 1-қисмига кўра, шахс лицензия олиши шарт бўлган фаолият билан рухсатнома олмасдан шуғулланиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этган бўлса, энг ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача муддатга аҳлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами (1991-1997), 1-жилд, Т., Шарқ - 1997

Ушбу қилмишнинг хавфли рецидивист ёхуд бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этиши фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Унга кўра шахс ЖК 184-моддасининг 2-қисмига кўра энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Мазкур жиноятни квалификация қилишда фаолият билан лицензиясиз шуғулланган шахс соликларни тўлашдан ҳам бўйин товлаган бўлса, унинг харакатлари ЎзР ЖК 190 ва 184-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг жами бўйича жавобгарликни вужудга келтиришини назарда тутмоқ лозим.

12§. Рақобатчини обрўсизлантирганлик учун жиноий жавобгарлик

Рақобатчини обрўсизлантириш жинояти хўжалик юритувчи субъектларнинг товар бозорида қонуний рақобат қилмишни тартибга солувчи ижтимоий муносабатларга қарши қаратилган тажовузларда намоён бўлади.

Жиноят босма ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнлар ёки оммавий ахборот воситалари орқали хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш мақсадида била туриб ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатишда ифодаланади.

Тарқатиш деганда, босма ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнларни ёки оммавий ахборот воситалари орқали ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маъмуютларни хабар қилиш тушунилади.

Агар маълумотлар бутунлай ҳақиқатга мос келмаса, улар ёлғон ҳисобланади. Ноаниқ маълумотлар эса, уларнинг қисман рост эканлигини билдиради. Ҳақиқий маълумотларга мос келмайдиган маълумотлар бузиб кўрсатилган бўлиши ҳам мумкин.

Босма усулда кўпайтириш деганда, маълумотларни хар қандай бошқача усулда (ксеронусҳа олиш, кўпайтириш, фотосуратга олиш, турли ёзув машинкаларидан фойдаланиш, маълумотларни қўлда ёзиб олиш ва ҳоказо йўл билан) кўпайтириш тушунилади.

Жиноят босма ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнларда ёки оммавий ахборот воситалари орқали била туриб ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар ошкор қилинган пайтдан эътиборан, яъни улар ўзга шахсларга маълум бўлган пайтдан тамом бўлган деб топилади.

Ушбу жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган ахборотни тарқатаётганини олдиндан билади.

Жиноятни содир этишдан мақсад — хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш бўлиб, у субъектив томонининг зарурӣ белгиси ҳисобланади. Бундай маълумотларни тарқатган шахс хўжалик юритувчи субъектининг ишбилармонлик нуфузига путур етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган бўлса, унинг харакатларида мазкур жиноят таркиби бўлмайди.

Ушбу жиноят бўйича 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 192-моддасига кўра, шахс ушбу жиноятни содир этганлиги учун энг кам ойлик иш ҳакининг эллик бараваридан юз бараваригача микдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёҳуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

XVI боб. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш

18. Тадбиркорлик фаолияти соҳасида вужудга келадиган низолар тушунчаси ва моҳияти

Хўжалик судига иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар, иқтисодиёт соҳасида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар ва ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қонун билан хўжалик судига тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин⁷⁵.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига кўра, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётиning негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқининг устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиигини муҳофаза этилишини кафолатлади.⁷⁶

Тадбиркорлик соҳасида вужудга келадиган низолар турлича бўлиб, бу қонун хужжатлари орқали белгиланади.

Бундай қонунчилик хужжатларига Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси⁷⁷, Ўзбекистон Республикасида «Мулкчилик тўғрисида»⁷⁸ги, «Корхоналар тўғрисида»⁷⁹ги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги «Ижара тўғрисида»ги⁸⁰, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги⁸¹, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги⁸², «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги⁸³, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги⁸⁴, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги⁸⁵, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги⁸⁶ Қонунларе, Хўжалик процессуал кодекси⁸⁷ ва бошқа бир қатор³ онунларни киритиш мумкин.

⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси. Т.: Адолат, 1998 й, 23 – м.

⁷⁶ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Т.: Ўзбекистон, 2000 й, 53 – м.

⁷⁷ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси Т.: Адолат, 1996 й

⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси – 1990 й. №31-33, 375–м.

⁷⁹ Халқ сўзи – 2000 йил – 15 июнь

⁸⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси – 1992 й. №1, 45 – м.

⁸¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси – 1998 й. №5-6, 91- м.

⁸² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси – 1996 й. №5-6, 61- м.

⁸³ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси – 1993 й. №1, 13 – м.

⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси – 1998 й. №5-6, 84- м.

⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси – 1998 - №5-6, 86–м.

⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси – 1998 - №5-6, 88-м.

Тадбиркорлик фаолиятида келиб чиқувчи низоларга қуидагиларни киритиш мумкин:

- тузилиши қонунда назарда тутилган шартнома юзасидан келиб чиқсан келишмовчиликлар ёки шартнома юзасидан келиб чиқсан бўлиб, ҳал этиш учун хўжалик судига топшириш ҳақида тарафлар ўзаро келишган ихтилофлар;
- шартнома шартларини ўзгартириш ёки шартномани бекор қилиш ҳақидаги низолар;
- мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги низолар;
- мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги низолар;
- мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан мол – мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги низолар;
- мулкдорнинг ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилганлиги тўғрисидаги низолар;
- етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар;
- шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги низолар;
- давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун хужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган хужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги низолар;
- ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро хужжатини ёки бошқа хужжатни ўзи ижро этилиши мумкин эмас, деб топиш тўғрисидаги низолар;
- давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик устидан берилган шикоят;
- агар қонунда сўзсиз (акцептсиз) тартибда жарима ундирилиши назарда тутилмаган бўлса, текширув вазифаларини амалга оширувчи давлат органлари томонидан ташкилотлар ва фуқаролардан жарималар ундирилиши тўғрисидаги низолар;
- текширув вазифаларини амалга оширувчи органлар томонидан қонун хужжатларини талабларини бузган ҳолда сўзсиз (акцептсиз) тартибда ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини бюджетдан қайтариш тўғрисидаги ва бошқа низолар.

Қайд этилган низоларни тоифалари ва хусусиятига қараб, фуқаролик, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи иқтисодий низолар деб аташимиз мумкин.

Бундан ташқари, тадбиркорлик соҳасида бошқа тоифадаги низолар, жумладан тадбиркорларнинг ҳуқуқларини вужудга келиши, ўзгариши ва бекор

⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси. Т: «Адолат» 1998 й

бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш (юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш), ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги билан боғлиқ низолар келиб чиқиши мумкин.⁸⁸

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддаси⁸⁹, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг З-моддаси мулкчиликни ё турли шаклларига асосланган тадбиркорлар ўртасидаги низоларни иқтисодиёт соҳасида вужудга келувчи низолар ва иқтисодиётни бошқариш жараёнида вужудга келувчи низоларга ажратади⁹⁰. Иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келувчи низоларни ё умумийлиги шундан иборатки, иккаласи ҳам иқтисодиёт соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.⁹¹

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 24–моддасида тадбиркорлик соҳасида вужудга келувчи низолар батафсил кўрсатилган.⁹² Қайд этилган ушбу низоларни фуқаролик-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар ва маъмурий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи иқтисодий низоларга ажратиш мумкин.

Фуқаролик-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи иқтисодий низоларга:

- тузилиши қонунда назарда тутилган шартнома юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлар ёки шартнома юзасидан келиб чиққан бўлиб, ҳал этиш учун хўжалик судига топшириш ҳақида тарафлар ўзаро келишган ихтилофлар;
- шартнома шартларини ўзгартириш ёки шартномани бекор қилиш ҳақидаги низолар;
- мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги низолар;
- мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги низолар;
- мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан мол-мulkни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги низолар (виндикация);
- мулкдорнинг ёки мол-мulkнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилганлиги тўғрисидаги низолар;
- етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар;
- шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги низоларни киритиш мумкин.

Тузилиши қонунда назарда тутилган шартнома юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлар ёки шартнома юзасидан келиб чиққан бўлиб, ҳал этиш учун хўжалик судига топшириш ҳақида тарафлар ўзаро келишган ихтилофлар ўз моҳиятига кўра шартнома олди низоси бўлиб ҳисобланади.

⁸⁸ М.Абдусаломов. Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари. Т.: Шарқ, 1998 й, 23 - бет

⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 33 - бет

⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси. Т: «Адолат» 1998 й

⁹¹ В.С.Анохин. Арбитражное процессуальное право России. М: ГИЦ Владос. 1999 г., 131 - бет

⁹² Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси. Т.: Адолат, 1998 й., 11 - бет

Фуқаролик кодексининг 377-моддаси 6-қисмида кўрсатилганидек, агар Фуқаролик кодекси ёки бошқа қонунларга мувофиқ шартнома тузиши мажбурий бўлган тараф уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф уни шартнома тузишга мажбур қилиш талаби билан хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

Тадбиркорлар ўртасидаги шартнома тузишдан олдин келиб чиқадиган низоларга яна ташкилотни ё оммавий шартнома тузишдан бош тортиши оқибатида (ФК 358-моддаси, 4-қисми), дастлабки шартномани тузган тараф асосий шартномани тузишдан бош тортганида (ФК 361 – моддаси 5-қисми) келиб чиқувчи низоларни келтириш мумкин.

Тадбиркорлар ўртасидаги шартнома шартларини ўзгартириш ёки шартномани бекор қилиш ҳақидаги низолар шартнома тури ва тузилиши тартиби қандай бўлишидан қатъий назар, хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилади.

Бундай низоларга яна шартномага ўзгартириш киритиш, шартномани бекор қилиш ҳақидаги (ФК 382, 384-моддалари ё 1-қисми) низоларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бунда Фуқаролик кодексининг 382 – моддасига кўра агар Кодексда, бошқа қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат иккинчи тараф шартномани жиддий равища бузган ҳолларда, Фуқаролик кодекси, бошқа қонунлар ва шартномада кўзда тутилган ўзга ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади.

Бир тараф шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, қонун ёхуд тарафларнинг келишувида бунга йўл қўйилса, шартнома тегишлича бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳисобланади.

Бундан ташқари, шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, агар бошқача тартиб шартномада белгиланган бўлмаса ёки унинг моҳиятидан англашилмаса, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Вазиятнинг жиддий ўзгариши деб, агар унинг шундай даражада ўзгаришини тарафлар олдиндан кўра билганларида улар шартномани умуман тузмасликлари ёки анча бошқача шартлар билан тузган бўлишлари мумкинлигига айтилади. Бундай вазият туфайли шартномага ўзгартишлар киритиш ёки уни бекор қилиш масаласини биринчи галда тарафларнинг ўзи ҳал қилишлари мумкин. Агар тарафлар бу масалада келиша олмасалар низо суд томонидан ҳал қилинади.⁹³

⁹³ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шархлар. Т.: «Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси» нашриёт уйи. 1997 й., 497-500 бетлар

Тадбиркорлик соҳасидаги мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги низоларга реквизиция ўтказилишига сабаб бўлган вазиятларнинг амал қилиш тўхтаганидан сўнг мол-мулк эгасининг мол-мулк қиймати ёки сақланиб қолинган мол-мулкни қайтариб бериши ҳақидаги (ФК 203-модда) улушли мулк иштирокчисини ўз улушини умумий мол-мулқдан ажратиб беришни талаб қилиши ҳақидаги (ФК 223-модда) ва бошқа низоларни келтириш мумкин.

Мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги низолар тадбиркорлар ўртасида энг кўп миқдорни ташкил қилувчи низолар.⁹⁴

Бу ерда сўз мажбуриятдан келиб чиқувчи ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ низолар хусусида боради. Бундай низоларга шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик натижасида келиб чиқувчи низоларни, яъни маҳсулот етказиб бермаганлик учун неустойка ундириш, сифатсиз маҳсулот етказиб берганлик учун неустойка ундириш ҳақидаги низоларни келтириш мумкин.

Мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан мол – мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги низолар... Бунда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 228–моддасига кўра, мулкдор ўз мол-мулкини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли (виндикация).

Виндикацион даъво агарда, аниқ бир шахснинг мулкка эгалик ҳуқуқи бузилган бўлса, мулк мулкдорнинг эгалигига бўлмаса ва унинг эгалигидан чиқиб кетган бўлса, мулк қонунсиз эгалловчи эгалигига ҳақиқатда мавжуд бўлса ҳамда қонунсиз эгалловчи мулкнинг ноқонуний эгаси бўлган тақдирда, судга мурожаат қилиш учун асос бўлади.

2§. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари

Тадбиркорни ё ҳуқуқини ҳимоя қилиш – бу фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг дастлабки ҳаракати, воситаси ҳисобланниб унга мувофиқ судларда иш қўзғатилади; асос бўлиб эса ариза, шикоят, даъво расмий илтимоснома ёки бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилишга қаратилган бошқа қонун йўл қўйган ҳаракат ҳисобланади. Айтиш лозимки, ҳимоя қилиш усули – бу ҳимояланадиган ҳуқуқни муҳофазалашдаги юридик фаолиятнинг бир кўриниши ва тартиби бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирда республикамиздаги қонунлар билан назарда тутилган чоралар тадбиркорларнинг фуқаролик ҳхуқуқини ҳҳимоя қилишнинг якунловчи кўриниши ҳисобланади. Республикамиздаги қабул қилинган, амал қилаётган Фуқаролик (цивилистиқ) қонунлари тадбиркор-фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқини ҳҳимоя қилишнинг бошқа усулларини ҳам қўллади. Тадбиркорларнинг субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари деганда, қонун билан мустаҳкамланган мажбурлаш ҳаракатларидағи моддий-ҳуқуқий нормалар воситаси билан ҳуқуқни тан олиш, бузилган ёки низолашилаётган

⁹⁴ М.Азимов. Хўжалик суди томонидан ҳал этиладиган низолар (Хўжалик процессуал кодексига шархлар) Хўжалик ва ҳуқуқ - 1999 й, 1 –сон, 22-24 бетлар

хуқуқни тиклаш ва хуқуқни бузувчига нисбатан иқтисодий таъсир чоралар кўришга тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ёдексининг 11-моддаси фуқаролик хуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини белгилаб берган. Унга кўра, бўқаролик хуқуқларини ҳимоя қилиш тубандаги усуллар билан амалга оширилади: хуқуқни тан олиш орқали; хуқуқ бузилишидан аввалги ҳолатни тиклаш ва ҳхуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини тугдирадиган ҳхаракатнинг олдини олиш; битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш; давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш; тадбиркорнинг ўз ҳхуқуқини ҳимоя қилиши; қонун ёки шартномадан келиб чиқадиган бурчни аслича (натура шаклида) бажаришга мажбур қилиш; заарни тўллаттириш; неустойка (айбона)ни ундириш; маънавий зарар, зиённи қоплаш; хуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш; давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини низоларни кўришда суд томонидан қўлламаслик ва тадбиркорнинг фуқаролик хуқуқларини қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан.

Юқорида санаб ўтилган тадбиркорнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш усулларининг қонунда белгилаб қўйилганлиги ҳуқуқи бузилган тадбиркорга ўзининг бузилган ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг айнан ўзига мақбул бўлган ана шу аниқ бир усулини танлаб олиш имкониятини беради. Айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ёдекси 11-моддасида ҳам тадбиркорликка оид бошқа қонунларда бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг тўлиқ рўйхати берилмаган. Чунки, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш усули бевосита қонуннинг ўзида ёки амалдаги қонун ҳужжатларида кўрсатилмасдан балки унга зид бўлмаган ҳолда тарафлар томонидан шартномада ҳам назарда тутилиши мумкин. Масалан, пудрат шартномаси бўйича пудратчи шартномада назарда тутилган пудрат ишларини ўз муддатида бажаришга киришмайди ёки аксинча киришган бўлсада жуда секинлик билан бажараётган бўлиб, уни муддатида тугатиши аниқ мумкин бўлмайдиган ҳолат келиб чиққанида, буюртмачи шартномадан воз кечиб, етказилган заарни қопланишини талаб қилишга ҳақли ҳисобланади (ФКнинг 642-моддаси).

Тадбиркорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишлиланган Фуқаролик Кодексининг 11-моддасидаги санаб ўтилган усуллар, қонунда ва шартномада белгиланган бошқа усуллар назарий жиҳатдан 3-гурухга бўлинади: а) ҳимояни фақат суд орқали амалга оширилиши; б) ҳуқуқни ҳимоя қилишни суд орқали амалга ошириш ҳамда судга мурожаат қилмасдан амалга ошириш; в) ҳуқуқни ҳимоя қилишни суднинг иштирокисиз, яъни ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиш усули билан амалга оширилади.

Тадбиркорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг яна бир муҳим усули бўлиб давлат органининг ҳокимият, бошқарув усулларини қўллаш билан амалга оширилади. Агар давлат ёки бошқа орган томонидан унинг ваколатига ёки қонунчилик талабларига мувофиқ келмайдиган ҳужжат чиқарилиши натижасида тадбиркорнинг ҳуқуқи бузилса, у бундай ҳужжатни қонуний кучга эга эмас деб эътироф этиш ҳақида ариза билан хўжалик судига мурожаат

қилишга ҳақли ҳисобланади. Давлат тадбиркорнинг хуқуқларига ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини кафолатлади, эркин, ҳалол рақобат учун шароит яратади, молиявий-ашёвий, меҳнат, ахборот ва бошқа ресурсларни олишда, бу ресурслар бозорининг монополия қилинишига йўл қўймай, тенг имкониятларни таъминлайди.⁹⁵

Давлат ёки бошқа органларнинг ёхуд уларнинг мансабдор шахсларининг тадбиркор хуқуқини бузадиган, чеклайдиган кўрсатмаларнинг бажарилиши натижасида тадбиркорга етказилган заар шу органлар томонидан бой берилган фойдани ҳам киритиб қопланиши лозим.

Тадбиркорнинг фуқаролик хуқуқини ҳимоя қилиш усувлари рўйхатидан жавобгарликнинг учта аниқ чораларини ажратиб кўрсатиш мумкин. а) заарни қоплаш; б) неустойка (айбона)ни ундириш; в) маънавий заарни қоплаш; жавобгарликнинг бу чоралари шу билан характерланадики, бунда тадбиркорнинг хуқуқини бузган айбдор шахсга нисбатан қонун ёки шартномадан келиб чиқадиган асосий бурчни бажаришга мажбур қилишдан ташқари уни қўшимча жавобгарлик сифатида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ёдексининг 11-моддасида хуқуқни ҳимоя қилиш усули сифатида «хуқуқни тан олиш» кўрсатилган. Даъвогарнинг ўзига ва фақат ўзига тегишли бўлган хуқуқни тан олиш ҳақидаги даъвоси суд органига қаратилган бўлиб, хуқуқни бу тарзда ҳимоя қилиш бу ҳақда маълум шаклдаги суд ҳужжатини чиқариш орқали амалга оширилади. Бу ҳужжатда тадбиркорнинг низолашилаётган хуқуқининг мавжудлигини тан олиш ёки бундай хуқуқнинг унга тегишли эмаслигини аниқ кўрсатилиши лозим.

Истисно тариқасида даъвогарга бу хуқуқнинг тегишинча ихтиёрий равишда судгача тан олиниши ҳоллари ҳам хуқуқни ҳимоя қилиш усули бўлиши мумкин. Фуқаролик ёдекси 11-моддасида тадбиркорнинг хуқуқларини ҳимоя қилишнинг иккинчи усули сифатида «хуқуқ бузилишидан аввалги ҳолатни тиклаш ва хуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш» кўрсатилган. Хуқуқнинг бузилишидан аввалги ҳолатни тиклаш виндикациялаш усули орқали амалга оширилиб, биз буни мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгаллашидан талаб қилиб олишда вужудга келадиган фуқаролик хуқуқий муносабатда кўришимиз мумкин (ФКнинг 228-моддаси).⁹⁶

Умумий қоидага кўра, хуқуқни ҳимоя қилишнинг виндикациялаш усули мулқдорнинг ўзига хусусий мулк хуқуки асосида тегишли бўлган мулкининг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича ўзининг эгалигидан чиқиб кетиши туфайли унинг ўзгаларнинг ноқонуний эгаллашидан талаб қилиб олиниши ҳисобланади. Бунда даъвогар бўлиб мулқдор тадбиркорнинг ўзи, айrim ҳолларда эса унинг манфаатини ҳимоя қилиб, прокуратура идоралари

⁹⁵ Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Конун //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси – 1997 - № 2 – 54-модда

⁹⁶ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шархлар. Т.: «Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси» нашриёт уйи. 1997 й. 375-376 - бетлар

мансадбор шахслари мурожаат қиладилар.

Тадбиркорнинг субъектив ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг кенг тарқалган усууларидан бири унинг ҳуқуқини бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатнинг олдини олиш ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқни айнан шу шахсга тегишли эканлигини тан олиш орқали ҳимоя қилишнинг бошқа усуулари: масалан заарни қоплаш, неустойкани ундириш билан бирга қўшилиб амалга оширилиши мумкин. Шу билан бирга бу усул агар мулкдор ҳуқуқининг бузилиши мулк ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ҳолларда қўпроқ қўлланади. Бундай усул бузилган ҳуқуқни негатор даъво орқали ҳимоя қилиш бўлиб, мулкдан фойдаланиш ва тасарруф қилишни ҳимоя қилишга қаратилган усул ҳисобланади (ФКнинг 231-модда).⁹⁷ Масалан, тадбиркорлик билан шуғулланувчи тузилма (корхона) ижарага олинган ер участкасидан ёки сотиб олинган бинодан бошқа бир тузилма (корхона)нинг ўзига тегишли қисмидан фойдаланишига тўсқинлик қилганда бунда ердан чекланган ҳолда фойдаланишга бўлган ҳуқуқ - сервитут ҳуқуки вужудга келади. Низоли битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва уни ҳақиқий ҳисобланмаслиги оқибатларини қўллаш билан ҳуқуқни ҳимоя қилиш орқали мулкдор тадбиркорнинг ҳуқуқ бузилишидан аввалги ҳолатини тиклаш усули амалиётда кам бўлса ҳам учрайди. Ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг бу усули Фуқаролик ёдексининг 9-боби 2 параграфи (113, 128-моддалари) қоидалари билан тартибга солинади.

Тадбиркорнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг кейинги усули бу давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш ҳисобланади. Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларига мувофиқ келади. Ҳар бир шахс, жумладан, тадбиркор ўзининг қонун билан ҳимояланадиган ҳуқуқларининг давлат органлари томонидан қонун талабларига мувофиқ бўлмаган давлат ва жамият манфаатларига зид бўлган маъмурий ҳужжат қабул қилиниши ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари билан унинг манфаатларига зарар етказиладиган бўлса улар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишлари мумкин (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 44-моддаси). Мазкур ҳужжатни бекор қилиш ҳақида судга мурожаат қилиш учун асос бўлиб, қабул қилинган ҳужжатнинг қонунга, қонун ҳужжатларига ва мулкдорнинг қонун билан ҳимояланадиган манфаатларига хилоф бўлиши ҳисобланади. Қабул қилинган ҳужжатни бекор қилишни сўраб, судга мурожаат қилишнинг яна бир асоси бу актнинг ваколати бўлмаган идора томонидан қабул қилиниши ҳисобланади. Ҳужжатни бекор қилиш ҳақидаги аризани кўриб чиқишида суд ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топади, бу ҳолат эса ҳужжатнинг юридик кучини, аҳамиятини йўқотганлигини тасдиқлайди.

Қонунга хилоф қабул қилинган ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 24-моддаси қоидасига кўра бошқарув соҳасидан келиб чиқадиган низоларга нисбатан қўлланилади.

⁹⁷ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи. 1997 й. 375-376 - бетлар

Тадбиркор ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг яна бир усули мажбуриятни, яъни бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш ҳисобланади.

Бунга кўра, ҳуқуқни бузувчи жабрланган тарафнинг талаби бўйича шартномада мажбурият сифатида белгиланган ҳаракатни реал ижро этиши лозим. Юридик адабиётларда қонуннинг мазмунидан келиб чиқиб шартномадан ёки қонундан келиб чиқсан мажбуриятни бажаришни пул компенсацияси тарзида ижро этилишидан фарқланади. Бундай ҳолларда жабрланган тараф шартнома иштирокчиси сифатида, мажбуриятни аслича (натура) ижро этишни талаб қилишга ҳақли, фақат кредиторда мажбуриятни аслича ижро этишга қизиқиш йўқолганида ёки мажбуриятни аслича ижро этиш учун қарздорнинг имконияти объектив равишда йўқ бўлганида жабрланган кредиторнинг ҳоҳишига кўра ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг бошқа усули билан алмаштирилиши мумкин.

Тадбиркорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг яна бир муҳим усулларидан бири бўлиб, зарарни қоплаш ва айбона (неустойка)ни ундириш ҳисобланади. Бу тадбиркорнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ва ҳуқуқларининг ҳимоя қилишнинг жуда кенг тарқалган усули ё́р.⁹⁸ Фуқаролик ҳуқуқида зарарни икки турга бўлиниб яъни реал зарар, ҳамда олинмай қолинган даромад шаклига ажратиб ўрганилади. Умумий қоидага кўра зарар – бу ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқни йўқолган, зарарланган мулкига тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатларига тушунилади. Ҳуқуқ меъёрларини амалиётда қўллашда реал зарар бевосита кўрилган зарар деб аталади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ёдексининг 14-моддасида олинмай қолинган даромаднинг расмий тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра шахснинг ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) деб тушунилиши белгиланган. Мазкур модда қоидасига кўра агар ҳуқуқни бузган шахс бошқа зарар билан бир қаторда бой берилган фойданинг бундай даромаддан кам бўлмаган миқдорда тўланишини талаб қилишга ҳақли бўлади (14-модда 3-қисм). Бундай ҳолат фуқаролик ҳуқуқида етказилган зарарнинг уни етказган шахс томонидан тўлиқ қоплаш тамойили асосида ундирилиши деб аталади.⁹⁹

Амалдаги қонунчилик билан давлат эҳтиёjlари учун товар етказиб беришда етказилган зарарни қоплашнинг маҳсус режими белгиланган. Фуқаролик ёдексининг 464-моддаси 1-қисми қоидасига кўра агар давлат эҳтиёjlари учун товарлар етказиб бериш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ёки давлат контрактида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, давлат контрактининг бажарилиши муносабати билан маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)га етказилган зарар давлат контрактига мувофиқ товар топширилмаган

⁹⁸ Е.К.Есниязов. Масъулиятызлик учун жавобгарлик. «Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари» хабарномаси. 2000 й – октябр. 10 (21)-сон

⁹⁹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи. 1997. 91-101 - бетлар

кундан эътиборан кўпи билан ўттиз (30) кун мобайнида давлат буюртмачиси томонидан қопланиши лозим.¹⁰⁰

3§. Низоларни ҳал қилувчи суд идоралари, уларнинг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги (янги таҳрири) Конунёning 3-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат судлар томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси суд тизими Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судларини ўз ичига олади. Фақат мазкур судларгина одил судловни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддасига кўра мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.¹⁰¹

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, иқтисодий низоларни кўриб чиқиши ва ҳал қилиш хўжалик судларининг мутлақ ваколати ҳисобланади.¹⁰²

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 3-моддасига биноан хўжалик судларида суд ишларини юритиш вазифалари:

-иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

-иқтисодиёт соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш кабилардан иборат.

Республикамизда хўжалик судлари тизими Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди республика хўжалик суд судлови соҳасида суд ҳокимиятининг энг Олий органи бўлиб ҳисобланади. У томонидан қабул қилинадиган хужжатлар қатъий, узил-кесил характерга эга ва республиканинг ҳамма худудида бажарилиши мажбурийdir. У Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари судлов фаолияти устидан назорат қилиш ҳуқуқига эгадир. Унинг ваколати доирасига Олий хўжалик суди Пленуми раҳбарий кўрсатмаларининг хўжалик судлари томонидан бажарилиши устидан назорат қилиш, ишларни

¹⁰⁰ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи. 1998. 151-153 - бетлар

¹⁰¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2000 й. 33-бет

¹⁰² М.Абдусаломов. Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари. Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. 1998 – 35 - бет

биринчи инстанция суди сифатида, кассация тартибida ва назорат тартибida кўриш, қуи хўжалик судлари фаолиятини текшириш, хўжалик судлари ишларини ташкил қилишнинг ижобий тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва кенг ёйиши киради.

Олий хўжалик суди унинг Раиси, биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, судлов ҳайъатларининг раислари, судьялар ва мутахассислардан иборат. Унинг таркибида Олий хўжалик суди Пленуми, Раёсати, ихтисослаштирилган фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи ва маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъатлари, жамоатчилик асосидаги илмий-маслаҳат кенгаши, судьялар малака ҳайъати, бошқарма ва бўлимлар, «Хўжалик ва ҳуқуқ» – «Хозяйство и право» журнали таҳририяти, «Корхоналар банкротлиги ва санация масалалари» хабарномаси фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Олий хўжалик судининг Раиси:

Олий хўжалик суди фаолиятига ташкилий раҳбарлик қиласди;

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протестлар киритади;

ёшларни назорат тартибida текшириш учун талаб қилиб олади;

қонунда белгиланган тартибida Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорларининг ижросини тўхтатиб туради;

суд амалиётини умумлаштириш, шунингдек Олий хўжалик суди Пленуми раҳбарий кўрсатмаларининг бажарилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ишларини ташкил қиласди;

ишларни республиканинг бир хўжалик судидан иккинчи хўжалик судига олиб бериш масаласини ҳал қиласди;

Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсатини чақиради, уларнинг мажлисларида раислик қиласди;

Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати мухокамасига қонунга биноан уларнинг ваколатига тааллуқли бўлган масалаларни киритади;

Зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига киравчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;

Олий хўжалик суди Пленумининг раҳбарий кўрсатмалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ эмаслиги ҳақида Олий хўжалик суди Пленумига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини шарҳлаб бериш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ эмаслиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тақдимномалар киритади;

Олий хўжалик суди Пленумига судлов ҳайъатларининг таркиби, уларнинг раислари ҳақида, Олий хўжалик суди Раёсати ҳамда судьяларнинг малака ҳайъати таркиби тўғрисида тақдимнома киритади;

хўжалик судлари судьялигига номзодлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари судьяларини интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида иш қўзгатади;

Раис ўринbosарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Олий хўжалик суди ходимларини ишга қабул қилади ва бўшатади; аўйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

буқароларни ва корхона, муассаса, ташкилотларнинг вакилларини шахсн қабул қилади ҳамда ариза ва шикоятларни кўриб чиқиши ташкил этади;

конун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.¹⁰³

«Судлар тўғрисида»ги Конуннинг 54-моддаси Олий хўжалик суди Раисининг биринчи ўринbosари ва ўринbosарларининг вазифаларини белгилайди.

Улар:

хўжалик судларининг чиқарган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протестлар киритадилар;

Олий хўжалик суди судлов ҳайъатларининг ташкилий ишларига раҳбарлик қилади ва суд мажлисларида раислик қилиши мумкин;

ёшларни назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб оладилар;

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари томонидан чиқарилган, ўзлари протест киритиш ҳуқуқига эга бўлган ҳал қилув қарори, ажримлар ва қарорларнинг ижросини тўхтатиб турадилар;

буқаролар ва корхона, муассаса, ташкилотларнинг вакилларини шахсн қабул қиладилар;

Вазифа тақсимотига мувофиқ Олий хўжалик судининг таркибий бўлинмалари ишига раҳбарлик қиладилар;

конун ҳужжатларида ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

«Судлар тўғрисида»ги Конунга мувофиқ Олий хўжалик суди Пленуми хўжалик судларининг қонунларни татбиқ қилиши ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш бўйича мухим масалаларни ҳал қилади.

Олий хўжалик суди Пленуми:

суд амалиёти умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари юзасидан тушунтишлар беради;

Олий хўжалик суди раисининг тақдимномаларига биноан Олий хўжалик суди Раёсати таркибини, судлов ҳайъатларининг раислари ва таркибини, шунингдек Пленум котибини тасдиқлайди;

Олий хўжалик суди Раисининг тақдимномасига биноан Олий хўжалик суди ҳузуридаги Илмий – маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқлайди;

Раёсат иши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек Олий хўжалик суди судлов ҳайъатлари раисларининг ҳайъатлар фаолияти ҳақидаги маърузаларини тинглайди;

конун ҳужжатларини қўллаш амалиёти, шунингдек, Олий хўжалик суди Пленуми раҳбарий кўрсатмаларининг бажарилиши тўғрисида Қорақолпогистон

¹⁰³ Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Конуни (янги таҳрирда) //Т.: 2001 й.

Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари раисларининг маърузаларини тинглайди;

судьялар малака ҳайъатини сайлайди ва унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотини тинглайди;

Олий хўжалик суди матбуот органининг таҳир ҳайъати таркибини тасдиқлайди;

қонун ҳужжатлари билан ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Олий хўжалик суди Раёсати:

ёшларни назорат тартибида кўради, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг ишларни ташкил қилиш тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;

хўжалик судлари, Олий хўжалик судининг судлов ҳайъатлари ва аппарати ишини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Олий хўжалик суди судлов ҳайъатлари:

ёшларни биринчи инстанция ва кассация тартибида кўради;

суд амалиётини ўрганади ва умумлаштиради;

қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

суд статистикасини таҳлил қиласди;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари раис, раиси ўринбосарлари ва судьялардан иборат бўладилар.

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик суди:

ишларни ўз ваколатлари доирасида биринчи инстанция суди сифатида ва апелляция тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштиради;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари раиси:

суд фаолиятига раҳбарлик қиласди;

судлов ҳайъатлари мажлисларида раислик қилиши мумкин;

зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;

раиси ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

судьялар ўртасида ишларни тақсимлайди;

судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини ошириш ишини ташкил этади;

суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юритиш ишларини ташкил этади;

фуқароларни, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг вакилларини шахсн қабул қиласи ҳамда ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этади;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари раисининг ўринбосари:

вазифалар тақсимотига мувофиқ суд ишига раҳбарлик қиласи;

тегишли судлов ҳайъатлари ишини ташкил этади;

фуқароларни ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакилларини шахсн қабул қиласи;

суд раиси йўқлигига унинг ваколатларини амалга оширади;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

4§. Низоли ишларни кўришнинг, ҳал қилишнинг тартиб-қоидалари

Даъво аризаси хўжалик судига ёзма шаклда берилади. У даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Даъво аризасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1. ариза берилаётган хўжалик судининг номи;
2. ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи ва уларнинг почта манзиллари;
3. агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, даъвонинг баҳоси;
4. даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар;
5. даъво талабларини асосларини тасдиқловчи далиллар;
6. ундириладиган ёки низолашилаётган сумманинг хисоб – китоби;
7. даъвогарнинг қонун хужжатларини далил қилиб келтирган талаблари, даъво бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилганда эса – уларнинг ҳар бирига кўйилган талаблар;
8. низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;
9. илова қилинаётган хужжатлар рўйхати.

Даъво аризасида, агар низони тўғри ҳал қилиш учун зарур бўлса, бошқа маълумотлар ҳам, шунингдек даъвогарда мавжуд илтимосномалар кўрсатилади.

Даъво аризасига қуйидагиларни тасдиқловчи хужжатлар илова қилинади:

1. белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини;
2. даъво аризасининг ва унга илова қилинган хужжатларнинг нусхалари юборилганлигини;
3. низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигини, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;
4. даъво талабларига асос бўлган ҳолатларни.

Агар даъво аризаси даъвогарнинг вакили томонидан имзоланган бўлса, унинг даъво тақдим этишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Шартнома тузишга мажбур этганлик тўғрисидаги аризага шартнома лойиҳаси илова қилинади.

ХПКнинг 117 - моддасига мувофиқ судья қўйидаги ҳолларда даъво аризасини қабул қилишни рад этиши мумкин:

1. агар низо хўжалик судида кўриб чиқишига тегишли бўлмаса;
2. айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан иш юритишни тугатиш тўғрисида хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки ажрими ёхуд умумий суднинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ҳал қилув қарори ёки ажрими бўлса даъво аризани қабул қилиш рад этилади;
3. хўжалик судининг, умумий суднинг, ҳакамлар судининг иш юритишида айни бир шахслар ўртасида, айни бир предмет тўғрисида ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса;
4. айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қабул қилинган ҳакамлар судининг қонуний кучга кирган қарори бўлса, хўжалик суди ҳакамлар судининг қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини беришни рад этиб, ишни қарорни қабул қилган ҳакамлар судига янгидан кўриш учун қайтарган, бироқ ишни ўша ҳакамлар судида кўриш имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

Судья даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Судья даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни қўйидаги ҳолларда қайтаради, яъни:

1. даъво аризасининг ХПКнинг 112-моддасида белгиланган шакли ва мазмунига риоя қилинмаган бўлса;
2. даъво аризаси имзоланмаган ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;
3. иш мазкур хўжалик суди судловига тегишли бўлмаса;
4. ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга даъво аризасининг нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса;
5. белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, давлат божини тўлашни кечиктириш, бўлиб – бўлиб тўлаш мумкинлиги қонунда назарда тутилган ҳолларда бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;
6. шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганини тасдиқловчи

- хужжатларни тақдим этмаган бўлса;
7. битта даъво аризасида бир ёки бир неча жавобгарга ўзаро боғланмаган бир неча талаб бирлаштирилган бўлса;
 8. қонун хужжатларига ёки шартномага мувофиқ қарз ёхуд бошқа кредит муассасаси орқали олиниши лозим бўлганида, жавобгардан қарзни олиш учун банкка ёки бошқа кредит муассасасига мурожаат қилингандиги ҳақида далиллар тақдим этилмаган бўлса;
 9. агар даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилгунга қадар уни қайтариб олиш тўғрисида даъвогардан ариза тушган бўлса.

Хўжалик судининг судьяси юқорида қайд этилган асослар мавжудлигини аниқлаган ҳолларда, даъво аризасини қайтариш ҳақида у олинган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай ажрим чиқаради.

Даъвогарга жўнатиладиган ажримга даъво материаллари қўшиб юборилади.

Ишда иштирок этувчи шахс даъво аризаси юзасидан даъвога қарши эътиrozларини тасдиқловчи хужжатлар илова қилинган ёзма фикрини ва ишда иштирок этувчи шахсларга ёзма фикринг ҳамда уларда бўлмаган хужжатларнинг нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далилларни иш кўриладиган кунгача етиб боришини таъминлайдиган муддатда хўжалик судига юборишга ҳақли.

Ёзма фикрда қўйидагилар кўрсатилади:

1. ёзма фикр юборилаётган хўжалик судининг номи;
2. даъвогарнинг номи ва ишнинг тартиб рақами;
3. даъво талаблари рад этилган тақдирда, даъвогарнинг талабларини тўлиқ ёки қисман рад этишнинг қонун хужжатларига асосланган сабаблари, шунингдек эътиrozларни асословчи далиллар;
4. ёзма фикрга илова қилинаётган хужжатлар рўйхати; бошқа маълумотлар, шунингдек жавобгарда мавжуд бўлган илтимосномалар.

Ёзма фикр ишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга унинг ишни юритишга ваколати борлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Жавобгар иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқиши учун даъвогарга қарши даъво тақдим этишга ҳақлидир.

Қарши даъво тақдим этиш даъво тақдим этишнинг умумий қоидалари бўйича амалга оширилади.

Қарши даъво қўйидаги ҳолларда қабул қилинади:

1. қарши талаб дастлабки талабни ҳисобга ўтказиш (зачет)га қаратилган бўлса;

2. қарши даъвони қаноатлантириш дастлабки даъвони қаноатлантиришни тўлиқ ёки қисман истисно этса;
3. қарши даъво билан дастлабки даъво ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлиб, уларни биргаликда кўриб чиқиш низони тез ва тўғри кўришга олиб келса.

Хўжалик судларида биринчи инстанция бўйича ишлар судьянинг якка ўзи томонидан, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида эса уч нафар судьядан иборат таркибда кўрилади.

Суд раисининг қарори билан ҳар қандай иш ҳайъатда кўрилиши мумкин.

Апелляция, кассация, назорат инстанцияларида барча ишлар хўжалик суди томонидан ҳайъатда кўрилади.

Иш ҳайъатда кўрилаётганда суднинг таркиби уч ёки унда ортиқ тоқ нафар судьядан иборат бўлиши керак.

Ишни кўриш чогида ҳамма судьялар тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Хўжалик процессуал кодексининг 15-моддасига мувофиқ судьяга ишни ва айрим масалаларни якка тартибда ҳал қилиш ҳуқуки берилган бўлса, у хўжалик суди номидан ҳаракат қиласди.

Хўжалик судида иш ҳайъатда кўрилаётганда ва ҳал қилинаётганда келиб чиқадиган масалалар судьяларнинг кўпчилик овози билан ҳал қилинади. Судьяларнинг бирортаси овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Мажлисга раислик қилувчи ҳаммадан кейин овоз беради.

Бошқа судьяларнинг қарорига қўшилмаган судья бу карорга имзо чекишига мажбур ва у ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақли. Алоҳида фикр ишга қўшиб қўйилади, лекин эълон қилинмайди. Ишда иштирок этувчи шахслар судьянинг алоҳида фикри билан таништирилмайдилар.

Судья ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки улар вакилларининг қариндоши бўлса, шу иш илгари кўрилганида эксперт, таржимон, прокурор, вакил ёки гувоҳ сифатида иштирок этган бўлса, ишнинг пировард натижасидан шахсн, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг холислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса ишни кўришда иштирок этиши мумкин эмас ва у рад қилиниши лозим.

Ишни кўраётган хўжалик суди таркибига бир – бирига қариндош бўлган судьялар кириши мумкин эмас.

Рад қилиш тўғрисида арз қилинган тақдирда, хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрини эшитиши, шунингдек агар рад қилиниши талаб этилаётган шахс тушунтириш беришни ҳоҳласа, уни эшитиши керак.

Ишни якка ўзи кўраётган судьяни рад қилиш масаласини хўжалик судининг раиси ёки суд ҳайъатининг раиси ҳал қиласди.

Иш ҳайъатда кўрилаётганда судьяни рад қилиш тўғрисидаги масала рад қилиниши талаб этилаётган судьянинг иштирокисиз қолган судьялар томонидан ҳал қилинади. Рад қилишни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони тенг бўлиб қолса, судья рад қилинган ҳисобланади.

Бир нечта судьяни ёки ишни кўраётган суд таркибини бутунлай рад қилиш масаласи шу суднинг тўлиқ таркибида, оддий кўпчилик овоз билан ҳал қилинади.

Прокурор, эксперт ва таржимонни рад қилиш масаласини ишни кўраётган суд ҳал қиласиди.

Рад қилиш масаласини кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

Ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида судья даъво аризаси келиб тушган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай қўйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

1. ишда иштирок этиш учун бошқа жавобгар ёки учинчи шахсни жалб этиш масаласини кўриб чиқади;
2. ишни юритиш тўғрисида манфаатдор шахсларни хабардор қиласиди;
3. ишда иштирок этувчи шахсларга, бошқа ташкилотларга, уларнинг мансабдор шахсларига муайян ҳаракатларни бажаришни, шу жумладан низони ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишини таклиф этади;
4. далилларнинг дахлдорлиги ва уларга йўл қўйилиши мумкинлигини текширади;
5. гувоҳларни чақириради;
6. экспертиза тайинлаш масаласини кўриб чиқади;
7. бошқа хўжалик судларига суд топшириқларини юборади;
8. ишда иштирок этувчи шахсларни чақириради;
9. тарафларни муросага келтириш чораларини кўради;
10. ишда иштирок этувчи ташкилотлар раҳбарларини тушунтириш бериш учун чақириш масаласини ҳал қиласиди;
11. даъвони таъминлаш чораларини кўради.

Судья низони тўғри ва ўз вактида ҳал қилишга қаратилган бошқа ҳаракатларни ҳам амалга оширади.

Иш хўжалик судининг мажлисида кўрилади.

Мажлисга раислик қилувчи судья:

1. хўжалик судининг мажлисини очади ва қандай иш кўрилишини эълон қиласиди;
2. ишда иштирок этувчи шахслар, хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари мажлисга келганлигини, уларнинг ваколатларини, мажлисга келмаган шахслар тегишли равища хабардор қилинганиларини ҳамда улар келмаганлигининг сабаблари тўғрисида қандай маълумотлар борлигини текширади;
3. суд таркибини эълон қиласиди, прокурор, эксперт, таржимон сифатида кимлар иштирок этаётганлигини маълум қиласиди ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг рад қилиш хуқуқини тушунтиради;
4. келган гувоҳларни сўроқ қилиш бошлангунча уларни мажлис залидан чиқарип юборади;

5. ишда иштирок этувчи шахсларга ҳамда хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради;
6. таржимонни била туриб нотўғри таржима қилганлик учун, экспертни била туриб нотўғри хулоса берганлик ёки хулоса беришдан бош тортганлик учун, гувоҳларни била туриб ёлғон қўрсатув берганлик ва кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки бўйин товлаганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради;
7. мажлисни олиб бориш ва далилларни текшириш тартибини белгилайди;
8. мажлисга раҳбарлик қилиб, иш учун аҳамиятли ҳолатлар аниқланишини таъминлади;
9. мажлисда тегишли тартибни таъминлаш чораларини кўради.

Мажлис залида ҳозир бўлганлар ёзма қайдномалар қилиш, стенограмма олиб бориш ва овоз ёзиб олиш ҳуқуқига эга. Суд мажлисини кинога ва фотосуратга олиш, видеотасвирга олиш, шунингдек радио ва телевидение орқали кўрсатишга ишни кўраётган суднинг рухсати билан йўл қўйилади.

Судьялар мажлис залига кирганларида залда ҳозир бўлганларнинг барчаси ўринларидан туради. Хўжалик судининг ҳал қилув қарорини залда ҳозир бўлганларнинг барчаси тик турган ҳолда тинглайди.

Ишда иштирок этувчи шахслар ва хўжалик судлов ишларининг юритишнинг бошқа иштирокчилари хўжалик судига тик турган ҳолда мурожаат қиласи ҳамда тушунтишлар ва кўрсатувлар беради. Бу қоидадан четга чиқишига факат раислик қилувчининг рухсати билангина йўл қўйилиши мумкин.

Мажлис вақтида тартиб бузилган тақдирда раислик қилувчи хўжалик суди номидан тартибни бузган шахсни огоҳлантиради. Тартиб тақороран бузилган тақдирда мазкур шахс раислик қилувчининг фармойиши билан чиқариб юборилиши мумкин.

Хўжалик суди ишни шу мажлисда кўриш мумкин бўлмаган тақдирда, шу жумладан ишда иштирок этувчи шахслар, гувоҳлар, экспертлар ва таржимонлардан бири келмаганлиги ёки қўшимча далиллар тақдим этиш зарурлиги сабабли ишни кўришни кейинга қолдиришга ҳақли.

Ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Хўжалик суди янги мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хўжалик судлов ишларини юритишнинг иштирокчилари топширилганлиги маълум қилинадиган хат билан ажрим ёки бошқа ҳужжатни юбориш орқали хабардор қилинадилар.

Ишни кўриш кейинга қолдирилгач, уни янгидан кўриш бошидан бошланади.

Суд мажлисида, шунингдек суд мажлисидан ташқарида айрим процессуал ҳаракатлар бажарилганда баённома тузилади.

Суд мажлисининг баённомасида қўйидагилар кўрсатилади:

1. суд мажлиси ўтказилган йил, ой, кун ва жой;
2. ишни кўраётган суднинг номи, суд таркиби;
3. ишнинг номи;

4. ишда иштирок этувчи шахслар ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари келганлиги тўғрисидаги маълумотлар;
5. ишда иштирок этувчи шахсларга ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;
6. суд томонидан мажлис залидан чиқиб кетмасдан чиқарилган ажримлар;
7. ишда иштирок этувчи шахсларнинг оғзаки арзлари ва илтимосномалари;
8. гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертларнинг ўз хulosаларини оғзаки тушунтиришлари;
9. айрим процессуал ҳаракатлар бажарилгандан олинган маълумотлар.

5§. Ҳал қилув қарорининг юридик моҳияти ва уни ижро этиш тартиби

Хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилишда:

1. далилларга баҳо беради;
2. иш учун аҳамиятли бўлган қайси ҳолатлар аниқланганлигини ва қайсилари аниқланмаганлигини белгилайди;
3. ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қайси қонун ҳужжатларини ушбу иш бўйича қўллаш мумкин эмаслигини ҳал қиласди;
4. ушбу иш бўйича қайси қонун ҳужжатларини қўллаш зарурлигини белгилайди;
5. ишда иштирок этувчи шахсларнинг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари борлигини аниқлайди;
6. даъвони қаноатлантириш лозимлиги ёки лозим эмаслигини ҳал қиласди.

Хўжалик суди маслаҳат вақтида далилларни қўшимча равища текширишни ёки иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлашни давом эттиришни зарур деб топса, ишни кўришни янгидан бошлайди.

Хўжалик суди ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қиласди.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори кириш, баён қилиш, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмida уни қабул қилган хўжалик судининг номи, суд таркиби, ишнинг тартиб рақами, иш кўрилган сана ва жой, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, низо предмети, мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари кўрсатилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг баён қилиш қисмida даъво аризасининг, унинг юзасидан билдирилган мулохазанинг, бошқа тушунтиришларнинг, ишда иштирок этувчи шахслар аризаларининг қисқача мазмуни ифодаланиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмida ишнинг хўжалик суди томонидан аниқланган ҳолатлари, хўжалик судининг бу ҳолатлар тўғрисидаги

хulosаларига асос бўлган далиллар ва хўжалик суди у ёки бу далилларни рад қилишига ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қонун ҳужжатларини қўлламаслигига сабаб бўлган важ, шунингдек суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда таянган қонун ҳужжатлари кўрсатилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг хulosса қисмида ҳар бир даъво талабини қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хulosалар бўлиши лозим.

Ишда бир неча даъвогар ва жавобгар иштирок этаётган бўлса, қарорда низо улардан ҳар бирига нисбатан қандай ҳал қилингани кўрсатилади.

Дастлабки даъвони ва қарши даъвони тўла ёки қисман қаноатлантирганда ҳал қилув қарорининг хulosса қисмида даъволарни ўзаро ҳисобга олиш натижасида ундирилиши лозим бўлган сумма кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг хulosса қисмида ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд ҳаражатларининг қандай тақсимланиши, ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ва тартиби кўрсатилади.

Агар хўжалик суди ҳал қилув қарорини ижро этиш тартибини белгиласа ёки унинг ижросини таъминлаш чораларини кўрса, бу тўғрида ҳал қилув қарорида кўрсатилади.

Ҳал қилув қарори имзолангандан кейин иш кўрилган мажлиснинг ўзида раислик қилувчи томонидан эълон қилинади. Алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар юзасидан асослантирилган ҳал қилув қарорини тузиш кўпи билан уч кунга кечикирилиши мумкин, аммо ҳал қилув қарорининг хulosса қисми ишнинг муҳокамаси тугаган мажлиснинг ўзида эълон қилинади. Айни бир вақтда раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслар асолантирилган ҳал қилув қарори билан қачон танишишлари мумкинлиги эълон қиласди.

Ҳал қилув қарорининг эълон қилинган хulosса қисми барча судьялар томонидан имзоланиши ва ишга қўшиб қўйилиши лозим.

Ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик суди қўйидаги ҳолларда қўшимча ҳал қилув қарори қабул қиласди:

1. ишда иштирок этувчи шахслар далиллар тақдим этган бирон-бир талаб бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинмаган бўлса;
2. суд ҳуқуқ масаласини ҳал қилиб, ундириладиган сумма миқдорини, берилиши лозим бўлган мол-мулкни ёки жавобгар бажариши шарт бўлган ҳаракатларни кўрсатмаган бўлса;
3. суд ҳаражатлари тўғрисидаги масала ҳал қилинмаган бўлса.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласи ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунча қўйилиши мумкин.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласи суд мажлисида ҳал қилинади. Ишда иштирок этувчи шахслар мажлис вақти ва жойи тўғрисида топширилганлиги маълум қилинади. Тегишли равишда хабардор қилинган ишда иштирок этувчи шахсларнинг келмаганлиги масалани кўришга тўскинлик қилмайди.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш рад этилган тақдирда ажрим чиқарилади.

Хўжалик судининг қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиниши мумкин.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда белгиланган тартибда ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 214-моддаси ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддатининг узилишини кўзда тутади.

Ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг олти ойлик муддати узилишига сабаб бўлади. Бу шуни билдирадики, олти ойлик муддат ичида ижро органига (банкка, бошқа кредит муассасасига ёки суд ижрочисига) юборилган ижро варақаси, биринчидан ушбу орган томонидан қандайдир муддатлар билан чегараланмаган ҳолда ижро этилиши мумкин; иккинчидан, ижро ҳужжати ижро этилмасдан ёки қисман ижро этилиб, ундирувчига қайтарилиганда у яна қайтарилиган кунидан бошлаб ҳисобланадиган олти ойлик муддат ичида такроран ижро этишга тақдим қилиниши мумкин.

Ижро варақасини ижро этиш учун тақдим этиш муддати суд ҳужжатининг қарздор томонидан қисман ижро этилиши билан узилади. Қонун ижро варақаси ижро этиш учун тақдим қилинмасидан ихтиёрий тарзда қисман ижро этилишини назарда тутади. Бу қарздор ўз мажбуриятини тан олганини ва уни бажармоқчи эканидан далолат беради. Бу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжат пул маблағи кўчирилигини тасдиқловчи тўлов топшириқномаси бўлиши мумкин.

Ижро варақаси ижро этиш учун тақдим этилганидан сўнг амалга оширилган қисман ижро этиш муддатининг ўтишига таъсир қилмайди, чунки муддат узилган ва шунинг учун ўтмайдиган бўлади.

Узилган муддат ҳамиша тикланади, аммо муддат узилгунича ўтган вақт янги муддатга қўшилмайди. Шундай қилиб, Хўжалик процессуал кодекси ижро жараёнида ундирувчининг хуқуқларини мустаҳкам тарзда кафолатлади.

Узилганидан кейин янги ижро этиш муддати ижро варақаси ундирувчига қисман ижро этилиб ёки умуман ижро этилмай қайтарилиганда бошланади. Қайтариш куни сифатида ижро варақаси банк ёки суд ижрочиси томонидан ундирувчига қайтарган ёхуд почта орқали жўнатган кун ҳисобланади. Ижро варақасини ижрога тақдим қилишнинг шунгача ўтган муддати янги муддат ҳисобига киритilmайдi. Хўжалик процессуал кодексининг 214-моддаси қайтаришнинг фақат бир асосини – ижро варақасини ижро этиш имконияти йўқлигини кўрсатади.

Агар ижро варақаси банк муассасасига берилган бўлса, у фақат ундирувчининг аризасига биноан қайтарилиши мумкин, чунки қарздорнинг ҳисобварагида маблағнинг йўқлиги ўз – ўзидан ундирувчининг тегишли аризасисиз ижро варақасини қайтариш учун асос бўла олмайди. Банк унда қарздорнинг ҳисобвараги мавжуд бўлмаганда ижро варақасини қайтаради.

Қисман ундирилган ёки умуман ундирилмаган ижро варақаси ундирувчига қуйидаги ҳолларда қайтарилади, ундирувчининг аризасига кўра;

агар қарздорнинг ундиришни қаратиш мумкин бўлган молқмулки ёки даромади бўлмаса; агар ундирувчи ижро этиш давомида сотилмаган қарздор мулкини ўзига олишдан ёки қарздордан суд қарорида кўрсатилиб, тортиб олинган предметларни олишдан бош тортса; гар ундирувчи кўрсатган манзилга қарздор ташкилот ёки унинг мулки жойлашмаган бўлса.

Агар қарздорнинг (тадбиркорнинг) ёки унинг мол-мулкининг жойлашган манзили тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаса, хўжалик суди қарздорга ёки унинг мол-мулкига ички ишлар идоралари лўкорқали қидирав эълон қилиш ҳақида ажрим чиқаради. Қидирав билан боғлиқ харажатлар қарздор ҳисобидан ундирилади.

Ижро варақасининг ундирувчига қайтарилиши бу ҳужжатни қонунда кўзда тутилган муддат чегарасида ижро этиш учун тақдим қилишга монелик қилмайди.

Ўтказиб юборилган ижро варақасини ижро этиш учун тақдим этиш муддатини тиклаш тартиби Хўжалик процессуал кодексининг 215-моддасида кўзда тутилган. Унга кўра ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати хўжалик суди томонидан узрли деб топилган сабаблар билан ўтказиб юборилганда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин.

1998 йил 27 июнданги Ўзбекистон Республикасида Накдиз ҳисоб китоблар тўғрисидаги Низомнинг 6.6-бандига мувофиқ банк хўжалик субъектлари фойдасига маблағларни ўчириш ҳақидаги қонунда кўзда тутилган муддатлари ўтган инкасса ҳужжатларини қабул қилмайди. Ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддати фақат тегишли ҳужжатни қабул қилган хўжалик судлари томонидан тикланади. Ушбу муддатни тиклаш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи фақат ундирувчига ёки унинг ҳуқуқий ворисига берилади. Аризага тегишли ижро варақаси илова қилинади. Аризада муддатнинг ўтказиб юборилганига сабаб бўлган ва аризачининг фикрига кўра, муддат тикланишига асос бўлиши мумкин бўлган важлар кўрсатилади.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик судига берилади. Ариза хўжалик судининг мажлисида ундирувчи ва қарздор топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинган ҳолда кўрилади. Бироқ уларнинг судга келмаганлиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди. Агар суднинг қарори ҳайъат таркибида қабул қилинган бўлса, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш масаласи ҳам шундай тартибда кўрилади. Хўжалик суди масалани кўриб чиққанидан сўнг аризани кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, унда аризани қаноатлантирилгани ёки уни рад қилинганлигининг сабаблари кўрсатилади. Ажрим ундирувчи ва қарздорга юборилади. Ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин.

Ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг олти ойлик муддати ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ажрим қонуний кучга кирганидан бошлаб ҳисобланади.

Банк, кредит муассасаси ёки суд ижрочиси ундирувчидан муддати ўтказиб юборилган ижро варақасини суднинг ўтказиб юборилган муддатни

тиклаш ҳақидаги ажрими бўлган тақдирдагина қабул қиласи. Ижро этиш муддати ўтказиб юборилган ижро варақаси ижрога қабул қилинмайди ва ундирувчига қайтарилади.

Ижро варақасини дубликатини бериш ХПКнинг 216-моддасида белгиланган.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига кўра мажбурий ундириш ижро варақаси асосида ва тегишли ҳолларда суд буйруги асосида амалга оширилади. Ҳал қилув қарорининг ўзи мажбурий ундириш учун ижро варақасининг ўрнини боса олмайди. Шунинг учун ижро варақаси йўқолгандан унинг дубликатини бериш кўзда тутилган. Дубликат йўқотилгани ўрнига бериладиган ва дастлабки ҳужжатнинг ўрнини боса оладиган ҳужжатга айтилади. Дастлабки ҳужжатдан у «Дубликат» деган маҳсус белгиси билан фарқланади. Дубликат хўжалик суди томонидан ундирувчининг аризасига кўра берилади, бунда дастлабки ҳужжат ким томонидан: банк, суд ижрочиси ёки ундирувчи – йўқотилгани ўрин тутмайди. Ариза йўқотилган ижро варақасини беришга асос бўлган суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик судига берилади.

Дубликатни бериш ҳақидаги аризада ижро варақаси йўқотилган ҳолатлар кўрсатилади ва аризачининг важларини тасдиқловчи далиллар илова қилинади. Бундай далиллар банклар ёки бошқа кредит муассасаларининг маълумотномалари, алоқа органлари ёки суд ижрочисидан олинган маълумотномалар бўлиши мумкин. Ундирувчи ташкилотнинг ижро ҳужжати йўқолгани ҳақидаги хабарномаси унинг раҳбари (ёки ўринбосари) ҳамда бош хисобчиси томонидан имзоланган бўлиши керак.

Ижро варақасининг дубликатини бериш ҳақидаги ариза у ижрога тақдим этилиши мумкин бўлган муддат ичида берилиши мумкин. Агар бу муддат ўтказиб юборилган бўйлса, дубликат бериш ҳақидаги ариза билан бир пайтда ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза билан ҳам мурожаат қилинади. Агар муддат тикланмаса, ижро варақасининг дубликатини бериш ҳам рад қилиниши лозим.

Ижро варақасини дубликатини бериш ҳақидаги ариза мазкур муддатни тиклаш ҳақидаги илтимосномасиз рад қилиниши керак. Суднинг аризани қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажримида рад этиш сабаби кўрсатилиши ва ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги ариза бериш хуқуки тушунтирилиши лозим.

Ижро варақасининг дубликатини бериш тўғрисидаги ариза хўжалик судининг мажлисида, ундирувчи ва қарздорга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинган ҳолда кўрилади, уларнинг келмаганлиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Дубликат бериш ҳақидаги масалани ҳал этишда хўжалик суди йўқотилган ижро варақаси бўйича қарор ижро этилган-этилмаганлигини аниқлаши лозим. Агар ижро этилган бўлса, дубликат бериш мумкин эмас.

Агар йўқотилган ижро варақаси бўйича қисман ижро этилган бўлса-да, бериладиган дубликатда ундириладиган суммани тегишлича ўзгартириш мумкин эмас. Дубликат йўқолган ҳужжатни тўлалигича такрорлаши шарт. Қисман амалга оширилган ижро дастлабки ижро варақси бўйича амалга

оширилиши мумкин бўлгани каби дубликат бўйича кейинчалик амалга ошириладиган ижрода ҳисобга олиниши лозим.

Дубликат берилган пайтдан бошлаб дастлабки олинган ижро варакаси ўз кучини йўқотади. Агар у кейинчалик топилса ҳам ундирувчи ундан фойдалана олмайди.

Дубликат бериш ёки беришни рад қилиш ҳақида хўжалик суди ажрим чиқаради ва уни тарафларга юборади. Ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ суд ҳужжатининг ижросини кечикириш ёки уни бўлиб бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги аризани бериш ҳуқуқига ундирувчи, қарздор ва суд ижрочиси эгадирлар (ХПКнинг 217-моддаси). Суд ижрочиси бу ҳуқуқقا хўжалик судининг ўзи ижро жараёнини олиб бораётган суд ҳужжатларига нисбатан эгадир.

Суд ижрочисининг ўзи мустақил тарзда суд ҳужжатининг ижросини кечикириш ёки уни бўлиб бўлиб ижро этиш, ижро усули ва тартибини ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас. Ижро этишни қийинлаштирадиган ёки имконсиз қиласидиган ҳолатлар (табиий оғатлар, ундириладиган мол-мулкнинг мавжуд эмаслиги, қарздорнинг bemорлиги ва ҳоказо) мавжуд бўлганда, суд ижрочиси бу ҳақда акт тузади ва бу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда судьяга суд ҳужжатини ижросини кечикириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш масаласини ҳал қилиш учун тақдим этади.

Хўжалик суди ўз ташаббуси билан суд ҳужжатининг ижросини кечикириш ёки уни бўлиб – бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш масаласини ҳал этиши мумкин эмас.

Суд ҳужжатининг ижросини кечикириш ёки уни бўлиб бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш ҳақидаги ариза ижро этиш муддати ўтгунича берилиши мумкин.

Санаб ўтилган масалаларни ижро этилиши керак бўлган ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судигина ҳал этиши мумкин. Бу биринчи инстанция суди ёки, агар ҳал қилув қарорини ўзгартирган ёки янги қарор қабул қилган бўлса, апелляция инстанцияси суди бўлиши мумкин.

Агар кассация ёки назорат тартибида ҳал қилув қарори ўзгартирилган ёки янги қарор қабул қилинган бўлса, ушбу қарорнинг ижро этилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар низони биринчи инстанцияда кўрган суд томонидан ҳал этилади.

Суд ҳужжатининг ижросини кечикириш ёки уни бўлиб – бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш ҳақидаги ариза суд мажлисида кўриб чиқилади. Унинг ўтказилиш жойи ва вақти ҳақида ундирувчи ва қарздор хабардор қилинади, аммо уларнинг келмаганлиги масалани кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди. Суд ижрочиси ариза у томонидан берилганда ёки хўжалик суди унинг иштирокини зарур деб топганда хабардор қилинади.

Суд ҳужжатининг ижросини кечикириш ёки уни бўлиб – бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш масаласи хўжалик судининг

ажрими билан ҳал этилади. Ариза қаноатлантирилганда ҳам, у рад этилганда ҳам ажрим устидан шикоят қилиш мумкин.

Суд ҳужжатини ижросини кечикитириш ёки уни бўлиб – бўлиб ижро этиш деганда гап ижро этиш муддатини ўзгартириш ҳақида боради. Шу билан бирга бу тушунчаларни фарқлай олиш керак. Суд ҳужжатини ижросини кечикитириш ижро этишини қонун ёки хўжалик суди белгилаган бир муддатдан бошқасига кўчиришни назарда тутади. Бўлиб – бўлиб ижро этиш эса қарздорга ўзига юклатилган мажбуриятни тўлалигича қонун ёки хўжалик суди белгилаган муайян муддатда эмас, қисмларга бўлиб ижро этиш ҳуқуқини беради, айни пайтда ҳар бир қисмни ижро этиш учун аниқ сана ёки вақт оралиги белгиланган алоҳида муддат ўрнатилади.

Ижро варақасини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш деганда ижронинг бир турини бошқаси билан ламаштириш назарда тутилади. Масалан, мол-мулкни бериш мажбурияти қарздордан пул маблағи ундириш билан алмаштирилиши мумкин.

Хўжалик процессуал кодексида қайси шарт – шароитлар суд ҳужжатининг ижросини кечикитириш ёки уни бўлиб – бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришга сабаб бўлиши мумкинлиги кўрсатилмаган. Хўжалик суди ҳар бир аниқ ҳолатда уларнинг зарурлиги ҳақидаги масалани ҳал этиши мумкин. Айни пайтда ундирувчининг ҳам, қарздорнинг ҳам манфаатлари ҳисобга олиниши лозим. Ижро муддатини кечикитириш кўпинча биноларни бўшатиш, бинодан чиқариш билан боғлиқ ишларда қўлланилади.

Аммо ижро этишини кечикитириш меъёрий акт билан бевосита кўзда тутилган ҳоллар ҳам мавжуд: агар ундириш қарздорнинг мол-мулкига қаратилган бўлсаю, унга нисбатан банкротлик масаласи кўрилгунча, сўнг эса банкротлик ҳақидаги қонунчилик назарда тутган тартибда тугатилгунча кечикирилади.

Ижро этиш тартибини ва усулини ўзгартириш зарурияти кўпинча мол-мулкни натурада бериш ишлари муносабати билан юзага келади. Бундай қарорларни бажариш пайтида маълум бўлиши мумкинки, олиб берилиши керак бўлган мол-мулк амалда бўлмайди, шунда унинг қийматини ундириш масаласи пайдо бўлади.

ХПК 139–моддаси талабига кўра хўжалик суди мол-мулк топширилиши керак бўлганда нафақат топшириладиган мол-мулкнинг номини кўрсатади, балким унинг қийматини ҳам белгилаши керак. Агар ижро этиш жараёнида мол-мулкнинг йўқлиги аниқланса, суд ижрочиси (бундай қарорлар суд ижрочиси томонидан ижро этилади) бу ҳақда акт тузилади ва, шундан сўнг ХПКнинг 217-моддасида кўзда тутилган тартибда мулкнинг ўрнига унинг қийматини ундириш ҳақида ариза берилиши мумкин. Шундай ариза асосида чиқарилган ажримга асосланиб янги ижро варақаси берилади, у банкка ёки бошқа кредит муассасасига тақдим этилиши мумкин.

Мол-мулкнинг қиймати ХПКнинг 217-моддаси талабларига кўра ажрим чиқариладиган пайтдаги нархларда баҳоланиши керак; асосий воситаларга нисбатан уларнинг йиллик қайта баҳоланиши ҳисобга олиниши лозим. Худди

шу қоидалар ундирувчи топширилган мол-мулкни унинг қадрсизлангани, бузилганлиги ёки алмаштирилганлиги туфайли олишдан бош тортган ҳолларда ҳам қўлланилади.

Қарздордан пул маблағлари ёки мол-мулкни ундириш эмас, маълум ҳаракатларни содир қилиш талаб этилган қарорлар ижросида, агар қарздор бу ҳаракатларни бажармаса, шундай пайтларда ҳам ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришга тўғри келиши мумкин. Конунга мувофиқ ундирувчига бундай ҳаракатларни, агар ҳаракатлар характеристи имкон берса, қарздор хисобидан ўзи амалга ошириш ҳукуқи берилиши мумкин. Хўжалик суди ўзининг ҳал қилув қароридаёқ агар жавобгар ҳал қилув қарорини бажармаса, давъогар тегишли ҳаракатларни жавобгар хисобидан ундан зарур ҳаражатларни ундириб олган ҳолда амалга оширишга ҳақли эканлигини кўрсатиши мумкин (ХПК 142-моддасининг 2 -қисми). Агар ҳал қилув қарорида бундай кўрсатма бўлмаса, тегишли ҳаракатларни содир қилиш ҳукуқи ундирувчига ХПК 217-моддасида кўзда тутилган тартибда берилиши мумкин.

Қарздорга маълум ҳаракатларни содир қилиш мажбуриятини юкловчи пул маблағларини ундириш ёки мол-мулкни топшириш билан боғлиқ бўлмаган қарорлар суд ижрочиси томонидан ижро эттирилади. Уларга кўра қарздорга ижро этиш муддати белгиланади. Муддат хўжалик суди ёки суд ижрочиси томонидан тайинланиши мумкин. Агар қарор бу муддатда ижро этилмаса, суд ижрочиси бу ҳақда далолатнома (акт) тузади, шундан сўнг ундирувчи ХПКнинг 217-моддасида кўзда тутилган тартибда судга ижрони қарздор хисобидан амалга оширишга рухсат берувчи ажрим чиқаришни сўраб, ариза билан мурожаат этиши мумкин.

Қарорда кўрсатилган ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ амалдаги ҳаражатлар қарздордан хўжалик судининг ажрими асосида ундирилади.

ХПК 218-моддасининг биринчи қисми қарздордан пул маблағларини ундириш ҳақидаги ижро варақаси тақдим этилган банк ёки бошқа кредит муассасасининг суд ҳужжатини ижро этмаганлиги учун жавобгарликни ўрнатади.

Хўжалик суди банк ёки бошқа кредит муассасасига ХПКнинг «Суд жарималари» тўғрисидаги 13-бобида кўзда тутилган қоидалар асосида жарима солади. Жарима солиш тўғрисидаги масала ижро этилмаётган суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик суди мажлисида кўрилади. Мажлисининг жойи ва вақти ҳақида жарима солиниши керак бўлаётган банк ёки бошқа кредит муассасаси, шунингдек қарздор ва ундирувчи хабардор қилинади. Тегишли тарзда хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги мазкур масалани кўришга тўскىнлик қилмайди.

Банк ёки бошқа кредит муассасасининг масъулияти масаласи манфаатдор томони – ундирувчи тарафидан қўйилиши мумкин, аммо қонун мазкур масала хўжалик суди томонидан ўз ташаббусига кўра кўрилишини ҳам ман қилмаган. Хўжалик судининг бундай ҳукуқи нафақат томонларнинг ўз поймол этилган ҳукуқларини тиклашдаги мустақиллиги, томонларнинг қонун

олдида тенг ҳуқуқлилиги тамойилларига монелик қилмайди, балким суд хужжатининг ҳаққоний ижро этилиши талабларига ҳам жавоб беради.¹⁰⁴

Жарима солиш тўғрисидаги масалани кўриш натижаларига кўра ажрим чиқарилади. Унинг устидан шикоят қилиниши мумкин, шу жумладан жарима солинган банк ёки бошқа кредит муассасасида ҳам нудай ҳуқуқ мавжуддир.

Солинадиган жариманинг аниқ миқдори хўжалик суди томонидан белгиланади, у ундирилиши керак бўлган сумманинг 50 фоизигача бўлиши мумкин, айни пайтда суд ўз хужжатининг ижро этилмаганлигига сабаб бўлган барча ҳолатларни ҳисобга олиши керак. Жарима қарздорнинг ҳисоб ракамида маблаг бўлиб ҳамда банк ёки бошқа кредит муассасаси уни ўчириш имконига эга бўла туриб кўчирмаган ҳолда солинади.

Хўжалик суди томонидан банк ёки бошқа кредит муассасасига солинган жарима давлат бюджетига ва хўжалик судларини ривожлантириш фондига ўтказилади.

ХПКнинг 218-моддаси шунингдек ижро варақасида кўрсатилган ҳаракатларни бажариш зиммасига юклатилган шахс ана шу ҳаракатларни бажармаганлиги учун ҳам жавобгарликни ўрнатади. Унга энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз баробаригача жарима солиниши мумкин. Бу шахслар ушбу ҳаракатларни бажариш хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан айнан уларга юклатилган бўлгандагина масъулиятга эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида тергов қилишга ва суд ишларини ҳал қилишга аралashiш ва суд қарорини бажармаслик одил судловга қарши жиноятлар сирасига киритилган. Шундай қилиб, Жиноят кодексининг 232-моддасига мувфиф мансабдор шахснинг суд ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорини қасдан бажармаслиги ёхуд уларнинг бажарилишига тўскенилик қилиши, - энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ХПКнинг 219-моддаси ундиришни тўла ёки қисман рад этиш тўғрисидаги суд хужжатининг қайтарма ижросини тартибга солувчи меъёрларни белгилайди.

Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори (ажрим, қарор), гарчанд қайта кўриш пайтида ҳал қилув қарори (ажрим, қарор) аллақачон ижро этилган бўлсада, кассация инстанциясида, назорат тартибида ёки янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқилиши мумкин. Бундай шарт-шароитларда шундай ҳолатлар ҳам бўлиши мумкинки, аллақачон ижро этилган ҳал қилув қарорлари бекор қилинади ёки ўзgartiriladi, даъво аризаларини қаноатлантириш рад қилинади ёки улар кам ҳажмда қаноатлантирилади ёки иш юритиш тугатилади ёхуд даъво кўрмасдан қолдирилади. Шунинг учун суд хужжатининг қайтарма ижроси институти кўп қўлланилади. Ундириш асоси йўқ бўлгани туфайли томонлар низоли масала бўйича дастлабки ҳолатга келтирилади. Собиқ

¹⁰⁴ М.Абдусаломов, Ф.Отахонов. Суд хужжатларини ижро этиш. (Хўжалик процессуал кодексига шархлар) Хўжалик ва ҳуқуқ. 1999 йил 6 сон. 22 - б

қарздорга бекор қилинган суд хужжати бўйича ундирувчига бериш учун ундан олинган барча нарсалар (пул маблағлари, мол-мулк) қайтарилиши керак. Мол-мулкни қайтариш имкони бўлмаган ҳолатларда унинг қиймати қопланади. Биноларни бўшатиш ҳақидаги ишларда улар жавобгарга қайтариб берилади.

Шундай қилиб, суд хужжатининг қайтарма ижроси қўйидаги шартлар бўлганда амалга оширилади: 1) суд хужжати (тўла ёки қисман) ижро этилган бўлса; 2) суд хужжати бекор қилинган ёки ўзгатирилган бўлса; 3) янги қарор қабул қилиниб, даъво (тўла ёки қисман) рад этилган бўлса ёки иш юритишни тугатиш ёхуд даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилган бўлса.

Қайтарма ижро қарор ёки ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг амалга оширилади.

1-илова

Тавсия қилинаётган раҳбарий ва маҳсус адабиётлар

1. Раҳбарий адабиётлар

Каримов И.А. Ўзбекистон-келажаги буюк давлат. Т.: Ўзбекистон, 1992 йил;

Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон, 1992 йил;

Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. Т.: Ўзбекистон, 1993 йил;

Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.: Ўзбекистон, 1993 йил;

Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: 1993 йил;

Каримов И.А. Янги уй курмай туриб, эскисини бузманг. Т.: Ўзбекистон, 1993 йил;

Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: Ўзбекистон, 1994 йил;

Каримов И.А. Дехқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи. Т.: Ўзбекистон, 1994 йил;

Каримов И.А. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик. Т.: Ўзбекистон, 1994 йил;

Каримов И.А. Иқтисодий ислоҳот: масъулиятли босқич. Т.: Ўзбекистон, 1994 йил;

Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари Т.: Ўзбекистон, 1995 йил;

Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995 йил;

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997 йил;

Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998 йил;

Жамиятда тадбиркорлик рухини қарор топтириш – тараққиёт гарови.

Президент И.А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишлиланган йиғилишидаги нутқи //Халқ сўзи. 2001 - 18 июл

Адолат - қонун устуворлигига. И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маърузаси.

//Халқ сўзи. 2001 - 30 август.

2. Маҳсус адабиётлар

Абдуллаев Ё., Т.Қоралиев. Пул: 100 савол ва жавоб //Т.: Мехнат – 1996 й.;

Абдуллаев., Фармонов Т., Ёқубов Н. Ширкатлар уюшмаси //Халқ сўзи. – 1994. – 6 июль;

Абдусаломов М. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик судлари //Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. 1998 – 35 б.;

Абдусаломов М., Отахонов Ф. Суд ҳужжатларини ижро этиш. (Хўжалик процессуал кодексига шарҳлар) //Хўжалик ва ҳукуқ. 1999 йил 6 сон;

Абдусаломов М., Рўзиназаров Ш. Назорат тартибида иш юритишда қонун меъёрларини кўллашнинг айrim процессуал жиҳатлари //Хўжалик ва ҳукуқ, 2000 й., №6

- Абдусаломов М. Тадбиркор суд химоясида //Т.: Адолат, 2001 (Тадбиркор хуқуқий кутубхонаси), 2-сон;
- Абова Т.Е. Охрана прав предприятий //М., 1982;
- Абова Т.Е. Производственные кооперативы в России. Правовые проблемы теории и практики //Государство и право. 1998. № 8;
- Авдеев М., Кобзев Е. Как действует рынок ценных бумаг //Закон.1997. № 7;
- Агарков М. Понятие хозяйственного права в германской литературе //Право и жизнь. 1924. № 5;
- Агарков М.М. Учение о ценных бумагах //М., 1993;
- Адилходжаева С. Государственная поддержка малого и среднего предпринимательства //Т.: Адолат, 2001 (Юридическая библиотека предпринимателя), №6;
- Азизов Х. Тадбиркорнинг мулк хуқуқи //Хўжалик ва хуқуқ, 1998 - №2 – 34 б.;
- Азимов М. Хўжалик суди томонидан ҳал этиладиган низолар (Хўжалик процессуал кодексига шарҳлар) //Хўжалик ва хуқуқ - 1999 й, 1 – сон;
- Азимов Ч.Н. Гражданин. Предпринимательство. Закон //Харьков. Основа 1991. 48 б.;
- Акционер ва тадбиркорнинг маълумот берувчи қўлланмаси //Муаллифлар ҳайъати: Б.А.Ходжаев, Ш.Р.Гафуров ва бошқалар //Т. 1997 - 137 б.;
- Акционерное общество и товарищество с ограниченной ответственностью. Сборник зарубежного законодательства //М., 1995;
- Александров А. Умышленное банкротство //Экономика и жизнь. 1994. № 45. С. 16;
- Алексеев М.Ю. Рынок ценных бумаг. //М.: Финансы и статистика, 1992;
- Алексеев С.С., Яковлев В.Ф. Правовое регулирование хозяйственных отношений //Советское государство и право. 1979. № 3. С. 61-69;
- Алимов А. Кичик корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш //Хўжалик ва хуқуқ - 2000 - № 12 – 31 б.;
- Алимов И. Юридик шахсларни тугатиш //Хўжалик ва хуқуқ, 2001 й., №12;
- Алкычев А. Политика цен и воздействие на экономические процессы //Экономист. 1998. № 5;
- Амосов С. О вероятности и достоверности выводов арбитражного суда //Хозяйство и право. 1997. № 12;
- Амосов С. Роль суда в арбитражном процессе //Хозяйство и право. 1995. № 2;
- Амосов С. Федеральный арбитражный суд округа //Хозяйство и право. 1996. № 8;
- Амосов.С. Предмет доказывания в арбитражном процессе //Хозяйство и право. 1997. № 9;
- Анасянц С.А., Основы функционирования рынка ценных бумаг //М.: «Контур» 1998;

Андреев В. Договоры в предпринимательской деятельности //Российская юстиция, 1995, № 4;

Андреев В. Создание акционерного общества и контроль за его деятельностью //Хозяйство и право. 1996. № 4;

Андреев В.К. Гражданский кодекс РФ и новейшее законодательство //Государство и право. 1996. № 4;

Андреев В.К. Основы предпринимательского права в России //М., 1992;

Андреев В.К. Право собственности в России //М., 1993;

Андреев В.К. Правосубъектность хозяйственных органов: сущность и реализация //М.: Изд-во Наука. 1996;

Андреев В.К. Проблемы правового регулирования рынка ценных бумаг //Государство и право. 1997. № 3;

Андреев В.К. Рынок и закон //Хозяйство и право. 1993. №5;

Андреев В.К. Основы предпринимательской деятельности //М., 1995;

Андреев С.Е., Сивачева И А., Федотова А.И. Договор: заключение, изменение, расторжение //М., 1997;

Андреев Ю. Рассмотрение земельных споров //Хозяйство и право. 1997. № 8, 9;

Андреев Ю.Н. Рассмотрение имущественных споров участников хозяйственных товариществ и обществ //Государство и право. 1998. № 4;

Андреева Л.В. Продажа товаров //М.: ИНФРА-М., 1997;

Андреева Т. О подведомственности дел арбитражным судам //Хозяйство и право. 1997. № 8, 9;

Анисимов А.. Крылов Г. Возрождение госконтроля в Российской Федерации //Хозяйство и право. 1995. № 5;

Андроев И. Тадбиркорлик концессияси ёки франчайзингни қандай тушунмоқ керак //Хўжалик ва хуқуқ, 1999 й., №9;

Андроев И. Тадбиркорни ҳимоя қилиш лозим //Хўжалик ва хуқуқ, 2001 - №4;

Андроев И., Мадрахимов А. Банк муасасаларининг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда иштироки //Хўжалик ва хуқуқ, 2000 й. №10;

Анохин В. Государственное регулирование предпринимательства //Хозяйство и право. 1995 - №4;

Анохин В. Договор поставки в рыночной экономике //Хозяйство и право. 1996 - №9;

Анохин В. Новое арбитражное законодательство: защита интересов предпринимателей и проблемы //Хозяйство и право. 1996 - №1;

Анохин В.С. Арбитражное процессуальное право России //М.: ГИЦ Владос. 1999;

Ансон В. Договорное право //М., 1984;

Ануфриева Ю.А. Пять вариантов реорганизации //Экономика и жизнь, 1996 - № 3;

Арбитражный процесс. Учебное пособие //Под ред. Р.Е. Гукасяна и В.Ф. Тараненко. М., 1996;

Аскназий С. Очерки хозяйственного права СССР //Л., 1926;

Асьянов Ш. Юридик шахс тушунчаси ва унинг хуқуқ лаёқати //Хўжалик ва хуқуқ - 2000 -№10-11;

Аъзамхўжаев С. Япония: кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-куватлаш //Хўжалик ва хуқуқ, 1996 - №12;

Аюбов У. Фермер хўжаликларини ташкил этишни тартибга солиш //Т.: Адолат (Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси) 20-сон;

Бадалбоев А. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунчилигига гаров масалалари //Хўжалик ва хуқуқ, 1996 - №12;

Байтенова АА. Закон о финансово-промышленных группах: проблемы толкования и применения //Труды МГЮА. 1998 - №3;

Бакшинскас В.Ю. Договорные обязательства: теория и практика. Практическое пособие для руководителя и бухгалтера //М., 1997;

Банкротство. Стратегия и тактика выживания. Часть 1: Как избежать банкротства //М., 1993;

Баренбойм П.Д. Пути развития рынка ценных бумаг//Российская юстиция. 1997. №4;

Баренбойм П.Д. Как превратить должника в банкрота? //Московские новости. 1995 - №5;

Баренбойм П.Д. Правовые основы банкротства //М., 1995;

Баренбойм П.Д. Закон РФ «О несостоятельности (банкротстве) предприятий». Критический анализ //Советская юстиция. 1993 - №12;

Баренбойм П.Д. Комментарий нового законодательства //Советская юстиция. 1993 - №11;

Басин Ю.Г., Покровский Б.В., Сулейменов М.К., Правовые формы хозяйственного расчета в строительные организациям //Олмаота, 1978;

Батлер У.Э. Основные черты российского открытого акционерного общества и американской корпорации //Государство и право. 1998 - №7;

Батунин М. Соотношение фондового рынка и рынка ценных бумаг //Хозяйство и право. 1996 - №5;

Бахрах Д., Кролис Л. Взыскание недоимок и пени с налогоплательщиков //Хозяйство и право. 1995 - №9, 10;

Бахрах Д., Кролис Л. Законность применения санкций за нарушение налогового законодательства //Хозяйство и право. 1996 - №3;

Башкинскас В.Ю., Николаев С.А., Скапенкер М.Ю. Нематериальные активы: правовое регулирование, учет, налогообложение //М., 1998;

Бекмуродов Т. Ўзбекистон Республикасида жамоа тадбиркорлиги асосидаги жамоа корхоналари //Хўжалик ва хуқуқ, 2000 - №4;

Белинский Е. К вопросу о правовой природе ответственности по налоговому законодательству //Хозяйство и право. 1995 - №8, 9;

Белов А.П. Обеспечение исполнения обязательств во внешнеторговых сделках //Право и экономика. 1996 - №7;

Белов А.П. Правовые способы защиты коммерческих интересов российских предпринимателей в экспортно-импортных контрактах //Право и экономика. 1997 - №13, 14;

- Белов В. Понятие, сущность и составление векселей: некоторые практические проблемы //Хозяйство и право. 1997 - №5, 6;
- Белов В.А. Ценные бумаги. Вопросы правовой регламентации //М., 1993;
- Белокрылова О., Клавдиенко Т. Экономико-правовой статус кредитного товарищества как нового субъекта финансового рынка //Хозяйство и право. 1997 - №10;
- Белоусов И. К вопросу о правовом регулировании отношений по договору поставки //Хозяйство и право. 1995 - №3;
- Белых В.С. Теория хозяйственного права в условиях становления и развития рыночных отношений в России //Государство и право. 1995 - №11;
- Белых Е.А. Качество товаров в английском договоре купли-продажи //М., 1991;
- Берсенев В., Соковых Ю. Законодательство о промышленности: состояние и перспективы //Хозяйство и право. 1995 - №7;
- Бобоқұлов С. Лизинг мұносабатларини хуқуқий тартибга солиш //Хўжалик ва хукуқ, 1999 - №5;
- Бобоқұлов С. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит бериш //Т.: Адолат, 2001 (Тадбиркор хуқуқий кутубхонаси) 13-сон;
- Богатых Е.А. Гражданское и торговое право //М., 1996;
- Богуславский М.М. Международное частное право //М.; Международные отношения, 1994 - 128 б.;
- Бозор қонунияти асослари (муаллифлар жамоаси) //Тошкент, 1996;
- Борисова Г., Кокорев Р. Трухачев С. Защита банка-банкрота //Российская юстиция, 1995 - №4;
- Брагинский М. Общие положения нового Гражданского кодекса //Хозяйство и право. 1995 - №6;
- Брагинский М., Суханов Е., Ярошенко К. Объекты гражданских прав //Хозяйство и право. 1995 - №5;
- Брагинский М. Подряд, выполнение научно-исследовательских, опытно-конструкторских и технологических работ, возмездное оказание услуг //Хозяйство и право. 1996 - №4, 5;
- Брагинский М., Ярошенко К. Граждане (физические лица). Юридические лица //Хозяйство и право. 1995 - №2;
- Брагинский М.И. Комментарий к Закону о несостоятельности (банкротстве) //Право и экономика. 1998. №4;
- Брагинский М.И. Хозяйственный договор: каким ему быть? //М., 1990;
- Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право //М., 1997;
- Брагинский М.М. Выделение юридического лица //Право и экономика, 1997 - №23, 24-93 б.;
- Братусь С.Н. К проблеме хозяйственно-административного права //Советское государство и революция права. 1930 - №11, 12;
- Брославский Л.И. Ответственность за качество. М., 1987;
- Брызгалин А. Актуальные вопросы применения ответственности за нарушение налогового законодательства: теория и практика //Хозяйство и право. 1997 - №7;

Брызгалин А. Вопросы применения ответственности за нарушения налогового законодательства и правоприменительная практика //Хозяйство и право. 1998 - №8;

Брызгалин А. Основание освобождения налогоплательщика от ответственности за нарушение налогового законодательства //Хозяйство и право. 1997 - №12;

Брызгалин А. Принципиальные вопросы возмещения убытков в виде упущеной выгоды: общие положения, процессуальный аспект, методика расчета //Хозяйство и право. 1994 - № 5;

Бубенчиков А. О правовом регулировании выпуска облигаций муниципальных заемов //Хозяйство и право. 1997 - №11;

Бублик В. Договор международной купли-продажи товаров. Как избежать ошибок при его оформлении и исполнении //Хозяйство и право. 1999 - №2;

Бублик В. Исполнение арбитражных решений: законодательство и практика его применения //Хозяйство и право. 1995 - №4;

Буздалов И. Кооперация в новой аграрной структуре //Международной сельскохозяйственный журнал. 1995 - №5;

Бунич П.Г. Банкротство станет выгодным и должникам, и кредиторам //Финансовые известия. 1998 - 26 февраль;

Бунич П.Г. Новый Закон о банкротстве: шансов для спасения больше //Экономика и жизнь. 1998 - № 4;

Бусыгин А.В. Предпринимательство (основной курс) //М., 1997;

Быков А.Г. Конституция РФ — основа формирования правовых категорий предпринимательского права //Труды юрид. ф-та МГУ. Вып. 1. М., 1994;

Быков А.Г. Предпринимательское право: проблемы формирования и развития //Вестник МГУ. Серия 11. Право. 1993 - №6;

Васильев А.М. Правовые категории. Методологические аспекты разработки системы категорий теории права //М., 1976;

Васильев Е. А. Правовое регулирование конкурсного производства в капиталистических странах: Учебное пособие //М., 1989;

Васильев Е.А. Правовое регулирование несостоятельности и банкротства в гражданском и торговом праве капиталистических государств //Учебное пособие, М., 1983;

Васькин В. Возмещение реального ущерба и упущеной выгоды //Хозяйство и право. 1994 - №4;

Вахнин И. Виды условий договора с учетом нормативно-правового регулирования //Хозяйство и право. 1998 - №10;

Вахнин И. Об основаниях формирования условий договора в предпринимательской деятельности //Хозяйство и право. 1999 - №3;

Вахнин И. Учет соотношения частного и публичного порядка регулирования при определении условий договоров //Хозяйство и право. 1998 - №11;

Венедиктов А.В. Государственная социалистическая собственность //М.: Л., 1948;

Весенёва НА. Знакомьтесь — Закон о банкротстве //Экономика и жизнь. 1998- №5. С. 21;

Весенёва НА. Кредитор в лабиринтах банкротства, или что следует знать при обращении в суд //Экономика и жизнь. 1998- №25;

Весенёва НА. О некоторых вопросах практики применения Закона о несостоятельности (банкротстве) //Право и экономика. 1998 - №7;

Весенёва НА. Руководство для несостоятельных должников, или как грамотно стать банкротом //Экономика и жизнь. 1999- №1;

Весенёва НА. Сделки управляющего / «Под колпаком» у кредиторов //Экономика и жизнь. 1999- №2 -с.26;

Весенёва НА. Требования, предъявляемые к заявлению должника //Экономика и жизнь. 1999 - №2;

Викторов И. Надзор за исполнением законодательства о несостоятельности (банкротстве) предприятия //Законность. 1998 - №1;

Вилкова Н. Унификация коллизионных норм в сфере международных коммерческих контрактов //Хозяйство и право. 1997 - №12;

Вильчур Н. Некоторые вопросы толкования и применения Федерального закона «О бухгалтерском учете» //Хозяйство и право. 1998 - №11;

Виноградова Е. Законодательство о третейском суде //Хозяйство и право. 1992 - №10;

Виноградова Е. К вопросу о так называемом «статусе» постоянно действующего третейского суда //Хозяйство и право. 1994 - №3;

Виноградова ЕА. Альтернативное разрешение споров //Вестник Высшего Арбитражного Суда РФ. 1997 - №8;

Витин А. Рынок ценных бумаг и инвестиции: кризис и предпосылки его преодоления //Вопросы экономики. 1998 - №9;

Витрянский В. Новое законодательство о несостоятельности (банкротстве) //Хозяйство и право. 1998 - №3;

Витрянский В. Новый Гражданский кодекс и суд //Хозяйство и право. 1997 - №6;

Витрянский В. Новый Гражданский кодекс и судебная практика //Хозяйство и право. 1995 №7;

Витрянский В. Ответственность за нарушение обязательств //Хозяйство и право. 1995 - №11;

Витрянский В. Проценты по денежным обязательствам как форма ответственности //Хозяйство и право. 1997 - №8;

Витрянский В. Реорганизация и ликвидация юридических лиц: забота об интересах кредиторов//Закон. 1995 - №3 - с.98;

Витрянский В. Существенные условия договора //Хозяйство и право. 1998 - №7;

Витрянский В.В. Банкротство: долгая процедура «ускорения» //Экономика и жизнь. 1998 - №29;

Витрянский В.В. Банкротство: ожидания и реальность //Экономика и жизнь. 1994 - №49;

Витрянский В.В. Гражданский кодекс о юридических лицах //Вестник Вышего арбитражного суда. 1995 - №5;

Витрянский В.В. Договоры купли-продажи, мены, аренды, безвозмездного пользования, перевозки, транспортной экспедиции. Расчеты. //М., 1996;

Витрянский В.В. Когда спорят должники и кредиторы //Закон. 1993 - №7;

Витрянский В.В. Новое законодательство о несостоятельности (банкротстве) //Хозяйство и право. 1998 - №3, 4;

Витрянский В.В. Правовые средства преодоления кризиса неплатежей //Закон. 1995 - №1;

Витрянский В.В. Реформа законодательства о несостоятельности (банкротстве) //Вестник Вышего Арбитражного Суда. 1998 - Спец. приложение к №2;

Вобликов В. Об ответственности за исполнение решений арбитражных судов сторонами, участвующими в деле //Хозяйство и право. 1995 - №4;

Вольдман Ю. Об особенностях правового регулирования труда в крестьянском (фермерском) хозяйстве //Хозяйство и право. 1998 - №3;

Вольф В.Ю. Основы хозяйственного права //М., 1928;

Вольфсон Ф.И. Хозяйственное право //М., 1927;

Воронкин И. Ценообразование в строительстве //Экономист. 1998 - №1;

Вылегжанина Е. Ответственность за прошлый экологический ущерб, вызванный хозяйственной деятельностью //Хозяйство и право. 1998 - №8;

Гавзе Ф. Основные начала нашего хозяйственно-трудового права //Еженедельник советской юстиции. 1923 - №28;

Гаврилов И. Решение арбитражного суда //Хозяйство и право. 1998 - №5;

Гаврилов Э.П. Права на интеллектуальную собственности в новом Гражданском кодексе РФ //Государство и право. 1995 - №11;

Гаджиев Г. Конституционные гарантии предпринимательской деятельности //Хозяйство и право. 1995 - №4, 8;

Гаджиев Г. Конституционные основы предпринимательства //Хозяйство и право. 1994 - №11;

Гаджиев ГА. Защита основных экономических прав и свобод предпринимателей за рубежом и в РФ //М., 1995;

Гаджиев ГА. Пепеляев С.Г. Предприниматель. Налогоплательщик //Государство. Правовые позиции Конституционного Суда Российской Федерации. М., 1998;

Германское право, ч. 1 и 2. //М., 1996;

Гинцбург Л.Я. Курс советского хозяйственного права, Т. 1 //М., 1935;

Гойхбарг А. Хозяйственное право //М.-Пг., 1923. Т. 1;

Голофаев В. Субъекты права на фирменное наименование //Хозяйство и право. 1998 - №12;

Голубков А. Облигации //Хозяйство и право. 1997 - №3, 4;

Голубков А.Ю. Правовое регулирование рынка ценных бумаг //Государство и право. 1997 - №2;

- Гончарова Н. Как взыскать убытки в виде упущенной выгоды //Хозяйство и право. 1995 - №9;
- Гордон В.М. Система советского торгового права //Харьков, 1927;
- Горохова К.Г., Семеко Г.В. Государственно-монополистическое регулирование промышленности //М., 1986;
- Гражданский кодекс РФ. Научно-практический комментарий // Отв. ред. Т.Е. Абова, А.Ю. Кабалкин, В.П. Мозолин. М., 1996. Ч. 1;
- Гражданское и семейное право развивающихся стран //М., 1989;
- Гражданское и торговое право капиталистических государств //М., 1993;
- Гражданское и торговое право капиталистических стран //М., 1980;
- Гражданское право. Учебник. 2-е изд. Под ред. Е.А. Суханова //М., 1998.
- Т. 1;
- Гражданское право. Часть 1. Учебник. Под ред. Ю.К. Толстого, А.П. Сергеева //М.: Изд-во ТЕИС, 1996;
- Гражданское право: А20. Оñ 1: О÷åáíèê. Оòâ. ðåä. ѫðîô. Å.À.Ñóðàíâ //Ì.: ÅÅÊ, 1998;
- Гражданское, торговое и семейное право капиталистических стран: Сборник нормативных актов: Законодательство о компаниях, монополиях и конкуренции //М., 1987;
- Грачев В. Акцепт векселя //Хозяйство и право. 1995 - №4, 5;
- Грачев В. Ограниченный акцепт векселя //Хозяйство и право. 1996 - №12;
- Григоренко С. Проблемы гражданско-правового статуса индивидуального предпринимателя //Хозяйство и право. 1999 - №5;
- Гришаев С.П., Аленичева Т.Д. Банкротство. Законодательство и практика применения в России и за рубежом //М., 1993;
- Грось Л. Залог: вопросы гражданского права и гражданского процесса //Хозяйство и право. 1996 - № 7;
- Грызунов В., Подольный Н. Профессиональная и предпринимательская деятельность на рынке ценных бумаг //Хозяйство и право. 1997 - №3;
- Гуев А.Н. Становление и развитие отечественного законодательства о предпринимательской деятельности 1986-1994 гг. //М., 1997;
- Гукасян Р.И. Как кончить дело миром //Закон. 1993 - №7;
- Дўстбобоев А.Б. Фуқаролик кодексини хўжалик судлари амалиётида қўллашнинг баъзи масалалари //Хўжалик ва хуқуқ, 1998 - №12;
- Дўстбобоев А.Б. Хўжалик юритувчи субъектларни банкротлик (ночорлик) даражасига олиб келганлик учун жавобгарлик //Хўжалик ва хуқуқ, 1999 - №9;
- Дедиков С. Публичный договор //Хозяйство и право. 1997 - №11;
- Демин А. Государственные контракты //Хозяйство и право. 1997 - №9;
- Демушкина Е. Некоторые различия в подходах к законодательному регулированию рынка ценных бумаг //Хозяйство и право. 1995 - №4;
- Денчик Н. Иностранные инвестиции как правовая форма обновления хозяйственных связей //Хозяйство и право. 1996- №6 - 47 б.;
- Дикопольский М., Тимохов Ю. Закон «Об акционерных обществах»: опасность противоречий //Хозяйство и право. 1996- №11;

- Дойников И.В. Предпринимательское (хозяйственное) право //М. 1998;
- Долинская В.В. Акционерное право //М. 1997;
- Долинский В.В. Закон об акционерных обществах: органы юридического лица //Государство и право. 1996- №7. 58- б.;
- Доронина Н.Г. Развитие российского законодательства о внешней торговле //Право и экономика. 1996- № 5-6;
- Дорошенко Н. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иқтисодий суди //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1997 й., №10;
- Единообразный торговый кодекс США //М., 1969;
- Елькин С. Состав имущества акционерного общества //Хозяйство и право. 1997 - №6;
- Елькин С.К. Правовое регулирование имущественных отношений акционерных обществ //Государство и право. 1998 - №1;
- Енькова Е.Е. Банкротство индивидуального предпринимателя: на пути между гражданином и юридическим лицом //Экономика и жизнь. 1999 - №11;
- Еременко В.И. Законодательство о пресечении недобросовестной конкуренции в зарубежных странах //М., 1997;
- Ермошин Г.Н. Закон о государственном предприятии трудовой коллектив, администрация, работник //М.: Московский рабочий. 1989;
- Ершова И. Деятельность предприятия по формированию себестоимости продукции //Закон. 1994 - №7;
- Ершова И.В. Имущество и финансы предприятия: правовой регулирование. Учебно-практическое пособие //М., 1999;
- Ершова И.В., Иванова Т.М. Предпринимательское право //М. Юриспруденция. 2000;
- Есниязов Е.К. Масъулиятсизлик учун жавобгарлик //«Корхоналар банкротлиги ва санаацияси масалалари» хабарномаси. 2000 - №10 (21);
- Ефименко Е. Налогообложение, учет и отчетность для малых предприятий //Хозяйство и право. 1997- №2;
- Ефимова Л. Ответственность банков при осуществлении ими инкассовых операций //Хозяйство и право. 1995- №12;
- Ефимова Л.Г. Банковское право //М.: БЕК, 1994;
- Ефимова Л.Г. О соотношении вещных и обязательственных прав //Государство и право. 1998- №10;
- Ефимова Л.Г. Ответственность и распределение убытков в расчетных отношениях //Государство и право. 1995- №12;
- Ефремов Л. О некоторых вопросах применения международных договоров о взаимном оказании правовой помощи в работе арбитражных судов //Хозяйство и право. 1998- №3;
- Жамен К., Лакур Л., Торговое право //М., 1993;
- Жилинский С.Э. Правовая основа предпринимательской деятельности. Предпринимательское право //М., 1998;
- Жилинский С.Э. Предпринимательское право (правовая основа предпринимательской деятельности) //М.: 1999;

Жуков В.М. Судебная защита прав граждан и юридических лиц //М., 1997;

Завидов Б. О некоторых противоречиях арбитражного процессуального законодательства //Хозяйство и право. 1997- №9;

Загребнев С. Подведомственность споров с участием иностранных инвесторов — юридических лиц //Хозяйство и право. 1996- №8;

Загребнев С. Апелляционная и кассационная инстанция арбитражных судов: общее и различие //Хозяйство и право. 1997- №2;

Зайцев И.М. Сущность хозяйственных споров //Саратов, 1974;

Заменгоф З.И. Правовой режим материальных и финансовых ресурсов в хозяйственных системах //М., 1987;

Заменгоф З.М. Расторжение и изменение хозяйственного договора //М., 1967;

Звеков В. Участие РФ, субъектов РФ, муниципальных образований в отношениях, регулируемых гражданским законодательством //Хозяйство и право. 1998- №5;

Зимненко В. Халқ корпорацияси //Халқ сўзи – 1993. – 8 апрель;

Зинченко С А., Лапач В.Л. Субъект предпринимательства как юридическое лицо //Государство и право. 1995- №7;

Зинченко С., Казачанский С., Зинченко О. Акционерное законодательство: испытание практикой //Хозяйство и право. 1998- №10, 11;

Зинченко С., Лапач В., Газарьян Б. Банкротство и правоприменительная практика //Хозяйство и право. 1996- №5;

Зинченко С., Лапач В., Газарьян Б. Новый Гражданский кодекс и предпринимательство //Хозяйство и право. 1995- №10;

Зинченко С., Лапач В.. Газарьян Б. Парадоксы правосубъектности предприятий //Хозяйство и право. 1995 - №1;

Зинченко С., Лопач В., Газарьян Б. Статутная взаимосвязь субъектов предпринимательства //Хозяйство и право. 1994- №3;

Знаменский ГЛ. Общественный хозяйственный порядок и законодательство //Государство и право. 1994- №4;

Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи //Тошкент, «Адолат», 1996 й;

Зокиров И., Баратов М. Тадбиркорлик: манфаат ва масъулият //Т.: Адолат, 2002 (Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси), 18-сон;

Зубарев Л.В. Интеллектуальная собственность и свободное движение товаров //Государство и право. 1998- №1;

Зыкин И. Споры с участием предприятий с иностранными инвестициями в практике Международного коммерческого арбитражного суда при ТПП РФ //Хозяйство и право. 1995-№5;

Ибратов Б. Ҳусусий тадбиркорнинг ҳуқуқ ва бурчлари //Т.: Адолат, 2001 (Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси) 5-сон;

Ибратов Б. Тадбиркорликнинг келиб чиқиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари //Хўжалик ва ҳуқуки, 2001 - №8;

Иванов И.Л. Ответственность управляющих перед акционерным обществом (Опыт России и Германии) //Государство и право. 1998- №11;

Игнатенко В.Н. Гражданко-правовые вопросы индивидуальной предпринимательской деятельности в сфере материального производств, оказания бытовых и социально-культурных услуг. Автореф. дисс... к.ю.н. //Харьков. 1991;

Ионова Ж. Лицензии и договоры в природопользовании //Хозяйство и право. 1996- №11;

Ионова Ж. Новый закон «О лицензировании отдельных видов деятельности»: изменения, продиктованные жизнью //Хозяйство и право. 1999- №2;

Иоффе О.С. Договоры в социалистическом хозяйстве //М., 1964;

Исаев И А. Становление хозяйственно-правовой мысли в СССР //М., 1986;

Исаев И А. Становление хозяйственно-правовой мысли в СССР (20-30-е годы) //М., 1984;

Исмоилов Н. Бозор муносабатлари шароитида шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлашда неустойканинг аҳамияти //Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001 - №5;

Исмоилов Н. Гаров – мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг ишончли воситаси //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 - №1;

Исмоилов Н. Гаров ҳуқуқининг вужудга келиши //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 - №7;

Интеллектуальная собственность //Новосибирск, 1993;

Ичтовкин Б.Н. Малые формы хозяйствования //М.: Экономика. 1991;

Кабатов В. Из практики международного коммерческого суда Торгово-промышленной палаты РФ //Хозяйство и право. 1994- №3;

Казаков В. Налоги и предпринимательство //Хозяйство и право. 1995- №7;

Калинина Л. Правовое регулирование несостоятельности (банкротства) сельскохозяйственных организаций //Хозяйство и право. 1998- №7;

Камоликова С. Лицензии на осуществление отдельных видов деятельности: права или разрешения? //Хозяйство и право. 1998- №9;

Карасе А. Правовые формы государственной промышленности в условиях новой экономической политики //Советское право. 1923- №1 (4);

Карасева М. Налоговое законодательство и правосубъектность физического лица //Хозяйство и право. 1996- №7;

Каримов А. Чет эл инвестицияли корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида //Хўжалик ва ҳуқуқ, 2000 - №10;

Карлусов В.В. Частное предпринимательство в Китае //М., 1996;

Кашанина Т.В. Предпринимательство (правовые основы) //М. Юр. лит. 1995;

Кашанина Т.В. Хозяйственные товарищества и общества: правовое регулирование внутрифирменной деятельности //М., 1995;

Каюров С. Индивидуальный предприниматель в арбитражном процессе //Хозяйство и право. 1996- №9;

Клеандров М.И. Арбитражный процесс //Тюмень, 1996;

Клеандров М.И. Внутрихозяйственные правоотношения: что это такое? //Советская юстиция. 1990- №17;

Клейн Н.И. Концепция развития арбитражного процессуального законодательства //Концепции развития российского законодательства. М., 1998;

Клейн Н.И. Краткий комментарий к Арбитражному процессуальному кодексу //Законодательство и экономика. 1995- №19/20;

Князев Д. Ответственность за просрочку платежа по договору купли-продажи продукции для предпринимательской деятельности //Хозяйство и право. 1995- №6;

Коваленко Б. О возмещении убытков вследствие инфляции //Хозяйство и право. 1994- №6;

Коган Э.Э. Законодательство о банкротстве //ЭКО. 1994- №10;

Кожевников Р. Дедова И. Государственная инновационная политика и ее финансовое обеспечение //Вопросы экономики. 1998- №12;

Козленко Н.Н. Рынок и предприятие //М.: Агропромиздат, 1992;

Козырин А. Комментарий Таможенного кодекса Российской Федерации //Хозяйство и право. 1995- №10-12;

Козырин А. Федеральный закон «О государственном регулировании внешнеторговой деятельности» //Хозяйство и право. 1998- №1-7;

Козырин Н. Природоохранительные вопросы предпринимательской деятельности //Хозяйство и право. 1997- №6;

Кокорев Р., Комиссарова Ю. Соотношение Закона «О несостоятельности (банкротстве)» с кодифицированными актами //Экономика и жизнь. 1998- №29;

Коломийченко О., Лукъянова Н. Рынок недвижимости в свете антимонопольных правил //Хозяйство и право. 1997- №2;

Комаров А.С. Ответственность в коммерческом обороте //М., 1991;

Комментарий к Хозяйственному процессуальному кодексу Республики Узбекистан. //Авт. коллектив: М.Э.Абдусаломов. М.К.Азимов, Х.Бурхонходжаев и др. Ташкент. Издательский дом. «Мир экономики и права». 2001;

Комментарий к Арбитражному процессуальному кодексу РФ //М., 1995;

Комментарий к Федеральному закону «Об акционерных обществах», Под ред. Г.С. Шапкина //М., 1996;

Комментарий к Федеральному закону «Об обществах с ограниченной ответственностью». Рук. авт. колл. и отв. ред. В.В. Залесский //М., 1998;

Коммерческое право. Под ред. В.Ф. Попондопуло и В.Ф. Яковлевой //СПб., 1998. Ч. 2;

Коммерческое право России. Под ред. Б.И. Пугинского //М., 1999;

Кондратов Н. О некоторых особенностях практического применения Федерального закона «Об акционерных обществах» //Хозяйство и право. 1998- №9, 10;

Константинов А. Правовое обеспечение энергосбережения и охрана окружающей среды //Хозяйство и право. 1997- №3;

Корнеев А.П., Петров Г.И. Вопросы совершенствования хозяйственного законодательства //Правоведение. 1978- № 4- 33 с.;

Коровайко А. Реорганизация юридических лиц: проблемы правового регулирования //Хозяйство и право. 1996- №11;

Котин В. Ответственность за незаконное предпринимательство //Законность, 1995 -№4- 15 с.;

Котов БА. Предприниматель и органы власти. Справочник. М., 1998.

Кочура В. Изъятие имущества у собственника без решения суда //Хозяйство и право. 1996- №8;

Крашенинников Е. Обыкновенные именные ценные бумаги //Хозяйство и право. 1996- №12;

Крашенинников Е. Осуществление прав по бумагам на предъявителя //Хозяйство и право. 1995- №9;

Крашенинников Е. Срок платежа по векселю //Хозяйство и право. 1994- №12;

Кремер Ю. К вопросу о форме векселей //Хозяйство и право. 1996- №9;

Кремер Ю. О санкциях по векселям //Хозяйство и право. 1997- №5,6.;

Кретов С. Правовая основа предпринимательской деятельности //Хозяйство и право – 1991 - №8-13;

Круглава Н.Ю. Хозяйственное право //М., 1997;

Кувшинов Е.С. Нормативное регулирование защиты внутреннего рынка от нечестных методов торговли //Государство и право. 1997- №7;

Кудинов Ю., Кузовкин А. Соотношение российский и мировых цен на энергоносители //Экономист -1997- №6;

Кузнецов А.В. Федеральный закон «О государственной регистрации прав на недвижимое имущество и сделок с ним»: за и против //Государство и право- 1998- №2;

Кулагин И.И. Государственно — монополистический капитализм и юридическое лицо //М- 1987;

Кулагин М.И. Предпринимательство и право: опыт Запада //Изд-во Дело, 1992с. 49-50;

Куликова Л. Досудебный (претензионный) порядок урегулирования споров //Хозяйство и право- 1996- №8;

Куприна Е. Законодательство о банкротстве (Аннотированный перечень нормативных актов) //Закон. 1998- №6;

Курбатов А. Вопросы применения финансовой ответственности за нарушение налогового законодательства //Хозяйство и право. 1995- №1 ,2;

Курбатов А. Закон РФ «О несостоятельности (банкротстве) предприятий» //Хозяйство и право- 1994- №5;

Курбатов А. Основные формы взаимодействия гражданского и налогового законодательства //Хозяйство и право- 1996- №6;

Кучер А.Н. Внешнеэкономическая деятельность РФ и субъектов РФ: проблема разграничения полномочий //Государство и право- 1998- №11;

- Лазар Я. Собственность в буржуазной правовой науке //М., 1985;
- Лазарева Т.И. Штрафные санкции в хозяйственных отношениях //М., 1987;
- Лазарева Т.П. Валютное регулирование экспортно-импортных операций //Право и экономика. 1997- №9;
- Лапач В., Новикова Г., Государственная регистрация предпринимательства: принципы и законодательное регулирование //Российская юстиция- 1994- №8. 13-15 с.;
- Лаптев В.В. Акционерное право //М.: Контракт, 1999;
- Лаптев В.В. О предпринимательском законодательстве //Государство и право- 1995- №5;
- Лаптев В.В. Введение в предпринимательское право //М., 1994;
- Лаптев В.В. Предпринимательское право: понятие и субъекты //М. Юристъ, 1997;
- Лаптев В.В. Создать четкую систему хозяйственного законодательства //Российская юстиция- 1994- №5;
- Лаптев В.В. Хозяйственное право — право предпринимательской деятельности //Государство и право- 1993- №1;
- Лаптев В.В. Экономика и право //М. 1981;
- Ларичев В., Улейчик В. Банкротство: закон принят, вопросы остаются //Экономика и жизнь- 1993- №15;
- Ласк Г. Гражданское право США (Право торгового оборота) //М., 1961;
- Лебедев К. Понятие, состав и правовой режим кредиторской задолженности //Хозяйство и право- 1998- №11;
- Лехтинен Л. Закрытое АО: проблемы формулировок законов и уставов //Хозяйство и право- 1998- №5;
- Лехтинен Л. Правовые формы предпринимательства на основе Гражданского кодекса России //Хозяйство и право- 1995- №8;
- Ли А. Правовое регулирование предпринимательской деятельности //Т.: Адолат, 2001 (Юридическая библиотека предпринимателя, 12);
- Лившиц Н. Процедура возбуждения производства по делам о несостоятельности (банкротстве) и ликвидации юридических лиц и индивидуальных предпринимателей //Хозяйство и право 1995- №9, 123 с.;
- Лившиц Н.Г. Особенности банкротства градообразующих организаций //Бизнес-адвокат- 1999- №2;
- Лившиц Н.Г. Разбирательство дел о банкротстве в арбитражном суде //Вестник Высшего Арбитражного Суда. 1998. Спец. приложение к №2;
- Лилсиц И.В. Коммерческое ценообразование //М.: БЕК, 1997;
- Ломакин Д. Правовое регулирование передачи акций //Хозяйство и право- 1996- №8, 9;
- Ломакин Д.В. Акционерное общество: вопросы представления интересов //Право и экономика. 1997. №1;
- Лорин А.Н. Ценообразование во внешнеэкономической деятельности промышленной фирмы //М.: Международные отношения, 1993;

- Лубенченко К.Д. Основные проблемы и перспективы развития банковского законодательства //Деньги и кредит. 1996. № 9;
- Лунц Л.А., Братусь С.Н. Вопросы хозяйственного договора //М., 1954;
- Магазинер Я.М. Советское хозяйственное право //М., 1928;
- Мадрахимов А. Курилиш пудрати шартномасига оид қонун хужжатларини қўллаш бўйича суд амалиётининг айрим масалалари //Хўжалик ва хуқуқ, 2001 й. №2;
- Майфат А.В. Ценные бумаги (сравнительный анализ понятий в правовых системах России и США) //Государство и право. 1997. № 1;
- Макарова Е.В. Правовые положение внутрипроизводственных структурных подразделений государственных предприятий промышленности в условиях перехода к рыночным отношениям. Автореф. дисс... к.ю.н. //М.: 1991;
- Макин Г. Павленко В., Хицков И. Сельскохозяйственные предприятия в системе кооперационных связей и отношений АПК //АПК; экономика и управление. 1995. № 8;
- Малеин Н.С. Имущественная ответственность в хозяйственных отношениях //М., 1968;
- Малеин Н.С. Современные проблемы юридической ответственности //Государство и право. 1994. № 6;
- Малеин Н.С. Юридическая ответственность и справедливость //М., 1992;
- Мамай В. Еще раз об акциях и выплате дивидендов //Хозяйство и право. 1995. № 6;
- Мамай В. Особенности рассмотрения споров, вытекающих из земельных отношений //Хозяйство и право. 1995. № 7;
- Мамай В.И. К понятию и признакам акционерного общества //Государство и право. 1996. № 11;
- Мамутов В.К. Кодификация хозяйственного законодательства Украины в новых экономических условиях //Государство и право. 1994 - №6;
- Мамутов В.К. Сближение современных систем правового регулирования хозяйственной деятельности //Государство и право. 1996 - №8;
- Мамутов В.К. Совершенствование правового регулирования хозяйственной деятельности //Киев, 1982;
- Мананикова Р.П. Правовой статус членов семьи по советскому законодательству (цивилистический аспект) Автореф. дисс. д.ю.н. //М. 1990;
- Мартемьянов В.С. Хозяйственное право. М., 1994. Т. 1. (Мартынов. Е. К) вопросу о советском торговом праве //Еженедельник советской юстиции. 1924 - №16;
- Мартемьянов В.С. Общие положения советского хозяйственного права //М., 1983;
- Мартемьянов В.С. Юридическая трагедия //Юридическая газета. 1991 - №1, 2;
- Мартемьянов В.С. Охрана прав покупателя, заказчика и клиента //М., 1983;
- Мартемьянов В.С. Хозяйственное право. Курс лекций //М., 1994 - Т.1;

Масевич М.Г. Орловский Ю.П. Павлодский Е.А. Комментарий к Федеральному закону «О несостоятельности (банкротстве)» //М., 1998;

Масевич М.Г., Павлодский Е.А., Орловский Ю.П. Комментарий к Федеральному закону «О несостоятельности (банкротстве)» //Право и экономика. 1998 - №7;

Масевич М.Г., Павлодский Е.А. Правовое регулирование несостоятельности (банкротства) //Право и экономика. 1997 - №5, 6;

Матвеев Г.К. Основания имущественной ответственности частных предпринимателей //Государство и право. 1993 - №9;

Маттеи У., Суханов Е.А. Основные положения права собственности //М., 1999;

Медведев А. Хозяйственный договор и налогообложение //Хозяйство и право. 1998 - №2, 3;

Медведев А. Чем торговля розничная отличается от оптовой? //Хозяйство и право. 1998 - №8;

Медведев Д.А. Проблемы реализации гражданской правосубъектности государственного предприятия //Автореф. дисс... к.ю.н. Л.: 1990;

Менеджмент и рынок: германская модель //Под ред. У. Рора и С. Долгова. М., 1995;

Метелёва Ю. Общее собрание акционеров: его роль и возможности влияния акционеров на принимаемые решения //Хозяйство и право. 1998 - №2;

Метелёва Ю. Право акционера на дивиденд //Хозяйство и право. 1998 - №7;

Метелёва Ю.А. Правовое положение акционера в акционерном обществе - М: Статут. 1999;

Минц С. Основные вопросы советского промышленного права //Советское право. 1926 - №3 (21);

Миркин Я.М. Ценные бумаги и фондовый рынок //М.: Перспектива, 1995;

Михеева Л. Ценные бумаги и денежные средства как объекты доверительного управления //Хозяйство и право. 1998 - №9;

Можайко В.Н. Хозяйственный договор в СССР //М., 1962;

Мозолин В.П., Фарнсворт ЕЛ. Договорное право СССР и США //М., 1988;

Моисеев М. Предпринимательская деятельность граждан: понятие и конституционные признаки //Хозяйство и право. 1997 - №3;

Морозова Л. Государство и собственность (проблемы межотраслевого института) //Государство и право. 1996 - №12;

Мўминов Т. Таъдбиркорлик ва қонунчилик //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1998 - №9;

Назаров Ю.. Ўзбекистон Республикасида Қимматли қоғозлар тўғрисида қонунчилик //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1996 - №6, 7, 8-9, 10-11;

Нам К. Ответственность за нарушение обязательств: теория и законодательство //Хозяйство и право. 1997 - №4;

Нам К. Сущность гарантийных обязательств в договоре купли-продажи //Хозяйство и право. 1997 - №8-9;

Нам К., Горбачев Д. Конституционные гарантии охраны права собственности //Хозяйство и право. 1997 - №11;

Нарышкина Р. Доверительная собственность в праве Англии, США //М., 1965;

Насриев И. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун ва унинг табиати ҳамда банкротлик ишларини судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 - №2;

Насриев И. Хорижий мамлакатлар арбитраж судлари қарорларининг Ўзбекистонда тан олиниши ва ижро этилиши тўғрисида //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1997 - №8-9;

Наумов И. Предмет и система хозяйственного права как юридической дисциплины //Вестник советской юстиции. 1926 - №7;

Немец Ю. Движимое и недвижимое имущество //Хозяйство и право. 1998 - №6;

Нигматов А. Тадбиркорликнинг экологик-ҳуқуқий асослари //Т.: Адолат, 2001 (Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси, 9-сон);

Никитина О.А. Конкурсное производство //Закон, 1998 й., №6;

Ниёзов М. Якка тартибдаги тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятлари //Хўжалик ва ҳуқуқ, 2000- №8;

Ниёзов М. Хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертиздан ўтказишнинг аҳамияти //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 - №4;

Новиков С., Амосов В. Сущность векселей и порядок их учета //Хозяйство и право. 1998- №10;

Новоселова Л. Вексель. Проблемы практического использования //Хозяйство и право. 1995- №6;

Новоселова Л.А. Договор и расчеты //Хозяйство и право. 1990- №6;

Новосельцев О. Интеллектуальная собственность в уставном капитале //Хозяйство и право- 1994. №7;

Ноздрачев А. Статус предпринимателя //Хозяйство и право. 1994- №1;

Носырева И.Е. Экономические споры: суд, арбитраж или примирение //Государство и право- 1998- №9;

Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 - №11-12;

Оқюлов О.. Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқни шакллантириш тўғрисида //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1996 - №6;

Оқюлов О. Тадбиркорларнинг мулкий жавобгарлиги //Т.: Адолат, 2001 (Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси), 15-сон;

Овсейко С. Ответственность банков при осуществлении международных расчетов //Хозяйство и право- 1998- №11;

Одилхўжаева С. Ўзбекистонда мулк исолоҳотининг ҳуқуқий асослари //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1998 - №7;

Олейник О.М. Правовые основы лицензирования хозяйственной деятельности //Закон. 1994- №6;

Олейник О.М. Правовые проблемы банковской тайны //Хозяйство и право. 1997- №6, 7;

Основные институты гражданского права зарубежных стран. Сравнительно-правовое исследование. Под ред. В.В. Залесского //М., 1999;

- Основы немецкого торгового и хозяйственного права //М., 1995;
- Остроумов Г.С. Правовое осознание действительности //М., 1969;
- Отахонов Ф. Ҳуқуқий хизматда талабнома ва даъво ишлари //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1997 - №7;
- Отахонов Ф. Сельские предприниматели должны уметь защищаться //Сельское хозяйство Узбекистана, 1995- №5;
- Охунжонова М. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг ҳуқуқий асослари //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1997 - №5;
- Павлодский Е. Залог и ипотека //Хозяйство и право. 1997- №2;
- Павлодский ЕА. Обжалование актов Центрального банка РФ //Право и экономика. 1996- №5, 6;
- Панкратов П.А. Правовое положение совместных предприятий как юридических лиц в СССР //Автореф. дисс. к.ю.н. 1991;
- Парций Я. Закон РФ «О сертификации продукции и услуг» //Хозяйство и право. 1994. № 2; 1995- №1-4;
- Пенцов Д.Л. Сущность акции //Правоведение- 1992- №4;
- Петрова В.В. Мировое соглашение //эж-ЮРИСТ. 1998- №6;
- Петрова В.В. Новый Закон о банкротстве и несостоятельности //Бизнес-адвокат. 1998- №3;
- Петрова В.В. О праве Банка России обращаться в арбитражный суд с заявлением о несостоятельности (банкротстве) коммерческого банка //Бизнес и банки. 1998- №3;
- Петрова С. Пути совершенствования законодательства о банкротстве //Хозяйство и право- 1996- №10;
- Писарева И. Концепция альтернативного разрешения споров в России //Хозяйство и право- 1998- №9;
- Платонова Н. Правовое регулирование деятельности акционерных обществ: некоторые проблемы нормотворчества //Хозяйство и право. 1997 - №5, 6, 7;
- Платонова С.Ю. Управление предприятиями в условиях рынка //Вестник МГУ. Серия 6. Экономика. 1992 - №3;
- Плиев Э.Г. Правовые проблемы предпринимательства в России. Цивилистический аспект //М.: Проспект, 1999;
- Подвцнская Е. Проблемы совершенствования нормативной базы организации рынка ценных бумаг //Хозяйство и право. 1995 - №2;
- Полонский Ю.Д. Предприниматель без образования юридического лица //М.: Изд-во «Ось» - 89. 1996;
- Полуйчик Н. Некоторые вопросы, возникающие при рассмотрении дел о защите деловой репутации банков в арбитражной практике //Хозяйство и право. 1997 - №12;
- Поляков Ю. Об основаниях оставления иска без рассмотрения в арбитражном процессе //Хозяйство и право. 1996 - №9;
- Попов Л. Ответственность за неисполнение денежного обязательства //Хозяйство и право.-1997 №8;

Попондопуло В.Ф. Коммерческое право //Изд-во Санкт-Петербургского университета. 1998;

Попондопуло В.Ф. Понятие коммерческого права //Государство и право. 1993 - №8;

Постатейный комментарий к Федеральному закону «О несостоятельности (банкротстве)» //Вестник Вышего Арбитражного Суда. 1998 - №4-9;

Потяркин Д. Заключение договора //Хозяйство и право. 1997 - №11;

Потярник Д. Безналичные деньги — имущество? //Хозяйство и право. 1997 - №3;

Право Европейского Союза: правовое регулирование торгового оборота. Учебное пособие //Под ред. проф. В.В. Безбаха, доц. А.Я. Капустина, проф. В.К. Пучинского. М., 1999;

Правовое положение предприятий в России / Под ред. академика В.В. Лаптева //М., 1993;

Правовое регулирование деятельности акционерных обществ (акционерное право). Учебное пособие. Под ред. Е.П. Губина //М., 1998;

Правовое регулирование предпринимательской деятельности / Под ред. академика В.В. Лаптева //М., 1995;

Предпринимательские структуры в рыночной экономике //СПб., 1995;

Предпринимательское (хозяйственное) право. Под ред. О.М. Олейник. //М., 1999;

Предпринимательство в АПК. Под. ред. С.И. Грядова //М.: Колос – 1997;

Предпринимательское право. Курс лекций. Под ред. Н.И. Клейн //М., 1993;

Предпринимательство в конце XX века //М., 1992;

Прудникова Т., Голубев В. Банкротство: общие положения, наблюдение, управление, конкурс //Закон. 1998 - №6;

Пугинский Б.И., Сафиуллин Д.Н. Правовая экономика: проблемы становления //М., 1991;

Пунин Е.И. Ценообразование в международной торговле //М.: Международные отношения, 1986;

Пучинский В. Производство по делам с участием иностранных лиц //Хозяйство и право. 1996 - №4, 5;

Пятков Д. Государственное предприятие как предмет договора купли-продажи //Хозяйство и право. 1998 - №1;

Пятков Д. Отчуждение публичной собственности: вопросы правового регулирования //Хозяйство и право. 1998 - №6;

Пятков Д.. Договорная практика доверительного управления недвижимостью //Хозяйство и право. 1998 - №12;

Ражапов Р. Банкротлик түшүнчәси ва унинг субъектлари //Хўжалик ва ҳуқуқ, 2000 - №7;

Райхер В.К. Правовые вопросы договорной дисциплины в СССР //Л., 1958;

Рассудовский В.А. Проблемы правового регулирования инновационной деятельности в условиях рыночной экономики //Государство и право. 1994 - №3;

Расулов Р. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчилик //Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001 - №2;

Рахимов Д. Тадбиркорлик шартномалари бўйича жавобгарлик масалалари //Т.: Адолат, 2001
(Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси) 10-сон

Рахимов Д. Корхоналарни банкрот деб эътироф этишнинг суд амалиёти ҳақида //Хўжалик ва ҳуқуқ, 2000 - №11;

Рахимов М.З. Правовые проблемы достижения конечного результата предпринимательской деятельности //Автореф. дисс. на соис. уч. степ. д.ю.н. Душанбе. 2000 - 18 б;

Рахимов И. Давлат рўйхатидан ўтказиладиган битимлар ва уларнинг қўлланиш доираси //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 - №8;

Рахимов Ф. Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш кафолатлари //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 - №6;

Рахмонкулов X. Правовые формы регулирования имущественных отношений хозяйственных организаций //Т., 1976;

Рахмонкулов X. Договорные отношения в агропромышленном комплексе //Т.: Фан. 1989;

Рахмонкулов X. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. 1-жилд //Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқий дунёси», 1997;

Рахмонкулов X. Мустақиллик ва бозор-хўжалик қонунчилиги //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1996 - №1;

Рахмонкулов X. Олди-сотди шартномаси. Т.: Адолат, 2000;

Рахмонкулов X. Тадбиркорликнинг мулкий ва ҳуқуқий асослари тўғрисида //Хўжалик ва ҳуқуқ, 2000 - №11 - 16 б.;

Рахмонкулов X. Хусусий мулк ва тадбиркорлик //Т.: Адолат, 2001
(Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси), 1-сон;

Рўзиев Р. Тадбиркорлик ва лизинг //Т.: Адолат, 2002 (Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси), 19-сон;

Рўзиев Р. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг моҳияти ва аҳамияти //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 - №2;

Рўзиев Р. Корхона ижарасининг ҳуқуқий муаммолари //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1998 - №5;

Рўзиев Р. Тадбиркорлик фаолиятида шартноманинг аҳамияти ва шартномавий муносабатларни такомиллаштириш масалалари //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 - №8;

Рўзиев Р. Хўжалик шартномаси тушунчаси ва мазмуни //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 - №4;

Рўзиназаров Ш.Н. Қишлоқ хўжалигида акционерлик жамиятларини ташкил қилишнинг ҳуқуқий тартиби //Қонун ҳимоясида 1996 - №8 - 15 б.;

Рўзиназаров Ш.Н. Қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектларининг судга мурожаат қилиш ҳуқуки асослари //Мустақил Ўзбекистон ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари, 2000 - 61 б.;

Рўзиназаров Ш.Н. Дехқон хўжалигининг ҳуқуқий мақоми //Қонун ҳимоясида, 2000 - №3;

Рўзиназаров Ш.Н. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиётининг айрим масалалари //Хўжалик ва ҳуқуқ, 2000 - №12;

Рўзиназаров Ш.Н. Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома муносабатлари //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 - №5;

Рўзиназаров Ш.Н. “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунни суд амалиётида қўллашнинг процессуал жиҳатлари //Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001 - №6;

Рўзиназаров Ш.Н. Олди-сотди шартномаси //Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001 - №2;

Рўзиназаров Ш.Н. Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати //Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001 - №8;

Рўзиназаров Ш.Н. Хўжалик судларида суд ишларини юритишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари //Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001 - №12;

Рўзиназаров Ш.Н., К.Убайдиллоев. Суғурта билан боғлиқ низоларни ҳал қилишнинг муҳим жиҳатлари //Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001 - №4;

Рўзиназаров Ш.Н. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларининг судда ҳимоя қилиниши //Т.: Адолат, 2001 (Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси), 7-сон;

Рекламная деятельность: Учебник //Панкратов Ф.Г. и др. //М., 1998;

Рене Д. Основные правовые системы современности (Сравнительное право) //М., 1967;

Ривкин К. Новый Уголовный кодекс: ответственность за преступления в сфере экономики //Экономика и жизнь. 1996 - №4;

Ризаев М., Худайберганов З., Махмудов С., Дехқон (фермер) ассоциацияси хўжаликлари //Халқ сўзи, 1994 – 15 июль;

Романов О. Государственная регистрация прав на недвижимость и сделок с недвижимым имуществом: некоторые проблемы правоприменения //Хозяйство и право. 1998 - №8;

Рудашевский В.Д. Правовое положение финансово-промышленных групп: возможности и ограничения //Государство и право. 1998 - №2;

Рукавишникова И. Законодательные ограничения на совершение сделок с ценными бумагами //Хозяйство и право. 1997 - №10;

Рукавишникова И. Основные формы государственного воздействия на рынок ценных бумаг //Хозяйство и право. 1997 - №1,2;

Рутман Л. Правовое регулирование деятельности товарных бирж //Закон. 1992 - №9;

Рыжков О. Восстановление прав при утрате ценной бумаги //Хозяйство и право. 1995 - №7, 8;

Рынок ценных бумаг. Под ред. В.А. Галанова, А.И. Басова //М.: Финансы и статистика, 1996;

Рябов С. О внутренних противоречиях Закона о банкротстве: анализ законодательства //эж-ЮРИСТ. 1998 - №39;

Савкин С.Ф. Споры, возникающие из правоотношений собственности и аренды (судебно-арбитражная практика) //Государство и право. 1997 - №2;

Садиков О. Учредительный договор и его правовые особенности //Государство и право. 1994 - №6;

Сажин А.Ф., Смирнова Е.Е. Институты рынка //М., 1998;

Сальников Н. Соловьев В. Основные концепции законодательного регулирования рынка ценных бумаг //Хозяйство и право. 1995 - №1;

Сальников П., Соловьев В. Акции на фондовом рынке России //Хозяйство и право. 1995 - №4, 5;

Самохвалова Н., Василёнок М. Несостоятельность банков: процессуальные проблемы //эж-ЮРИСТ. 1998 - №5;

Сафиуллин Д. Статус Экономического Суда Содружества Независимых Государств и юридическая сила его решений //Хозяйство и право. 1998 - №7;

Сайитов Э. Тадбиркорликни рағбатлантириш //Т.: Адолат, 2001 (Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси), 4-сон;

Свердлов Г.М. К истории гражданского и хозяйственного законодательства //Советское государство и право. 1959 - №9;

Свит Ю. Восстановительные процедуры — способ предотвращения банкротства //Российская юстиция. 1998 - №3;

Сеглин Б. Арбитражная оговорка //Хозяйство и право. 1995 - №2;

Сеглин Б. Исполнение решений Международного коммерческого арбитражного суда при ТПП РФ и иных международных арбитражных судов //Хозяйство и право. 1998 - №10;

Семенкова Е.В. Операции с ценными бумагами: российская практика //М.: Перспектива; ИНФРА-М, 1997;

Семеусов ВА. Функции хозяйственного договора //Иркутск, 1979;

Семилютина Н.Г. Разрешение споров Арбитражной комиссией при ММВБ //Право и экономика. 1995 - №23, 24;

Сергеев В.И. Практика применения нового законодательства о банкротстве //Законодательство. 1999 - № 1;

Синдаров К. Фермерлар ҳуқуқини ҳимоя қилишда шартноманинг ўрни //Т.: Адолат, 2001 (Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси), 3-сон;

Систематизация хозяйственного законодательства //М., 1971;

Современные проблемы хозяйственного (предпринимательского) права //Государство и право. 1996 - №4;

Скловский К. О последствиях совершения руководителем сделок вопреки интересам организации //Хозяйство и право. 1998 - №5;

Скловский К. О судебном порядке взыскания штрафов за неприменение контрольно-кассовых машин //Хозяйство и право. 1997 - №7;

Скловский К.И. Собственность в гражданском праве //М., 1999;

Современные проблемы хозяйственного (предпринимательского) права. Материалы межвузовской научной конференции //Государство и право. 1996 - №4;

Солнцев В. Государственное регулирование цен и контроль за их применением //Экономист. 1996 - №9;

Сотрудничество по вопросам правового регулирования хозяйственной деятельности //М., 1993;

Ступаков Н.В. Государственное регулирование рынка ценных бумаг //Право и экономика. 1996 - №21, 22;

Стучка П.И. Курс советского гражданского права //М., 1927. Т. 1;

Сулейменов М.К. Договор в народном хозяйстве //Алма-Ата, 1987;

Суханов Е. Акционерные общества и другие юридические лица в новом гражданском законодательстве //Хозяйство и право. 1997 - №1;

Суханов Е. Гражданский кодекс в хозяйственной практике //Хозяйство и право. 1997 - №5;

Суханов Е. Закон об обществах с ограниченной ответственностью //Хозяйство и право. 1998 - №5;

Суханов Е. Общие положения о праве собственности и других вещных правах //Хозяйство и право. 1995 - №6;

Суханов Е. Производственный кооператив как юридическое лицо //Хозяйство и право. 1998 - №4;

Суханов Е. Реорганизация акционерных обществ и других юридических лиц //Хозяйство и право. 1996 - №1;

Суханов Е. Юридические лица //Хозяйство и право. 1995 - №3.

Суханов Е. Юридические лица. Государственные и муниципальные образования //Хозяйство и право. 1995 - №4;

Суханов Е.А. Общие положения о праве собственности и других вещных правах //Хозяйство и право. 1995 - №6;

Суханов Е.А. Право хозяйственного ведения, право оперативного управления //Хозяйство и право. 1995 - №7;

Суханов Е.А. Приобретение и прекращение права собственности //Хозяйство и право. 1998 - №6;

Суханов Е.А. Система юридических лиц //Государство и право, 1981 - №11;

Суханов Е.А. Хозяйственные общества и товарищества. Производственные и потребительские кооперативы //Вестник Высшего арбитражного суда. 1995 - №6;

Сухова Г.О. некоторых вопросах защиты права на товарный знак //Хозяйство и право. 1998 - №4;

Сыродоев Н.А. Регистрация прав на землю и другое недвижимое имущество //Государство и право. 1998 - №8;

Сыроедова О.Н. Акционерное право в США и России (Сравнительный анализ) //М., 1996;

Таль Л. Понятие и сущность хозяйственного права //Право и жизнь. 1924. Кн. 9;

Танчук И.А., Ефимочкин В.П., Абова Т.Е. Хозяйственные обязательства //М., 1970;

Тараненко В.Ф. Принципы арбитражного процесса //М., 1988;

Телюкина М.В. Внешнее управление и проблема правосубъектности юридических лиц //Юридический мир. 1997 - №12;

Теоретические проблемы хозяйственного права //М., 1975;

Тимохов Ю.А. Общества с ограниченной ответственностью и закрытие акционерных обществ //Государство и право. 1996 - №7;

Толстой Ю.К. Юридическая наука, хозяйственное право и хозяйственное законодательство //Правоведение. 1985 - № 5;

Толстой Ю.К., Сергеева А.П. «Гражданское право» //Издательство Тейс, часть 1, Санкт-Петербург, 1996;

Толстошеев В.В. Объединения предпринимателей (проблемы юридического статуса) //Государство и право. 1994 - №10;

Торговый кодекс Японии //М., 1993;

Торкановский Е. Организационно-правовые меры развития малого бизнеса //Хозяйство и право. 1998 - №5;

Торкановский Е. Особенности управления акционерными обществами с государственным капиталом //Хозяйство и право. 1997 - №8;

Торкановский Е. Финансово-промышленные группы: перспективы и проблемы //Хозяйство и право. 1996 - №4, 5;

Тотьев К. Правовой статус хозяйствующего субъекта, занимающего доминирующее положение на товарном рынке //Хозяйство и право. 1995 - №2;

Тотьев К. Права акционеров по действующему законодательству //Хозяйство и право. 1994 - №7;

Тотьев К.Ю. Новое в российском законодательстве: аффилированные лица //Хозяйство и право. 1999 - №1;

Тотьев К.Ю. Предприятие и его организационно-правовая форма //Государство и право. 1994 - №10;

Тотьев К. Уголовная ответственность за монополистическую деятельность //Хозяйство и право. 1998 - №5, 6;

Тотьев К.Ю. Государственная и естественная монополии //Закон.1995 - №4;

Тотьев К.Ю. Ненадлежащая реклама: законодательные запреты и ограничения //Хозяйство и право. 1996 - №1;

Тотьев К.Ю. Публичный договор //Хозяйство и право. 1995 - №6;

Тотьев К.Ю. Регулирование деятельности субъектов естественных монополий //Закон. 1997 - №12;

Тотьев К.Ю. Правовое положение органов регулирования деятельности субъектов естественных монополий //Труды МГЮА. 1998 - №3;

Тохиров Ф. Сифатсиз мадсулот чиқариш ёки сотиш учун жиной жавобгарлик //Қонун ҳимоясида, 2000 - №2;

Трахтенгерц Л.А. Новое в правовом регулировании договоров на выполнение научно-исследовательских, опытно-конструкторских и технологических работ //Законодательство и экономика. 1997 - №13, 14;

Трофимов К. Безналичные деньги. Есть ли они в природе //Хозяйство и право. 1997 - №3;

Трофимов К. Ликвидация юридических лиц: вопросы имущественной ответственности //Хозяйство и право. 1995 - №9;

Туболев Д. Государственные гарантии гражданам при увольнении из организаций, признанных банкротами //эж-ЮРИСТ. 1998 - №5;

Турсунов Й. Тадбиркорлик ва меҳнат қонунчилиги. – Т.: Адолат, 2002 (Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси), 16-сон;

Тўраев А. Юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 - №5;

Убайдуллаев З. Европа қонунчилигига олиш-сотиш шартномаси //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1996 - №10, 11;

Уваров А. О правовых основах создания и управления муниципальной собственностью //Хозяйство и право. 1998 - №10, 11;

Управление государственной собственностью. Под ред. В.И. Кошкина и В.М. Шупыро //М., 1997;

Управление и корпоративный контроль в акционерном обществе: Практическое пособие. Под ред. Е.П. Губина //М., 1999;

Усмоналиев М., Тохиров Ф. Тадбиркорлик ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик. – Т.: Адолат, 2001 (Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси), 14-сон;

Усмонов М. Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкати)нинг ердан фойдаланиш ҳуқуки //Хўжалик ва ҳуқуқ, 2000 - №4;

Усмонов М. Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуки //Т.: Адолат, 2001 (Тадбиркор ҳуқукий кутубхонаси), 11-сон;

Устюкова В.В. Правосубъектность крестьянского хозяйства //Сов.гос. и право, 1992 - №1;

Фалькович М. Арест арбитражным судом денежных средств ответчика как мера обеспечения иска //Хозяйство и право. 1998 - № 8;

Фалькович М. Судебные расходы //Хозяйство и право. 1996 - №2;

Фаршатов И. Возмещение ущерба, причиненного потравой посевов, захватом земель крестьянских (фермерских) хозяйств //Хозяйство и право. 1994 - №4;

Федотова Г.Л. Институт банкротства: новое правовое содержание //эж-ЮРИСТ. 1998 - №5;

Федчук В. Холдинг: эволюция, сущность, понятие //Хозяйство и право. 1996 - №11, 12;

Фисенко А. К вопросу о предпринимательской деятельности на рынке ценных бумаг //Хозяйство и право. 1997 - №11;

Фогельсон Ю.Б. О конституционной защите прав юридических лиц //Государство и право. 1996 - №6;

Франция: приватизация продолжается. М., 1996;

Фуқаролик ҳуқуқи, 1-том (Олий ўқув юртлари учун дарслик) //Олмаота, Козоғистон давлат юридик Академияси нашриёти, 2000;

Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар //Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи. 1997;

Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар //Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи. 1998;

Фуқаролик хуқуқи. Т.1 масъул мухаррир Е.А.Суханов раҳбарлигига //М.:1993;

Фурсов Д. Форма и содержание искового заявления //Хозяйство и право. 1996 - №7;

Хавина С. Государственное регулирование в современной смешанной экономике //Хозяйство и право. 1994 - №11;

Ҳайдаров Ё. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг хўжалик судлари амалиётида қўлланишининг баъзи масалалари //Хўжалик хуқуқи, 2000 - №6;

Ҳакимов Ш. Ўзбекистонда хўжалик муносабатлари тизимида халқаро тижорат ҳакамлиги //Хўжалик хуқуқи, 1996 - №2;

Халиқулов А.Р., Касимов Ш.И. Совместные предприятия: Создания и организация деятельности. Справочник коммерсанта //Т.; Нур. 1992;

Халфина Р.О. Современный рынок: правила игры //М., 1993;

Хозяйственное право. Под ред. В.С. Мартемьянова //М., 1994. Т. 2;

Хозяйственное право. Общие положения. Подред. В.В., Лаптева М. //Изд-во Наука, 1983;

Холбоев С. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунни амалиётга тадбиқ этиш хусусида айрим мулоҳазалар //Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 - № 9;

Холматов Р., Миронова О. Обеспечения исполнения обязательств//Российская юстиция, 1996 - №5;

Холмўминов Ж. Экологик қонун талабларини бузганлик учун фуқаровий-хуқуқий жавобгарлик муаммолари //Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001 - №2;

Хоскинг А. Курс предпринимательства М. 1993;

Хохлов В. Ответственность за пользование чужими денежными средствами //Хозяйство и право. 1996 - №8;

Хохлов ВА. Ответственность по обязательствам //М., 1990;

Хохлов С.А. Право собственности и другие вещные права //Вестник Высшего арбитражного суда РФ. 1995 - №8;

Хусусийлаштириш инвестиция фондлари (1-чиқиши), (муаллифлар жамоаси В.Чжен, А.Адбуқадиров, А.Расулов, Ш.Файзуллаев, В.Николаев) //Т.: 1996;

Чанкин В.В. Торговое право — современные тенденции //Государство и право. 1993 - №2;

Частное предпринимательство: основные понятия, теория и практика. //М., 1994;

Черникова Е.В. Государственное предпринимательство как одна из форм управления государственным сектором экономики //Юрист. 1998 - №5;

Черномерец А.Е. Право собственности на имущество крестьянского хозяйство //Государство и право. 1993 - №1 – с.59;

Черняев Г. Внутрихозяйственные отношения в сельскохозяйственных предприятиях и межфермерская кооперация //АПК: Экономика и управление. 1995;

Чувчило А.А. Хозяйственное право зарубежных стран //Киев. 1992 – с.48;

Чувчило АА Понятие хозяйственного права зарубежных стран //Донецк, 1995;

Шапакидзе И.Д. Правовые проблемы, дееспособности граждан в советском гражданском праве //Автореф. дисс. к.ю.н. Тбилиси. 1986;

Шапкина Г.С. Арбитражно-судебная практика применения Федерального закона «Об акционерных обществах» //М., 1997;

Шаров В. «Ноу-хау» - объект интеллектуальной собственности //Хозяйство и право. 1998 - №7;

Шеленкова Н.Б. Биржевые правонарушения //Законодательство. 1998 - №2, 3;

Шеленкова Н.Б. Россия и Германия: новое законодательство о банкротстве. Сравнительно-правовой анализ //Законодательство. 1998 - №7;

Шерстюк В. Исполнение актов арбитражных судов и иных органов //Хозяйство и право. 1996 - №3;

Шерстюк В. Обращение взысканий на имущество организаций //Хозяйство и право. 1996 - №5;

Шерстюк В. Полномочия апелляционной инстанции. Основания отмены решения //Хозяйство и право. 1997 - №4;

Шерстюк В. Предъявление апелляционной жалобы в арбитражный суд //Хозяйство и право. 1996 - №10;

Шерстюк В. Производство в арбитражном суде первой инстанции //Хозяйство и право. 1995 - №12;

Шерстюк В. Производство по пересмотру решений //Хозяйство и право. 1996 - №1,2;

Шерстюк В. Рассмотрение дела в апелляционной инстанции //Хозяйство и право. 1997 - №1;

Шершеневич Г.Ф. Учебник торгового права (по изданию 1914 г.) //М., 1994;

Шиткина И. Локальное правовое регулирование деятельности акционерного общества //Хозяйство и право. 1997 - №5;

Шиткина И. Правовое регулирование уставного капитала акционерного общества //Хозяйство и право. 1997 - №8;

Шишки И.В. Частная предпринимательская деятельность (уголовно-правовые проблемы) Автореф. дисс. к.ю.н. //Свердловск. 1987 – с.10;

Шкредов В.П. Экономика и право //М., 1990;

Шмелева Е. Законодательное регулирование фондовых бирж в России //Хозяйство и право. 1995 - №3;

Шодмонов Ф. Контрактация шартномасини бузганлик учун жавобгарлик //Хўжалик ва хуқуқ, 1999 - №8, 9;

Шодмонов Ф. Шартнома шакли ва унга риоя қилмасликнинг оқибатлари //Хўжалик ва хуқуқ, 2000 - №9;

Шорахметов Ш. Хўжалик процессида бошка шахсларнинг қонуний хуқуқ ва манфаатларини химоя қилувчи шахслар //Хўжалик ва хуқуқ, 2001 - №5;

Шретер В. Основы промышленного права СССР //Вестник промышленности, торговли и транспорта. 1923 - №7, 8;

Шретер В. Система промышленного права СССР //М., 1924;

Шретер В. Советское хозяйственное права (право торгово-промышленное) //М.-Л., 1928;

Штрасман Г. Неустойка вчера и сегодня //Хозяйство и право. 1994 - №4;

Шукурллаев А. Қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этишнинг хуқуқий асослари //Хўжалик ва хуқуқ, 1999 - №6;

Шукурллаев А. Юридик шахсни қайта ташкил этиш тушунчаси ва уни амалга ошириш усуллари //Хўжалик ва хуқуқ - 2000 - №5;

Шукурллаев А. Банкротлик ва санациялашнинг хуқуқий асослари //Т.: Адолат, 2001 (Тадбиркор хукукий кутубхонаси), 8-сон;

Щенникова Л. Банкротство в гражданском праве России: традиции и перспективы //Российская юстиция. 1998 - №10;

Щенникова Л.В. Вещные права в гражданском праве России //М., 1996;

Щербатюк Р. Опыт и проблемы использования векселей во взаиморасчетах юридических лиц и бюджета //Хозяйство и право. 1996 - №3;

Эволюция договорного права II Под.ред. Х.Рахманкулов //Т: «Мир, экономика и права», 1997;

Эргашев В. Якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларининг хуқуқий мақоми //Хўжалик ва хуқуқ, 2001 - №1;

Эрделевский А.М. О новом весельном законе //Государство и право. 1998 - №2;

Эрделевский А. О защите личных неимущественных прав акционера //Хозяйство и право. 1997 - №6;

Эрделевский А. О расчетах по аккредитиву //Хозяйство и право. 1997 - №3, 4;

Эрназаров У. Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари //Хўжалик ва хуқуқ, 1999 - №10;

Юлдашбаева Л. Правовая природа бездокументарных ценных бумаг //Хозяйство и право. 1997 - №10;

Яковлев В.Ф. Гражданский кодекс и государство //Гражданский кодекс РФ. Проблемы. Теория. Практика. М., 1998;

Яковлев В.Ф. Договор — главный регулятор в сфере экономики //Советская юстиция. 1993 - №19;

Яковлев В.Ф. Кооперативы сегодня и в будущем //М.: Юрид. лит., 1989;

Якушев В. Общие тенденции развития современного права перевозок грузов и их влияние на правовое регулирование смешанных перевозок //Хозяйство и право. 1996 - №9;

Якушев В. Экспедитор и перевозчик в российском праве: прошлое, настоящее и будущее //Хозяйство и право. 1996 - №1;

Якушев В.С. Юридическая личность государственного производственного предприятия //Свердловск. 1973;

Яркое В. Защита прав акционеров по Закону «Об акционерных обществах» с помощью косвенных исков //Хозяйство и право. 1997 - №12;

Яркое В. Обращение взыскания на имущество должника //Хозяйство и право. 1998 - №6;

Ярошенко К. Обязательства вследствие причинения вреда (глава 59 ГК) //Хозяйство и право. 1996 - №12;

Қимматли қоғозлар бозори (муаллифлар жамоаси Ш.Гофуров, Б.Беркинов, О.Пичугина) //Т; 1996;

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи. Масъул муҳаррирлар: Х.Р. Раҳмонқулов, М.Б. Усмонов. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2000;

Қозоғистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи дарслиги (умумий қисм) //Олмаота: «Былим» 1998;

Қораходжаева Д. О юридических лицах и их имущественных правомочиях //Давлат ва ҳуқуқ, 2000 - №1;

Қулматов М. Кредит муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатлари //Хўжалик ва ҳуқуқ, 2000 - №7.